



# REFERENCE AND INFORMATION SERVICES IN THE 21ST CENTURY

---

AN INTRODUCTION

---

2ND EDITION

---

KAY ANN CASSELL AND UMA HIREMATH

02  
K-27

02

# XXI АСРДА МАЪЛУМОТ ВА АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ

---

## КИРИШ

---

## ИККИНЧИ ТАҲРИР

---

КЕЙ ЭНН КАССЕЛ ВА УМА ХАЙРМАТ

Зуб. нр  
2040000



ТОШКЕНТ  
2014

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti  
172847  
Axborot Resurs Markazi

УЎК 021.13  
КБК 78.5  
К27

**Кассел, Кей Энн**

XXI асрда маълумот ва ахборот хизматлари / К.Э. Кассан, У. Хайрмат. — Тошкент: Baktria press, 2014. — 464 б.

XXI асрнинг шижоатли ва юксак маҳоратга интилувчи кутубхоначиларига бағишланган!

КБК 78.5

© Neal-Schuman Publishers, Inc., 2009  
© US Embassy in Tashkent, 2014  
© А. Исмоилов, 2014  
© Baktria press, 2014

ISBN 978-9943-4413-8-5



# Мундарижа

---

Муқаддима .....	xi
Миннатдорликлар .....	xix

## **БИРИНЧИ БЎЛИМ. АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР**

---

1	Маълумот ва ахборот хизматлари соҳасига кириш .....	3
	Этикадан хабардорлик ва ҳамкорлик .....	4
	Ахборот етказиш хизмат турлари .....	6
	Босма ва электрон форматдаги ахборотни танлаш ва баҳолаш .....	10
	Излаш воситалари ҳамда веб-сайтларни яратиш .....	12
	Кутубхоналар ва маълумот етказиш хизматларини илгари суриш ва маркетинг қилиш .....	12
	Ходимлар ва хизматларни баҳолаш .....	13
	Маълумот етказиш соҳасининг ўзгариб бораётган табиати .....	14
2	Саволни аниқлаш: ахборот етказиш учун юзма-юз, телефон ва виртуал интервью .....	17
	Маълумот бериш мақсадидаги интервьюни ўтказиш нега муҳим? .....	17
	Биз маълумот етказиб бериш жараёнидаги интервью ҳақида нималарни биламиз? .....	18
	Маълумот етказиш мақсадида интервью ўтказиш .....	19
	Маълумот беришга қаратилган интервьюдаги муаммоли стратегиялар .....	25
	Телефон орқали ўтказилувчи интервью .....	28
	Маълумот беришнинг виртуал услублари — электрон почта, чат ва СМС .....	29
	Баҳо бериш ва масъулият .....	32
	RUSA йўриқномаси — янги, янада интеграциялашган ёндашув .....	32
	Маданий фарқланишни тушуниш ва ҳурмат қилиш .....	34
	Малакани ошириш .....	34
	Келажакка нигоҳ. Юқори сифатли хизмат кўрсатиш .....	35
3	Тўғри жавобни топиш. Асосий излаш техникалари .....	41
	Жавоб топиш воситалари .....	41
	Биринчи қадам: жавобни таснифлаш .....	42
	Иккинчи қадам: жавобни тасаввур қилиш .....	45
	Учинчи қадам: синаб кўриш .....	46

Жавоб турлари .....	47
Маълумот етказиш жараёнида учровчи умумий хатолар .....	51
Жавобларни топиш .....	58

## ИККИНЧИ БЎЛИМ. АСОСИЙ МАЪЛУМОТ МАНБАЛАРИ

4 Китоблар, журналлар, газеталар, кутубхоналар, ноширлик ва библиографик тармоқлар — библиографик манбалар ҳақидаги саволларга жавоб бериш .....	65
Қисқача шарҳ .....	65
Маълумот бериш хизматида фойдаланилувчи энг йирик библиографик манбалар .....	67
Коллекцияни шакллантириш ва бошқариш .....	77
Қўшимча фикрлар .....	78
5 Ҳамма нарса ҳақидаги саволларга жавоб бериш — Энциклопедиялар .....	85
Қисқача шарҳ .....	85
Маълумот бериш жараёнида ишлатилувчи асосий энциклопедик манбалар .....	90
Коллекцияни шакллантириш ва бошқариш .....	102
Қўшимча фикрлар .....	105
6 Топиш осон бўлган фактларни талаб қилувчи саволларга жавоб бериш — тайёр маълумотли манбалар .....	111
Қисқача шарҳ .....	111
Маълумот бериш жараёнида ишлатилувчи асосий тайёр маълумотли манбалар .....	112
Коллекцияни шакллантириш ва бошқариш .....	124
Қўшимча фикрлар .....	125
7 Сўзлар ҳақидаги саволларга жавоб бериш — луғатлар .....	131
Қисқача шарҳ .....	131
Маълумот бериш жараёнида ишлатилувчи асосий луғатлар .....	132
Коллекцияни шакллантириш ва бошқариш .....	145
Қўшимча фикрлар .....	146
8 Воқеа-ҳодисалар, муаммолар, ўтмиш ва ҳозирги кун — кўрсаткичлар ва тўлиқ матнли маълумот базалари ҳақидаги саволларга жавоб бериш .....	155
Қисқача шарҳ .....	155
Маълумот бериш соҳасида фойдаланиладиган асосий кўрсаткичлар .....	157
Коллекцияни шакллантириш ва бошқариш .....	173
Қўшимча фикрлар .....	175
Яқуний фикрлар .....	176
9 Саломатлик, қонунчилик ва бизнес ҳақидаги саволларга жавоб бериш: махсус маълумотнома ва манбалар .....	183
Қисқача шарҳ .....	183

Маълумот бериш соҳасида фойдаланилувчи тиббиётга оид асосий манбалар . . . . .	187
Маълумот бериш ишида фойдаланилувчи асосий юридик ахборот манбалари . . . . .	195
Маълумот бериш ишида фойдаланилувчи асосий бизнес ахборот манбалари . . . . .	199
Коллекцияни шакллантириш ва бошқариш . . . . .	205
Қўшимча фикрлар . . . . .	208
<b>10</b> География, мамлакатлар ва саёҳат соҳаларига оид саволларга жавоб бериш: атласлар, географик маълумотномалар, хариталар, географик ахборот тизимлари, йўлномалар . . . . .	219
Қисқача шарҳ . . . . .	219
Маълумот бериш ишида фойдаланилувчи асосий ахборот манбалари . . . . .	220
Коллекцияни шакллантириш ва бошқариш . . . . .	231
Қўшимча фикрлар . . . . .	233
<b>11</b> Одамлар ҳаёти тўғрисидаги саволларга жавоб бериш — биографик ахборот манбалари . . . . .	239
Қисқача шарҳ . . . . .	239
Маълумот бериш ишида фойдаланилувчи асосий биографик манбалар . . . . .	240
Коллекцияни шакллантириш ва бошқариш . . . . .	249
Қўшимча фикрлар . . . . .	251
<b>12</b> Ҳукуматлар тўғрисидаги саволларга жавоб бериш — ҳукумат ахборот манбалари . . . . .	253
Қисқача шарҳ . . . . .	253
Маълумот бериш ишида фойдаланилувчи асосий ҳукумат нашрлари манбалари . . . . .	256
Коллекцияни шакллантириш ва бошқариш . . . . .	268
Қўшимча фикрлар . . . . .	269

**УЧИНЧИ БЎЛИМ. МАЪЛУМОТ ВА АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ИШИДАГИ МАХСУС МАВЗУЛАР**

---


<b>13</b> Интернет тармоғидан қачон ва қандай қилиб маълумот бериш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин? . . . . .	277
Фактлар . . . . .	277
Топишмоқлар . . . . .	277
Ечим . . . . .	278
Интернет ёрдамида маълумот бериш табиати . . . . .	279
Интернет орқали маълумот беришнинг муваффақиятини таъминловчи беш қадам . . . . .	285
<b>14</b> Китобхонга маслаҳат бериш . . . . .	297
<i>Мэри К. Челтон</i>	

Китобхонга маслаҳат ва маълумот бериш иши: қулайлик уйғунлиги . . . . .	297
Китобхонга маслаҳат бериш жараёнида учрайдиган умумий саволлар . . . . .	299
Китобхонга маслаҳат бериш жараёнида амалга оширилувчи савол-жавоб . . . . .	301
Китобхонга маслаҳат бериш жараёнида йўл қўйилувчи умумий хатолар . . . . .	302
Китобхонга маслаҳат беришда ишлатилувчи маълумот бериш воситалари . . . . .	305
Китобхонга маслаҳат бериш ишида фойдаланилувчи етакчи манбалар ўнлиги . . . . .	306
Манбаларни танлаш ва янгилаб бориш . . . . .	310
15 Болалар ва ўсмирларга маълумот бериш иши . . . . .	313
<i>Мэри К. Челтон</i>	
Кириш: ёшлар билан ишлаш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари . . . . .	313
Ёшларга маълумот ва ахборот бериш ишидаги махсус мавзулар . . . . .	314
Изданиш ва уй вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган топшириқлар . . . . .	317
Ёшларга маълумот бериш жараёнида учрайдиган умумий муаммоларнинг ечимлари . . . . .	317
Ёшларга маълумот бериш ишида китобхонга маслаҳат бериш соҳаси билан боғлиқ саволлар . . . . .	321
Хулоса . . . . .	321
16 Маълумот бўлимидаги ахборот саводхонлиги . . . . .	325
Ахборот саводхонлиги стандартлари . . . . .	326
Ахборот саводхонлигига ёндашувлар . . . . .	327
Ахборот саводхонлиги кутубхона тури нуқтаи назарида . . . . .	328
Ахборотдан жамият ва ахлоқ-одоб нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш . . . . .	330
Юзма-юз билим бериш . . . . .	331
Синф шароитидаги ахборот саводхонлиги . . . . .	333
Янги технологияларнинг ахборот саводхонлигини юксалтириш жараёнига таъсири . . . . .	334
Ахборот саводхонлигини баҳолаш . . . . .	335
Ахборот излаш жараёнидаги хатти-ҳаракатлар . . . . .	336
Қўшимча фикрлар . . . . .	337

#### **ТўРТИНЧИ БЎЛИМ. МАЪЛУМОТ БЕРИШДА ИШЛАТИЛУВЧИ КОЛЛЕКЦИЯ ВА ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА БОШҚАРИШ**

17 Маълумот бериш ишида фойдаланилувчи материалларни танлаш ва баҳолаш . . . . .	345
Янги маълумот манбаларини аниқлаш, танлаш ва баҳолаш . . . . .	347
Маълумотхона бюджетини бошқариш . . . . .	353
Маълумот манбалари тўпламини мунтазам равишда баҳолаб бориш . . . . .	354

Маълумотхона коллекциясини кенгайтириш низомини ишлаб чиқиш . . . . .	355
Кутубхона фойдаланувчилари орасида маълумот манбаларини тарғиб қилиш . . . . .	357
<b>18</b> Ахборот бўлимларини бошқариш . . . . .	361
Дизайн ва таълим услублари . . . . .	361
Маълумот бўлимларининг ишини ташкил этиш . . . . .	362
Ходимларни ташкиллаштириш . . . . .	363
Хизмат кўрсатишни бошқариш . . . . .	364
Янги роллар . . . . .	367
Кўшимча фикрлар . . . . .	371
<b>19</b> Маълумот бериш хизматларини баҳолаш ва яхшилаш . . . . .	375
Баҳолаш нима учун муҳим? . . . . .	375
Нимани баҳолаш керак? . . . . .	376
Қандай баҳолаш керак? . . . . .	377
Баҳолаш натижаларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилиш . . . . .	387
Давомли баҳолаш: энг муҳим жиҳат . . . . .	389
<b>20</b> Иккинчи авлод маълумот хизматлари . . . . .	395
Тушунчаларнинг ўзгариши вақтнинг ўзгариши демакдир . . . . .	395
Иккинчи авлод маълумот бериш дунёси нима? . . . . .	396
Ахборот маконини жамоавий савий-ҳаракатлар воситасида тўлдириш . . . . .	397
Ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш . . . . .	410
Мослаштириш . . . . .	411
Силлиқлик . . . . .	415
Хулоса. Иккинчи авлод билим дараҳти . . . . .	418
<b>21</b> Маълумот бериш хизматининг келажаги . . . . .	425
Ишюритишнинг янги усуллари — иккинчи авлод маълумот бериш технологиялари . . . . .	427
Янги материал ва форматларни ҳавола қилиш . . . . .	428
Янги хизмат турларини кўрсатиш . . . . .	429
Кутубхона ходимининг вазифаси нималардан иборат? Малакани ошириш зарурияти . . . . .	431
Келажакни режалаштириш . . . . .	433
Маълумот бериш хизматлари келажакда қандай кўринишга эга бўлади? . . . . .	433
Маълумот бериш ишининг келажаги борми? . . . . .	434
Appendix. RUSA Outstanding Reference Sources 2006–2011 . . . . .	439
Муаллифлар ҳақида . . . . .	443



# Муқаддима

---

## Малака тўпламлари

---

Башарти, одам бола си кутубхоначилик касбига бир қадар мойиллик билан дунёга келганида, ҳозирги ишимиз бирмунча осонроқ кечган бўлармиди. Ахир, тайёр касб эгаси бўлиб туғилишга нима етсин. Алҳол, шундай бўлганида, биз анча-мунча қизиқарли жараёнлардан қуруқ қолган бўлардик. Зеро, ўз ишини пухта биладиган маълумот берувчи кутубхоначига айланиш, босқичма-босқич тарзда ривожланиш — анчайин машаққатли, битмас-туганмас, ўта фойдали ва жуда қизиқарли жараён ҳисобланади.

Иккинчи таҳрирда чоп этилган «Йигирма биринчи асрда маълумот ва ахборот хизматлари» номли китоб айнан ана ўша малака тўпламлари ҳақидадир. Биз уларни аниқлаймиз, таҳлил қиламиз, таркибий қисмларга ажратамиз ва сизга, доимий ўсиб-улғайиш, ривожланиш жараёнида бўлган кутубхоначига, билимларни қайта тиклаш имконини берувчи восита тарзида тақдим этамиз.

Мазкур нашрнинг биринчи таҳрири XXI асрнинг собитқадам кутубхоначисига бағишланган эди. Иккинчи таҳрирда берилган нашрда ҳам шу хусусият мадҳ этилган бўлиб, XXI асрнинг маълумот берувчи кутубхоначиси, авваломбор, айнан собитқадам бўлиши лозим. Негаки, кутубхоначилик ва маълумотлар билан ишлаш соҳасига хос бўлган ноаниқлик, янги технологиялар жадал ривожланиб бораётган бир пайтда, янада кучайиб, маълумот қидиришнинг янгидан-янги усулларини тақозо этмоқда. Google очиқ фойдаланишда бўлган 12 миллиондан зиёд қўлёзмаларни электрон форматга ўтказиш борасидаги ақл бовар қилмас гигант ишга қўл урган айни вақтда, «Твиттер» ҳам бўш келмасдан 140 белгидан иборат бўлган ахборот хабарларини жойлаштира бошлади. Алқисса, олдинги кутубхоначи иш жойи атрофида кечган сокин савол-жавоб алмашинуви жараёни энди замонавий «ўқув хоналари», тиниб-тинчимас кутубхоначилар ва замонавий технологияларнинг рақобагига дош бериш, ёнги уларга ўз жойини бўшатиб беришга тўғри келмоқда. Реал ҳаётдаги кутубхоначилар энди «Фейсбук» ёки «Куора» каби ижтимоий тармоқлардаги виртуал кутубхоначиларни яратиб, кўзни қамаштирувчи аватарлар «иккинчи ҳаёт»нинг сюрреал уч ўлчамли кутубхоналарида изғиб, ахборот тарқатиш ва шу аснода бизга энди биз Канзасдек «қолоқ» жойда эмаслигимизни эслатиш билан банд.

Уч йил давомида юз берган кескин ўзгаришлар бизни 2009 йилда янги таҳрирдаги манбани чоп этишга ва 2011 йилда эса, 300 дан зиёд манбани ян-

гилашга ундади. Эндигина электрон шаклга ўтказилган ҳукумат ҳужжатларини қидириб топиш бир неча йил муқаддам Ҳукумат ҳужжатларини чоп этиш бошқармасининг йўғон нашрларидан маълумот қидириш жараёнидан тубдан фарқ қилади. Нью-Йорк ижтимоий кутубхонаси кутубxonани «Янги ва энди яратилаётган ахборот технологиялари ва захиралари уйғунлашган одатдаги билим манбалари фойдаланувчига қулайлиги устувор ўринда бўлган, барча хизмат турлари мавжуд, замонавий таълим олиш, таълим бериш ва илмий изланиш жараёнининг ижтимоий ва таълим жиҳатларини ўзида мужассам этган маскан» сифатида таърифлайди. Бунда, албатта, одамга босим ўтказишга ўрин йўқ.

Маълумотлар билан ишловчи профессионал кутубхоначи фундаментал концепциялар, керакли захиралар, излаш техникалари ва маълумот бериш билан боғлиқ бўлган бошқарув вазифаларини чуқур тушуниб етишга интилиши лозим бўлиб, бу фазилатлар аксарият ҳолларда ахборот ва тадқиқот тушунчаларининг кенг маънодаги ижтимоий ва гарбиявий жиҳатлари билан кафолатланади. Мазкур нашрга кирган бўлимлар ўша интилишни қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, улар етарли даражадаги малакага эга бўлмасдан туриб, ҳаддан ташқари кўп нарсани билишга бўлган интилиш билан боғлиқ босимни бирмунча енгиллаштиради. Кенг борлиқда ахборот тобора муҳим ўрин эгаллаб бораётгани тўғрисидаги гоё китобнинг барча қисмларида ўзининг ёрқин аксини топган. Иккинчи таҳрирга киритилган Иккинчи авлод маълумот бериш технологиялари тўғрисидаги боб тубдан ўзгартирилган бўлиб, у янги пайдо бўлаётган технологиялар оқимини акс эттириш ва маълумотлар билан ишловчи профессионаллارни янги технологияларни инновацион усулларда фойдаланиш имконини берувчи экспериментал тенденциялар ҳақида бохабар қилади. Бундан ташқари, у виртуал маълумотномаларга бўлган талабнинг жадал ўсиб бориши ва фойдаланувчининг ахборотга эркин ва тез етишиши ҳамда ахборотнинг масалага нечоғлик дахлдорлиги, унинг жамоатчилик томонида очиқ муҳокама қилиниши билан боғлиқ бўлган умидлари юксалиб бораётганини таъна олади. Биринчи таҳрирдаги нашрда қоғозли ва электрон нашрларнинг аралашма рўйхати кўрсатиб ўтилган бўлса, мазкур иккинчи таҳрирдаги нашрда ҳар томонлама чуқур ва эътиборга молик маълумотлар тўпланган, бепул веб-ресурслар ҳам кўрсатиб ўтилиб, улар, энг аввало, давом этиб келаётган глобал молиявий инқироз шароитида бюджет қисқариши муаммосига дучор бўлаётган муассасаларнинг манфатини кўзлайди. Шу билан бир қаторда, мазкур соҳада амалий фаолият билан шуғулланаётган мутахассисларнинг қимматли маслаҳатлари ҳам келтириб ўтилган. Бундан ташқари, нашрга ўқитувчи-профессорларнинг маслаҳатлари ҳам киритилган бўлиб, улар етарли малакага эга бўлмаган талабаларга Маълумот етказиш ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш уюшмаси (RUSA) муҳим маълумотлар ресурслари воситасида маълумотлар манбаларининг хилма-хиллигини намойиш қилишни мақсад қилган. Натижада, танлаб олинган манбалар рўйхати энди иккинчи таҳрирдаги нашримизга илова сифатида тақдим этилади.

Биринчи нашрда ўз самарасини намойиш этган жиҳатлар мазкур нашрда ҳам сақлаб қолинган ва керакли янгиланишлар орқали уларнинг самарасини янада оширишга ҳаракат қилинган. Шунингдек, матнда келтириб ўтилган юзлаб веб-ресурсларни танлаб олиш ва [www.neal-schuman.com/reference2ist2nd](http://www.neal-schuman.com/reference2ist2nd)



манзили бўйича жойлашган ҳамкор веб-сайтда қўшимча ва ўзгартиришлар орқали уларнинг рўйхатини кенгайтириш борасида ҳам муайян ҳаракатлар амалга оширилган. Ресурсларга бағишланган бобларнинг ҳар бирида уларни танлаш ва сақлаб қолишга бағишланган муҳим бўлимлар мавжуд. Биз маълумот тақдим этишни нафақат савол матни, балки матн остидаги маънони ҳам тушуниб етиш, энг мақбул ресурсларни аниқлаш ва энг мақбул жавобни беришни ўз ичига олувчи уйғун бир жараён сифатида талқин қилишда давом этдик. Нашримиз маълумот бериш соҳасига алоқадор китоблардан шуниси билан фарқ қиладики, унда бошқалардан фарқли равишда саволлар атайлаб манбаларга боғланган ҳолда қаралади. Бошқа муқобил нашларда эса, фақат мавжуд манбалар таснифланиб, улардан қандай фойдаланиш лозимлиги ҳақида умумий ахборот берилади, холос. Бизнинг ёндашувимиз, амалиётга таянган ҳолда, кутубхоначилик йўналиши бўйича таълим олган битирувчиларнинг тажрибаларини инобатга олади. Яъни, маълумот тақдим қилишда реал шароитдаги жараён билан олий ўқув юртида ўқиғиладиган билимлар орасида фарқ нақадар сезиларли эканидан келиб чиқади.

Саволнинг шаклланиши — маълумот олиш бўйича интервью — излаш жараёни — ресурслар тўпламлари. Бу кетма-кетлик талабалар ҳаётда дуч келиши мумкин бўлган вазиятнинг ҳақиқатга яқинроқ кўриниши бўлиб, мазкур иккинчи таҳрирдаги нашр ана шу тузилмани ўзида сақлаб қолган.

## Тузилма

Мазкур нашр керакли малакаларни шакллантириш ёки мустаҳкамлаш ниётида бўлган барча маълумот билан ишловчи кутубхоначилар учун мўлжалланган бўлса-да, унинг тузилиши кутубхоначилик ва ахборот билан ишлаш бўйича прототип курсларининг ўқув дастурини такомиллаштиришни мақсад қилган.

Тўрт бўлимдан иборат бўлган мазкур китоб маълумотлар билан ишлашнинг фундаментал тамойиллари, асосий саволларга жавоб бера олиш учун зарур бўлган ва ҳар бир кутубхоначи билиши лозим бўлган асосий ресурслар тўпламидир. Китобда, шунингдек, махсус мавзулар, яъни «ўқувчига маслаҳат бериш борасидаги иш» ва фойдаланувчига тўғри йўналиш бериш (маълумотлар билан ишлаш доирасига кирувчи жиҳат) ва доимий тарзда юз бериб турадиган ўзгаришлар ҳамда инновациялар шароитида маълумот бериш бошқармаларини шакллантириш ва уларни малакали тарзда бошқариш борасидаги масъулиятни ўз зиммасига қабул қила олиш мавзулари ҳам ёритиб ўтилган.

## Биринчи бўлим. Асосий тамойиллар

Биринчи боб «Маълумот ва ахборот хизматлари соҳасига кириш» деб номланиб, кутубхоналарда ўқувчига маълумот бериш хизматининг қисқача тарихи ва маълумот бериш тушунчаси қамраб олувчи хизматлар кўлами ҳақида ҳикоя қилади.

Иккинчи боб «Саволни аниқлаш: ахборот етказиш учун юзма-юз, телефон ва виртуал интервью» деб номланган бўлиб, маълумот қидириш жара-

ёнидаги илк ва энг муҳим ҳаракатни ёритади. Маълумот олиш доимо ўзаро алоқа жараёнидан иборат эканлигини ҳисобга олсак, мазкур қисм юзма-юз, телефон ва вертуал кўринишдаги маълумот олиш интервьюлари мавзусини ёритади.

Учинчи боб «Тўғри жавобни топиш. Асосий излаш техникалари» деб номланиб, кўп жиҳатдан у биринчи бобнинг якуни ва иккинчи бобнинг бошланғич қисмидир. Зеро, савол шаклланигидан сўнг кейинги қадам жавобни шакллантиришдан иборат бўлади. Мазкур қисм кутубхоначига ўз фикрларини шакллантириш, аниқ вазифани бажариш стратегиясини яратиб олиш ва унинг оптимал даражада бажарилишини таъминлаш борасидаги малакасини ошириш имконини беради.

## Иккинчи бўлим. Асосий маълумот манбалари

Мазкур бўлимнинг 9 та боби қандай қилиб?, нима?, қаерда?, ким? ва қачон? деган саволларга асосий эътиборни қаратади. Мазкур саволлар керакли манбаларни фақатгина санаб ўтиш эмас, балки уларни керакли манбалар асосида аниқлаштиришда асосий аҳамият касб этади. Мазкур боб қуйидаги бўлимлардан ташкил топган:

Тўртинчи боб: «Китоблар, журналлар, газеталар, кутубхоналар, ноширлик ва библиографик тармоқлар — библиографик манбалар ҳақидаги саволларга жавоб бериш» деб номланган;

Бешинчи боб: «Ҳамма нарса ҳақидаги саволларга жавоб бериш — Энциклопедиялар»;

Олтинчи боб: «Топиш осон бўлган фактларни талаб қилувчи саволларга жавоб бериш — тайёр маълумотли манбалар»;

Еттинчи боб: «Сўзлар ҳақидаги саволларга жавоб бериш — луғатлар»;

Саккизинчи боб: «Воқеа-ҳодисалар, муаммолар, ўтмиш ва ҳозирги кун — кўрсаткичлар ва тўлиқ матнли маълумот базалари ҳақидаги саволларга жавоб бериш»;

Тўққизинчи боб: «Саломатлик, қонунчилик ва бизнес ҳақидаги саволларга жавоб бериш: махсус маълумотнома ва манбалар»;

Ўнинчи боб: «География, мамлакатлар ва саёҳат соҳаларига оид саволларга жавоб бериш: атласлар, географик маълумотномалар, хариталар, географик ахборот тизимлари, йўлномалар»;

Ўн биринчи боб: «Одамлар ҳаёти тўғрисидаги саволларга жавоб бериш — биографик ахборот манбалари»;

Ўн иккинчи боб: «Ҳукуматлар тўғрисидаги саволларга жавоб бериш — ҳукумат ахборот манбалари».

Мазкур бобларнинг ҳар бири мавжуд материалларнинг қисқача изоҳи ва улардан муайян саволга жавоб беришда қандай фойдаланиш кераклиги тўғрисидаги маълумот билан бошланади. Биз ана ўша ресурслар энг қўл келиши мумкин бўлган намунавий саволлар (ва уларнинг жавобларини) берамиз ва босма, электрон ҳамда Интернет тармоғидан топиш мумкин бўлган энг асосий материалларни таърифлаб ўтамиз. Мавжуд ресурслар ҳар томонлама тадқиқ қилинади. Негаки, энг асосий маълумот манбаларининг ҳам босма, ҳам электрон кўринишини топиш мумкин. Шу билан бирга, тўпламни

ривожлантириш ва сақлаш бўйича қўлланма, қўшимча изланиш, мавзуга алоқадор махсус маълумотлар ва асосий маълумот манбаларининг «биринчи ўнлиги» ҳамда тавсия этилувчи бепул веб-сайтлар рўйхати ҳам мавжуд. Ҳар бир бўлим бир хил тгузилишга эга бўлганлиги боис, ўқувчи китобдан ҳам ишга тайёргарлик қўриш, ҳам иш жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган қулай адабиёт сифатида фойдаланиши мумкин.

## Учинчи бўлим. Маълумот ва ахборот билан таъминлаш ишидаги махсус мавзулар

Ўн учинчи боб «Интернет тармоғидан қачон ва қандай қилиб маълумот бериш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин?» деб номланиб, замонамизнинг энг умидли ва кенг тарқалган ахборот манбаларидан бирига бағишланган. Интернет тармоғининг маълумот манбаи сифатидаги кучли ва заиф томонларини ёритган ҳолда, мазкур бўлим тармоқдан маълумот алмашинуви жараёнида фойдаланишнинг беш босқичли ёндашувини ҳам таклиф қилади.

Ўн тўртинчи боб «Китобхонга маслаҳат бериш» деб номланиб, маълумот бериш борасидаги иш билан кутубхоначиликнинг бошқа бир муҳим жиҳати — саводхонлик масаласини уйғунлаштиради. Ўқувчиларга маслаҳат бериш баъзан маълумот бериш бўлиmidан бошқа бўлимларда амалга оширилса-да (катталар, болалар ёки ўсмирлар учун мўлжалланган хизматлар бўлимларида), ўз иш жойида ўтирган кутубхоначи барча масалалар, жумладан, ўқувчига маслаҳат бериш билан боғлиқ бўлган масалалар билан шуғулланишга ҳам тайёр туриши лозим. Мэри К.Челтон томонидан ёзилган мазкур бўлим ўқувчиларга маслаҳат бериш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган асосий вазиятларни ёритиш билан бир қаторда, мазкур соҳа билан боғлиқ бўлган масалаларни самарали ҳал қилиш борасидаги маслаҳатлар ҳамда танишиб чиқиш зарур бўлган манбалар рўйхатини ҳам ҳавола этади.

Ўн бешинчи боб «Болалар ва ўсмирларга маълумот бериш иши» деб номланиб, у ҳам Мэри К.Челтон томонидан ёзилган. Бу бўлимда маълумот бериш ишини болалар ва ўсмирлардек ўта нозик гуруҳ билан қандай ташкиллаштириш лозимлиги жусусидаги масала муҳокама қилинади. Ўзининг ўта беқиёс дунёқарашини билан болалар ҳамда ўсмирлар, кутубхоначилар ҳамда ота-оналар учун ажойиб имкониятлар ва, шу билан бир қаторда, айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқарадики, уларга тўғри йўлланма бериш, уй вазифасини тайёрлашда ёрдамлашиш каби масалаларни ўз ичига олиши мумкин. Маълумот бериш — бу саволларга жавоб беришдангина иборат бўлмасдан, у иккала томон — ҳам бола, ҳам кутубхоначи учун анчайин фойдали жараёнга айланиши мумкин.

Ўн олтинчи боб «Маълумот бўлиmidаги ахборот саводхонлиги» деб номланиб, унда барча турдаги кутубхоналарда ахборот саводхонлигининг аҳамияти ҳақида сўз боради. Бўлимда юзма-юз ўқитиш ва масофада туриб таълим олиш борасидаги таклифлар илгари сурилади. Тўғри ташкил этилган маълумот бериш жараёнида ўқитиш сўровга жавоб беришнинг жуда ўринли ва қимматли воситасига айланиши мумкин.

## Тўртинчи бўлим. Маълумот беришда ишлатилувчи коллекция ва хизматларни ривожлантириш ҳамда бошқариш

Жадаллик билан йўқолиб бораётган ёки форматини ўзгартираётган маълумотларни танлаб олиш ҳозирги кундагидек тезлик ва чаққонликни талаб қилмаган. Кутубхона профессионали учун бошқариш малакаси билан бир қаторда кутубхонанинг доимий тарзда ўзгариб турган маълумотлар коллекциялари ва хизматларни тартибга солиб туриш ва назорат қилиш самарадорлигини мунтазам равишда ўлчаб турувчи механизмларни яратиш ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ўн еттинчи боб «Маълумот бериш ишида фойдаланилувчи материалларни танлаш ва баҳолаш» деб номланиб, унда қисқача изоҳ ва баҳолаш мезонларини билиб олиш имконини берувчи манбалар айтиб ўтилган. Ўқувчи, шунингдек, маълумотларни топиш билан боғлиқ сарф-харажатларни назорат қилиш, коллекцияларни баҳолаш, сарлавҳаларни тартибга солиш, ёзув-чизув тартиб-қоидалари, коллекция маркетинги бўйича йўриқномаларни топади.

Ўн саккизинчи боб «Ахборот бўлимларини бошқариш» деб номланиб, бошқарма ходимлари, кўрсатилувчи хизматлар ва унинг тузилиши каби масалаларни қамраб олади. Бўлимда бўлинма бошлиқлари учун фойдали маслаҳатлар ва қарор қабул қилиш жараёнида қўл келиши мумкин бўлган маълумотлар кўрсатиб ўтилган. Бўлинма бошлиқлари учун мўлжалланган бўлса-да, мазкур бўлим ҳар қандай профессионал учун замонавий маълумот бўлинмалари қандай шаклда бўлиши керак ва қандай фаолият юритиши керак, деган савол борасидаги ғояларнинг янада тўлиқроқ бўлиши учун хизмат қилиши мумкин.

Ўн тўққизинчи боб «Маълумот бериш хизматларини баҳолаш ва яхшилаш» деб номланиб, мазкур соҳанинг ҳозирги кундаги фаолиятдан унинг келажакдаги ривожини хусусида фикр юритади. Харажатлар қисқариб бораётган бир шароитда фаолиятни баҳолаш ва молиявий масъулиятни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бўлим баҳолаш нега керак, нимани ва қандай қилиб баҳолаш керак ҳамда натижаларни нима қилиш лозим, деган саволларга эътиборни қаратган бир ҳолда, соҳани яхшилаш борасидаги фаол ва амалий тадбирларни қўллаб-қувватлайди.

Йигирманчи боб «Иккинчи авлод маълумот хизматлари» деб номланиб, унда Web 2.0 технологиясидан олинган кўплаб воситалар ва сайтларнинг ўзига хос тўлиқ бир кўриниши жамланган бўлиб, у маълумот бериш хизматларини АҚШ, Буюк Британия ва Канада ҳудудларидаги инновацион кутубхоналар воситасида такомиллаштиришга қаратилган.


Ниҳоят, йигирма биринчи боб «Маълумот бериш хизмагининг келажаги» деб номланиб, у яқин келажакда маълумот бериш хизмагининг ривожини белгилаб берувчи моделлар, материаллар ва хизматлар ҳақида ҳикоя қилади.

## Иккинчи раунд

Ўқувчидан мазкур китобда келтирилган малакалар коллекциясини эгаллаш ва шу орқали жадал ўзгариб бораётган маълумотлар билан ишлаш соҳасининг барча нозик жиҳатларини эгаллашни сўраш орқали биз ҳам, қайсидир

маънода, довюракликни намойиш этганмиз. Биз мазкур китобнинг яратилишига шафқатсиз танқидчилар, назарийетчи ва амалиётчи мутахассислар, талабалар, турли олий ўқув юрталари ўқитувчи ва профессорлари, ўз ҳамкасбларимиз ва дўстларимизни жалб этганмизки, уларнинг ғоялари матн тузилиши, матнга киритилиши лозим бўлган масалалар ва китобнинг осон ўқирилиши борасидаги ғояларини китобда акс эттиришга ҳаракат қилганмиз. Биз ўзининг субъектив фикр-мулоҳазаларимизни бир четга суриб қўйган ҳолда, барча талабларга жавоб берадиган маҳсулот яратишга ҳаракат қилдик. Маслаҳат кенгашининг тўрт нафар аъзоси (китобнинг илк саҳифасида номлари келтирилган) биздан қимматли ёрдамларини аяшмади. Улар томонидан тайёрланган ўттиз бетлик маҳсус ҳисобот биз ёритаётган мавзунинг барча диққатга сазовор жиҳатларини қамраб олган бўлиб, у ўз олдимизга қўйган мақсадга эришишимизда бекиёс аҳамият касб этади. Шу йўсинда биз мақсадимиз сари ишончли дўст ва ҳамкорларимиз билан биргаликда ҳаракат қилдик ва босиб ўтган йўлимиз давомида бизда шакланган ишонччи энди сиз билан ҳам ўртоқлашишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз.

Сиракуза университетининг кўзга қўринган вакиллари билан бири Дэвид Ленк кутубхоналар ва маълумотлар тақдим этиш жараёнини ўзаро мулоқот ва «фаол иштирокни талаб қилувчи алоқа ўрнатиш» деб билади. Мазкур китобнинг биринчи раунди қизгин баҳслар натижасида дунёга келган эди. Биз эндигина пайдо бўлган хом ва ғўр ғояларимиз Америка кутубхоналар уюшмаси конференциялари давомида аста-секин тўлдирилиб, мазмун-моҳият касб этиб, ўнлаб ўқув дастурлари, турли каталоглар ва веб-сайтлардан муваффақиятли ўтганини кўриб, ўзимиз ҳам мақсад сари отланган талабалар ва юқори малакали амалиётчилар билан «фаол иштирокни талаб қилувчи алоқа ўрнатиш» жараёнига шўнғиб кетганимизнинг гувоҳи бўлдик. Бу, албатта, ажойиб тажриба сифатида қадрлидир. Иккинчи раунд эса, ўз навбатида, «нозик солаш», сокин фикр юритиш, жиддий ва қизиқарли саволларни қўйиш ва тажрибани ошириш жараёнига айланди. Ҳар томонлама тўлиқлик, долзарблик ва ўқиш учун қулайлик китоб матнига қўшилаётган ҳар бир қўшимча ва таҳрирнинг асосий мезонлари бўлиб хизмат қилган. Кўп форматли маълумотлар билан ишлаш воситалари ва хизматларни жамиятдаги кенг қўламли жараёнлар билан боғлаш ҳам китобни яратишимизда анча қўл келди. Қўлингизда ушлаб турган маҳсулот Иккинчи раундни белгилаб берган олов каби жадал пайдо бўлган ғоялар, сув каби сокинлик билан ишлов берилган ва кенгайтирилган тамойилларни ўз ичига олади. Умид қиламизки, бундайин Бирикма сизнинг XXI аср маълумотлар билан ишловчи кутубхоначи сифатидаги малакангиз ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.



## Миннатдорликлар

Биз, мазкур нашрнинг биринчи ва иккинчи таҳририни тайёрлаш жараёнида битмас-туганмас ижобий энергия ва гоялар манбаси бўлган Чарльз Хармонга;

ўзларининг ўткир кузатувлари билан китобимиз матнига жуда муҳим ўзгаришларнинг киритилишига хизмат қилган, Маслаҳат кенгашимиз аъзолари: Анита Ондрусек, Мари Рэдфорд, Шерил Нотт Малоун ва Стефани Маттага;

илтимосларимизни ерда қолдирмасдан ўзларининг маслаҳат ва тажриблари билан ўртоқлашган турли почта реестлари ходимларига;

ўз гоялари ва билимлари билан ўртоқлашган Джейн Фишер, маълумотлар билан ишловчи кўплаб бошқа кутубхоначиларга ҳамда бизни тушунган ва қўллаб-қувватлаган барча дўстлари мизга чуқур миннатдорлик билдираемиз.

Шунингдек, Кэй: Марина И. Меркадога унинг қўллаб-қувватлаши, сабр-тоқати ва ўчмас меҳри учун;

Умага бенуқсон ҳаммуаллиф бўлгани учун;


қўлида таълим олган ва маълумот бериш хизмати тўғрисидаги гояларимизни шакллантиришга ёрдам берган кутубхоначилик олий ўқув юрти талабаларига чуқур миннатдорлик изҳор этади.

Ума: Кэйга унинг ишончи учун;

Балага доимо ёрдам беришга шай бўлгани учун;


Айеша ва Ванига — ҳаёти мазмуни бўлгани учун;

Раджендра ва Мохинига ҳар доим ишончга таянганлари учун самимий миннатдорлик изҳор этади.





**Биринчи бўлим**  
**АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР**



# 1

## Маълумот ва ахборот хизматлари соҳасига кириш

---

Йигирма биринчи асрнинг биринчи ўн йиллигида маълумот ва ахборот хизматлари кутубхона институтининг вазифа ва мақсадларининг ўта муҳим ва, шу билан бир қаторда, ўзгариб бораётган қисмига айланди. Доимий равишда кенгайиб бораётган электрон ресурслар ҳамда рақамли форматга ўтказилган материаллар билан танишиш имкониятининг тобора ортиб бориши маълумотлар табиатини ўзгартириб бораётган бир пайтда хизмат кўрсатишнинг мазмун-моҳияти марказий ўриндалигича қолмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, маълумот бериш хизматига бўлган талабни минималлаштириш билан бир қаторда, Интернет тармоғи ва унинг баробарида улкан миқдордаги пулли ва бепул онлайн ресурсларининг пайдо бўлиши, кутубхоначилик хизматларининг мазкур жиҳатини ҳар доимгидан ҳам юксак даражага кўтарди, десак муболага бўлмайди. Кутубхоначилар ва уларнинг ўқувчилари доимий равишда ишонч ва аниқлик нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим бўлган катта миқдордаги ахборот манбалари билан тўқнаш келмоқда. Одам компьютер рўпарасида бўлганда ҳам, бир дунё ҳужжатларга тўқнаш келганда ҳам ўзини бамисоли ахборот денгизида чўкиб кетаётгандек ҳис қилиши тайин. Негаки, янги медиа ва технологиялар худди ирмоқлар каби мазкур янги билим денгизига ўз ҳиссасини қўшиб, унинг нақадар катта ҳажм ва миқёс касб этишига хизмат қилади. Маълумот бериш хизматлари эса, — бу денгизга тушиб қолган ва ўзини йўқотиб қўйганлар учун ҳам қутқарув кемаси, ҳам харита ва компас хизматини ўташи табиий. Ана шундай одамларга ўз вақтида ва махсус хизматларни кўрсатиш орқали кутубхоналар XXI асрнинг, том маънодаги, марказий институтларидан бири эканини амалда тасдиқламоқда.

Маълумот бериш хизмати ҳозирги замонда ҳам муҳим аҳамият касб этиб келаётган бўлса-да, аслида унинг пайдо бўлганига бир асрдан ошди. 1876 йили АҚШнинг Массачусетс штатидаги Ворчестер ижтимоий кутубхонаси ходими Семуэль Грин кутубхоначилар ўқувчиларга уларнинг эҳтиёжларига жавоб берувчи китобларни танлашда ёрдам кўрсатиши гоёсини илгари сурган эди. Ўшанда шу услуб орқали бир ўқ билан икки кўён урилди. Яъни, кутубхона коллекциясидан фойдаланиш ҳажми кескин ортди ва бу, ўз навбатида, жамоатчиликка кутубхона нақадар муҳим муассаса эканини намойиш эта олди. Грин ўқувчиларни жалб қилиш мақсадида кутубхонага хушфёъл ва юқори малакали аёлларни ишга қабул қила бошлаган (Генц, 1998). Орадан 40 йилга яқин вақт ўтиб, 1915 йил-

да Америка кутубхоналар уюшмасининг 37-йиғилишида АҚШ конгресси кутубхонаси ўқув зали суперинтенданти В.В.Бишоп маълумот бериш иши мавзусига бағишланган маъруза билан чиқиш қилди. Унда Бишоп маълумот бериш ишини «кутубхоначи томонидан муайян тадқиқотга ёрдам бериш мақсадида кўрсатилувчи хизмат» ва «кутубхоналарнинг ўз китобларидан энг самарали тарзда фойдаланишни таъминлаш йўлидаги уюшган хатти-ҳаракатидир», деб таърифлаган эди. (Генц, 1998:511).

Маълумот бериш ғояси Чарльз Уильямсоннинг 1923 йили чоп этилган «Кутубхоначилик хизматларига тайёргарлик кўриш: Нью-Йоркнинг Карнеги Корпорейшн компанияси учун тайёрланган ҳисобот» деб номланган ҳисоботида янада такомиллаштирилган. Унда маълумот бериш ишига қуйидагича изоҳ берилган:

Стандарт шаклдаги маълумотномалар, умумий ва махсус энциклопедиялар, луғатлар, ҳар йили чоп этилувчи нашрлар, даврий нашрлар каталоглари, тайёр маълумотнома қўлланматари, махсус библиографиялар ва, энг муҳими, газеталар ҳамда даврий нашрларни ўрганиш. Бир-бирига ўхшаш ишлар солиштирилади ва ҳар бирининг қамров даражаси айтиб ўтилади. Амалий тажрибадан олинган саволлар рўйхатлари тузилади ва синфда жавоб топиш усуллари муҳокама қилинади. (Генц, 1998:513).

Бир неча ўн йиллар мобайнида бир қатор муаллифлар, яъни Джеймс И. Вайер, Маргарет Хатчинс, Уильям А. Катц, Ричард Е. Бопп ҳамда Линда С. Смит маълумот бериш ишига бағишланган ғояларини илгари суриб, маълумот берувчи кутубхоначи касбининг аҳамияти ва муайян қирраларини очиб берган.

Ёдда сақлаб қолиш лозим бўлган энг муҳим фикр эса шундан иборатки, маълумот бериш хизмати фойдаланувчиларга ёрдам бериш асносида кутубхонанинг кенг маънодаги вазифасини адо этишига ҳисса қўшади. Ахборот жамиятининг ривожини ҳамда кутубхонанинг мазмун-моҳиятини англаб етиш борасидаги ўзгаришлар маълумот бериш ишининг табиатига таъсир кўрсатган бўлса-да, мазкур соҳанинг аксарият жиҳатлари ўзгармасдан қолмоқда. Аввало шуни айтиш жоизки, мазкур хизмат ҳали-ҳануз кутубхоначи ва унинг фойдаланувчиси ўртасидаги бевоқиф мулоқот ўрнатилишини назарда тутди. Шахсий хизмат кўрсатишнинг бу даражаси йиғирма биринчи асрда, турли ахборот технологиялари одам шахсиятини секин-аста ўчириб ташлаётган бир замонда, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Бошқа томондан олиб қараганда, мазкур турдаги хизматнинг кўрсатилиш услуби ҳам анча ўзгариб, у энди нафақат юзма-юз ҳолда, балки телефон, электрон почта ва чат услуби орқали ёрдам кўрсатиш имкониятларини ҳам назарда тутди.

## Этикадан хабардорлик ва ҳамкорлик

Этикадан хабардорлик ва ҳамкорлик барча кутубхона хизматларининг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, мазкур касб учун жорий этилган идеаллар маълумот бериш соҳаси вакиллари учун ҳам амал қилади. Худди шифокорлар ўз мижозларига уларнинг касалликлари ҳақидаги ахборотни сир тутиши лозим бўл-

ганидек, маълумот берувчи кутубхоначилар ҳам кўрсатаётган хизматларининг энг юқори самара бериши учун муайян қоида ва стандартларга қатъий риоя қилиши лозим. Шу маънода, Америка кутубхоначилари уюшмасининг 1995 йилда қабул қилинган «Этика кодекси» бу борада фойдали қўлланма сифатида муҳим аҳамиятга эга. Саккизта кенг баёнотдан иборат бўлган мазкур кодекс замонавий кутубхона учун зарур бўлган бир қатор тамойилларни ўз ичига қамраб олади.

Кодекснинг биринчи баёоти кутубхоначилар «кутубхонанинг барча фойдаланувчиларига энг юқори савиядаги хизмат кўрсатиши лозим»лигини таъкидлаган ҳолда, кўрсатилаётган хизматлар барча учун объектив, тақдим этилаётган ахборот эса, «аниқ ва холис бўлиши ва мулойим тарзда тақдим этилиши шарт»лигига урғу берилади. Мазкур баёнот юқори даражадаги маълумот бериш хизматининг мазмун-моҳиятини ташкил этиб, у сифатли ва ҳужжатлаштириш мумкин бўлган ахборотни етказиб беришга интилиш ғоясини илгари суради. Маълумот етказиб берувчи ходимлар маълумот етказиш чоғидаги мулоқот нимадан иборат эканини яхши англаши ва ҳар бир фойдаланувчининг мурожаатини амалга ошириш жараёнида ўрнатилган андозаларга риоя қилишга интилиши лозим (Бандж, 1999).

Кодекснинг иккинчи баёоти «Интеллектуал эркинлик тамойиллари»ни ҳимоя қилиш ва «Кутубхона ресурсларини цензура қилиш»га қаршилик қилишга чақиради. Мазкур баёнотда кутубхона коллекциялари ҳам назарда тутилган бўлиб, бунга сабаб кутубхоначилар ахборот етказишда мавзунини турли жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда ёритувчи маълумотларни етказишди. Учинчи баёнот фойдаланувчининг кутубхона ресурсларидан фойдаланиш жараёнидаги шахсий дахлсизлиги ва махфийлигини ҳимоя қилишга бағишланган. Маълумот етказиб берувчи кутубхоначилар ўз фаолияти давомида айнан мана шу профессионал мажбуриятига қатъий риоя қилиши лозим. Улар фойдаланувчининг дахлсизлигини маълумот етказишдан олдинги интервью ҳамда фойдаланилган ресурслар махфийлигини сақлаш орқали таъминлаши даркор.

Тўртинчи баёнотга кўра, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар тан олинishi ва ҳурмат қилиниши лозим. Кутубхоначилар интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчиликдан, айниқса, муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ ўзгаришлардан доимий хабардор бўлиб туриши ва бу ҳақда фойдаланувчиларни ҳам огоҳлантириши лозим бўлади. Энг муҳими, кутубхона ходимлари Маълумотлар базасидан қандай фойдаланишни жуда яхши ўзлаштирган бўлиши зарур. Негаки, бу нафақат кутубхоначининг ўзи учун, балки кутубхона, унинг ходимлари ва фойдаланувчиларни интеллектуал мулк ҳамда муаллифлик ҳуқуқи бузилиши билан боғлиқ бўлган ноҳушликлардан ҳимоя қилишда ҳам асқотади.

Кодекснинг бешинчи-саккизинчи баёнотлари шахсий манфаатлар билан профессионал мажбуриятлар ўртасидаги муносабатларга бағишланган. Жумладан, бешинчи баёнот ҳамкасбларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва ходимларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш масаласини тартибга солади. Мазкур баёнот кутубхона ва унинг ходимларини қамраб олади. Кутубхонанинг ҳар бир ходими бошқа ходимларга нисбатан адолатли тарзда муносабат кўрсатилишини амалда таъминлаши даркор.

Олтинчи баёнотда кутубхона ходимлари ўз манфаатларини кутубхона манфаатларидан устун қўйишга ҳақиқий йўқлиги борасида огоҳлантирилади. Бунда кутубхона ходимлари кутубхонага маҳсулот етказиб берувчилар ҳамда кутуб-

хона ташқарисидаги шахслар билан мулоқотда ўз қарорларининг профессионал даражада бўлиши ҳамда уларга шахсий манфаатлар таъсир ўтказмаслигини таъминлаши даркор.

Еттинчи баёнотда кутубхона ходимлари ўз эътиқоди ва ишон чини кутубхона манфаатларидан устун қўйишдан тийилишга даъват этилади. Бу ҳам маълумот етказувчи кутубхоначилар учун айниқса муҳим аҳамият касб этади. Баъзида кутубхоначи ўз шахсий эътиқодига зид бўлган соҳага алоқадор маълумотлар қидиришда ёрдамлашишига тўғри келади. Алалхусусе, профессионал мажбуриятларни устун қўйиш орқали кутубхоначи фойдаланувчига у қидирган маълумотларни топишда самарали ёрдам бериши мумкин.

Саккизинчи баёнот барча кутубхона ходимларининг касбий малакасини ошириб бориш ва ушбу касбга эндигина кириб келган янги ходимларга ҳар томонлама ёрдамлашишга ундайди. Биз жадал доимий ўзгаришлар замонасида яшаётганимиз боис кутубхонанинг барча ходимлари ўқишда ва замон талабларига мослашишда давом этиши лозим.

Бошқа професисонал кутубхона ташкилотлари ўзларининг этика кодексларига эга бўлиб, улар орасида Америка ахборот фанлари уюшмаси (ASIS), Америка архивчилари уюшмаси, Тиббиёт кутубхоналари уюшмаси, Америка юридик кутубхоналари уюшмаси каби ташкилотлар бор.

## Ахборот етказиш хизмат турлари

Умумий қилиб айтганда, ахборот етказиш хизмати кутубхона фойдаланувчиларига, уларнинг муайян саволи, қизиқиши, вазифаси ёки муаммосига жавоб бериши мумкин бўлган ахборот манбаларини аниқлашда ёрдам кўрсатиш жараёнидир.

Баъзида маълумот етказиш хизмати, деб таърифланувчи Америка кутубхоналари уюшмасининг (ALA) Маълумот етказиш ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш уюшмаси (RUSA) маълумот етказиш жараёнини «фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадидаги ахборот маслаҳати бўлиб, бунда кутубхона ходимлари ахборот манбаларини таклиф қилиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва ёки улардан фойдаланиш билан машғул бўлади» ([www.ala.org/ala/mgrps/divs/rusa/resources/guidelines/definitionsreference.cfm](http://www.ala.org/ala/mgrps/divs/rusa/resources/guidelines/definitionsreference.cfm)). Мазкур маълумот етказиш жараёни юзма-юз ёки телефон, электрон почта ёки бошқа виртуал технологиялар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Шу билан бир қаторда, кутубхоначилар томонидан веб-сайтлар, жавоблар архивлари, «кўп берилувчи саволлар»нинг жавобларига ҳаволалар ҳам яратилмоқдаки, улар фойдаланувчиларнинг саволларини олдиндан кўра билган ҳолда одамлар ахборотни мустақил равишда топа олиши учун зарур имкониятларни яратишни мақсад қилган.

Одатдаги маълумот етказиш хизмати кутубхона фойдаланувчилари орасида ҳамон юқори даражада кадрланаётган бўлса-да, бу хизматнинг янги кўринишлари ҳам оммалашиб бормоқда. Шу боис кутубхоначилар келиб тушиши мумкин бўлган сўровларнинг микёсини яхши тушуниши муҳим аҳамият касб этиб, бу уларга, сўровнинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, унга тўлиқ жавоб бериш имконини беради.

## Маълумот олиш билан боғлиқ саволларга жавоб бериш

Фойдаланувчи томонидан берилиши мумкин бўлган саволларнинг хилма-хиллигидан келиб чиқсак, гўё уларга жавоб бериш имкони йўқдек туюлади. Ҳақиқатан ҳам ахборот етказиш хизматларининг энг қийин жиҳати — изланаётган ахборот ёки берилаётган саволнинг нақадар кенг қамровли экани борасидаги ноаниқликдир. Шу боис маълумот қидириш жарёнида бериладиган саволларни турлари бўйича ажратиб чиқиш муаммоларнинг олдини олиши мумкин. Ахборот хизматида, одатда, дуч келадиган саволлар асосан учта умумий турга бўлинади. Яъни, улар аниқ маълумот олишга қаратилган саволлар, тадқиқот мазмунидagi саволлар ва библиографик тасдиқлаш мазмунидagi саволлардан иборат.

Аниқ маълумот олишга қаратилган саволлар, масалан, «Авраам Линкольн қаерда туғилган?», «1990 йилги футбол чемпионатида ғалаба қозонган командани кўрсатинг», «Никарагуа пойтахти қандай номланади?» ва ҳоказо саволларга битта ёки иккита умумий турдаги маълумот манбаларидан фойдаланилган ҳолда жавоб берилиши мумкин. Албатта, кутубхоначи бу каби саволларга ҳеч қандай манбаларга мурожаат қилмаган ҳолда жавоб бериши мумкин, лекин «Одамга балиқ берсанг, унинг қорни бир кун тўйиши мумкин. Балиқ тутишни ўргатсанг, умри давомида ўз эҳтиёжини ўзи таъминлайди», деган нақл мана шу ҳолатга ҳам тўғри келади. Аниқ маълумот олишга қаратилган саволларнинг жавоби нақадар жўн бўлмасин, улар ўзида айрим тарбиявий жиҳатларни ҳам мужассам этган. Яъни, мана шундай саволлар келиб тушганида кутубхона ходимлари фойдаланувчиларга тайёр жавобни бериб қўймасдан, балки уларни ахборот қидириш жараёни билан ҳам таништириши лозим.

Фойдаланувчиларга аниқ маълумотли саволларга жавобларни мунтазам равишда етказиб турувчи кутубхона ходимлари баъзида «ўзига хос тайёр жавоблар» бўлинмасини яратиб олади. Масалан, у энг кўп ишлатиладиган манбаларнинг босма кўриниши ёки кутубхона веб-сайтида жойлашган, осон ва энг кўп учрайдиган саволларнинг жавобларини ўз ичига олади. Бу каби бўлинмалар, одатда, умумий энциклопедиялар, луғатлар, альманахлар, маълумотномалардан ташкил топади. Шу ўринда айтиш жоизки, мазкур бўлинмаларни доимий тарзда янгилаб бориш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бу турдаги бўлинмага ҳаддан ташқари ишониб, фойдаланувчиларнинг кутубхонадаги бошқа манбаларни назардан қочирмаслигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Google каби ахборот порталлари пайдо бўлгач, кутубхоначилар аниқ маълумот олишга қаратилган саволларнинг сони бир мунча камайди. Негаки, фойдаланувчилар уларнинг жавобларини ўзлари интернет тармоғи орқали топиш имконига эга. Шунга қарамай, мазкур турдаги саволлар ахборот хизматларининг энг муҳим бўғинларидан бири сифатида сақланиб қолмоқда ва кутубхоначилар бу каби саволларнинг жавобини топишга доимо тайёр туришлари лозим.

Тадқиқот мазмунидagi саволлар бирмунча мушкул бўлиб, уларга жавоб бериш учун кўпроқ вақт ва ахборот манбалари талаб қилиниши мумкин. Бу турдаги саволлар фойдаланувчинини турли манбалар ва фикрларни ўрганишга ва ҳулоса яшашга туртки беради. Баъзида жавоби бир мунча жўн кўринган саволларнинг ечими анча мушкул бўлиб, саволнинг ичидаги янги жиҳатлар унинг ечимини топиш учун жиддий изланишни талаб этади. Бунда савол-

нинг мушкуллиги ошгани сайин унга жавоб бериши мумкин бўлган манбалар сони ҳам кўпайиб боради. Шу боис кутубхоначилар фойдаланувчиларга адабиётлар рўйхатларини, кўчирмалардан ва шу каби манбалардан фойдаланишни ўргатиши лозим. Шу ўринда мушкул саволни ўртага ташлаган фойдаланувчилар ўзлари учун зарур бўлган мақолаларнинг тўлиқ матнини топишга одатланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Негаки, электрон маълумот базаларида мақолаларнинг фақат кўчирма ва қисқача шарҳлари берилади, холос. Агар фойдаланувчи ўзига зарур бўлган маълумотнинг қандай бўлиши кераклигини билмас, кутубхоначи ундан қўшимча саволларни сўраб, изланаётган маълумотнинг параметрларини аниқлаб олиши лозим бўлади. Масалан, кутубхоначи ўқувчига қанча ҳажм ва қайси даражадаги ахборот кераклигини ва қайси манбалардан фойдаланганлигига аниқлик киритиши лозим бўлади.

Китобнинг учинчи бобида эса ахборот хизматлари кутубхоначи билан фойдаланувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни назарда тутиб, бу жиҳат мушкул жавобли саволлар билан ишламаётганда, айниқса муҳим аҳамиятга эга. Маълумот етказувчи кутубхоначилар ҳеч қачон жавобга тўғри йўл кўрсатувчи пассив иштирокчи бўлиб қолмаслиги керак. Аксинча, улар йўлбошчи ва фойдаланувчиларнинг билим олиш йўлидаги ҳамроҳига айланиши даркор.

Табийки, бу каби мулоқот миқёси бир вазиятдан келиб чиққан ҳолда фарқланиб туради. Турли кутубхоналар ўз ходимларининг тадқиқот мазмунидаги саволларига жавоб қидираётган фойдаланувчига ажратилган ва қт миқдорини турлича белгилайди. Кўпчилик ижтимоий кутубхоналар фойдаланувчиларга ёрдам кўрсатиш учун беш-ўн дақиқа вақт ажратиб, қўшимча ёрдам керак бўлганда, кейинроқ яна мурожаат қилишни таклиф қилади. Университет кутубхонасида ҳам шунга ўхшаш тартиб мавжуд. Аммо ўқув масканининг турига қараб, кутубхона ходимлари фойдаланувчилар билан махсус вақтни белгилаб, унга маълумот қидириш учун кўпроқ ёрдам бериши ҳам мумкин. Айрим кутубхоналарда ўқувчи келишидан аввал саволни телефон ёки электрон почта орқали юборишини маслаҳат беради. Шу орқали кутубхона ходими саволга олдиндан тайёргарлик кўриб қўяди ва унинг ёрдами айниқса самарали бўлиши таъминланади. Бошқа махсус кутубхоналарда эса, фойдаланувчининг биринчи ташрифи чоғида фақат бошланғич даражадаги ёрдам кўрсатилади, холос. Кутубхона ходимлари фойдаланувчиларнинг тадқиқ қилаётган соҳаси бўйича кўпроқ махсус адабиётга эга бўлган бошқа кутубхоналарга юбориши ёки қўшимча маълумот топилгудай бўлса, фойдаланувчига қайта қўнғироқ қилиши ҳам мумкин.

Ва, нихоят, кутубхона фойдаланувчиси *библиографик тасдиқ* мазмунидаги ахборотни қидириши мумкин. Бу ҳолат фойдаланувчи ўзига зарур бўлган ахборотни топгач, унинг айнан ўша манбалардан олинганини тасдиқлаши керак бўлганда юзага келади. Баъзида бу хизмат фактларни текширишда керак бўлса, айрим ҳолларда фойдаланувчилар ўз тадқиқотини тугатган, лекин улардан кўчирмалар лозим бўлганда қўл келади. Ўқувчилар маълумот олишда асосан электрон кўринишдаги ахборот базаларидан фойдаланаётганини инобатга оладиган бўлсак, библиографик кўчирмаларни тузиш бирмунча осонлашмоқда. Веб-саҳифалардан топилган материални тасдиқлаш ва ундан кўчирма олиш эса, бироз қийин жараён ҳисобланади. Негаки, кўчирма олиниши керак бўлган ахборот манбаи ҳар доим ҳам осонлик билан топилавермайди.



## Китобхонга маслаҳат бериш хизмати

*Китобхонга маслаҳат бериш хизмати* баъзан ахборот хизматининг бир тури сифатида қаралиб, у, аслида, керакли китобни ўз ўқувчисига етказиш борасидаги саъй-ҳаракатдан иборатдир. Шу боис кутубхоначилар яқин вақт ичида «менга яхши китобни топишда ёрдам бера оласизми?» деган савол билан тобора кўпроқ тўқнаш келиши кутилмоқда. Гарчи ҳеч нарса шахсий билим ва тажрибанинг ўрнини боса ол маса-да, янги технологиялар ўқувчига маслаҳат бериш хизматининг ишини аввалгидан кўра бирмунча осонлаштирмоқда. Масалан, кўплаб онлайн маълумот базалари бир китобни ёқтирган ўқувчига, бошқа шунга ўхшаш китобларни автоматик тарзда таклиф қилиш хизматига эга. Бошқалари эса, асарни жанр бўйича қидириш имконини берувчи рўйхатларга эга бўлиб, ўқувчи ўзи излаган китобни бошқа асарлар билан солиштириш имкониятига эга. Шу ўринда унутмаслик керакки, китобхонга маслаҳат бериш хизмати ҳали-ҳануз кутубхоначи билан ўқувчи ўртасидаги мулоқот асосида қурилиб, тўғри саволлар бериш, фойдаланувчининг саволини диққат билан эшитиш ва унга самарали ёрдам кўрсатиш юқори даражадаги ва том маънодаги фойдали маслаҳат хизматининг асосий вазифасидир.

Китобхонга маслаҳат бериш хизмати, одатда, ижтимоий кутубхоналар билан боғлиқ бўлиб, ундан кўпроқ бадиий китобларни қидираётган ўқувчилар фойдаланади. Илмий кутубхоналарда бу хизматдан фойдаланиш миқёси унчалик катта эмас. Шундай бўлса-да, бу хизматдан илм-фан вакиллари ҳам фойдаланиши мумкин бўлиб, улар, асосан, муайян соҳадаги билимларини ошириш мақсадида қўшимча адабиётларни топишда ёрдамга муҳтож бўлади. Юқори малакали кутубхоначилар ўқувчиларга маслаҳат бериш жараёнида турли саволлар бериш орқали уларнинг нақадар ўқимшили экани, тили ёки таълим даражасини билиб олиш имкониятига ҳам эга. Бу каби кутубхоначилар бадиий ва ҳужжатли адабиётнинг турли жанрлари билан таниш бўлиши ҳамда кутубхона коллекциясида қандай асарлар борлиги ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши талаб этилади. Шу билан бирга, улар ўз билимини дўстона ва мулоқим тарзда етказиб бера олиши ҳам ўта муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчига маслаҳат бериш хизматининг сирларини эгаллаш катта тажриба ва амалиётни талаб қилади. Бу соҳанинг асосларини 14-бўлимда чуқурроқ ўрганиб чиқамиз.

## Ахборот саводхонлиги

Фойдаланувчига йўл-йўриқ кўрсатиш айрим ҳолларда ахборот саводхонлиги деб ҳам аталиб, у ўз ичига фойдаланувчини кутубхонанинг онлайн ҳамда босма манбалар каталоглар и билан таништиришдан тортиб, кутубхонада тадқиқот ишларини амалга оширишдек махсус дарсларни ташкиллаштириш каби тадбирларни ўз ичига қамраб олиши мумкин. Ахборот саводхонлигининг асосий бўғини турли маълумот манбаларини қандай, қачон ва нега фойдаланиш кераклигини интеграциялашган тарзда намойиш этиб, бунда фойдаланувчининг диққатини жалб қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Замонавий таълим шароитларида электрон манбалардан фойдаланишнинг нисбатан осонлиги одатдаги тадқиқот стратегияларини ўргатиш борасидаги камчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Юзаки ахборотни топиш

узулларининг осонлашиши кўпчилик талабаларнинг чуқурроқ деталлашган маълумотларни назардан четда қолдиришига олиб келмоқда. Шунингдек, кутубхоналарнинг ўзида ҳам йўл-йўриқ кўрсатиш бир-биридан фарқланиши мумкин бўлиб, кутубхоначилар кўпинча фойдаланувчиларнинг саволларига жўнгина жавоб бериш керакми ёки уларни мавжуд манбалардан фойдаланишга ўргатиш лозимми, деган саволни қўядилар. Бу эса, бевосита кутубхонанинг вазифаси ёки ўз олдига қўйган мақсадига боғлиқ бўлади. Олий ўқув юртлари ўз кутубхоначиларини талабалар билан фаол ҳамкорликда бўлиб, уларга тадқиқотларни мустақил равишда амалга ошириш ва ахборотни баҳолашга ўргатиш лозимлигини таъкидлашади. Ижтимоий кутубхоналар эса, фойдаланувчиларни маълумот манбаларидан фойдаланишга ўргатиб, саволнинг жавобини топишга кўмаклашади, холос. Шундай қилиб, йўл-йўриқ кўрсатиш доимо маълумот етказиш ишининг муҳим қисми бўлиб қолиш баробарида, унинг кўрсатилиш даражаси муайян шарг-шароитларга боғлиқ бўлади.

Нима бўлганда ҳам, барча маълумот етказувчи кутубхоначилар фойдаланувчиларга улар қидираётган ахборот ва жавобларни тез топишга ёрдамлашиш учун зарур бўлган малакага эга бўлиши ва ўқувчиларни мавжуд маълумот манбаларидан фойдаланишга ўргатишга тайёр бўлиши лозим. Малакали кутубхона ходимлари ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, қачон маълумот етказувчи ва қачон библиографик инструктор бўлиш кераклигини олдидан сезишади. Айрим кутубхоналарда йўл-йўриқ кўрсатиш бўйича дарслар ўтиш учун фақатгина махсус белгиланган кутубхоначилар тайинланади. Шунга қарамай, кутубхонанинг библиографик йўл-йўриқ кўрсатиш дастурида иштирок этадиган кутубхона ходимларининг сонини кўпайтириш лозим бўлиб, олий ўқув юртларини эндигина битирган ёш ходимлар ҳам кутубхонанинг ресурсларидан фойдаланишга бағишланган бошланғич даражадаги дарсларни ўтказишга қодир бўлишлари талаб этилади. Шунини айтиш жоизки, йўл-йўриқ кўрсатиш вазифаси юкланмайдиган кутубхоначилар ҳам, аслида, кутубхона фойдаланувчиларига ёрдам бериш имкониятига эга бўлиб, мазкур соҳанинг турли жиҳатлари 16 бўлимда батафсил ёритилган.

## Босма ва электрон форматдаги ахборотни танлаш ва баҳолаш

Кутубхона коллекцияси учун мўлжалланган босма ва электрон форматдаги ахборотни танлаш ва таҳлил қилиш профессионал жиҳатдан худди экспертлар учун маълумотлар етказиш хизмати каби фойдали бўлиши мумкин. Кутубхоначиларнинг кутубхона коллекциясига қўшилаётган маълумотларни танлаш ва таҳлил қилишдаги иштироки, уларга мавжуд манбалар ҳақидаги билимларини бойитиш ва ўз фаолиятининг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Маълумотларни танлаш вазифасини кимга топшириш, кўп жиҳатдан кутубхонанинг катта-кичиклигига қараб белгиланади. Йирик илмий кутубхоналарда маълумотларни танлаш мавзу бўйича ихтисослашувчи библиографларга топширилиб, уларнинг хизмат вазифалари коллекцияни ривожлантириш билан чекланиши мумкин. Кичикроқ кутубхоналарда манбалар-

ни таҳлил қилиш ва уларни харид қилиш биргина маълумот етказувчи кутубхоначига юклатилиши ҳам мумкин. Айрим муассасаларда эса, маълумотларни танлаш ва таҳлил қилиш билан махсус ишчи гуруҳлари ёки қўмиталар шуғулланиши мумкин.

«Китобни нима маълумотномага айлантиради?» деган савол касбимиз вакиллари орасида анчадан буён муҳокама қилиб келинади. Шу маънода айтиш мумкинки, маълумотнома — бу муайян ахборот олиш учун ўқиладиган адабиёт бўлиб, уни китобдан фаркли равишда тўлалигича ўқиш шарт эмас. Бошқача айтганда, маълумотномалар «қўз ташлаш» учун мўлжалланган адабиётдир. Шундай экан, ўқувчи маълумотномадан унинг тўлиқ матни билан эмас, балки ундаги муайян бир ахборот билан танишиш учун фойдаланади. Маълумотномаларнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, уларни кутубхонадан олиб чиқиш мумкин эмас. Шу орқали маълумотномалар коллекциясидаги барча адабиётлар ҳар доим «қўл остида» бўлиши таъминланади. Шунини инобатга олиш лозимки, бадиий адабиётларнинг ўғирланиши ёки кутубхонадан олиб чиқиб кетилмаслигини кўзлаб, уларни «маълумотнома» деб белгилаб қўйиш маълумотлар коллекцияларида ноаниқликка сабаб бўлиши мумкин. Ва, ниҳоят, маълумотларнинг электрон форматдаги коллекцияларидан кутубхона фойдаланувчилари энди ўз уйидан, ётоқхонасидан ёки ишхонасидан туриб фойдаланиши мумкинлигини инобатга олсак, электрон коллекциялар босма манбалардан кўра, кўпроқ маълумотни қамраб олиши ва, энг муҳими, 1 суткада 24 соат давомида фойдаланиш учун сочиқ бўлишини таъкидлаш жоиз.

Маълумотнома коллекциялари учун ажратилаётган маблағ миқдори камайиб, босма ва электрон форматдаги маълумотномаларнинг нусхаларини сақлашдан воз кечиш тенденцияси давом этаётган бир шароитда маълумотларни синчковлик билан танлаш ва таҳлил қилиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Кутубхоналар материалларни ўз маълумотномалари коллекцияларига киритиш мезонларини ишлаб чиқиши муҳимдир. Қуйидаги мезонлар маълумотнинг кутубхона коллекциясига киритиш учун нечоғлик муҳимлигига аниқлик киритишда қўл келади. Масалан, соҳа, мазмуннинг сифати, жамиятда қабул қилинган тартиб-қоидаларга мос келиши, формати, дизайни, ишончлилиги, долзарблиги, аниқлилиги, фойдаланиш учун қулайлиги, ўзига хос муқоваси ва нархи. Электрон манбаларни танлаш борасидаги мезонлар биров фарқланса-да, босма манбалар учун қўлланилувчи барча мезонлар ҳам эътиборга олиниши лозим бўлиб, бу, айниқса, босма ва электрон манбалар коллекциялар ҳаддан ташқари қўпайиб кетишининг олдини олишни мақсад қилган кутубхоналар учун муҳим аҳамиятга эга.

Айрим кутубхоналар маълумотлар коллекциялари учун мўлжалланган материалларни кутубхоначилик соҳасига бағишланган профессионал адабиётлардан танлаб олади. Бошқалар эса, бу каби материалларни махсус ярмаркалар пайтида ёки нашриётлар вакиллари билан махсус учрашувлар ўтказиш натижасида ўрганиб чиққандан сўнг ўз коллекциясига қўшиш кераклигини таъкидлайди. Аксарият кутубхоналар мазкур услубларнинг иккаласидан ҳам фойдаланади. Маълумотларни танлаш ва баҳолаш мавзусига китобнинг 17-бўлимида кенгроқ ўрин берилган.

## Излаш воситалари ҳамда веб-сайтларни яратиш

Қўплаб маълумот етказиш муассасалари томонидан қўлланувчи яна бир стратегия — кутубхона фойдаланувчилари учун мўлжалланган излаш воситаларини юборишдир. Бунда кутубхоначилар бамисли картографлардек ўзларига таниш бўлган «ҳудуд»нинг харитасини чизиб, йўлда учраган қизиқарли сайтларни белгилаб кетади. Излаш воситалари, одатда, кўп учрайдиган саволлар, масалан, мактаб ва коллежларда ўқитиладиган ўлим жазоси, наркомания, Америка ҳиндулари тарихи кабилар учун мўлжалланган жавобларни осонлик билан топиш учун хизмат қилади. Шунга ўхшаб ижтимоий кутубхоналар ҳам ҳар куни учрайдиган саволлар, жумладан, бўш иш ўринлари, касалхоналар сертификатлари, шажара ва шунга ўхшаш саволларга жавобларни осонлик билан топадиган излаш воситаларини яратиши мумкин. Мавзу, аудитория ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда излаш воситаси фойдаланувчига тегишли маълумотнома-лар, маълумот базалари, излаш терминлари, ишончли веб-сайтлар рўйхатлари ҳамда кутубхонанинг Жамоат учун мўлжалланган онлайн каталогидан (OPAC) қандай қилиб фойдаланиш борасидаги маслаҳатларни бериши мумкин.

Шунингдек, айрим ҳолларда кутубхоначилар мавзу бўйича синчковлик билан ажратилган ҳаволалардан иборат веб-сайтларни (баъзида уларни «веблиография» деб ҳам аташади) ҳам яратиб, айнан мана шу сайтлар излаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Интернет тармоғидаги маълумотларни тартибга келтириб, фойдаланувчиларга энг яхши манбаларни таклиф қилиш ва уларни шубҳали манбалардан ҳимоя қилиш борасида кутубхоначиларга етадиган касб эгалари бормикан ўзи? Интернет тармоғидаги излаш воситалари босма излаш воситаларидан бир неча жиҳати билан устун туради. Жумладан, Интернетдаги излаш воситаларидан куну тун фойдаланиш, хоҳлаганча янгилаш мумкин бўлиб, уларда керакли веб-сайтлар ва электрон маълумотномаларга тўғридан-тўғри ҳаволалар жойлаштирилиши мумкин.

Кутубхона Интернетдан қанчалик кенг фойдаланишидан келиб чиққан ҳолда, бу каби веблиографиялар умумий, яъни кенг мазмундаги маълумотлар манбаларига ёки ихтисослашган кўринишга эга бўлиши мумкин. Кутубхоначилар томонидан танланган умумий турдаги веб-ресурсларга, жумладан *ipl2* ([www.ipl.org](http://www.ipl.org)) ва *Infomine* (<http://infomine.ucr.edu>) кабилар қиради. Ихтисослашган веблиографиялар рўйхатига эса, Нью-Йорк ижтимоий кутубхонасининг *Best of the web* ([www.nypl.org/links](http://www.nypl.org/links)) ҳамда Вашингтон университетининг *Information Gateway* ([www.lib.washington.edu/subject/](http://www.lib.washington.edu/subject/)) каби веб-сайтлари қиради. Йирик кутубхоналар илмий ёки ижтимоий турда бўлишидан қатъи назар иккала турдаги каталогларни ҳам яратади. Кичикроқ кутубхоналар маълум бир соҳага ихтисослашган веблиографияларни яратиб, уларни *Internet Public Library* каби йирик умумий турдаги маълумотлар сайтларига боғлаши мақсадга мувофиқ.

## Кутубхоналар ва маълумот етказиш хизматларини илгари суриш ва маркетинг қилиш

Замонавий шароитда кутубхоналар маркетинги ва маълумотлар етказиш хизматларини илгари суришга бўлган эътиборни кучайтириш ҳар қачонгидан ҳам

муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашисиз кутубхоналарнинг келажаги йўқ. Маълумот етказиш хизматларини кутубхона фойдаланувчилари орасида илгари суриш мазкур белгиланган мақсадга эришиш йўлидаги босқичлардан бири бўлиб, кутубхоналар ўз фойдаланувчиларига қандай хизматлар кўрсатиши мумкинлиги амалда намоён бўлмоқда. Йирик жамоатчилик гуруҳлари орасида — шаҳар кутубхоналарида кутубхона хизматларини алоҳида фойдаланувчилар орасида илгари суришнинг ўзи кифоя қилмасдан, йирик маркетинг тадбирларини ўтказиш ҳам муҳим роль ўйнайди. Илгари суриш ва маркетинг тадбирларини ўтказиш, шунингдек, илмий кутубхоналар, мактаб ва махсус кутубхоналар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Босма ва онлайн ахборот бюллетенлари ҳамда веб-сайтлардан фойдаланиш, кутубхона ходимлари ва мутахассислари билан учрашувлар ўтказиш кутубхона ресурсларини илгари суриш мақсадлари учун хизмат қилиши мумкин.

## Ходимлар ва хизматларни баҳолаш

Кутубхоналар ўз маълумотлар коллекциялари ёки маълумот етказиш хизматларини мунтазам равишда баҳолаб туришга интилади. Ўзининг «Ахборот етказиш хизматларини баҳолаш: амалий йўриқнома» китобида Жо Белл Уитлач баҳолаш стратегиясини яратишдан аввал мақсадни аниқлаб олишнинг муҳимлигига эътибор қаратади. Ж.Б.Уитлачнинг фикрича, баҳолашни ўтказишдан аввал, иккита энг муҳим саволга жавоб топиш даркор, яъни «Ахборот етказиш хизматларини баҳолашдан мақсад нима?» ва «Баҳолаш натижаларидан қай мақсадда фойдаланилади?».

Маълумот етказиш мақсадида ўтказилувчи мулоқотнинг сифатини аниқлаш маълумот етказиш хизматининг нақадар самарали эканини аниқлашга ёрдам беради. Маълумот етказувчи ходимларнинг ишини баҳолаш, маълумот етказиш хизматининг нақадар самарали эканини аниқлаш баробарида хизматнинг юқори даражада кўрсатилишини таъминловчи омил ҳамдир.

Америка кутубхоналар уюшмасининг Маълумот етказиш ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш хизматлари уюшмаси томонидан «Маълумот етказиш ва ахборот хизмати соҳаси вакилларининг феъл-атвори ва муомаласи юзасидан йўриқнома» яратилган бўлиб, у мазкур соҳа мутахассисларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, ишини баҳолаш жараёнида фойдаланилади. Маълумот етказувчи кутубхоначиларнинг иш самарадорлиги ҳам фойдаланувчиларга етказилган ахборот ҳамда ўқувчининг кутубхоначи билан бўлган мулоқотидан сўнг қониқарли даражаси билан баҳоланади.

Йўриқнома қуйидаги омилларни қамраб олади:

- Кутубхоначи билан мулоқотга киришишнинг осонлиги;
- Фойдаланувчилар маълумот етказувчи кутубхоначининг ёрдам беришга шайлигини аниқлай оладими?
- Қизиқиш: кутубхоначи фойдаланувчи билан мулоқотга киришишга қай даражада қизиқиш билдиради?
- Тинглаш, муурожаат қилиш: фойдаланувчи ўзига керак бўлган маълумотни қидиришда ёрдамга муҳтожлигидан хижолат тортган тақдирда, кутубхоначи унинг хижолатини юмшатишга ҳаракат қиладими? Мулоқот

пайтида мулойимлик ва ахлоқ-одоб тамойилларига рияз қилинадими?

- Излаш: кутубхоначи аниқ ва керакли натижаларни берадиган излаш стратегиясини яратиш учун керакли малакага эгами?
- Қўшимча: кутубхоначи фойдаланувчининг излаш, яъни мулоқот жараёнидан қониқганини аниқлай оладими?

Бу йўриқномалар кутубхона ходимлари ишини баҳолаш воситаларининг асосийларини ташкил этиб, баҳолаш воситалари нимадан иборат бўлишидан қатъи назар — оддийгина ўзини-ўзи баҳолаш учун мўлжалланган мезонлар рўйхатими, касбдошларни баҳолаш воситасими ёки ойлик маошга таъсир ўтказиши мумкин бўлган расмий баҳолаш тизимими — барчасида юқорида айтиб ўтилган жиҳатларга эътибор берилиши лозим бўлади.

Ходимларни баҳолаш билан бир қаторда, кутубхона ўз самарадорлигини айрим санокли мезонлар, яъни жавоб берилган саволлар, босма ёки электрон манбаларга мурожаат этилиш сони қабилар асосида ўлчаши мумкин. Кичикроқ кутубхоналар ходимларнинг фойдаланувчилар томонидан берилган саволларга қайтарилган жавоблар сони ва турини доимий равишда назорат қилиш мумкин. Йирикроқ кутубхоналарда эса, бир йил давомида йўлланган жавоблар сони эътиборга олинади. Мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда тегишли ҳисоб-китоблар, компьютерлар, махсус чиқарилган санок формалари ёки ҳар қандай бошқа усул ёрдамида олиб борилиши мумкин.

Кутубхоналарда баҳолашнинг бир қатор бошқа стратегияларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, мавжуд ресурслар сифатини баҳолаш ҳам санок олиб боришнинг яна бир фойдали услубидир. Бошқармалар ишини баҳолаш жараёнига ресурсларни тақсимлаш масалаларини ҳам бириктириш мумкин бўлиб, бунда мавжуд маблағлар кутубхона ходимлари, босма ва электрон манбалар, компьютерлар ва тармоқлар, бинога хизмат кўрсатиш каби йўналишлар орасида қандай тақсимланаётганига эътибор қаратилади. Фойдаланувчининг маълумот етказиш хизматларидан қанчалик қониққанлигини аниқлаш учун, аввало, сўровномалар, тадқиқотлар, фокус-гурuhlари, кузатув ва интервьюлардан фойдаланиш мумкин.

Кутубхона раҳбарияти баҳолаш услубини белгилашдан аввал нима ва қайси стандартлар асосида баҳолашни аниқлаб олишлари даркор. Кутубхоналарда баҳолаш воситаларини яратишга бағишланган кенг қамровли маълумотларни тақлиф қилувчи манбалар талайгина. Мазкур жараёнда энг яхши услубни танлаш, баҳолаш воситасини яратиш ва синаб кўриш, тадқиқот, сўровнома ёки интервьюни бошқариш, кузатувни режалаштириш, интервью олувчининг ҳолислигини таъминлаш ва бошқа шу каби ўнлаб этика масалалари синчковлик билан ўрганиб чиқилиши лозим. Тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш, хулосалар ясаш учун, айниқса, юқори малака ва тайёргарлик талаб қилиниб, баъзи ҳолларда бунинг учун махсус мутахассислар ҳам ёлланади. Мана шу ва бошқа масалалар эса, 19-бўлимда кенг кўриб чиқилган.

## Маълумот етказиш соҳасининг ўзгариб бораётган табиати

Вақт ўтиши билан кутубхоналарнинг ривожланиб бориши ахборот етказиш соҳасининг табиатини ҳам ўзгартириб юборди. Бугун мазкур соҳа кутубхона девор-

ларини тарк этган ҳолда фойдаланувчиларни «юқори малакали ва хушфёъл аёл ходимлар кутиб олувчи» муассасадан анчайин фарқ қилмоқда. Илмий кутубхоналар, жумладан, ўзларининг босма манбаларга бўлган қизиқишининг камайиб, онлайн манбалардан фойдаланиш ҳажмининг ортишини кузатмоқда. Фойдаланувчилар ўз саволлари билан туну кун виртуал ахборот етказиш хизмати орқали мурожаат қилиш ва берилган саволларга шу заҳоти жавоб олишни маъқул кўришмоқда. Шу билан бирга, улар куну тун давомида кутубхона томонидан таклиф қилинаётган манбалардан Интернет тармоғи орқали фойдаланиш имкониятига ҳам эга. Виртуал ахборот етказиб бериш ҳажми тез суръатларда ўсиб бормоқда. Бир зумда хабар алмашиш имконини берувчи дастурлар кейинги авлод ҳаёти давомида юз берувчи кенг қўламли ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти ҳақида бугундан оқ яхлит тасаввур ҳосил қилиш имкониятини беради. Хусусан, онлайн тизими хабар етказиб бериш хизматлари жадал ўзгариб бораётган ҳозирги дунёда ўзининг қулайлиги ва кераклиги билан ажралиб турибди.

Ўзининг кўплаб кўриниши билан технологиялар ахборот етказиб бериш хизматларини ўзгартиришда давом этмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, кутубхоналар янги технологияларни мукамал ўрганиши ва дунёни технологияларсиз тасаввур қила олмайдиган фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига мослашишига тўғри келади. Яъни, бошқа касб эгалари каби кутубхона ходимлари ҳам ўзгариш тўлқинига мослашиши ва ўз фойдаланувчиларининг эҳтиёжларини қондиришга тайёр бўлиши талаб қилинади. Ўқувчилар янги технологияларнинг қайси туридан фойдаланишидан қатъи назар, МРЗ плеерми, айподми ёки айпадми, ўзларига керак бўлган ахборотни айнан ўша замонавий техник воситаларга қабул қилиб олиш ва ўқишни хоҳлайдилар.

Маълумот етказишнинг янги моделлари ҳам ривожланиб, фойдаланувчиларнинг турли талаб ва эҳтиёжларига мослашиб бормоқда. Кутубхоналарда хизмат кўрсатиш жойларининг сони ортиб бормоқда. Масалан, кутубхона марказидаги ахборот бериш шохобчаси, кутубxonанинг бошқа хизматлари билан уйғунлаштирилган ҳолда маълумот бериш хизмати ёки бўлмаса, ўқувчи кутубxonачи билан биргаликда ўзига зарур бўлган маълумотларни қидириш, кенг қамровли тадқиқот олиш учун мўлжалланган махсус шохобчалар дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги кутубхоналар фаолиятини анчайин ижобий жиҳатлар билан тўлдирди. Бошқа вазиятларда эса, кутубxonачилар маълумот бериш бўлимида бўлган, аммо маълумот бериш шохобчасига мурожаат қилмайдиган фойдаланувчиларга ёрдам бериш билан машғул бўлади.

Мана шу ва бошқа янги стратегиялар ахборот хизматларининг таклиф қилиниш усулларини ҳам ўзгартириб бормоқда. Шу боис яқин келажакда маълумот бериш хизмати электрон алоқа воситаларига тобора кенгроқ асосланиб боришини аниглашимиз ва уларни инobatга олишимиз даркор.

Бундан ташқари, мазкур хизмат барибир яккама-якка хизмат тури бўлиб қолаверади, гарчи у юзма-юз тарзда амалга оширилмаса ҳам. Мазкур жараёнда электрон манбаларга бўлган урғу сезиларли даражада кучаяди, гарчи босма шаклдаги маълумотлар ҳам ўз долzarблигини йўқотмаса ҳам. Шундай бўлса-да, ҳозирги ахборотни топиш ва етказиш усуллари қанчалик фундаментал даражада бўлган бўлса, шундайлигича қолаверади. Кўриб чиқиладиган бўлимларда биз замонавий ахборот етказиш хизматининг энг диққатга сазовор жиҳатларини муҳокама қилиб, ушбу ўта муҳим хизматнинг замонавий кутубхона

фаолиятидаги асосий ўрнини таъминлаш учун нима қилиш кераклиги бора-сида фикр юритамиз.

## Recommendations for Further Reading

---

- Austin, Brice. 2004. «Should There Be ‘Privilege’ in the Relationship between Reference Librarian and Patron?» *The Reference Librarian* 87/88: 301–311. An exploration of whether privilege should be extended to the librarian-patron relationship.
- Fritch, John W, Scott B. Mandernack. 2001. «The Emerging Reference Paradigm: A Vision of Reference Services in a Complex Information Environment». *Library Trends* 50, no. 2: 286–306. A proposal of ways to respond to changes in reference service.
- Jacoby, Jo Ann, and Nancy P. O’Brien. 2005. «Assessing the Impact of Reference Service Provided to Undergraduate Students». *College and Research Libraries* 66, no. 4 (July): 324–340. Reports on how reference service can help students to learn to do research and to use the library.
- Landesman, Margaret. 2005. «Getting It Right—The Evolution of Reference Collections». *The Reference Librarian* 91/92: 5–22. A history of the development of reference collections.
- Lenker, M. 2008. «Dangerous Questions at the Reference Desk: A Virtue Ethics Approach». *Journal of Information Ethics* 17, no. 1: 43–53. A good article on ethics.
- Puacz, Jeanne Holba. 2005. «Electronic vs. Print Reference Sources in Public Library Collections». *The Reference Librarian* 91/92: 39–51. A discussion of the impact of electronic resources on public library collections.
- Samson, Sue, and Erling Oetz. 2005. «The Academic Library as a Full-Service Information Center». *Journal of Academic Librarianship* 31, no. 4 (July): 347–351. The development of an Information Center at the University of Montana-Missoula supports the changing nature of library service and combines one-stop service for library users.

## Bibliography of Works Cited in This Chapter

---

- Bopp, Richard E., and Linda C. Smith. 2001. *Reference and Information Services: An Introduction*. Englewood, CO: Libraries Unlimited.
- Bunge, Charles. 1999. «Ethics and the Reference Librarian». *The Reference Librarian* no. 66: 25–43.
- Genz, Marcella D. 1998. «Working the Reference Desk». *Library Trends* 46, no. 3 (Winter): 505–525.
- Gorman, Michael. 2003. *The Enduring Library: Technology, Tradition, and the Quest for Balance*. Chicago: American Library Association.
- Katz, William A. 2001. *Introduction to Reference Work*. 2 vols. New York: McGraw-Hill.
- Nolan, Christopher W. 1999. *Managing the Reference Collection*. Chicago: American Library Association.
- Tyckoson, David A. 2001. «What Is the Best Model of Reference Service?» *Library Trends* 50, no. 2 (Fall): 183–196.
- Whitlatch, Jo Bell. 2000. *Evaluating Reference Services: A Practical Guide*. Chicago: American Library Association.



## 2

## Саволни аниқлаш: ахборот етказиш учун юзма-юз, телефон ва виртуал интервью

Ахборот етказиш жараёнидаги интервью жанри фан эмас, балки ўзига хос санъат тури ҳисобланади. Шу боис у мавжуд малакани ишга солишнигина эмас, балки вазиятни ҳамда фойдаланувчининг эҳтиёжларини ҳам инобатга олишни талаб қилувчи доими й тарзда ўзгариб боровчи амалиётдир. Кутубхоначилар интервьюнинг сифатини таъминловчи жиҳатларни ўрганиш билан бир қаторда, мазкур қадамлар ҳар қандай вазиятни ҳал қила олиш учун мослаштирилган бўлишини ҳам тан олишлари даркор. Ҳар бир фойдаланувчи ва ҳар бир савол ўзига хос бўлгани каби, маълумот етказиб берувчи интервью ҳам ҳар сафар турлича бўлади. Бу жараённинг умумий тузилиши уч босқични қамраб олади: «фойдаланувчи билан мулоқот ўрнатиш, фойдаланувчининг эҳтиёжи нимадан иборат эканини аниқлаш ва берилган жавоб қидирилган саволнинг жавоби эканини тасдиқлаш» (Росс, Нильсен ва Дьюдни, 2002:5). Мана шу тузилма доирасида кутубхоначилар худди мусиқачилар каби импровизация қилишни ўрганишлари даркор.

Кутубхоначилар учун фойдаланувчининг саволига тўғри жавоб бериш маълумот етказиш жараёнида ўрнатилувчи мулоқотнинг энг муҳим қисмидир. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, фойдаланувчилар маълумот етказиб бериш жараёнидаги интервьюнинг қандай кечишини назорат қилиб, кутубхоначининг мазкур мулоқот чоғидаги хатти-ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратади. Фойдаланувчилар ўз эҳтиёжининг нақадар тўлиқ қондирилганидан қатъи назар, ўзига нисбатан ҳурмат-эътибор кўрсатган ва самимий муносабатда бўлган кутубхона ходи мининг хизматидан фойдаланиш учун унга қайта-қайта мурожаат қилишни маъқул кўради.

Кутубхоначилар сифатли интервьюнинг муҳим жиҳатларини яхши эгаллашлари муҳимдир. Ҳар бир фойдаланувчи ва ҳар бир савол турлича бўлгани боис ҳар бир интервью ҳам шунга яраша турлича кечади. Шу боис кутубхоначилар интервьюнинг элементларини вазиятга мослаштириши лозим бўлади. Интервьюнинг қай йўсинда ўтказилиши унинг мазмун-моҳияти каби муҳимдир.

### Маълумот бериш мақсадидаги интервьюни ўтказиш нега муҳим?

Фойдаланувчилар томонидан бериладиган айрим саволлар шу қадар жўнки, баъзан кутубхоначилар «Интервью ўтказиш керакми ёки йўқ?» деган савол

Тошкент Ахборот-технологиялари университети  
112847  
Ахборот Resurs Markazi

ни ҳам ўртага ташлайди. Лекин мулоқот чоғида фойдаланувчининг биринчи саволи, аслида у қидираётган маълумотни топишда деярли аҳамият касб этмаслиги маълум бўлади. Фойдаланувчилар биргина қисқа саволга жавоб олиш улар қидираётган маълумотларни мустақил равишда топиш учун етарли бўлади, деб ўйлайди. Бундай вазиятларда саволнинг иккиламчи маънога эга экани вазиятнинг чигаллашишига олиб келади. Масалан, бир фойдаланувчи юлдузлар ҳақидаги китобларни гофиб беришни сўрайди. Лекин пировардида, унга экватордан жанубда кузатиш мумкин бўлган юлдузлар туркуми ёки бўлмаса, кино юлдузларининг адреслари кўрсатилган маълумотлар керак бўлгани маълум бўлади. Ёки бўлмаса, кимдир пазандалик ҳақидаги китобларни излаб келади, аслида эса унга хаширтуруш хаширни «кўтариши»да кечадиган кимёвий жараёнлар ҳақидаги маълумотлар зарурлиги аён бўлади. Фалсафада сўзларнинг турли маъноларни англатиши нағижасида келиб чиқувчи хатолар «тасниф хатолари», деб юритилиб, бу — бир сўз билан ифодаланувчи турли тамойиллар тўпламини билдиради. Бу каби хатоларнинг оқибатлари кутубхона оламида жиддий муаммоларни келтириб чиқармаса-да, улар ҳам фойдаланувчи, ҳам кутубхона ходимларининг анчагина вақтини олади. Фойдаланувчидан қўшимча, аниқлаштирувчи саволларни сўраш орқали кутубхоначи ана шундай муаммоларнинг олдини олиши ва асосий эътиборни фойдаланувчи аслида қидираётган маълумотларни топишга қаратиши лозим.

## Биз маълумот етказиб бериш жараёнидаги интервью ҳақида нималарни биламиз?

Маълумот етказиб бериш жараёнидаги алоқа масаласига бағишлаб қўлаб тадқиқотлар ўтказилган. Ўзининг «Савол муҳокамаси ва кутубхоналарда ахборот қидириш» деб номланган мақоласида Роберт С.Тейлор маълумот етказиш жараёнидаги мулоқотни саволни муҳокама қилиш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ўрганган. Тейлор мулоқот чоғида «савол беш босқичли ўзига хос филтрдан ўтиб, ана шу жараёнда кутубхоначи ўзига жавобни қидириш учун қўл келиши мумкин бўлган қўшимча маълумотни тўплаб олади», деб таъкидлайди. (Тейлор, 1968:183). Элейн З. Женнерич ва Эдвард В. Женнерич интервью жараёнини «Ижод» ва «Санъат», деб таърифлайди (Женнерич ва Женнерич, 1987). Мэри Жо Линч эса, жамоат кутубхоналарида маълумот етказиш жараёнида олинувчи интервью масаласини тадқиқ қилиб, «Кутубхона ходимлари ўқувчи билан интервью ўтказиш кераклигини қандай аниқлаши, кутубхоначи савол бермасдан ҳам ахборот олиши мумкин бўлган каналлар ва самарали саволлар кетма-кетлиги қандай бўлиши лозим»лигига эътибор қаратган (Линч 1978).

Бренда Дервин ва Патрисия Дьюднининг «Нейтрал савол-жавоб: маълумот етказиш жараёнидаги интервьюга янгича ёндашув» сарлавхали мақоласида бетараф савол-жавоб усулини тақлиф қилиб, у саволларга жавоб беришда асосий эътибор фойдаланувчининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилишини назарда тутди (Дервин ва Дьюдни, 1986). Патрисия Дьюдни ва Кэтрин Шелдриг Росс мазкур соҳадаги тадқиқотларини давом эттириб, интервью жараёнига фойдаланувчининг нуқтаи назаридан ёндашув масала-

сини ўрганишган (Дьюдни ва Росс). Жумладан, улар кутубхоначилик йўналиши бўйича олий ўқув юртини битираётган талабалардан кутубхонага келиб, ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиш ва натижаси бўйича ҳисобот ёзишни сўрашган.

Талабаларнинг фақат 59,7 фоизигина кутубхона хизматидан қониққани ва унга яна боришга тайёр эканини айтиб ўтган (Дьюдни ва Росс, 1994: 22).

Мэри Рэдфорд ўзининг 1998 йилда чоп этилган «Кутубхона тенденциялари» асарида новербал мулоқотнинг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратади. У фойдаланувчилар томонидан айтиб ўтилган бешта омилни кўрсатиб, улар фойдаланувчининг қайси кутубхоначига мурожаат қилишини белгилаб беришини таъкидлайди. Бу омиллар қуйидагилардан иборат, яъни алоқани ўрнатиш, алоқага тайёрлик, масофа, танишлик ва жинс. Мэри Джонс Своя ва Жеффри Катцер одамлар нега ёрдам сўраб мурожаат қилишга ийманишини тадқиқ қилиб, бунга аввал кўрсатилган ёрдамдан қониқмаслик, улар излаётган маълумот ўта жўнлиги ёки кутубхона ходимини безовта қилишни маъқул кўрмаслик каби омиллар сабаб бўлишини айтиб ўтади (Своя ва Катцер, 1972).

Маданиятлараро мулоқот Терри Энн Муд (1982) ва Р.Эррол Лэм томонидан ўрганилган (1988). Муднинг айтишича, хорижий талабалар учун ўрганишнинг энг яхши йўли — бу амалий тажрибадир. Лэм эса, маълумот бериш жараёнидаги маданиятлараро интервьюнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтади. Яқиндан бошлаб тадқиқотлар маълумот етказиш жараёнидаги виртуал алоқанинг ўзига хос жиҳатларини ҳам қамраб ола бошлади. Уларда виртуал жараён билан юзма-юз кечувчи жараён ўртасидаги фарқ ва ўхшашликлар тадқиқ қилиниб, мавжуд асарлар орасида Струо (2000), Керн (2003), Рэдфорд (2008) ва Нильсен (2005) каби олимларнинг мақолаларини таъкидлаб ўтиш даркор.

## Маълумот етказиш мақсадида интервью ўтказиш

Интервью қуйидаги бир неча қисмдан иборат бўлиб, уларнинг барчаси кейинги бетларда батафсил кўриб чиқилади:

- фойдаланувчи билан алоқа ўрнатиш;
- саволни муҳокама қилиш;
- муваффақиятли излаш учун стратегия ишлаб чиқиш ва уни фойдаланувчига етказиш;
- ахборотни топиш ва уни таҳлил қилиш;
- саволга тўлиқ жавоб берилишини таъминлаш;
- интервьюни тугатиш.

### Фойдаланувчи билан алоқа ўрнатиш

Фойдаланувчилар кутубхонага келиб ёки масофадан туриб (телефон, электрон почта, чат ва ҳоказо) кутубхоначи билан мулоқотга киришганда, табиийки, уларга ёрдам беришга тайёр бўлган одам билан суҳбатлашишни ниёт қилади. Мулоқотга киришиш жараёнини осонлаштириш учун кутубхоначилар вербал ёки новербал усуллар орқали ёрдам беришга тайёр эканлигини билдиришлари даркор. Эдвард Казлаускас «Тадқиқот: илмий кутубхоналардаги ижтимоий

хизмат шохобчаларининг кинетик анализи» номли китобида «Фойдаланувчи билан илк мулоқотга киришилаётган пайтда жилмайиш, унинг кўзларига тик боқиш, унга мулойим муносабатда бўлиш мулоқотнинг ижобий ва қулай бўлишини таъминлайди», деган фикрни илгари суради. (Казлаускас, 1976). У, шунингдек, кутубхоначи билан мулоқот ўрнатишга тўсқинлик қилувчи омилларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади. Масалан, фойдаланувчини тан олмаслик, у яқинлашиб келаётган жойидан кўзгалмаслик, кўзларни қўл билан беркитиш, фойдаланувчи яқинлашганида атайин мутолаага берилиш, оғизни қийшайтириш ва шу каби ҳолатлар бор (Казлаускас, 1976).

Мэри Рэдфорд «Ўттиз етти соат давомида 155 нафар фойдаланувчининг ўттиз тўрт нафар кутубхоначи билан кечган суҳбатларини кузатган». Бундан мақсад фойдаланувчининг у ёки бу кутубхоначига мурожаат қилишини белгилаб берган омилларни аниқлаш бўлган. У фойдаланувчиларнинг қарор қабул қилишига таъсир ўтказган бешта омилни алоҳида таъкидлайди:

1. Алоқа ўрнатиш. Кутубхоначи мулоқотни қуйидаги новербал сигналлар орқали бошлайди: кўз контакти, танани мослаштириш, фойдаланувчи томон ҳаракатланиш, вербал алоқага ўтиш.
2. Алоқага тайёрлик. Кутубхоначи фойдаланувчи томон юз буриши, у томон ҳаракатланиши, кўз контактини ушлаб туриши ва фойдаланувчига бўлган эътиборини вербал ва новербал сигналлар билан тасдиқлаши.
3. Масофа. Фойдаланувчи қайси кутубхоначига мурожаат қилишни унинг узоқ-яқин турганига қараб ҳал қилади.
4. Танишлик. Фойдаланувчи аввал ҳам кутубхоначининг ёрдамидан фойдаланганми, уни танийдими-йўқми.
5. Жинс. Фойдаланувчилар аёл кутубхоначига мурожаат қилишни афзал деб билади (Рэдфорд, 1998: 708—710).

Жейкоби ва Обрайан томонидан битирувчи талабалар орасида ўтказилган тадқиқотда кутубхоначиларнинг мулойим ва ёрдам беришга шай туриши муҳимлиги таъкидлаб ўтилган. Шу орқали фойдаланувчилар ёрдам сўрашдан хижолат тортмайди. Бу, шунингдек, талабанинг ахборотни мустақил равишда топиш борасидаги малакасини оширишга ҳам хизмат қилади (Жейкоби ва Обрайан, 2005).

Кутубхоначи маълумотхонада айланиб, ёрдамга муҳтож талабаларга қўмаклашиши ҳам муҳим аҳамият касб этиб, кутубхона ходимининг ёрдамга тайёрлигини намойиш этади. Негаки, кўпчилик фойдаланувчилар ёрдамга муҳтож бўлиб турганда ҳам кутубхоначи билан алоқага киришдан хижолат тортиб туради. Шу боис кутубхоначининг маълумотхонада бўлиши фойдаланувчиларга норасмийроқ тарзда хижолат тортмасдан ёрдам сўраш учун шароит яратади. Фойдаланувчилар орасида айланиб юриб, кутубхоначи улардан излаётган маълумотларни топгани билан қизиқиши ёки ҳали маълумотхонага мурожаат қилмаган фойдаланувчилар билан алоқа ўрнатиши муҳим аҳамиятга эга.

Телефон ёки электрон почта ёки чат хизмати орқали мурожаат қилган фойдаланувчи билан алоқа ўрнатиш учун кутубхоначи уни мулойим тарзда қутлаши (яъни «Салом. Бизга қандай хизмат бор?») ва фойдаланувчи томонидан берилган саволга жавоб қайтариши мақсадга мувофиқ. Масалан, фойдаланувчи касал бўлиб қолгани ёки уйдан чиқа олмаслиги сабабли вир-

туал тарзда мурожаат қилаётганини маълум қилиши мумкин. Шунда кутубхоначи вазиятдан келиб чиққан ҳолда жавоб бериши ва мулойим ҳамда бетараф тарзда, масалан, «Тезроқ тузалиб кетинг», дея эҳтиром билан ўқувчини хижолатдан қутқариши даркор.

Энг муҳими, вазият қандай бўлишидан қатъи назар, фойдаланувчи кутубхона ходими унинг саволига қизиқиш билдираётганини ҳис қилиши лозим. Бунга, жумладан, кутубхоначи фойдаланувчига яқинлашиб, у билан кўз контактини ушлаб туриши орқали эришиш, яъни кутубхоначи саволни тушуниб етганини бирон имо-иш ора орқали англатиши лозим. Бунга, албатта, биргина бошни қимирлатиб қўйиш орқали ҳам эришиш мумкин. Мулоқот виртуал услубда кечган тақдирда эса, кутубхоначи ўз қизиқишини намойиш қилиши ва, масалан, «саволингиз қизиқ экан, менга жуда ёқди» қабилдаги жумлаларни ёзиш орқали ўз қизиқишини намойиш этиши лозим.

### Саволни муҳокама қилиш

Мулоқот учун зарур шароит яратилганидан сўнг, фойдаланувчи нимани излаётганини аниқлаб олиш даркор. Назариётчи ва амалиётчилар саволни муҳокама қилишнинг бир қатор ёндашувларини таклиф қиладилар. Хусусан, Бренда Дервин фойдаланувчи нимани хоҳлаётганини аниқлаш учун «аниқлаштириш» усулини таклиф қилади (Дервин ва Дьюнди, 1986). Аниқлаштириш фойдаланувчининг марказий аҳамиятини назарда тутган ҳолда, унда интервью жараёни шундай ташкиллаштирадиги, кутубхоначи фойдаланувчи аслида нимани хоҳлаётганини тўлиқ тушуниши таъминланади. Мазкур усул фойдаланувчининг вазиятини, саволнинг келиб чиқишига сабаб бўлган ноаниқлик ва ўқувчи ахборотдан қай йўсинда фойдаланишини тушуниб етишга қаратилган. Дервиннинг фикрича, фойдаланувчилар тўқнаш келувчи «ноаниқликлар» (яъни уларнинг саволлари) улар вазиятни қай йўсинда кўриши ва улар нега ҳаракатдан тўхтаб қолганига боғлиқ эканини тушуниб етиш муҳимдир. Китобхонлар қидираётган жавоблар улар жавоблардан қай йўсинда фойдаланиш ёки саволлар уларга қай йўсинда ёрдам бериши мумкинлигига ҳам алоқадор (Дервин ва Дьюнди, 1986: 507). Тузилиши жиҳатдан бир-бирига ўхшаб кетадиган иккита савол, уларни берган фойдаланувчилар вазиятга қай йўсинда ёндашаётганига қараб, бир-биридан тубдан фарқ қилиши мумкин. Дервин ва Дьюнди масалани янада чуқурроқ ўрганиб, «нейтрал савол-жавоб» деб ном олган ёндашувни яратиб, унинг негизи «аниқлаштириш»дан олинган (Дервин ва Дьюнди, 1986). Нейтрал савол-жавоб кутубхоначи саволнинг асл моҳиятини очиш мақсадида, очиқ саволлар беришини назарда тутди. Дервин ва Дьюннинг айтишича, саволлар орқали кутубхоначи вазиятни, мавжуд узилишларни ва ахборот пировардида, қандай ишлатилишини баҳолаши керак (Дервин ва Дьюнди, 1986: 509). Уларнинг фикрича, энг фойдали нейтрал саволлар қуйидагилардир:

- сизга қандай ёрдам беришим мумкин?
- бу бўйича сиз ҳозирги пайтга қадар қандай натижага эришдингиз?
- бу китоб (ахборот) сизга қайси жиҳати билан фойдали бўлади деб ҳисоблайсиз ва ҳ.к.? (Дервин ва Дьюнди, 1986: 512).

Амалдаги сўров жараёни таҳминан қуйидаги кўринишда кечади:

Йиллик ҳисоботларни қидиряписми? Сизни уларнинг қайси жиҳатлари кизиқтиради? Тадқиқотингизнинг мавзуси ҳақида кўпроқ маълумот берсангиз, сизга қўл келиши мумкин бўлган маълумотлар топишимиз осонроқ бўлади (Дервин ва Дюдни, 1986:510).

Сўровнинг бу усули ҳар бир фойдаланувчининг эҳтиёжларига мослаштирилиши мумкин бўлиб, бунда ахборот қай йўсинда ишлагилиши марказий ўринда туради. Яхши эгалланган нейтрал сўров унчалик узоқ жараён бўлмайди, негаки, у ҳар бир фойдаланувчининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қўлланилади. Нейтрал сўров юқорида айтиб ўтилган таснифлашдаги хатоларнинг олдини олишга ёрдам беради. У, шунингдек, ноаниқликнинг бошқа турлари келиб чиқишининг олдини олиб, фойдаланувчи қидираётган маълумот билан боғлиқ барча ахборот аниқлаштирилиб олиниши таъминлайди. Фойдаланувчилар маълум бир соҳага бағишланган китобларни сўраб, асарнинг муайян қисмидан ўзлари излаётган маълумотни топишга умид қилади. Бошқа бир фойдаланувчи эса, кутубхонада маълум бир китобнинг йўқлиги, у қидираётган маълумотнинг топилмаслигига сабаб бўлади деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, кутубхоначи фойдаланувчига керак маълумотни бошқа манба воситасида ҳам бемаъл ол топиб бериши мумкин.

Маълумот етказиш жараёни давомидаги интервью муваффақиятли кечиши учун кутубхоначи фойдаланувчини диққат билан тинглаши ва зарур ҳолатда аниқлаштирувчи саволларни бериши керак. Кўпинча, фойдаланувчининг биринчи саволи у қидираётган маълумотнинг барча жиҳатларини тўлиқ очиб бера олмайди. Шу боис кутубхоначи йўналтирувчи аниқ саволларни бериши талаб қилинади. Масалан, «Илтимос тадқиқотингиз мавзуси ҳақида кўпроқ гапириб беринг. У ҳақда қандай қўшимча ахборот олишни истайсиз? Қандай қўшимча маълумот бера оласиз?». Кутубхоначи фойдаланувчи қандай ахборот излаётганини тўлиқ тушуниб етмагунга қадар ана шундай аниқлаштирувчи саволларни беришни давом этмоги талаб этилади. Мазкур аниқлаштирувчи саволлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

Очиқ саволлар	Ёпиқ саволлар
Сизга қанча маълумот керак?	Сизга ҳозирги замонга оид маълумотлар керакми ёки тарихий?
Мавзуингиз буйича бирон нима топдингизми?	Сизга фактлар асосидаги ахборот керакми ёки таҳлилий мазмундаги?
Ахборот учун сизга қандай формат керак?	Инглиз тилидан бошқа қайси тилларни биласиз?

Кутубхоначи фойдаланувчи нимани излаётганини тўлиқ тушуниши учун аниқлаштирувчи саволларни беришдан хижолағ тортмаслиги керак. Шу ўринда кутубхоначи доимо объектив бўлиб қолиб, савол мавзуси борасидаги фикрларини билдирмаслиги энг муҳим қоида ҳисобланади. Бу қоида, шунингдек, виртуал усулда олинган саволларга нисбатан ҳам амал қилади. Кутубхоначи виртуал тарзда мурожаат қилган фойдаланувчига ҳам юқорида айтиб ўтилган аниқлаштирувчи саволларни бериши ва фойдаланувчи ўзида бор маълумотни кутубхоначига етказиши учун имконият бериши талаб қилинади.

Кутубхоначи сўров жараёнини очиқ саволлар билан бошлаб, фойдаланувчига у излаётган маълумотнинг жиҳатлари тўғрисида кўпроқ маълумот етказишга имкон бериши тавсия этилса-да, ёпиқ вазиятга қараб, ёпиқ саволларни ўртага ташлаш ҳам мумкин. Кутубхоначи изланаётган ахборот ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилгач, у излаш миқёсини бир-иккита аниқлаштирувчи ёпиқ саволлар билан бироз торайтириб олиши мумкин. Шу ўринда фойдаланувчи ёпиқ саволларга қисқа жавоб беришини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Масалан, кутубхоначи фойдаланувчидан «Сизга китоблар керакми ёки мақолаларнинг ўзи kifоя қиладими?» деган саволга ўқувчи қисқа қилиб «Китоблар» ёки «Мақолалар» деб жавоб бериши мумкин. Айрим ҳолларда очиқ ва ёпиқ жавобларнинг аралашмаси энг мақбул усул ҳисобланади. Фойдаланувчининг саволини тинглаш жараёнида, кутубхоначи фойдаланувчи ёки унинг саволлари борасида тахмин қилишдан ўзини тийиши даркор. Тахминлар фойдаланувчини нотўғри йўналишга бошлаб, излаш жараёнининг қисқаришига ва изланаётган маълумотнинг топилмаслигига олиб келиши мумкин. Кутубхоначи менинг «дунёқарашим фойдаланувчи билан бир хил» деган нотўғри фикрдан қочиши ва фойдаланувчидан кўра кенгроқ фикрлашга ўрганиши даркор.

Алоқа ҳақиқатан ҳам фойдали бўлиши учун кутубхоначи излаш жараёнига фойдаланувчини ҳам жалб қилиши лозим. Масалан, кутубхоначи компьютер мониторинги фойдаланувчи томон буриб, унга маълумотлар базасига киритилган ахборотни кўрсатиши мумкин. Шу орқали кутубхоначи ўзининг нақадар тўғри йўлдан бораётганини билиб туриши ва фойдаланувчининг изоляциясини бироз бўлса-да юмшатиши мумкин. Фойдаланувчини маълумот излаш жараёнига қўшиш орқали кутубхоначи унга ахборотни излаш усулларини ўргатиши лозим, бу фойдаланувчи учун кела жакда жуда қўл келиши мумкин.

Фойдаланувчига ёрдам кўрсатиш жараёнида кутубхона ходими ўқувчига ўзининг саволини аниқроқ қилишга ёрдамлашиши мумкин. Савол бағоят умумий ёки ниҳоятда тор бўлган тақдирда, кутубхоначи фойдаланувчи билан саволнинг мухтасар шакли устида бош қотиришни талаб қилиши мумкин. Масалан, фойдаланувчи АҚШдаги фуқаролар уруши тўғрисида савол бериши мумкин. Лекин аслида унга ўша уруш давомидаги муайян бир жанг ҳақидаги маълумот керак. Шу боис кутубхоначи ахборот қай йўсинда ишлатилиши ва қайси даражадаги материал кераклигини мулоҳима тарзда билиб олиб, фойдаланувчига керакли ёрдамни кўрсатиши мумкин.

Ниҳоят, кутубхоначи ўзи саволни тўғри тушунганини аниқлаб олиши учун фойдаланувчига қўшимча савол билан мурожаат қилиши лозим. Масалан, «Тўғри тушунган бўлсам, сиз Ки Вестдаги корал, рифлар, хусусан, уларнинг геологияси, жойлашуви ҳамда сув ҳарорати ҳақидаги маълумотни қидиряпсиз, шундайми?». Фойдаланувчининг саволини нотўғри тушуниш хавфи доимо мавжуд бўлгани сабабли, у билан кутубхоначи ўртасида ўзаро тушуниш мавжуд эканини таъминлаш жуда ҳам муҳим.

## Стратегияни шакллантириш ва уни фойдаланувчига етказиш

Мавзу аниқлаштириб олинганидан сўнг кутубхоначи излаш жараёнини шакллантириши, излаш атамаларини танлаши ва фойдаланувчи учун энг мақбул бўлган манбаларни танлаши даркор. Агар кутубхоначи тадқиқ қилинаётган мав-

зу бўйича етарли билимга эга бўлмаса, у излаш атамаларини танлашга фойдаланувчини ҳам жалб қилиши лозим. Хеч қайси кутубхоначи фойдаланувчилар тадқиқ қилаётган мавзуларнинг барчасини тўлиқ тушуниб ета олмаслиги табиий. Шу боис кутубхоначилик касби нафақат маълумот етказиш, балки маълумот олиш, ўрганиш дегани ҳамдир. Маълумотни қаердан қидириш кераклиги аниқлангач, маълумот етказиш жараёни ҳам кутубхоначи, ҳам фойдаланувчи учун қизиқарли мулоқотга айланиши мумкин. Излаш жараёни бошланганидан сўнг кутубхоначи фойдаланувчига мазкур жараённинг барча жиҳатлари ҳақида тўлиқ ахборот бериши мақсадга мувофиқ. Кутубхоначи, шунингдек, фойдаланувчининг вақтини ҳисобга олиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Кутубхоначи қайси маълумот фойдаланувчининг эҳтиёжини қондиришда энг самарали бўлишини аниқлаши даркор. Фойдаланувчи умумий ахборотни қидиряптими ёки унга техник ахборот керакми? Буни фақатгина фойдаланувчи билан мулоқотни давом эттириш орқали билиб олиш мумкин. Фойдаланувчи, шунингдек, маълумот формати, миқдори ва даражаси борасидаги ўз афзалликларига эга бўлиши мумкин. Энг яхшиси, бу маълумотларнинг аксарияти саволни аниқлаштиришнинг бошланғич босқичларида аниқланиб олинган бўлиши керак. Кутубхоначи фойдаланувчига нима кераклигини ҳеч қачон унутмаслиги ва излаш жараёнини кўнглидаги-дек ташкиллаштириши муҳим аҳамият касб этади.

## Ахборотнинг қаерда эканини аниқлаш ва уни таҳлил қилиш

Ахборот излаш миқёси қанчалик кенг ёки тор бўлишидан қатъи назар, кутубхоначи мунтазам равишда фойдаланувчи билан фикр алмашиб туриши ва топилаётган маълумотлар унинг эҳтиёжини нақадар қондиришини билиб бориши талаб этилади. Бу жараён фойдаланувчи ўзига керакли маълумотни топгунга қадар ёки маълумотни қайси манбалардан излашни аниқлаштириб олгунга қадар давом этиши керак.

Агар фойдаланувчи кутубхона манбаларидан беҳабар бўлса, унга манбалар ва улардан фойдаланиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилса мақсадга мувофиқ бўларди. Излаш жараёнида ахборотнинг сифатига ҳам эътибор қаратиш муҳим бўлиб, танланган манбаларни ишончли ва юқори даражада сифатли эканини таъминлаш даркор. Бунга маълумотларни танлаш бўйича йўриқномаларни ўрганиш орқали эришиш мумкин.

## Саволга тўлиқ жавоб берилишини таъминлаш

Саволга тўлиқ жавоб берилганини тасдиқловчи савол маълумот етказиш жараёнидаги интервьюнинг муҳим қисми ҳисобланади. Фойдаланувчилар ўзлари қидирган маълумотни топганига ишонч ҳосил қилиш жуда муҳим. Кутубхоначи фойдаланувчидан ўзи хоҳлаган маълумотни топганини тўғридан-тўғри сўраши ёки «агар излаётган маълумотингиз топилмаса, мурожаат қилинг, уни бошқа манбалардан қидириб кўрамиз», деб айтиши мумкин. Яна бир усул — бу ўқув залига кириб фойдаланувчилар билан мулоқотга киришиб, уларнинг қандай муаммоларга дуч келаётгани билан қизиқиш ҳам яхши самара беради. Герс ва Сюард исмли олимлар саволга тўғри жавоб



берилганини таъминлаш кутубхоначи фаолиятидаги энг муҳим жиҳатлардан бири эканини таъкидлаб: «бу аввал йўл қўйилган жатоларни тўғрилашнинг энг мақбул йўлидир», деб ҳисоблайди (Герс ва Сьюард 1985:34). Дьюдни ва Росс (1994) кутубхоначилар кўпинча саволга тўғри жавоб берилганига ишонч ҳосил қилмасдан туриб излаш жараёнини тугатади деб таъкидлайди. Бу ҳолатда фойдаланувчи ўзига керак бўлган маълумотни топа олмагани билан бир қаторда мавжуд камчиликни таърифлаб беришга ҳам ожиз бўлади.

## Интервьюни яқунлаш

Худди шахмат ўйинида бўлгани каби маълумот бериш жараёнидаги интервьюни яқунлаш ҳам ўзига хос бир санъат ҳисобланади. Фойдаланувчи ўзига керак бўлган барча маълумотларни топгач, маслаҳат берувчи кутубхоначи мулоқотни яқун томонга буриши тавсия этилади. Аммо шу билан бирга фойдаланувчи унга нисбатан эътибор та момила йўқолган деб ҳисоблашининг олдини олиш лозим бўлиб, у келажакда қўшимча маълумотлар олиш учун мурожаат қилишдан хижолат тортмаслиги керак. Кристофер Нолан маълумотхона интервью ўтказишдан кўзланувчи аниқ мақсадни белгилаб олиши лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, шу орқали мулоқотга қачон яқун ясалиши кераклигини аниқлаш бирмунча осонроқ кечади. Олимнинг айтишича, «аксарият интервьюларнинг якуни учта жиҳатни қамраб олади: интервью мазмуни, мулоқот жадаллиги, институциявий ёки сиёсий таркибий қисмлар» (Нолан, 1992:515). Ёдингизда тутинг, китобнинг бошқа қисмларида айтилгани каби, маълумот бериш хизматлари кутубхонанинг аҳамиятини таъкидлаб турувчи асосий воситалардан бири бўлиб, интервью очик руҳда якунига етказилиши даркор. Жумладан, кутубхоначи мулоқот якунида фойдаланувчини унга яна мурожаат қилишга ундовчи бирор шарҳ ёки фикр билдириши мумкин.

## Маълумот беришга қаратилган интервьюдаги муаммоли стратегиялар

### Бошқа одам орқали берилувчи сўров

Аксарият кутубхоначи ва тадқиқотчилар маълумот етказиш мақсадидаги интервьюга баҳо берар экан, саволлар ўз-ўзидан келиб чиқади, деган фикрда туради. Бу ҳар доим ҳам шундай эмас. Мелисса Гросс бошқа одам орқали берилувчи сўровни таърифлаб, «бу жараёнда маълумотнинг асл фойдаланувчиси саволни етказиш учун бошқа фойдаланувчини, яъни ўзига хос агентни ишга солади ва агент олинган маълумот ёки жавобни пировардида, асл фойдаланувчига етказиши» (Гросс 1998:291). Бошқа одам орқали берилган сўровнинг оқибатлари қандай бўлишини билишнинг имкони бўлмаса-да, тахмин қилиш мумкинки, саволни берган ва унга берилган жавобни етказувчи одамнинг дунёқараши етказилувчи ва қабул қилинувчи маълумот натижасига таъсир ўтказмай қолмайди. Яъни, агент томонидан олинган маълумот асл фойдаланувчига етказилиши жараёнида олинган маълумотнинг қайсидир жиҳати тушириб қолдирилиши ёки бўрттириб кўрсатилиши мумкинлиги натижаси-

да маълумотнинг мазмун-моҳияти ўзгариб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Шу боис Гросс масаланинг мазкур жиҳатини чуқурроқ ўрганишни тавсия қилади.

Бошқа одам орқали берилувчи сўровнинг яна бир кўриниши — бу ота-оналардан бирининг кутубхонага келиб, фарзандининг уй вазифасини бажариши учун зарур бўлган маълумотларни қидиришидир. Бу ҳолатда фойдаланувчининг ўзи шахсан кутубхонада бўлмагани боис ота-она аслида қандай маълумот кераклигини тўлиқ тушунтириб бера олмаслиги мумкин. Шу боис кутубхоначи мазкур ҳолатга тегишлича баҳо бериши муҳим бўлиб, саволни бераётган одам унга аслида қандай маълумот кераклигини аниқлаштира олмаслигини ва ёрдам бериш янада мушкуллашиши мумкинлигини эътиборга олиши даркор.

### Алоқа жараёнидаги қопқон

Баъзида фойдаланувчи билан кутубхоначи ўртасидаги мулоқот билан боғлиқ муаммо келиб чиқиши мумкин. «Апельсинлар ва шафтолилар: маълумот етказиш мақсадидаги интервью давомида келиб чиқувчи мулоқотга доир муаммоларни тушуниш», деб номланган мақолада айнан мана шу масала кўриб чиқилган. Мақола қуйидаги вазиятни таърифлаш билан бошланади: «Талаба кутубхонага келиб унга «Апельсинлар ва шафтолилар», деб номланган китобни ўқиш вазифаси топширилганини маълум қилади. Китобни топа олмаган кутубхоначи талабадан асар муаллифини сўрайди. Кутубхоначи китобнинг мазмунини билишга қаратилган аниқлаштирувчи саволларни бермайди. Охир-оқибат талаба қўшимча маълумотларни тақдим этгач, унга Ч.Дарвиннинг «Турларнинг келиб чиқиши» асари керак экани маълум бўлади (Дьюдни ва Митчелл, 1996: 520–521).

Баъзида кутубхоначи фойдаланувчининг талаффузидаги фарқланиш ёки саволнинг мазмунини бошқача тушуниши оқибатида чалкашликлар келиб чиқиши мумкин. Яна бошқа бир мисолда Дьюдни ва Митчелл кутубхонага келиб Сократ (*инглизчада «Socrates» — шарҳ таржимонники*) ҳақида маълумот сўраган фойдаланувчини келтириб ўтади. Лекин газетанинг спорт бўлимини ўқиб ўтирган кутубхоначи фойдаланувчининг саволини футбол кўйлагига (*инглизча «soccer tee» — шарҳ таржимонники*) деб тушунади. Талаффузда бир-бирига ўхшаб кетувчи, аммо маъноси тамомила бошқа бўлган сўзлар талайгина. Бунга масалан, China-china (талаффузи «чайна», лекин маъноси «Хитой» ва «чинни идиш» *шарҳ таржимонники*) (Дьюдни ва Митчелл, 1996: 527–528). Мулоқот чоғидаги чалкашликлар, шунингдек, фойдаланувчи кимдандир эшитган маълумотини қидириши оқибатида келиб чиқиши мумкин. Бундай чигалликни ҳал қилишнинг энг мақбул йўли — бу саволни бошқачароқ таърифлаш ва қидирилаётган маълумотнинг мазмун-моҳиятини аниқлаштирувчи саволлар беришидир.

### Олдини олиш лозим бўлган хатти-ҳаракатлар

Маълумот етказиш жараёнида кутубхоначилар бу жараёнда пайдо бўлиши мумкин бўлган қопқонларга тушиб қолмаслик учун айрим хатти-ҳаракатларнинг олдини олиши лозим.

Фойдаланувчи билан алоқани ушлаб туринг. Фойдаланувчидан интернет ёки электрон почта орқали келиб тушган саволга шу заҳотиёқ жавоб қайтара бошлаш уни бироз шишириб қўйиши ёки кутубхоначининг саволнинг моҳиятини тушуниб етган-етмагани борасида шубҳа уйғотиши мумкин. Излашни бошлашдан аввал фойдаланувчига саволни тушуниб етганингизни намойиш қилинг ва айнан қандай маълумотларни излашингизни тушунтиринг. Имкони бўлса, фойдаланувчига компьютер экранини кўрсатинг. Шу орқали у излаш жараёни ҳақида бохабар бўлиб туради.

Агар керакли маълумотни олиш учун кутубхоначи бошқа жойга ўтиши тавсия этилса, у узоқ йўқ бўлиб кетмаслиги талаб этилади. Негаки, ўқувчи кутубхона ходимининг айнан унинг масаласи устида ишлаётганига шубҳа қилиши ва ўртада тушунмовчилик келиб чиқиши мумкин.

Салбий яқуннинг олдини олиш керак. Яъни, кутубхоначи фойдаланувчида «ниҳоят қутулдим», деган кайфиятни келтириб чиқармаслиги лозим. Бундай ҳолатда кутубхоначи фойдаланувчининг саволига жавоб топиш ўрнига уни керакли маълумотсиз қайтариб юборади. Бунга бир қатор мисоллар бор:

- Натижаси номаълум бўлган маълумот бериш. Бунда кутубхоначи фойдаланувчини аниқ бўлмаган жойга юборади. Яъни, кутубхоначи фойдаланувчига қандайдир телефон рақамини бериб, маълумотни ана ўша рақам орқали сураб кўришни маслаҳат беради. Шунга ўхшаб фойдаланувчининг кутубхонанинг қайсидир бўлимига ёки бошқа бир муассасага юбориш ҳам вазиятни мураккаблаштириши мумкин. Негаки, кутубхоначи ўзи таклиф қилаётган жойда фойдаланувчига зарур бўлган маълумотнинг бор-йўқлигини ўзи ҳам билмаслиги мумкин.
- Кутубхона ходими кутубхонага мурожаат қилишдан аввал фойдаланувчи ўзига керакли маълумотни мустақил равишда излаб кўришини маслаҳат беради.
- Кутубхоначи фойдаланувчига керакли маълумотни эмас, балки осон топиловчи маълумотни беришга ҳаракат қилади.
- Кутубхоначи турли баҳоналар, масалан, маълумотнинг ҳаддан ташқари мураккаблиги, ноаниқлиги, ҳеч қайси кутубхонада йўқлигини рўқач қилиш орқали маълумотни топишнинг имкони йўқлигини таъкидлайди.
- Кутубхоначи фойдаланувчига тадқиқотни тўхтатишни маслаҳат бериш ҳолати.
- Кутубхоначи ўз иш жойини ташлаб кетиши ва иш вақтида қайтиб келмаслиги.
- Фойдаланувчига новербал, яъни орқасини ўгириш орқали интервьюнинг таом бўлганини билдириши (Росс ва Дьюдни, 1999: 151–163).

Росс ва Дьюдни ижобийроқ ҳаракат қилиш бўйича бир қатор тавсияларни берган. Жумладан, кутубхоначи фойдаланувчини кутубхонанинг бошқа қисмига ёхуд бошқа муассасага юборишдан аввал изланаётган маълумот у ердан топилишига ишонч ҳосил қилиши лозим. Шу билан бирга, кутубхоначи изланаётган маълумот топилмаган тақдирда, фойдаланувчи яна унга қайта мурожаат қилиши мумкинлигини билдириши керак. Маълумотхонада ишлаётган фойдаланувчиларга ёрдам таклиф қилиш орқали кутубхоначи ёрдамга муҳтож бўлиб турган ёки ҳали кутубхона ходимига мурожаат қилмаган фойдаланувчиларни аниқлаши мумкин бўлади. Агар алоқа масофада туриб амалга оши-

рилаётган бўлса, кутубхоначи фойдаланувчига кутубхонага келишни ёки қўшимча маълумот учун кейинроқ мурожаат қилишни тавсия қилиши мумкин.

Ўқувчини тингламаслик ҳам алоқани мушкуллаштириши мумкин бўлган ҳаракатлар сирасига киради. Албатта, ҳар бир фойдаланувчининг саволини диққат билан тинглаш ҳам сабр ва қунт талаб қилади. Лекин фойдаланувчининг саволини имкон қадар тўлиқроқ тушуниб етиш учун кутубхона ходими ўқувчини диққат билан тинглашга ҳаракат қилиши шарт.

Диққат билан тингламаслик ва тегишли саволларни бермаслик кутубхоначини нотўғри йўлга бошловчи хулосаларга олиб келиши мумкин. Масалан, кутубхоначига абортлар ҳақида савол беришганда у масаланинг моҳиятига етиб бормасдан маълумотни «саломатлик» бўлиmidан қидира бошлаши мумкин. Аслида эса фойдаланувчи «космик парвозларни бекор қилиш» (*«abortion» — англиз тилида «бекор қилмоқ» маъносини англатади — шарҳ таржимонники*) ҳақидаги маълумотни қидирган.

Нихоят, фойдаланувчи ўзини ҳеч нарса билмайдигандек ҳис қилишининг олдини олиш керак. Баъзида, ўқувчи кутубхона ишида фойдаланилувчи атамаларни яхши билмаслиги мумкин. У «биография» ўрнига «библиография» бўлимига мурожаат қилиши ёки адабиёт асар ўрнига маълумотнома хизматига мурожаат қилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Шу боис кутубхона ходимига ўқувчини ноқулай вазиятдан ҳолос қилиш талаб этилади. Аслида фойдаланувчи кутубхоначини эмас, балки кутубхоначи фойдаланувчини тушунишга ўрганиши керак (Креймер, 1998).

## Телефон орқали ўтказилувчи интервью

Телефон орқали ўтказилувчи интервью юзма-юз ўтказилувчи интервьюдан бир неча жиҳатлари билан фарқланади. Фойдаланувчидан жавобни шу заҳотиёқ олиш имкониятини беради. Гарчи кутубхоначи фойдаланувчини кўрмасанда, унинг овози ва талаффузи орқали унинг қандай кайфиятда мулоқот қилаётганини ҳис қилиб туриши таъин.

Шу боис кутубхона ходими телефон орқали ёрдам бериш чоғида мулоҳима ва ижобий оҳангда мулоқот қилиши зарур. Шундагина ўқувчи кутубхонага ҳеч иккиланмасдан яна қайта мурожаат қила олади. Ҳар доим бўлгани каби, фойдаланувчининг саволларини чуқур тушуниб етиши ва аниқлаштирувчи саволлар орқали изланаётган маълумотларнинг бутун мазмун-моҳиятини англаб етиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масофадан туриб амалга оширилувчи мулоқот чоғида фойдаланувчини излаш жараёнидан бохабар қилиб туриш ва сукут сақланувчи вақт микдорини имкон қадар камайтириш, айниқса, муҳим. Изланаётган маълумот топилгандан сўнг, саволга жавоб берилганини тасдиқловчи саволлар орқали фойдаланувчининг эҳтиёжи қондирилганига ишонч ҳосил қилиш лозим. Шу билан бирга кутубхоначи жавоб топилган манбани фойдаланувчига етказиши лозим (Росс, Нильсен ва Дьюдни, 2002: 127–131). Яқинда Агосто ва Андертон томонидан ўтказилган тадқиқот натижасида шу нарса маълум бўлдики, 125 та телефон мулоқотининг 86 тасида кутубхоначи жавобни қайси манбадан олганини фойдаланувчига айтмаган. Олимларнинг фикрича, босма маҳсулот ҳақида гап кетганда «ном, муаллиф, нашри-

ёт ва чоп этилиш йили, веб-сайтлар учун эса, муаллиф (агар бўлса) ва URL» каби маълумотлар айтиб ўтилиши лозим (Агосто ва Андертон, 2007: 52–53).

Кутубхоначилар телефондаги алоқа чоғида ҳам фойдаланувчининг жавобни яхшироқ тушунишига хизмат қиладиган қимматли ахборот манбани унга етказиши мумкин.

Масалан, фойдаланувчи «Ҳозирги губернатор ким?» деган савол билан муножара қилганда, штат ўзининг расмий веб-сайтига эга экани ва унда губернаторга бағишланган алоҳида sahifa бор эканини маълум қилиш ва веб-сайтнинг манзилени бериш фойда дан холи бўлмайди. (Агосто ва Андертон, 2007: 49–50). Ниҳоят, барча мулоқот чоғида бўлгани каби, фойдаланувчига қўшимча маълумот керак бўлган тақдирда, бемалол қўнғироқ қилиши ёки кутубхонага келиши мумкинлигини таъкидлаб ўтиш ҳам мақсадга мувофиқ.

### Маълумот беришнинг виртуал услублари — электрон почта, чат ва СМС

Маълумот бериш учун электрон воситалардан фойдаланиш аксарият кутубхоналар фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Саволларга электрон почта, чат ёки СМС орқали жавоб бериш юзма-юз жавоб беришдан унчалик ҳам фарқ қилмайди. Бу усулларнинг ягона камчилиги — виртуал алоқа пайтида кутубхоначи фойдаланувчининг эҳтиёжини қай даражада қондираётганини ҳис қила олмайди. Яъни, фойдаланувчининг овози, юз ва тана ҳаракатлари кутубхоначига маълум эмас. Бу жиҳат, бир қараганда, камчиликдек кўринса-да, лекин айримлар учун аслида «афзалликдир». Негаки, уйдан чиқиш имконига эга бўлмаган ёки юзма-юз алоқа пайтида хижолат чекишга мойил фойдаланувчилар айнан мана шу виртуал услублардан фойдаланиши орқали кутубхоналар ўз манбаларининг, том маънода, барча учун очиқ эканини таъминлашга эришиши мумкин. Кутубхоначилар виртуал савол-жавоб жараёнини худди юзма-юз алоқа давомида кечадиган тартибда шакллантириши тавсия этилади.

Электрон почта орқали маълумот беришни кутубхоналар 1990-йиллар ўрталаридан бошлаган. Электрон почта орқали амалга оширилувчи интервьюни шундай тузиш керакки, у изланаётган маълумот ҳақидаги энг зарур ахборотни юзага чиқара олиши лозим. Керакли ахборотни олишнинг муҳимлиги шундаки, электрон почта орқали ўтказилувчи интервьюда қўшимча аниқлаштирувчи саволлар бериш мушкул. Электрон почта орқали маълумот олиш учун тўлдирилиши лозим бўлган саволномалар кўпчилик кутубхоналарнинг веб-сайтларида жойлаштирилган бўлиб, уларнинг энг яхшиси Интернет ижтимоий кутубхонаси ([www.ipl.org](http://www.ipl.org)) саволномасидир.

Даймонд ва Пиз томонида н ўтказилган тадқиқот натижасида электрон почта орқали ўтказилувчи сўров жараёнида фойдаланилувчи саволларнинг ўн битга категорияси ажратилган. Уларнинг орасида, жумладан, фактологик маълумотлар, реферат ёки уй вазибалари учун мўлжалланган маълумотлар, кутубхона фаолияти тартиб қоидалари ва шу кабилар мавжуд (Даймонд ва Пиз, 2001). Пауэлл ва Бредиген исмли тадқиқотчилар ҳам фойдаланувчилардан электрон почта орқали олинувчи саволларни таснифлашга ҳаракат

қилиб, аксарият саволлар қуйидаги таснифларга ажралишини айтиб ўтишган: уй вазифалари, холдинглар ҳақидаги ахборот, кутубхона томонидан кўрсатилувчи хизматлар ва кутубхона тартиблари, истеъмолчилар саломатлиги (Пауэлл ва ва Бредиген, 2001). Электрон почта орқали маълумот бериш жараёни бироз секинроқ кечса-да, бу усул кутубхоначига бироз тадқиқот ўтказиш ва фойдаланувчига кенгроқ жавоб қайтариш имконини беради. Электрон почта орқали олинган жавоб фойдаланувчини кўпроқ ахборот олиш учун яна мурожаат қилиш ёки бу хизматдан яна фойдаланишга ундайди.

Чат, бир зумда хабар алмашиш (Instant Messaging — IM) ва яқиндан буён СМС орқали мулоқот қилиш ҳам виртуал усулда ахборот етказишнинг истиқболли усулларида саналмоқда, чунки уларнинг афзаллиги мулоқот реал вақт давомида амалга оширилишини таъминлади. Чат орқали маълумот бериш усулидан саволларга шу заҳоти жавоб қайтаришни мақсад қилган кутубхоналар фойдаланади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, уни фойдаланувчи билан савол-жавоб кўринишида ўтказиш мумкин бўлиб, унга келажакда қўл келиши мумкин бўлган йўл-йўриқларни кўрсатиш ҳам мумкин. Чат орқали маълумот бериш чоғида кутубхоначи фойдаланувчининг вақти чегараланганини ва узоқ вақт давомида савол-жавоб қилишга имкони бўлмаслигини ҳисобга олиши даркор.

Албатта, ўқувчининг кутубхонага келмагани у сабрсиз ёки шошиб турганидан дарак бермайди (Керн 2003). Кутубхоначилар фойдаланувчиларни исмлари билан кўлаб, уларнинг саволларини олганини тасдиқлашлари лозим. Сўнгра кутубхоначи маълумот бериш учун зарур бўлган интервьюни бошлаши ва изланаётган маълумотнинг мазмуни ҳақида бошқа очиқ саволлар бериши тавсия этилади. Кутубхоначи фойдаланувчига берилаётган саволлар изланаётган маълумот ва ахборотнинг мазмунини чуқурроқ тушуниб етиш учун кераклигини тушунтириши ва нимани қидириш кераклиги масаласини фойдаланувчининг ўзидан тасдиқлатиб олиши даркор. Фойдаланувчи кутубхоначининг нима билан машғул эканини кўриш имконияти йўқлиги сабабли, унга бажарилаётган иш ҳақида мунтазам тарзда ахборот бериб туриш тавсия қилинади. Кутубхоначи фойдаланувчи томонидан ёзилаётган жавобларни диққат билан ўқиши лозим, негаки, мулоқот матн ёзиш орқали амалга оширилаётгани боис фойдаланувчининг хатти-ҳаракатини кузатишнинг имкони йўқ ва бу мулоқотнинг нақадар самарали бораётганини фақатгина фойдаланувчи ёзаётган жавоблар орқали англаш мумкин. Керакли маълумот аниқлаб олингач, кутубхоначи фойдаланувчига маълумот жойлашган манбанинг Интернет манзилини (URL) ёзиши ёки у билан бирга сайтни текшириб чиқиши лозим. Бунда фойдаланувчига берилаётган маълумот унинг эҳтиёжини қай даражада қондиришига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Худди юзма-юз интервьюда бўлгани каби кутубхоначи фойдаланувчи қўшимча маълумот олиш учун ёки янги савол билан мурожаат қилиши мумкинлигини билдириши мақсадга мувофиқ. Чат усули орқали маълумот беришнинг энг катта афзаллиги кутубхоначи кейинчалик мулоқот жараёнини бир бошдан кўриб чиқиши мумкинлигидадир.

IM ва СМС усуллари учун фойдаланилувчи дастурий таъминот бошқачароқ бўлгани сабабли, мазкур усуллар чат усулидан кўра тез ҳаракат қилади. Бироқ уларда кўпинча мазмун етишмайди. Бу усулда кўпроқ тайёр маълумот кўринишидаги ахборот, йўриқнома, тартиб-қоидалар ёки интернет са-

ҳифа ларининг манзиллари ҳақидаги саволларга жавоб қайтарилди, холос. Саволлар ва жавоблар бирмунча қисқа бўлгани сабабли, кутубхоначи саволга нақадар тўғри жавоб берилганини текшириш учун контакт маълумотларга эга бўлмайди ва савол қачон тугаганини аниқлаш ҳам мушкулроқ кечади. Кутубхоначилар IM ва SMS усули орқали олинган саволларга қисқа ва лунда жавоб бериши талаб этилади. Шу ўринда улар фойдаланувчининг кутубхонага келишга ундаши ва берилган жавобнинг нақадар тўлиқ бўлганини текшириш учун фойдаланувчининг электрон почта манзилини олишга ҳаракат қилиши лозим. IM ва SMS усулида мулоқот жадал тарзда ахборот алмашиш орқали амалга оширилгани боис, фойдаланувчи толиқиши мумкин. Шу боис кутубхоначи фойдаланувчига берадиган ахборот кичик ҳажмда бўлиб, «ҳар бир берилган маълумотдан сўнг, кутубхоначи аниқлаштирувчи саволлар билан мурожаат қилиши тавсия этилади» (Росс, Нильсен ва Дьюдни, 2002: 199). Агар изланаётган маълумот электрон кўринишда мавжуд бўлмаса, кутубхоначи фойдаланувчига ахборотни факс ёки бошқа бир қулай алоқа воситаси орқали етказишга ҳаракат қилиши даркор (Ронан, 2003: 158). Штайнер ва Лонг илмий кутубхоналар фойдаланувчиларининг IM усулига бўлган муносабатини ўрганиб, кутубхона ўқувчиларининг 80 фоизи IM усулидан фойдаланганини аниқлашган (Штайнер ва Лонг, 2007). Ўқувчиларнинг IM усулига муносабати, шунингдек, Руппель ва Фаган томонидан ҳам ўрганилган бўлиб, фойдаланувчилар мазкур усулнинг қулайлиги, анонимликни сақлаш имконини бериши ва ёрдамнинг тез суръатда кўрсатилиши учун уни қадрлаши маълум бўлган (Руппель ва Фаган, 2002). Алоқанинг энг янги усули бўлган SMS усули уяли телефон воситасида матн териш ва уни кутубхонага юборишдан иборат. Бунинг учун Altarama, AIM ва Text a Librarian каби бир қатор дастурий маҳсулотлардан фойдаланилмоқда.

Виртуал кутубхона ходимлари ўқувчилар билан алоқа қилиш жараёнида матн терар экан, ёрдамга тайёр турганини намойиш қила олиши муҳим аҳамият касб этади. Худди юзма-юз интервьюда бўлгани каби, кутубхоначи фойдаланувчининг хижолат тортмаслиги ва ўзини қулай ҳис қилишига интилиши лозим бўлиб, шу орқали фойдаланувчининг кутубхона хизматидан қайта-қайта фойдаланиши учун замин яратади. Берилган маълумотнинг тўлиқлиги ўқувчи кутубхонадан яна фойдаланиши ёки унга шахсан ташриф буюриши учун туртки бўлиб хизмат қилишига эришиш даркор. Яқинда ўтказилган тадқиқотлар виртуал усулда маълумот бериш жараёнида ҳам худди юзма-юз интервьюларда йўл қўйиладиган хатолар кузатилиши маълум бўлган. Жумладан, «қандай маълумот кераклигини аниқлашга қаратилган савол-жавоб»нинг ўтказилмаслиги, текширилмаган манбаларни тавсия қилиш, берилган маълумот фойдаланувчининг эҳтиёжини қай даражада қониқтирганини текширмаслик (Нильсен, 2005). Строунинг ёзишича, «яхши ёзилган саволга жавоб берибгина қолмай, балки кутубxonанинг жавобга нақадар муҳим эътибор қаратишини ҳам намойиш этади» (Строу, 2000:379). Мон ва Джейнс исмли мутахассислар томонидан ўтказилган тадқиқот ҳам бу фикрни тасдиқлаган. Уларнинг аниқлашича, жавобларида кўпроқ сўз ишлатган кутубхоначилар, кўроқ жавоб берган ёки «кўп берилувчи саволлар»га жавоблар (FAQ) ёрдамида жавоб қайтарган кутубхоначилардан кўра кўпроқ раҳмат олган (Мон ва Джейнс, 2007).

Фойдаланувчилар билан фаол ишловчи кутубхоначилар кутубхона ҳақидаги маълумотлар ёки саволларга жавобларни «Фейсбук» ([www.facebook.com](http://www.facebook.com)) ёки «Майспейс» ([www.myspace.com](http://www.myspace.com)) сайтлари воситасида таклиф қилмоқда. Миннесота штатидаги «Хеннепин Каунти» кутубхонаси ва «Массачусетс университети»нинг «Бостон Хили» кутубхонасининг саҳифалари, жумладан, «Фейсбук»да бўлса, Бруклин коллежи ва Денвер ижтимоий кутубхонасининг саҳифаларини «Майспейс»дан топиш мумкин.

Виртуал усулда маълумот бериш кўп ҳолатларда фойдаланувчилар мазкур усул тўғрисида беҳабар бўлгани боис кенг фойдаланилмайди. Шу боис кутубхоналар ўз сайтларида мазкур хизмат турини кўринарли тарзда белгилаши ва у кутубхона веб-сайтнинг барча саҳифаларида кўринадиган тарзда бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Виртуал маълумот бериш тартиб-қоидалари, жумладан, мазкур хизматдан ким фойдаланиши мумкинлиги ҳам барча ўқувчиларга очиқ-ойдин кўриниб туриши керак. Виртуал усулда ахборот етказиш усулининг маркетинги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

## Баҳо бериш ва масъулият

Виртуал усулда маълумот бериш усулини тадқиқ қилган олимлар талайгина. Амалга оширилган икки тадқиқотда берилган саволларнинг аниқлиги ва фойдаланувчининг жавобдан қониққанлик масалалари ўрганилган. Арнольд ва Каске исмли олимлар чат усулидаги ёзишмаларнинг транскрипциясини ўрганиб, уларда берилган саволларнинг аниқлик даражаси 92 фоизни ташкил этишини аниқлаган (Арнольд ва Каске, 2005). Уайт, Абельс ва Каске (2003) ҳам ўз тадқиқоти давомида университет ва жамоаг кутубхоналари билан чат ёзишмалари давомидаги аниқлик юқори даражада эканини тасдиқлашган.

Баҳолаш, жумладан, хизматлар сифатининг кутубхоначи ва фойдаланувчи томонидаги баҳоланиши, кутубхоналар ўз тартиб-қоидаларини қай йўсида шакллантириши, виртуал усулда маълумот беришнинг сифатини баҳолаш, виртуал усулда маълумот бериш учун сифат стандартларини яратиш, тадқиқот воситалари, хусусан, LibQual+ ҳамда WOREPдан фойдаланиш каби жиҳатларни қамраб олган.

Виртуал усулда маълумот берувчи кутубхоначилар ўз ҳамкасбларининг фаолиятини кузатиш тизимларини ҳам яратиши мумкин бўлиб, шу орқали иш сифатини яхшилашда бир-бирларига ёрдам беришлари мумкин. Фойдаланувчилар билан кечган ёзишмаларнинг транскрипциялари мунтазам тарзда ўрганилиши ва шу орқали кўрсатилаётган хизматларнинг сифати қандай эканини аниқлаб бориш муҳимдир.

## RUSA йўриқномаси — янги, янада интеграциялашган ёндашув

«Қандай маълумот кераклигини аниқлашга қаратилган савол-жавоб» боразидаги энг охириги йўриқнома – «Маълумот ва ахборот етказувчи ходимларнинг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги йўриқнома» 2004 йил июн ойида Маълумот етказиш ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш уюшмасининг



(RUSA) директорлар кенгаши томонидан тасдиқланган. ([www.ala.org/ala/mgrps/divs/rusa/resources/guidelines/guidelinesbehavioral.cfm](http://www.ala.org/ala/mgrps/divs/rusa/resources/guidelines/guidelinesbehavioral.cfm)). Бу йўриқнома ёрдамга шайлик, қизиқиш, тинглаш, мурожаат қилиш, излаш ва натижани тасдиқлаш каби жиҳатларни ўз ичига қамраб олади. Мазкур беш соҳанинг ҳар бири умумий йўриқнома, юзма-юз маълумот бериш бўйича йўриқнома ҳамда масофада туриб, яъни телефон, электрон почта ва чат орқали берилувчи маълумотлар борасидаги йўриқномаларни ўз ичига олган. Бу ерда биринчи марта ҳам юзма-юз, ҳам масофадан туриб маълумот бериш бўйича йўриқномалар ўзаро боғланган. Шу орқали кутубхоначи ҳар бир саволга алоҳида жавоб қайтариш ўрнига энди саволга жавоб қайтаришнинг турли усулларини аралаштириб ишлатиш имконига эга бўлади. Бу йўриқномалар, мулоқот масофадан туриб ёки юзма-юз тарзда амалга оширилишидан қатъи назар, кутубхоначи яхши мулоқот малакасига эга бўлиши муҳимлигини таъкидлайди: «Маълумот етказиш хизматларининг барча турларида муваффақият нафақат етказилган ахборот, балки фойдаланувчининг кутубхона ходими билан алоқаси унга ижобий ёки салбий таъсир қилгани билан ҳам белгиланади. Маълумотхона ходимининг ижобий ёки салбий хатти-ҳаракатлари мулоқотнинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигини белгилувчи муҳим омил бўлиб қолади».

*Ёрдамга шай туриш ҳақида:* «Ёрдамга шай туриш, кутубхоначининг вербал ва невербал ҳаракатлари бутун мулоқот жараёнининг бориши учун замин яратиб, фойдаланувчи ҳамда кутубхона ходими ўртасидаги мулоқотнинг даражаси ва миқёсига бевосита таъсир кўрсатади».

*Қизиқишни намойиш қилиш ҳақида:* «Муваффақиятли кутубхоначи фойдаланувчи билан мулоқотга киришишга юқори даражада қизиқиши бор эканини намойиш қила билиши лозим. Ҳар бир сўров ҳам юқори даражадаги интеллектуал вазифани назарда тутмаса-да, кутубхоначи ҳар бир фойдаланувчининг ахборотга бўлган эҳтиёжига қизиқиш билдириши ва энг самарали ёрдам кўрсатишга тайёр туриши даркор».

*Тинглай билиш ҳақида:* «Қандай маълумот кераклигини аниқлашга қаратилган савол-жавоб» шакли маълумот етказиш жараёнининг асосини ташкил этиб, унинг муваффақиятини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Кутубхоначи фойдаланувчининг қандай маълумотга эҳтиёжи борлигини аниқлай билиши ва бу жараёнда уни хижолат торттирмасликка алоҳида эътибор бериши лозим.

*Излаш ҳақида:* «Излаш жараёни мулоқотнинг бир қисми бўлиб, унда хатти-ҳаракат ва аниқлик омиллари ўзаро кесишади. Самарали излаш усулисиз керакли маълумотни топиб бўлмагани каби фойдаланувчиларнинг ҳам кутубхонадан ҳафсаласи пир бўлиши мумкин».

*Қидирилган маълумот топилганига ишонч ҳосил қилиш ҳақида:* «Ўқувчи билан кутубхона ходими ўртасидаги мулоқот кутубхоначи фойдаланувчини тарқ этиши билан ниҳоясига етмайди. Кутубхона ходими ўқувчининг топилган маълумотдан қанчалик қониққани ва фойдаланувчи излаган маълумотлар кутубхонада бўлмаган тақдирда ҳам, унга тегишли манбалар ҳақида маълумот беришга мажбур».

Квон ва Грегори RUSA йўриқномаларидан фойдаланилган тақдирда ўқувчиларнинг қониқиш даражаси юқорироқ бўлармиди, деган савол юзасидан

тадқиқот ўтказган. Бунда фойдаланувчининг қониққанини қуйидаги беш жиҳат белгилаши аниқланган: «диққат билан самимий тинглаш, ахборот манбаларини фойдаланувчи билан бирга излаш, ахборот манбалари билан таъминлаш, фойдаланувчидан унинг саволига қай миқёсда тўлиқ жавоб берилгани билан қизиқиш, фойдаланувчига қўшимча маълумот керак бўлган тақдирда, бемалол мурожаат қилиши мумкинлигини таъкидлаш» (Квон ва Грегори, 2007: 137).

## Маданий фарқланишни тушуниш ва ҳурмат қилиш

Кутубхоначи фойдаланувчилар ўртасидаги маданий фарқланишни тушуниш ва ҳурмат қилишга ҳаракат қилмоғи лозим. Айрим фойдаланувчилар савол беришда қийинчиликларга тўқнаш келиши мумкин. Кутубхоначи фойдаланувчининг саволини тўлиқ тушунмаган тақдирда, саволни ёзма шаклда беришни илтимос қилиши керак. Кутубхоначилар атамалардан фойдаланишдан ўзини тийиб, секин ва тушунарли тарзда гапириши тавсия этилади. Имкони бўлган тақдирда эса, инглиз тилида гапиришга қийналаётган фойдаланувчиларга улар тушуна оладиган йўриқномаларни бериши лозим. Шунингдек, кутубхоначи тана ҳаракатлари ва шахсий ҳудуд масалалари борасида ҳам огоҳ туриши керак. Айрим маданиятларда мулоқот чоғида суҳбатдошига жуда яқин туриш одатий ҳол ҳисобланади. Бошқаларда эса, бу одат ноқулайлик туғдириши мумкин. Маданиятлар ўртасидаги одоб-ахлоқ тушунчалари тубдан фарқланади. Масалан, айрим давлатларда иш бошланишидан олдин расман саломлашиб олиш урф бўлса, баъзи давлатларда аввал қўл сиқишиб саломлашиш одат тусига кирган.

- Маданиятлараро фарқланиш қандай бўлишидан қатъи назар, аввало, барча одамларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш — энг муҳим омил ҳисобланади.
- Шачаф ва Снайдер томонидан ўтказилган тадқиқотдан шу нарса маълум бўлдики, қора танли америкалик талабалар савол билан мурожаат қилганидан сўнг, электрон почта орқали юборилувчи иккинчи ва учинчи хатда бошқа талабаларга қараганда кўпроқ саволлар билан мурожаат қилар экан (Шачаф ва Снайдер, 2007).

## Малакани ошириш

«Қандай маълумот кераклигини аниқлашга қаратилган савол-жавоб»ни яхши ўтказиш учун катта тажриба керак. Кутубхоначилик касбига янги келганлар ўз ишига доимий тарзда баҳо бериб бориши ва ўз малакасини муттасил равишда ошириб боришга интилиши муҳим ўрин тутди. Чунончи:

- Ёрдамга доимо шай туришни намоиш этиш. Бунинг учун кутубхоначи хотиржам бўлиши ва фойдаланувчи унга бемалол мурожаат қилиши мумкинлигини намоиш этиши керак.
- Тинглашни ўрганиш. Фойдаланувчининг саволидаги диққатга сазовор жиҳатлар билан бир қаторда, унинг ўзини ҳам диққат билан тинглаш ор-

қали кутубхона ходими берилаётган саволни тўлиқ ва тўғри тушунишга эришиши мумкин.

- Маълумот манбаларини шакллантириш. Бу — фойдаланувчига самарали ёрдам кўрсатишдаги энг зарур омиллардан биридир.
- Кўпроқ маълумот олишга ёрдамлашувчи саволларни бериш. Фойдаланувчидан имкон қадар кўпроқ маълумот олишга хизмат қилувчи саволларни бериш кутубхона ходими ёрдамнинг самарадорлигини сезиларли даражада юксалтиради.

Берилган маълумот фойдаланувчининг эҳтиёжини қондирганини тасдиқловчи саволларни бериш ва интервьюни яқунлаш малакасини ошириб бориш. Бу икки малака ҳам саволга жавоб берилганини тасдиқлаш ва фойдаланувчининг кутубхона хизматларидан беҳижолат фойдаланиши учун замин яратади.

## Келажакка нигоҳ. Юқори сифатли хизмат кўрсатиш

Келажакка боқар эканмиз, у юзма-юз, телефон ёки виртуал тарзда маълумот бериш усуллариининг курамасидан иборат эканлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, келажакда ҳам «Қандай маълумот кераклигини аниқлашга қаратилган савол-жавоб»нинг аҳамияти сақланиб қолишини айтиш даркор. Савол-жавоб барча вазиятларда фойдаланувчининг саволига тўлиқ ва тўғри жавоб қайтаришнинг асосий кафолати бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Савол-жавоб, шунингдек, кутубхоначи фойдаланувчининг саволига тўлиқ жавоб беришга қаратилган хатти-ҳаракати билан ҳам эътиборга молик. Шу боис ҳам фойдаланувчи кутубхоначининг ушбу саъй-ҳаракатларини унинг жавобидан кўра кўпроқ қадрлайди.

Пировардида, одамлар билан муносабат қилишни ўрганиш, савол-жавобнинг қай усулда ўтказилишидан қатъи назар, жуда муҳим аҳамият касб этади. Кэтрин Кёрн «Қандай маълумот кераклигини аниқлашга қаратилган савол-жавоб»га қуйидагича таъриф берган эди: «Шуни ёдда тутиш керакки, фойдаланувчиларга кўрсатилувчи хизматлар тури ва сифати улар билан килинувчи алоқанинг усулига эмас, балки маълумот бериш хизмати ва касбининг фалсафасига асосланиши даркор». (Керн, 2003:49) Кутубхона хизмати фойдаланувчиларига ёрдам ва йўл-йўриқ кўрсатиш усулларига ўзгартиришлар киритилаётган бир пайтда, юқори сифатли хизмат кўрсатишга тайёргарлик кўриш-ўқувчилар эҳтиёжининг қондирилишини таъминлашнинг ҳал қилувчи омили эканини ёдда тутмоқ керак.

## Recommendations for Further Reading

- Bobrowsky, Tammy, Lynne Beck, and Malaika Grant. 2005. «The Chat Reference Interview: Practicalities and Advice». *The Reference Librarian* 89/90: 179–191. This article offers practical information on how to conduct a chat reference interview.
- Durrance, Joan. 1995. «Factors That Influence Reference Success». *The Reference Librarian* 49/50: 243–265. Based on the author's «Willingness to Return»

- study that identifies factors that are associated with successful reference interviews.
- Dyson, Lillie Seward. 1992. «Improving Reference Services: A Maryland Training Program Brings Positive Results». *Public Libraries* 31, no. 5 (September/October): 284–289. Presents the Maryland Division of Library Development and Services survey and subsequent training program that identified verification and follow-up questions as the most important elements in the reference interview.
- Fagan, Judy Condit, and Christina M. Desai. 2002/2003. «Communication Strategies for Instant Messaging and Chat Reference Services». *The Reference Librarian* 79/80: 121–155. The author discusses effective ways to communicate using instant messaging and chat reference.
- «Guidelines for Behavioral Performance of Reference and Information Service Providers». 2004. *Reference & User Services Quarterly* 44, no. 1 (Fall): 9–14. A discussion of these guidelines for providing digital reference service.
- Hill, J.B., Cherie Madarash Hill, and Dayne Sherman. 2007. «Text Messaging in an Academic Library: Integrating SMS into Digital Reference». *Reference Librarian* 47, no. 1:17–29. Describes integrating SMS into the library's «Ask a Librarian» service.
- Kern, M. Kathleen 2009. *Virtual Reference Best Practices, Tailoring Services to Your Library*. Chicago: American Library Association. This new title provides a wealth of up-to-date information on how to set up a virtual reference service.
- McCain, Cheryl. 2007. «Telephone Calls Received at an Academic Library's Reference Desk: A New Analysis». *The Reference Librarian* 47, no. 2: 5–16. A study that documents that most telephone calls do not require a librarian.
- Naylor, Sharon, Bruce Stoffel, and Sharon Van Der Laan. 2008. «Why Isn't Our Chat Reference Used More? Finding of Focus Group Discussions with Undergraduate Students». *Reference & User Services Quarterly* 47, no. 4 (Summer): 342–354. This study documents the reasons the Milner Library at Illinois State University's chat service was not better used.
- Owen, Tim Buckley. 2006. *Success at the Enquiry Desk: Successful Enquiry Answering—Every Time*. 5th ed. London: Facet. A helpful and up-to-date manual on the particulars of providing reference service.
- Portree, Martha et al. «Overcoming Transactional Distance; Instructional Intent in an E-mail Reference Service». *Reference & User Services Quarterly* 48, no. 2 (Winter): 142–151. Customization of the e-mail response is an important part of the transaction. This study documents how librarians provide instruction and as a result interact more directly with the user.
- Ronan, Jana. 2003. «The Reference Interview Online». *Reference & User Services Quarterly* 43, no. 1 (Fall): 43–47. The author discusses how chat communication norms for online communities can be applied to real-time chat reference service following the RUSA Behavioral Performance of Reference and Information Services Professionals guidelines.
- Ross, Catherine Sheldrick, and Patricia Dewdney. 1994. «Best Practices: An Analysis of the Best (and Worst) in Fifty-two Public Library Reference Transactions». *Public Libraries* 33, no. 5 (September/October): 261–266. This survey confirmed that 55 percent of the users would return to the same librarian again. Unhelpful practices in the reference interview are listed.

- Stover, Mark. 2004. «The Reference Librarian as Non-Expert: A Postmodern Approach to Expertise». *The Reference Librarian* 87/88: 273–300. An exploration of the reference interview using the «postmodern psychotherapeutic view of the therapist as a non-expert».
- Ward, David. 2004. «Measuring the Completeness of Reference Transactions in Online Chat». *Reference & User Services Quarterly* 44, no. 1 (Fall): 46–57. A study of the effectiveness of online chat reference and to see if the questions were answered completely.
- Ward, David. 2005. «How Much Is Enough? Managing Chat Length». *Internet Reference Services Quarterly* 10, no. 2: 89–93. A discussion of how to handle long chat sessions—both policies and suggested practices.
- Ward, David. 2005. «Why Users Choose Chat: A Survey of Behavior and Motivations». *Internet Reference Services Quarterly* 10, no. 1: 29–46. A study of why people choose chat and their overall satisfaction.
- White, Marilyn Domas. 1981. «The Dimensions of the Reference Interview». *RQ* 20, no. 4 (Summer): 373–381. Discusses the importance of explaining to the user what is happening during the reference interview.
- White, Marilyn Domas. 1998. «Questions in Reference Interviews». *Journal of Documentation* 54, no. 4 (September): 443–465. A discussion of the types of questions asked in a presearch interview.
- Wikoff, Nora. 2008. «Reference Transaction Handoffs; Factors Affecting the Transition from Chat to E-mail». *Reference & User Services Quarterly* 47, no. 3 (Spring): 230–241.


## Bibliography of Works Cited in This Chapter

---

- Agosto, Denise E., and Holly Anderson. 2007. «Whatever Happened to ‘Always Cite the Source?’ A Study of Source Citing and Other Issues Related to Telephone Reference». *Reference & User Services Quarterly* 47(Fall): 44–53.
- Arnold, Julie, and Neal Kaske. 2005. «Evaluating the Quality of a Chat Service». *portal: Libraries and the Academy* 5, no. 2: 177–193.
- Cramer, Dina C. 1998. «How to Speak Patron». *Public Libraries* 37, no. 6 (November–December): 349.
- Dervin, Brenda, and Patricia Dewdney. 1986. «Neutral Questioning: A New Approach to the Reference Interview». *RQ* 25(Summer): 506–513.
- Dewdney, Patricia, and Gillian Mitchell. 1996. «Oranges and Peaches: Understanding Communication Accidents in the Reference Interview». *RQ* 35, no. 4 (Summer): 520–536.
- Dewdney, Patricia, and Catherine Sheldrick Ross. 1994. «Flying a Light Aircraft: Reference Service Evaluation from a User’s Viewpoint». *RQ* 34, no. 2 (Winter): 217–230.
- Diamond, Wendy and Barbara Pease. 2001. «Digital Reference: A Case Study of Question Types in an Academic Library». *Reference Services Review* 29, no. 3: 210–218.
- Gers, Ralph, and Lillie J. Seward. 1985. «Improving Reference Performance: Results of a Statewide Study». *Library Journal* 110 (November 1): 32–36.
- Gross, Melissa. 1998. «The Imposed Query: Implications for Library Service Evaluations». *Reference and User Services Quarterly* 37, no. 3 (Spring): 290–299.

- «Guidelines for Behavioral Performance of Reference and Information Service Providers». Available: [www.ala.org/ala/mgrps/divs/rusa/resources/guidelines/guidelinesbehavioral.cfm](http://www.ala.org/ala/mgrps/divs/rusa/resources/guidelines/guidelinesbehavioral.cfm).
- Jacoby, JoAnn, and Nancy P. O'Brien. 2005. «Assessing the Impact of Reference Services Provided to Undergraduate Students». *College and Research Libraries* 66, no. 4: 324–340.
- Jennerich, Elaine Z., and Edward J. Jennerich. 1987. *The Reference Interview as a Creative Art*. Englewood, CO: Libraries Unlimited.
- Kazlauskas, Edward. 1976. «An Exploratory Study: A Kinesic Analysis of Academic Library Public Service Points». *Journal of Academic Librarianship* 2, no. 3:130–134.
- Kern, Kathleen. 2003. «Communication, Patron Satisfaction, and the Reference Interview». *Reference and User Services Quarterly* (Fall): 47–49.
- Kwon, Nahyun, and Vicki L. Gregory. 2007. «The Effects of Librarians' Behavioral Performance on User Satisfaction in Chat Reference Services». *Reference & User Services Quarterly* 47, no. 2 (Winter): 137–148.
- Lam, R. Errol. 1988. «The Reference Interview: Some Intercultural Considerations». *RQ* 27, no. 3 (Spring): 390–395.
- Lynch, Mary Jo. 1978. «Reference Interviews in Public Libraries». *Library Quarterly* 48, no. 2 (April): 119–142.
- Mon, Lorri, and Joseph W. Janes. 2007. «The Thank You Study» *Reference & User Services Quarterly* 46, no. 4 (Summer): 53–59.
- Mood, Terry Ann. 1982. «Foreign Students and the Academic Library». *RQ* 21(Winter): 175–180.
- Nilsen, Kirsti. 2005. «Virtual versus Face-to-Face Reference: Comparing Users' Perceptions on Visits to Physical and Virtual Reference Desks in Public and Academic Libraries». Reference and Information Services Section, World Library and Information Congress, Oslo.
- Nolan, Christopher W. 1992. «Closing the Reference Interview: Implications for Policy and Practice». *RQ* 31, no. 4 (Summer): 513–523.
- Powell, Carol A. and Pamela S. Bradigan. 2001. «E-Mail Reference Services: Characteristics and Effects on Overall Reference Services at an Academic Health Services Library». *Reference and User Services Quarterly* 41, no. 2: 170–178.
- Radford, Marie L. 1998. «Approach or Avoidance? The Role of Nonverbal Communication in the Academic Library User's Decision to Initiate a Reference Encounter». *Library Trends* 46, no. 4 (Spring): 699–717.
- . 1999. *The Reference Encounter*. Chicago: Association of College and Research Libraries.
- , 2008. «Encountering Virtual Users: A Qualitative Investigation of Interpersonal Communication in Chat Reference». *Journal of the American Society for Information Science and Technology* 57, no. 8:1046–1059.
- Radford, Marie L., and Lorri Mon. 2008. «Reference Service in Face-to-Face and Virtual Environments». In *Academic Library Research: Perspectives and Current Trends*, edited by Marie L. Radford and Pamela Snelson. (ALA/ACRL. Publications in Librarianship #59). Chicago: ACRL.
- Ronan, Jana Smith. 2003. *Chat Reference: A Guide to Live Virtual Reference Service*. Westport, CT: Libraries Unlimited.

- Ross, Catherine Sheldrick, and Patricia Dewdney. 1999. «Negative Closure: Strategies and Counter-strategies in the Reference Transaction». *Reference and User Services Quarterly* 38, no. 2 (Winter): 151–163.
- Ross, Catherine Sheldrick, Kirsti Nilsen, and Patricia Dewdney 2002. *Conducting the Reference Interview*. New York: Neal-Schuman.
- Ruppel, Margie and Jody Condit Fagan. 2002. «Instant Messaging Reference: Users' Evaluation of Library Chat». *Reference Services Review* 30, no. 3: 183–197.
- Shachaf, Pnina, and Mary Snyder. 2007. «The Relationship between Cultural Diversity and User Needs in Virtual Reference Services». *Journal of Academic Librarianship* 33, no. 3: 361–367.
- Steiner, Sarah K., and Casey M. Long. 2007. «What Are We Afraid Of? A Survey of Librarian Opinions and Misconceptions Regarding Instant Messenger». *Reference Librarian* 47, no. 97, no. 1: 31–50.
- Straw, Joseph E. 2000. «A Virtual Understanding: The Reference Interview and Question Negotiation in the Digital Age». *Reference and User Services Quarterly* 39, no. 1 (Summer): 376–379.
- Swope, Mary Jane, and Jeffrey Katzer. 1972. «Why Don't They Ask Questions?» *RQ* 12, no. 2 (Winter): 161–166.
- Taylor, Robert S. 1968. «Question Negotiation and Information Seeking in Libraries». *College & Research Libraries* 29 (May): 178–194.
- White, Marilyn Domas, Eileen G. Abels, and Neal Kaske. 2003. «Evaluation of Chat Reference Service Quality». *D-Lib Magazine* 9, no. 2:1–13.





# 3

## Тўғри жавобни топиш. Асосий излаш техникалари

---

«Қандай маълумот кераклигини аниқлашга қаратилган савол-жавоб» давомидаги барча саволлар бериб бўлинганидан кейин ни ма қилинади? Маълумот бериш оламининг талабларига кўра, саволлар берилиб, қандай маълумот кераклиги аниқлаб олинганидан сўнг, фойдаланувчининг эҳтиёжини тўлиқ қондирувчи жавобларни топиш лозим бўлади.

Аввалги бобда таъкидлаганимиздек, «Қандай маълумот кераклигини аниқлашга қаратилган савол-жавоб» жўнгина гаплашиш эмас, балки у аниқ мақсадга қаратилган, юқори малакали мутахассис томонидан ўтказилувчи тўлақонли суҳбатдир. Унинг самарали кечиши учун, аввало, мутахассисдан юксак малака ва тажриба билан бирга махсус ўрнатилган тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этиш талаб этилади. Ёрдам беришга та йёргарлик, кутубхона ходими ўқувчининг саволини тўғри тушунганини тасдиқлаш, фойдаланувчи излаётган маълумотлар ҳақида қўшимча ахборот олишга хизмат қилувчи саволларни бериш, бу — маълум бир одамнинг шахсий хислатлари эмас, балки барча кутубхоначилар томонидан тажриба орқали шакллантирилувчи малака бўлиши лозим.

«Қандай маълумот кераклигини аниқлашга қаратилган савол-жавоб»нинг давомида берилувчи жавоблар мазкур соҳанинг бирмунча кам ўрганилган қисмидир. Фойдаланувчининг саволи тўлиқ тушуниб етилгач, кутубхоначилар тайёр жавобни унинг «миясига қуйиб қўяди» деган фикрлар ҳам учраб туради. Ҳаттоки, энг тажрибали кутубхоначи ҳам фойдаланувчининг саволини эшитиб, бор жавоб ёки манбалар ҳақидаги ахборотни унга етказа олмайди. Фойдаланувчининг саволига жавоб бериш керакли маълумотни қайта ишлаш, тажриба ва жавоб бериш воситаларини онгли равишда қабул қилиш каби жиҳатларни қамраб олиб, айнан ана шулар жавобнинг тўлиқ бўлишини таъминлайдиган омиллардир. Қолаверса бу воситалар фойдаланувчининг саволидаги ўзига хосликлар билан кутубхоначининг билимидаги узилишлар оқибатида юзага келувчи тушунмовчиликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Бунинг натижасида, мулоқотда қандай шахслар иштирок этаётганидан қатъи назар, суҳбатнинг самарали бўлиши таъминланади.

### Жавоб топиш воситалари

---

Ўтказилаётган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, фойдаланувчининг эҳтиёжлари даражаси чексиз-чегарасиз бўлиши эҳтимол-

дан холи эмас. Айнан шунинг учун ҳам кутубхоначининг касби бир пайтнинг ўзида ўта қизиқ ва жуда мураккаб соҳа ҳисобланади. Қуйида илмий кутубхоналардан бирида кун давомида олинган савол ва сўровлар рўйхати келтирилган:

- Менга ўн саккизинчи асрда ишлатилган қабртошлардан намуналар керак.
- Доминикана Республикасида ўрмонзорларнинг йўқ қилинишига бағишланган испан тилида ёзилган мақолалар борми?
- Мен Интернет тармоғининг АҚШ жамиятига кўрсатган салбий таъсири ҳақида ёзишим керак.
- Сизда Жоржия штатининг контур харитаси борми?
- Мен қадимий монастирлар билан босмаҳоналар ўртасидаги алоқа ҳақида тадқиқот ўтказаятгандим.
- Мустақиллик декларациясига Нью-Жерсининг қайси губернатори имзо чеккан?
- Мен илмий ишим учун Эмили Брентенинг ҳаётини ўрганишим керак.
- Журнал экспертлар томонидан баҳоланганини қандай билиб олиш мумкин?

Жавоб қайтаришнинг бир усулидан иккинчи усулига сакраб ўтиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келадиган иш. Бу жараён гўё учиб келаётган теннис тўпини зарб билан қайтаришга ўхшаб кетади. Лекин бир усулдан иккинчи усулга сакраш жараёнининг самарали бўлиши учун юксак малака талаб қилиниб, бу ҳам теннисчидан тўпни дуч келган томонга эмас, ўзи хоҳлаган жойга йўналтира олиши учун катта тажриба талаб қилиниши билан тенг. Саволларга жавоб қайтариш малакаси ҳам худди керакли саволларни бериш боразидаги малака каби ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши мумкин.

«Қандай маълумот кераклигини аниқлашга қаратилган савол-жавоб» давомида кутубхоначи чигал вазиятга тушиб қолмаслик учун қуйидаги уч жиҳатни доимо ёдида тутиши ва уларга қатъий риоя қилмоғи даркор:

1. Саволни таснифлаш.
2. Якуний жавоб қандай шаклда бўлишини тасаввур қилиш.
3. Жавоб тўғри йўлдан бораётганини мунтазам текшириб туриш.

## Биринчи қадам: Жавобни таснифлаш

### Кўп вақт талаб қилувчими ёки тез?

Жавобнинг тайёр маълумот ёки кўп вақт талаб қилувчи эканини аниқлаб олиш ишни анча осонлаштириб, жумладан:

- Бу орқали ҳам кутубхоначи, ҳам фойдаланувчининг ваҳимага тушишига имкон қолмайди ва натижанинг топилишига бўлган муайян даражадаги ишончни шакллантиради.
- Бу шунингдек, маълумотнома ишини ташкиллаштиришда ҳам ёрдам беради. Фойдаланувчига жавобни топиш учун кетадиган вақтни тахминан бўлса-да, айтиш орқали кутубхоначи маълумотхонани биров бўшатиш ва ўз вақтини самаралироқ режалаштириш учун имкон ярагади.
- Бу мулоқотга профессионал тус беради. Телефон орқали кечувчи мулоқот чоғида, агар жавоб тайёр маълумот категориясига кирмаса, кутубхоначи «мен сизга ўзим ўн беш дақиқа ичида қайта қўнғироқ қиламан», дейиши мумкин

бўлиб, шу орқали фойдаланувчининг кўнгли хотиржам тортади ва у кўнги-роқни қутиб ўтириш ўрнига ўз ишлари билан машғул бўлиши мумкин.

- Бу кутубхоначини дуч келиши мумкин бўлган муаммолар ҳақида огоҳлантиради. Албатта, ҳар бир саволга жавоб топиш жараёни қанча вақт талаб қилишини тахмин қилиш имконсиз. Лекин шуниси маълумки, мактаб, жамоат ёки илмий кутубхоналарда берилувчи саволларнинг аксариятига ўн беш дақиқа ичида жавоб топиш имконияти мавжуд. Агар бунинг иложи бўлмаса, унда саволнинг тузилиши нотўғри бўлади ёки у чуқурроқ тадқиқот талаб қилинувчи савол категориясига ўтказилиши лозим. Мустақиллик декларациясини имзолаган Нью-Жерси губернатори тўғрисидаги савол, масалан, мактабдаги ушбу иши китобда қайд этилган бўлиб, унинг жавобини бир эмас, икки кутубхоначи қидиришга мажбур бўлган. Мустақиллик декларациясини имзолаган Нью-Жерси губернатори аслида мавжуд бўлмагани аниқланганига қадар бир соат вақт сарф қилинган. Шунда кутубхоначилар савол нотўғри қўйилганини ва фойдаланувчи аслида мустақиллик декларациясини эмас, балки АҚШ конституциясини имзолаган Нью-Жерси губернатори ҳақида сўраётганини аниқлашган.

## Оддийми ёки мураккаб?

Оддийлик кутубхоначига «мавзу ичида бўлиб», жавобни топиш учун нисбатан кам вақт сарфлаш имконини беради:

- Савол жўн ва оддий бўлиши мумкин. Масалан, Жоржия штатининг конуртли харитаси ҳеч қандай яширин маънога эга эмас. У — оддий график сурат бўлиб, кўпчилик нашриётлар томонидан чоп этилувчи маълумотномалардан ёки Googlening суратларни қидириш хизмати орқали осонгина топилади.
- Савол кутубхоначининг ўзи қизиқувчи соҳага алоқадор бўлгани ва жавоб бор манбалар кутубхоначига яхши таниш жойдалиги учун оддий бўлиб туйилиши мумкин. Энг яхши манбаларни аниқлаш, тушунтириш ва тақдим қилиш янги ташаббус ёки «учиб юриб билим олиш»нинг тез суръатда қабул қилинишини талаб этмайди.
- Савол бир қарашда жуда ҳам осон бўлиб кўриниши мумкин. Аммо унинг жавобини топиш учун бирмунча кўпроқ вақт сарф қилиниши лозимлиги аниқ бўлгач, фойдаланувчини ҳам бу ҳақда огоҳлантириб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

## Замонавийми ёки тарихий?

Ҳозирги замонга алоқадор маълумотларни талаб қилувчи саволлар билан бир вақтда тарихий маълумотларни ҳам ўз ичига олиши мумкин бўлган саволларни ажратиб олиш ишнинг бир қадар осонлаштиради. Адабий-танқидий, биография, тарих, сўзлар этимологияси ва одоб-ахлоққа доир китобларда ҳозирги замонга алоқадорлик бўлса-да, лекин бу жиҳат марказий ўринга чиқмайди. Қимматли қоғозлар бозоридаги вазият, қўлланма, баёз (альманах), статистика маълумотларида эса ахборотнинг янгилиги ва ҳозирги замонга алоқадорлиги асосий ўринда туради. Ўтмишга алоқа-

дор саволларни бошқаларидан ажратиш маълумот излаш жараёнини соддалаштиради. Жумладан, бирор машҳур олим ёки ёзувчининг ҳаёти ҳақидаги саволга жавоб бериш учун, табиийки, автобиография китоби энг мақбул манба. Аммо олим ёки ёзувчининг асар ёки мақолалари ҳақидаги саволларнинг жавобларида муаллиф фаолиятининг қайсидир бир қисми ёритиб ўтилади, холос.

## Аниқми ёки фанлараро?

Оддий фактларни топишга қаратилган саволлар билан чуқур таҳлилни талаб қилувчи саволларни фарқлай олиш ҳам излаш жараёнининг тузилишини такомиллаштиришга ёрдам беради. Фактологик маълумотлар, одатда, бир классификация соҳаси доирасида топилади, гарчи уларни излашда бир неча манбадан фойдаланишга тўғри келинса ҳам. Турли фанлар доирасида таҳлил ўтказишни талаб қилувчи маълумотларни топиш учун уларни таркибий қисмларга ажратиб олиш ва шу орқали классификация соҳаларини танлаб олиш талаб этилади. Буни қуйидаги мисол орқали тушунтириш мумкин:

- Гиёҳванд моддалар неча турга бўлинади?
- Мен АҚШ ўсмирлари орасидаги гиёҳвандлик миқёси ва унинг оқибатларига бағишланган беш варақдан иборат маъруза тайёрлашим керак.

Биринчи саволга жавобни кутубхонанинг биргина бўлимида жойлашган битта манба орқали топиш мумкин. Лекин иккинчисига жавоб топиш учун гиёҳванд моддалар етиштирилиши, уларни истеъмол қилиш миқёси, гиёҳванд моддаларнинг ўсмирлар саломатлигига келтираётган зарари, гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар статистикаси ва шу каби бошқа маълумотлар топилиши ва таҳлил қилиниши талаб этилади.

## Бир манбами ёки бир нечта?

Жавоби битта манбадан топилиши мумкин бўлган саволлар ёпиқ савол ҳисобланади. «Мен 1976 йил 10 январь куни туғилганман. Бу ҳафтанинг қайси куни эди?». Саволни топиш учун махсус календардан фойдаланиш кифоя. Қўшимча тадқиқот ёки изланишлар учун ҳожат қолмайди. Бироқ «Кадимги Рим меъморчилигининг Рим куч-қудратига таъсири» деган саволга жавоб қайтариш учун бир нечта манба, жумладан, Рим тарихи, меъморчилик ва меъморчилик шакллари тадрижга оид манбаларни кўздан кечириш лозим.

## Фойдаланувчи учун тўғри келадими?

Илмий кутубхоналарда ўз дўстлари учун манба қидириб юрган талабалар бўлган ва каби, жамоат кутубхоналарида фарзандларига «фуқаролар уруши», «холокост» ёки «машҳур америкалик» каби маълумотларни излаётган ота-оналар ҳам учраб туради. Уларнинг «халис ёрдамчи» эканлигига ойдинлик киритиш учун бир-икки савол берилса, фойдаланувчининг мавзуга нақадар алоқадорлиги ойдинлашади. «Бошқа одам орқали берилувчи сўров»га (Гросс, 2001) жавоб топиш учун эса асл фойдаланувчининг ёши, синфи ва маълумотни излашдан мақсадига эътибор қараг иш лозим. Бу жавобни то-

пиш учун керак бўладиган манбани аниқлашни бирмунча осонлаштиради. Ўқувчининг матнни тушуниш қобилиятини билиш ҳам фойдали бўлиб, бу орқали маълумотни қайси усулда (содда ёки мураккаб) ёзилган манбалардан қидириш лозимлиги аниқлаб олинади.

## Иккинчи қадам: Жавобни тасаввур қилиш

Китобда юзлаб муҳим манбалар айтиб ўтилган бўлиши мумкин. Саволга жавоб бериш учун бу — манбаларнинг ҳар бирини кўздан кечириш имкони бўлмагани боис манбаларни таснифлаб олиш тавсия этилади. Ката логлар, маълумотномалар, йўриқномалар, луғатлар, журналлар, статистика китоблари, ҳукумат нашрлари, алъманахлар, веб-сайтлар, маълумот базалари. Бу манбалар орасида энг керагини аниқлаб олиш қўйилган саволга жавоб топиш йўлидаги биринчи қадамдир.

Аксарият кутубхоначилар тасаввур қилиш орқали излаш стратегиясига амал қиладую, лекин уни онгли равишда қўлламайди. Шу боис жавобни тасаввур қилишни онгли равишда қўллаш кутубхоначининг вақтини бирмунча тежаб, манбалар таркибида бирор ўзгариш бўлган тақдирда ҳам жавобни осонлик билан бошқа манбалардан топиш имконини беради. Тадқиқотчи Тим Оуэнчининг фикрига кўра, «кутубхоначи пировард жавоб қандай бўлишини олдиндан била олмаса ҳам, уни қайси бўлим ёки соҳадан қидириш кераклигини тасаввур қила олишининг ўзи ишни анча илгари силжитади» (2003:27).

Жавоб манбаларини тасаввур қилиш, бу — қандайдир ранг-баранг адабиётлар коллекциясини тасаввур қилиш дегани эмас, албатта. Бу аниқ жавобни қайси манбалардан излаш мумкинлигини белгилаб олишни ҳам англатади, яъни:

- Босма /Интернет/ Маълумотлар базалари;
- Магн /График/ Статистика кўринишида;
- Маълумотнома / Даврий нашриётлар/ Болалар адабиёти.

Жавобни таснифлаб олиш унинг манбасини тасаввур қилишда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга, жавобнинг шакли, таснифи, манба тури, ўқий олиш даражасига мос келишини аниқлаш ва керакли манбаларни саралаб олиш фойдаланувчидан керакли қўшимча саволларни сўрашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур жараён амалда қандай кечиши мумкинлигини қуйидаги уч савол орқали билиш мумкин:

1. Африкадаги империализмнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари қандай бўлган?
2. Африка қитъаси мамлакатларидаги жиноятчилик статистикаси қандай?
3. Ж. М.Кётзининг асарларидаги қаҳрамонлар ва сюжет учун Африка муҳим бўлиши шартми?

Биринчи саволга жавоб бериш учун катта ҳажмдаги ахборот ва уни таҳлил қила олиш малакаси керак бўлиши ҳисобга олинса, манбани тасаввур қилишдаги биринчи қадам бу — босма муаллифлик асарларини кўздан кечиришдан иборат бўлиши керак. Иккинчи саволга жавоб бериш учун Интернет манбалари, жумладан, БМТнинг расмий веб-сайтдан фойдаланиш мумкин. Учинчи саволга адабий танқидга бағишланган маълумотлар базасини кўздан кечириш орқали жавоб топиш тавсия қилинади.

## Учинчи қадам: синаб кўриш

Баскетбол ўйинчиларига ўйин майдонининг барча бурчагидаги вазиятдан хабардор бўлиб туриш учун юмшатирилган фокус усуллари ва ён томондан кўриш қобилиятларидан фойдаланиш лозимлиги уқтирилади.

Саволга жавоб бераётганда ҳам айнан мана шу усулдан фойдаланиш фойдали бўлиб, шу орқали кутубхоначи жавоб қидириш жараёни нақадар тўғри кетаётганини назорат қилиб туради.

### Ижодий изланиш

Жавобни излаш жараёни бошлангач, фойдаланувчига маълумотнинг бир қисми берилади ва унинг муносабати текшириб кўрилади, сўнг шу асосда тегишли ўзгаришлар киритилади. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, индивидуал тадқиқот ҳар доим ҳам бир текис давом этавермайди. Излаш жараёни бошлангунга қадар фойдаланувчилар ўзига зарур маълумотнинг барча жиҳатларини яхши билишига қарамай, керакли ахборотни кўргачгина, уларга айнан мана шу манба кераклигини англаб етишининг эҳтимоли кўпроқ бўлади.

Масалан, бирмунча камгап фойдаланувчилардан бири «Самолётларга бағишланган бўлим қаерда?» деган савол билан мурожаат қилган. Ўтказилган савол-жавоб натижасида у бир неча учаётган самолётнинг суратларини излаётгани маълум бўлди. Самолётларнинг суратли энциклопедиясини кўздан кечириб чиққач, у кўшимча маълумот кераклигини билдирган. Кўшимча савол-жавоб натижасида унга аслида нима кераклиги борасида ҳеч қандай янги маълумот олинмагач, кутубхоначи ундан энциклопедиядаги суратлардан қайси бири у қидираётган маълумотга тўғри келишини сўради. Фойдаланувчи эса V шаклини ҳосил қилиб учаётган ҳарбий самолётлар суратини кўрсатиб, ўзига айнан шу шаклнинг бироз ўзгарган кўринишидаги самолётларнинг сурати кераклигини маълум қилган. Ана шунда кутубхоначи бу шакл аслида «жангда ҳалок бўлган аскар», деб аталиши ва самолётлар бу тарзда расмий намоишлар ва ҳарбийларни дафн этиш маросимида парвоз қилишни ёдга олади. Шу орқали фойдаланувчига аслида қандай маълумот кераклигини аниқлашга муваффақ бўлади.

### Субкатегориялаш

Фойдаланувчини унинг саволи замирида яширинган турли тасниф гуруҳлари томон бошлаш орқали ўқувчи аслида қандай маълумотни излаётганини билиб олиш осонлашади. Фойдаланувчи муайян бир таснифдаги маълумотга қизиқиш билдириши билан кутубхоначи танланган маълумотга алоҳида эътибор қаратиши ва уни кенгроқ ўргана бошлаши лозим.

Масалан, фойдаланувчи жинсий йўл билан юқадиган касаллар ҳақида маълумот сўраб мурожаат қилади. Мавзу бироз нозикроқ бўлгани боис фойдаланувчи билан бўлган савол-жавоб ҳам унчалик кўпга чўзилмайди. Кутубхоначи унга монографиялар, статистик маълумотлар, медицина луғатлари, касалликларнинг суратли энциклопедияси ва веб-сайтларнинг рўйхатларини тақдим этади. Шунда фойдаланувчи жинсий касалликларга дучор

бўлган одамларнинг суратларига алоҳида қизиқиш билдиради. Буни кўрган кутубхоначи унга қўшимча равишда керакли сайтларнинг рўйхатларини тақдим қилади. Гап шундаки, фойдаланувчи ёлғиз она бўлиб, у ўсмир ўғлини ёмон йўлдан сақлаш учун жинсий касалликларга дучор бўлган одамлар қай аҳволга тушишини суратлар орқали кўрсатишни ният қилган экан.

## Қисқача шарҳ

Фойдаланувчига унинг саволи бўйича бор материалнинг қисқача шарҳини берингва «Буларнинг қай бири сиз излаётган маълумотга тўғри келади?» деб сўранг. Фактологик маълумотларга жавоб бериш учун, одатда, битта манба кифоя қилса, кенгроқ мазмундаги саволлар турли манбалар ва соҳалар бўйлаб изланишни тақозо этади. Жозеф Жейнс таъкидлаганидек, «фойдаланувчилар кўп ҳолатларда кутубхоначидан бекаму кўст эмас, Балки қониқарли жавобни кутади» (Жейнс, 2003:38). Шу боис бундай жавоб қандай бўлиши кераклигини кутубхоначи эмас, Балки фойдаланувчи ўзи учун ҳал қилиши лозим. Фойдаланувчи кўплаб манбалар воситасида ўзига катта ҳажмдаги керакли — кераксиз маълумотларни берувчи кутубхоначи билан «курумсоқ» кутубхоначи ўртасида ўзига хос мутаносибликни таъминлай олиши лозим. Шу боис айрим ҳолларда фойдаланувчи кутубхоначи берган маълумотларни тезда кўздан кечириб чиқиши ва уларда ўзи излаётган маълумотга алоқадор ахборот бор ёки йўқлигини аниқлаб олиши лозим.

Фойдаланувчи мавжуд маълумотларни кўздан кечириб, кутубхоначига керакли манбани танлаш имконини бериши ҳам, кутубхоначи мавжуд жавобларни субкатегорияларга ажратиб, фойдаланувчи улар орасидан ўзига керагини танлаб олиши ёки бор манбаларнинг қисқача шарҳи билан таништирилиши ҳам — буларнинг бари битта натижага олиб келади. Яъни, кутубхоначи саволга берилган илк жавоб орқали пировардида олинувчи жавоб томон бошланган йўлнинг нақадар тўғри эканини текширади.

## Жавоб турлари

Барча тилларда бўлгани каби, «маълумот бериш», деган жумланинг замирида катта маъно яширинган. «Жавоб» яхлит эмас, балки турли кўриниш ва манбалар бирикмаси бўлиб, фойдаланувчининг тадқиқотида қўл келадиган турли воситаларни тақдим этади. Маълумот етказиш давомида ва ундан сўнг фойдаланувчига берилган жавоб турини ва бундан ҳам фойдалироқ маълумотларни етказишнинг имкони бор-йўқлигини аниқ тасаввур қилиш мақсадга мувофиқ.

### Фойдалилик даражалари

Қўшимча қийматли жавоб ← Малакали жавоб ← Оддий жавоб

Юқориде кўрсатилган уч жавоб турининг барчаси ўқувчи учун фойдали бўлса-да, фойдалиликнинг энг юқори даражаси, табиийки, қўшимча қийматли жавобдан олиниши мумкин.

## Қўшимча қийматли жавоблар

Қўшимча қийматли жавоб фақатгина керакли манбаларни кўрсатишдан бир даража юқори роқ юради. У материални ташкиллаштиради, манбаларнинг устуворлигини белгилайди, материал томонидан талаб қилиниши мумкин бўлган тадқиқотга доимо шай туради, жавобни жадаллик билан тақдим этади.

- Илмий ишда муҳимлиги бўйича тақсимлаб чиқилган турли манбалар рўйхати берилган қўшимча илованинг борлиги жавобнинг мазмунини сезиларли даражада бойитади. Корпоратив ва юридик соҳаларга ихтисослашган кутубхоначилар қўшимча қийматли жавобларни тақдим этишда етакчилик қилади. Улар томонидан саволга жавоб берувчи керакли манбалар танланибгина қолмасдан, балки ҳар бир манбанинг муҳимлиги аниқланади ва жавоблар профессионал тарзда вақтни тежовчи ҳисобот кўринишида тайёрланади. Бу каби ҳисоботлар кутубхоначилар томонидан 15–20 дақиқа ичида берилувчи жавобдан тубдан фарқ қилиб, ҳафталар ёки ойлар давомида тайёрланиши мумкин (Уильямс, 2002).
- Профессонал маслаҳатлар юзма-юз мулоқот давомида кутубхоначига нега бир манба иккинчи манбадан кўра муҳимроқ ёки ишончлироқ эканини аниқлашга ёрдам беради. Агар фойдаланувчига олтига босма нашр берилган бўлса, кутубхоначи энг керакли маълумотни ўз ичига олган ва жуда ҳам обрўли нашриётлар томонидан чоп этилган иккита адабиётни кўрсатиши ва жавобни излаш жараёнини ана ўшалардан бошлашни маслаҳат бериши мумкин. Шу тариқа агар ўрганиб чиқиш учун бошқа муқобил манбалар таклиф қилинган бўлса, кутубхоначи нега айнан мана шу веб-сайт ёки маълумотлар базасида энг янги маълумотлар мавжудлиги ва улар фойдаланувчига янада кўпроқ ва бойроқ манбаларни тақдим қилиши мумкинлигини тушунтириб бериши мумкин.
- Электрон почта орқали берилувчи жавобларда турли веб-сайтлар ёки маълумотлар базаларида мавжуд фактлар кесиш ва жойлаштириш услуби орқали бирлаштирилган бўлиши мумкин. Ҳар бир кўчирма учун иқтибос (цитата) бериш лозим бўлган бир шароитда фойдаланувчи ўзига керак бўлган тақдирда қўшимча тадқиқот ўтказиш имкониятига ҳам эга бўлади. Бунинг ҳожати бўлмаган тақдирда, ўқувчи барибир юқори даражадаги фойдали вақт ва энергияни тежовчи жавобга эга бўлади.
- Юзма-юз ёки чат орқали маълумот беришда олдиндан ўйлаш ҳам қўшимча қийматли жавоб қайтаришга хизмат қилади. Масалан, фойдаланувчи ҳашаротларга қарши махсус дориларсиз курашиш услублари ҳақидаги маълумотни сўраган. Кутубхоначи табиатни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган ажойиб бир веб-сайт ҳамда шу мавзуга бағишланган радиоинтервьюни топишга муваффақ бўлган. Аксари ят кутубхоначилар излаш жараёнини шу ерда тўхтатган бўларди, нега ки саволга жавоб топилди. Аммо биз ҳикоя қилаётган кутубхоначи маълумот коллеж рефератини тайёрлаш учун мўлжалланганини фаҳмлагач, унга рефератни қандай тайёрлашга бағишланган маълумотномани ҳам тақдим этган. Фойдаланувчига эса, бу маълумот жуда қўл келган.



- Қизиқишлар, маслаҳатлар ва йўриқномаларга йўлланмалар ҳам ҳар бир форматга қўшилиши мумкин бўлиб, шу орқали фойдаланувчи излаш жараёнини бошлашдан аввал мавжуд манбаларни кўздан кечириб чиқиш ва энг кераклиларини танлаш имконига эга бўлади.

## Малакали жавоб

Қўшимча қийматли жавобларнинг аҳамияти қанчалик юксак бўлмасин, аксарият кутубхоначиларнинг фаолиятида улар деярли учрамайди. Негаки саволга қўшимча қийматли жавоб қайтариш учун кўпинча вақт ёки ходим етишмайди. Шу боис малакали жавобнинг ўзи ҳам кўп ҳолларда етарли бўлади. Малакали жавоб қайтариш учун керакли манбалар аниқланиб, сараланиб, баҳо берилади ва шу орқали тадқиқот учун энг яхши манбалар ажратиб олинади. Бу борада олима Кетлин Клюгелнинг фикрига кўра, «Фойдаланувчи ўзининг излаш стратегияси давомида қабул қилувчи қарорларнинг кўпчилиги ахборот олишдан кўзланган икки мақсад, яъни аниқлик ва чақирув ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга қаратилади. Бунда «аниқлик» фақат керакли маълумотни олишга тааллуқли бўлса, «чақирув» барча керакли ахборотни олишга алоқадордир» (2001:109).

Мавзу бўйича мавжуд бўлган, айниқса, катта кутубхонадаги барча материалларни саралашга ҳаракат қилиш бефойда. Шу боис мавжуд манбаларни саралаш ва фойдаланувчи учун зарур бўладиган манбалар коллекциясини яратишнинг тез ва самарали усуллари қуйидагилардан иборат:

- Мавзулар ва керакли атамаларни топиш учун мундарижани текшириш.
- Каталогни текшириб, унда мавзуга бағишланган саҳифалар борлигини аниқлаш.
- Муаллифнинг мавзуга қанчалик эътибор қаратганини аниқлаш учун китобнинг кириш қисмига кўз югуртириш.
- Асар тадқиқ қилинаётган мавзуга нақадар алоқадор эканини билиш учун китобнинг муқовасидаги кўчирмаларни (агар бўлса) ҳам кўздан кечириш мумкин.
- Муайян наشريёт томонидан чоп этилган адабиётларнинг хусусиятларидан хабардор бўлиш ҳам манбалар билан ишлашни осонлаштиради. Масалан, Гэйл энциклопедиясида турли луғатлар, қизиқарли фактлар алоҳида ажратиб қўйилиб, қизиқарли суратлар ва қўшимча манбалар ҳақидаги маълумотлар акс этади.

Чат усули орқали маълумот беришда ҳам малакали жавоб қайтариш учун манбаларга профессионал ёндашиш талаб қилинади. Масалан, фойдаланувчилардан бири Тёрнер синдроми ҳақидаги савол билан мурожаат қилган. Кутубхоначи бу мавзуга бағишланган иккита ишончли веб-сайтни топиб, фойдаланувчига маълум қилади. Аммо фойдаланувчи кутубхоначига яна мурожаат қилиб, иккала сайтда касаллик ҳақидаги маълумотлар турлича эканлиги ва уларнинг қай бирига ишониш мумкинлигини сўраган. Шунда кутубхоначи қўшимча тадқиқот ўтказиб, сайтлардан бири оддий маълумот берувчи, бошқаси эса айнан шу касалликка чалинган одамлар билан беvosита ишлайдиган сайт эканини аниқлаб, фойдаланувчига тўғри йўл кўрсатиб юборган (Гурзенда, 2005).

## Оддий жавоб

Баъзан шундай бўладики, кутубхоначи керакли манбаларни билмайди эга ёки қўшимча қийматли ёхуд малакали жавоб бериш учун вақти зик бўлади.

## Биргалиқда ишлаш

Агар манбаларни топишнинг иложи бўлмаса, кучли тизим ва йўлланмалар фойдаланувчига ёрдам берувчи энг муҳим омиллар ҳисобланади. Тўққизинчи бобда айтиб ўтилганидек, ҳар бир кутубхонанинг маълумотлар хизматида яқин атрофдаги тиббий, юридик ва ишбилармонлик мавзуларига ихтисослашган кутубхоналар рўйхати бўлиши шарт. Бу соҳалар ўта ихтисослашган бўлиб, улар бўйича маълумот қидириш бирмунча чуқурроқ тадқиқот ўтказилишини талаб қилади. Яқин атрофдаги бошқа кутубхоналардаги мавжуд маълумотлар базалари рўйхатларини сақлаш ҳам наф бериб қолиши мумкин. Жумладан, Гарвард университети кутубхонасининг веб-сайтида университетдан ташқарида жойлашган кутубхоналарнинг веб-саҳифаларига ҳаволалар ҳам борки, фойдаланувчи Британия кутубхонаси каталоги ва ҳаттоки Германиядаги Карлсруе виртуал каталоги билан ҳам танишиб чиқиши мумкин.

Электрон манбаларни белгилаб қўйиш тизимини кенгроқ татбиқ қилиш керакли манбаларни топишда қийинчиликлар пайдо бўлганида фойда бериб қолиши мумкин. Одатда, кутубхоначилар ўзлари «энг яхши кўрган» электрон манбаларини иш жойидаги компьютерда веб-браузерда алоҳида белгилаб қўяди. Вақт ўтиши билан кутубхоначилар маълумотхонада ишлаётган фойдаланувчиларга ёрдам бериш учун қўлида лэптоп кўтарганча келадиган одат чиқарди, негаки ўша лэптопда уларнинг барча «энг яхши кўрган» электрон манбалари жамланган. Аммо ҳар бир компьютердаги «энг яхши кўрган» манбалар алоҳида белгилангани, баъзан бир компьютерда белгиланган манба иккинчи компьютерда бўлмаслиги боис, турли чалкашл иклар юзага келиши ҳам мумкин. Лекин яқинда [www.blinklist.com](http://www.blinklist.com) саҳифасида «Blinklist» деб аталган янги инновацион технология яратилиб, энг кўп ишлатилувчи ва оммабоп ҳаволалар энди онлайн усулида сақланадиган бўлди ва улардан хоҳлаган кутубхоначи исталган компютери орқали фойдаланиши мумкин. Ёрлиқлаш (tagging) тизими эса, ҳаволаларни таснифлаш имконини беради.

Оммавийлашиб бораётган самарали жавоб қайтаришнинг яна бир тури «жамоат букмаркинги» бўлиб, Digg, Delicious, LibMarks ва Frassle каби онлайн хизматлар ахборотни онлайн усулда топиш, сақлаш ва бўлишиш имконини беради (Fitcher, 2004).

## Стратегиялаштириш

Вақт кам бўлганида айрим усуллар фойдаланувчининг саволини жавобсиз қолдириш ёки уларни номаълум вақт давомида кутишга мажбур қилиши мумкин бўлган омилларнинг олдини олишга ёрдам беради:

- Савол кутубхоначининг вақтига қараб жавоб берилиши мумкинми ёки унга шу заҳотиёқ жавоб қайтариш лозимлигини аниқлаш.
- Маълумотни излаш жараёнини бошлаш учун фойдаланувчига бошлангич манба, хусусан, энциклопедияни таклиф қилиш.
- Фойдаланувчини кутубхонанинг керакли бўлимига кузатиб қўйиб, бир неча дақиқадан сўнг хабар олишни маълум қилиш.

## Маълумот етказиш жараёнида учровчи умумий хатолар

### Нотўғри маълумот

Саволга «тезроқ жавоб бериш» лозимлиги кутубхоначини баъзан ошириб қўйиши мумкин. Мисол учун қуйидаги вазиятларни олайлик: кутубхонага ҳаяжонга тушган фойдаланувчи қўнгироқ қилиб, яқин атрофдаги ёнилғи қуйиш шаҳобчасининг манзили ва телефон рақамини сўраш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Негаки, унинг машинасидаги бензин кутилмаганда тугаб қолиши мумкин; ўсмир фойдаланувчи телефон қилиб ўзининг ҳаётида бўлаётган воқеалар юзасидан маслаҳат сўрайди; кутубхонага янги келган ходимдан ёрдам беришни илтимос қилади. Бундай ҳолатларда ёдда тутиш лозим бўлган ягона қоида — «бундай қилиш мумкин эмаслиги».

Босим остида ишлаш лозимлиги ҳар бир кутубхоначи фаолиятининг ажралмас қисми эканини англаб етиш «тезроқ жавоб бериш» босимида қарши ўзига хос ҳимояни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Нотўғри маълумот нафақат ҳафсалани пир қилиши, балки хавfli бўлиши ҳам мумкин. Босим остида маълумот бергандан кўра, мулоқотни бироз юмшатиш ва фойдаланувчига ишончли ахборот берган афзал. Масалан, ёнилғиси тугаётган ҳайдовчига йўлнинг бир чеккасида тўхташни маслаҳат бериш, ўсмирнинг «турмуш ташвишлари» тўғрисидаги саволига эса, жавоб топиш учун уни бироз гапга солиш ва мулоқот давомида жавобни Интернетдан қидириб топиш, янги ходим эса тажрибали кутубхоначининг ишлаш жараёнида ўзига керакли маълумотларни билиб олиши мумкин.

### Ножўя ахборот

Фойдаланувчи хоҳлаган маълумотни бир манбадан топа олмасдан унга бошқа манбадаги маълумотни «тиқиштириш» фойдасизлиги у ёқда турсин, фойдаланувчининг вақтини увол қилишдан бошқа нарса эмас. Кутубхоначининг эътиборсизлиги ва толиққани билан бир қаторда тузук-қуруқ ўтказилмаган савол-жавоб ҳам ножўя ахборот топилшига сабаб бўлади.

### Мушкул саволлардан қочиш

Мушкул саволлардан қочиш ўта кетган маҳоратсизлик ва одобсизликдир. Бу, одатда, бир қарашда жавоб бериб бўлмайдиган савол қаршисидаги саро-

сима натижасида келиб чиқадиган ҳолатдир. Қуйидаги маслаҳатларни ёдда тутиш қийин саволлар қаршисида ҳаяжонга тушмасликка ёрдам беради:

- Маълумотхона ичи ва ташқарисида қулай йўлланма тизимини яратиш. Қайси ходим қайси соҳага ихтисослашишини билиш орқали мушкул савол учраганда, фойдаланувчини керакли ходимга йўналтириш мумкин.
- Мушкул саволлардан қочмасликнинг яна бир йўли - бу турли мавзуларга бағишланган маълумотномалар, маълумотлар коллекциялари, манбалар рўйхатларини юритишдир. Бунинг Интернет тармоғидаги қўринишини Q&A NJ блогида топиш мумкин бўлиб, у виртуал саволларга жавоб бериш хизмати сифатида яратилган. 2005 йил октябрида ишга туширилган блог кўп учровчи саволларга (FAQ) жавобларни таклиф этади, унда қидириш функцияси ҳам бор бўлиб, кутубхоначилар ўзларига келиб тушган саволларни кiritиш орқали керакли жавобларни тез ва қулай услубда топиши мумкин.
- Саволнинг қайси контекстдан келиб чиққанини аниқлаш. Техник атамалар бир қарашда жуда тушунарсиз ва қўрқинчли бўлса-да, улар қайси контекстдан келиб чиққан ҳолда ишлатилаётгани аниқлангач, масала анча енгиллашади.
- Саволга турли бурчаклардан «ҳужум қилиш». Ҳусусан, «Ўн олтинчи аср Европасидаги ислохотлар» мавзуидаги китобларнинг биттаси ҳам кутубхонада қолмаган бўлса, фойдаланувчига Мартин Лютернинг биографиясига доир китоблар ҳам анча фойда бериши мумкин.
- Агар керакли маълумотни қаердан топиш мумкинлиги номаълум бўлса, уни яратиш, ташкиллаштириш ва реклама қилишдан қайси ташкилот манфаатдорлигини аниқлаш лозим. Масалан, Аргентинада соя ўсимлигини етиштириш ҳақидаги маълумотларни ушбу мамлакат Иқтисодиёт вазирлиги ёки АҚШ қишлоқ хўжалиги бошқармаси сайтидан топиш мумкин бўлади. Ниҳоят, кутубхоначи ҳамма нарсани билишим керак экан, деган фикрдан йироқ бўлиши лозим. Агар мавзу нотаниш бўлса, у билан танишиш керак. Фойдаланувчидан аниқлаштирувчи маълумотларни олиш керак ёки тайёр маълумотли манбаларни кўздан кечириш даркор. Ҳаттоки, энг нотаниш концепция ва сўзларнинг маъноси оддий луғат, энциклопедия ёки Интернетни озроқ титкилаш орқали кундек равшанлашади. Сўзни англаш саволни тушунишга йўл очади.

## Манбаларни яхши билмаслик

Ҳеч қайси кутубхоначи манбаларни яхши билмасликдан келиб чиқувчи ҳағолардан ҳимояланган эмас. Кўпчилики кутубхоначилар фаолияти давомида ўз коллекциясидаги энг зўр манбани ёдидан чиқариб қўйиш ҳолагига тушган. Шу боис мавжуд манбаларни мунтазам тарзда ўрганиб бориш хатоларнинг олдини олишнинг энг яхши усулидир. Янги келиб тушган манбаларни ўрганиш ҳам босқичма-босқич, ҳам хотиржам тарзда кечувчи жараёндир. Китоб жавонларини мунтазам кўздан кечириб туриш, манбаларни саралаш, ҳам-касблар билан саволларга жавоб бериш, иш давомида учраган ҳолатларни муҳокама қилиш, ўйлаб топилган саволлар учун мавжуд муқобил манбаларни текшириш орқали кутубхоначи ўз кутубхонасининг коллекциясида мавжуд манбалар ҳақидаги билимларини доимий тарзда бойитиб бориши мумкин.

## Саволга жавоб берилганига ишонч ҳосил қилмаслик

Маълумот бериш жараёнида учровчи яна бир хатолардан бири — фойдаланувчига манбалар берилганидан сўнг, у ўз саволига жавоб топганига ишонч ҳосил қилмасликдир. Савол-жавобга бағишланган бобда айтиб ўтилганидек, маълумотни излаш жараёни бошланиши билан фойдаланувчи томонидан бериладиган саволлар ҳам кўпайиб боради. Шу боис фойдаланувчи маълумотларни излаш бошлаганидан сўнг, у қўшимча ёрдамга муҳтож эканини текшириб туриш ҳам яхши одат ҳисобланади. Шу боис нафақат юзма-юз, балки бошқа усулларда ўтказилувчи маълумот бериш жараёнида қўшимча маълумот керак бўлса, бемалол муружаат қилиш мумкинлиги доимо алоҳида таъкидланади.

## Тегишли излаш малакаси

Мушкул саволларга жавоб беришда кутубхоначилар кўпинча ўзларида тегишли излаш малакасининг етishмаслигидан хавотирланиб туради. Лекин бунинг ечими осон. Барча кутубхоначилар маълумотларни «қўздан кечириш» эмас, балки том маънода «излаш» санъатини эгаллаш ва мунтазам равишда ундан фойдаланиш орқали кучли мутахассисга айланади. Излаш малакаси учта асосий маълумот бериш воситаси ёрдамида такомиллаштирилиши мумкин.

1. Маҳаллий кутубхона каталоги.
2. Электрон маълумотлар базалари.
3. Интернет тармоғи.

Интернет тармоғи орқали маълумот қидириш охириги йилларда, айниқса кенг тарқалганини ҳисобга олган ҳолда, 13-бўлимда саволларга Интернет орқали жавоб топиш усуллари кўриб чиқилган. Қуйидаги бўлимларда эса, қолган иккита излаш усули ҳақида сўз боради.

## Кутубхона каталоги

Тажрибали кутубхоначилардан бири айтганидек, каталог «кутубхонадаги маълумот бериш ишларини аниқлашдаги биринчи восита бўлиб, бунда каталогда Интернет ҳаволаларнинг бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади» (шахсий суҳбат, 12/29/2005).

АҚШдаги аксарият кутубхона каталогларида АҚШ конгресси кутубхонасининг мавзулар сарлавҳаларидаги (LCSH) фойдаланилади. Бунда ишончга сазовор сарлавҳаларнинг тузилиши ни тушуниб олиш каталогдан маълумот излаш санъатини эгаллашнинг асосий омили ҳисобланади. LCSH ўзига хос «сеҳрли қидирув» (Корнегэй, Бучанан ва Морган, 2005) имкониятини тақдим этиб, бунинг учун фойдаланувчи тишим тузилиш тағқисмларининг самарадорлигини тан олиши лозим. Тузилиш тағқисмлари онлайн каталоглаш давридан олдин унчалик катта аҳамиятга эга бўлмаган, негаки фойдаланувчилар излаш жараёнида фақатгина муаллиф ва сарлавҳадан келиб чиққан. Аммо замонавий шароитда тузилиш тағқисмлари кутубхоначиларга излаш жараёнида каталогчининг аниқлиги ва Интернет фойдаланувчисининг эркинлигини уйғунлаштириш имконини беради (Корнегэй, Бучанан ва Морган, 2005: 46). Улар бунга материалнинг «нима ҳақида» эмас, балки «нима» эканини аниқ-

лаш орқали эришади. Масалан, агар фойдаланувчи «Инқилоб урушига алоқадор бошланғич ҳужжатлар» мавзуси бўйича тадқиқот олиб бораётган бўлса, тузилиш тағқисмларидан фойдаланиш қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Инқилоб уруши — кундали клар  
ёки  
Инқилоб уруши — ёзишмалар  
ёки  
Инқилоб уруши — манбалар

Излаш жараёнини материалнинг «нима экани»га йўналтириш орқали (яъни бошланғич ҳужжатлар, ёзишмалар ва манбалар) излаш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Мазкур усул, шунингдек, мавзуга алоқадор атамаларни олдиндан билишни ҳам талаб қилмайди. Оддий ҳолатда излаш тартиби қуйидаги кўринишда бўлар эди:

АҚШ — Тарих — Инқилоб уруши, 1775–1783 — Кундаликлар

Аслида минглаб тузилиш тағқисмлари бор бўлса-да, уларнинг фойдаланиш даражаси ўрганилганда, 90 фоиз ҳолатларда атиги 100га яқин тузилиш тағқисмлари ишлатилиши аён бўлган (О'Нил ва бошқалар, 2001). Шу боис кутубхоначилар энг кўп ишлатилувчи тузилиш тағқисмларининг рўйхати-га эга бўлиши тавсия этилади. Қуйидагилар LCSHнинг айниқса кўп ишлатиладиган 20та тузилиш тағқисмларидир:

LCSH тузилиш тағқисмлари	
Даврий нашрлар	Уқув мисоли (case study)
Биографиялар	Лугатлар
Библиографиялар	График ишлар
Йулланмалар	Йуриқномалар
Статистика маълумотлари	Каталоглар
Хариталар	Маълумот базалари
Қўлланмалар	Методик қўлланма
Шеърят	Интервьюлар
Бадий адабиёт	Оммабоп ишлар
Ҳисоблар	Жадваллар

Янги кутубхоначиларни тайёрлаш мақсадида Гарбий Калифорния университетининг Хантер кутубхонаси томонидан 25та юқори самарали тузилиш тағқисмлари яратилган (Корнегэй, Бучанан ва Морган, 2005). Тузилиш тағқисмларининг каттароқ рўйхати Принстон университети кутубхонаси сайтида <http://library.princeton.edu/departments/tsd/katmandu/reference/formsubdiv.html> манзи-

лида жойлашган. Мавзуларнинг энг муҳим атамаларини ўзида жамлаган тузилиш тағқисмларининг тўпламига эга бўлиш орқали онлайн кутубхона каталогига тез ва самарали қидирув ишларини амалга ошириш мумкин бўлади.

### Маълумот базаларида қидириш

Маълумот базаларининг кўриниши ва тузилиши ҳар хил бўлса-да, уларда ҳам маълумот қидиришнинг умумий қоидалари мавжуд.

#### *Биринчи қадам: тадқиқот мавзусини аниқлаш*

Излаш жараёнини бошлаш учун мавзунини тўлиқ гап кўринишида ёки концепциялар рўйхати сифатида ёзиб, маълумот базасининг қидирув бўлимига кириштириш лозим. Маълумот базаларидаги излаш жараёни чалқаш ёки керак бўлмаган сўзлар туфайли издан чиқиб кетиши мумкин. Излаш стратегиясига бағишланган йўриқнома ҳамда излаш бўйича маслаҳатлар (Гумбольт давлат университети томонидан яратилган ва <http://library.humboldt.edu/infoservices/ssstrawrksht.htm> манзилида жойлашган) кутубхоначиларга ўз излаш тартибини услубий ва самарали тарзда ишлаб чиқиш имкониятини беради. Сан-Франциско университетининг Ж. Пол Леонард кутубхонаси томонидан ишлаб чиқилган ўқув қўлланмаси (3–1 рақамли суратда кўрсатилган) ҳам тадқиқотчи, ҳам кутубхоначига бошланғич мавзунини аниқлаштириб олишда қўл келиши мумкин.

#### *Иккинчи қадам: керакли маълумот базасини аниқлаб олиш*

Маълумот базалари коллекциялари худди катта шаҳар дўконига ўхшаб кетади. У ерда кутубхона томонидан таклиф қилинувчи бир қатор «йирик номли» маълумот базалари ва бир қанча кичикроқ ҳамда аниқ соҳага ихтисослашган маълумот базалари мавжуд бўлади. Ҳар бир маълумот базасида «Ёрдам» ёки «Маълумот» белгилари бор бўлиб, улар тўпلامнинг миқёси ва ихтисослиги ҳақида маълумот беради. «Йирик номли» маълумот базаси билан ихтисослаштирилган маълумот базасини уйғунлаштириш излаш жараёнининг мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилади.

#### *Учинчи қадам: излаш интерфейси ва функциялари билан таниш бўлиш*

Бир қатор йирик маълумот базалари ўхшаш интерфейسدан фойдаланиб, унда атамаларни излаш тугмачаси айрим чекловчилар билан келади. Бу чекловчилар ўта муҳим аҳамият касб этиб, излаш жараёнида улардан имкон қадар тўлиқ фойдаланиш тавсия этилади. Излаш параметрлари сана, тўлиқ матн борлиги, материалнинг экспертлар томонидан кўриб чиқилгани, матн ичида излаш, мавзунини таърифлаш ҳамда форматлар нуқтаи назаридан белгиланиши мумкин. Излаш миқёсини кенгайтириш ёки торайтириш, керак эмас атамаларни олиб ташлаш учун мантиқий операторлар, яъни «Ҳа», ёки «Йўқ»лардан фойдаланиш мумкин.

Баъзан қидирув воситаларининг қўшимча имкониятлари «кенг қамровли қидирув» (Advanced search) тугмачасида бўлиб, у оддий қидирувдан кў-

ра бирмунча самаралироқдир. 3-2 рақамли суратда дастлабки кўринишдаги интерфейс тасвирланган бўлиб, унда қидирув атамалари синчковлик билан сараланган сана, ном, мавзу, суратлар ва аудитория каби чекловчилар таъминланган, мантикий операторлар билан тўлдирилган.

*Тўртинчи қадам: мавзу номлари ва ёки керакли атамалардан фойдаланиш*

Агар кенг қамровли чекловчилардан фойдаланиш воситасида амалга оширилган керакли сўзлар қидируви самарали натижа бермаса, қидирув стратегиясининг бирмунча юқориноқ даражасига кўтарилишга тўғри келади. Бунда ҳар бир маълумот базасида мавжуд бўлган лугатга мурожаат қилиш лозим. Бу ҳар бир маълумот базасида мавжуд бўлган **маълумотнома (thesaurus)** ёки ҳар бир ҳужжатда бор бўлган мавзу дескрипторини очиш орқали амалга оширилиши мумкин. Маълумотномаларнинг **(thesaurus)** аксариятида атамаларнинг кенгроқ, торроқ ва ўхшаш маъноли атамалар билан бирга келувчи рўйхатлари мавжуд. Улар мавзуга яқинроқ маълумотларни топиш учун методик тарзда ишлатилиши мумкин. Шу билан бирга, бошланғич қидирув бўлимида рўйхати кўрсатилган мавзу номларини чиқариш ҳам шунга ўхшаш натижани беради. Маълумот базаларининг аксариятида мавзу номлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги боғланган. Флоридадаги Нова Жанубишарқий университети Элвин Шерман кутубхонаси каби муассасалар фойдаланувчиларга маълумот базаларида юқори самарали излаш усулларини яратишга ёрдам берувчи йўриқномаларни ишлаб чиққан. Йўриқнома нинг компьютер экрандаги кўриниши 3-3 рақамли суратда кўрсатиб ўтилган.

Figure 3-2. Form Interface for a Database (Gale PowerSearch™)

The screenshot shows the 'Advanced Search' interface for Gale PowerSearch™. At the top, it says 'Select fields to search from other search term'. Below this is a table with columns for 'And', 'Field', and 'Browse'. The table contains three rows: 'Author(s)', 'Publication Title(s)', and 'ES(Subject)'. A 'Search' button is located to the right of the table. Below the table, there are several options for limiting results, including 'to documents with full text', 'to peer-reviewed publications', and 'to document with images'. There are also radio buttons for 'All Dates', 'Before', 'On', 'After', and 'Between'. A 'Date' section has dropdown menus for month and year. There are also 'Browse Publication Title' and 'Browse Publication Subject' buttons. The interface is annotated with boxes and lines pointing to 'Boolean Search', 'Images', 'Date', 'Publication Title', and 'Subject'.

Source: From Gale. Screen shot from Power Search Database. © Gale, a part of Cengage Learning, Inc.



Figure 3-3. Refining a Database Search

■ **Additional Features**

The Thesaurus is a controlled vocabulary list of subjects and related terms used to standardize the indexing in the database. You can select and search for synonyms, related, and preferred terms.

To use the Thesaurus

- click the **Thesaurus** button—left side of screen
- select **one or more databases**
- enter a **term or phrase**
- click **Start**

The results screen displays your term, or a related term, in a hierarchy. The report includes the database(s), and how many related records are available.

To clear the terms entered

- click **Clear** in the bottom taskbar

**Search Thesaurus For:**

computers Start

Select one or more databases.  
Enter a subject  
Click Start

The Thesaurus is a list of suggested subject headings and related terms in the database's controlled vocabulary. You can look up and get information about subjects covered.

*Thesaurus in Education Full Text.*

<http://www.nova.edu/library/dils/lessons/wilsonwebeducation/>

*Alvin Sherman Library, Research, and Information Technology Center, Nova Southeastern University*

Source: Created by the Distance and Instructional Library Services department of the Alvin Sherman Library, Research, and Information Technology Center at Nova Southeastern University in Ft. Lauderdale, Florida.

**Бешинчи қадам: натижага баҳо бериш**

Қидирув натижаси чиқариб берилган ҳужжатлар сони ёки қидирув сўзларининг топилган натижаларда қанчалик кўп учраши орқали баҳоланади. Кўпчилик ҳолатларда ўнтадан кам ҳужжатни чиқариб берган натижа қониқарсиз деб топилади ва қидирувнинг миқёсини янги сўзлар ва «Ёки» мантиқий оператори ёрдамида кенгайтириш маслаҳат берилади. Агар сўров 200тадан зиёд ҳужжатни чиқариб берса, унда қидирув миқёси торайтирилиб, «Ва» ёки «Йўқ» мантиқий операторларидан ёки бошқа чеклов воситаларидан фойдаланиш лозим бўлади. Ўн билан 200 орасидаги натижалар қидирув параметрлари тўғри белгиланганидан далолат беради.

Қидирувга берилган сўзлар маълумот базалари томонидан ажратиб кўрсатилгани боис, топилган материалнинг номи, дескрипторлари ва кўчирмаларни кўздан кечириш орқали топилган маълумотлар фойда бериш-бермаслигини аниқлаш мумкин. Кўпчилик натижалар тескари хронологик тар-

тибда келтирилгани боис, мақолаларнинг нақадар долзарблигини ҳам шу заҳоти билиб олса бўлади. Айрим маълумот базалари натижаларни илмий ва умумий категорияга ажратса, бошқалари кўчирма ва сўзларнинг сонини тақдим этади ва шу орқали топилган маълумотларнинг тўғри келиш-келмаслиги аниқланади.

### *Олтинчи қадам: қидирув натижаларини яхлит кўринишга келтириш*

Муваффақиятли қидирувни амалга ошириб бўлгач, шунинг эътиборида тутиш зарурки, маълумот базалари дарҳол тартибга солинмаса, босма материалдан фарқли равишда тезда йўқ бўлиб қолиши эҳтимоли мавжуд. Шунинг учун натижаларни принтердан чиқариб олиш тавсия этилади. Натижалар, шунингдек, CD ёки DVD дискларга, флэш дисклар ёки EndNote, RefWorks каби дастурларга ёзиб олинishi ҳам мумкин. Йейль университети талаба ва ходимлари кўчирмаларни RefWorks дастурига кўчириб олиш имконига эга. Дунё бўйлаб тан олинган SpringerLink маълумотлар базаси CiteULike букмарк қилувчи веб-сайт яратиш, унда кўчирмаларни сақлаш, бўлиш, ёрлиқлаш ва экспорт қилиш имкониятларини назарда тутган. Бундан ташқари, натижалар электрон почта орқали ҳам юборилиши мумкин бўлиб, бу уларни чоп этиб олиш имконияти йўқ фойдаланувчилар учун қулайлик туғдиради. Натижалар қидирув жараёнининг ўзидаёқ ёрлиқланиши мумкин бўлиб, бу бир вақтнинг ўзида кўп сонли нагижаларни кўздан кечириш давомида аниқса қўл келади.

Бошла нгич қидирув стратегияси нақадар синчковлик билан ишлаб чиқилган бўлмасин, қидирув жараёнида уни такомиллаштириш ҳамда вазиятга мослаштириб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, техника ва технология ривожлангани сайин бир интерфейс орқали кўплаб маълумот базаларини текшириб чиқиш имконияти юзага келмоқда (Линоски, 2008) ва маълумот базаларида ахборот қидириш тизими фойдаланувчига имкон қадар кўпроқ қулайлик яратиш томон ривожланиб бормоқда. Хусусан, Kids Search, Power Search, Metafind, Serial Solutions Article Linker, Muse Global Muse Search, Innovative Interfaces Web Bridge каби онлайн маҳсулотлар фойдаланувчи билан кутубхоналар маълумот базалари ўртасидаги масофани камайтиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда (Кёртис ва Дорнер, 2005:37).

## **Жавобларни топиш**

Жавобларни топиш кутубхоначининг бевосита вазифасига киради. Кутубхоначининг кутубхона коллекциясини кўлайтириш, форматларни тартибга солиш, са вол-жавоб ўтказишдаги малакаси фойдаланувчининг саволига самарали жавоб бериш чоғида, аниқса, яққол намоён бўлади.

Жавоб бериш стратегиясини ташкил қилувчи жараёнларнинг аниқлигини таъминлаш яхши фазилат, албатта. Айти жараёни тушунтириб беришнинг ўзи га хос педагогик аҳамияти ҳам бор бўлиб, бу ҳам кутубхоначи фаолиятининг ўзи га хос жиҳатларидан биридир.

## Reference Resources Discussed in This Chapter

- American Book Publishing Record Cumulative 1876–1949*. 1980. 15 vols. New York: Bowker.
- American Book Publishing Record Cumulative 1950–1977*. 1979. 15 vols. New York: Bowker.
- American Book Trade Directory*. 1915-. Medford, NJ: Information Today. Annual.
- American Catalogue of Books 1876–1910*. 1880–1911. 8 vol. in 13. New York: Publishers Weekly.
- American Library Directory*. 2006. 59th ed. Medford, NJ: Information Today. Also available online: [www.americanlibrarydirectory.com](http://www.americanlibrarydirectory.com).
- American Reference Books Annual*. 1970-. Littleton, CO: Libraries Unlimited. Annual. Also available online: [www.arbaonline.com](http://www.arbaonline.com).
- Besterman, Theodore. 1965–1966. *A World Bibliography of Bibliographies*. 4th ed. 5 vols. Laussane: Societas Bibliographica.
- Bibliographic Index Plus*. 1982-. New York: H.W. Wilson. Available online: [www.hwwilson.com/databases/biblio.cfm](http://www.hwwilson.com/databases/biblio.cfm).
- Books in Print*. 1948-. New Providence, NJ: Bowker. Annual. Also available online: [www.booksinprint.com/bip/](http://www.booksinprint.com/bip/).
- Books Out Loud: Bowker's Guide to Audiobooks*. 2005. 20th ed. 2 vols. New Providence, NJ: Bowker.
- Bowker's Complete Video Directory*. 2005. New Providence, NJ: Bowker.
- British Library. *Catalogue*. Available: <http://catalogue.bl.uk>.
- British National Bibliography. Available: [www.bl.uk/reshelp/atyourdesk/doc-supply/productservices/bnb/](http://www.bl.uk/reshelp/atyourdesk/doc-supply/productservices/bnb/).
- Canadiana. Available: at [www.collectionscanada.ca/canadiana/index-e.html](http://www.collectionscanada.ca/canadiana/index-e.html).
- Cumulative Book Index*. 1898–1999. New York: H.W. Wilson.
- Directory of Open Access Journals*. Lund, Sweden: Lund University Libraries. Available: [www.doaj.org](http://www.doaj.org).
- Directory of Special Libraries and Information Centers*. 2005. 31st ed. Farmington Hills, MI: Gale. Annual, [www.gale.cengage.com](http://www.gale.cengage.com).
- Evans, Charles. 1903–1959. *American Bibliography: A Chronological Dictionary of All Books, Pamphlets, and Periodical Publications Printed in the United States from the Genesis of Printing in 1639 Down to and Including the Year 1800*. 14 vols. Chicago: Self-published. Available online as Early American Imprints. Series I. Evans (1629–1800), Readex.
- Fulltext Sources Online*. Edited by Mary B. Glose and Tina D. Currado. Medford, NJ: Information Today. Available: [www.fso-online.com](http://www.fso-online.com).
- Gale Directory of Databases*. 1993-. Farmington Hills, MI: Gale. Annual. Also available online in Gale's Directory Library: [www.gale.cengage.com](http://www.gale.cengage.com).
- Gale Directory of Publications and Broadcast Media*. 1990-. Farmington Hills, MI: Gale. Annual. Also available online in Gale's Directory Library: [www.gale.cengage.com](http://www.gale.cengage.com).
- Guide to Reference*. 2008. Chicago, IL: American Library Association. Subscription. Available: [www.guidetoreference.org](http://www.guidetoreference.org).
- International Directory of Little Magazines & Small Presses*. Paradise, CA: Dustbooks. Annual.
- Internet Movie Database. Available: [www.IMDB.com](http://www.IMDB.com).

- Kelly, James. 1866–1871. *American Catalogue of Books... January 1861 to January 1871*. 2 vols. New York: Wiley.
- The Library and Book Trade Almanac*. 1957-. Medford, NJ: Information Today. Annual.
- Literary Market Place: The Directory of the American Book Publishing Industry*. 1940-. Medford, NJ: Information Today. Annual. Also available online: [www.literarymarketplace.com](http://www.literarymarketplace.com).
- Magazines for Libraries*. 13th ed. New Providence, NJ: Bowker. Available online as part of [www.ulrichsweb.com](http://www.ulrichsweb.com).
- National Union Catalog, Pre-1956 Imprints. A Cumulative Author List Representing Library of Congress Printed Cards and Titles Reported by Other American Libraries*. 1968–1981. 754 vols. London: Mansell.
- New Books Service*. Ottawa: Library & Archives Canada. Available: [www.collectionscanada.gc.ca/newbooks/g4-1000-e.html](http://www.collectionscanada.gc.ca/newbooks/g4-1000-e.html).
- NewJour*. Available at <http://gort.ucsd.edu/newjour>.
- New Serial Titles*. 1953–1999. Washington, DC: Library of Congress.
- New Walford Guide to Reference Resources*, edited by Ray Lester. 2005-. 3 vols. London: Facet Publishing. Distributed in the United States by Neal-Schuman.
- New York Public Library. CATNYP. Available: [www.nypl.org](http://www.nypl.org).
- NICEM Film and Video Finder Online. Albuquerque, NM: Access Innovations. Available: [www.nicem.com](http://www.nicem.com).
- Publishers Directory*. Farmington Hills, MI: Gale. Annual. Available online as part of the Gale Directory Library: [www.gale.cengage.com](http://www.gale.cengage.com).
- Publishers, Distributors and Wholesalers of the United States*. 1978-. New Providence, NJ: Bowker. Annual.
- Roorbach, Orville. 1852–1861. *Bibliotheca Americana: 1820–1861*. 4 vols. New York: Roorbach.
- Sabin, Joseph. 1868–1936. *A Dictionary of Books Relating to America from Its Discovery to the Present Time*. 29 vols. New York: Sabin. Also available as *Sabin Americana 1500–1926*. Available: [www.gale.com/digitalcollection/](http://www.gale.com/digitalcollection/).
- Shaw, Ralph R., and Richard H. Shoemaker. 1958–1966. *American Bibliography: A Preliminary Checklist for 1801–1819*. 22 vols. New York: Scarecrow.
- Shoemaker, Richard H. 1964–1971. *A Checklist of American Imprints for 1820–1829*. 10 vols. New York: Scarecrow.
- . 1972–1993. *A Checklist of American Imprints for 1830–1846*. Metuchen, NJ: Scarecrow.
- The Standard Periodical Directory*. 1989-. New York: Oxbridge. Annual. Also available Online as *MediaPinder*: [www.mediafinder.com](http://www.mediafinder.com).
- Ulrich's International Periodicals Directory*. 1932-. New Providence, NJ: Bowker. Annual. Also available online: [www.ulrichsweb.com](http://www.ulrichsweb.com).
- Union List of Serials in the U.S. and Canada before 1950*. 1965. New York: Wilson.
- World Guide to Libraries*. Munich: K. F. Sauer; distributed by Gale.

## Recommendations for Further Reading

- Beaudiquez, Marcelle. 2004. «The Perpetuation of National Bibliographies in the New Virtual Information Environment». *IFLA Journal* 30, no. 1: 24–30. Exa-

- mines whether national bibliographies should be maintained and makes recommendations for what is needed to provide access in an Internet environment.
- DeZelar-Tiedman, Christine. 2008. «The Proportion of NUC Pre-56 Titles Represented in the RLIN and OCLC Databases Compared: A Follow-up to the Beall/Kafadar Study». *College & Research Libraries* 69, no. 5:401-106. A study of the number of NUC pre-56 titles not in RLIN and OCLC databases.
- Kieft, Robert H. 2002. «When Reference Works Are Not Books: The New Edition of the *Guide to Reference Books*». *Reference & User Services Quarterly* 41, no. 4 (Summer): 330-334. A discussion of the development of the new edition of *Guide to Reference Books* that is being edited by Robert H. Kieft.
- Kieft, Robert H. 2008. «The Return of the *Guide to Reference (Books)*». *Reference & User Services Quarterly* 48, no. 4: 4-10. A discussion of this new reference work by the editor.
- Lenhardt, Thomas. 2007. «Constant Change». *Technicalities* 27, no. 4: 5-7. A discussion of change in bibliographic control.
- Liptak, Deborah A. 2007. «Beyond WorldCat: Finding That Elusive Item». *Searcher* 15, no. 8: 24-31. This article lists a wealth of Web sites that can be searched for specific titles including national archives, union catalogs, portals and open access sources.
- Morris, Susan, and Jane Mandelbaum. 2001. «Bibliographic Symposium: Control for the New Millennium». *Library of Congress Information Bulletin* 60, no. 1 (January): 16-18. A report on an LC symposium on bibliographic control. Lists recommendations from this conference.
- Morrisey, Locke J. 2002. «Bibliometric and Bibliographic Analysis in an Era of Electronic Scholarly Communication». *Science & Technology Libraries* 22, no. 3/4: 149-160. Discusses some current issues in relation to the linkage of citations to publications.
- White, Howard D. 2008. «Better Than Brief Tests: Coverage Power Tests of Collection Strengths». *College & Research Libraries* 69, no. 2: 155-174. Discussion of the coverage power tests for evaluating collections in all types of libraries by means of ranked holdings counts from OCLC's WorldCat.

## Bibliography of Works Cited in This Chapter

---

- Balay, Robert. 1996. *Guide to Reference Books*. Chicago: American Library Association.
- Bell, Barbara L. 1998. *An Annotated Guide to Current National Bibliographies*. 2nd ed. Munich: K. G. Saur.
- Gorman, Michael. 2001. «Bibliographic Control or Chaos: An Agenda for National Bibliographic Services in the 21st Century». *IFLA Journal* 27: 307-313.
- Harmon, Robert B. 1989. *Elements of Bibliography: A Simplified Approach*. Rev. ed. Metuchen, NJ: Scarecrow Press.
- Macles, Louise Noelle. 1961. *Bibliography*. Translated by T. C. Hines. New York: Scarecrow Press.
- ODLIS. Online Dictionary for Library and Information Science. Available: <http://lu.com/odlis/index.cfm>.
- Stokes, Roy B. 2003. «Bibliography». In *Encyclopedia of Library and Information Science*, edited by Miriam A. Drake. New York: Marcel Dekker.



**Иккинчи бўлим**

**АСОСИЙ МАЪЛУМОТ МАНБАЛАРИ**





# 4

## Китоблар, журналлар, газеталар, кутубхоналар, ноширлик ва библиографик тармоқлар — библиографик манбалар ҳақидаги саволларга жавоб бериш

---

### Қисқача шарҳ

---

Замон билан ҳамнафас ривожланиб бораётган фан ва техника даврида ҳам библиографик манбалар ўзининг муҳим аҳамиятини йўқотгани йўқ. Улар китоблар, журналлар, газеталар, турли ахборот воситалари (медиа), кутубхоналар ва ноширлик иши тўғрисидаги ахборотни ташкиллаштирилган ва изчил тарзда тақдим этишнинг энг мақбул усулини тақлиф этади. Гарчи бу маълумотларни қисм-қисм кўринишида Интернет тармоғи орқали ҳам топиш мумкин бўлса-да, библиографик асос қўлаб манбалардан олинган маълумотларни солиштириш имконини беради. Мазкур манбалардан яхши хабардор бўлган кутубхоначи яқинда чоп этилган романлардан тортиб, электрон журналлар, фильм ва бошқа медиамаҳсулотлар ҳақидаги ҳар қандай саволга жавоб бера олади. Мазкур турдаги саволларнинг қўпчилиги фойдаланувчилар илгари кўздан кечирган манбалардан олган қўчирмаларни тасдиқлаш ёки ўрганилаётган мавзу бўйича янги манба бор-йўқлигини текшириш зарурати туфайли келиб чиқади. Библиографик манбалар, шунингдек, XVIII аср охирида нашр этилган китоб ёки XIX асрда чоп этилган журналнинг нусхасини топиш, янги нашриётнинг манзилни аниқлаштириш кабиларда асқатиши мумкин. Бундан ташқари, улар фойдаланувчиларга махсус коллекцияли кутубхоналарни топиш ёки тор доирадаги мавзуга ихтисослашган адабиётларни чоп этувчи нашриётларни аниқлашда қўл келади. Мазкур бобда юқорида айтиб ўтилган манбаларга алоқадор саволлар ва уларга жавоб бериш усуллари ёритилган.

Библиографиялар муаллиф, сарлавҳа, мавзу бўйича тартибга солиниши мумкин бўлган китоб ёки бошқа материаллар рўйхатидир. Рўйхатда ҳар бир адабиётнинг муаллифи, номи, таҳрири, чоп этилиш жойи, нашриёт номи ва нашр санаси кўрсатиб ўтилади. Библиография таркибий тузилишининг маълумотлари адабиёт фойдаланилиши мумкин бўлган соҳа ҳақида маълумот бериб, фойдаланиш миқёсини белгилайди. Масалан, библиографик ахборот номини тасдиқлаш, муайян нусханинг жойлашувини аниқлаш, сотувга чиқарилган китобни харид қилиш каби мақсадлардан келиб чиққан ҳолда фарқланиши мумкин. Библиографиялар кенг қамровли, яъни ўз миқёсида барча зарур ахборотни қамраб олувчи ёки танлаб олинadиган кўринишда бў-

лиши мумкин. Айрим библиографиялар замонавий ахборотни ўз ичига олиб, улар мунтазам равишда янгилаб борилади. Бошқалари эса, ортиқ нашр қилинмайдиган адабиётлар рўйхатини жамлаб, муайян асар ёки материалларнинг бирор сана, жойда мавжуд эканини белгилаш учун мўлжалланади. Мазкур турдаги библиографиялар «ретроспектив библиография» деб номланади. Келажакда аксарият библиографиялар электрон форматда тузилиб, уларни яратиш, ичидан маълумот излаш ва янгилаб туриш бирмунча осонлашади.

Албатта, библиография тарихи ўзоқ ва шонли ўтмишга эга. Чоп этиш ускунаси ихтиро қилингунга қадар ҳам инсонлар ёзма материалларнинг рўйхатларини тузиб борган. Эрамиздан аввалги ХVII асрда Оссуриядаги Ниневия шаҳридаги Сенначериб кутубхонасида лойдан ясалган пешта хталар рўйхатлари юритилган (Хэрмон, 1989: 16). Ўн тўртинчи асрда эса Франциск роҳиблари томонидан *Registrum librorum Angliciae* каталоги тузилган бўлиб, унда Англиядаги 180дан зиёд монастырлардаги қўлёзмаларнинг рўйхати кўрсатиб ўтилган (Хэрмон, 1989: 17). Чоп этилган илк библиографиялардан бири 1494 йили Спанхейм шаҳри аббати Иоанн Трихей томонидан тузилган бўлиб, у руҳоний ёзувчиларнинг хронологик тартибидан акс эттирган (Стоукс, 2003).

Тижорат библиографиялари ХV асрда босма машина ихтиро қилинганидан сўнг чоп этила бошланди, жамоатчиликни янги босма маҳсулотлардан бохабар қилишга бўлган эҳтиёж ҳам юксалиб борди. 1545 йилда Конрад Геснер *Bibliotheca Universalis* деб номланган универсал библиографияни нашр этган бўлиб, унда муаллиф исм-фамилияси бўйича ажратилган 12 минг китобнинг рўйхати берилган. 1555 йили мазкур библиографияга *Илова* ҳам нашр этилган, унда яна 3 мингта асарнинг номи келтириб ўтилган (Маклс, 1961). Кутубхоналар ўз коллекцияларининг каталогларини ХVIII асрдан бошлаб чоп эта бошлаган. Улар орасида, жумладан, Лейден (1710), Оксфорд (1738) ва Библиотек Руаяль (1743) кутубхоналари бор.

Олимлар библиографияларда бир жой ёки бир мамлакатда чоп этилган китоблар рўйхатини тузиш, муайян бир мавзуга бағишланган китобларнинг тўлиқ ёки сайланма рўйхатини яратиш ёхуд бир муаллиф томонидан ёзилган асарларни бир жойга жамлаш ниятини кўзлайди. Мазкур библиографиялар кутубхоначи ва олимларга қандай китоблар нашр қилингани ва уларни қаердан топиш мумкинлиги борасида ахборот беради.

## Библиографиялардан қай мақсадда фойдаланилади?

Библиографиялардан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- ахборотни аниқлаш ёки тасдиқлаш;
- материалларнинг жойлашувини аниқлаш;
- коллекция учун материалларни танлаш.

Шунингдек, библиографиядан китоб ёки бошқа турдаги материал учун ахборотни аниқлаш ёки тасдиқлаш мақсадида фойдаланиш ҳам мумкин. Масалан, бир хил номдаги иккита китоб. Шунда муаллиф, китоб номи, нашриёт, нашр санаси ва библиографияда берилган бошқа маълумотлар орқали китобларни бир-биридан фарқлаб олиш мумкин. Китобларнинг сана ёки мамлакат бўйича сараланган рўйхати ёрдамида эса, китобнинг мавжудлигини

тасдиқлаш мумкин. Жумладан, АҚШдаги *Миллий давлат каталоги* китоб ва бошқа материалларнинг борлигини тасдиқлаш ва қаердалигини аниқлаш учун фойдаланилувчи библиографияга мисол бўла олади. Ундан АҚШ Конгресси кутубхонаси ва бошқа кутубхоналарда сақланувчи материаллар ўрин олган. Библиографиялар, шунингдек, коллекцияни бойитиш мақсадида ҳам ишлатилиши мумкин бўлиб, улардан янги ёки маълум соҳага бағишланган, аммо нашрдан тўхтаган асарлар ҳақида маълумот олиш мумкин. Муайян соҳага бағишланган адабиётлар тўпламини шакллантираётган кутубхоналар учун библиографиялар, айниқса, фойдалидир.

## Библиографиялар ёрдамида жавоб топилувчи саволлар

**Савол:** «Шифокорлар қандай ўйлайди?» китобининг муаллифини қаердан топсам бўлади?

**Жавоб:** Агар китоб нашр этилган бўлса, жавобни «*Нашрдан чиққан китоблар*» бўлимидан топиш мумкин. Акс ҳолда уни кутубхона каталогидан ёки Интернет тармоғидаги *WorldCat.org* сайтидан топиш мумкин.

**Савол:** «*Маълумот бериш ва фойдаланувчиларга кўмаклашиш хизмати*» даврий нашри қайси каталогда жойлашган?

**Жавоб:** Ушбу маълумот «*Ульрихнинг халқаро даврий нашриётлар ахборотномаси*» каби даврий нашриётлар ахборотномасидан ўрин олган.

**Савол:** Қайси нашриётлар менинг вегетарианлик ҳақидаги янги ғояларга бағишланган китобимни чоп этишга қизиқиш билдириш эҳтимоли юқори?

**Жавоб:** Мазкур мавзуга бағишланган маълумот LMP ахборотномасида бор бўлиб, унда нашриётлар ва улар ихтисослашувчи соҳалар тўғрисидаги маълумотлар жамланган.

**Савол:** Огайонинг Янгстаун шаҳрида илмий кутубхона борми?

**Жавоб:** Маълумотни АҚШ кутубхоналари ахборотномасидан олиш мумкин.

**Савол:** АҚШдаги қайси нашриёт адабиёт йўналиши бўйича Нобель мукофоти ғолибларининг рўйхатини чоп этган?

**Жавоб:** Жавобни Интернет тармоғидаги *BooksInPrint.com* сайтидан олиш мумкин.

## Маълумот бериш хизматида фойдаланилувчи энг йирик библиографик манбалар

### Миллий каталог ва библиографиялар

Миллий библиографиялар муайян мамлакатда нашр этилган материаллар рўйхатидан иборат бўлиб, кўпинча уларга расмий сақлаш орқали олинган материаллар ҳам киритилади. Рўйхатга қўшилган ҳар бир китоб ёки бошқа

материал ўрганилган ва тегишли тартибда каталоглаштирилгани боис, библиографиядаги маълумотлар юқори даражада ишончли ҳисобланади. Миллий библиографиялар орқали қуйидаги саволларга жавоб топиш мумкин: Китобнинг муаллифи ким? Қайси китоб муайян соҳага бағишланган? Муайян номли китоб кимга тегишли?

### Америка Қўшма Штатлари

АҚШда барча нашрларни ўз ичига олган кутубхона бўлмаса-да, Конгресс кутубхонаси миллий кутубхона вазифасини ўтайди, десак муболаға бўлмайди. АҚШда барча нашр этилувчи материаллар миллий ахборот муассасаси (қўшпича, миллий кутубхона)да сақланишини кўзда тутувчи талаб йўқ. Шундай бўлса-да, 1978 йилдан бошлаб АҚШда чоп этилган ва муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган ҳар бир босма материал Конгресс кутубхонасининг Муаллифлик ҳуқуқи бўлимида сақланиши тўғрисидаги қоида қабул қилинган. Шу ўринда айтиш жоизки, «бўлимда сақланаётган ҳамма асарлар ҳам Конгресс кутубхонаси коллекциясига киритилмайди» (Балай, 1996:48). Шунинг учун ҳам АҚШда чоп этилган барча нашрларни бир жойдан топишнинг имкони йўқ.

### Миллий давлат каталоги (МДК)

Миллий давлат каталоги 1901 йил Конгресс кутубхонасининг картали каталоги сифатида яратилган. 1942 йилда нашр этилган асар муаллифларининг илк каталоги яратилган бўлиб, унга 1898–1942 йилларни ўз ичига олган ва Конгресс кутубхонаси ҳамда бошқа кутубхоналарда мавжуд бўлган адабиётлар киритилган. 1956 йилга келиб МДК ўзининг Китобли каталогига бошқа кутубхоналарнинг коллекциялари ҳақидаги маълумотларни ҳам қўшган. 1968 йилдан 1981 йилга қадар 1956 йилдан аввалги картали каталоглар «Миллий давлат каталоги. 1956 йилдан аввалги нашрлар» номи билан чоп этилган бўлиб, унда муаллиф ёки кириш қисмидаги маълумотлар тақдим этилган. Мазкур каталог ҳам босма, ҳам микрофильм («REMARС records» деб номланган) кўринишда чоп қилинган. Бугунги кунда МДКдан Конгресс кутубхонаси сайтида catalog.loc.gov манзилида бепул фойдаланиш мумкин (унга Конгресс кутубхонаси томонидан каталоглаштирилган китоблар кирган, холос). Шунингдек, МДКдан пулли равишда OCLC номли библиографик тармоқ орқали ҳам фойдаланиш мумкин бўлиб, МДКга китоблар, хариталар, мусиқа асарлари, кўп серияли фильмлар, визуал материаллар ҳамда кўплаб бошқа материаллар киритилган. Конгресс кутубхонасининг коллекцияси 139 миллион донна буюмни ташкил қилиб, шундан 21 миллион донна китоб, 61 миллион донна қўлёзма, 13 миллион донна фотосурат, 5 миллион донна харита, 5,5 миллион донна мусиқа ноталари ва 1,2 миллион донна ҳаракатланувчи суратлардан (кинофильм) иборат.

МДК, шунингдек, ретроспектив библиографик ахборотнинг яхши манбаси ҳисобланиб, бирон-бир муаллиф асарининг аввалги таҳрирдаги асарларидаги ахборотни тасдиқлаш ва муайян асарнинг мавжудлигини текшириш учун ҳам қўл келади.

Гарчи МДКдаги аксарият маълумотни WorldCat сайтидан ҳам топиш мумкин бўлса-да, айрим библиографик ахборот фақатгина МДКда мавжуд.

Кутубхона каталогларидан онлайн тарзда фойдаланиш имконияти китоблар, журналлар, газеталар, қўлёзмалар, хариталар, аудиовизуал материаллар ва бошқа манбаларни топишни сезиларли даражада осонлаштиради. Каталогга қўшимча равишда Конгресс кутубхонаси ўз веб-сайтида бошқа онлайн кутубхона каталогларининг каттагина рўйхатини ҳам жойлаштирган. Нью-Йорк жамоат кутубхонасининг онлайн каталоги CATNYP, деб номланиб, у билан [www.nypl.org](http://www.nypl.org) манзилида танишиш мумкин.

Маълумки, каталог рўйхатларига ҳар хил кутубхоналарнинг маълумотлари қўшилса, у давлат миқёсидаги каталог мақомини олади. Шу боис ҳам кўпгина кутубхона консорциумлари ўз фойдаланувчилари кутубхона материалларини осон ва тезроқ топиши учун давлат миқёсидаги каталогларни яратди. Масалан, Массачусетсдаги Беш коллеж консорциуми (Амхерст, Хэмпшир, Маунт Холиоок, Смит коллежлари ҳамда Массачусетс университети) давлат миқёсидаги онлайн каталогларини яратган бўлиб, у <http://fcaw.library.umass.edu.8991/F/> манзилида жойлашган. Халқаро миқёсда WorldCat хизмати бутун дунё кутубхоналаридаги материаллар ҳақидаги маълумотни жамлаган бўлиб, у орқали фойдаланувчилар ўзларига яқин жойлашган кутубхоналарда қандай материаллар борлигини билиб олиши мумкин. Яқиндан бошлаб WorldCat хизматидан мобил телефон орқали ҳам фойдаланиш имконияти яратилди.

WorldCatнинг жамоатчилик учун мўлжалланган тури WorldCat.org, деб номланиб, уни Google орқали топиш ва [www.worldcat.org](http://www.worldcat.org) манзилида фойдаланиш мумкин.

## Буюк Британия

Ушбу мамлакатда *Британия Миллий библиографияси (БМБ)*, деб номланган библиографик нашриёт бўлиб, 1950 йилдан буён Британия ҳудудида чоп этилган босма ва электрон нашрлар ҳақидаги сараланган маълумотларни тақдим этади. БМБ мамлакатдаги босма маҳсулотлар ҳақидаги ягона ва энг кенг қамровли манба ҳисобланади. Британия ва Ирландия нашриётлари ўзлари томонидан чоп этилган барча янги нашр ва асарларнинг нусхасини БМБга юборишга мажбур. БМБ ҳафталик MARC алмашинув файли, ҳафталик босма нашр ҳамда ойлик CD-ROM диски сифатида нашр этилади. ([www.bl.uk/reshelp/atyourdesk/docsupply/productsservices/bnb/index.html](http://www.bl.uk/reshelp/atyourdesk/docsupply/productsservices/bnb/index.html))

1975 йилгача чоп этилган китобларнинг умумий каталоги ҳамда 1998 йилгача бўлган қўшимча нашрлар босма ҳолда мамлакат депозитарийсида жойлаштирилган. Мазкур каталог бугунги кунда Британия кутубхонасининг интеграллашган каталогини қисми бўлиб, жаҳонга машҳур кутубхонанинг коллекциясидан фойдаланиш имконини беради (<http://catalogue.bl.uk>).

## Канада

Канада кутубхона ва архивларининг (ККА) AMICUS, деб номланган онлайн каталоги мавжуд бўлиб, унда мамлакатдаги 1300та кутубхонанинг тўпламларидаги асарлар ҳақидаги маълумотлар йиғилган. 1998 йилдан бошлаб AMICUS

орқали, шунингдек, Канада миллий библиографияси — *Canadiana*дан бепул фойдаланиш имконияти яратилган. *Canadiana*да Канада ёки бошқа мамлакатда чоп этилган ва бевосита ушбу мамлакатга алоқадор бўлган кенг қўламдаги нашрларнинг рўйхати ва қисқача шарҳи мавжуд ([www.collectionscanada.gc.ca/canadiana/index-e.html](http://www.collectionscanada.gc.ca/canadiana/index-e.html)). Нашрлар орасида китоблар, даврий нашрлар, овозли ва видео тасмалар, ҳукумат ҳужжатлари ҳамда электрон ҳужжатлар мавжуд. *Canadiana*га киритилган ҳар бир нашр бўйича стандарт каталог маълумотлари берилади. Шунингдек, Канадада New Book Service хизмати ҳам бўлиб, унда инглиз ва француз тилларида нашрга энди тайёрланаётган китоблар ҳақидаги ахборот ҳавола этилади ([www.collectionscanada.gc.ca/newbooks/index-e.html](http://www.collectionscanada.gc.ca/newbooks/index-e.html)).

## Тижорат библиографиялари

Тижорат библиографиялари, одатда, нашриёт ёки китоб сотувчилари томонидан чоп этилиб, уларда қайси китоб нашр қилинаётгани ва қайси бири чоп этилгани ҳақидаги маълумотлар жамланади. Тижорат библиографияларининг асосий мақсади — нима харид қилиш мумкинлиги ҳақида маълумот беришдан иборат. Бундай библиографияларга киритилган асарлар нашриёт томонидан етказиб берилади. Шу боис библиографияда асар ҳақидаги маълумотлар, жумладан, китоб нархи, нашриёт ва китобнинг стандарт халқаро рақамидан (ISBN) иборат бўлади. ISBN ҳар бир китобга алоҳида рақам бериш тизими бўлиб, рақам мамлакат коди, нашриётни номини аниқловчи белги ва нazorат рақамидан иборат. Айтиш жоизки, бу тижорат каталогига киритиладиган материаллар маълумотни умумлаштирувчи нашриёт томонидан ўрганилмайди.

Тижорат библиографиялари, шунингдек, «Бу китоб ҳали ҳам нашр қилинмоқдами?», «Муайян муаллифнинг қайси асарлари ҳали ҳам чоп этиляптими?», «Муайян мавзуга багишланган қайси китоб ҳали ҳам босмадан чиқарилмоқда?» каби саволларда қўл келади.

*Books in Print (Нашрдаги китоблар)* Шимолий Америкада нашр этилган ёки тарқатилган китоблар, аудиокитоблар ҳамда видеоматериаллар ҳақидаги йиллик тижорат библиографиясидир. *Books in Print*ни онлайн тарзда Bowker сайти ва бошқа онлайн дўконлари орқали харид қилиш мумкин. *Books in Printing* онлайн кўриниши нашр жараёнида бўлган, нашрдан чиққан ва энди нашр қилинувчи асарлар ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда, бадий ва нобадий асарлар бўйича маслаҳат сайтлари бўлган Fiction Connection ҳамда Non-Fiction Collectionдан фойдаланиш имконини беради. GlobalBooksInPrint.com сайтида 16 миллион номда инглиз ва испан тилларида 44 мамлакатда нашр этилган китоблар рўйхати жамланган. Бу АҚШдан ташқарида чоп этилган нашрларни ўз тўпламига қўшиш ниятида бўлган кутубхоналар учун ниҳоятда фойдали сайтдир.

## АҚШ ретроспектив библиографиялари

АҚШ ретроспектив библиографиялари йиллар давомида чоп этилган библиография тўпламларидан иборат бўлиб, мазкур библиографиялар ХХ асрдан илгари чоп этилган китобларнинг мавжудлиги ва қаерда жойлашганини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. АҚШ тарихи, ўтган асрлар муаллиф ва олимлари ҳа-

қида тадқиқот олиб бораётган мутахассислар учун ретроспектив библиографияларайниқса фойдали. Чарльз Эванс исмли кутубхоначи «Америка библиографияси: АҚШда 1639 йилдан то 1800 йилгача бўлган давр ичида нашр этилган барча китоблар, памфлетлар ва даврий нашрларнинг хронологик лугати»ни яратган. Мазкур нашрга таъриф бериб, Роберт Балай шундай ёзади: «Бошланғич давр Америкасида яратилган асарларнинг энг муҳим рўйхати... У (нашр) ўз ичига китоблар, памфлетлар ва даврий нашрлар ҳақидаги маълумотларни олган бўлиб, улар хронологик тартибда нашр санаси бўйича сараланган. Унда (нашрда) ҳар бир китоб муаллифининг тўлиқ исми, туғилган ва оламдан ўтган санаси, асарнинг тўлиқ номи, нашр жойи, санаси ва нашриёт ёки ноширнинг номи, арақлар сони, нашр ўлчами ва маълум бўлган тақдирда асар нусхалари АҚШнинг қайси кутубхонасида жойлашгани ҳақидаги маълумотлар берилган» (Балай, 1996: 45). Ҳар бир жилда муаллиф, мавзу, нашриёт ёки нашр ҳақидаги кўрсаткичлар берилган. Бутун коллекциянинг муаллиф-ном кўринишидаги кўрсаткичи 1959 йилда чоп этилган. Ҳозирги кунда у рўйхатга киритилган барча материалларнинг тўлиқ кўринишини ўз ичига олган «Бошланғич давр Америкасидаги нашрлар, Биринчи Тўплам, Эванс (1639–1800)» номи билан фойдаланиш учун электрон форматда яратилган.

Ральф Р.Шоу ва Ричард Х.Шумейкер Эванс библиографиясини давом эттириб, «Америка библиографияси: 1801–1819 йиллар учун дастлабки рўйхат» библиографиясини яратган. Нашр Эванс даврининг якуни ва Рурбах даврининг боши бўлган 1820 йилларни қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Шоу ва Шумейкер ўз асари ичига кутубхоналарнинг жойлашуви ҳақидаги маълумотларни ҳам киритган. Кейинчалик Ричард Х.Шумейкер томонидан «Америка библиографияси: 1820–1829 йиллардаги нашрлар рўйхати» ҳамда «Америка библиографияси: 1830–1846 йиллардаги нашрлар рўйхати», деб номланган библиографиялар яратилган. Улар айна пайтда фойдаланиш учун микроформа ҳамда онлайн усулларида ҳам мавжуд.

Орвиль Рурбах исмли китоб сотувчиси «Америка библиография каталоги: 1820–1861 йиллар», деб номланган каталогни чоп этган. Мазкур библиография «АҚШ нашрлари, жумладан, қайта нашр бўлган асарларни ўз ичига олган тижорат каталоги» сифатида китоб сотувчилари учун мўлжалланган (Балай, 1996:46). Нашрнинг тўртта жилди алфавит тартибида тузилган бўлиб, унда муаллиф, асар номи, нашриёт ёки ношир ва айрим ҳолларда нашр санаси каби маълумотлар келтириб ўтилган. «Америка библиография каталоги: 1820–1861 йиллар» етарли даражада мукамал эмаслиги ва ундаги айрим маълумотларнинг ноаниқлигига қарамай, ўша йиллардаги нашрлар ҳақида маълумот берувчи ягона манба ҳисобланади. Жеймс Келли «Америка китоблар каталоги... 1861 йил январидан 1871 йил январига» каталогига Рурбах тугатган даврдан бошлайди. Мазкур библиография ҳам тижорат библиографияси бўлиб, тузилиши ва маълумот бериш тизими бўйича Рурбахнинг библиографиясига ўхшаб кетади (Балай, 1996: 6). У ҳам алфавит тартибида муаллиф ва асар номи бўйича тузилган.

Жозеф Сабиннинг «Америка очилганидан ҳозирги кунга қадар бўлган китоблар рўйхати» библиографиясида ғарбий яримшарда ва бошқа жойларда нашр қилинган ҳамда Америкага алоқадор бўлган китоб, памфлет, даврий нашрлар ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилган. 1936 йилда нашр этилган библиография бошқа муаллифлар томонида низоҳасига етказил-

ган. Муаллифларнинг исм-фамилияси бўйича тузилган библиографияга ҳар бир асарнинг номи, нашр этилган жойи, ношир, нашр санаси, формати, ва рақлар сони ва кўпинча мазмуни ҳақидаги маълумотлар киритилган (Балай, 1996: 45). 1974 йили Жон Эдгар Молнар Жозеф Сабиннинг «Америка очилганидан ҳозирги кунга қадар бўлган китоблар рўйхати» библиографиясига муаллиф-ном кўринишидаги кўрсаткич каталогни чоп этган. Ҳозирги кунда Жозеф Сабиннинг асари «*Sabin Americana 1500–1926*» номи билан электрон форматда кутубхона фойдаланувчилари эътиборига ҳавола қилинмоқда.

*Американинг 1876–1949 ва 1950–1977 йилларда чоп этилган китоблари умумий рўйхати* нашрлари Bowker компаниясининг илк наشري бўлиб, Дьюининг рақамлар тизими асосида китоб муаллифи ва номи бўйича ташкиллаштирилган. Шунингдек, унда бадий ҳамда болаларга бағишланган китобларнинг алоҳида жилдлари ҳам бор. Мазкур библиографияларда айнан мана шу даврда чоп этилган китоблар ҳақидаги маълумотлар тақдим қилинган.

«Америка китоблар каталоги 1876–1910» ҳам миллий, ҳам тижорат библиографияси сифатида чоп этилган. Нашрнинг биринчи жилдида китоблар рўйхати муаллиф ва ном бўйича, иккинчи жилдида эса мавзу бўйича бериш анъанага айланган. «Мазкур нашр, баъзи истиснолар билан АҚШда чоп этилган ва сотувга чиқарилган барча китоблар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган» (Балай, 1996:46).

*Америка Қўшма Штатлари каталоги* Х. В. Уилсон томонидан чоп этилган рўйхат бўлиб, унга 1899–1927 йиллар оралиғида нашр этилган асарлар ҳақидаги маълумотлар киритилган. Шундан сўнг «*Китобларнинг йиғма кўрсаткичи*» чоп этилган, у «*Инглиз тилида чоп этилган умумжаҳон китоблар рўйхати*», деган тагсарлавҳа остида эълон қилинган. Макур библиографияда 1928–1999 йилларда чоп этилган китоблар ҳақидаги маълумотлар жамланган. Нашрнинг ҳар бир жилдида кўрсатилган даврда дунёнинг ҳар қандай мамлакатада инглиз тилида чоп этилган китоблар рўйхати берилган. Муаллифлар, номлар ва мавзулар алфавит тартибиде кўрсатиб ўтилган.

## Даврий нашрлар ва газеталар

Кутубхоналарга журнал ва газеталар ҳақида кўплаб саволлар келиб тушади. Масалан, фойдаланувчи муайян бир журнал қаерда чоп этилиши, қаерда каталог қилиниши, обуна нархи, журналнинг чиқа бошлаган даври, журнал ёки газета саҳифасида реклама жойлаштириш баҳоси билан боғлиқ саволлар келиб тушади.

*Ульрихнинг халқаро даврий нашрлар каталоги* замонавий маҳаллий ва халқаро журнал-газеталар ҳақида маълумот берувчи асосий манбалардан биридир. Унда 201 минг номдаги маҳаллий ва хорижий нашрлар, жумладан, журнал, газета ва онлайн коллекциялар ҳақидаги маълумотлар жамланган.

Ульрих каталогиде ҳар бир нашр ҳақидаги библиографик маълумот, яъни нашр манзили, обуна ахбороти, нашрнинг қисқача шарҳи, нашрнинг онлайн манзили, нашр тарихи ва халқаро стандарт серия рақами (ISSN) берилган. ISSN худди ISBN каби бир хил номли асарларни бир-биридан ажратиш имконини беради. Нашрдан, шунингдек, онлайн маълумот базаларининг рўйхати ҳам ўрин олган. Нашрнинг босма кўриниши тўрт жилддан иборат бўлиб,



ундаги асарлар мавзу бўйича сараланган. Онлайн кўринишдаги Библиография Ulrichsweb.com манзилида жойлашган бўлиб, унда 300 мингдан зиёд асар ҳақидаги маълумотлар жамланган.

«Кутубхоналар учун журналлар»нинг 16 нашри даврий нашрларга бағишланган маслаҳатлар манбаидир. Мавзу бўйича ажратилган нашрда ҳар бир журналга таъриф берилиб, у баҳоланади ва қайси кутубхоналар уни харид қилишга қизиқиш билдириши мумкинлиги бўйича маслаҳатлар берилади. Нашрда 6850та журнал ва маълумот базалари бўйича маълумот бор. Ном ва мавзу бўйича кўрсатмалар ҳам мавжуд. «Кутубхоналар учун журналлар» билан Ulrichsweb.comда ҳам танишиш мумкин.

Гарч Ульрихнинг нашри кутубхоначилар учун газета ва журнал тўғрисидаги маълумотнинг энг оммабоп манбаи ҳисобланса-да, бошқа директориялар ҳам шунга ўхшаш маълумотларни тақдим этади ёки уни тўлдиради. *Даврий нашрлар стандарт директорийси* бироз кичикроқ директория бўлиб, унда АҚШ ва Канадада чоп этилувчи 60 мингдан зиёд газета ва журнал рўйхати берилган. У йилда бир марта чоп этилиб, унда бошқа директорийда учрамайдиган компания ва тижорат нашрлари ҳақидаги маълумотлар ҳам жойлаштирилиши аҳамиятга молик. Нашрнинг онлайн кўриниши Media Finder, деб аталади.

Электрон журналлар сони ошиб боргани сайин фойдаланувчи ҳамда кутубхоналар қайси журналлардан электрон форматда фойдаланиш мумкинлиги, уларнинг обуна нархи ҳамда тўлиқ матни маълумотлар базаларига киритилганини билишни истайди. *Гейлнинг маълумот базалари хабарномаси* да маълумот базаларининг рўйхати, CD-ROMлар, маълумот базалари ишлаб чиқарувчилари ҳамда онлайн хизматлар ҳам босма, ҳам онлайн кўринишда мавжудлиги таъминланган. Маълумот бериш иши ахборот базаларидаги энг сўнги маълумотлар ҳамда маълумот базалар маҳсулотларини бирлаштиради. Масалан, кутубхоначи Н.W.Wilson ёки EBSCO компанияларидан қандай турдаги маълумот базалари мавжуд эканини билиб олиши мумкин. Шунингдек, кутубхоначи маълумот базаси ишлаб чиқарувчи ходим билан қандай боғланиш мумкинлигини ҳам аниқлаб олади. Бир қатор нашрлар эса кутубхоначилар ва фойдаланувчиларга электрон кўринишда мавжуд бўлган журналлар ҳақидаги маълумотларни саралаб олиш имконини беради. Жумладан, NewJour (<http://library.georgetown.edu/newjour/>) нашри электрон кўринишда мавжуд бўлган барча газета ва журналларнинг бепул рўйхатини тақдим этади.

Рўйхат фойдаланувчилари унга қўшиш учун янги номларни юбориши ҳам мумкин. Мэри Б.Глоуз, Тина Д.Куррадо ҳамда Трейси Эллиот томонидан таҳрир қилинган *Fulltext Sources Online (FSO)* ҳам «Интернет тармоғидати маълумотларни тўплаб бирлаштирувчи энг йирик 29 та компаниядан олинувчи тўлиқ матни онлайн кўринишда мавжуд бўлган нашрлар маълумотномаси». *FSO*, шунингдек, йилига икки марта нашр этиладиган *Босма кўринишда ҳам мавжуд. Эркин фойдаланиш мумкин бўлган журналлар гуллаб-яшнаётган бир пайтда «Эркин фойдаланиш мумкин бўлган журналлар маълумотномаси»* 3700дан зиёд бепул, тўлиқ матнли барча мавзуларга бағишланган ва барча тиллардаги илмий журналлар рўйхатини тақдиф этиб, уларнинг 1300 тасида мақолаларни излаш имконият ҳам мавжуд ([www.doaj.org](http://www.doaj.org)). *Гейлнинг нашрлар маълумотномаси* ва *Broadcast Media* ҳам онлайн, ҳам босма нашр бўлиб, уларда даврий нашрлар, газеталар, радио, телевиде-

ние ҳамда кабель телевидениеси орқали узагилувчи эшиттириш ва ва кўрсатувлар рўйхати берилади. Маълумотномаларда обуна нархлари, адад, етакчи ходимлар ҳамда реклама нархлари ҳам акс этади. Маълумотнома географик жойлашув бўйича тузилган бўлиб, журналлар, газеталар, радио ва телевидение учун шахарлар бўйлаб тақсимланган тагбўлимлар мавжуд.

## Чоп этилмаган материаллар

Чоп этилмаган *китоблар*нинг босма шакли мавжуд эмас. DVV, CD, видео ва аудио тасмаларни топиб, уларга буюртма бермоқчи бўлган кутубхоначилар ўзларига керак маълумотларни топиш учун кўплаб манбаларни кўздан кечириб чиқишларига тўғри келади. *Video Source Book* кенг кўламли видео маҳсулотлар, хусусан, болалар учун мўлжалланган фильмлардан тўртиб, то хужжатли ва бадиий фильмлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган. Маҳсулотлар алифбо тартибида сараланган бўлиб, рўйхатдан, шунингдек, маҳсулотнинг деталлашган таърифи ҳам ўрин олган. Рўйхатда видеоматериал мавзуси, мукофотлар ва тарқатувчилар ҳақидаги маълумотлар киритилган кўрсаткич ҳам бор. Internet Movie Database (IMDB.com) ҳозир Amazon.comга тегишли бўлиб, 1990 йилларда ташкил этилган бадиий фильмларнинг йирик онлайн маълумот базаси ҳисобланади. Унда ҳар бир фильмнинг режиссёри, сценаристи, қаҳрамонлари, давомийлиги ва томошабинларнинг фикрлари берилади. Шунингдек, фильмнинг АҚШ, Канада, Буюк Британия ва Германияда мавжуд бўлган форматлари (VHS, DVD) ҳақидаги маълумотлар ҳам кўрсатиб ўтилади.

Таълим, хужжатли ва мустақил равишда яратилган видеомаҳсулотлар рўйхати NICEC Film and Video Finder Online сайтида бор бўлиб, ундаги маълумотлардан обуна воситасида фойдаланиш мумкин. Нашрнинг босма ҳолдаги кўриниши ҳам мавжуд. Мазкур маълумот базасига 660 минг номдаги видеомаҳсулот киритилган бўлиб, улар орасида турли ҳажмдаги ва барча ёшдаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган медиа маҳсулотлар тўпланган. Маълумот базасига киритилган маҳсулотларни буюртма қилиш ҳамда MARC стандарти ҳақидаги ахборотни олиш имкони ҳам бор. Bowker's Complete Video Directory маълумотномасига 250 минг номдаги видеомаҳсулот киритилган бўлиб, нашр тўрт жилддан иборат. Унда видеомаҳсулотни топиш учун керак бўлган барча асосий ахборот тақдим этилган. Маълумотномага VHS формати билан бир қаторда, Beta, ¾, U-Matic, 8mm ва лазер диск форматидаги маҳсулотлар киритилган. Унда таълим, тор соҳага мўлжалланган ва кўнгилочар видеомаҳсулотлар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Books Out Loud: Bowker's Guide to Audiobooks (аввалги Words on Cassette) нашри аудиокитоблар, кассета ва CDлар ҳақидаги маълумотни тақлиф этади. Нашрдан, шунингдек, кассета мазмуни ҳақида қисқача маълумот ҳамда мўаллиф (сундон) ёки ижрочи тўғрисидаги маълумотнома ҳам ўрин олган.

## Библиографиялар библиографиялари

Теодор Бетерманнинг *A World Bibliography of Bibliographies* («Библиографияларнинг жаҳон библиографияси») асари ретроспектив библиография бўлиб, у мавзу бўйича чоп этилган ва тартибга солинган. Нашрда 1963 йилгача чоп этилган

библиографиялар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Дунёнинг 40 тилида chop этилган 115 мингдан зиёд библиографияларнинг рўйхати кўрсатиб ўтилган. Элис Ф.Томми томонидан асарнинг қўшимча жилди chop этилган бўлиб, унга 1964–1974 йилларда босмадан чиққан библиографиялар тўғрисидаги маълумотлар киритилган. Бу даврдан кейинги йилларда chop этилган библиографиялар рўйхати «Bibliographic Index Plus» онлайн нашрида тупланган бўлиб, унда алоҳида нашр этилган ёки китоблар, памфлетлар ва даврий нашрлардаги библиографиялар ҳам кўрсатиб ўтилган. Нашрда 2800 та даврий нашр каталогланган бўлиб, маълумотлар 1700 та журналдан олинган. Нашр ҳам онлайн, ҳам босма кўринишда *Bibliographic Index* номи билан chop этилади.

## Кутубхоналарда топилган манбаларни chop этиш

Маълумки, кутубхоналар тўғрисидаги саволлар ҳам, жамоатчилик ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам аксарият ҳолларда кутубхона ходимларининг ўзларидан келиб тушади. Кутубхона фойдаланувчилари кўпинча нашриёт, унинг манзили ва унда қайси турдаги материаллар chop этилиши тўғрисидаги ахборотни олишни истайди. Кўпинча улар ўзлари ёзишни режалаштириб юрган китобни chop этишга рози бўладиган нашриётни қидириб юради. Publishers, Distributors and Wholesalers of the United States («АҚШ нашриётлари, дистрибьюторлари ва улгуржи сотувчилари») нашри ҳам онлайн, ҳам босма кўринишда мавжуд. Нашриётлар рўйхати анчагина катта бўлиб, унга кичкина нашриётлар ҳамда аудио-визуал маҳсулотлар нашр қилувчилари ҳақидаги маълумотлар ҳам кирган. Ҳар йили янгилаб бориладиган рўйхатда алифбо тартибида нашриётлар, дистрибьюторлар ва улгуржи савдо компаниялари ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилади. 140600 номни ўзида жамлаган нашр фойдаланувчиларга уларнинг фаолият соҳаси, савдо маълумотлари ва компанияларнинг филиаллари тўғрисидаги маълумотларни топиш имконини беради.

*The American Book Trade Directory* («Америка китоб савдоси маълумотномаси») нашрига АҚШда 25 мингдан зиёд чакана ва ноёб китоб сотувчилари, китобларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи компаниялар рўйхати киритилган. Кутубхоначилар мазкур нашрдан муайян мавзуга ихтисослашган мутахассислар, ноёб китобларни тарқатиш билан шуғулланувчилар, ихтисослашган материаллар, жумладан, бошқа тилдаги китоблар чакана савдоси билан шуғулланувчи дўконлар ва кутубхона коллекцияси нархловчилари ҳақидаги маълумотларни топишлари мумкин.

*Publishers Directory* («Нашриётлар маълумотномаси») нашрига АҚШ ва Канададаги 30 мингдан зиёд нашр, дистрибьюторлар ва улгуржи савдо билан шуғулланувчи компанияларнинг маълумотлари, етакчи ходимлари ва нашр этилувчи номлар сони ҳақидаги маълумотлар кирган. «*Gale Directory Library*» электрон нашрнинг бир қисми сифатида электрон кўринишда ҳам мавжуд.

*The Library and Book Trade Almanac* («Кутубхоначилик ва китоб савдоси альманахи») босма нашр бўлиб, унда миллий ва халқаро кутубхоналар, китоб савдосидаги тенденциялар, воқеалар тўғрисидаги маълумотлар ва янгиликлар берилган. Нашрга, шунингдек, муайян мавзуга бўйича chop этилган китоблар сонидан тортиб, китобларнинг ўртача нархи тўғрисидаги статистик маълумотлар ҳам киритилган.

*Library Market Place* («Кутубхона бозори») китоб нашр қилиш соҳаси бўйича маълумотнома ҳисобланади. Ҳар йили чоп этиладиган мазкур нашр нашриёт ишининг ҳар бир қирраси, жумладан, нашриёт уйлари, улар томонидан чоп этилаётган маҳсулот, етакчи ходимлар, бадий агентлар, таржимонлар, китоб ярмаркалари, босмаҳоналар ва ишлаб чиқарувчилар ҳақидаги маълумотларни тақлиф этади. Нашр муаллифлар ва нашриёт соҳасида фаолият юритаётган бошқа мутахассислар учун ҳам ниҳоятда фойдали манбадир.

*American Library Directory* («Америка кутубхоналари маълумотномаси») онлайн ва босма кўринишда чиқувчи йиллик нашр бўлиб, барча штат ва шаҳардаги ҳар бир кутубхона, махсус тўпламлар ва кутубхоналарнинг етакчи ходимлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган.

*World Guide to Libraries* («Дунё кутубхоналари маълумотномаси») 130 мамлакатдаги 630та муассаса ҳақидаги маълумотни қамраб олган. Рўйхат қитъа, мамлакат ва кутубхона тури бўйича тузилган. Ҳар бир кутубхона бўйича унинг манзили, телефон рақами, факс рақами, электрон почта манзили, кутубхона коллекцияси ва статистик маълумотлар ҳавола этилган.

*Directory of Special Libraries and Information Centers* («Махсус кутубхоналар ва ахборот марказлари маълумотномаси») ҳам босма, ҳам онлайн кўринишдаги нашр бўлиб, унда минглаб махсус кутубхоналар ва ахборот марказлари тўғрисидаги маълумот жамланган. Нашрнинг биринчи жилдида махсус мавзуга ихтисослашган манбалар тўпламлари бизнес, таълим, нодавлат ташкилотлар, ҳукумат ва ҳоказо йўналишлар бўйича ажратиб чиқилган. Нашрга Шимолий Америкадаги ўхшаш муассасалар ҳақидаги маълумотлар ҳам кирган. Иккинчи жилдда географик ва ходимлар каталоглари берилган.

## Библиографик назорат

Библиографик назорат, бу — библиографик тавсифни стандартлаштириш, материални ягона каталог коди, синфлаш тизимлари, муаллиф ва асарлар номлари ёрдамида топиш, каталогларни яратиш ва юритиш, касаба уюшмалари рўйхатлари, ёрдам бериш манбаларини топиш, коллекциядаги материаллардан фойдаланиш имконини бериш тизими (ODLIS).

Библиографик назорат ўз вазифасини муаллиф, асар номи ва мавзуси бўйича ташкиллаштириш орқали бажаради. Бундан мақсад — аввал манбанинг ўзини топиб олиш; шундан кейин унинг қаерда ва ундан қандай қилиб фойдаланиш мумкинлигини аниқлаш. Библиографик назоратнинг энг яхши мисоли карталар ёки онлайн кўринишда бўлган кутубхона каталогидир. Ҳар бир манбани каталоглаш уни турли усуллар билан топиш имконини беради. Каталоглаш, шунингдек, изчилликни ҳам таъминлаб, ҳар бир манбани каталоглаш пайтида муаллиф исми, асар номи, мавзуларини ақс эттирувчи ягона шакл ишлатилади.

Библиографик назоратни халқаро даражада амалга ошириш имконини берадиган элемент мавжуд бўлиб, улар «Машина воситасида ўқилувчи каталоглаш (Machine Readable Cataloging — MARC) қайдлари», «Халқаро стандарт библиографик тавсиф» (International Standard Bibliographic Description — ISBD) ҳамда «Англо-Америка каталоглаш қоидалари» (Anglo-American Cataloguing Rules — AACR2) деб номланади (Горман, 2001).

MARC қайдлари 1968 йилда АҚШ Конгресси кутубхонаси томонидан амалга киритилган бўлиб, ўшандан буён ишлатиб келинади. «MARC — каталоглаш жараёни натижаларини кодлаштириш усули» (Горман, 2001: 3). MARC қайдларининг тузилиши ҳар бир каталогланган маълумот форматини стандартлаштириш имконини берди. ISBD эса «тавсифловчи маълумот презентациясини стандартлаштириш воситаси бўлиб, у MARC томонидан ўқилиши мумкин» (Горман, 2002:2). Ниҳоят, AACR2 «инглиз тилида сўзлашувчи дунёдаги каталоглаш амалиётини уйғунлаштириш»га қаратилган уриниш бўлган (Горман, 2001:2).

Тасдиқлаш ва фойдаланиш имконияти библиографик назоратнинг натижаси бўлиб, манба қанчалик тўлиқ каталоглаштирилган бўлса, уни турли нуқталар орқали топиш шунчалик осонлашади.

Алоҳида кутубхона каталоглари билан бирга, давлат каталоглари ҳам бор бўлиб, улар турли кутубхоналар каталогларини ўзида бирлаштирган ва маълумотни бир вақтнинг ўзида турли каталоглардан қидириш имконини беради. Библиографик асбоблар ёрдамида кутубхоначи китоб ва бошқа материалларнинг жойлашувини аниқлайди. Мазкур асбобларнинг энг диққатга сазовори — Онлайн компьютер кутубхона маркази (Online Computer Library Center — OCLC). OCLC нотижорат аъзолик ташкилоти бўлиб, унга дунёнинг 112 мамлакатига 71 мингта кутубхона аъзо. Кутубхоналар OCLCдан материалларнинг жойлашувини аниқлаш, каталоглаш ва вақтинчалик фойдаланиш учун олади. *WorldCat* OCLCнинг бирлашган каталоги бўлиб, унда ким, қаерда, қандай манбага эгалигига доир 900 миллион дана ахборот жамланган ([www.oclc.org/membership](http://www.oclc.org/membership)). Библиографик асбобларнинг мавжудлиги каталоглаш жараёнини стандартлаштириш даражасини ошириб, китоб ва бошқа материаллардан фойдаланиш имкониятларини яхшилади.

## Коллекцияни шакллантириш ва бошқариш

### Танлаш ва янгилаб бориш

Кутубхоначилар библиографияларни аниқлаш учун кўплаб манбаларга мурожаат қилиши мумкин.

Бундаги асосий манба *Guide to Reference* («Маълумот бериш соҳаси маълумотномаси») бўлиб, бу нашр фақатгина онлайн шаклда мавжуд ҳамда у Байнинг *Guide to Reference Books* («Маълумотномалар ҳақидаги маълумотнома») нашри ўрнини босган. Айн пайтга келиб *Guide to Reference* кўплаб бошқа онлайн манбаларни қўшиш орқали ўз фойдаланувчиларининг сонини сезиларли даражада кўпайтиришга эришди. *American Reference Books Annual* («Америка маълумотномалари йиллик нашри») йилда бир марта чоп этилиб, унда бир йил давомида АҚШ ва Канадада чоп этилган барча маълумотномаларнинг аннотациялашган рўйхати жамланган. Мазкур нашр ҳам босма, ҳам онлайн кўринишда мавжуд.

*Guide to Reference*нинг Буюк Британиядаги муқобили *New Walford Guide to Reference Resources* («Янги Уолфорднинг маълумот манбалари тўғрисидаги маълумотномаси») бўлиб, у мунтазам равишда янгилаб турилувчи уч жилддан иборат.

## Библиографик манбаларни баҳолаш

Ҳар қандай материални баҳолашнинг асосий мезони библиографияларга ҳам тааллуқли. Улар, жумладан, аниқлик, ишончлилик, қамров, ташк иллаштирилганлик, услубият, библиографик таркиб ва долзарбликдан иборат.

- *Аниқлик* библиографиялар учун энг муҳим мезон. Библиографиялар китоб ёки бошқа материаллар ҳақидаги маълумотларни тасдиқлаш ва қўпинча уларнинг жойлашувини аниқлаш учун фойдаланилгани боис, маълумотларнинг аниқлиги энг муҳим аҳамият касб этади. Шу боис библиографик қаёднинг ҳар бир қисми тўғри ва аниқ бўлиши шарт.
- *Ишончлилик*. Библиография тузувчиси ва уни чоп этувчи нашриётнинг нақадар ишончга сазовор экани кутубхоначи ёки фойдаланувчига библиографиядан ҳеч қандай хавотирсиз фойдаланиш имконини беради.
- *Қамров* тор мавзуга ихтисослашган библиографияларнинг самарали бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Кутубхоначи тор мавзуга ихтисослашган библиографиянинг мавзусини кенг қамраш: унга қайси саналар ва қандай материаллар қўшилганини билишни истайди. Библиографиянинг кириши, одатда, унинг қамрови ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун етарли бўлади.
- *Ташкиллаштирилганлик* даражаси библиографиядан фойдаланишни осонлаштириши ёки аксинча қийинлаштириши мумкин.
- Библиографиянинг кириши, одатда ишнинг қамрови ва услубияти тавсифини беради. Масалан, библиография тузувчиси унга қўшилган ҳар бир асар билан танишиб чиққанини билиш муҳим аҳамият касби этади. Агар ундай бўлмаса, библиография кутилган даражани бермаслиги мумкин, негаки шахсан танишилмаган асарни рўйхатга қўшишда қандайдир ҳатоликка йўл қўйилишининг эҳтимоли анча юқори.
- *Библиографик таркиб* ҳам ўрганиб чиқилиши лозим бўлиб, шунга қараб ундаги ахборот манбаларини аниқлаш ва топиш осон ёки қийинлигини билиб олиш мумкин бўлади.
- *Долзарблик*. Библиография иш қамраб олган материаллар ва манбалар доирасида долзарб бўлиши керак.

## Қўшимча фикрлар

Ўқувчи китоб, даврий нашрлар ёки электрон манбаларни топиш учун библиографиялардан фойдаланар экан, баъзи асосий омилларни назардан қочирмаслиги керак. Биринчидан, китобнинг номи янги ёки эски эканини аниқлаб олиш зарур. Баъзан фойдаланувчи бу нарсани аниқлашга қийналади ва шунда кутубхоначи унга ёрдам бериши ҳамда барча манбаларни текшириб чиқиши керак бўлади. Агар янги китоб қидирилаётган бўлса, унда кутубхоначи аввало янги материаллар қайд этилган библиографик манбаларни, жумладан, тижорат библиографиялари ёки кутубхона каталогларини текшириб чиқиши мақсадга мувофиқ. Агар китобни сотиб олиш учун буюртма берилиши лозим бўлса, излашни долзарб тижорат библиографиялари, жумладан, Books in Printдан бошлаган яхшироқ. Қўпчилик кутубхоналар Baker, Taylor

ва УРВ каби библиографик маҳсулотлар етказиб берувчилар томонидан яратилган маълумот базаларидан фойдаланади. Агар фойдаланувчи китобни кутубхонадан топмоқчи бўлса, унда кутубхонанинг ўз каталоги ёки *OCLCнинг WorldCat* каталоги фойдали манба бўлиши мумкин. Шу ўринда айтиш жоизки, агар китоб янги бўлса, у ҳали ҳеч қайси каталог ёки библиографияда акс этмаслиги ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Даврий нашрлар учун кутубхоналар Ulrich's International Periodicals Directoryдан фойдаланиб, ундан обуна ҳақидаги маълумотларни топиши ва нашр номини тасдиқлаб олиши мумкин. Одатда, кутубхона каталогларида кутубхонанинг ўзида бўлган даврий нашрлар рўйхати мавжуд бўлади, холос. Электрон коллекциялар ҳақидаги маълумотларни олиш учун кутубхоначилар *Fulltext Sources Online* веб-сайтига мурожаат қилиши мумкин. Агар кутубхоначи фойдаланувчининг эҳтиёжи нимадан иборат эканини тушунса, керакли библиографик манбани аниқлаш бирмунча осонроқ кечади. Қўпинча, бир эмас, бир неча манбадан фойдаланиш имкони мавжуд бўлади. Ҳаттоки, электрон манбалар дунёсида ҳам материалларни тасдиқлаш, аниқлаш ва жойлашувини билишга бўлган эҳтиёж мавжуд. Библиографиялар барча форматдаги материаллардан фойдаланиш учун зарур бўлган имкониятларни яратиб беради.

#### ЭНГ МАШҲУР 10 ТА БИБЛИОГРАФИК МАНБА

Ном	Босма	Онлайн
American Library Directory, 1923-Medford, NJ: Information Today	Ҳар йилги	Обуна <a href="http://www.americanlibrarydirectory.com">www.americanlibrarydirectory.com</a>
Books in Print, 1905-New Providence, NJ: R.R.Bowker	Ҳар йилги	Обуна <a href="http://www.bowker.com">www.bowker.com</a>
Gale Directory of Publications and Broadcast Media, 1969 — Farmington Hills, MI: Gale	Ҳар йилги	Обуна Gale Directory library <a href="http://www.gale.cengage.com">www.gale.cengage.com</a>
Gale Directory of Databases, 1993 — Farmington Hills, MI: Gale	Ҳар йилги	Обуна Gale Directory Ubrary <a href="http://www.gale.cengage.com">www.gale.cengage.com</a>
Guide to Reference, 2008 Chicago: American Library Association		Обуна <a href="http://www.guidetoreference.org">www.guidetoreference.org</a>
LMP (Literary Market Place), 1940 — New York: R.R. Bowker	Ҳар йилги	Обуна <a href="http://www.literarymarketplace.com">www.literarymarketplace.com</a>
New Walford Guide to Reference Resources, 2005 — London: Facet Publishing	3 жилд	
Publishers, Distributors and WholeSalers of the U.S., 1978 — New Providence, NJ: R.R.Bowker	Ҳар йилги	Обуна <a href="http://www.bowker.com">www.bowker.com</a>
Ulrich's International Periodicals Directory, 1932 — New York: R.R. Bowker	Ҳар йилги	Обуна <a href="http://www.ulrichsweb.com">www.ulrichsweb.com</a>
WorldCat, 1971 — Dublin, Ohio: OCLC		Обуна <a href="http://www.worldcat.org">www.worldcat.org</a>

## ТАВСИЯ ҚИЛИНГАН БЕПУЛ ВЕБ-САЙТЛАР

[www.bl.uk/reshelp/atyourdesk/docsupply/productsservices/bnb/index.html](http://www.bl.uk/reshelp/atyourdesk/docsupply/productsservices/bnb/index.html)  
[www.collectionscanada.gc.ca/canadiana/index-e.html](http://www.collectionscanada.gc.ca/canadiana/index-e.html)  
[www.idmb.com](http://www.idmb.com)  
<http://catalog.loc.gov>  
[www.nypl.org](http://www.nypl.org)  
<http://library.georgetown.edu/newjour/>

## Reference Resources Discussed in This Chapter

- American Book Publishing Record Cumulative 1876–1949*. 1980. 15 vols. New York: Bowker.
- American Book Publishing Record Cumulative 1950–1977*. 1979. 15 vols. New York: Bowker.
- American Book Trade Directory*. 1915-. Medford, NJ: Information Today. Annual.
- American Catalogue of Books 1876–1910*. 1880–1911. 8 vol. in 13. New York: Publishers Weekly.
- American Library Directory*. 2006. 59th ed. Medford, NJ: Information Today. Also available online: [www.americanlibrarydirectory.com](http://www.americanlibrarydirectory.com).
- American Reference Books Annual*. 1970-. Littleton, CO: Libraries Unlimited. Annual. Also available online: [www.arbaonline.com](http://www.arbaonline.com).
- Besterman, Theodore. 1965–1966. *A World Bibliography of Bibliographies*. 4th ed. 5 vols. Laussane: Societas Bibliographica.
- Bibliographic Index Plus*. 1982-. New York: H.W. Wilson. Available online: [www.hwwilson.com/databases/biblio.cfm](http://www.hwwilson.com/databases/biblio.cfm).
- Books in Print*. 1948-. New Providence, NJ: Bowker. Annual. Also available online: [www.booksinprint.com/bip/](http://www.booksinprint.com/bip/).
- Books Out Loud: Bowker's Guide to Audiobooks*. 2005. 20th ed. 2 vols. New Providence, NJ: Bowker.
- Bowker's Complete Video Directory*. 2005. New Providence, NJ: Bowker.
- British Library. *Catalogue*. Available: <http://catalogue.bl.uk>.
- British National Bibliography*. Available: [www.bl.uk/reshelp/atyourdesk/docsupply/productsservices/bnb/](http://www.bl.uk/reshelp/atyourdesk/docsupply/productsservices/bnb/).
- Canadiana*. Available: at [www.collectionscanada.ca/canadiana/index-e.html](http://www.collectionscanada.ca/canadiana/index-e.html).
- Cumulative Book Index*. 1898–1999. New York: H.W. Wilson.
- Directory of Open Access Journals*. Lund, Sweden: Lund University Libraries. Available: [www.doaj.org](http://www.doaj.org).
- Directory of Special Libraries and Information Centers*. 2005. 31st ed. Farmington Hills, MI: Gale. Annual, [www.gale.cengage.com](http://www.gale.cengage.com).
- Evans, Charles. 1903–1959. *American Bibliography: A Chronological Dictionary of All Books, Pamphlets, and Periodical Publications Printed in the United States from the Genesis of Printing in 1639 Down to and Including the Year 1800*. 14 vols. Chicago: Self-published. Available online as Early American Imprints. Series I. Evans (1629–1800), Readex.
- Fulltext Sources Online*. Edited by Mary B. Glose and Tina D. Currado. Medford, NJ: Information Today. Available: [www.fso-online.com](http://www.fso-online.com).



- Gale Directory of Databases*. 1993-. Farmington Hills, MI: Gale. Annual. Also available online in Gale's Directory Library: [www.gale.cengage.com](http://www.gale.cengage.com).
- Gale Directory of Publications and Broadcast Media*. 1990-. Farmington Hills, MI: Gale. Annual. Also available online in Gale's Directory Library: [www.gale.cengage.com](http://www.gale.cengage.com).
- Guide to Reference*. 2008. Chicago, IL: American Library Association. Subscription. Available: [www.guidetoreference.org](http://www.guidetoreference.org).
- International Directory of Little Magazines & Small Presses*. Paradise, CA: Dustbocks. Annual.
- Internet Movie Database. Available: [www.IMDB.com](http://www.IMDB.com).
- Kelly, James. 1866-1871. *American Catalogue of Books... January 1861 to January 1871*. 2 vols. New York: Wiley.
- The Library and Book Trade Almanac*. 1957-. Medford, NJ: Information Today. Annual.
- Literary Market Place: The Directory of the American Book Publishing Industry*. 1940-. Medford, NJ: Information Today. Annual. Also available online: [www.literarymarketplace.com](http://www.literarymarketplace.com).
- Magazines for Libraries*. 13th ed. New Providence, NJ: Bowker. Available online as part of [www.ulrichsweb.com](http://www.ulrichsweb.com).
- National Union Catalog, Pre-1956 Imprints. A Cumulative Author List Representing Library of Congress Printed Cards and Titles Reported by Other American Libraries*. 1968-1981. 754 vols. London: Mansell.
- New Books Service*. Ottawa: Library & Archives Canada. Available: [www.collectionscanada.gc.ca/newbooks/g4-1000-e.html](http://www.collectionscanada.gc.ca/newbooks/g4-1000-e.html).
- NewJour*. Available at <http://gort.ucsd.edu/newjour>.
- New Serial Titles*. 1953-1999. Washington, DC: Library of Congress.
- New Walford Guide to Reference Resources*, edited by Ray Lester. 2005-. 3 vols. London: Facet Publishing. Distributed in the United States by Neal-Schuman.
- New York Public Library. CATNYP. Available: [www.nypl.org](http://www.nypl.org).
- NICEM Film and Video Finder Online. Albuquerque, NM: Access Innovations. Available: [www.nicem.com](http://www.nicem.com).
- Publishers Directory*. Farmington Hills, MI: Gale. Annual. Available online as part of the Gale Directory Library: [www.gale.cengage.com](http://www.gale.cengage.com).
- Publishers, Distributors and Wholesalers of the United States*. 1978-. New Providence, NJ: Bowker. Annual.
- Roorbach, Orville. 1852-1861. *Bibliotheca Americana: 1820-1861*. 4 vols. New York: Roorbach.
- Sabin, Joseph. 1868-1936. *A Dictionary of Books Relating to America from Its Discovery to the Present Time*. 29 vols. New York: Sabin. Also available as *Sabin Americana 1500-1926*. Available: [www.gale.com/digitalcollection/](http://www.gale.com/digitalcollection/).
- Shaw, Ralph R., and Richard H. Shoemaker. 1958-1966. *American Bibliography: A Preliminary Checklist for 1801-1819*. 22 vols. New York: Scarecrow.
- Shoemaker, Richard H. 1964-1971. *A Checklist of American Imprints for 1820-1829*. 10 vols. New York: Scarecrow.
- . 1972-1993. *A Checklist of American Imprints for 1830-1846*. Metuchen, NJ: Scarecrow.
- The Standard Periodical Directory*. 1989-. New York: Oxbridge. Annual. Also available Online as *MediaPinder*: [www.mediafinder.com](http://www.mediafinder.com).

*Ulrich's International Periodicals Directory*. 1932-. New Providence, NJ: Bowker. Annual. Also available online: [www.ulrichsweb.com](http://www.ulrichsweb.com).

*Union List of Serials in the U.S. and Canada before 1950*. 1965. New York: Wilson.

*World Guide to Libraries*. Munich: K. F. Sauer; distributed by Gale.

## Recommendations for Further Reading

---

- Beaudiquez, Marcelle. 2004. «The Perpetuation of National Bibliographies in the New Virtual Information Environment». *IFLA Journal* 30, no. 1: 24–30. Examines whether national bibliographies should be maintained and makes recommendations for what is needed to provide access in an Internet environment.
- DeZelar-Tiedman, Christine. 2008. «The Proportion of NUC Pre-56 Titles Represented in the RLIN and OCLC Databases Compared: A Follow-up to the Beall/Kafadar Study». *College & Research Libraries* 69, no. 5: 401–106. A study of the number of NUC pre-56 titles not in RLIN and OCLC databases.
- Kieft, Robert H. 2002. «When Reference Works Are Not Books: The New Edition of the *Guide to Reference Books*». *Reference & User Services Quarterly* 41, no. 4 (Summer): 330–334. A discussion of the development of the new edition of *Guide to Reference Books* that is being edited by Robert H. Kieft.
- Kieft, Robert H. 2008. «The Return of the *Guide to Reference (Books)*». *Reference & User Services Quarterly* 48, no. 4: 4–10. A discussion of this new reference work by the editor.
- Lenhardt, Thomas. 2007. «Constant Change». *Technicalities* 27, no. 4: 5–7. A discussion of change in bibliographic control.
- Liptak, Deborah A. 2007. «Beyond WorldCat: Finding That Elusive Item». *Searcher* 15, no. 8: 24–31. This article lists a wealth of Web sites that can be searched for specific titles including national archives, union catalogs, portals and open access sources.
- Morris, Susan, and Jane Mandelbaum. 2001. «Bibliographic Symposium: Control for the New Millennium». *Library of Congress Information Bulletin* 60, no. 1 (January): 16–18. A report on an LC symposium on bibliographic control. Lists recommendations from this conference.
- Morrisey, Locke J. 2002. «Bibliometric and Bibliographic Analysis in an Era of Electronic Scholarly Communication». *Science & Technology Libraries* 22, no. 3/4: 149–160. Discusses some current issues in relation to the linkage of citations to publications.
- White, Howard D. 2008. «Better Than Brief Tests: Coverage Power Tests of Collection Strengths». *College & Research Libraries* 69, no. 2: 155–174. Discussion of the coverage power tests for evaluating collections in all types of libraries by means of ranked holdings counts from OCLC's WorldCat.

## Bibliography of Works Cited in This Chapter

---

- Balay, Robert. 1996. *Guide to Reference Books*. Chicago: American Library Association.
- Bell, Barbara L. 1998. *An Annotated Guide to Current National Bibliographies*. 2nd ed. Munich: K. G. Saur.

- Gorman, Michael. 2001. «Bibliographic Control or Chaos: An Agenda for National Bibliographic Services in the 21st Century». *IFLA Journal* 27: 307–313.
- Harmon, Robert B. 1989. *Elements of Bibliography: A Simplified Approach*. Rev. ed. Metuchen, NJ: Scarecrow Press.
- Macles, Louise Noelle. 1961. *Bibliography*. Translated by T. C. Hines. New York: Scarecrow Press.
- ODLIS. Online Dictionary for Library and Information Science. Available: <http://lu.com/odlis/index.cfm>.
- Stokes, Roy B. 2003. «Bibliography». In *Encyclopedia of Library and Information Science*, edited by Miriam A. Drake. New York: Marcel Dekker.



# 5

## Ҳамма нарса ҳақидаги саволларга жавоб бериш — энциклопедиялар

---

### Қисқача шарҳ

---

Энциклопедия ҳар қандай кутубхонанинг ахборот негизини ташкил этади, негаки ҳар қандай савол учун энг тез жавоб айнан энциклопедиядан топилиши мумкин.

Интернет тармоғининг кўлами ва охириги 200 йил давомида энциклопедиялардан фойдаланиш имконияти тобора кенгайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, энциклопедиянинг ақл бовар қилмас даражадаги қамрови ва мақсадлар кенглиги одамни ҳайратга солади. Агар энциклопедиялар бўлмаганида Интернетдан олдинги замонларда инсон фаолиятининг ҳар бир жиҳатини қамраб олган маълумот манбаи ҳам мавжуд бўлмаслиги аниқ эди.

### Энциклопедиялар тузилиши ва улардан фойдаланиш

«Энциклопедия» сўзи юнон тилидаги «enkyklios paideia» сўзидан олинган бўлиб, «ҳар томонлама таълим» деган маънони англатади. Энциклопедиянинг билим даражасини оширишдаги аҳамияти Арасту давридан буён ўзгармаган бўлса-да, унинг фойдаланувчилари, формати ва турлари ҳозирги кунга келиб ниҳоят даражада турфа хил.

Қадим замонлардаги олимлар ахборотни ўзлари фойдаланиши учун тўплаган бўлиб, улар бошқа фойдаланувчиларни ўйлашмаган. Тўпланган ахборот ҳам мазмуни, ҳам тузилиши бўйича ўзига хос кўринишга эга бўлган. Шунга қарамай, турли маълумотларни ягона кўринишга келтириш инсоннинг асосий эҳтиёжларидан бири саналиб, шу боис дунёнинг турли бурчакларида қадим замонларданок энциклопедияга ўхшаш манбаларни яратишга қаратилган уринишларни учратиш мумкин.

Ун саккизинчи асрда замонавий кўринишдаги илк энциклопедиянинг ўхшаши яратилган бўлиб, у Жон Харрис томонидан ёзилган *Lexicon Technicum* асари эди. Унда турли мутахассислар томонидан ёзилган мақолалар алифбо тартибида берилиб, муаллифларнинг биографиялари билан тўлдирилган эди.

Ҳозирги кунда замонавий энциклопедиянинг учта асосий тузилмавий элементи яратилган бўлиб, турли фойдаланувчиларнинг эҳтиёжи ва инновациялар таъсири остида энциклопедияларнинг турлари ўзгариб борган. Умумий кўринишда, улар қуйидагилардан иборат:

### Фойдаланувчининг ёшига тўғри келиш

Мутахассислар орасида билим фақат кагта ёшдагилар учун эмас, деган эътироф бор. Ҳозирги кунга келиб, маълум ёшдаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган энциклопедиялар ўзининг мустахкам ўрнини эгаллаб, бу турдаги адабиёт, олдинги замонларда бўлганидек, фақатгина жиддий илмий изланиш билан шуғулланаётган мутахассислар учун мўлжалланган деб бўлмайди. Бошланғич синфлар, ўрта синфлар, ўсмирлар учун энциклопедиялар бор бўлгани каби, катта ёшдагиларнинг барча гуруҳлари учун мўлжалланган энциклопедиялар ҳам мавжуд.

### Ихтисослашиш

Дунё аҳолиси сонининг кескин ўсиши натижасида, энциклопедиялардан фойдаланувчилар сони ҳам ортиб, ҳозирги кунда улар умумий ёки ихтисослашган турга ажратилмоқда. Энциклопедияларнинг кенг қамровлилиги ва ўқиш учун осонлиги уларни бошқа адабиёт турларидан ажратиш туради. Ихтисослашган энциклопедиялар бир мавзуга қаратилиб, барча жиҳатларни чуқур ва батафсил ёритиб беради.

### Кўлам

Энциклопедиялар ҳар қандай ўлчамда ва ҳар қандай эҳтиёжни қондириш учун тўғри келадиган кўринишда бўлади. Бир жилддан иборат, мавзунини қисқача ёритувчи энциклопедиялар билан бир қаторда, мавзунини жуда кенг кўламда қамраб олувчи кўп жилдли энциклопедиялар ҳам мавжуд.

### Формат

Охириги ўн йилда энциклопедияларнинг формати ақл бовар қилмас даражада кўпайди. Замонавий шароитда дискетлар, CD ва DVDлар ортда қолиб, энциклопедиялар энди онлайн кўринишда, осон ўқиловчи, мунтазам янги ланиб турувчи, бепул ёки обуна орқали фойдаланиш мумкин бўлган шаклларда мавжуд. Афтидан, энциклопедияларнинг келажаги ҳам онлайн технологиялар билан боғлиқ.

Энциклопедиянинг мақсади барча савол ва мавзуларни қамраб олишдан иборат экан, муайян камчиликларга йўл қўйилиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Шу боис ҳар бир кутубхоначи ишончли энциклопедиядан тўғри фойдаланишни и билиши муҳим аҳамият касб этади. Нархи бир неча юз долларни ташкил этувчи умумий турдаги кўп жилдли энциклопедияни харид қилиш олдидан унга тегишли баҳо бериш ва тўғри қарор қабул қилиш жуда муҳим.

### Энциклопедиялар қандай саволларга жавоб беради?

Энциклопедияга ким мурожаат қилишдан қатъи назар, кагта ёшли одами ёки болами, уй бекаси ёки мутахассис — уларнинг бари китобдан қандайдир маълумот олиш илинжида бўлади.

## Тайёр жавоблар

Савол: Агрикола ичимликми?

Жавоб: *Grolier Online* электрон энциклопедиясида маълум қилинишича, Агрикола Эрамининг 40–93 йилларида яшаб ўтган Рим генерали.

Энциклопедиялар ҳар қандай мавзу бўйича тез ва тўғридан-тўғри ахборот беради. Оммабон энциклопедияларнинг солиштирма статистика маълумотларини берувчи манбалар талайгина. Британия энциклопедиясининг 64926 та мақоласими, Америка энциклопедиянинг 40 000 та мақоласи бўладими — уларнинг барида катта ҳажмдаги саволлар учун жавоблар борлиги аниқ.

## Тушуниш осон бўлишини таъминлаш

Савол: Электр моторнинг ишлаш тамойили қандай?

Жавоб: *The World Book* энциклопедиясида электр моторнинг ишлашига бағишланган уч бетли мақола бор бўлиб, унда мазкур жараён қандай кечиши рангли суратлар орқали тасвирлаб берилган.

Энциклопедияга киритилган ҳар бир маълумот осон тушунилиши керак. Бунинг учун маълумотларни алифбо тартибида жойлаштиришдан тортиб, махсус атамаларни ҳижжалаб тушунтиришгача бўлган усуллар қўлланади. *The World Book* энциклопедиясига мурожаат қилган ҳар бир ўқувчи ундаги мақола ва шарҳларнинг тушунарлилиги, мавзу жўн тилда, лекин имкон қадар тўлиқ очиб берилганига ишонч ҳосил қилади.

## Кўлам

Савол: Мен Япониянинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий хусусиятларини Германия билан солиштирмоқчиман.

Жавоб: *Lands and Peoples («Мамлакатлар ва одамлар»)* энциклопедиясида икки мамлакат ҳудуди, аҳолиси, иқтисодиёти, тарихи ва ҳукуматига бағишланган алоҳида бўлимлар мавжуд. *Grolier Online* электрон энциклопедияси эса ён ма-ён кўринишдаги солиштирма жадвал тузиш имконини беради. Тушунишнинг осон бўлиши, одатда, кўлам ва қамров тушунчалари билан ёнма-ён юриб, бу фойдаланувчилар ҳар қандай мавзу ҳақида тушунарли ва тўлиқ ахборот олиши учун мўлжалланган. Фойдаланувчи бирор мамлакат ҳақидаги маълумотларни қидираётган бўлса, энциклопедия ўша мамлакатнинг аҳолиси, топографияси, ҳукумати, иқтисодиёти ва тарихи ҳақидаги маълумотларни бериши керак. Агар бирор арбобнинг ҳаёти ўрганилаётган бўлса, энциклопедияга унинг ҳаёти ва фаолиятидаги муҳим саналар, ютуқлари ҳақидаги маълумотлар киритилади. Энциклопедияда мавзунинг ҳар бир қирраси ва мазмуни қисқача бўлса-да қамраб олиниши шарт.

## Мавзу бўйича тўлиқ маълумот берувчи манба

Савол: Менинг олтинчи синфда ўқийдиган қизим аркалар тузилиши ҳақида реферат тайёрлаши ва уларнинг тасвирини ҳам бериши керак. У қайси манбага мурожаат қилиши мумкин?

Жавоб: *The New Book of Knowledge* («Янги билим китоби») энциклопедиясида аркаларнинг тузилиши ва тасвирлари берилган.

Замонавий энциклопедияларнинг қамрови шу қадар кенги, уларга мурожаат қилган одам, кўпинча, бошқа манбага эҳтиёж сезмайди. Бу, замонавий тил билан айтганда, «супермаркет психологияси» деб аталиб, бунда одам бир кирган дўконидан ҳамма нарсани топиши мумкин.

## Йўлланмалар

Савол: Мен корейлик америкаликларнинг ўзим яшаб турган ҳудудимдаги тарихи ва аҳамияти ҳақида 20 варақдан иборат реферат тайёрлашим керак.

Жавоб: Бунинг учун *The Gale Encyclopedia of Multicultural America* ҳамда *The World Book* энциклопедиясидаги осиелик америкаликлар ҳақидаги мақолалар қўл келади.

Гарчи кўпчилик энциклопедияларда имкон қадар кенгроқ мавзулар қўламини қамраб олишга ҳаракат қилинса-да, мавзунини ёритиб бериш даражаси, кўпинча, унчалик чуқур бўлмайди. Шу боис фойдаланувчилар мавзунини кенгроқ тадқиқ қилиш жараёнида турли библиографиялар ва маълумотномалардан фойдаланишига тўғри келади. Китобларда мавзуга алоқадор бошқа манбаларни кўрсатиб ўтиш 1410 йилдан бошланган бўлиб, ҳозир бу ҳар бир энциклопедиянинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу орқали фойдаланувчилар ўзларини қизиқтирган мавзуга бағишланган ихтисослашган адабиёт ва манбаларни қаердан топиш мумкинлигини билиб олиши мумкин.

## Қисқача тавсифлар

Савол: Мен XIX асрга бағишланган роман ёзяман ва ўша даврда шифокор бўлиш учун қандай таълим талаб этилгани ва у қанча давом этганини билишни истардим.

Жавоб: 1911 йилда чоп этилган Британия энциклопедиясида Буюк Британия, Германия ва АҚШда «тиббий таълими» мавзусига бағишланган қизиқарли мақола бор.

Энциклопедиялар, шунингдек, қачон чоп этилгани билан ҳам диққатга сазовор. Инсоният томонидан тўпланган билим ва тажрибанинг яхлит кўриниши бўлган энциклопедия ўқувчига инсон тафаккурининг тараққий этиб бориши жараёнини кузатиш имконини бериш билан бирга, унда энциклопедия яратилган даврда у ёки бу тушунча ёки ҳодисага бўлган муносабат ҳам акс этади.



### «Қўшимча қийматли» жавоблар

**Савол:** Яқин Шарқ давлатларининг миллий мадҳиялари ҳақида маълумот олиш ва уларни тинглаш учун қайси манбага мурожаат қилишим мумкин?

**Жавоб:** *The Encyclopedia of the Orient* энциклопедияси [www.i-cias.com/e.o](http://www.i-cias.com/e.o) манзилида жойлашган бўлиб, унда мазкур минтақа давлатларининг мадҳиялари тўғрисидаги маълумот билан бирга уларнинг аудио шакли ҳам mavjud.

Энциклопедиянинг туридан келиб чиққан ҳолда, фойдаланувчилар «қўшимча» маълумотларни олишга ҳам умид боғлайди. Турли хариталар, фотосуратлар, тасвирлар, диаграммалар, статистик жадваллар, тарихий ҳужжатлардан кўчирмалар, мультимедиа иловалари — буларнинг бари ўқувчилар учун энциклопедияда акс этиши шарт бўлган маҳсулотга айланиб бормоқда. Айтиш жоизки, энциклопедик асарлардаги илк тасвирлар XIII аср китобларида пайдо бўлиб, ўша даврдан оқ олимлар инсоннинг китобдаги тасвирга бўлган эҳтиёжини сезган бўлса ажаб эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар доим ҳам босма кўринишда нашр этилган энциклопедиялардан барчасаволларга жавоб топиб бўлавермайди.

### Таҳлилий руҳдаги саволлар

Таҳлилий руҳдаги жумладан, «*турк иммигрантларининг немис жамиятига ўтказган таъсири*» қабилдаги саволга жавоб топиш учун энциклопедия эмас, балки монографиялар кўпроқ тўғри келади. «Туркия», «иммиграция», «Германия» каби тушунчалар бўйича маълумот бера оладиган энциклопедия мазкур уч омилини уйғунлаштирган саволга жавоб бера олмайди. Бу саволга қайсидир маънода электрон энциклопедиялар жавоб бериши мумкин, лекин уларда ҳам излаш жараёни кўплаб қўшимча манба ва ҳаволаларни текшириш билан мушкуллашиб кетиш эҳтимоли бор.

### Замонавий масалалар

Энциклопедиялар тез ўзгариб борадиган соҳалар, жумладан, статистика маълумотларини қидириш учун мос келмайди. Аҳолининг ўсиши, иқтисодий олди-бердилар, спорт мусоқабаларининг натижаларини билиш учун бошқа манбалардан фойдаланган маъқул. Шу ўринда онлайн энциклопедиялар мунтазам равишда янгиланиб боргани туфайли бу каби ахборотни топиш учун қулай манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

### Янги технологиялар

На босма ва на онлайн кўринишдаги энциклопедиялар компьютер технологиялари каби тез ривожланиб бораётган соҳалардаги барча янгиликларни акс эттира олмайди. Жумладан, 2004 йилда нашрдан чиққан энциклопедияларда МРЗ технологияси ёки блоглар ҳақидаги маълумотларни топиб

бўлма йди. Одатдаги энциклопедияларнинг ҳар қандай мавзу борасида тўлиқ маълумот беришга бўлган интилиши замонавий технологиялар ривожига билан тенгма-тенг бориш вазифаси олдида ожизлик қилмоқда.

Бри тания энциклопедиясининг илк муҳаррири ҳаёт бўлган одамларнинг биографиялари қўшилган энциклопедия жилдларини таҳрир қилишдан бош тортган экан. «Уларнинг ҳаёти охир-оқибатда энциклопедияга кириштишга лойиқ бўлиш-бўлмаслигини билмаймиз-ку ахир!» деб жавоб берган экан муҳаррир (Коган, 1958). Шу боис жадал ўзгаришлар даврида энциклопедияга бирор маълумотни киритишдан аввал, унинг нашрга киритилишга нақадар арзигулик эканини аниқлаб олиш муҳим жиҳат ҳисобланади. Шундай бўлса-да, бундай чеклов йирик энциклопедияларнинг онлайн кўринишларида унчалик қатъий эмас, негаки улар тобора кенгайиб бораётган Википедия билан рақобатлашишга мажбур. Википедияга маълумот жойлаштиришнинг ягона талаби — «жойлаштирилаётган маълумот мавзудан мустақил бўлган манбаларда сезиларли даражада ёритилган бўлиши керак»лигидан иборат (<http://en.wikipedia.org/wiki/Wikipedia:N>, accessed 10/6/2008).

## Маълумот бериш жараёнида ишлатилувчи асосий энциклопедик манбалар

Кўпчилик энциклопедиялар ҳар қандай мавзу бўйича исталган саволга жавоб бера олиши керак, деган бироз алдамчи тасаввурда юрсалар-да, аслида, энциклопедияларнинг икки тури мавжуд эканини айтиб ўтиш даркор:

- умумий. Барча саволларга жавоб беришга йўналтирилган;
- ихтисослашган. Муайян мавзу бўйича ҳар қандай саволга жавоб бера оладиган.

Энциклопедия тури	Тавсифи	Мисоллар
Умумий турдаги энциклопедиялар	Ахборотнинг барча соҳаларини қамраб олади	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Британия энциклопедияси</li> <li>• Америка энциклопедияси</li> <li>• Жаҳон китоби энциклопедияси</li> </ul>
Ихтисослашган энциклопедиялар	Муайян соҳани тўлиқ қамраб олади	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ирқ ва рацизм энциклопедияси</li> <li>• Глобал иқлим ўзгариши энциклопедияси</li> <li>• Насронийлик дини энциклопедияси</li> </ul>

Умумий ва ихтисослашган энциклопедияларни хоҳлаган форматда топиш мумкин. Улар бир ёки кўп жилдли бўлади. Энциклопедияларнинг электрон кўриниши мультимедиа имкониятлари ҳамда аудио ва видео кўринишдаги маълумотларни тақдим этади.

### Умумий энциклопедиялар

1768 йилги Британия энциклопедиясининг муҳаррири Уильям Смелли энциклопедия фойдаланувчилари сонини кўпайтиришни ва шу орқали энциклопедияни «Энг демократик» нашрлардан бирига айлантиришни мақ-

сад қилади. Унинг фикрича, бу мақсадга етишдаги асосий «восита — қатъий қарордан иборат бўлиши керак». Кейинчалик ўз гоёсини ривожлантирган тарзда у «фаннинг ўрганилиш даражасини кенгайтириш»ни мақсад қилиб, «ҳар қандай инсон ўзи истаган пайтда қишлоқ хўжалиги, астрономия, ботаника ёки ҳар қандай бошқа фаннинг тамойилларини ўрганиш имкониятига эга бўлиши керак», деб ёзади (Коган, 1958:10–11).

Қулайлик ва мавзулар кўлами энциклопедиянинг оммабоплигини таъминлаб турган асосий омиллар сифатида қабул қилинади. Замонавий энциклопедияларга киритилган маълумотлар ҳам тузилиши жиҳатдан, ҳам таҳлилий руҳга эга бўлгани билан жамоатчилик учун энг қулай манбалардан бири бўлиб қолмоқда. Кутубхоначи энциклопедиянинг ким учун мўлжаллангани, унинг сифати ва ишончлилигини билиши учун қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратишиш лозим:

- фойдаланувчининг ёши;
- энциклопедиянинг янгилашиб бориш тартиби;
- энциклопедияда қўшимча маълумот ва манбалар ҳақида ахборот берилгани;
- энциклопедиянинг электрон формати бор-йўқлиги;
- энциклопедиянинг диққатга сазовор жиҳатлари.

Энциклопедиянинг тузилишини таҳлил қилиш орқали унинг афзалликлари, камчиликлари ва фойдалилик даражасини билиб олиш мумкин.

### «Жаҳон китоби энциклопедияси» (The World Book Encyclopedia)

2011 йилги нашр. Жилдлар сони 22 та. Мақолалар сони 17 000 та. Суратлар сони 27 500 та. Алифбо кўрсаткичлар сони 170 000 та.

*Фойдаланувчининг ёши.* The World Book Encyclopedia умумий турдаги энциклопедия бўлиб, мактаб ёшидаги ўқувчилар, оилалар, ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

*Энциклопедиянинг янгилашиб бориш тартиби:* Энциклопедиянинг босма кўриниши ҳар йили чоп этилиб, унга янги мақолалар қўшилиши билан бир қаторда эски мақола ва суратлар қайта кўриб чиқилади. Нашрга қандай янги мақолаларни қўшиш «Синф тадқиқоти» лойиҳаси натижаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиб, лойиҳа доирасида Шимолий Америкадаги сараланган мактабларда мазкур энциклопедиянинг фойдаланиш даражаси мунтазам равишда кузатиб борилади.

*Энциклопедияда қўшимча маълумот ва манбалар ҳақида ахборот берилиши.* Энциклопедияда анчагина қўшимча маълумотлар тизими назарда тутилган бўлиб, кенг кўламли кўрсаткичлар каталоги ҳам бор. «Мавзуга алоқадор» мақолалар фойдаланувчига мавзунинг бошқа жиҳатлари билан танишиш имконини беради. «Қўшимча манбалар»да 1500дан зиёд мақола учун қўшимча маълумот олиш имконини берувчи библиография кўрсатиб ўтилган.

*Энциклопедиянинг электрон формати.* Энциклопедия DVD кўринишида мавжуд бўлиб, унга босма нашрдан кўра кўпроқ мақолалар кирган. Бироқ суратлар сони камроқ бўлиб, уларнинг ўрнига турли электрон «қўшимчалар» — икки соатдан кўпроқ ҳажмдаги видео, анимация, овозлар ва ан-

чагина қулай қидирув механизми жойлаштирилган. World Book Online кўп даражали ва кўпқиррали энциклопедиялар тўплами бўлиб, у [www.worldbookonline.com](http://www.worldbookonline.com) манзилида жойлашган. Мазкур манбадан пуллик обуна орқали бир йилга, бир ойга ва ҳаттоки уч кунга фойдаланиш мумкин. Мазкур манбада World Book Kids (болалар), World Book Students (талабалар), World Book Discover (янги ихтиролар), World Book Advanced (илғор), World Book Spanish (испан тилидаги), World Book French (француз тилидаги) каби энциклопедия турларидан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, онлайн энциклопедиялар кундалик равишда янгиланиш билан бир қаторда фойдаланувчиларга босма нашрдан кўра кўпроқ мақолалар, гиперҳаволалар, видеомаълумотлар, бирламчи манба ҳужжатлари, кўчирма «ясовчилар», энг замонавий мультимедиа маҳсулотларини таклиф қилади.

*Энциклопедиянинг диққатга сазовор жиҳатлари.* Энциклопедиянинг охириги жилдида махсус бўлим бор бўлиб, унда илмий ишни бажариш тартибқоидалари ҳамда коммуникация малакасини ошириш тўғрисидаги маълумотлар берилган. Бундан ташқари, энциклопедия фойдаланувчилари бир йил давомида юз берган энг диққатга сазовор воқеаларга бағишланган «Йилнома» билан танишиш имкониятига ҳам эга.

## Таҳлил

*The World Book* мактаб ёшидаги ўқувчилар аудиториясига мўлжалланган бўлса-да, ҳозирги кунда барча ёшдаги фойдаланувчилар орасидаги энг оммабоп энциклопедиялардан бири ҳисобланади. *The World Book* юқори даражадаги ўқишлилик кўрсаткичи ҳамда мақолаларнинг содда ва тушунарли тилда ёзилиб, чиройли суратлар билан безатилгани туфайли фойдаланувчилар меҳрига сазовор бўлмоқда. Энг муҳими ундаги фан-техникага оид сўзлар ажратиб кўрсатилган. Катта ҳажмдаги мақолалар эса, босқичма-босқич, яъни соддаликдан мураккаблик томон бориш усули асосида ёзилган бўлиб, инсоннинг билим олиш жараёнига асосланади. Мураккаб мавзуларнинг кириш қисми алоҳида ажратмалар билан таъминланган бўлиб, фойдаланувчи мавзу билан танишишдан аввал унинг моҳиятини лўнда ифодаланган фикрлар ёрдамида тушуниб олиш имконига эга. Катта ҳажмдаги мақолаларнинг охиридаги махсус саволлар фойдаланувчига мавзунинг энг қийин жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишга ёрдамлашади. Умуман олганда, мазкур энциклопедия ўз моҳияти жиҳатидан аъло даражада сазоворга лойиқ.

## Умумий фойдалилик даражаси

Энциклопедия турли йўналишдаги кутубхоналар учун жуда муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Негаки, нашрнинг кўриниши чиройли бўлиши билан бирга, ундан фойдаланиш ҳам осон. Айни кунда у барча ёшдаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган умумий турдаги ягона энциклопедиядир. Унинг яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, у ҳар йили ҳам босма, ҳам электрон кўринишда нашр этилиб, мақолалари мунтазам тарзда янгилашиб борилади. Энциклопедиянинг ягона камчилиги унда мавзу бўйича чуқур деталлашган маълумотларнинг йўқлиги, холос.

## «Америка энциклопедияси» (Encyclopedia Americana)

2006 йилги нашр. Жилдлар сони 30 та. Мақолалар сони 45 000 дан зиёд. Сура тлар сони 23 000 та. Алифбо кўрсаткичлар сони тахминан 353 000 та.

*Фойдаланувчининг ёши.* Худди The World Book каби бу нашр ҳам «□8-синфдан юқори» бўлган ўқувчилар учун» дея тақдим этилади. Аммо ундаги айрим жиддий мавзу ва мақолалар нашрнинг ўқувчилари доираси мактаб ўқувчилари билан чегараланиб қолмаслигини тасдиқлайди.

*Энциклопедиянинг янгилашиб бориш тартиби.* 2006 йилгача энциклопедия ҳар йили нашр этилар эди. Аммо ўша йили нашрнинг 9500 бети янги таҳрирда берилганидан сўнг уни чоп этиш анъанасига чек қўйилди. Ҳозирги кунга келиб энциклопедия ўрнига *Americana Annual* («Америка йилнома-си») деб номланган нашр чоп этилиб, унда йил давомида дунёда рўй берган энг муҳим воқеалар ривожини кўрсатиб ўтилади.

*Энциклопедияда қўшимча маълумот ва манбалар ҳақида ахборот борлиги.* Нашрда анчагина кенг кенг қўламли кўрсаткичлар тизими мавжуд бўлиб, тўлиқ матнли мақолаларда акс этмаган, лекин муайян мавзу ичида бериб ўтилган маълумотлар ҳам кўрсаткичлар тизими томонидан қамраб олинган. Катта мавзуларнинг тавсифи кўрсаткичлар ичида бериб ўтилган. Қўшимча манбаларга ҳаволалар ҳам мақола ичида, ҳам мақола якунида келтириб ўтилган. «Фикрлар турфа хиллигини акс эттириш» мақсадида библиографиялар ҳам кўрсатиб ўтилган.

*Энциклопедиянинг электрон формати.* Энциклопедия 8 та маълумот базасини ўз ичига олган *Grolier Online* нашрининг бир қисми кўринишида электрон форматда мавжуд бўлиб, уни обуна орқали харид қилиш мумкин. Нашрнинг электрон кўриниши, шунингдек, *Americana Journal* деб номланган нашрни ўз ичига олиб, у ҳар ҳафта 200 та энг диққатга сазовор янгиликлар манбаи ва *Teacher's Guide* («Ўқитуви йўриқномаси») каби нашрларни ҳам ўз ичига олган.

*Энциклопедиянинг диққатга сазовор жиҳатлари.* Нашр муҳаррирлари турли даврларни ёритиш усулининг ўзига хос анъанасини давом эттириши билан гурурланади. Ҳар бир асрга бағишланган мақолалар алоҳида бўлимлар сифатида берилиб, муайян мавзулар, жумладан, жаҳон урушларига бағишланган мақолалар «деярли китоб» ҳажмини ташкил этади. Нашрда, шунингдек, ўта узун жумлаларда келтирилган сўзларнинг луғати ҳам берилган ва каталогли кўрсаткичлар билан таъминланган.

### Таҳлил

*Encyclopedia Americana* «Абрахам Линкольннинг китоблар жавонида ўз ўрнига эга бўлган» нашр сифатида тақдим қилиниб, АҚШ кутубхоналарида 1829 йилдан буён фойдаланиб келинади. У, шунингдек, АҚШ ҳудудида чоп этилган илк энциклопедия сифатида ҳам алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланади. Мазкур энциклопедия фойдаланувчиларнинг бир неча авлодига ишончли ахборот манбаи сифатида хизмат қилиб келган.

Албатта, мазкур энциклопедияни бошқа нашрлардан ажратиб турувчи хусусият — унинг АҚШ тарихида рўй берган барча воқеаларни қамраб олиши

билан изоҳланади. Энциклопедияда н Ҳуқуқлар тўғрисидаги билль (Bill of Rights), АҚШнинг Мустақиллик декларацияси каби бирламчи ҳужжатларни топиш мумкин. Энг қизиғи, мақолаларнинг аксариятида муаллифларнинг шахсий имзолари битилган. Нашрнинг босма кўринишида замонавий воқеа-ҳодисаларни ёритиш бирмунча суст бўлгани боис, энциклопедия баъзан танқид остига олинishi ҳам кузатилади. Энциклопедияни чиқарувчи компания ҳали-ҳануз «чоп этиш режаси» устида бош қотираётган ва 2009 йилда ҳам нашрнинг босма кўриниши чоп этилмаслиги қатъий маълум қилингани (Кохен, 2008: 3) ҳамда нашрнинг онлайн кўриниши *Grolier* маълумот базасининг бир қисмига айланиб қолганини эътиборга олсак, Американинг даври ўтиб бормоқда, деган миш-мишлар, аслида ҳақиқатга яқинлиги аён бўлади.

### Умумий фойдалилик даражаси

*Encyclopedia Americana*нинг энг катта ютуғи — унинг номидадир. Британия энциклопедияси (*Britannica*) ёки *The World Book* каби нашрларни олаётган ўрта ҳажмли кутубхоналар *Americana*ни олишга унчалик катта эҳтиёж сезмаса-да, лекин АҚШ тарихи, жамияти сиёсий тузилиши билан боғлиқ тор доирадаги мавзулар бўйича саволлар келиб тушганда айнан унга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Умумий мазмундаги юқори нуфузга эга бўлган *Americana* авваллари мамлакат ички ҳаётига бағишланган маълумотларни қамраб олишда энг ишончли манбалардан бири саналган. Лекин унинг маълумотларни янгилаб боришдаги сустиги нашрнинг фойдалилик даражасини бирмунча пасайтириб юбормоқда.

### «Британия энциклопедияси» (*Encyclopedia Britannica*)

2007 йилги нашр. Жилдлар сони 302 та. Мақолалар сони 64 900 та. Суратлар сони 24 000 та. Алифбо кўрсаткичлар сони 215 000 та.

*Фойдаланувчининг ёши.* *Encyclopedia Britannica* умумий мазмундаги ахборот манбаи сифатида дунёга донғи кетган. Шундай бўлса-да, нашрнинг кўриниши, тузилиши ва мақолалар мазмуни анча пухта билимга эга бўлган ўқувчилар аудиториясига мўлжалланган.

*Энциклопедиянинг янгилашиб бориш тартиби.* Нашрнинг босма кўринишидаги мақолалар мунтазам равишда кўп маргалаб янгиланган. *Book of the Year* («Йилнома») китоби ҳар йили энциклопедияга илова тарзида чиқариладиган нашр бўлиб, унда йил давомида дунёда рўй берган энг муҳим воқеалар тўғрисидаги ахборот тўпланган. Нашр барча обуначиларга bepул тарзда тарқатилади.

*Энциклопедияда қўшимча маълумот ва манбалар ҳақида ахборот борлиги.* Энциклопедияда тадқиқ қилишга ёрдам берувчи қидирув тизими мавжуд. Нашрнинг икки жилди мавзуларни каталоглашга бағишланган. Индекс кўрсаткичларида 500 мингдан зиёд қўшимча манбалар ҳақидаги ҳаволалар мавжуд. Бир жилдли *Propaedia* қўшимча нашри эса фойдаланувчига мавзуларни алифбо тартибида эмас, балки интеллектуал тузилма орқали аниқлашга ёрдам бериб, ундан фойдаланиш учун ўқувчининг билим даражаси анча юқори бўлиши талаб этилади.

*Энциклопедиянинг электрон формати.* Энциклопедия турли хил электрон ҳажмларда — CD-ROM, DVD ва онлайн кўринишда мавжуд. Нархи 50 АҚШ доллари атрофида бўлган дастурий маҳсулот учта ёш гуруҳи учун мослаштирилиши мумкин. *The Britannica Ultimate Reference Suite* 100 мингдан кўпроқ мақола ва 19 минг дона суратни ўз ичига олган. Унга, шунингдек, энциклопедиянинг ўтмишдаги муаллифлари, жумладан, Зигмунд Фрейд, Мария Кюри ва бошқаларнинг мақолалари киритилган. «Тадқиқот органайзери» турли қайдлар, муҳим манбаларни белгилаб қўйиш ва мақолаларни форматлаш имконини берувчи дастурдан иборат. Онлайн маълумот сайти мактаб ёшидаги, илмий доиралар ҳамда умумий гуруҳдаги фойдаланувчилар учун мулжалланган бўлимларга эга. Уч мингдан зиёд аудио ва видео анимация маҳсулотлари, 160 мингдан зиёд веб-сайтларга ҳаволалар ҳамда тўлиқ матнли мақолалар нашрнинг онлайн кўриниши рақобатбардошлигини анча оширади. Нашр сайтининг яна бир хусусияти шундан иборатки, 2008 йилдан бошлаб унда экспертлар, фойдаланувчилар ва энциклопедиянинг ўзи томонидан янги маълумотларни эркин тарзда сайтга жойлаштириш имконияти пайдо бўлди. «Википедия» тамойили асосига қурилган бу ғоя, шунингдек, виджетлар, блоглар ҳамда «Твиттер» технологияларини ҳам ўз ичига олган.

*Энциклопедиянинг диққатга сазовор жиҳатлари.* Энциклопедия ҳар жиҳатдан ўзига хос бўлиб, унинг анчагина мушкул уч томонлама тузилиши, таҳлилий тарзда яратилган каталог кўрсаткичлари тизими, ноанъанавий луғати, дунё тарихида ёрқин из қолдирган муаллифлари — нашрнинг аҳамияти ва ўзига хослигини таъкидлаб турувчи омиллардир.

## Таҳлил

*Encyclopedia Britannica* ўзини салкам 240 йил давомида маълумот бериш соҳасидаги «дунё стандартларини белгилаб келаяётган» нашр сифатида тақдим этади. Тан олиш керак, ушбу нашрнинг номи дунёга донғи кетган ва унинг муаллифлари орасида Эйнштейн ва Троцкий каби инсоният тарихининг ёрқин вакиллари бор. *Encyclopedia Britannica*нинг *Micropaedia* деб номланган ўн икки жилдли нашри бор бўлиб, у умумий мазмундаги маълумотлар манбаи ҳисобланади ва мавзуларни қисқа ва лўнда ёзилган мақолалар ёрдамида ёритади. *Macroaedia* эса, ўз навбатида, муайян мавзуларни чуқур қамраб олган ҳолда ўқувчига мавзунинг барча жиҳатларини очиб беради. Нашр муаллифлари мавзуларни халқаро нуқтаи назардан ёритишга ҳаракат қилади. *Britannica*дан маълумот қидириш бошқа энциклопедияларга қараганда бироз қийинроқ. Негаки, мазкур нашр ҳарфлар ҳажми кичик бўлиб, матн уч устунли кўринишда берилади. Ўқилишининг осонлигини таъминлашга нашрда катта эътибор қаратилмайди. Мақолалаларда илмий услуб устун бўлиб, оддий одам уларни тушунишга қийналади.

## Умумий фойдалилик даражаси

Ўзини ҳурмат қилган ҳар бир кутубхонада *Britannica* бор. Қидирилган маълумот бошқа нашрлардан топилмаганда, ўқувчи ва кутубхоначилар *Britannica*га мурожаат қилади. Энциклопедияларнинг сардори *Britannica*дир.

## Мультимедиа энциклопедиялари

Ҳар бир катта босма энциклопедиянинг электрон кўриниши мавжуд. 1950 йиллардан буён нашр этиб келинган *Collier's Encyclopedia* («Коллиер энциклопедияси») бир пайтлар Encarta электрон энциклопедиясининг бир қисмига айланиб, 2010 йилда у ҳам чоп этилишдан тўхтатилди. *Encyclopedia Americana* ни босма кўринишда чоп этишни давом эттириш масаласи ҳам ноаниқ бўлиб турибди. 1808 йилдан буён Германияда чоп этилувчи энг нуфузли энциклопедиялардан бири — Brockhaus 2008 йилдан бошлаб ўзининг 300 мингга яқин мақоласини электрон ҳажмга ўтказди ва улардан онлайн тарзда бепул фойдаланиш имконини берди. Аввал умумий мазмундаги энциклопедиялар онлайн кўринишга ўтган бўлса, айти пайтда мавзуга ихтисослашган энциклопедиялар ҳам секин-аста Интернет тармоғига кириб бормоқда.

## Википедия

Юқорида айтиб ўтилган барча энциклопедияларнинг ҳам босма, ҳам электрон кўриниши бор бўлган бир пайтда, XXI асрда ашаддий энциклопедиячиларнинг орзуси ушаладиган бўлди, яъни энциклопедик маълумотларни етказишнинг утилитар манбаини яратиш борасидаги илк қадам қўйилди. Натижада, одамларнинг ўзи одамлар учун ахборот етказиш манбага айланди. 2001 йил 15 январь куни «дунёга келган» Википедия — онлайн энциклопедия бўлиб, «эркин контент» таклиф қилган энциклопедияда хоҳлаган одам маълумот олиши, жойлаштириши ва таҳрир қилиши мумкин. Очiq манбали дастурий маҳсулотлар кўпайгандан — кўпайиб бораётган бир шароитда Википедия «одамларнинг ягона энциклопедияси»га айланиш нияти борлигини эълон қилмоқда. 2010 йили Википедияга турли тилларда жойлаштирилган мақолалар сони 17 миллиондан ошиб кетган, шулардан 3 миллиони инглиз тилида. Энциклопедиядан АҚШдаги катта ёшли интернет фойдаланувчиларининг учдан биридан кўпроғи фойдаланган бўлиб, Википедия интернетда фойдаланувчилар сони бўйича еттинчи ўринда турибди ([www.alexa.com](http://www.alexa.com)). Википедия, шунингдек ўз мақолаларининг ишончлилик кўрсаткичларини юксалтириш мақсадида, ўз сайтида «ишонч рейтинглари»ни кириштиб, бу орқали фойдаланувчилар томонидан киритилган маълумотларнинг ишончлилик даражаси белгиланади (Гайлс, 2007).

## Бошқа очiq манбалар

2007 йил март ойида ишга туширилган *CitizenDum* ҳам Википедиянинг «отаси» Ларри Зангер томонидан яратилган. Мазкур манбадан кўзланган асосий мақсад эркин энциклопедияларга қаратилган танқидни камайтириш ва бу турдаги энциклопедиялар ҳам ишончли манба бўлиши мумкинлиги исботлаш эди. Ўзини «дунёдаги энг ишончли энциклопедия ва билим манбаи» дея тақдим қилувчи *CitizenDum* ҳали ҳам синон лойиҳаси сифатида мавжуд бўлиб, унга синчковлик билан тайёрланган 15 мингга яқин мақола жойлаштирилган.

2008 йил 23 июлида Google ҳам ўзининг *Knol* эркин энциклопедиясини синон режимида ишга туширди. Мазкур манбанинг Википедиядан фарқи



шундаки, муаллифлар ўз исм-фамилиясини кўрсатиши шарт бўлиб, улар учун ҳаттоки, ўз сурати ва биографиясини жойлаштириш имконияти кўзда тутилган. Муаллифлар ўз мақоласига бошқа фойдаланувчиларнинг маълумот қўшишини назорат қилиши ҳамда ўз мақоласига реклама эълонларини жойлаштириш каби имкониятлардан фойдаланиши мумкин. Бир хил мавзу бўйича турли муаллифларнинг мақолаларини жойлаштиришга руҳсат берилган.

Бир қатор бошқа очиқ энциклопедик сайтлар, жумладан, мутахассислар томонидан текширилган чекланган миқёсдаги мавзулар бўйича илмий мақолалар жойлаштирилувчи Scholarpedia каби манбаларнинг пайдо бўлиши эркин энциклопедияларнинг тобора оммалашиб бораётганидан далолат бермоқда.

Шу ўринда тор мавзуга ихтисослашган эркин энциклопедиялар ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозим. Жумладан, *Proteopedia* онлайн эркин энциклопедияси биохимик ва биологлар учун мўлжалланган бўлиб, 2007 йилдан буён унда жойлаштирилган мақолалар сони 72 мингдан ошиб кетди. *Proteopedia* ҳар ҳафта янгилаб борилади.

### Умумлаштирилган энциклопедиялар

Энциклопедик манбаларни «умумлаштириш» электрон манбаларнинг яна бир ўзига хос хусусиятига айланмоқда. Бу ҳақда Greenwood Publishing Group компанияси вакили Кевин Охе: «Олдимизда турган энг катта муаммо манбаларнинг ўта катта ва ҳаддан ташқари кичкина бўлмаслиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш», дея таъкидлайди (Ронкевич, 2006:10). Ана ўша мутаносиблик янги пайдо бўлаётган умумлаштирилган онлайн энциклопедияларда айниқса ёрқин намоён бўлмоқда. Жумладан, энди муайян соҳага ихтисослашган онлайн энциклопедиялар алоҳида тўплам кўринишида яратилмоқда. Масалан, Britannica ўзининг онлайн энциклопедияларини кутубхоналар турига қараб мослаштирган ҳолда илмий, жамоат ва мактаб кутубхоналари учун алоҳида энциклопедиялар таклиф қилмоқда. Grolier ҳамда EBSCO ҳам турли ёш гуруҳлари, жумладан, бошланғич, ўрта ва катта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган маҳсулотларни яратишга эътибор қаратмоқда. Oxford University Press нашриёти эса ўзининг ихтисослашган энциклопедияларини веб-порталларга жойлаштириб (улардан бири Oxford Music Online деб аталади), «энг кенг қўламли ва осон қидириладиган онлайн мусиқа манбалари»ни таклиф қилди ([www.oxfordmusiconline.com/public/](http://www.oxfordmusiconline.com/public/)). Greenwood Publishing эса ўзининг терроризм ва хавфсизлик масалаларига бағишланган 600 та нашрини бирлаштирган ҳолда PSIO: Praeger Security International Online деб номланган онлайн манбани яратишга муваффақ бўлди.

Гарчи умумлашган энциклопедияларнинг нархи ҳаддан ташқари қimmat бўлиш эҳтимоли юқори бўлса-да, уларга эгалик қилиш орқали кутубхона ёки фойдаланувчи кўплаб соҳаларни қамраб олувчи манбаларга эга бўлади. Шу билан бирга, кўплаб энциклопедияларни ўзида бирлаштирган манбалар фойдаланувчига унчалик керак бўлмаслиги ва харид қилинган материалларнинг аксарияти фойдаланмасдан «чанг босиб» ётишининг эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

### Мультимедиа энциклопедияларидан фойдаланиш

Мультимедиа энциклопедиялари фойдаланувчига кўп нарса таклиф қилиши мумкин. Уларнинг аввалбошдаги CD-ROM кўриниши босма нашрнинг нусхасигина бўлиб, фойдаланувчиларнинг ишончини қозонган ва вақт ўтиши билан ажойиб мультимедиа маҳсулотига айланиб улгурди. Жумладан, ҳозир «Антарктика» сўзини қидириш орқали фойдаланувчи нафақат матн, балки ранг-баранг суратлар, овозлар, видеолавҳалар, гиперҳавола-лар, анимацион кўринишлар, хариталар ва бошқа қўшимча маълумот турларидан фойдаланиш имконига эга бўлади. Гарчи фойдаланувчининг эҳтиёжини матннинг ўзи қондира олса-да, лекин мультимедиа имкониятларидан фойдаланиш кўпчилик учун қизиқ бўлиши табиий. Электрон форматдаги энциклопедияларнинг биринчи ўнталигига бағишланган шарҳ ва рейтинглар билан <http://encyclopedia-review.toptenreviews.com/> манзилида танишиш мумкин.

### Билим олиш усулларининг хилма-хиллиги

Электрон энциклопедиялар маълумотларни турфа хил — матн, аудио ва визуал кўринишда таклиф этади. Агар инсон билим олишда ўзининг беш ҳиссиётининг барчасини ишлатади, деган фикр тўғри бўлса, унда электрон энциклопедияларда маълумотлар турфа хил усулларда берилиши фойдали, албатта. Масалан, мактаб ёшидаги фойдаланувчи Рим империяси ҳақидаги маълумотни матн баробарида турли суратлар, овоз ва видеолавҳалар орқали каттароқ қизиқиш билан ўрганиши табиий.

### Ахборотни излаш

Электрон энциклопедиялар ахборот излаш жараёнини осонлаштириш ва тезлаштириш имкониятини беради. Гиперҳаволалар билан алоқадор бошқа маълумотга «сақраб ўтиш» орқали синчков фойдаланувчи қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги маълумотни қамраб олади.

### Маълумотларни янгилаб бориш

Онлайн манбада маълумотларни янгилаб бориш босма нашрга кўра осонроқ. Шу боис электрон манба фойдаланувчиси ундаги маълумотларнинг эскириб қолмагани ва тўғри эканидан шубҳаланмаса ҳам бўлади. Маълумотларни тез таҳрир қилиш имконияти электрон энциклопедияларнинг оммабоплигини таъминлайди. Бу соҳадаги ўзгаришлар жадал суръатда кечгани ва тез эскиргани боис босма нашрлар мазкур йўналишдаги маълумотларни эълон қилишга унчалик ошиқмайди.

### Кўлам

Электрон форматдаги мақолалар босма нашрдагиларга қараганда бирмунча каттароқ, негаки электрон манбалар учун ҳажм ва чоп эгиш нархи, деган

тушунчалар аҳамият касб этмайди. Мақолаларнинг ҳажми катта бўлиши билан бирга электрон энциклопедияларда уларнинг сони ҳам босма манбаларга қараганда кўпроқ бўлиши табиий ҳолдир. Шу билан бир қаторда, электрон энциклопедияларни яратиш билан боғлиқ бир қатор камчиликлар ҳам йўқ эмас:

- Электрон энциклопедиялардан фойдаланиш тегишли инфратузилма (компьютер, дастурий таъминот ва ҳоказо)га эга бўлишни талаб қилади. Шу орқали фойдаланувчи бир вақтнинг ўзида энциклопедиянинг турли жилдларидан фойдаланиш имконига эга бўлади. Босма нашр учун фақатгина китоб қўядиган жой керак, холос.
- Электрон энциклопедияларда маълумотни излаш имконияти кенг бўлгани боис излаш жараёнида мавзуга алоқадор бўлмаган маълумотларга «кўмилиб кетиш» эҳтимоли жуда паст. Бундан ташқари, гиперҳаводалар керакли қўшимча маълумотларни топиш учун ҳам ниҳоятда қулай восита ҳисобланиб, фойдаланувчининг анча-мунча вақтини тежашга ёрдам беради.
- Кутубхоначилар технологиялар ривожига яхши мослаша оладиган касб эгаларидир. Ўтган бир неча ўн йил давомида улар энциклопедияларнинг турли ҳажм ва кўринишлари юзага келиб, эскилари секин-аста йўқолиб бораётганига гувоҳ бўлмоқда. Шу ўринда эркин энциклопедияларнинг пайдо бўлиши ҳам наشريётлар, ҳам кутубхоналарни келажакдаги ўзгаришларга тайёр туришга ундамоқда.
- Онлайн ёки электрон энциклопедиялардан фойдаланиш кутубхоначилар учун бир қатор янги муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Алифбо тартибида чоп этилган босма энциклопедиядан фойдаланишни ўрганиш қийин иш эмас. Электрон энциклопедиялар муайян малакани талаб қилиб, талаба ёки кутубхона фойдаланувчиси компьютердан фойдаланишни билмаса ёки муайян дастурдан беҳабар бўлса, кутубхоначи унинг тепасида туриб, йўл-йўриқ кўрсатиши ва унинг компьютердан фойдаланиш жараёнини мунтазам назорат қилиб туришига тўғри келади.

## Тор мавзуга ихтисослашган энциклопедиялар

Тил услуби мавзунини тушунишда жуда муҳим аҳамият касб этади. Тор мавзуга ихтисослашган энциклопедиялар анчагина чекланган фойдаланувчилар гуруҳининг эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади. Бундай манбалар муайян мазмунни тўлиқ қамраб олиб, ахборотдан осон фойдаланиш имконини бериши учунгина «энциклопедия» деб аталади. Лекин уларнинг фойдаланувчилари бошқалардан тубдан фарқ қилади. Негаки, улар умумий турдаги энциклопедияда атиги бир неча варақ жой ажратиладиган тор доирадаги мавзу бўйича кенг қамровли маълумотларни излайди. Шу боис бутурдаги энциклопедияни харид қилиш муайян фойдаланувчилар гуруҳи учун мўлжалланган ва ягона мавзуга бағишланган бир неча китобни харид қилиш билан тенг деб қаралади.

Мана шу жиҳатларга эътибор берган ҳолда кутубхоначилар китоб бозоридаги сони тобора ортиб бораётган тор мавзуга ихтисослашган энциклопедияларни қандай фарқлаш кераклигини тушуниши мумкин. Умумий мазмун

даги энциклопедиянинг энг керакли жиҳати — унинг ишончилиги бўлса, тор мавзуга ихтисослашган энциклопедия учун унга бўлган эҳтиёж ва талаб энг муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда «мавзу» сўзи икки хил маънода келиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим. Жумладан, айрим тор мавзуга ихтисослашган энциклопедиялар фақатгина бир соҳани қамраб олиб, бунга уч жилддан иборат, турли мукофотларга сазовор бўлган «Жаҳон ҳайвонот боғлари энциклопедияси» (*Encyclopedia of the World's Zoos*) яққол мисол бўла олади. Бошқа энциклопедиялар эса бир соҳа ичидаги турли мавзуларни қамраб олиб, бунга ўн беш жилдли «Дин энциклопедияси» (*Encyclopedia of Religion*) ёки тўққиз жилддан иборат «Ижтимоий Фанлар халқаро энциклопедияси» (*International Encyclopedia of the Social Sciences*) мисол бўла олади.

Бир мавзуга бағишланган энциклопедияларнинг мавзуга бўлган эҳтиёж аниқ бўлиши талаб этилган бир пайтда, муайян соҳанинг бир неча йўналишини қамраб олувчи энциклопедиялар кичик ҳажмдаги кутубхоналар учун ҳам керакли манба сифатида хизмат қилиши мумкин. Масалан, «Рутлежнинг фалсафа энциклопедияси» (*Routledge Encyclopedia of Philosophy*) ёки «Фалсафа энциклопедияси» (*The Encyclopedia of Philosophy*) каби энциклопедиялардаги маълумотларни бир жилдли манбалардан топиш мушкул.

Тор мавзуга ихтисослашган энциклопедияларни нашр қилувчи етакчи компаниялар қуйидагилар:

- ABC-CLIO. АҚШга доир масалаларга ихтисослашувчи Companion тўпламининг нашри.
- Berkshire Publishing Group. 2005 йилда фаолият бошлаган нашриёт ўзининг «Беқийс маълумот» (*Outstanding reference*) нашри билан *Library Journal* журнали ҳамда Америка кутубхоналари уюшмасининг (ALA) юқори баҳосига сазовор бўлди.
- Facts on File. Мактаблар ва болалар кутубхоналари учун мўлжалланган ва мактаб ўқув дастуридаги масалаларни қамраб олган энциклопедияларни нашр қилиш билан шуғулланади.
- Taylor and Francis Group. Илмий энциклопедияларни нашр қилишга ихтисослашган.
- Greenwood Publishing group. Greenwood Press, Praeger Publishers, Heinemann USA, GEM ва Libraries Unlimited каби нашриётларни бирлаштирган, тор мавзуга ихтисослашган энциклопедия яратувчилари орасида етакчи.
- Oxford University Press. АҚШ университетлари нашриётларининг етакчиси бўлиб, маълумотнома-энциклопедияларни нашр этиш соҳасида дунёга донғи кетган нашриёт.
- Scribners. Гарчи, бу компания бошқаларга қараганда кичикроқ бўлса-да, тор мавзуга ихтисослашган энциклопедияларни нашр этиш борасида унинг ўрни анчагина сезиларли. Бундан ташқари, мазкур нашриёт Америка кутубхоналари уюшмасининг (ALA) бир қатор нуфузли мукофотларига ҳам сазовор бўлган.
- Gale Cengage Learning. Фойдаланиш учун энг қулай бўлган тор мавзуга ихтисослашган энциклопедиялар яратувчиси, мазкур нашриётнинг маҳсулоти тузилиши билан кўпчилик фойдаланувчиларнинг меҳрини қозонган.

## Болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган энциклопедиялар

Болалар учун мўлжалланган энциклопедияларда ҳам кенг қўламли ахборот жойлаштирилган бўлиб, мақолалар, одатда, қисқа, суратларга бой ва безак жиҳатидан анча содда, ҳарфлар каттароқ кўринишда бўлиб, фойдаланувчига ёрдам беришга мўлжалланган қўшимчалар ҳам берилади.

- *The New Book of Knowledge* энциклопедияси 3–8-синф ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, фақатгина маълумотлар базаси кўри нишида мавжуд. Ундаги 9200 та мақола 25 000 дан зиёд сурат ва 1300 дан кўпроқ харита билан безатилган бўлиб, болалар фойдаланиши учун жуда қулай. Мақола-лар мавзуларининг кўлами кенг бўлиб, улар орасида ҳам оддий, ҳам бир-мунча мушкулроқ мавзулар ҳам ёритиб ўтилган. Бундан ташқари, ўқув-чига лойиҳа ва экспериментларни ўтказиш бўйича қўлланмалар, уй иши-ни тайёрлашга ёрдам берувчи бўлимлар, «қизиқарли саволлар»га жавоб-лар берилган.
- Grolierнинг босма шаклдаги *Ҳудудлар ва одамлар («Lands and Peoples»)* энциклопедияси 2005 йилдан буён янгилангани йўқ. Лекин унинг элект-рон кўриниши Grolier Online маълумот базасига жойлаштирилган. Эн-циклопедия 6–12-синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлса-да, лекин каттароқ ёшдаги фойдаланувчилар учун ҳам фойдали. Дунё мамлакатла-ри алифбо тартибида эмас, балки қитъадаги географик жойлашуви бўй-ича жойлашган ушбу манбада ҳар қайси қитъа алоҳида жилдда ёритил-ган. Кичикроқ ёшдаги фойдаланувчилар учун ҳар бир жилд охирида дав-латлар номлари алифбо тартибида ҳам берилган. Ҳар бир мамлакатнинг географияси, тарихи, иқтисодиёти, аҳолисининг яшаш тарзи, дини ёри-тиб ўтилган бўлиб, ўқувчи турли халқларнинг ҳаётидаги асосий диққат-га сазовор жиҳатларни имкон қадар тўлиқ ўрганиш имконига эга бўлади.
- Compton's by Britannica (2010) энциклопедияси 1922 йилдан буён чоп этиб келинган Compton's Encyclopedia асарининг янги номи. Ўрта ва катта ёш-даги мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган Compton'sдаги 37 минг ма-қола мактаб ўқув дастурини тўлиқ қамраб олади. Катта ҳажмли мақола-ларнинг бошида қисқача тавсиф берилган бўлиб, ўқувчи мақоланинг ички тўзилиши билан олдиндан танишиб олади. Энциклопедиядаги 23 минг-дан зиёд сурат, шу жумладан, турли чизма ва графиклар матнни тўлди-риш билан бирга энг керакли маълумотлар жамланган кўринишда тақ-дим этилади. Асардаги 26 та жилднинг ҳар бири «У ерда ва бу ерда» (Here and There) деб номланган йўриқномага эга бўлиб, унда жилдда қамраб олинган масалалар ҳамда ўқувчининг қизиқишини кучайтиришга қара-тилган кириш саволлари бериб ўтилган. Энциклопедиянинг охири наш-рида ўқувчиларга мактаб вазифаларини бажариш жараёнини тартибга солишга ёрдам берадиган қайта тикланувчи иш қоғозлари ҳам берилган. Асарнинг охири жилди «Фактлар каталоги» (Fact Index) деб номланиб, у 30 мингта қисқа мақола ҳамда уларни излаш имконини берувчи кўрсат-кичлар каталогидан иборат.
- Юқори синф мактаб ўқувчилари учун 2008 йили яратилган ва 13 жилд-дан иборат бўлган Менинг илк Британникам («My First Britannica») эн-циклопедияси айниқса қимматли манба ҳисобланади. Унинг асосий жи-

хати — асар дизайнига ноанъанавий тарзда ёндашувдан иборат бўлиб, жумладан, икки бетдан иборат мақолаларнинг бир бетига албатта сурат жойлаштирилади. Ҳар бир маълумот, шунингдек, қизиқ савол-жавоблар, фактлар ва бошқа қўшимча маълумотлар билан бойитилган. Ҳарфлар катта кўринишда, нотаниш сўзлар алоҳида ажратилган, уларнинг лугати ҳам берилган.

- Ўн уч жилддан иборат бўлган «Дунё кашфиётлари китоби энциклопедияси» (*The World Book Discover Encyclopedia*) бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, у алифбо тартибида тузилган. 2100 та мақола ва 3300 та рангли суратдан иборат энциклопедия лўнда ва тушуниш осон бўлган услубда ёзилган. Энциклопедия болани маълумот излаш техникаси асосларига ўргатиш ва сўзларни тўғри талаффуз қилишга ёрдамлашувчи қўшимча маълумотларни ҳам таклиф қилади.

## Коллекцияни шакллантириш ва бошқариш

### Манбаларни танлаш ва янгилаб бориш

Керакли манбаларни топиш ва керакли энциклопедияни танлашга бағишланган профессионал нашрлар ҳам бор бўлиб, уларнинг энг аҳамиятлилари қуйидагилар:

- «Кистернинг энг зўр энциклопедиялари» (*Kister's Best Encyclopedias*);
- «Китоблар рўйхати» (*Booklist*) ҳар йили ўзининг сентябрдаги сонида мавжуд энциклопедиялар рўйхатини тақдим этади;
- «Бир оғиз сўз» (*Word of Mouth*) хизмат кўрсатган кутубхоначиларнинг фикрлари доимо қадрли бўлиб, нашр муаллифлари томонидан юқори баҳоланган нашр ҳақиқатан ҳам мақтовга муносиб бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ;
- «Бовкернинг энг зўр маълумотномалари» (*Bowker's Best Reference books*);
- «Американинг йиллик маълумотномалари» (*American Reference Books Annual*);
- «Киркус шарҳлари — махсус сонлар» (*Kirkus Reviews — special editions*);
- Электрон кўринишдаги энциклопедияларнинг умумлаштирилган шарҳларини «Энциклопедик дастурий таъминотлар шарҳи» (*Encyclopedia Software Review*) сайтида <http://encyclopedia-review.toptenreviews.com/> манзилидан топиш мумкин.
- *Маълумотномалар шарҳи* (*Reference Reviews*) сайти [www.gale.cengage.com/reference](http://www.gale.cengage.com/reference) манзилида жойлашган бўлиб, уларда мутахассислар ҳам босма, ҳам электрон энциклопедияларнинг шарҳларини қолдириши мумкин.

### Энциклопедик маълумотларни баҳолаш

1230 йили Бартоломей де Гранвиль ўрта асрларнинг энг оммабоп энциклопедияларидан бири — «Нарсаларнинг хусусиятлари» (*De proprietatibus rerum — The Properties of Things*) асарини яратган. Энциклопедия ло-

тинчадан бошқа кўплаб тилларга таржима қилинган бўлиб, қарийб уч аср давомида Ғарб дунёсининг энг оммабоп асарларидан бири бўлиб келган. Энциклопедиянинг бир жилдини яратиш учун 50–60 та бузоқ териси ишлатилган бўлиб, унга эгалик қилиш ўша замон зодагонларигагина насиб қилган.

Технологиялар ривожини, чоп этиш ускунасининг ихтиро қилиниши, ижтимоий-сиёсий соҳада демократик идеалларнинг ўрнатилиши билан энциклопедия нафақат зодагонлар, балки ҳар бир инсон учун зарур бўлган маълумот манбаи, деган тушунча ҳам кучайиб борган. Бугун дунёдаги энциклопедиялар ва улар турларининг сон-саногини йўқ. Шу боис инсон қай бир энциклопедияни танлаш, қай бир асар ўзининг эҳтиёжларини айниқса самарали тарзда тўлдиришини аниқлаши учун тобора кўпроқ куч ва вақт сарфлашига тўғри келмоқда. Бир қарашда энциклопедияларнинг турфа хиллиги одамни шошириб қўйиши ҳеч гап эмас. Лекин, аслида, фойдаланувчига қай бир нашр қўл келишини аниқлаш унчалик мушкул эмас. Жумладан, энциклопедиянинг нақадар керакли эканини аниқлаш учун фойдаланувчи кўйидаги саволларга жавоб топиши kifоя.

### Биринчи савол. Энциклопедия нақадар ишончли?

Ишончлилик ҳар бир энциклопедия учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Асардаги маълумотлар нақадар ишончга сазовор эканини аниқлаш учун энциклопедияга киритилган мақолаларнинг ким томонидан ёзилганига эътибор қаратиш лозим. Хусусан, муаллифлар мавзуни яхши тушуна диган мутахассислар бўлиши талаб этилади. Энциклопедияни яратган нашриёт ҳам нуфузли бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Мана шу иккала омил мақолаларда ўз аксини топган бўлиб, маълумотлар аниқ ва ёритилаётган мавзуга доир барча охириги янгиликларни ўз ичига қамраб олган бўлиши даркор. Энциклопедиянинг ишончлилик даражасини аниқлаш учун тавсиялар:

- Ўзингиз яхши биладиган ёки жавоб топилиши керак бўлган бирор мавзуни танланг.
- Энциклопедиядан қандай маълумотлар топишга умид қилаётганингизни ёзиб олинг. Масалан, агар сизнинг ихтисослашувингиз АҚШдаги фуқаролар уруши бўлса, энциклопедиядан кўйидаги саволларга жавоб қидиринг:
  - Фуқаролар уруши қачон бошланган?
  - Уруш давомида энг катта жанглар қаерларда бўлган?
  - Урушда иштирок этган томонлар кимлардан иборат бўлган?
  - Урушнинг келиб чиқиш сабаблари қандай?
  - Уруш қандай қилиб ниҳоясига етган?
  - Урушнинг АҚШ тарихидаги аҳамияти қандай?
  - Изланишни давом эттириш учун қўшимча маълумотлар келтириб ўтилганми?

Шу каби саволларга жавоб берилган энциклопедияни ишончга сазовор бўлган манба сифатида бемалол харид қилиш ёки кутубхона коллекциясига қўшиш мумкин. Бундан ташқари, фойдаланувчи ўзи харид қилмоқчи бўлган энциклопедияни мутахассислар қандай баҳолаётганини билгани ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Иккинчи савол. Манба ишончли бўлса-да, уни харид қилиш кутубхона фойдаланувчиларининг ёши ва қарашларига тўғри келадими?

Бунда қуйидаги омилларга эътибор қарагиш лозим бўлади:

- фойдаланувчилар ёши, ўқий олиш даражаси: бола, ўсмир барча ёшдаги фойдаланувчилар;
- энциклопедиядан фойдаланишдан мақсад: умумий, чуқур тадқиқот;
- кутубхона ўлчами: кичик, ўртача, катта;
- кутубхона тури: жамоат, илмий, махсус.

Учинчи савол. Манба ҳам ишончли, ҳам харид қилиш учун арзигулик, лекин унинг нархи қиммат бўлса-чи?

Кутубхоналар учун китоб нархи анча муҳим. Ҳозирги кунда энциклопедияларнинг турфа хил кўринишию турлари мавжуд эканлиги ҳисобга олинса, кутубхоначилар манбаларни танлашда бир неча вариантга эга бўлади. Бунда ҳам эътибор бериш лозим бўлган омиллар бор. Жумладан:

- Агар *Британия энциклопедияси* онлайн кўринишда бепул бўлса ёки онлайн энциклопедиядан фойдаланиш нархи унинг босма кўринишдаги нархидан бир неча баробар арзон бўлса, босма кўринишдаги нашрни сотиб олиш қанчалик зарур?
- Нашрнинг ҳар йили янгиланган кўринишини харид қилиш муҳими? Кутубхона бир йиллик нашрдан беш йил давомида фойдалана оладими? Бу фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун етарлими?

Тўртинчи савол. Энциклопедия ишончли, харид қилишга арзигулик ва унинг нархи ҳам ҳамёнбоп бўлгач, кутубхоначи ниҳоят яна бир саволга жавоб топиши керак: нашр фойдаланувчиларда қанчалик қизиқиш уйғотади?

Ҳар томонлама арзигулик энциклопедиялар баъзан ўқувчиларда қизиқиш йўқлиги боис чанг босиб ётади. Бунда нашр кўриниши, ундаги суратлар, матн ҳажми, қоғоз ва чоп этиш сифати ўқувчиларнинг эътиборини кучайтириш ёки су-сайтиришга хизмат қилувчи омиллар сирасига киради. Онлайн нашрлар учун булар — тез очилиш, юқори сифатли суратлар, янгиланиб борувчи веб-хаволалар.

### Қўшимча мезонлар

Энг муҳим саволларга жавоб топилгач, харид қилиш жараёнини тартибга солишга қўшимча мезонлар ёрдам беради.

- Энциклопедиянинг кўлами қандай? Бунда нашрдаги мақолалар мавзуларни нақадар тўлиқ қамраб олишига баҳо берилади.
- Мавзунини ёритишга ёндашув қандай? Мақолалар умумий маълумот бериш учунми ёки илмий маълумотлар бериш учун мўлжалланганми? Бу мезонни фарқлаш муҳим бўлиб, шу орқали нашрга баҳо бериш ва унинг фойдаланувчилар гуруҳини аниқлаш мумкин.
- Имзо чекилган мақолалар ва узун библиографиялар, табиийки, жиддий илмий изланиш ўтказаетган фойдаланувчилар учун мўлжалланган.



- Энциклопедияда атайлаб ёки беихтиёр ноҳолисликка йўл қўйилмаганми? Буни текшириш учун жамоатчиликда кенг баҳс-мунозарага сабаб бўлаётган мавзуларга оид маълумотлар билан танишиш кифоя.
- Энциклопедия ҳақиқатан ҳам зарур ва беқиёс наشريми? Ўзига хос нашрлар зарурат туфайли эмас, балки уларни харид қилиш имконияти пайдо бўлгани учун харид қилинади.

Нашр гарчи беқиёс, холис ва изланишлар учун кўплаб зарур манбаларга эга бўлса ҳам юқоридаги тўрт мезонга мос келмаса, ундан катта самара кутиш қийин. Шу боис энциклопедияга баҳо беришда барибир қуйидаги омилларга биринчи галда эътибор қаратиш лозим:

1. Энциклопедия ишончли бўлиши керак.
2. Энциклопедия кутубхонанинг эҳтиёжларига мос келмоғи даркор.
3. Энциклопедиянинг нархи қиммат бўлмаслиги лозим.
4. Энциклопедия ўқувчида қизиқиш уйғота олиши керак.

## Қўшимча фикрлар

Энциклопедияларни харид қилиш, албатта, муҳим ва фойдали. Нашрга баҳо бериб бўлингандан кейин ҳам уни харид қилишда фойдаланувчилар ва кутубхонанинг эҳтиёжи биринчи ўринда туради. Қуйида келтириб ўтилган амалий мисоллар кутубхоначига энг яхши нашрларни танлашда қўмак беради.

- Тасаввур қилинг, сиз ўртача катталиқдаги кутубхонанинг маълумотхона бошлиғисиз. Муассасангиз 40 мингга яқин турли ёшдаги фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Сизнинг йиллик адабиёт харид қилиш бюджетингиз 24 минг АҚШ долларини ташкил этиб, ихтиёрингизда юта дона компьютер бор. Ихтиёрингиздаги маблағни нимага сарф қилган бўлардингиз?
  - Нархи 1095 доллар турувчи 32 жилддан иборат «Британия энциклопедияси»ни харид қилишгами?
  - «Британия энциклопедияси»нинг 56 миллион сўздан иборат онлайн кўринишидан фойдаланган бўлармидингиз?
  - «Британия энциклопедияси»нинг 30 долларлик DVD дискини харид қиласизми?
  - Қарорингизни қайси омил асосида қабул қилган бўлардингиз?
  - Фойдаланувчиларнинг компьютердан фойдаланиш малакаси ва онлайн ахборотга бўлган эҳтиёжи асосидами?
  - Компьютерлар сонига қарабми?
  - Босма нашрларни жойлаштириш учун жой бор-йўқлигига қарабми?

### ЭНГ МАШҲУР ЭНЦИКЛОПЕДИЯЛАР ЎНЛИГИ

Номи	Босма нашр	Онлайн нашр
«Комптон Британикаси» (Compton's by Britannica) 2010 й., Чикаго, Британия энциклопедияси нашриёти	26 жилд	Обуна <a href="http://corporate.britannica.com">http://corporate.britannica.com</a>
«Санъат луғати» (Dictionary of Art), 1996 й., Нью-Йорк, Оксфорд университети нашриёти	34 жилд	Обуна <a href="http://www.groveart.com">www.groveart.com</a>

«Америка энциклопедияси» (Encyclopedia Americana), 2006 й., Денбюри, Гролиер нашриёти	30 жилд	Обуна <a href="http://auth.grolier.com/cgi-bin/authV2?bfs=N">http://auth.grolier.com/cgi-bin/authV2?bfs=N</a>
«Британия энциклопедияси» (Encyclopedia Britannica) 2010 й., Чикаго, Британия энциклопедияси нашриёти	32 жилд	Бепул ва обуна <a href="http://www.britannica.com">www.britannica.com</a>
«Дин энциклопедияси» (Encyclopedia of Religion) 2004 й., Фармингтон Хилс, Томсон Гейл нашриёти	15 жилд	Электрон китоб кўринишидаги обуна <a href="http://www.gale.com">www.gale.com</a>
«Гейлнинг кўп маданиятли Америка энциклопедияси» (Gale Encyclopedia of Multicultural America), 1999 й., Фармингтон Хилс, Томсон Гейл нашриёти	3 жилд	Электрон китоб кўринишидаги обуна <a href="http://www.gale.com">www.gale.com</a>
«Гризмекнинг ҳайвонлар ҳаёти энциклопедияси» (Grizmek's Animal Life Encyclopedia) 2003–2004 йиллар, Фармингтон Хилс, Томсон Гейл нашриёти	17 жилд	Электрон китоб кўринишидаги обуна <a href="http://www.gale.com">www.gale.com</a>
«Макгроу ва Хиллнинг фан ва технологиялар энциклопедияси» (The McGraw-Hill Encyclopedia of Science and Technology) 2007 й., Нью-Йорк, Макгроу-Хилл профессионал нашриёти	20 жилд	Обуна <a href="http://www.mh.com/index.php">www.mh.com/index.php</a>
«Янги билим китоби» (The New Book of Knowledge) 2008 й., Денбюри, Гролиер нашриёти	21 жилд	Обуна <a href="http://go.grolier.com">http://go.grolier.com</a>
«Дунё китоби энциклопедияси» (The World Book Encyclopedia) 2011 й., Чикаго, Уорлд Бук нашриёти	22 жилд	Обуна <a href="http://www.worldbookonline.com">www.worldbookonline.com</a>

**Фойдаланиш учун маслаҳат берилувчи бепул  
онлайн энциклопедиялар веб-саҳифалари**

**Британия энциклопедияси.** Сайтга 25 мингдан зиёд қисқа мақолалар жойлаштирилган. Бундан ташқари, ҳар бир мақола охирида адабиётлар рўйхати ҳам берилган. Манзил: [www.britannica.com](http://www.britannica.com)

**Encyclopedia.com.** Олти ярим минг нашрдан олинган 80 миллиондан зиёд мақолалар бир қатор энциклопедиялардаги маълумотларни ўзида жамлаган. Манзил: [www.encyclopedia.com](http://www.encyclopedia.com)

**Infoplease.com.** Мазкур онлайн энциклопедия «Колумбия электрон энциклопедияси»нинг (The Columbia Electronic Encyclopedia) 2007 йилдаги нашрини ўзида акс эттирган бўлиб, унга 57000 та мақола кирган. Энциклопедиянинг катта камчилиги — янгиланиш суръати тез эмаслигидир. Манзил: [www.infoplease.com/encyclopedia/](http://www.infoplease.com/encyclopedia/)

**Википедия.** Гарчи мазкур энциклопедиядаги ҳар бир мақолани қайта текшириш тавсия этилса-да, Интернет тармоғидаги фойдаланувчилар сони буйича еттинчи ўринда турувчи мазкур манбанинг оммабоплигини инкор қилиб бўлмайди. Манзил: [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org)

## Recommended Resources Discussed in This Chapter

*Alexa.* Available: [www.alexacom/](http://www.alexacom/).

*Brockhaus.* Available: [www.brockhausde/](http://www.brockhausde/).

- Bunson, Matthew E. 1997. *Encyclopedia Sherlockiana*. New York: Hungry Minds, Inc. (now Wiley).
- Citizendium. Available: [http://en.citizendium.org/wiki/Welcome\\_to\\_Citizendium](http://en.citizendium.org/wiki/Welcome_to_Citizendium).
- Compton's by Britannica. 2010. Chicago, IL: Encyclopædia Britannica, Inc.
- DeMello, Margo. 2007. *Encyclopedia of Body Adornment*. Westport, CT: Greenwood Press.
- De Trevisa, John. 1988. *On the Properties of Things: De proprietatibus rerum*. Gloucestershire: Clarendon Press.
- Dictionary of Art. 1996. Jane Turner, ed. New York: Oxford University Press.
- Encyclopedia Americana. 2006. Danbury, CT: Grolier.
- Encyclopedia of Applied Physics. 2004. George L. Trigg, ed. Hoboken, NJ: John Wiley and Sons, Inc. Available: <http://mrw.interscience.wiley.com/emrw/9783527600434/home/>.
- Encyclopædia Britannica. 2010. Chicago: Encyclopædia Britannica, Inc.
- Encyclopedia of Global Warming and Climate Change. 2008. George Philander, ed. Thousand Oaks, CA: Sage Reference.
- Encyclopedia of the Historical Jesus. 2008. Craig A. Evans, ed. New York: Routledge.
- Encyclopedia of Homelessness. 2004. David Levinson, ed. London: SAGE Publications.
- Encyclopædia Judaica. 2006. 2nd ed. Michael Berenbaum, ex. ed. Farmington Hills, MI: Macmillan Reference.
- Encyclopedia of Modern Physics. 1990. Robert A. Meyers, ed. San Diego, CA: Academic Press, Inc.
- The Encyclopædia of the Orient. Available: [www.i-cias.com/e.o](http://www.i-cias.com/e.o) (accessed October 7, 2008). Changed to the LookLex Encyclopædia when checked January 2, 2011.
- The Encyclopedia of Philosophy. 2005. 2nd ed. Donald Borchert, ed. Farmington Hills, MI: Macmillan Reference.
- Encyclopedia of Protestantism. 2003. Hans Hillerbrand, ed. Oxford: Routledge.
- Encyclopedia of Race and Racism. 2008. John Hartwell Moore, ed. Farmington Hills, MI: Macmillan Reference.
- Encyclopedia of Religion. 2004. 2nd ed. Farmington Hills, MI: Thomson Gale.
- Encyclopedia Software Review. Available: <http://encyclopedia-review.toptenreviews.com/> (accessed January 2, 2011).
- Encyclopedia of Television. 2004. Horace Newcomb, ed. New York: Taylor & Francis.
- Encyclopedia of the World's Zoos. 2001. Catherine E. Bell. Chicago, IL: Fitzroy Dearborn.
- Gale Encyclopedia of Multicultural America. 1999. Farmington Hills, MI: Thomson Gale.
- Garland Encyclopedia of World Music. 1999. Ruth M. Stone, James Porter, and Timothy Rice. New York: Garland Publishing.
- Grolier Online. Available: <http://teacher.scholastic.com/products/grolier/index.htm>.
- Grzimek's Animal Life Encyclopedia. 2003–2004. 2nd ed. Farmington Hills, MI: Thomson Gale.
- Historica Foundation. *The Canadian Encyclopedia*. Available: [www.thecanadianencyclopedia.com/index.cfm?PgNm=TCESubjects&Params=Al](http://www.thecanadianencyclopedia.com/index.cfm?PgNm=TCESubjects&Params=Al).
- International Encyclopedia of the Social Sciences. 2007. 2nd ed. William A. Darity, Jr., ed. Farmington Hills, MI: Macmillan Reference.

- Knol*. Available: <http://knol.google.com/k>.
- Lands and Peoples*. 2005. Danbury, CT: Grolier.
- The McGraw-Hill Encyclopedia of Science and Technology*. 2007. 10th ed. New York: McGraw-Hill Professional. Also available online: [www.mhesh.com/index.php](http://www.mhesh.com/index.php).
- Mirwis, Allan N. 1999. *Subject Encyclopedias*. Phoenix, AZ: Oryx Press.
- My First Britannica*. 2008. Chicago, IL: Encyclopaedia Britannica, Inc.
- The New Book of Knowledge*. Available: [http://teacher.scholastic.com/products/grolier/program\\_TNBON.htm](http://teacher.scholastic.com/products/grolier/program_TNBON.htm).
- Oxford Music Online*. Available: [www.oxfordmusiconline.com/public/](http://www.oxfordmusiconline.com/public/).
- PSIO: Praeger Security International Online*. Available: [www.greenwood.com/psi/online\\_info.aspx](http://www.greenwood.com/psi/online_info.aspx).
- Proteopedia*. Available: [www.proteopedia.org/wiki/index.php/Main\\_Page](http://www.proteopedia.org/wiki/index.php/Main_Page) (accessed October 7, 2008).
- Routledge Encyclopedia of Philosophy*. 1998. Edward Craig, ed. New York: Taylor & Francis.
- Scholarpedia*. Available: [www.scholarpedia.org/](http://www.scholarpedia.org/).
- Werness, Hope B. 2003. *The Continuum Encyclopedia of Animal Symbolism in Art*. London, New York: Continuum International Publishing Group.
- Wikipedia*. Available: [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org).
- World Book Encyclopedia*. 2011. Chicago, IL: World Book.
- The World Book Discovery Encyclopedia*. 2009. Chicago, IL: World Book.

## Recommendations for Further Reading

---

- American Reference Books Annual*. 2011. Westport, CT: Libraries Unlimited. Also available at [www.arbaonline.com](http://www.arbaonline.com). *ARBAonline* provides access to more than 20,000 reviews submitted within the decade. In addition, up to 200 new or updated reviews are entered at the start of each month. The print edition, organized by subject, has a section on «Dictionaries and Encyclopedias».
- ARBA Guide to Subject Encyclopedias and Dictionaries*. 1997. 2nd ed. Englewood, CO: Libraries Unlimited. Though dated, this selection of subject dictionaries and encyclopedias culled from ten years of *ARBA* reviews provides a broad overview of the breadth of material available. New reviews can be found in *ARBAonline*.
- «Battle of Britannica». 2006. *The Economist* (April): 66. The attempt by *Nature* magazine to compare the accuracy of articles from the *Britannica* with those from *Wikipedia*, and the ensuing «battle» is covered in this thought-provoking article.
- «Encyclopedia Update, 2010». 2010. *Booklist* 105, no. 2 (September 15): 68–70, 72, 74–75. Authored by B. Bibel and S. Yusko, the ever-reliable annual update covers three major print encyclopedias and some online encyclopedias in some detail. The accounts are descriptive rather than analytical. The January 1 and 15, 2008, issues of *Booklist* also describe encyclopedias in global languages.
- Hane, Paula J. 2008. «Encyclopedias, Social Networks, and Health Resources Lead the News». *Information Today* 25, no. 1 (January): 7. The article gives a brief but telling overview of the new crop of beta products swarming in the world of collaborative online encyclopedias.

- Howard, Jennifer. 2006. «State University Presses Create Regional Encyclopedias». *The Chronicle of Higher Education* (February 3). An interesting survey of the popularity of both print and online versions of local and regional encyclopedias such as the 2007 *Encyclopedia of Alabama* and the 2006 *Encyclopedia of North Carolina* that took fifteen years to create as well as the 2004 *Encyclopedia of Chicago* that required more than a decade. Regional encyclopedias require both print and online versions because they are regarded as a source of information, yet also serve as prized gifts and must-haves for local buffs.
- Jacobs, A. J. 2004. *The Know-It-All: One Man's Humble Quest to Become the Smartest Person in the World*. New York: Simon & Schuster. A compelling and entertaining memoir that testifies to the age-old allure of encyclopedias, this book tells of Jacobs' attempt to read through all thirty-two volumes of the *Encyclopaedia Britannica*.
- Janes, Joseph. 2005. «Peditas, Familiar and Otherwise». *American Libraries* 36, no. 9 (October): 76. A provocative, though brief, rumination on the world of wikis as opposed to traditionally developed encyclopedias.
- Kister, Kenneth F. 1994. *Kister's Best Encyclopedias: A Comparative Guide to General and Specialized Encyclopedias*. 2nd. ed. Phoenix, AZ: Oryx Press. This is a must-read resource for understanding the immensity and internal organization of encyclopedic resources. Though well over a decade old, chapters on choosing, evaluating, and assigning relative values to available resources continue to provide welcome structure to collection development policies on encyclopedias.
- Kogan, Herman. 1958. *The Great EB: The Story of the Encyclopaedia Britannica*. Chicago: University of Chicago Press. This is an engrossing account of the making of the *Encyclopaedia Britannica*, and the towering ambitions that were passed from one visionary to the next so that the *Britannica* became a reality. It reads like a novel.
- Pack, Thomas. 2004. «Specialized Encyclopedias for In-Depth Information». *Information Today* 21, no. 5: 29–30. This article argues the need for the dramatic upsurge in the production of specialized encyclopedias. Such encyclopedias, he claims, have far greater value and in-depth utility than general encyclopedias.
- Pink, Daniel. H. 2005. «The Book Stops Here». *Wired Magazine* 13, no. 3 (March). Pink provides a quick tour of encyclopedia production principles from the One Smart Guy model (Aristotle), to the One Best Way model (Britannica) to the One For All model (Wikipedia).
- Seymour, Ursula. 2007. «Encyclopedias Still Going Strong». *Australian PC World* (January): 38. A novel viewpoint provided in the reviews of DVD versions of *Encyclopedia Britannica 2007 Ultimate Reference Suite* and *Encarta Reference Library 2007*. Both are seen as useful format acquisitions for the computer wary, with *Encarta* getting higher points for providing information less biased toward an exclusively American market.
- Shawn, Donna. 2008. «Wikipedia in the Newsroom». *American Journalism Review* 30, no. 1 (February/March): 40–46. Shawn provides a probing investigation of the citability of *Wikipedia*, which is treated more as «a road map to information than as a source to cite». The article ends with a list of «according to Wikipedia» attributions in the media by editors who have boldly gone where no media is usually willing to go, along with the editor's annotations.

«The 2008 Reference Review». 2008. *Kirkus Reviews* (November). An annual selection of significant reference publications, with a large percentage devoted to specialized encyclopedias.

## Bibliography of Works Cited in This Chapter

- Bailey, Annette. 1998. «The Good, the Bad, and the Dead! Using Encyclopedias». *School Library Media Activities Monthly* 15, no. 1 (September): 42–44.
- Beede, Benjamin, R. 2001. «Editing a Specialized Encyclopedia». *Journal of Scholarly Publishing* 33, no. 1 (October): 1–10.
- Bibel, Barbara, and Shauna Yusko. 2010. «Encyclopedia Update 2010». *Booklist* 105, no. 2 (September 15): 68–75.
- Cohen, Noam. 2008. «Start Writing the Eulogies for Print Encyclopedias». *The New York Times* (March 16): 3.
- Cohen, Steven, M. 2005. «Wiki While Your Work». *Public Libraries* 44, no. 4 (July/August): 208–209.
- Foster, Andrea. 2008. «What Google's New Encyclopedia Means for Students and Professors». *Chronicle of Higher Education* 55, no. 2 (September 5): A17.
- Giles, Jim. 2007. «Wikipedia 2.0 — Now with Added Trust». *NezuScientist* no. 2622 (September 20): 28–29. Also available: <http://technology.newscientist.com/>.
- Hamilton, B. 2003. «Comparison of the Different Electronic Versions of the *Encyclopaedia Britannica*: A Usability Study». *The Electronic Library* 21, no. 6: 546–554.
- Jacso, P. 2000. «How the Reference Market Is Being Won». *Information Today* 17, no. 10 (November): 54–55.
- Janes, Joseph. 2005. «What Does Google Know That We Don't?». *American Libraries* 36, no. 8 (September): 76.
- «Life Isn't 2-D, So Why Should Our Encyclopedias Be?» 2008. *Pharma Business Week* (September 8): 106.
- McArthur, Tom. 1986. *Words of Reference: Lexicography, Learning, and Language from the Clay Tablet to the Computer*. Cambridge, NY: Cambridge University Press.
- Peek, Robin. 2008. «The New Encyclopedia Brigade». *Information Today* 25, no. 25 (October): 17–18.
- Pew Internet and American Life Project. 2007. «Date Memo» (April). Available: [www.pewinternet.org/pdfs/PIP\\_Wikipedia07.pdf](http://www.pewinternet.org/pdfs/PIP_Wikipedia07.pdf) (accessed October 5, 2008).
- Roncevic, Mirela. 2006. «E-Reference on a Mission». *Library Journal* (September 15): 10.
- Steele, Robert. 2006. *Mediaeval Lore from Bartholomew Anglicus*. Middlesex, UK: Echo Library.
- Thompson, A.H. 2003. «The Ideal Electronic Multimedia Encyclopedia—Are We There Yet?». *Multimedia Information and Technology* 29, no. 4 (November): 111–113.

# 6

## Топиш осон бўлган фактларни талаб қилувчи саволларга жавоб бериш — тайёр маълумотли манбалар

---

### Қисқача шарҳ

---

Маълумот етказиш жараёнида оддий саволлар нисбатан кам учрайди. Бундай ҳолатда кутубхоначилар саналар, воқеалар, статистика маълумотлари, исмлар ва топиш осон бўлган фактлар орқали фойдаланувчининг қисқа ва лўнда саволларига жавоб қайтаришга ҳаракат қилади.

Тайёр маълумотлар билан ишлаш тезкор жараён бўлиб, у кутубхоначига завқ бағишлаши баробарида унинг «ҳамма нарсани билувчи» одам сифатидаги ўзига ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, кутубхоначи ўзи мунтазам равишда тўқнаш келувчи саволларга жавоб бера оладиган манбалар коллекциясини шакллантириши орқали иш жараёнини бирмунча осонлаштириши мумкин.

Аксарият кутубхоналарнинг веб-сайтларида фойдаланувчиларни тайёр жавобли манбаларга йўналтирувчи махсус белги бор бўлиб, уни ҳамма ҳар жил номлайди. Масалан, Пурдью университети кутубхонаси сайтида ([www.lib.purdue.edu/eresources/readyref](http://www.lib.purdue.edu/eresources/readyref)) бу белги «тезкор маълумот» (quick reference), Делавер университети кутубхонаси сайтида ([www2.lib.udel.edu/ref/virtual/index.htm](http://www2.lib.udel.edu/ref/virtual/index.htm)) «виртуал маълумотнома» деб аталган. Онлайн манбалар ва уларни белгилаш орқали «билим тўпламлари»ни яратиш имконияти тайёр маълумотли манбаларда фойдаланиш имкониятларини кенгайтирган бўлса-да, бу турдаги саволларга жавоб қайтариш жараёнини бирмунча осонлаштирувчи одатдаги маълумот манбалари ҳали ҳам бор. Мазкур бобда ана ўша манбалар кўриб чиқилиб, улар «нима?», «қайси?», «қачон?» ва «қандай қилиб?» деган саволларга қай йўсинда жавоб бериши масаласи ўрганилади.

### Тайёр жавобли манбадан қандай фойдаланилади?

Тайёр жавобли манбага бўлган эҳтиёж қуйидаги ҳолатларда юзага келади:

- қисқа ва лўнда жавоб керак бўлганида;
- таҳлилий эмас, фактологик маълумотга эҳтиёж сезилганда;
- бир-бирига алоқадор фактлар битта манбада жойлаштирилиши лозим бўлганида;
- изланаётган ахборот кенг қамровли, лекин чуқур бўлмаганида;
- бошланғич изланиш учун кўчирмалар керак бўлганида;

- Интернет орқали топилган маълумотларнинг тўғрилигига шубҳа уйғонганида.

Тайёр жавобли маълумотлар ҳар доим ҳам «жўн» бўлавермайди. Мэриди Ожаланинг ёзишича, «савол бир қарашда оддий, фактга асослангандай кўринса-да, унга жавоб топиш анча мушкул бўлиши мумкин» (Ожала, 2001: 59). Одатда, бу каби саволларга жавоб бера олувчи керакли манбани топиш тайёр жавобли маълумотлар билан ишлашдаги биринчи қадамдир.

### Тайёр жавобли маълумотлар қуйидаги турдаги саволларга жавоб қайтаради:

Савол: Ер билан қуёш ўртасидаги масофа қанча?

Жавоб: «*Жаҳон альманахи*» (*World Almanac*) энциклопедиясида айтилишича, 91,04–94,5 миллион миль.

Савол: Янги компьютер дастури учун муаллифлик ҳуқуқини расмийлаштиришнинг нархи қандай?

Жавоб: Уттиз беш доллар. [www.copyright.gov](http://www.copyright.gov) сайтидан бу масалага доир батафсил ахборот олиш мумкин.

Савол: «Анна Франкнинг кундаликлари» асаридаги қайси қаҳрамон овқат ўғирлайди?

Жавоб: *MagillonLiterature Plus* маълумотлар базасида айтилишича, жаноб Ван Даан.

Савол: АҚШда олий маълумотга эга бўлган эркеклар билан аёлларнинг ўртача маоши қанча?

Жавоб: «*АҚШ статистика маълумотномаси*» (*The Statistical Abstract of the United States*) 2011 (704-жадвал) маълумотларига кўра, эркекларнинг ўртача йиллик маоши 43 131, аёлларники 25 076 долларга тенг.

### Маълумот бериш жараёнида ишлатилувчи асосий тайёр маълумотли манбалар

Мазкур бобда альманах, фактологик маълумотномалар, истеъмолчилар ҳисоботлари, қисқа шарҳлар, хронологиялар ва йилномалар кўриб чиқилади.

«Ким?», «нима?», «қаерда?», «қайси?», «қачон?» ва «қандай қилиб?», деган савол категорияларига мос келувчи манбаларни аниқлаш орқали улардан муайян мавзу бўйича жавоб олиш имкониятларини аниқлаш мумкин. Савол категорияларига мос келувчи мавзулар ўзгариши мумкин бўлиб, мазкур бобда берилган мисоллар билан чекланмайди, албатта. Умумий мазмундаги саволларга энциклопедия, альманах ёки [www.ipl.org](http://www.ipl.org), [www.bartleby.com](http://www.bartleby.com), [www.libraryspot.com](http://www.libraryspot.com), [corp.credoreference.com](http://corp.credoreference.com) каби веб-порталлар орқали жавоб топиш энг қулай восита ҳисобланади.



Тур	Умумий манбалар	Ихтисослашган манбанинг номи	Мисол
Ким	Телефон рақамлари китоби, ҳукумат маълумотномалари, альманахлар	www.anywho.com	Менга муайян манзилда жойлашган одам ёки ташкилотнинг телефон рақами керак
Нима	Истеъмолчи ва фуқаролар маълумотномалари, коллежлар, грантлар, иш жойлари ҳақидаги маълумотномалар	www.cem.va.gov	АҚШ миллий қабристониди дафн этилиш учун қандай талабларни бажариш лозим?
Қайси	Адабий асарлар шарҳлари, йилномалар	Masterplots	Қайси рус ёзувчисининг асарида қаҳрамон ҳасис судхўрни улдирган?
Қаерда	Манзилини ўзгартирган ташкилотлар, альманахлар	City profiles USA	Айдахо штатидаги жиноятчилик курсаткичлари, об-ҳаво ва мактаблар рейтингларини қаердан топсам бўлади?
Қачон	Жадваллар ва воқеалар, хронологиялар, альманахлар	Chase's Calendar of Events	Июль ойида қайси машҳур одамлар дунёга келган?
Қандай қилиб	Одоб-ахлоқ, статистика маълумотлари, қўлланмалар	Robert's Rules of Order	Кворум ташкил бўлиши учун талаб этилувчи энг кам одамлар сонини қанча?

## Умумий фактлар

Альманахлар тайёр маълумотли манбаларнинг қисқача кўриниши бўлиб, уларда ким, нима, қаерда, қайси, қачон ва қандай қилиб, деган саволларга жавоб берувчи умумий маълумотлар қисқа, лўнда, фактологик тарзда ташкиллаштирилган ҳолда ўқувчига тақдим этилади. 1300 йилларда пайдо бўлган илк альманахлар, одатда, календарь ва об-ҳаво ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган. Бора-бора улар ҳар соҳадан бир шингил маълумотни қамраб олиш орқали кенгайиб борган. Бенжамин Франклиннинг энг яхши кўрган Бечора Ричард альманахи (Poor Richard's Almanac) 1733 йилда чоп этилган бўлиб, йўл номлари ва озроқ шеърий асарларни ҳам ўз ичига олган.

Ҳозирги кунда шеър ва йўл номлари альманахларга кирмаётган бўлса-да, лекин оммабоп фактлар тўғрисида имкон қадар кенгроқ маълумот бериш альманах муваффақиятини белгиловчи асосий омил бўлиб қолмоқда. Кези келганда альманахлар «ҳаддан ташқари тўлиқ» маълумот бериш орқали террористларга ўз қилмишларини режалаштиришда билвосита қўмак кўрсатгани ҳам таъкидланган. Гап шундаки, 2001 йил 11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатидан сўнг ўтказилган суриштирув жараёнида «Ал-Қоида» гуруҳининг яширин агенти уйдан АҚШдаги темир йўллар, сув тўғонлари ва сув омборлари ҳақидаги маълумотларни аке эттирган қўплаб альманахлар топилган. Шунда кутубхоначилар ««альманахларни ташиб юрган» одамларга

нисбатан хушёр бўлишга даъват этиб, АҚШ қидирув бюроси (FBI) томонидан чиқарилган бюллетенга қарши «Альманахлар эмас, одамлар ўлдиради», дея жавоб қайтаришган («АҚШ қидирув бюроси (FBI)нинг альманахларга нисбатан хушёр туриш» тўғрисидаги бюллетени, 2004).

АҚШдаги энг нуфузли ва оммабоп альманах — бу ҳар йили чоп этилувчи «Дунё альманахи ва фактлар китоби» (*World Almanac and Book of Facts*) бўлиб, у 1868 йилдан бошлаб нашр қилинади, 1886 йилдан бошлаб эса ҳар йили эълон қилиб келинмоқда. Нашрда фактлар, воқеа-ҳодисалар деталлари, турли хил рейтинглар, қўлланмалар ҳамда ахборот бериб борилади. Нашрнинг босма кўриниши 1008 бетдан иборат бўлиб, ҳам юмшоқ, ҳам қаттиқ муқовада чоп этилади. Альманах электрон китоб кўринишида ҳам мавжуд бўлиб, Infobase Publishing eBook Master Collection тўпламининг бир қисми сифатида мактаб ва кутубхоналарга гарқатилади. Альманахнинг 2011 йилги сонини Amazon.com сайти орқали харид қилиш мумкин. Нашрнинг болалар учун мўлжалланган «Болалар учун мўлжалланган жаҳон альманахи» (*The World Almanac for Kids*) тури онлайн маълумотлар базаси кўринишида мавжуд.

Иккиламчи форматдаги манба сифатида тақдим қилинувчи йиллик Time Almanac нашри [www.infoplease.com](http://www.infoplease.com) бепул веб-сайтига боғлиқ. Китобнинг бошида деталлашган индекс кўрсаткичлар акс этган бўлиб, у китобнинг бўлимларини тез ва осон ажратиш имконини беради. Альманахнинг диққатга сазовор жиҳатларидан бири — унинг ўқувчилари сайтдан бепул фойдаланиш имконига эга бўлишидир. Альманахнинг болалар учун мўлжалланган нашри ҳам бор бўлиб, у *TIME for Kids Almanac* деб аталади ва [www.factmonster.com](http://www.factmonster.com) сайтидан бепул фойдаланиш имкониятини тақдим этади.

## Канада ва Буюк Британия

Аксарият альманахлар глобал миқёсда фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса да, нашр муайян ўқувчилар гуруҳига аталганда унинг аҳамияти бирмунча ортади. *World Almanac* ёки *Time Almanac* фойдаланувчилари нашрдан кенг миқёсдаги статистика маълумотлари, календарлар, илмий маълумотлар, биографиялар, янгиликлар билан бир қаторда, АҚШ ҳукумати, сиёсий тузилиши, давлат, фан ва маданият арбоблари тўғрисидаги кўплаб фойдали маълумотларни топиш имконига эга. Шунинг учун альманах қайси мамлакатда чоп этилганига қараб, ўқувчи ўша мамлакат ҳақидаги фойдали маълумотларни ҳам билиб олиши мумкин.

1868 йилдан буён Буюк Британияда чоп этиб келинаётган «Уитакер альманахи» (*Whitaker's Almanack*) «замонавий дунёни “айлантириб турган” одамлар, муассасалар ва жараёнларни акс эттириш»ни мақсад қилган. Глобал миқёсдаги статистика ва умумий маълумотлар билан бир қаторда Уитакер Буюк Британия ҳақидаги маълумотларнинг бекиёс манбаи ҳамдир. Нашрга қўш имча равишда дунё ва мамлакат миқёсида рўй берган эътиборга молик воқеаларга багишланган маълумотнома ҳам таклиф этилади.

Нашрнинг мундарижасида ахборот йирик таснифларга қараб ажратиб чиқилган ва барча каталог кўрсаткичлари ҳам кенг миқёсли тарзда гартибга солиб чиқилган. Альманахнинг онлайн кўриниши йўқ. Шундай бўлса-да,

www.whitakersalmanack.com сайтида намунавий мақолалар ҳамда фойдали веб-сайтларга ҳаволаларни топиш мумкин.

«Канада альманахи маълумотномаси» (*Canadian Almanac and Directory*) альманахи 1847 йилдан буён чоп этилиб, «Канаданинг етакчи маълумотлар манбаи» сифатида эътироф этилади. Нашрда альманахларга хос бўлган маълумотлар билан бир қаторда кўплаб кўрсаткичлар ҳам бериб ўтилган. Статистик маълумотлар, хариталар, оғирлик ва бошқа ўлчовлар, миллий мукофотлар, Канада рамзлари билан бир қаторда нашрда бизнес, тури агентликлар, уюшмалар, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, нашриётлар ва бошқа фойдали маълумотлар бериб ўтилган. Мамлакат тарихига бағишлаб икки тилда ёзилган мақола нашр «Канадага бир назар ташлаш» имконини берувчи манба эканини амалда исботлайди.

## Маҳаллий фактлар

Тайёр маълумотли манбаларнинг муҳим таркибий қисми — улардаги маҳаллий ахборотдир. Бунинг учун керак бўлган манбалар турли хил бўлиши мумкин. Улар орасида қуйидагилар бор:

- шаҳар харитаси;
- шаҳар маъмурияти тўғрисидаги маълумотлар;
- маҳаллий муассасалар, агентлик ва уюшмалар;
- сайёҳлар учун мўлжалланган ахборот;
- керакли хизматлар — почта, нотариус, паспорт хизмати ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар;
- кутубхона манзили ва унга қандай етиб келиш мумкинлиги тўғрисидаги маълумотлар.

АҚШнинг Нью-Жерси штатидаги Парсипани-Трой Хилз жамоат кутубхонаси «*Парсипанига янги келганлар учун*» (*New to Parsippany*) маълумотномасини нашр қилди; унга шаҳарга янги кўчиб келганлар учун керак бўладиган барча асосий маълумотлар киритилган. Бундан ташқари, нашрда минтақадаги энг оммабоп веб-сайтлар рўйхатлари ҳам акс этган.

## «Ким?» саволига жавоб берувчи манбалар

«Ким?», деган саволга жавоб берувчи фактлар, одатда, телефон ёки биографик маълумотномалардан топилади. Шу билан бирга улар компания ва одамлар ҳақида ҳам керакли маълумотларни ўз ичига олиб, кутубхоначи ўз фойдаланувчиларига самарали хизмат кўрсатишида муҳим аҳамият касб этади. Blue Pages, деб номланган маълумотномада, шунингдек, маҳаллий ҳокимият муассасаларининг манзил ва телефон рақамлари берилган. «Веризон» компанияси ўз каталогига маҳаллий маълумотнома нашрини ҳам қўшиб, унда минтақа харитаси, аэропорт ва стадионлар режалари, маҳаллий кўнгилочар ва дам олиш жойлари, воқеалар календари каби фойдали маълумотларни жойлаштиради. Онлайн телефон каталоглари билан бир қаторда www.anywho.com, www.superpages.com, www.switchboard.com каби сайтлар одамлар ва корхоналарни топишда қўл келиши мумкин бўлган манбалардир. www.switchboard.com сайтида веб-манзиллар, минтақа кодлари, почта кодларини қидириш имконияти мавжуд.

Айрим нашриётлар чоп этадиган оддий махсус маълумотномаларни баъзилар телефон маълумотномаларидан кўра фойдалироқ, деб ҳисоблайди. Жумладан, Gale Group ҳамда Omnigraphics компаниялари телефон маълумотномаларига қўшимча маълумотномаларни чоп этишга ихтисослашиб, улардан бепул қўнгироқ қилиш имконияти бўлган телефон рақамлари, АҚШ компанияларининг бош қароргоҳлари рўйхати ҳамда веб-сайтлар рўйхати каби маълумотларни топиш мумкин.

АҚШда, шунингдек, махсус соҳалар бўйича маълумот беришга ихтисослашган нашрлар ҳам мавжуд бўлиб, улар орасида «*Молиялаштириш фаолияти билан шуғулланувчи корпорациялар миллий каталоги*» (*National Directory of Corporate Giving*) ҳамда «*Нотижорат ташкилотлар миллий каталоги*» (*National Directory of Nonprofit Organizations*) шулар жумласидан. «*Молиялаштириш фаолияти билан шуғулланувчи корпорациялар миллий каталоги*»да АҚШдаги мингдан зиёд молиялаштирувчи ташкилот ҳақидаги, «*Нотижорат ташкилотлар миллий каталоги*»да 180 мингдан зиёд нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар жамланган.

Мамлакат бўйлаб 36 400 та почта бўлимига эга бўлган ва йилига 141 миллион нафар аҳолига хизмат кўрсатадиган АҚШ почтасининг ҳам ўз наشري бор бўлиб, у икки жилддан иборат «*Беш сонли миллий почта индекси ва почта каталоги*»дир (*National Five-Digit Zip Code and Post Office Directory*). Нашрда мамлакатдаги барча почта бўлимлари ҳамда ҳар бир кўчанинг беш сонли почта индекси кўрсатиб ўтилган. Штатлар бўйича ташкиллаштирилган нашрнинг ҳар бир бўлимида штат харитаси ҳамда уч сонли почта индекси бўлимлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам бор.

Нашрнинг иккинчи жилдида янги ва бекор қилинган почта индекслари, почта турлари ҳамда махсус хизматлар деталлари берилган. Нашрнинг онлайн кўринишидан [www.usps.com](http://www.usps.com) манзилида бепул фойдаланиш мумкин. Канада почта хизматининг веб-сайти [www.canadapost.ca/segment-e.asp](http://www.canadapost.ca/segment-e.asp) манзили бўйича жойлашган. Унда почта индекслари ва Канада муниципалитетларининг рўйхати билан тапишиш мумкин.

«*Америкадаги кўзга кўринган одамлар*» (*Who's who in America*) нашри АҚШ жамоатчилигига бир асрдан кўпроқ вақт давомида маълум. Илк бора 1898 йили чоп этилган нашрнинг ҳозирги кўриниши икки жилдда чиқиб, унда 100 000 дан зиёд «катта муваффақиятга эришган инсонлар» ҳақидаги маълумотлар берилган. Нашрнинг аҳамияти шундаки, ундан бошқа мамлакатларда унчалик ном қозонмаган америкаликлар ҳақида маълумот олиш мумкин. Нашрдан нафақат АҚШ жамиятининг юқори қатлами вакиллари ва илм-фан намояндалари, балки катта муваффақиятларга эришган, лекин кенг жамоатчиликка номи маълум бўлмаган бизнесменлар, санъат, фан ва таълим вакиллари ҳақида билиб олиш мумкин. Фойдаланувчи ўзига керак исми топиши учун иккита кўрсаткичли каталог берилган. Биринчи каталог географик жойлашув бўйича тузилган бўлса, иккинчиси касб турларига қараб сараланган.

«*Дунёдаги энг кўзга кўринган одамлар*» (*Who's Who in the World*) юқорида айтиб ўтилган нашрга қўшимча тарзда чоп этилиб, дунё миқёсида донғи кетган 50 мингга яқин арбоб ҳақидаги маълумотни камраб олган. Нашрлардан онлайн кўринишда обуна орқали фойдаланиш мумкин бўлиб, бунинг учун [www.marquiswhoswho.net](http://www.marquiswhoswho.net) манзилга кириш kifоя. Нашрнинг онлайн кўри-

ниши кундалик равишда янгиланиб, сайтда одамларни исми, жинси, дини ва бошқалар бўйича излаш имконияти бор. Веб-сайтдан, шунингдек, *Who's Who*нинг 20 та бошқа нашри ҳам жой олган бўлиб, уларда муайян соҳа мутахассисларини излаб топиш мумкин. Бу нашрлар илмий ва махсус кутубхоналар учун фойдали бўлиб, жамоат ёки мактаб кутубхоналарида уларга қизиқиш бирмунча паст.

*Who's Who*нинг муайян соҳаларга ихтисослашган нашрлари ҳақидаги маълумотларни «Адабиёт бозори» (*Literary Market Place — LMP*) журналидан топиш мумкин бўлиб, АҚШда чоп этилаётган китоблар сони геометрик прогрессия ҳажмида кўпайиб бораётган бир шароитда, мазкур журналнинг аҳамияти ҳам ортмоқда. Бир неча ўн йиллардан буён чоп этиб келинаётган LMP Шимолий Америка китоб бозори ҳақидаги ишончли ва кенг миқёсли ахборот манбаи сифатида талқин этилади. Манбада АҚШ ва Канадада мавжуд бўлган нашриётлар, адабий агентлар, таҳрир хизматлари ҳақидаги маълумотлар жамланган. Маълумотлар алифбо, мавзу, географик жойлашув ва нашр тури бўйича сараланган. Китоб ярмаркалари ва бошқа шу каби воқеалар календарлари ҳамда мавжуд мукофотлар ҳақидаги маълумотлар билан танишиш имконияти ҳам бор. Ахборот йил давомида янгиланиб, ҳар йили бир марта босма шаклда чоп этилади. Нашрнинг онлайн кўриниши [www.literarymarketplace.com](http://www.literarymarketplace.com) манзилида жойлашган бўлиб, унда LMPнинг ўзи билан бир қаторда халқаро китоб бозорига бағишланган *International Literary Market Place*, деб номланган нашри ҳам жойлаштирилади ва мунтазам равишда янгиланган борилади. Сайт хизматларидан бепул (чекланган маълумот олиш имконияти) ва пуллик (чекланмаган маълумот олиш имконияти) равишда фойдаланиш мумкин.

## «Нима?» саволига жавоб берувчи манбалар

«Нима?» деган савол истеъмолчилик туридаги хавотирлар туфайли келиб чиқади. Мавжуд таклифлар, маҳсулот ва хизматлар турлари деярли чексиз бўлиб турган бир шароитда, инсон учун «Нимани танлаш керак?» саволи турмушдаги энг кўп учрайдиган саволга айланиб улгурди, десак муболаға бўлмайди.

Шу ўринда айтиш керакки, вақт ўтиши билан саволлар оддийдан мураккаблашиб, бир вақтлар «энг яхши ресторан», «чангютгич» ёки «машина» билан қизиққан фойдаланувчилар эндиликда қайси касбни танлаш, қайси университетда ўқиш, ҳукумат томонидан кўрсатилувчи кўмак каби саволлар билан мурожаат қилишга ўтмоқда. Шу боис истеъмолчилар учун мўлжалланган маълумотномалар кутубхоналарда ўз ўрнини эгаллаб улгурди. АҚШда чоп этилувчи «Истеъмолчи учун ҳисоботлар» (*Consumer Reports*) ойлик журнали ва йиллик чоп этилувчи «Истеъмолчи учун ҳисоботлар, нимани харид қилиш маълумотномаси» (*Consumer Reports Buying Guide*) нашрлари истеъмолчининг «нимани харид қилиш борасидаги энг яқин дўсти» сифатида илгари сурилади. Турмушда керак бўлувчи маҳсулотлардан тортиб, автомобилларгача бўлган товарларни қамраб олган нашр истеъмолчига бозорни ўрганиш, ундаги тенденцияларни кузатиш, солиштириш, маҳсулотларнинг афзалликлари ва хусусиятларини билишга кўмаклашади. Маҳсулотлар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтилувчи «Маълумотнома» (*Guide*) ҳар ой чоп этилувчи «Шарҳлар» (*Reports*) билан боғлиқ бўлиб, «Маълумотнома» оммабоп маҳсу-

лотлар ҳақидаги қисқача маълумотларни акс эттирса, «*Шарҳлар*» да маҳсулотлар ҳақидаги тўлиқ маълумот ҳавола этилади. Нотижорат ташкилот мақомига эга бўлган *Consumer Reports* компаниясининг нуфузи у ҳеч қайси ишлаб чиқарувчига боғлиқ эмаслиги билан изоҳланади. Компания мутахассислари истеъмолчилар орасида катта муваффақият қозонган маҳсулотларни харид қилади ва мустақил равишда унинг сифатини текширади. Нашр на реклама ва на компаниялар томонидан тақдим этилувчи бепул намуналарни қабул қилади. Нашрнинг онлайн кўриниши тўрт йиллик архивга эга бўлиб, унинг ичидан маълумот излаш имконияти бор. Ундан [www.consumerreports.org](http://www.consumerreports.org) сайтида пуллик равишда фойдаланиш мумкин. Манбада, шунингдек, «Канада экстра» деб номланган махсус бўлим ҳам бўлиб, унда Канададаги маҳаллий маҳсулотларнинг рейтингини берилган. «Эндмунд маълумотномалари» да (*Edmunds Guides*) ҳам янги, ҳам ишлатилган автомобилларнинг нархи бўйича тўлиқ маълумот топиш мумкин. Ҳозирги кунда чоп этилишдан тўхтаган нашр электрон кўринишда, [www.edmunds.com](http://www.edmunds.com), мавжуд бўлиб, автомобиллар рейтингини берилувчи илк бепул сайт сифатида анча оммабоп. Сайтда рейтинглар ҳамда қўшимча қийматли маълумотлар, жумладан, автомобиль кредити учун тўланадиган ойлик тўлов ҳисоб-китоби, ишлатилган автомобилларнинг географик жойлашув бўйича рўйхати бепул тарзда бериб борилади.

АҚШда мавжуд бўлган касб гуруҳларининг лўнда ва яхши ташкиллаштирилган маълумотномаси ҳар икки йилда чикувчи «Касблар маълумотномаси» (*Occupational Outlook Handbook* — ООН), деб номланган нашрда кўрсатиб ўтилган. Нашрда муайян касб унинг бозордаги аҳамияти, келажакдаги истиқболлари ва шу каби фойдали маълумотлар бериб борилади. Нашрга 822 хил касб киритилган бўлиб, унда касбларнинг ўзига хос хусусиятлари, иш шароити, бандлик статистикаси, касбнинг 2016 йилга қадар бўлган истиқболлари, касбни эгаллаш учун талаб қилинувчи тайёргарлик, ўртача маош, ўхшаш касблар, қўшимча маълумот манбалари, қасаба уюшмалари ҳақидаги ахборотлар ёритилган. Нашрга кирган маълумотлар онлайн кўринишда бепул тарзда [www.bls.gov/oco](http://www.bls.gov/oco) манзилида ҳам бор.

ООН ҳар икки йилда янгиланишни ҳисобга оладиган бўлсак, ҳар чоракда ҳам босма, ҳам онлайн шаклда чоп этилувчи «Касблар маълумотномаси» (*Occupational outlook quarterly*) ООНнинг ўзига хос ҳамкори ҳисобланади.

Молиявий кўмак масаласига бағишланган ахборот манбалари ҳам талайгина. Улардан, жумладан, маҳаллий ҳокимият вакилларига атиги бир долларга сотиладиган уйлар, имконияти чекланган болаларнинг таълим олиши учун мўлжалланган грантлар, уй-жойга муҳтож бўлган ветеранлар учун мўлжалланган кафолатланган кредитлар ва кўплаб бошқа маълумотларни топиш мумкин. «*Ҳукумат кўмаги каталоги*» (*The Government Assistance Almanac*) фойдаланувчилар учун қулай бўлган тижорат альманахи ҳисобланади. У АҚШ ҳукумати томонидан ҳар йили чоп этилувчи «*Федерал ички кўмак каталоги*»нинг (*Catalog of Federal Domestic Assistance*)га ўхшаб кетади. «*Ҳукумат кўмаги каталоги*» ҳукумат муассасалари томонидан кўрсатилувчи ички молиявий ёрдам манбаларини кўрсатиб ўтиб, унда кўмак мақсади, кўмак олиш мезонлари, ҳажми, кўмак кўрсатувчи ташкилот манзили, телефон рақамлари ва сайти ҳақидаги маълумотлар берилган. Худди шу маълумотларни нашрнинг [www.cfa.gov](http://www.cfa.gov) манзилидаги сайтдан

ҳам топиш мумкин бўлиб, у ҳар икки ҳафтада бир маротаба янгилаб турилади. Сайтдан керакли маълумотлар билан бир қаторда қўмақ олишда тўлдирилувчи шакллари ҳам компьютерга кўчириб олиш имконияти мавжуд.

2004 йилда АҚШда мустақил компаниялар томонидан ҳомийлик қилинувчи ташкилотлар томонидан 27 миллиард доллар миқдорда грантлар ажратилган. Ана шундай жамғармаларнинг 10 мингдан ортиқроғи ҳақидаги маълумотларни «Жамғармалар маълумотномаси» (*Foundation Directory*) нашри орқали топиш мумкин. 1960 йилдан буён чоп этиладиган маълумотнома ҳар йили янгиланиб чоп этилади. Нашрдаги маълумотлар грант берувчи ташкилотларнинг географик жойлашуви бўйича тартибга солинган бўлиб, нашрдан излаш жараёнини осонлаштирувчи каталог кўрсаткичлари ҳам жой олган. Манбада жисмоний шахсларга берилувчи грантлар ҳақида маълумот йўқ. Нашрнинг сайти [www.fdncenter.org](http://www.fdncenter.org) манзилида жойлашган ва ҳар ҳафта янгилаб турилади.

Яқин ўтмишда бирор олий таълим муассасасида ўқиш имкониятларини билиш учун кўплаб босма адабиётларни текшириш ва университетлардан олинган ўқув дастурлари билан танишиб чиқиш талаб қилинар эди. Аммо вақт ўтиши билан олий таълим муассасалари соҳасидаги маълумотларни умумлаштирувчи нашрлар ҳам пайдо бўлиб, энди фойдаланувчилар керакли маълумотни топиши бирмунча осонлашди. Ана шундай нашрлар орасида Питерсон нашриётининг олти жилдан иборат «Олий ўқув юртлари дастурларининг йиллик маълумотномаси» (*Annual Guide to Graduate Programs*) алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур альманаҳда ҳам АҚШ, ҳам чет давлатларда олий таълим олиш учун мавжуд имкониятлар ҳақидаги тўлиқ ахборот бериб борилади. Нашрдан 1800 та университет бўйича мавжуд таълим йўналишлари, қабул қилинувчи талабалар сони, ўқиш нархи, компьютер техникаси билан жиҳозланганлик, ётоқхона ҳамда алоқа учун маълумотларни топиш мумкин. Бундан ташқари, Питерсон нашриёти томонидан АҚШдаги икки йиллик ва тўрт йиллик таълим дастурларини таклиф қилувчи қоллежлар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар тўпланган альманаҳлар чоп этилади.

Бэрронс нашриётининг «Америка коллежлари ҳақида маълумотлар» (*Profiles of American colleges*), АҚШ Коллежлар кенгашининг «Коллежлар бўйича қўлланма» (*College handbook*) каби нашрлари ҳам олий таълим соҳасига алоқадор маълумотларни олиш учун қулай манбалар сирасига киради.

Олий таълим муассасалари билан бир қаторда, бошланғич таълим муассасалари, яъни мактаблар ҳақидаги маълумотлар кирилган нашрлар ҳам кутубхона коллекциясида бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, «Хусусий мактаблар қўлланмаси» (*Handbook of Private Schools*) мамлакатда фаолият юритувчи хусусий мактаблар ҳақида ахборот беради. «Америка савдо мактаблари каталоглари» (*American Trade Schools Directory*) барча турдаги касблар бўйича таълим берувчи мактаблар тўғрисидаги маълумотлар бор.

## «Қайси» саволига жавоб берувчи манбалар

«Қайси?» деган саволлар баъзан «Нима?» деган савол билан алмашган ҳолда келиши мумкин. Шундай бўлса-да, «Қайси?» деган саволнинг жавоби бир буюм ёки бир соҳага алоқадор бўлади. Масалан, «Қайси кимёвий восита?», «Қайси қўшиқ?», «Қайси дори?» ва ҳоказо.

«Қайси?» деган саволнинг жавоби бироз чуқурроқ бўлиб, қуйида келтирилган мисоллар ушбу саволга жавоб бериш услубиятини эгаллашга ёрдам беради.

«*Мастерплотс*» (*Masterplots*) кўп жилдли тўплам бўлиб, адабиётнинг турли йўналишлари, жумладан, фантастика, драма, шеърят, ҳикоялар ва ҳоказолар таҳлил қилинган маълумотларни ўз ичига олган. Барча кўзга кўринган адабий асарларни таҳлил қилишни, уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришни мақсад қилган нашр 1949 йилдан буён чоп этиб келинади. Қисқача мазмун билан бир қаторда айрим мақолалар, танқидчиларнинг баҳолари, шарҳлар ва библиографиялар билан бирга берилган. Ўн икки жилддан иборат бўлган «Мастерплотс»нинг 2010 йилда чоп этилган 4-таҳрирдаги нашрида адабий жанрларнинг барчаси жамланган бўлса, саккиз жилдли «*Мастерплот II ҳикоялар тўплами*» (*Masterplot II, Short Story Series*) ва тўрт жилдли «*Мастерплот II драмалар тўплами*» (*Masterplot II, Drama Series*) муайян адабий йўналишга ихтисослашган. Олти жилддан иборат бўлган «*Мэҗилнинг АҚШ адабиёти шарҳи*» (*Magill's Survey of American Literature*) ҳамда шунга ўхшаш «*Жаҳон адабиёти шарҳи*»да (*Survey of World Literature*) 339 нафар АҚШ ва канадалик ҳамда 380 нафар дунёга донғи кетган муаллифларнинг таржимаи ҳоли, библиографияси, асарларидан парчалар, асарлар таҳлили берилган. Нашрга киритилган муаллифлар асар жанри, мамлакат, жинс ва миллати бўйича сараланган бўлиб, бу фойдаланувчининг «Хитойда туғилган қайси америкалик шоир?» ёки «18-асрда яшаб ўтган қайси африкалик драматург?» кабиларидаги саволларига жавоб топиш жараёнини бирмунча осонлаштиради.

«*СРСнинг кимё ва физика бўйича қўлланмаси*» (*The CRC Handbook of Chemistry and Physics*) нашрининг 91 та таҳрири бор бўлиб, у узок вақт давомида органик ва ноорганик моддалар хоссалари, кимё ва физика фанларига оид маълумотларни топиш борасидаги энг ишончли ва кенг қамровли манба ҳисобланган. Нашрнинг CD-ROM кўриниши керакли сўз, физик хоссалар, кимёвий ном, молекуляр формула бўйича тез излаш имкониятларини назарда тутди.

## «Қачон?» саволига жавоб берувчи манбалар

1957 йили ака-ука Чейзлар томонидан 32 бетли рисола сифатида чоп этилган «*Чейзларнинг йиллик воқеалар календари*» (*Chase's Annual Calendar of Events*) айна пайтда йил давомида рўй бериши режалаштирилган муҳим ва оддий воқеа-ҳодисалар, тадбирлар, байрамлар ҳақидаги энг ишончли ва оммабоп нашр сифатида талқин этилади. Нашрдаги маълумотлар календар кунлари бўйича сараланган бўлиб, унда махсус воқеалар, тадбирлар, машҳур одамларнинг туғилган кунлари ҳақидаги ахборот билан танишиш мумкин. Бундан ташқари, нашрдан президент фармонлари, диний тадбирлар, машҳур воқеалар юбилейлари, муайян компаниялар ҳомийлигида ўтказиладиган тадбирлар ҳам ўрин олган. Нашр охирида алифбо тартибидаги каталог кўрсаткичи берилган бўлиб, фойдаланувчи ўзига керакли маълумотни нафақат кун, балки номи бўйича ҳам топиши мумкин.

Нашрга катта аҳамият касб этмайдиган кўплаб воқеалар ҳам киритилган, бунинг сабаби ҳар ким ўзи хоҳлаган воқеа ҳақидаги маълумотни муҳаррирга бериши ва у ўз хоҳишидан келиб чиққан ҳолда ахборотни чоп этиш ёки



этмаслиги мумкин. Шу боис ҳам 4 июль куни нишонланувчи АҚШ муштақиллиги кунининг ёнида худди шу куни Ловингтон шаҳрида ўтказилувчи «дунёдаги энг ажойиб калтакесаклар пойгаси» ҳақидаги эълон жойлаштириши мумкин. Нашрдан, шунингдек, бошқа давлатлар миллий байрамлари ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрин олган.

[www.scopesys.com/anyday](http://www.scopesys.com/anyday) сайтида эса, тарихда муайян бир кунда қандай воқеа-ҳодиса рўй берганини билиб олиш мумкин. Унда қадим замонлардан то ҳозирги кунда ҳаёт бўлган машҳур одамларнинг ҳаётига дахлдор саналар, байрамлар, диний байрам ва маросимлар кунлари, муҳим ва оддий воқеалар ҳақидаги маълумотлар тўпланган. [www.vpcalendar.net](http://www.vpcalendar.net) сайтидан эса 1901 йилдан то 2100 йилгача бўлган календарь, ернинг иккала яримшари ҳамда Австралияда фасллар алмашинуви саналари ва ҳоказо маълумотларни топиш мумкин.

«Америка ўн йилликлари ва эралари» («*The American Decades and American Eras*») АҚШ тарихининг муайян даврига алоқадор бўлган хронологиялар, сарлавҳалар ва фактларни ўз ичига олган. Йигирманчи асрдан аввалги Америка даврлари ва йигирманчи аср Америкаси ўн йилликларига бағишланган маълумотларда ўша замоннинг энг муҳим воқеалари, қонунлар, кўнгилочар соҳа, бизнес, ҳукумат ва машҳур одамлар тўғрисидаги ахборот жамланган. Нашр «Қачон?» деган саволга жавоб берувчи ўзига хос манба бўлиб, унда АҚШ тарихидаги маданий, ижтимоий ва иқтисодий тенденциялар ҳам қамраб олинган. «ЮЭКЭЛнинг Америка ўн йилликлари» (*The UXL American Decades*) мазкур нашрнинг болалар учун мўлжалланган кўриниши бўлиб, у ҳам босма, ҳам электрон китоб шаклида таклиф қилинади.

## «Қаерда?» саволига жавоб берувчи манбалар

«*Стейтсмен йилномаси*» (*The Statesman's Yearbook*) ҳар йили чоп этилиб, дунёнинг барча давлатлари ҳақидаги ижтимоий, сиёсий, географик ва иқтисодий маълумотларни бирлаштирувчи манба ҳисобланади. Китобнинг биринчи қисмидан вақт ўлчовлари, ISO кодлари ва шу каби маълумотларни топиш мумкин. 1863 йилдан буён нашр этилувчи китобдаги маълумотлар лўнда, ишончли, ҳар йили янгиланиш билан бир қаторда, ундан дунёнинг қатланувчи рангли харитаси ва 192 та давлат байроғи ўрин олган.

Китобни харид қилган фойдаланувчилар унинг онлайн шаклидан бепул равишда [www.statesmansyearbook.com/public](http://www.statesmansyearbook.com/public) манзилида фойдаланиши мумкин. Сайт мунтазам равишда янгиланади, ундаги икки мингта яқин ўхшаш сайтларга ҳаволалар орқали қўшимча маълумотларни кўздан кечириш мумкин. Шунга ўхшаш маълумотлар АҚШ Марказий разведка бошқармасининг [www.cia.gov/library/publication/the-world-factbook/index.html](http://www.cia.gov/library/publication/the-world-factbook/index.html) сайтида ҳам акс этиб, мунтазам равишда янгиланиб боради. Сайтдан, шунингдек, дунё мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари ҳақидаги энг янги маълумотларни олиш мумкин. Сайт ҳар икки ҳафтада янгилаб борилади.

«Омниграфикс» компанияси АҚШ шаҳарлари бағишланган қатор маълумотномаларни чоп этиб, улар орасида «*Кўчиш ва жойни ўзгартириш бўйича маълумотнома*» (*Moving and Relocation Directory*) ва «*АҚШ шаҳарлари маълумотномаси*» (*City Profiles USA*) нашрлари алоҳида аҳамият касб

этади. «Кўчиш ва жойни ўзгартириш бўйича маълумотнома» АҚШдаги «кўчиб бориш учун қулай бўлган шаҳарлар» рўйхатини тақдим этиб, унга 100 дан ортиқ шаҳар кирган. Маълумотларнинг аксарияти «биринчи қўлдан» олинган бўлиб, жойлардаги уй-жой олди-сотдисига дахлдор фирма ва компаниялар билан ўтказилган суҳбатлар асосида ёзилган. «Хаёт даражаси кўрсаткичлари» каби статистика маълумотлари давлат органларининг манбаларидан олинган. Айрим маълумотлар, жумладан, вақт зонаси, харита ва телефон кодларини бошқа альманахлардан топиш имконияти бор бўлса-да, мазкур нашрнинг ўзига хослиги шундаки, унда ўқувчи диққатига 121 та шаҳар тўғрисидаги кенг қамровли фактлар тўпламлари, хусусан, савдо-сановат палаталари, кўчишга ёрдам берувчи компаниялар, банклар, теле ва радиостанциялар, телекоммуникация иншоотлари, иш топиб берувчи агентликлар, уй-жой нархлари ва ҳоказо маълумотлар ҳавола этилади.

### «Қанча ва қандай қилиб?» саволларига жавоб берувчи манбалар

Мазкур турдаги саволларга жавоб бериш учун статистика маълумотлари ва қўлланмаларга мурожаат қилиш талаб этилади.

#### «Қанча?»

1878 йилдан буён чоп этиб келинадиган «АҚШ статистикаси қисқача шарҳи» (*Statistical Abstract of the United States*) АҚШ ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг рақамлардаги кўринишидир. Нашр 30 та бўлим ва 1363 та жадвалдан иборат. Ҳар бир жадвалда маълумотлар қаердан олинганини кўрсатиб турувчи манба номи ва веб-сайт манзили (*мавжуд бўлса*) берилади. Нашр охирида барча жадвалларнинг алифбо тартибидаги каталог кўрсаткичи бор бўлиб, ундан, шунингдек, фойдаланилган манбалар тўғрисидаги деталлашган маълумотларни олиш мумкин. Китобдаги статистика маълумотларининг ҳажми катталиги ҳисобга олинса, ундаги каталог кўрсаткичининг аҳамияти ниҳоятда муҳим экани аён бўлади. Нашр CD-ROM кўринишида ҳам мавжуд. Бундан ҳам батафсил маълумотларни нашрнинг онлайн шаклида [www.census.gov/statab/www](http://www.census.gov/statab/www) манзилида топиш мумкин. Сайтда мамлакатлар, шаҳарлар, штатлар, йирик шаҳарлар тўғрисидаги макро- ва микромаълумотлар бор.

Сайтдаги маълумотлардан фойдаланиш чоғида тайёр жавобли саволнинг жавобини қидириш бирмунча чўзилиб кетиш эҳтимоли ҳам йўқ эмаслигини айтиб ўтиш даркор. Сайтда ахборот сероб. Гарчи сайтдан фойдаланиш анча қулай бўлса-да, ҳар қандай кутубхоначи ҳам ундаги излаш стратегияларининг турфа хиллиги билан танишиб чиқиши фойдадан холи эмас. Қуйида келтирилган излаш кетма-кетлиги Лана Пекер (2005) исми кутубхоначи томонидан демография мавзуси учун маълумот қидириш жараёни давомида яратилган:

- «Америка фактларини излаш» (American Fact Finder) белгисини босинг;
- «Ҳар ўн йилда ўтказилувчи аҳолини рўйхатга олиш ва маълумотни олиш» (Decennial Census and Get Data) бўлимига боринг;
- SF1 ёзувини танланг ва «Батафсил жадвал» (Detailed Table) белгисини босинг;
- «Географик тур учун жой» (Place for Geographic Type) белгисини танланг;
- «Штат»ни танланг;

- «Географик минтақа» (Geographic area) белгисида ўз шахрин гизни танланг;
- «Қўшиш» (Add) ва «Давоми» (Next) тугмасини босинг;
- «Жадвал» («Table»)ни танланг (масалан «Барча жадвалларни кўрсатиш») (e.g. Show all tables);
- «Ирк» (Race) ни танланг ва «Қўшиш» (Add) тугмасини босинг;
- «Натижаларни кўрсатиш» (Show Results) тугмасини босинг.

Мана шу кетма-кетликни бажариш орқали кутубхоначи ёки фойдаланувчи «Мичиганнинг Каламацу шахрида ўзини ирландиялик ёки германиялик деб билувчи аҳолининг сони қанча?», деган саволга бир неча дақиқа ичида жавоб топиб олиши мумкин. Шу боис кутубхоначилар маълумот қидириш жараёнини осонлаштириш учун ўзлари кўп фойдаланадиган сайтларда юқоридики кўрсатиб ўтилган кетма-кетликка ўхшаган тизимни яратиб олиши ишни анча осонлаштиради.

www.fedstats.gov портали ҳам статистика маълумотларини олиш учун қулай манба ҳисобланади. Унда 100дан зиёд федерал миқёсдаги муассасанинг сайтлари жойлаштирилиб, ҳар бир муассаса ўз маълумотларини ўзи янгилаб боради. Сайтлар маълум бир стандартга эга бўлмагани боис, порталдан маълумот топиш учун ҳар бир сўров учун алоҳида кетма-кетлик яратишга тўғри келиши мумкин. Маълумотлар эса, ўз навбатида, ташкилот, мавзу, алифбо ёки керакли сўзни қидириш орқали изланиши мумкин.

### «Қандай қилиб?»

1922 йилдан буён нашр этиб келинадиган «*Эмили Постнинг одоб-ахлоқ қоидалари китоби*» (*Emily Post's Etiquette*) 2011 йили янги таҳрирда нашр этилди. Унга одатдаги одоб-ахлоқ қоидалари: меҳмон кутиб олиш, дастурхонни безаш, дастурхон атрофида ўзини тутиш, хатларга жавоб бериш билан бир қаторда интернет тармоғидаги одоб-ахлоқ, онлайн танишувлар, мобил телефон орқали гаплашгандаги этикет қоидалари каби маълумотлар ҳам киритилган. Китобда АҚШ жамиятида юз бераётган ўзгаришлар ҳам ўз аксини топган бўлиб, масалан, турмуш ўртоғи билан ажрашган аёлнинг қизини унаштириш маросимига таклифнома қандай ёзилиши кераклиги ҳам айтиб ўтилган. Китобдан Канада давлат хизматчиларига қандай мурожаат қилиш лозимлигига бағишланган алоҳида бўлим ҳам жой олган. Китобдан маълумот қидириш анча осон бўлиб, у тўққизта алоҳида бўлимга ажратиб чиқилган. Яқинда нашрнинг онлайн кўриниши ҳам ишга туширилиб, у Etipedia сайтдан жой олган.

1876 йили парламентдаги одоб-ахлоқ ва иш юритиш масалаларига бағишланган китобларнинг энг диққатга сазовори «*Робертнинг янги таҳрирдаги иш қоидалари*» (*Robert's Rules of Order Newly Revised*) чоп этилган. Нашр учрашувларни ўтказиш қоидалари борасидаги тенги йўқ манба ҳисобланади. Учрашув иштирокчилари, тартибга чақириш, масалани илгари суриш, кўриладиган масала турлари, кворумни йиғиш ва баҳс-мунозара ўтказиш тартиби, овоз бериш жараёни, интизомий жазо, баён юритиш каби масалалар ҳар томонлама ёритиб берилган. Нашрнинг онлайн кўриниши www.robertsrules.com сайтида жойлашган бўлиб, учрашувларни ўтказиш билан боғлиқ 20 та энг кўп учрайдиган саволларга жавоблар берилган. Бундан ташқари, фойдаланувчилар сайт муаллифларига ўз саволлари билан мурожаат

қилиш ва малакали жавоб олиш имкониятига ҳам эга. Китобнинг 1915 йилда чоп этилган таҳрири билан [www.rulesonline](http://www.rulesonline) ҳамда [www.bartleby.com/176](http://www.bartleby.com/176) манзилларида танишиш мумкин.

Электрон ҳукумат фаолияти ва юридик соҳага алоқадор бўлган бир қатор масалалар ҳам мазкур савол доирасидан жой олган бўлиб, кўплаб жамоат ва илмий кутубхоналар ходимлари бу йўналишдаги саволларга кундалик фаолиятида мунтазам тўқнаш келади. Шу боис китобимизнинг 11- ва 12-бобларида мазкур саволларга жавоб топишда қўл келадиган сайтларнинг рўйхати берилган.

## Коллекцияни шакллантириш ва бошқариш

### Тайёр жавобли манбаларни баҳолаш

Тайёр жавобли манбалар кенг миқёсдаги материалларни қамраб олади. Ишончлилик, қўлам, нарх, форматнинг оммабоплиги, фойдаланиш учун қулайлик ва шу каби омиллар тайёр жавобли манбаларга баҳо беришда муҳим аҳамият касб этса-да, лекин эътибор бериш керак бўлган энг муҳим жиҳатлар бу — аниқлик ва замонавийликдир. Тайёр жавобли манбалар тўлиқ ва энг янги фактларни ўз ичига олган бўлиши лозим. Манбалардаги маълумотларнинг тўғрилигини текшириш ва тасдиқлашда профессионал адабиёт ҳамда мутахассисларнинг фикрларини ўрганиш асосий талаб бўлса-да, қуйидаги омилларни бажариш учун айнан кутубхоначи масъул:

- қайси манба қайси таснифдаги савол учун хизмат қилишини аниқлаш;
- манба аниқ ва энг янги маълумотларни қамраб олганини аниқлаш.

Босма нашрми ёки онлайн манбами — барибир ундаги маълумотларнинг ишончга сазовор эканини текшириш ва тасдиқлаш шарт. Аксарият босма нашрлар узоқ йиллардан буён чоп этиб келингани боис фойдаланувчи ва кутубхоначининг ишончини қозониши мумкин. Шундай бўлса-да, ҳозирги кунда тайёр жавобли манбалар тез янгилашиб, маълумотларнинг қатга қисмини онлайн манбалардан олишни йўлга қўйган. Илмий кутубхоналар сайтларининг тўқсон фоизда тайёр жавобли манбалар бўлими бор бўлиб, улар профессионал кутубхоначи ва мутахассислар томонидан текширувдан ўтказилади. Жамоат, мактаб ёки махсус кутубхоналар ўз сайтларида эркин фойдаланиш мумкин бўлган бўлимлар ёки энг диққатга сазовор сайтлар рўйхатларини жойлаштиради.

Ҳозирги пайтда ижтимоий букмаркинг хизматлари ҳам тобора оммавийлашиб, улар орасида Delicious хизмати алоҳида аҳамият касб этмоқда (<http://delicious.com>). Бу хизмат орқали кутубхонадаги барча ходимларининг компютеридаги «Сайланма» сайтларни бир жойга жамлаш имкони пайдо бўлиб, уларни қуйидаги усуллар орқали мониторинг қилиб бориш мумкин:

- ишламаётган ҳаволаларни текшириш;
- кўчирма гапларнинг манбаларини аниқлаш;
- тижорат мақсадида тузилган сайтларни саралаш, керакмасларини рўйхатдан ўчириш;
- жавобларнинг тўғрилигини бир неча манбалардан текшириш;
- ҳар бир сайтнинг янгилашиш жадвалини текшириш.

## Манбаларни танлаш ва янгилаб бориш

Ҳар бир савол таснифи учун бир неча манба тўпламини яратиш муҳим аҳамият касб этиб, улар ўзида миллиардлаб фактларни бирлаштиради. <http://theipl.wordpress.com> сайти ходимлари томонидан тарқатилувчи ойлик хабарномага обуна бўлиш янги пайдо бўлаётган веб-сайтлар ҳақида мунтазам равишда ахборот олиб туришнинг самарали усулидир. Бепул равишда тарқатилувчи хабарномада ишончли ахборот сайтлари ҳақидаги маълумотлар бериб борилади.

«Янги маълумотлардан хабардор қилиш хизматлари» (*Current Awareness Services*) RSS (Really Simple Syndication) усули орқали фойдаланувчига веб-сайтларда юз бераётган ўзгаришлар ҳақида мунтазам равишда маълумот етказиб туради. Бунинг учун RSS хабар етказиш тизимига обуна бўлиш кифоя.

Тайёр маълумотли онлайн манбаларни янгилаб туриш учун кутубхоначиларга ишончли манбалардан фойдаланиш тавсия этилади. Жумладан, Маълумот етказиш ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш уюшмаси (RUSA) ҳар йили «Энг яхши тайёр маълумотли сайтлар рўйхати»ни тузувчи маҳсус қўмига эга бўлиб, рўйхат ҳар йили кузда RUSAнинг журнали ҳамда веб-сайтида эълон қилинади.

## Қўшимча фикрлар

Онлайн ёки электрон усулда танишиш мумкин бўлган тайёр жавобли манбалар кундан-кун кўпайиб бораётган бир шароитда, ишончли сайтларнинг рўйхатини тузиб бориш, маълумотларни янгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлган RSS хабарларига обуна бўлиш, ҳар бир савол таснифидаги манбалар тузилмаси ва мазмуни билан тўлиқ таниш бўлиш кутубхоначидан катта маҳорат талаб қилади. Жавобни бир неча манба орқали тасдиқлаб олиш ҳам аниқликни таъминлашга хизмат қилади.

Маълумот бериш соҳасининг қўлама чексиз бўлгани боис фойдаланувчилар томонидан берилувчи саволларни олдиндан билишнинг имконияти йўқ. Альманахлар, энциклопедиялар, луғатлар ва «ким?», «нима?», «қайси?», «қачон?», «қаерда?», «қанча?» ва «қандай қилиб?», деган саволлар таснифининг ҳар бири учун ҳеч бўлмаганда бешта ишончли манбага эга бўлиш орқали кутубхоначи фойдаланувчиларнинг 99 фоиз саволига муваффақиятли жавоб қайтариши мумкин. Яқинда Нью-Йорк жамоат кутубхонасининг ходимлари шаҳар мактабларидан бирида «Кутубхоначини лол қолдир» тадбирини ўтказди. Унинг шартига кўра, ўқувчилар кутубхоначиларга жоҳлаган саволини бериши, улар эса, 15 та жилддан иборат маълумотномалардан ўқувчиларнинг саволига уч дақиқа ичида жавоб топиши керак эди. Ўқувчиларнинг битта ҳам саволи жавобсиз қолмаган!

Ўқувчилар томонидан берилган саволларнинг айримлари:

- Милоддан аввалги 10-йилга қайси йиллар киради?
- «Табиий ўлим» нима?
- Инсон миҳдан иборат тўшакда қанча вақт давомида ётиши мумкин?
- Сайёрамиз худудининг қанча қисми қишлоқ хўжалиги учун яроқли?

ЭНГ МАШҲУР ТАЙЁР ЖАВОБЛИ МАНБАЛАР ҲАМДА		
Номи	Босма нашр	Онлайн нашр
«Дунё альманахи ва фактлар китоби» ( <i>World Almanac and Book of Facts</i> ), 2010, Нью-Йорк, <i>World Almanac Books</i> нашриёти	Йиллик	
«Стейтсмен йилномаси» ( <i>The Statesman's Yearbook</i> ), 2010, Нью-Йорк, <i>Palgrave Macmillan</i> нашриёти	Йиллик	Обуна <a href="http://www.statesmansyearbook.com">www.statesmansyearbook.com</a>
<i>Time Almanac</i> , 2010 Анпер Сэдл Ривер шаҳри, Нью-Жерси, <i>Pearson Education</i> нашриёти	Йиллик	<a href="http://www.infoplease.com">www.infoplease.com</a>
Маҳаллий телефон маълумотномаси	Йиллик	<a href="http://www.superpages.com">www.superpages.com</a> <a href="http://www.switchboard.com">www.switchboard.com</a> <a href="http://www.anywho.com">www.anywho.com</a>
«АҚШ статистика маълумотномаси» ( <i>Statistical Abstract of the United States</i> ), Вашингтон, Ҳукумат босмаҳонаси	Йиллик	<a href="http://www.census.gov/compendia/statab">www.census.gov/compendia/statab</a>
«Касблар маълумотномаси» ( <i>Occupational Outlook Handbook</i> ), 2010–2011, Вашингтон, АҚШ бандлик бошқармаси	Ҳар икки йилда	<a href="http://www.bls.gov/oco">www.bls.gov/oco</a>
«Истеъмолчи учун ҳисоботлар» ( <i>Consumer Reports</i> )	Ойлик	Обуна <a href="http://www.consumerreports.org">www.consumerreports.org</a>
«Чейзларнинг йиллик воқеалар календарини» ( <i>Chase's Annual Calendar of Events</i> )	Йиллик	
<i>CredoReference</i> (собиқ <i>Xrefer</i> )	Мунтазам	Обуна <a href="http://corpcredoreference.com">http://corpcredoreference.com</a>
<i>ipl.2</i>	Ҳар ҳафта янгиланади	<a href="http://www.ipl.org">www.ipl.org</a>

#### ҲАМДА ФЙДАЛАНИШ УЧУН МАСЛАҲАТ БЕРИЛУВЧИ ТАЙЁР МАЪЛУМОТЛИ БЕПУЛ ВЕБ-САҲИФАЛАР

*Bartleby*. Мазкур сайтда энциклопедиялар, луғатлар, маълумотномалар, антология ва бошқа турдаги фактологик манбалар жамланган. Сайт манзили: [www.bartleby.com](http://www.bartleby.com).

*Census.gov*. АҚШ демографиясига алоқадор бўлган статистика маълумотлари жамланган манба. Сайт манзили: [www.census.gov](http://www.census.gov).

*Geohive*. Глобал статистик маълумотлар альманахи бўлиб, сайтда халқаро статистика ташкилотларининг веб-сайтларига ҳаволалар ҳам жамланган. Сайт манзили: [www.geohive.com](http://www.geohive.com).

*Infoplease*. Мазкур сайт фойдаланувчиларни «Сизга керак бўлган барча билимлар манбаи» деган ёзув билан қарши олади. Бу анча оммабоп бўлган босма кўринишдаги альманахнинг онлайн шакли бўлиб, унда тайёр маълумотли манбаларнинг керакли тўплами жамланган. Сайт манзили: [www.infoplease.com](http://www.infoplease.com).

*ipl2*. Сайтда турли мавзуларга бағишланган веб-манбалар сараланади, баҳоланади ва тартибга солинади. Шу боис ҳам у тайёр маълумотли манбалар билан ишловчи кутубхоначилар учун тенги йўқ манба ҳисобланади. Сайтда 24 соат давомида ишловчи маълумот бериш хизмати ҳам бор. Сайт манзили: [www.ipl.org](http://www.ipl.org).

## Recommended Resources Discussed in This Chapter

---

- American Decades*. 1996–2011. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning.
- American Eras*. 1997–1998. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning.
- American Trade Schools Directory*. 1953-. San Diego, CA: Croner Publications, Inc.
- Annual Guide to Graduate Programs*. 2010. Lawrenceville, NJ: Thomson Peterson's Guides.
- Canadian Almanac & Directory, 2011*. 2010. Toronto, Ontario: Grey House Publishing Canada.
- Catalog of Federal Domestic Assistance*. 2006. Baton Rouge, LA: Claitor's Law Books and Publishing Division. Updates available at [www.cfda.gov](http://www.cfda.gov).
- Chase's Calendar of Events, 2011*. 2010. New York: McGraw-Hill.
- City Profiles USA*. 2010. Detroit: Omnigraphics.
- Cole Cross Reference Directories*. 2011. Lincoln, NE: Cole Information Services.
- College Handbook*. 2011. New York: College Board.
- Congressional Directory*. 1995-. Washington, DC: Government Printing Office. Updates available: [www.gpoaccess.gov/cdirectory/index.html](http://www.gpoaccess.gov/cdirectory/index.html).
- Consumer Reports*. 1936-. New York: Consumer's Union of United States.
- Consumer Reports Buying Guide 2011*. 2010. New York: Consumers Union of United States.
- Copyright. Available at: [www.copyright.gov](http://www.copyright.gov).
- CRC Handbook of Chemistry and Physics*. 2010. W.M. Haynes, editor-in-chief. Boca Raton, FL: CRC Press.
- CredoReference*. Available: <http://corpredoreference.com>.
- Etipedia*. Available: [www.emilypost.com/etipedia](http://www.emilypost.com/etipedia).
- Foundation Directory*. 2010. New York: Foundation Center.
- Government Assistance Almanac*. 2011. Detroit: Omnigraphics.
- The Handbook of Private Schools*. 2010. Boston: Porter Sargent Publishers.
- Headquarters USA 2011*. 2010. Detroit, MI: Omnigraphics, Inc.
- Hill-Donnelly Cross Reference Directory*. 2011. Tampa, FL: Hill-Donnelly Corporation. [ipl2](http://ipl2). Available: [www.ipl.org](http://www.ipl.org).
- Kelley Blue Book*. 2009. Irvine, CA: Kelley Blue Book Company.
- Literary Market Place 2010*. 2009. New Providence, NJ: Information Today.
- MagillOnLiterature Plus*. 2006. Pasadena, CA: Salem Press.
- Magill's Survey of American Literature*. 2006. Steven G. Kellman, ed. Pasadena, CA: Salem Press, Inc.
- Magill's Survey of World Literature*. 2009. Steven G. Kellman, ed. Pasadena, CA: Salem Press, Inc.
- Masterplots*. 2010. 4th ed. Lawrence W. Mazzeno, ed. Pasadena, CA: Salem Press.
- Masterplots II, Drama Series*. 2003. Rev. ed. Christian H. Moe, ed. Pasadena, CA: Salem Press.
- Masterplots II, Short Story Series*. 2004. Charles E. May, ed. Pasadena, CA: Salem Press.
- The Moving and Relocation Directory, 2009–2010*. 2009. Detroit: Omnigraphics.
- N.A.D.A. Appraisal Guides*. 2011. Costa Mesa, CA: National Appraisal Guides.
- National Cemetery. Available: [www.cem.va.gov](http://www.cem.va.gov).

- National Directory of Corporate Giving*. 2010. New York: Foundation Center.
- National Directory of Nonprofit Organizations*. 2011. Farmington Hills, MI: Gale Cengage.
- National Five-Digit Zip Code and Post Office Directory*. 2010. Baton Rouge, LA: Claitor's Publishing Division.
- The New York Times Almanac 2011*. 2010. New York: Penguin Group.
- New York Times Guide to Essential Knowledge: A Desk Reference for the Curious Mind*. 2008. New York: St. Martin's Press.
- Occupational Outlook Handbook*. 2010–2011. Washington, DC: U.S. Government Printing Office. Available: [www.bls.gov/oco](http://www.bls.gov/oco).
- Official Guide to ABA-Approved Law Schools 2011*. 2010. Newtown, PA: Law School Admission Council and the American Bar Association.
- Post, Peggy. 2011. *Emily Post's Etiquette*. 18th ed. New York: HarperCollins. Available: [www.emilypost.com](http://www.emilypost.com).
- Profiles of American Colleges*. 2011. New York: Barron's Educational Series.
- Robert, Henry M. 2000. *Robert's Rules of Order Newly Revised*. 10th ed. New York: Perseus Book Group.
- The Statesman's Yearbook 2011*. 2010. New York: Palgrave Macmillan.
- Statistical Abstract of the United States*. 2011. Available as CD-ROM and download: [www.census.gov](http://www.census.gov).
- Time Almanac 2011*. 2010. Borgna Brunner, ed. Upper Saddle River, NJ: Pearson Education.
- TIME for Kids Almanac, 2011*. 2010. New York: Time for Kids.
- Toll-Free Phone Book USA 2011*. 2010. Detroit, MI: Omnigraphics, Inc.
- U.S. Census Bureau. 2011. *Statistical Abstract of the United States*. Washington, DC. Available: [www.census.gov/statab/www/](http://www.census.gov/statab/www/).
- U.S. News & World Report Ultimate College Guide 2010*. 2009. Naperville, IL: Sourcebooks.
- UXL American Decades*. 2003. Farmington Hills, MI: UXL (Gale).
- Web Site Source Book 2008*. 2008. Detroit, MI: Omnigraphics, Inc.
- Whitaker's Almanack 2011*. 2010. London: A & C Black. Available: [www.whitaker-salmanack.com](http://www.whitaker-salmanack.com).
- Who's Who in America 2011*. 2010. New Providence, NJ: Marquis Who's Who, LLC.
- Who's Who in the World 2011*. 2010. New Providence, NJ: Marquis Who's Who, LLC.
- The World Almanac and Book of Facts 2011*. 2010. New York: Infobase Publishing.
- The World Almanac for Kids 2011*. 2010. New York: Infobase Learning.
- The World Factbook*. Available: [www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/index.html](http://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/index.html).

## Recommendations for Further Reading

- Agosto, Denise A., and Holly Anderton. 2007. «Whatever Happened to 'Always Cite the Source?»» *Reference & User Services Quarterly* 47, no. 1: 44–54. Citations are an established «best practice» for all reference transactions. An unobtrusive test conducted on twenty-five libraries in the United States and Canada found that ready reference questions like the population of Montana and the location



- of the Southern Poverty Law Center were answered without citing the source. The study brings out one of the pitfalls of ready reference, namely, the disregard for citing sources in the process of providing «quick» reference.
- Bell, Suzanne S. 2009. *Librarian's Guide to Online Searching*. 2nd ed. Santa Barbara, CA: Libraries Unlimited. Given that ready reference requires both speed and accuracy, this book is invaluable in training reference librarians to navigate database searches with ease and confidence. Bell uncovers the inherent structure of databases, describes the tools of efficient searching, and provides helpful exercises and visual screenshots to enhance the text. The material effectively teaches ways for reference librarians to get adept at online retrieval.
- Fast Answers to Common Questions: A Gale Ready Reference Handbook*. 1999. Carolyn A. Fischer, ed. Farmington Hills, MI: Gale Cengage. As part of the *Ready Reference Handbook* series comprising four volume-specific guides and six industry-specific sourcebooks, this particular title presents common reference transactions in a question-and-answer format with citations.
- Ford, Charlotte. 2008. «Finding Facts Fast: Ready Reference». In *Crash Course in Reference*. Santa Barbara, CA: Libraries Unlimited. A review and listing of ready reference resources that can be added to a basic reference collection is provided in this chapter of a book that provides a broad overview of reference services.
- Fricke, Martin, and Don Fallis. 2004. «Indicators of Accuracy for Answers to Ready Reference Questions on the Internet». *Journal of the American Society for Information Science and Technology* 55, no. 3 (February): 238–245. Just when you think a Web site without advertisements is a sign of site maturity, the authors claim that such commonly held indicators may be fallible signposts of accuracy. They go on to present Internet «link structures» as the more infallible way to gauge accuracy on a ready reference site.
- Miller, William, and Rita Pellen. 2007. *Evolving Internet Reference Resources*. Binghamton, NY: The Haworth Press. This book provides a market list of both free and subscription-based Web sites and services for twenty-six subjects ranging from health to ESL (English as a Second Language). The hazards associated with ready reference sites are also discussed along with the new approaches adopted by reference librarians to create reliable online information.
- Mudrock, Theresa. 2002. «Revising Ready Reference Sites: Listening to Users Through Server Statistics and Query Logs». *Reference & User Services Quarterly* 42, no. 3 (Winter). This article is a strong reminder to reference librarians that ready reference sites must constantly evolve according to the needs of users. Usability heuristics, feedback, and usage statistics can be employed to structure the evolution. Mudrock provides a practical example as applied to the University of Washington Libraries at Seattle.
- Sowards, Steven W. 2005. «Structure and Choices for Ready Reference Web Sites». *Reference Librarian* 44, no. 91/92: 117–138. After studying both academic and public ready reference Web sites, the author finds commonality in the use of subject categories and the selection and use of free Internet content, but a lack of sophisticated search tools aimed at the end user.
- Sowards, Steven, W. 2005. «Visibility as a Factor in Library Selection of Ready Reference Web Resources». *Reference Services Review* 33, no. 2: 161–172. By studying the ready reference Web sites of one hundred libraries, Sowards deduces

that reference librarians typically select sites that receive recognition soon after the site is launched. It is also educative to check the sites that are included in different kinds of libraries.

Wilson, Paula, A. 2004. *100 Ready-To-Use Pathfinders for the Web: A Guidebook and CD-ROM*. New York: Neal-Schuman. This title features 100 convenient and logically constructed pathfinders on topics applicable to different kinds of libraries. The CD-ROM contains a blank template for creating pathfinders, as well as a copy of all the pathfinders in XHTML so they can be tailored to individual demands.

## Bibliography of Works Cited in This Chapter

- «Best Free Reference Web Sites: Twelfth Annual List». 2010. *Reference & User Services Quarterly* 50, no. 1 (Fall): 19–24.
- Bulson, Christine. 2003. «Just the Facts: A Look at Almanacs». *Booklist* 99, no. 18 (May 15): 1684.
- Byerly, Greg, and Carolyn S. Brodie. 2002. «Get Ready for Reference: Featuring the Internet Public Library and Websites to Use for Fact Finding». *School Library Media Activities Monthly* 19, no. 4: 31–34.
- «Credo Reference Receives Highest Scores in Library Journal's E-Reference Ratings». 2009. *CREDOfreference*. Available: [http://corp.credoreference.com/index.php?option=com\\_content&task=view&id=2021&Itemid=77](http://corp.credoreference.com/index.php?option=com_content&task=view&id=2021&Itemid=77) (accessed March 21, 2009).
- DiBianco, Phyllis, and Linda Chapman. 2003. «Ready Reference 24/7». *Information Searcher* 14, no. 2: 5–14.
- Eggleston, Tim. 2008. «Managing Online Reference Enquiries». *inCite* 29 (December).
- «FBI Almanac Alert Prompts Unintended Reactions». 2004. *American Libraries* (January 4). Available: [www.ala.org/ala/online/currentnews/newsarchive/alnews2004/alnewsjan2004/fbialmanacalert.cfm](http://www.ala.org/ala/online/currentnews/newsarchive/alnews2004/alnewsjan2004/fbialmanacalert.cfm) (accessed January 22, 2008).
- Fernandes, Maria Isabel. 2008. «Ready Reference: Thoughts on Trends». *Community & Junior College Libraries* 14, no. 3: 201–210.
- Goldsborough, Reid. 2002. «Double-checking Your Facts». *Information Today* 19, no. 10 (November): 51–52.
- Guz, Savannah Schroll. 2007. «The Promise of Xrefer». *Library Journal* 132, no. 1 (January): 152.
- Kelsey, Sigrid. 2008. «What's New in Library Products and Services». *Louisiana Libraries* 71, no. 2 (Fall): 7–9.
- Ojala, Mary dee. 2001. «Don't Sweat the Small Stuff: Business Ready Reference Decoded». *Online* 25, no. 1 (January): 59.
- O'Leary, Mick. 2002. «xreferplus Heats Up Ready Reference Race». *Information Today* 19, no. 10 (November): 12–14.
- Peker, Lana. 2005. West Orange Public Library, New Jersey. With the launch of the 2011 new American FactFinder, the search string has been greatly simplified with a «Quick Search» option ([factfinder2.census.gov](http://factfinder2.census.gov)).
- Sims, Lee. 2004. «Academic Law Library Web Sites: A Source of Service to the Pro Se User». *Legal Reference Services Quarterly* 23, no. 4:1–28.

# 7

## Сўзлар ҳақидаги саволларга жавоб бериш — луғатлар

### Кисқача шарҳ

Ҳамма нарса тилдан бошланади. Шу боис, тил — бу умумбашарий ва абдий мулоқот воситаси.

Луғатлар тилда мавжуд бўлган барча сўзларнинг рўйхатини, уларнинг маъноси, ишлатилиши, талаффузи, келиб чиқиш тарихи, бўгинларга бўлиниши ва ҳоказолар ҳақида маълумот беришдек шарафли вазифани бажаради. Гарчи луғатларнинг турфа тури мавжуд бўлса-да, уларнинг ҳаммаси бир мақсадга, яъни сўзларнинг маъносини тушунтириб беришга хизмат қилади. Александр Теро луғатларга «сўз маъносини тушунтирувчи манба» (*definitive source*), дея таъриф бергани бежиз эмас (Саусси, 1989: xv).

Охирги бир неча йилда онлайн луғатларнинг кенг ёйилиши ҳамда сўзга ишлов берувчи дастурларнинг ривожланиши муносабати билан одатий босма кўринишдаги луғатларни чоп этиш ва уларни янгилаш суръатлари сезиларли даражада сусайди. Айни чоғда онлайн манбалар орасида «эркин луғатлар» деб аталувчи *Wiktionary* ва *Wordia* каби сайтларнинг пайдо бўлиб, оммалашиб бориши ҳам мазкур соҳадаги янги изланишларни келтириб чиқармоқда.

### Луғатлардан нима мақсадда фойдаланилади?

- Сўз маъноси билан боғлиқ савол келиб тушган тақдирда, кутубхоначи биринчи галда луғатга мурожаат қилиши даркор. Сўз маъносини билишга бўлган эҳтиёж сўзларнинг турли тоифасини — оддийдан тортиб, жаргон, иборалар, чет тилдаги сўз, илмий ва адабий сўзларгача қамраб олиши мумкин.
- Маъно билан бир қаторда сўз этимологияси ва ундан фойдаланиш усуллари луғатни текшириш орқали билиб олинishi мумкин. Шунингдек, луғатда сўзларнинг ёзилиши, ургуни тўғри қўйиш билан боғлиқ саволларни аниқлаш имкони мавжуд.
- Луғатлар талаффуз ва бўгинлаш учун бебаҳо йўриқнома саналиб, бундай манбаларда фонетик белгилар ва улардан фойдаланиш бўйича маълумотлар берилди. Онлайн ва электрон луғатларда аудио талаффуз имконияти ҳам мавжуд бўлиб, фойдаланувчи сўз талаффузидаги хусусиятлар билан амалда танишиши мумкин.

- Кўпчилик луғатларда сўзнинг келиб чиқиш тарихи, яъни этимологияси ҳам акс этади.
- Луғатларда аксарият сўзларнинг синонимларини ҳам билиб олиш мумкин. Бундан ташқари, синонимлар борасидаги батафсилроқ маълумот учун синонимлар луғати мавжуд.
- Расмий луғатлар сўзнинг маъноси ва ишлатилиши борасидаги қўшимча маълумотлар билан танишиш имкониятини беради.
- Луғатлар тилдаги шевалар ҳақида ҳам маълумот бериб, шу орқали кутубхоначилар фойдаланувчининг саволига имкон қадар аниқ ва тўлиқ жавоб қайтариши учун шароит яратилади.

## Маълумот бериш жараёнида ишлатилувчи асосий луғатлар

Луғатлардан фойдаланиш ҳар томонлама қизиқ ва кенг тарқалган машғулоти-дир. Мазкур манбадан фойдаланиш миқёсининг кенглигидан келиб чиққан ҳолда, луғатларни умумий, ихтисослашган, қисқартирилган, қофиялашган, жаргон, кўп тилли, тарихий, суратли, этимологик ва ҳоказо турларга ажратиш мумкин. Кўламнинг кенглигидан келиб чиққан ҳолда, кутубхоначи луғатларнинг нақадар турфа эканини билиши ва шу орқали ўз тўпламини энг керакли ва фойдали манбалар билан бойитиб, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини имкон қадар тўлиқроқ қондириш имкониятига эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

### Умумий луғатлар

Умумий луғатлар сўзларнинг маъносига назар ташлаш имконини беради. Таркибидаги сўзлар сонига қараб, умумий луғат турлари тўлиқ (265 мингдан зиёд сўз), қисқартирилган (139 мингдан ортиқ сўз) ва чўнтак луғатига (30–55 минг атрофидаги сўз) ажратилиши мумкин (Рейтц, 2004).

### Тўлиқ луғатлар

Тўлиқ луғатларнинг асосий вазифаси — сўз маъносини имкон қадар чуқур ва кенг очиб бериш. Йигирма жилддан иборат «Оксфорд инглиз тили луғати»ни (*The Oxford English Dictionary*) яратишга 44 йил вақт сарфланган. 590 мингдан зиёд сўзни қамраб олган ушбу нашрдан сўзлар этимологияси, сўздан илк бор фойдаланилган сана, сўздан фойдаланиш миқёси ва ҳоказо маълумотларни олиш мумкин. 21 370 варақдан иборат луғат матни жуда кичкина ҳарфлар билан ёзилган (Хойл, 2004) бўлиб, у инглиз тилининг халқаро майдонда тан олинган манбаидир. Луғатнинг иккинчи наشري 1989 йили чоп этилган бўлса-да, қайта кўриб чиқилган ва янгиланган луғат устидаги иш ҳали ҳам давом этмоқда. Айтиш жоизки, луғатга киритилаётган янгиланиш ва қўшимчалар нашрнинг босма шаклдаги учинчи тахрири учун сақлаб қўйилмасдан, балки онлайн маълумот базаси кўринишида фойдаланувчиларга таклиф қилинмоқда. Луғатнинг электрон шаклидан ҳам онлайн, ҳам CD-ROM орқали фойдаланиш мумкин бўлиб, онлайн луғат ҳар

чоракда янгилаб борилади. Лугатнинг [www.oed.com](http://www.oed.com) манзилида жойлашган шакли айни пайтдаги нашрнинг энг тўлиқ кўриниши бўлиб, у ўзида лугатнинг иккинчи таҳрири, уч жилдли қўшимчалар тўплами, ҳар чоракда киритилувчи янгиланишлар ва учинчи таҳрирнинг барча дастлабки лойиҳаларини бирлаштирган.

«Вебстернинг учинчи таҳрирдаги янги халқаро тўлиқ луғати» (*Webster's Third New International Dictionary, Unabridged*) Ноа Вебстер томонидан 1828 йили яратилган «*Инглиз тилининг Америка луғати*» (*An American Dictionary of the English Language*) асарининг тўғридан-тўғри авлоди ҳисобланади. «Вебстернинг учинчи таҳрирдаги янги халқаро тўлиқ луғати» 470 мингта сўзни ўз ичига олган бўлиб, у 1961 йили нашрдан чиққан. Луғат 2002 йилга қадар мунтазам тарзда янгилаб келинган. Ҳозирги кунда фойдаланувчиларга нашрнинг CD-ROM шакли таклиф қилиниб, ундан 476 мингта сўз, турли рангли суратлар ва 13 та сўз ишлаш услуби жой олган. Лугатнинг онлайн кўринишидан <https://member.m-w.com/subscribe.php> манзили бўйича ойлик ёки йиллик тўлов асосида фойдаланиш мумкин.

«*Рэндом Хаус Вебстернинг тўлиқ луғати*»нинг (*The Random House Webster's Unabridged Dictionary*) иккинчи таҳрири CD-ROM ёки 2300 varaқдан иборат бўлган босма кўринишда мавжуд. Нашрнинг иккала шакли ҳам 315 минг сўзни қамраб олиб, уларнинг мингдан ортиги янги сўзлардир. Нашр охириги мартта 2001 йили янгиланган. 2006 йили лугатнинг кейинги таҳрирдаги шакли яратилиб, унда китоб ва CD-ROM форматлар бирлаштирилган. У тўлиқ луғатларнинг энг кичиги бўлиб, унинг нархи ҳам ўтган таҳрирдаги нашрларга қараганда бирмунча арзон. Сўзларнинг аксариятини инглиз тилининг америкача талаффуздаги шакллари ташкил этади. Луғатнинг онлайн кўриниши йўқ.

## Қисқартирилган луғатлар

### АҚШ

Ўзида 90 минг сўз ва 4 мингдан зиёд суратни жамлаб, ўқувчига китобдан қандай фойдаланиш кераклиги тўғрисида батафсил маълумот берувчи «*Америка мероси луғати*»нинг (*American Heritage Dictionary*) тўртинчи таҳрирдаги нашри қисқартирилган луғатларнинг энг оммабопларидан бири ҳисобланади. Луғатнинг сўнги таҳририни [www.bartleby.com](http://www.bartleby.com) каби сайтларда н бепул олиш мумкин. 2006 йили босма шаклда чоп этилган нашрга инглиз тилидаги янги сўзлар ҳам киритилган. Нашрнинг CD-ROM кўриниши суратларни катталаштириш, сўзларни ўқиб эшиттириш ва кераксиз сўзларни кодлаш имкониятларини назарда тутаяди.

«*Янги Оксфорд Америка луғати*»нинг (*New Oxford American Dictionary*) учинчи таҳрири аниқлиги, лўндалиги ва фойдаланиш тезлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ўзида 350 мингта сўз ва 100 мингдан зиёд гап намуналарини бирлаштирган луғат «сўз маъносини чақиш» соҳасининг «юраги»га кириб борди, деган мақтовларга сазовор бўлган. Нашрнинг бекиёслиги шундаки, унда сўзнинг барча мавжуд маъноларини келтириб ўтиш ўрнига, адабий тилдаги асосий ҳамда унга алоқадор ёки кам ишлатилувчи маънолари

акс этади. Сўзларнинг бари 2 миллиард сўз жамланган «*Оксфорднинг инглиз тили антологияси*»дан (*Oxford English Corpus*) келиб чиқади. Талаффуз қоидалари китобнинг бошида берилган, бирор сўзнинг талаффузи керак бўлса, фойдаланувчининг ушбу маълумотномани кўздан кечириши kifоя.

«*Мерриэм-Вэбстернинг талабалар учун мўлжалланган луғати*»нинг (*Merriam-Webster's Collegiate Dictionary*) 11-таҳрирдаги нашри юз йилдан кўпроқ вақт давомидаги тажриба ва нуфузга асосланган ҳолда яратилган. Ўз ичига 165 минг сўзни олган луғатда 42 мингта сўзнинг ишлатилиш ҳолатлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Луғат инглиз тилида чиққан китоблар орасида сотилиш кўрсаткичи бўйича Инжилдан кейин иккинчи ўринда туради (Маккуэйд, 2003: 1688).

Янги нашр ўзида турли форматларни бирлаштирган бўлиб, унинг босма, онлайн ҳамда CD-ROM шакллари фойдаланувчиларга бир тўплам кўринишида таклиф этилади. Луғатнинг онлайн шаклидан, шунингдек, [www.m-w.com](http://www.m-w.com) манзилида ҳамда AOL компаниясининг сайтларида турли хил қўшимча маълумотлар билан биргаликда фойдаланиш имконияти мавжуд. Луғатнинг 225 минг сўзни бирлаштирган охириги авлодини iPhone телефонларига юклав олиш имконияти бор.

### Буюк Британия

Уинстон Черчиллнинг «Англия билан Американи бир тил ажратиб туради» деган гапи қисқартирилган луғатлар соҳасидаги вазиятни тасвирлаш учун жуда қўл келади. Гарчи «*Оксфорднинг инглиз тили луғати*» халқаро миқёсда фойдаланилувчи манба бўлса-да, Буюк Британиянинг ўзида чоп этилувчи қисқартирилган луғатларда тоза инглиз тили ва Британиянинг ўзига хос руҳи уфуриб туради.

«У гўзал, қулай ва замонавий. Унга эга бўлинг!» дейилади «*Чемберс луғати*»нинг (*Chamber's Dictionary*) тўққизинчи таҳрирдаги нашрини реклама қилувчи эълонда. Бир асрдан кўпроқ вақт мобайнида Чемберс луғатлари инглиз тилининг энг диққатга сазовор жиҳатларини ёритиб, тилшунослик соҳаси мутахассислари ва инглиз тилини ўрганувчиларнинг таҳсинига сазовор бўлиб келмоқда. Жумладан, луғатнинг 2008 йилда чоп этилган нашри 270 минг сўздан иборат бўлиб, турли лаҳжалар ва тарихий сўзларнинг маъноларини ҳам очиб беради. Луғатдан онлайн усулда [www.chambersreference.com](http://www.chambersreference.com) манзилида тўлов асосида фойдаланиш мумкин.

«*Блумсбери инглиз тили луғати*» (*Bloomsbury English Dictionary*) аслида «*Энкарта Вэбстернинг инглиз тили луғати*»нинг (*Encarta Webster's Dictionary of the English Language*) Британияга хос таҳрирдаги кўриниши бўлиб, у Британия луғатларида фойдаланилувчи «*халқаро фонетик алифбо*»дан (*International Phonetic Alphabet*) фойдаланишдан воз кечиб, ўқувчига бошқа ўзига хос фонетик тизимни таклиф қилади. Луғатдан, шунингдек, инглиз тилида энг нотўғри талаффуз қилинувчи 1000 та сўз рўйхати ҳам жой олган бўлиб, бунга қўшимча равишда ахлоққа зид сўзлар ҳам алоҳида белги билан берилган.

«*Оксфорднинг инглиз тили луғати 2010*» (*Oxford Dictionary of English 2010*) нашри 355 мингта сўзнинг маъносини очиб берган ҳолда, ундаги сўзлар «*Оксфорднинг инглиз тили антологияси*» (*Oxford English Corpus*) маълумот ба-

заси асосида мунтазам равишда янгилаб келинади. 1998 йилда илк бор дунё юзини кўрган нашрга мунтазам равишда инглиз тилига қириб келаётган янги сўз ва тушунчалар қўшиб борилади. Оксфорд анъаналарига содиқ қолган ҳолда, нашрда сўзларнинг қисқача этимологик тарихи ҳам кўрсатиб ўтилган.

«*Коллинз инглиз тили луғати*» (*Collins English Dictionary*) Британияда чоп этилувчи луғатлар орасидаги энг оммабоп нашр бўлиб, унинг саҳифаларидан инглиз тилида энди-энди шаклланаётган «ёш» сўзлар — жаргонлар, лаҳжалар, интернет тармоғидаги мулоқот чоғида ишлатилувчи қисқартмалар жой олган. Буюк Британиядаги адабий услубият бўйича мутахассислар луғат муҳаррирлари ундаги 2 мингта эскирган сўзни олиб ташлаш орқали янги сўзларга жой бўшатиш борасидаги таклифларини рад этиб, «курашга тайёр» туришибди (Адамс, 2008). Луғатнинг онлайн шаклидан [www.collinslanguage.com](http://www.collinslanguage.com) манзилида фойдаланиш мумкин.

### Канада

Оксфорд университети нашриёти турли мамлакатларда инглиз тилидаги талаффуз, бўгинлаш ва сўзлардан фойдаланишда тафовутлар мавжудлигини инобатга олган ҳолда «Канада Оксфорд луғати»ни яратишга муваффақ бўлишди. 2004 йилда чоп этилган мазкур луғат канадалик мутахассислар томонидан Канададаги манбалар асосида тайёрланган бўлиб, унга 130 мингта сўз киритилган. Луғатдаги сўзларнинг нафақат мумтоз инглиз тилидаги маъноси, балки канадалик аҳоли ўртасида ишлатилиш давомида қўшилган маънолари ҳам ўқувчи эътиборига ҳавола қилинган. «Ўзгараётган бозор шароити» туфайли, 2008 йили Оксфорд университети нашриётининг Канада луғати бўлими ёпилиб, луғатни янгилаб бориш иши эркин тилшуносларга қолиб кетди.

«*Нельсоннинг Канада учун мўлжалланган инглиз тили луғати*»га (*Nelson Canadian Dictionary of the English Language*) 150 мингдан зиёд сўз ва ибора кирган. Нашрдан нафақат сўзлар, балки Канада давлати тарихида муҳим из қолдирган машҳур кишилар, тарих, ҳукумат, фольклор ва бошқа соҳаларга оид қизиқарли маълумотлар ҳам ўрин олган.

### Сўзларнинг ихтисослашган манбалари

Хорижий тилларни ўрганувчилар учун мўлжалланган луғатлар

Дунё миқёсида инглиз тилига бўлган талаб тобора ортиб бораётган бир шароитда хорижий тилларни ўрганаётганлар учун мўлжалланган луғатлар бозори ҳам кенгаймоқда. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, бундай луғатлар умумий ёки қисқартирилган луғатлардан нимаси билан фарқланади? Аввало, шунга айтиш жоизки, бундай манбалар учун зарур бўлган жиҳат — лўндалиги, фойдаланиш осонлиги, мулоқотда сўзнинг кўп ишлатилиши билан фарқланади. Бу омилларни оммавий ахборот воситаларида ишлатилаётган сўзларнинг таҳлили орқали ҳам осонгина илғаш мумкин. Шу боис бу каби луғатларда мумтоз инглиз тилидаги сўзлардан кўра «тирик» тилда ишлатилувчи сўзлар кўпроқ учраши табиий. Барча йирик луғат нашр этувчи компаниялар, жумладан, NTC, Кембриж, Мерриэм-Вэбстер, Рэндом Хаус

ва Макмиллан хорижий тилларни ўрганаётганлар учун мўлжалланган луғатларни чоп этиш билан шуғулланади.

«Макмиллан инглиз тили луғати»да (*Macmillan English Dictionary*) инглиз тилида яратилаётган матнларнинг 90 фоизи атиги 7,5 мингда сўз ёрдамида ёзилиши маълум қилинади. Шу боис луғатда сўзларнинг ишлатилиши билан боглиқ бўлган 80 мингта намуна гап ҳам берилган. НТС нашриёти томонидан чиқарилган «Америкача инглиз тилини ўрганаётганлар луғати»да (*American English Learner's Dictionary*) энг кўп ишлатилувчи 22 мингта сўз саралаб олинган. Лекин сўзларнинг этимологияси ва синонимлари луғатда берилмаган. «Инглиз тилини ўрганаётганлар учун мўлжалланган Америка мерос луғати» (*American Heritage Dictionary for Learners of English*) 40 минг сўздан иборат бўлиб, унда инглиз тилининг қийин жиҳатлари, жумладан, омонимлар, иборалар ва синонимларга алоҳида эътибор қаратилган.

2008 йилда яратилган «Мерриэм-Вэбстернинг инглиз тилини илгор даражада эгаллаган фойдаланувчилар учун мўлжалланган луғати»га (*Merriam-Webster's Advanced Learner's English Dictionary*) салкам 100 мингта сўз ва ибора кирган, шунингдек, 160 мингдан зиёд гап намунаси берилган. Халқаро бозор учун мўлжалланган луғат 1 миллиард нафардан зиёд инглиз тили ўрганувчилари учун фойдали бўлиши тайин. Босма нашрга илова тарзида унинг электрон китоб шакли ҳам таклиф қилинади, хусусан, онлайн шакл [www.learnersdictionary.com](http://www.learnersdictionary.com) манзилида жойлашган.

## Визуал луғатлар

Визуал луғатларда сўзлар алифбо тартибида эмас, балки мавзу бўйича тўпланиб, саралаб чиқилган. Бунда сўзнинг маъносини суратда ифодалашга алоҳида эътибор қаратилади. Шу боис луғатга фақат от туркумидаги сўзлар киритилган. «Файерфлай суратли луғати» (*Firefly Visual Dictionary*) 35 минг сўздан иборат бўлиб, 17 та бобга ажратилган. Ҳа шаротлар, геология, спорт, архитектура ва ҳоказо бўлимлардаги сўзларнинг барчаси рангли суратлар воситасида берилган. «Асосий суратли луғат»нинг (*Ultimate Visual Dictionary*) (2006) расмлари ранг-баранг бўлиб, уларда буюмининг ички қисмлари ҳам кўрсатиб ўтилган, инглиз тилидаги номланиши ўқувчи диққатига ҳавола этилган.

«Файерфлайннинг беш тилли суратли луғати» (*Firefly Five Language Visual Dictionary*) инглиз, испан, француз, немис ва итальян тилидаги 35 мингта сўздан иборат бўлиб, 6000 мингдан зиёд рангли суратни бирлаштирган. Суратли луғатлар мактаб ўқувчилари учун, айниқса, фойдали, чунки у одам анатомияси, география, биология ва бошқа фанлардан уй вазифаларини бажаришда жуда асқотади. Суратли луғатнинг бепул онлайн шаклини <http://visual.merriam-webster.com> манзилидан топиш мумкин. Луғат 15 та йирик мавзу бўйича сараланган 6 мингдан зиёд суратдан иборат.

## «Тор доирага мўлжалланган» луғатлар

Муайян ижтимоий қатлам, синф, ёш, гуруҳ, минтақа ёки касбга доир сўзларни излаётган фойдаланувчининг эҳтиёжини «тор доирага мўлжалланган»



луғатлар қондириши мумкин. Бу каби манбаларга жаргон, шевалар ёки иборалар луғати киради.

Жаргон луғатлари маълум бир гуруҳ ичида ишлатилувчи сўз ва ибораларни қамраб олади. Шу ўринда айтиш жоизки, жаргон сўзлар тез ўзгарувчан бўлиб, бир неча йил муқаддам муайян маънони англатган сўз орадан маълум вақт ўтгач, умуман, бошқа мазмунда келиши мумкин. Dewdroppers, Waldos, Slackers (Остлер, 2003) каби нашрларда XX асрда ишлатилган жаргонлар ва уларнинг маънолари берилади. «Оксфорд замонавий жаргон луғати»га (*Oxford Dictionary of Modern Slang*) (Айто ва Симпсон, 2008) олти мингдан зиёд жаргон киритилган. Кўп жилдли «Рэндом Хаус Америка жаргонларининг тарихий луғати»га (*Random House Historical Dictionary of American Slang*) (Лайтер, 1997) Америка колониализми давридан бошлаб ишлатилган 300 мингдан зиёд жаргон сўз кирган. Айти пайтда нашрга тайёрланаётган луғатнинг тўртинчи таҳририга бундан ҳам кўпроқ сўз киритилиши режалаштирилган. Аслида замонавий жаргон сўзларнинг маъносини топиш учун энг яхши манба, бу — интернет тармоғи бўлиб, жумладан, Британия жамиятида ишлатилаётган жаргон сўзларнинг маъносини [www.peevish.co.uk/slang](http://www.peevish.co.uk/slang) манзилидан билиб олиш мумкин. [www.urbandirectory.com](http://www.urbandirectory.com) манзилида ҳам замонавий жаргон сўзлар ҳамда интернетдаги ёзишувларда ишлатиладиган белги ва қисқартмаларнинг маънолари берилган. Хусусан, фойдаланувчи ундан :) — хурсандлик белгиси, :0 эса, бахтиёрлик рамзи эканини билиб олиши мумкин.

Америкада маъжуд бўлган шевалар луғатларининг энг нуфузлиси — «Америка минтақаларида ишлатилувчи инглиз тили луғати» (*Dictionary of American Regional English*) ҳисобланади. Унинг дастлабки талқини 1960 йили яратилган ва ҳозиргача янгилаб келинади. Нашрда бошқа луғатларда учрамайдиган ва АҚШнинг турли ҳудудларида ишлатилувчи сўзлар алифбо тартибда келтириб ўтилган. Китобдан сўзнинг маъноси билан бир қаторда унинг талаффузи, ишлатилиш минтақаси, кўлами ва сўзнинг тарқалганлик кўламини кўрсатувчи хариталар ҳам жой олган. Ҳозирги кунга қадар луғатнинг Адан Sk гача бўлган қисми чоп этилган. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур луғат нафақат нотаниш сўзларнинг маъносини, балки АҚШнинг маданий ривожини ҳам акс эттирувчи манбадир. Китобдан қандай фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар <http://dare.wisc.edu> сайтида жойлаштирилган.

### Қисқартмалар луғатлари

Бу турдаги луғатлар ҳар бир кутубхонанинг энг кўп фойдаланиладиган китоблари қаторидан жой олиб келмоқда. Зотан, инсоният тараққий этгани сайинунинг ҳаётидаги қисқартмалар сони ҳам кўпайиб бормоқда. БМТ, www, кг ва ҳоказо қисқартмалар ҳаётимизга кириб, ўзининг муқим жойини эгаллашга улгурган. Электрон мулоқот воситалари кўпайиши эса, қисқартмаларнинг ишлатилиш кўламини янада кенгайтди.

Инглиз тилидаги қисқартмаларнинг маъносини чақиб берувчи энг ишончли манба — «Гейл Груп» компанияси томонидан яратилган «Акронимлар, аббревиатуралар ва қисқартмалар луғати» (*Acronyms, Initialisms and Abbreviations Dictionary*) бўлиб, унинг охириги таҳрирдаги нашрида, асосан, интернет, таълим, тиббийёт, бизнесга алоқадор қисқартмалар изоҳи берилган.

Китобдан, шунингдек, автобус ёки вокзалларда, кузатув (навигация) тизимларида, биржаларда ишлатилувчи белгиларнинг маънолари ҳам жой олган. Нашриёт томонидан, шунингдек, компьютер, телекоммуникациялар, бизнес, белгилар ва даврий нашрлар сарлавҳаларида ишлатиладиган қисқартмаларга багишланган алоҳида тор доирадаги луғатлар ҳам чоп этиб келинади.

1950 йиллардан буён нашр қилинаётган бир жилдли «Қисқартмалар луғати» (*Abbreviations Dictionary*) (Стал ва Керчелин, 2001) китобига 267 мингта қисқартма сўз киритилган. Ундан қисқартмалар билан бир қаторда турли белгилар ва эпонимларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрин олган.

www.acronymfinder.com сайтида 409 мингдан зиёд қисқартманинг маъноси изоҳланган. Сайтда маълумот излашнинг турли усуллари мавжуд. www.abbreviations.com манзили ҳам интернетдаги қисқартмаларнинг маъносини билиш учун қулай манба ҳисобланади. Фойдаланувчиларга мазкур сайтларни маслаҳат беришдан аввал кутубхоначи қисқартмаларнинг қайси маънода ишлатилишини аниқлаб олиши лозим. Негаки, инглиз тилидаги қисқартмалар бир неча маънога эга бўлиб, айрим ҳолларда тажрибасиз фойдаланувчи улардан фойдаланишда адашиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас.

### Сўзларни қофиялаш учун мўлжалланган луғатлар

Бу луғатлар шоир ва ёзувчиларга, қўшиқлар матнини яратувчиларга мўлжалланган бўлиб, уларда алифбо тарзида берилган сўзларнинг қофияланган «хамроҳлар»и ҳам кўрсатиб ўтилган. Бу турдаги луғатлар орасида «Қофиялаш учун мўлжалланган сўзлар» (*Words to Rhyme With*) (Эспи, 2006) алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда инглиз тилида учрайдиган камёб сўзларнинг қофиялари учун мўлжалланган алоҳида боб мавжуд. «Рэндом Хаус Вебстернинг қофияловчи луғати»га (*Random House Webster's Rhyming Dictionary*) луғатига 60 мингта қофияланган сўз киритилган бўлиб, ундан шеъринг ибораларнинг луғати ҳам жой олган. «Оксфорд қофиялаш луғати» (*Oxford Rhyming Dictionary*) (Аптон ва Аптон, 2004) қирқта товуш гуруҳига кирувчи 85 мингта сўзни ўз ичига олган бўлиб, улар британча талаффузда келтирилган. 125 мингта қофияли сўз жой олган www.rhymezone.com манзилидаги онлайн луғатда қофиялар бўғин ёки ҳарф товуши бўйича сараланган. Ўн йилдан бери фаолият кўрсатаётган сайтдан фойдаланиш бепул.

### Умумлаштирилган луғатлар

Онлайн дунё турли манбаларни ўзида бирлаштиришда давом этаётган бир пайтда, бу жараён луғатларни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Масалан, www.onelook.com сайтида 1062 та луғатдан олинган 19 044 271 та сўз жамланган (2010 йил, 12 декабрдаги маълумот). Уларнинг орасида машҳур ва ишончли луғатлар билан бир қаторда кичикроқ нашриётлар томонидан яратилган луғатлар ҳам бор. Сайтнинг ўзига хос жиҳати шундаки, фойдаланувчи ўзига керак бўлган сўзни турли концепция ва тушунчалар асосида излаши ҳам мумкин.

Яна бир оммабоп ва бепул умумлаштирилган луғат <http://dictionary.reference.com> манзилида жойлашган бўлиб, у фойдаланиш учун жуда қулай.

Сайт 900 мингдан зиёд онлайн манбадаги маълумотларни бирлаштиради, улар орасида луғатлар билан бирга турли альманах ва ахборотномаларда берилган маълумотлар ҳам аке этади.

Умумлаштирилган луғатларни таърифлаб, мутахассислар бу турдаги манбалар, аслида, луғат эмас, балки умумлашган луғатлар маскани экани, бинобарин, уларнинг кутубхоначилар фаолиятида анчагина фойдали воситалигини таъкидлайди.

## Махсус гуруҳлар учун мўлжалланган луғатлар

### Болалар луғатлари

Болалар учун мўлжалланган луғатлар, асосан, умумий турдаги луғатлар ҳисобланади. Улар уч турдаги муассасалар учун мўлжалланади: мактаб кутубхоналари, жамоат кутубхоналари ва оилавий кутубхоналар. Оилада фойдаланиш учун мўлжалланган луғатлар, одатда, 12 мингдан 15 минггача сўз ва турли қўшимча маълумотларни, жумладан, АҚШ сиёсий тизими, оғирлик ва ўлчов бирликлари, қитъалар ва сайёралар ҳақидаги ахборотларни ҳам ҳавола қилади. Болалар учун мўлжалланган луғатлар яратиш борасидаги етакчи компаниялар, бу — Macmillan, American Heritage, World Book ва Merriam-Webster's.

«*Макмиллан болалар луғати*» (*Macmillan Dictionary for Children*) болалар луғатлари орасида энг диққатга сазовори бўлиб, китобнинг матбаа сифати жуда юкори, ҳарфлар катта, саҳифалар ранг-баранг тарзда безатилган. Унга 3 мингдан зиёд сурат ва фотосурат киритилган. Китобда 35 мингдан зиёд сўзнинг аниқ маъноси ва синонимлари, қисқартмалар, этимология, талаффуз ва сўздан гапда фойдаланиш бўйича намуналар берилган.

Таълим соҳасидаги психология муаммолари билан шуғулланувчи олим Эдвард Ли Торндайк ва тилшунос Чарльз Льюис Барнхарт болалар учун мўлжалланган уч жилдли «*Торндайк-Барнхартнинг болалар луғати*»ни (*Thorndike-Barnhart Children's Dictionary*) яратган бўлиб, китобнинг жилдлари кичик, ўрта ва катта ёшли болалар учун мўлжалланган. Айтиш жоизки, ўрта ёшли болалар билан катта ёшли болалар учун мўлжалланган луғатлар орасидаги фарқ унчалик катта эмас. Гарчи, китобдаги сўзлар 1998 йилдан буён янгиланмаган бўлса-да, кўпчилик нашриётлар мазкур луғатларни чоп этишни давом этмоқда.

Шу билан бир қаторда Торндайк-Барнхарт луғатининг асосида яратилган «*Дунё китоби луғати*» (*World Book Dictionary*) 1963 йилдан буён чоп этиб келинади. Нашрнинг онлайн шакли мунтазам равишда янгиланади. Луғатнинг охири босма нашрига 225 минг сўз ва 3 мингта сурат киритилган. Онлайн шаклдаги луғатдаги сўзлар сони эса 248 мингта; бу ҳозирги кунда болалар учун мўлжалланган луғатларнинг энг йиригидир. Луғатнинг ўзига хослиги шундаки, унда сўзларнинг маъноси жуда аниқ ва лўнда берилган. Бундан ташқари, суратлар, грамматика қоидалари ҳамда 128 бетли «Мулоқот йўриқномаси» ҳам болалар диққатига ҳавола этилган. Босма ва электрон шаклдаги чўнтак компьютерлари ва смартфонлар учун мўлжалланган илк луғатлар ҳам мавжуд. Нашрнинг 2003 йилги таҳрирининг айрим қисмлари билан Go-

ogle Books орқали танишиш мумкин. «*DK Мерриэм-Вэбстернинг болалар луғати*» (*DK Merriam-Webster Children's Dictionary*) 35 минг сўз ва 3 мингта рангбаранг суратни ўзида акс эттириб, саккиз ёшдан то ўсмирлик ёшигача бўлган болалар учун ишончли манба ҳисобланади. Алифбо тартибидаги сўзлар билан бир қаторда, луғатда мамлакатлар ва шунга ўхшаш қизик маълумотлар тўпланган бўлим ҳам бор. Сўзларнинг маънолари лўнда, суратлар эса жуда сифатли. Сўзларнинг гапда ишлатилиш намуналари ҳам диққатга сазовор.

## Икки тилли луғатлар

Дунё глобаллашиб, мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ривожлангани сайин икки тилли луғатларнинг аҳамияти ҳам ортиб бормоқда. Илгарилари, асосан, кутубхоналарда учраган икки тилли луғатлар эндиликда турли хил кўринишларда чоп этилмоқда.

Cassel, NTC, Oxford, Harper Collins ва Random House каби компания ва нашриётлар икки тилли луғатларни яратиш соҳасида етакчи саналади. Ўтган асрда мазкур соҳада Европа мамлакатлари тиллари энг оммабоп бўлиб, айна пайтда икки тилли луғатлар бозори «кичик халқлар» тиллари билан ҳам бойимоқда.

Cassel нашриёти луғатлар яратиш соҳасида 120 йиллик тажрибага эга. «*Касселнинг латин тили луғати*» (*Cassel's Latin Dictionary*) илк мартаба 1854 йили чоп этилган бўлиб, ҳозирги кунда ҳам тадқиқотчиларнинг ишончли «ҳамроҳи»дир. «*Касселнинг италиян тили луғати*» (*Cassel's Italian Dictionary*) ҳам бошланғич, ҳам илғор даражадаги тил ўрганувчилар учун мўлжалланган. Италиян тилидаги аксарият шевалар кўплаб синонимларни талаб қилишини инобатга олсак, луғатда сўзларнинг маъноси билан бир қаторда уларнинг «таржима қилинишини» ҳам кўриш мумкин.

Оксфорд университети нашриёти дунёнинг турли тилларидаги луғатларни яратишда катта тажрибага эга. «*Оксфорд бошланғич*» (*Oxford Starter*), «*Оксфорд Дуден суратли*», «*Оксфорд Ҳачет*» (*Oxford Hachette*) ҳамда «*Оксфорд-Паравиа*» (*Oxford Paravia*) луғатлари, «*Ихчам*», «*Чўнтак*», «*Қисқа*», ва «*Асосий*» каби луғатлар тўпламлари турли даражадаги тил ўрганувчилар учун мўлжалланган. Ҳозирги кунда нашриёт томонидан дунёдаги қирқдан зиёд тилдаги луғатлар нашр этилмоқда. [www.askoxford.com](http://www.askoxford.com) сайтидан кутубхоналар учун мўлжалланган луғатларнинг тўлиқ рўйхати ва уларнинг хусусиятлари билан танишиш мумкин.

*McGraw-Hill* нашриётининг *Vox/NTC* луғатлар тўплами ҳам икки тилли луғатлар бозоридаги анча оммабоп манба ҳисобланади. Мазкур нашриёт луғатлари орасида инглиз-испан луғатлари тўпламлари, айниқса, диққатга сазовор. *Larousse* нашриёти ўзининг француз-инглиз луғатлари билан кўзга кўринган. Икки тилли луғатлар соҳасида хатто энг кичик нашриёт ва компанияларнинг обрўси ҳам кескин кўтарилиб кетиши мумкин. Жумладан, 1990 йилдаги Косово можаросидан сўнг АҚШга кўчиб келувчи албанияликларнинг сони ортиши натижасида Нью-Йоркдаги кичкинагина *Hippocrene* босмаҳонаси кўпчиликнинг оғзига тушди. Гап шундаки, албан-инглиз ва инглиз-албан тилларидаги ягона босма шаклдаги амалий луғат ўша пайтда фақат шу компания томонидан чоп этиларди.

Сиёсий жараёнларнинг замонавий жамият ҳаётига таъсирини инобатга олган ҳолда, кутубхоначилар дунёдаги асосий тиллардаги сўзларнинг маъносини чақиш имконини берувчи икки тилли луғатларни ўз тўпламига қўшиб бориши ва маҳаллий демографик шароитдаги ўзгаришларни диққат билан кузатиши тавсия қилинади. Сиёсий ўзгаришлар туфайли авваллари кўпчиликнинг иши бўлмаган тилларга бўлган эҳтиёж ҳам тўсатдан ошиб кетиши эҳтимолдан холи эмас.

### Ихтисослашган луғатлар

Муайян соҳага ихтисослашган луғатлар доирадаги мавзуга алоқадор бўлган сўзларнинг маъносини тушунтириш баробарида ўша соҳага алоқадор бўлган ҳар қандай сўзни синчковлик билан таърифлайди. Айти пайтда деярли ҳар бир соҳанинг ўз луғати бор бўлиб, уларда асосий эътибор қуйидаги омилларга қаратилган:

- сўз маъносига чуқурроқ кириб бориш ва уни кенгроқ таърифлаш. Айрим сўзларнинг таърифи салкам энциклопедик мақола кўринишига эга бўлади. Масалан, «*Гарварднинг мусиқа луғати*»да (*Harvard Dictionary of Music*) «электр акустик мусиқа» сўзининг таърифи бир саҳифадан ошади;
- луғатнинг яратилишида соҳа мутахассислари иштирок этгани боис уларнинг ишончлилик даражаси ҳам юқори;
- нисбатан кенг тарқалмаган соҳалар, масалан, кутубхоначилик касби билан боғлиқ сўз ва атамаларнинг маъносини очиб бериш;
- янги сўзлар борасидаги ахборотнинг янгиланиб туришини тезлаштиради. Технологик ривожланиш натижасида кутубхоначилар ўз чўнтак компьютерларига турли электрон луғатларни ўрнатиб, мулоқот жараёнида янги пайдо бўлаётган сўзлар ҳақидаги билимларини ошириб боришга мажбур. Шундай бўлса-да, аксарият ҳолларда ихтисослашган луғатлар ҳали ҳам илмий кутубхоналар ёки муайян касб вакиллари учун зарур бўладиган манба ўлароқ кенг оммада катта қизиқиш уйғотмайди.

### Кўриш ва эшитиш имконияти чекланганлар учун мўлжалланган луғатлар

Фойдаланувчиларнинг махсус қатламлари учун мўлжалланган луғатларнинг тарқалиш ва ишлатилиш кўлами унчалик кенг бўлмаса-да, «кўза кунда эмас, кунда синади» деганларидек, керак пайтда зарур манбанинг йўқлиги ҳам фойдаланувчи, ҳам кутубхоначини қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин.

Кўриш ва эшитиш қобилияти чекланганлар — махсус фойдаланувчилар қатламининг асосий қисмини ташкил этади. Жумладан, яхши кўрмайдиганлар учун мўлжалланган луғатларнинг ҳарфлари катта, тушунтиришлар эса, имкон қадар лўнда бўлади. «*Оксфорд катта ҳарфли луғати*» (*Oxford Large Print Dictionary*) илк бора 1989 йилда чоп этилган. Луғатдаги сўзлар таърифи лўнда, сўз ишлатилувчи намуна гаплар, талаффуз вариантлари ва ҳоказо маълумотлар ўқувчининг эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун хизмат қилади. Китобнинг шаклини яратишда Британиянинг Миллий кўзи ожизлар институти мутахассислари иштирок этиб, унинг чоп этилиш сифати ниҳоят даражада юқори, китобдаги оқ майдон имкон қадар кенг, ҳарфлар катта-катта, аниқ тарзда ёзилган.

«*Вебстернинг катта ҳарфли луғати*» (*Webster's New Explorer Print Dictionary*) 40 мингдан зиёд сўз маъноси ва талаффузига доир маълумотларни ўз ичига олган. Китобга қисқартмаларга бағишланган махсус бўлим ҳам киритилган. Луғат сифати Кўриш қобиляти чекланганлар миллий уюшмаси томонидан тасдиқланган. «*Рэндом Хаус Вебстернинг катта ҳарфли луғати*» (*Random Hoouse Webster's Large Print Dictionary*) АҚШ ва Буюк Британияда чоп этилган бўлиб, юқорида айтиб ўтилган Уюшма томонидан маъқулланган.

Кинетик (имо-ишоралар) тил луғатлари кўпинча имо-ишоралар китоблари билан адаштирилади. Гарчи, бу икки манба ўртасида ўхшашлик бўлса-да, луғатларда, одатда, талаффуз қоидалари, излаш учун каталог кўрсаткичлари, белгилар ва суратлар берилади. «*Америка имо-ишоралар тилининг тўлиқ луғати*» (*American Sign Language Dictionary Unabridged*) (Стернберг, 1998) ичига етти мингта белги, унинг маъноси ва алифбо тартибида келтирилган 12 мингта сурат киритилган. Илк бора 1981 йилда чоп этилган луғат мунтазам равишда янгиланиб, янги белгилар билан бойитилмоқда.

Шу ўринда Галлоде университетини нашриёти томонидан чоп этилган «*Америка имо-ишоралар тили луғати*» (*American Sign Language Handshape Dictionary*) хусусида ҳам тўхталиб ўтиш даркор. Мазкур нашр алифбо тартибида эмас, балки имо-ишоралар тилида фойдаланилувчи қирқта асосий қўл ишоралари асосида тузилган. Луғатга 1600 та қўл ишораси белгиси киритилган. Бундан ташқари, луғатдан суратлар ҳамда сўз ва сурат излаш усуллари ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Луғатнинг энг сўнгги таҳриридан 3 мингдан зиёд сурат ва 3077 ишора ҳамда DVD диск жой олган.

Луғатлар бозорида эшитиш қобиляти сусайганлар учун мўлжалланган луғатлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни айтиш пайтда iPhone ҳамда iPod каби мосламаларга юклаб олиш ва фойдаланиш мумкин. [www.dictionary.reference.com](http://www.dictionary.reference.com) манзилида жойлашган умумлашган онлайн луғатда сўзларни қисман аудиоформатда эшитиш имконияти мавжуд.

## Тезаурус (синоним ва антонимлар луғати)

Идеографик луғат деб аталувчи мазкур турдаги манбалар асосий луғатлар вазифасидан биров фарқ қилади. Луғатлар сўз маъносини таърифлашни мақсад қилса, тезаурус керакли сўзни топishга ёрдамлашади. Ҳар бир сўзнинг синоним ва антонимлари бўлиши табиий. Бу орқали фойдаланувчи ўзига керакли маънони англатувчи сўзни тўғри танлаш имкониятига эга бўлади. Тезауруслар, одатда, алифбо ёки тасниф бўйича сараланади.

«Тезаурус» тушунчаси 150 йил муқаддам доктор Питер Роге томонидан киритилган бўлиб, «*Рогенинг халқаро тезауруси*» (*Roget's International Thesaurus*) асари айтиш кунда ҳам мустаҳкам манба ҳисобланади. Нашрнинг олтинчи таҳририга 330 минг сўз кирган бўлиб, улар мингдан зиёд таснифга ажратилган ҳолда маъноси бўйича тартибга солинади.

«*Оксфорд Америка ёзувчисининг тезауруси*» (*Oxford American Writer's Thesaurus*) асари ўзига хос инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда ҳар бир сўздан фойдаланишга бағишланган кичкина мақолалар, тўғри ёзиш бўйича маслаҳатлар, сўзларнинг антонимларини ҳам таклиф қилади. Китобга

25 мингта сўз, 300 мингта синоним ва 10 мингта антоним киритилган. Китоб онлайн шакли [www.thesaurus.com](http://www.thesaurus.com) манзилида жойлашган.

## Кўчирма гаплар

Луфатларда, кўпинча, сўздан қайси контекстда фойдаланиш кераклигини аниқлашни осонлаштирувчи кўчирма гаплар ҳам берилади. Кўчирма гаплар китоблари ана ўша эҳтиёж меваси бўлиб, ўқувчининг эътиборига сўз ва тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ тушунишга хизмат қилувчи минглаб кўчирма гапларни таклиф қилади. Бу каби китобларнинг тузилиши турлича. Масалан, машҳур «*Бартлетнинг танши гаплари*» (*Bartlett's Familiar Quotations*) китобининг 17-таҳрирдаги нашри хронологик тартибда тузилган. Шу билан бирга китобдаги гапларни зарур сўз ва муаллиф бўйича излаш имконияти ҳам мавжуд. Китобга 25 мингта гап киритилган бўлиб, муаллифлар орасида Билл Клинтон, Тереза Она сингари машҳурлар бор. Китобнинг онлайн шакли билан [www.bartleby.com/100](http://www.bartleby.com/100) манзилида танишиш мумкин. Китобдаги маълумотларни керакли сўз, хронологик ёки алифбо тартибда тузилган каталог кўрсаткичи орқали излаш мумкин.

«*Рэндом Хаус Вебстернинг кўчирма гаплар тўплами*» (*Random House Webster's Quotationary*) (Фрэнк, 2001) мавзу бўйича тартибга солинган 20 мингта кўчирма гапни ўз ичига олган бўлиб, керакли маълумотларни, шунингдек, муаллиф бўйича ҳам топиш имкони бор. Оксфорд университети нашриёти томонидан яратилган «*Оксфорднинг замонавий кўчирма гаплар луғати*» (*Oxford Dictionary of Modern Quotations*) ҳамда «*Оксфорднинг диққатга сазовор ва кўчирма гаплар луғати*» (*Oxford Dictionary of Phrase Sayings and Quotations*) хронологик тартибда ҳамда мавзу бўйича тузилган. «*Йельнинг кўчирма гаплар китоби*» (*Yale Book of Quotations*) 12 мингта диққатга сазовор жумлани бирлаштирган бўлиб, сиёсат, телевидение ва ҳатто болалар учун мўлжалланган китоблардан олинган матнларни ҳам ўзида акс эттирган.

Кўчирма гапли китоблар сўзларнинг қайси маънода ишлатилишини бириктиришда муҳим аҳамият касб этади. Кўпчилик кутубхоналар ўз тўпламларида бу каби китобларнинг бир нечасини сақлайди ва улар ҳар қандай фойдаланувчининг эҳтиёжини қондиришда муҳим вазифа ўтайди.

## Услубият ва сўзлардан фойдаланиш

Сўздан фойдаланишнинг турли шакллари пайдо бўлиши билан сўзлардан фойдаланиш услубияти ҳам ўзгариб бормоқда. Босма китоб, памфлет ёки мақола электрон кўринишдаги CD-ROM видео ёки кассета билан тўлдирилмоқда. Шу боис мазкур йўналишда кутубхоначилар икки турдаги саволларга жавоб беришга тайёр туриши лозим:

- грамматика ва пунктуация;
- услуб ва кўчирма гаплардан фойдаланиш.

«*Чикаго услуб қўлланмаси*» (*Chicago Manual Style*) нашриётчилик касбига қизиқувчилар учун энг керак манбадир. 1890 йилларда пайдо бўлган нашрнинг ҳозирги кунгача 16та таҳрири чоп этилган бўлиб, ёзувчи ва муҳаррир-

ларнинг ишончли «ҳамроҳи» бўлиб келмоқда. Китобда нашриётчилик ишининг барча жиҳати, жумладан, грамматика, услубият, нашр маркетинги ва ҳоказо масалалар қамраб олинган. Китоб ҳам босма, ҳам CD-ROM шаклида мавжуд бўлиб, унинг онлайн кўриниши [www.chicagomanualofstyle.org/home.html](http://www.chicagomanualofstyle.org/home.html) манзилида жойлашган.

Замонавий тил уюшмасининг талабалар учун мўлжалланган «Илмий изланишлар билан шуғулланаётганлар учун қўлланма» (*Handbook for Writers of Research Papers*) (Гибальди, 2003) китоби илмий ишларни қандай ёзиш кераклиги борасидаги асосий манба саналади. 2008 йилда яратилган «Услубият қўлланмаси ва илмий ишларни яратиш бўйича йўриқнома» (*Style Manual and Guide to Scholarly Publishing*) профессионал ёзиш борасидаги эътиборга молик китоблардан бири. Юқоридаги манбалар ҳам бир кутубхона тўпламидан жой олиши шарт, негаки илмий иш ёзиш билан банд бўлган ҳар қандай фойдаланувчи, аввало, мана шу китобларни топиб беришни илтимос қилиши тайин.

Профессионаллар, айниқса, ижтимоий фанлар билан шуғулланувчилар учун энг қулай манба, бу — «Америка психология уюшмасининг нашриётчилик бўйича қўлланмаси» (*Publication Manual of the American Psychological Association*) (2001). Нашрнинг босма шаклида ҳисоботлар, тақдимотлар ва илмий мақолаларни ёзиш, статистика маълумотлари, жадвалларни кўрсатиш, грамматика ва кўчирма гапларни бериш тартиби ва қоидалари келтириб ўтилган. Шунингдек, китобда плагиат, яъни кўчирмачиликдан сақланишга бағишланган бўлимлар ҳам ўрин олган. Китобдаги «энг оммабоп» маслаҳатлар, жумладан «Фейсбук» ва «Твиттер» каби ижтимоий тармоқлардаги кўчирма гапларни бериш қоидалари [www.apastyle.org/previoustips.html](http://www.apastyle.org/previoustips.html) манзилида келтириб ўтилган.

Услубни тўғриловчи дастурий маҳсулотларнинг янги авлодларини яратишга олиб келган технологик ривожланиш натижасида «Reference Manager», «End Note», «Ref Works», «2collab», «BibSonomy», «ProCite» каби дастурий маҳсулотлар пайдо бўлдики, улар интернет тармоғида маълумот излаш, библиографияларни тартибга солиш ва илмий ишни яратиш учун зарур бўлган қатор вазифаларни бажаради (Пилман, 2005). Жон Хопкинс, Корнелл ва Канзас университетларининг кутубхоналари ўз фойдаланувчиларига мазкур дастурий маҳсулотлардан бепул равишда фойдаланиш имкониятини яратган илк илмий муассасалардир.

Илмий муассасалардаги бўлимларнинг турфа хиллигини инобатга оладиган бўлсак, кутубхоначининг ихтиёрида муайян соҳага бағишланган услубий қўлланмаларнинг бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда сиёсий, табиий ва гуманитар фанлар, журналистика, тиббиёт ва бошқа соҳаларга бағишланган услубий қўлланмалар ҳам фойдаланувчиларнинг оғирини енгил қилмоқда.

Инглиз тили услубияти юзасидан қийинчиликка дуч келган фойдаланувчиларга етмиш йилдан зиёд вақт мобайнида ишончли манба бўлиб келаётган «Фаулернинг замонавий инглиз тилидан фойдаланиш» (*Fowler's Modern English Usage*) китоби асқотади.

Кембридж университети нашриёти томонидан яратилган «Кембриджнинг инглиз тилидан фойдаланиш бўйича қўлланмаси» (*Cambridge Guide to English Usage*) «йигирма биринчи асрнинг глобал ва маҳаллий фойдаланувчилари» учун мўлжалланган. Китобни яратишда иккита маълумот базаси: «Британия



миллий антологияси» (*British National Corpus*), «Кембридж халқаро антологияси» (*Cambridge International Corpus*) ҳамда юзлаб саволномалардан фойдаланилган бўлиб, инглиз тилидан фойдаланиш ва инглиз тили услубиятига бағишланган 4 мингдан зиёд алифбо тартибида тузилган мавзулар ёритиб берилган.

## Коллекцияни шакллантириш ва бошқариш

### Манбаларни танлаш ва янгилаб бориш

Луғатлар соҳасидаги янгиликларни кузатиб, «сўз маъносининг манбаларни» янгилаб бориш бир неча йўл билан амалга оширилади.

- Профессионал шарҳлар билан мунтазам танишиб бориш:
  - «Маълумотномалар бюллетени» (*Reference Books Bulletin*) барча луғатларга бағишланган шарҳларни чоп этган бўлиб, унда юқори малакали мутахассисларнинг фикрлари бериб ўтилади;
  - ҳар йили ноябрь ойида чоп этилувчи «Кутубхона журнали»га (*Library Journal*) «Илова»да (*Supplement*) яқинда нашрдан чиққан ва энди босмага тайёрланаётган китоблар шарҳи берилиб, унда луғатларга бағишланган алоҳида бўлим ҳам бор;
  - энг машҳур луғатлардаги янгиланишларнинг шарҳлари турли профессионал нашрлар, жумладан, «Ношир ҳафталиги» (*Publisher's Weekly*), «Китоб рўйхати» (*Booklist*), «Кутубхона журнали» (*Library Journal*), «Мактаб кутубхонаси журнали» (*School Library Journal*) кабиларда мунтазам равишда акс этади;
  - «Коллеж ва илмий кутубхоналар» (*College and Research Libraries*) нашрида ҳам ҳар ярим йилда яқинда яратилган луғатларнинг шарҳи эълон қилинади;
  - «Маълумотлар базаси» (*Database*) сайтида онлайн ва CD-ROM луғатларнинг шарҳлари билан танишиш мумкин.
- Мунтазам равишда янгиланиб турувчи маълумотномалар билан танишиш луғатлар соҳасидаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб туришнинг яна бир усули ҳисобланади. Бунда Америка кутубхоналари уюшмасининг «Маълумотномалар ахборотномаси» (*Guide to Reference Books*) қўлланмаси энг диққатга сазовор манбалардан биридир.
- Муайян мавзуга бағишланган монографиялар, жумладан, 1998 йили британиялик кутубхоначи Эндрю Делби яратган «Дунё тиллари луғатлари маълумотномаси»да (*Guide to World Language Dictionaries*) 275та тилдаги луғатлар шарҳи берилган бўлиб, маълумотлар алифбо тартибида жойлаштирилган. «Кистернинг катталар ва ёшлар учун мўлжалланган энг яхши луғатлари» (*Kister's Best Dictionaries for Adults and Young People*) китобида инглиз тилидаги 300та луғат бир-бири билан солиштирилган.
- Луғатлар ҳақида чуқурроқ маълумот олиш учун Шимолий Америка луғатлар жамиятининг <http://polyglot.lss.wisc.edu/dsna> манзилида жойлашган веб-сайтга обуна бўлиш тавсия этилади. Айни пайтда айнан мана шу жамият Америка китъасидаги тилшуносларнинг энг нуфузли профессионал ташкилоти сифатида муҳим аҳамият касб этади. Жамият томонидан чоп этилувчи

хабарнома ва йиллик журналда муайян лугатнинг янгиланиш ҳамда яратиш жараёни синчковлик билан кузатиб борилади. Европа мамлакатлари лугатшунослик соҳасидаги жараёнлардан хабардор бўлиш учун EURALEX ташкилотига аъзо бўлиш тавсия қилинади (<http://www.euralex.org/>).

- «Оксфорд инглиз тили лугати» (*Oxford English Dictionary*). Ҳар чорақда нашр этилувчи хабарномада лугатни янгилаш жараёни ва бунинг доира-сидаги илмий изланишлар ҳақида хабар бериб борилади. [www.oed.com/news/ernail.html](http://www.oed.com/news/ernail.html) манзилида жойлашган сайтдаги электрон хатларни юбориш рўйхатига аъзо бўлиш орқали мазкур жараён ҳақида мунтазам равишда қафолатланган тарзда хабардор бўлиб туриш мумкин.

## Сўз манбаларини баҳолаш

Сўз манбаларини баҳолашдаги асосий мезон нашр нуфузи ва тушунарлилик ҳисобланади. Агар сўзнинг маъноси тушунарсиз ёки нотўғри тарзда берилган бўлса, қолган барча бошқа мезонлар сўз аҳамиятини йўқотади. Айтиш жоизки, сўз таърифнинг тўғрилиги айрим ҳолларда нашриёт ёки тилшуносликнинг нуфузи билан ҳам белгиланади.

Сўз манбалари, шунингдек, долзарблик, нарх, формат, қўлам ва қўшимча маълумотлар борлиги каби мезонлар билан ҳам баҳоланади. Замонавий технологиялар ривожига ва электрон лугатларнинг тарқалиши туфайли айни пайтда ўзини ҳурмат қилган ҳар қандай лугат фойдаланувчига босма нашр билан бир қаторда электрон нашрни ҳам таклиф қилиш одатга айланиб бормоқда.

## Қўшимча фикрлар

Фойдаланувчиларга таклиф қилинаётган юзлаб лугатлардан атиги бир нечтасини саралаш орқали кутубхоначи ўз билими ва маънасини қуйидаги иккита вазифани бажаришга йўналтириши керак бўлади:

- сўз манбаларини шакллантириш;
- маълумот бериш.

## Сўз манбаларини харид қилиш

Умумий турдаги лугатлар ҳар бир кутубхона тўпламида бўлиши шарт, ихтисослашган лугатлар эса кутубхона турига қараб харид қилинади. Сўз манбаларини харид қилаётганда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

- «Лугат» деб номланган китобларнинг ҳаммаси ҳам том маънодаги лугат бўлавермайди. Бу ном китобда қамраб олинган мавзулар алифбо тарзида тартибланганини аниқлаштириш мумкин, холос. Масалан, 1800 йилда чоп этилган «Ирландия тарихининг янги лугати» сўзлар таърифига умуман алоқасиз бўлиб, тўлигича тарих соҳасига бағишланган. Аксинча, номида «луғат» сўзи қўлланилмаган китоблар айрим ҳолларда айнан лугат бўлиб чиқиш эҳтимоли ҳам мавжуд.
- Сўз манбалари қўп ҳолатларда бир-бирини қайтариши мумкин, шу боис бозорда паёдо бўлаётган ҳар бир лугатни харид қилишга шошилиш керак эмас.

## Маълумот бериш

Кутубхоначилар фойдаланувчиларнинг саволларига жавоб бериш учун керакли манбалар билан «қуролланиб» бораётган бир шароитда ана ўша «қурол»нинг таркибий қисмлари нималардан иборат бўлишини аниқлаб олиши даркор.

- *Пиравард жавобни тасаввур қилиш.* Фойдаланувчи берган саволнинг пиравард жавоби қандай бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиш керакли манбани аниқлашда ёрдам беради. Масалан, «Шасси нима?» деган саволнинг жавоби «Шасси, бу — ...». бўлиши аниқ. Шундай экан, бу саволга жавоб қайтариш учун оддий луғат кифоя. «Баҳолаш» сўзини яна қандай ифодалаш мумкин?» деган саволнинг жавоби «Баҳолаш» сўзини қуйидагича ифодалаш мумкин...». кўринишида бўлади. Бунда эса синонимлар луғатига мурожаат этиш талаб қилинади.
- *Мураккаблик.* Савол қанчалик мураккаб? Жавоб жиддий изланиш ёки таҳлил ўтказишни талаб қилади ми? «Томас Эдисон ўз лабораторияларида ишлатилаётган симоб ишчиларнинг саломатлигига путур етказиши мумкинлигини билганми?» Буюк олим симобнинг хавфи тўғрисида хабардор бўлган-бўлмагани ҳақида аниқ маълумот йўқлиги боис, бир тадқиқотчи ўша пайтлардаги луғатларда симобга қандай таъриф берилгани асосида юқоридаги саволга жавоб топишга ҳаракат қилган. Шу боис кутубхоначи ҳам мана шундай мушкул саволларга дуч келган пайтда савол билан жавоб топиш учун фойдаланиш мумкин бўлган манбани ўзаро боғлай билиши муҳим аҳамият касб этади.
- *Чуқурлик.* Айрим саволларга жавоб қайтариш учун у ёки бу сўзнинг этимологияси билан қизиқиш, унинг қайси мазмунда кўпроқ ишлатилишига эътибор бериш тавсия этилади.
- *Контекст.* Айрим сўзларнинг маъноси ниҳоят даражада кенглиги ҳисобга олинмаган бўлса, уларнинг қайси контекстда ишлатилишини билиш талаб этилади. Шу боис нотаниш сўз учраб қолганида кутубхоначи фойдаланувчидан бу сўз ишлатилган жумлани келтиришни илтимос қилиши лозим.
- *Формат.* Электрон мулоқот воситалари турларининг кенгайиши ҳаётимизга кўплаб янги сўзларни олиб кираётган бир пайтда, кутубхоначиларнинг нотаниш сўзлар маъносини қайси турдаги манбадан қидириши ҳам муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Шу боис аксарият мутахассислар янги сўзлар, жаргонлар ва шу каби ишлатилиши чекланган сўзларнинг маъносини, аввало, интернет тармогидан излашни маслаҳат беришади.

### ЕТАКЧИ ЛУҒАТЛАР ВА СЎЗ МАНБАЛАРИ УНЛИГИ

Ном	Босма	Онлайн
«Америка мероси луғати» ( <i>American Heritage Dictionary</i> ), 2006 й., Бостон, Houghton Mifflin нашриёти	4-нашр	<a href="http://www.bartleby.com/61/">www.bartleby.com/61/</a>
«Барлетнинг таниш гаплари» ( <i>Bartlett's Familiar Quotations</i> ), 2002 й., Лондон, Little, Brown Book Group нашриёти	17-нашр	<a href="http://www.bartleby.com/100/1919.html">www.bartleby.com/100/1919.html</a> йилги таҳрир <a href="http://www.Archive.org">www.Archive.org</a> — 1968 йилги таҳрир

«Америка минтақаларида ишлатилувчи инглиз тили луғати» ( <i>Dictionary of American Regional English</i> ), 2002 й., Кэмбридж, Гарвард университети нашриёти	5 жилд + 1	Луғатга кирган 100 та сўз билан <a href="http://dare.wisc.edu">http://dare.wisc.edu</a> манзилида танишиш мумкин
«Макмиллан болалар луғати» ( <i>Macmillan Dictionary for Children</i> ), Нью-Йорк, Simon and Schuster Children's Publishing нашриёти		
«Мерриэм-Вэбстернинг талабалар учун мўлжалланган луғати» ( <i>Merriam-Webster's Collegiate Dictionary</i> ), 2003 й., Спрингфилд, Merriam-Webster нашриёти	11-нашр	<a href="http://www.m-w.com">www.m-w.com</a>
«Услугият қўлланмаси ва илмий ишларни яратиш бўйича йуриқнома» ( <i>Style Manual and Guide to Scholarly Publishing</i> ), 2008 й., Нью-Йорк, Америка Замонавий тил уюшмаси нашриёти	3-нашр	
«Янги Оксфорд Америка луғати» ( <i>New Oxford American Dictionary</i> ), 2010 й., Нью-Йорк, Оксфорд университети нашриёти	3-нашр	Обуна <a href="http://www.oxfordreference.com">www.oxfordreference.com</a> манзилида
«Оксфорд инглиз тили луғати» ( <i>The Oxford English Dictionary</i> ), 1989 й., Нью-Йорк, Оксфорд университети нашриёти	20 жилддан иборат	Обуна <a href="http://www.oed.com">www.oed.com</a> манзилида
«Рогенинг халқаро тезауруси» ( <i>Rogel's International Thesaurus</i> ), 2010 й., Нью-Йорк, Harper Collins Publishers нашриёти	7-нашр	<a href="http://www.bartleby.com/110/1922">www.bartleby.com/110/1922</a> йилги нашр
«Вэбстернинг учинчи таҳрирдаги янги халқаро тўлиқ луғати» ( <i>Webster's Third New International Dictionary, Unabridged</i> ), 2002 й., Спрингфилд, Merriam-Webster нашриёти		Обуна <a href="http://corporate.britannica.com/library/online/mwu.html">http://corporate.britannica.com/library/online/mwu.html</a>

#### Фойдаланиш учун тавсия қилинадиган бепул веб-сайтлар

Dictionary.com — тез ишловчи, ишончли ва самарали манба. Сайт турли манбалардан фойдаланади, дизайни анча қулай ва содда. Сайтдан тезаурус ҳамда 20та тилдан таржима қилиш имконини берувчи луғатлар жой олган. Сайт манзили: <http://dictionary.reference.com/>

AcronymFinder.com. Сайтдан тўрт миллиондан зиёд қисқартма, аббревиатура ва бошқа шунга ўхшаш маълумотларни қидириб топиш имкони мавжуд. Маълумотлар керакли сўз ёки соҳа бўйича қидирилиши мумкин. Сайт манзили: [www.acronymfinder.com/](http://www.acronymfinder.com/)

«Америка мероси луғати»нинг (*American Heritage Dictionary*) тўртинчи нашри [www.bartleby.com/61](http://www.bartleby.com/61) манзилида жойлашган бўлиб, фойдаланиш бепул. Луғатдан 90 мингта сўз, 70 мингта аудио файл (талаффузни билиш учун) ҳамда 900 та сурат жой олган.

«Мерриэм-Вэбстернинг талабалар учун мўлжалланган луғати»нинг (*Merriam-Webster's Collegiate Dictionary*) 11-таҳрирдаги нашри [www.merriam-webster.com](http://www.merriam-webster.com) манзилида фойдаланувчиларга бепул равишда таклиф этилади.

Netlingo сайти кундалик равишда янгиланиб, жадал қўпайиб бораётган «киберолам» иборалари, белгилар ва қисқартмаларнинг маъносини чақишда беқиёс аҳамият касб этади. Сайт манзили: <http://netlingo.com/>.

## Recommended Resources Discussed in This Chapter

---

Abbreviations. Available: [www.abbreviations.com](http://www.abbreviations.com).

Acronyms. Available: [www.acronymfinder.com](http://www.acronymfinder.com).

*Acronyms, Initialisms & Abbreviations Dictionary*. 2011. Farmington Hills, MI: Gale/Cengage Learning.

*The ACS Style Guide: A Manual for Authors and Editors*. 2006. 3rd ed. Annie M. Coghill and Lorrin R. Garson, eds. New York: Oxford University Press.

*Albanian-English/English-Albanian Practical Dictionary*. 2006. New York: Hippocrene Books.

*AMA Manual of Style*. 2009. 10th ed. New York: Oxford University Press. Also available online at [www.amanualstyle.com](http://www.amanualstyle.com) with a subscription.

*The American Heritage Dictionary for Learners of English*. 2002. Boston: Houghton Mifflin.

*The American Heritage® Dictionary of the English language*. 2006. 4th ed. Boston: Houghton Mifflin.

*American Medical Association Manual of Style: A Guide for Authors and Editors*. 2007. 10th ed. New York: Oxford University Press.

*The American Sign Language Handshape Dictionary*. 1998. Washington, DC: Gallaudet University Press.

APA. 2009. *Publication Manual of the American Psychological Association*. 6th ed. Washington, DC: American Psychological Association.

*The Associated Press Stylebook*. 2010. New York: The Associated Press.

Bartlett, John. 2002. *Bartlett's Familiar Quotations*. 17th ed. Boston: Little, Brown.

*Black's Law Dictionary*. 2004. 8th ed. Bryan A. Garner, ed. Eagan, MN: West Publishing Company.

*Bloomsbury English Dictionary*. 2004. London: A & C Black.

Burchfield, R. W. 2004. *Fowler's Modern English Usage*. Rev. 3rd ed. Oxford: Oxford University Press.

*Cambridge Advanced Learner's Dictionary*. 2008. Cambridge, UK: Cambridge University Press.

*The Cambridge Guide to English Usage*. 2004. Cambridge, UK: Cambridge University Press.

*Canadian Oxford Dictionary*. 2004. 2nd ed. Katherine Barber, ed. Oxford: Oxford University Press.

Canadian spelling. Available: [www.luther.ca/~dave7cnv/cdnspelling/cdnspelling.html](http://www.luther.ca/~dave7cnv/cdnspelling/cdnspelling.html).

Carter, John, and Nicolas Barker. 2004. *ABC for Book Collectors*. 4th ed. New Castle, DE: Oak Knoll Press.

*Cassell's Italian Dictionary*. 1977. New York: Macmillan.

*Cassell's Latin Dictionary*. 1977. London: Cassell.

*Chambers Dictionary*. 2008. 11th ed. Edinburgh: Chambers Harrap.

Cheney, Debora. 2002. *The Complete Guide to Citing Government Information Resources*. 3rd ed. Bethesda, MD: Congressional Information Service.

*The Chicago Manual of Style*. 2010. 16th ed. Chicago: University of Chicago Press.

*Collins English Dictionary*. 2010. 30th anniversary ed. New York: HarperCollins.

- A Complete and Systematic Concordance to the Works of Shakespeare*. 1968. Marvin Spevack, compiler. New York: G. Olms.
- Concordance—Shakespeare. Available: [www.it.usvd.edu.au/~matty/Shakespeare/test.html](http://www.it.usvd.edu.au/~matty/Shakespeare/test.html).
- Corbeil, Jean-Claude, and Arianne Archambault. 2009. *The Firefly Five Language Visual Dictionary: English, Spanish, French, German, Italian*. New York: Firefly.
- . 2002. *The Firefly Visual Dictionary*. New York: Firefly.
- Dictionary. Available: [www.dictionary.com](http://www.dictionary.com).
- Dictionary of American Regional English*, Volume IV. 2002. Joan Houston Hall, chief ed. Cambridge, MA: Harvard University Press.
- DK Merriam-Webster Children's Dictionary*. 2008. New York: DK Publishing.
- Dorland's Illustrated Medical Dictionary*. 2007. 31st ed. New York: Elsevier/Saunders. Also available: [www.dorlands.com](http://www.dorlands.com).
- Encarta Webster's Dictionary of the English Language*. 2004. 2nd ed. New York: Bloomsbury.
- Espy, Willard R. 2006. *Words to Rhyme With*. 3rd ed. New York: Facts on File.
- FOLDOC. Denis Howe, ed. Available: <http://foldoc.org>.
- Fowler, H.W. 2009. *A Dictionary of Modern English Usage: The Classic First Edition*. David Crystal, ed. Oxford: Oxford University Press.
- Frank, Leonard Roy. 2001. *The Random House Webster's Quotationary*. New York: Random House Reference.
- Gage Canadian Dictionary*. 2000. Scarborough, Ontario: Thomson Nelson.
- The Gallaudet Dictionary of American Sign Language*. 2006. Clayton Valli, editor-in-chief. Washington, DC: Gallaudet University Press.
- Gibaldi, Joseph. 2003. *MLA Handbook for Writers of Research Papers*. 6th ed. New York: Modern Language Association of America.
- Harvard Concordance to Shakespeare*. 1973. Marvin Spevack, compiler. Cambridge, MA: Belknap Press.
- The Harvard Dictionary of Music*. 2003. 4th ed. Don Michael Randel, ed. Cambridge, MA: Belknap Press.
- Hickey, D. J., and J. E. Doherty. 2003. *A New Dictionary of Irish History from 1800*. Dublin, Ireland: Gill & Macmillan.
- Higham, Nicholas J. 1998. *Handbook of Writing for the Mathematical Sciences*. 2nd ed. Philadelphia, PA: SIAM.
- Lighter, Jonathan E. 1997. *Random House Historical Dictionary of American Slang*, Volume II. New York: Random House Reference.
- Macmillan Dictionary for Children*. 2007. New York: Simon & Schuster.
- The Macmillan English Dictionary*. 2007. 2nd ed. New York: Macmillan.
- McGraw-Hill's Dictionary of American Idioms and Phrasal Verbs*. 2006. New York: McGraw-Hill.
- Merriam-Webster's Advanced Learner's English Dictionary*. 2008. Springfield, MA: Merriam-Webster.
- Metadictionary*. Available: [www.onelook.com](http://www.onelook.com).
- MLA Style Manual and Guide to Scholarly Publishing*. 2008. 3rd ed. New York: Modern Language Association of America.
- Nelson Canadian Dictionary of the English Language*. 1997. Scarborough, Ontario: ITP Nelson.

- New Oxford American Dictionary*. 2010. 3rd ed. New York: Oxford University Press.
- NTC's American English Learner's Dictionary*. 1998. Richard A. Spears, ed. New York: McGraw-Hill.
- OED Online*. Available: [www.oed.com](http://www.oed.com).
- Ostler, Rosemarie. 2003. *Davdroppers, Waldos, and Slackers: A Decade-by-Decade Guide to the Vanishing Vocabulary of the 20th Century*. New York: Oxford University Press.
- The Oxford American Writer's Thesaurus*. 2008. Christine A. Lindbergh, ed. New York: Oxford University Press.
- Oxford Dictionary of English*. 2010. Oxford: Oxford University Press.
- Oxford Dictionary of Modern Quotations*. 2008. 3rd ed. Elizabeth Knowles, ed. New York: Oxford University Press.
- Oxford Dictionary of Phrase Sayings and Quotation*. 2006. 3rd ed. New York: Oxford University Press.
- Oxford English Dictionary*. 1989. 2nd ed. John Simpson and Edward Weiner, eds. New York: Oxford University Press.
- Oxford Large Print Dictionary*. 2002. New York: Oxford University Press. Reissued in 2006 as the *Oxford Large Print Dictionary, Thesaurus, and Word-power Guide*.
- The Oxford Rhyming Dictionary*. 2004. Clive and Eben Upton, eds. New York: Oxford University Press.
- The Oxford Starter Bilingual Dictionary Series*. New York: Oxford University Press. Copyright varies.
- Random House Webster's Large Print Dictionary*. 2007. New York: Random House.
- Random House Webster's Rhyming Dictionary*. 2008. New York: Random House Reference.
- Random House Webster's Unabridged American Sign Language Dictionary*. 2008. New York: Random House Reference.
- Random House Webster's Unabridged Dictionary*. 1997. New York: Random House Reference.
- Reitz, Joan M. 2007. *ODLIS*. Available: <http://lu.com/odlis/index.cfm>.
- Rhyming dictionary. Available: [www.rhymezone.com](http://www.rhymezone.com).
- Roget's International Thesaurus*. 2010. Barbara Ann Kipferer, ed. New York: HarperCollins Publishers.
- Saussy III, George Stone. 1989. *The Logodaedalian's Dictionary of Interesting and Unusual Words*. Columbia, SC: University of South Carolina Press.
- Shakespeare concordance. Available: [www.it.usyd.edu.au/~matty/Shakespeare/test.html](http://www.it.usyd.edu.au/~matty/Shakespeare/test.html).
- Slang dictionary. Available: [www.urbandictionary.com](http://www.urbandictionary.com).
- Stahl, Dean, and Karen Kerchelich. 2001. *Abbreviations Dictionary*. 10th ed. Boca Raton, FL: CRC Press.
- Stedman's Medical Dictionary*. 2006. 28th ed. Philadelphia, PA: Lippincott Williams & Wilkins.
- Sternberg, Martin L. A. 1998. *The American Sign Language Dictionary Unabridged*. New York: HarperCollins Publishers.
- Stone the Crows: Oxford Dictionary of Modern Slang*. 2008. 2nd ed. John Ayto and John Simpson, eds. New York: Oxford University Press.

- Strong's Exhaustive Concordance of the Bible*. 2007. Peabody, MA: Hendrickson Publishers.
- A Student's Dictionary*. 2004. Charleston, SC: The Dictionary Project.
- The Style Manual for Political Science*. 2001. Washington, DC: American Political Science Association.
- Thesaurus. Available: [www.thesaurus.com](http://www.thesaurus.com) and <http://thesaurus.reference.com>.
- Thorndike-Barnhart Children's Dictionary*. 1998. Upper Saddle River, NJ: Pearson Education.
- Tulloch, John H. 2000. *The Dictionary of Aquarium Terms*. New York: Barron's.
- Ultimate Visual Dictionary*. Revised and Updated. 2006. New York: DK Publishing. *Webopedia*. Available: [www.webopedia.com](http://www.webopedia.com).
- Webster's New Explorer Large Print Dictionary*. 2006. Darien, CT: Federal Street Press.
- Webster's Third New International Dictionary, Unabridged*. 2002. Springfield, MA: Merriam-Webster.
- Wiktionary*. Available: [www.wiktionary.com](http://www.wiktionary.com).
- Wordia*. Available: [www.wordia.com](http://www.wordia.com).
- World Book Dictionary*. 2005. Chicago: World Book.
- The World Factbook*. Available: [www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/index.html](http://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/index.html).
- The Yale Book of Quotations*. 2006. Fred R. Shapiro, ed. New Haven, CT: Yale University Press.

## Recommendations for Further Reading

---

- Clark, Joe. 2008. *Organizing Our Marvellous Neighbours: How to Feel Good About Canadian English*. E-book: <http://en-ca.org/buy/>. A short, ferocious and readable e-book that discusses the distinctiveness of Canadian spellings that is inconveniently individualistic since they are neither wholly British nor American. Clark correctly points to the insidious undermining effects of spell checkers that downplay Canadian spellings in favor of British and American ones. The book also serves as an intriguing example of the perceived value of dictionaries as lexical symbols of national identity.
- Coleman, Julie. 2008. *A History of Cant and Slang Dictionaries, Volumes I–III*. New York: Oxford University Press. Coleman provides us with an exhaustive and fascinating three-volume account of the colorful history of slang in the English-speaking world. The history is supported with the etymology of slang words and the context within which they were embedded. Also featured are the spiritualists, criminals, soldiers, journalists, aristocrats, schoolboys, and others who made up a motley crew of slang lexicographers through the ages.
- Dalby Andrew. 1998. *A Guide to World Language Dictionaries*. London: Library Association. This evaluative single-volume collation of dictionaries covering 275 languages from around the world provides the most updated information in the area of language dictionaries. The listings are both annotated and listed alphabetically, so it is not necessary to have additional knowledge of language groups.
- Harris, Roy. 2008. «Defining the Undefinable». *Times Higher Education* 1827 January 10): 20. Harris, an emeritus professor of general linguistics at the Univer-



- sity of Oxford, prolific author, and co-editor of the journal *Language and Communication*, presents us with a brief but stimulating essay on the importance of dictionaries to the self-understanding of society and the need to address a society where definitional anarchy in dictionaries is the norm.
- Kabdebo, Thomas, and Neil Armstrong. 1997. *Dictionary of Dictionaries and Eminent Encyclopedias*. New Providence, NJ: Bowker-Saur. This edition provides a comprehensive and evaluative bibliography of 24,000 subject, online, historical, and language dictionaries and encyclopedias. While an updated edition would be welcome, the resource continues to be useful in providing an overview of the breadth of dictionaries available.
- Kister, Kenneth. 1992. *Kister's Best Dictionaries for Adults and Young People: A Comparative Guide*. Phoenix, AZ: Oryx Press. Kister has written the definitive study of dictionaries. While the facts describing each dictionary are obsolete, the essays on the history, typology, and comparative evaluation of dictionaries continue to be powerful.
- Reitz, Joan M. 2004. «ODLIS: Online Dictionary for Library and Information Science». Available: <http://lu.com/odlis/>. Also available in print as the *Dictionary for Library and Information Science*, Westport, CT: Libraries Unlimited. First popularized as an online resource, the author has now published this wonderful resource in a print version as well. Definitions for all kinds of dictionaries are provided in a clear style with helpful «compare with» suggestions for relevant entries.
- Romero, Joseph M. 2004. «Life Among the Lexicographers». *Humanities* 25, no. 2 (March/April): 20. This is both a well-researched and elegant article on the creation of a unique dictionary, the *Dictionary of American Regional English*.
- Sweetland, James H. 2001. *Fundamental Reference Sources*. 3rd ed. Chicago: American Library Association. The author, who was president of the Reference and User Services Association in 1990–1991 and is currently professor at the School of Information Studies, University of Washington-Milwaukee, is highly qualified to write this «reference on reference» that configures a workable method to both determine and pick out the most useful print and nonprint reference resources.
- Wallraff, Barbara. 2004. «Dictionaries». *The New York Times Magazine* (October 5): 18. Written by the author of *Your Own Words*, this article alerts users to the fallibility of dictionaries in terms of differing and idiosyncratic entries and styles.
- World Wide Words. Available: [www.worldwidewords.org/reviews/re-foul.htm](http://www.worldwidewords.org/reviews/re-foul.htm). Michael Quinion, an established British lexicographer, author, and contributor to the *Oxford English Dictionary*, is the creator of this delightful online newsletter on the English language and reviews of new books dealing with language.

## Bibliography of Works Cited in This Chapter

---

- Adams, William Lee. 2008. «War of the Words». *Time International* (Europe Edition) 172, no. 16 (October 20): 42.
- Alford, Henry. 2005. «Not a Word». *The New Yorker* (August 29): 62.
- Andriani, Lynn. 2008. «Merriam-Webster Joins Learner's English Market». *Publishers Weekly* 255, no. 28 (July 14): 6.

- Dahlin, Robert. 1999. «You're as Good as Your Word». *Publishers Weekly* 246, no. 46 (November 15): 33.
- «Dictionary Resists Pressure to Clean Up Language». 1998. *Newsletter on Intellectual Freedom* 47, no. 4 (July).
- Douglas, Matthews. 2005. «The Devil's Dictionary». *The Indexer* 24, no. 3 (April): 161–162.
- Hoyle, Ben. 2008. «Mafflard Left with Onomatomania after Reading Oxford Dictionary from A to Z». *The Times (London, England)* (October 4): 4.
- Levett, John. 2003. «The Death of the Dictionary?» *Australian Library Journal* 52, no. 4 (November): 309–310.
- McKean, Erin. 2004. «Lexicographer». *The New York Times Magazine* (November 14): 46.
- McQuade, Molly. 2003. «Defining a Dictionary». *Booklist* (May 15): 1688.
- «Merriam-Webster's Collegiate Dictionary now available for iPhone and iPod Touch». 2008. *Science Letter* (September 30): 3714.
- Nunberg, Geoffrey. 2004. «What Defined». *The New York Times*, Section 4 (April 11): 7.
- «Oxford Closes Canadian Dictionary Division». 2008. *Canwest News Service* (October 1). Available: [www.canada.com/components/print.aspx?id=c74519ed-c8d5-4312-869b-af7508dd65cc](http://www.canada.com/components/print.aspx?id=c74519ed-c8d5-4312-869b-af7508dd65cc) (November 7, 2008).
- Poehlmann, Christian. 2005. «Software Reviews». *Technology and Libraries* 21, no. 1 (November 16). Available: [www.lita.org/ala/lita/litapublications/ital/2101software.htm](http://www.lita.org/ala/lita/litapublications/ital/2101software.htm) (January 5, 2006).
- Quinn, Mary Ellen, and Christine Bulson. 2008. «Atlas and Dictionary Update, 2008». *Booklist* 104, no. 18 (May 15): 80, 82.
- Ranganathan, S. R. 1963. *The Five Laws of Library Science*. Bombay, India: Asia Publishing House.
- Truss, Lynne. 2004. *Eats, Shoots and Leaves: The Zero Tolerance Approach to Punctuation*. New York: Gotham Books.

# 8

## Воқеа-ҳодисалар, муаммолар, ўтмиш ва ҳозирги кун — кўрсаткичлар ва тўлиқ матнли маълумот базалари ҳақидаги саволларга жавоб бериш

---

### Қисқача шарҳ

---

Кўрсаткичлар илк бор ўн тўққизинчи асрда пайдо бўлган. Биринчи кўрсаткич «Пулнинг даврий нашриётлар кўрсаткичи» (Poole's Index to Periodical Literature) деб номланган бўлиб, 1802–1906 йилларни қамраб олган. Унда АҚШ ва Буюк Британиядаги 497 та даврий нашрда чоп этилган мақолалар мавзу бўйича кўрсатиб ўтилган. Ўнлаб йиллар давомида босма кўрсаткичлар даврий нашрлар ва газеталардаги маълумотларни топиш учун хизмат қилган. Айти пайтда аксарият кўрсаткичлар электрон форматга «кўчиб ўтган» бўлса-да, лекин ундан ҳам олдинроқ, яъни 1960 йилларда кўрсаткичлар тақдим этишнинг янги усуллари пайдо бўла бошлаган. 1966 йили «Dialog», 1976 йили «BRS» (Bibliographic Retrieval Service) компаниялари кутубхоналарга компьютер орқали катта ҳажмдаги кўрсаткичлардан маълумот излаш имконини берувчи янги интерфейсни етказиб бера бошлади. 1973 ва 1980 йилларда «Mead Data» компанияси «Lexis Nexis» деб номланган онлайн маълумот базаларини ишлаб чиқарди. 1982 йилда «Dialog» ва «BRS» уйда фойдаланишга мўлжалланган стандарт кўринишдаги содда интерфейсларни яратди. 1985 йили IAC (Information Access Company) компанияси томонидан «Infotrac» номли видеодиск кўринишидаги маҳсулот яратилган бўлиб, у маълумот базаларидаги маълумотларни алифбо тартибида қидириш имкониятини берган. CD-ROM технологиясининг пайдо бўлиши билан кичкина жойда катта ҳажмдаги ахборотни сақлашнинг янада замонавийроқ усуллари яратилди. Кутубхоналар CD-ROMларни бир тармоққа улаб, ўқувчиларига қулайлик яратди. Бора-бора кутубхоналар маълумот базалар кўрсаткичларини ижарага бера бошлади ва энди фойдаланувчилар кутубхона ихтиёридаги маълумот базаларидан ОПАС (Open Public Access Catalogs) тизими орқали фойдаланиш имкониятига эга (Макховек, 1995). World Wide Web (www) технологиясининг пайдо бўлиши билан кутубхоналар маълумот базаларига обуна бўлиши ва шу орқали фойдаланувчилар ҳам улардан интернет орқали фойдаланиши учун имконият яратилди. Бу ихтиро фойдаланувчиларга мунтазам равишда янгилаб турилувчи ахборотдан эркин тарзда фойдаланиш имконини тақдим этди.

## Кўрсаткичлардан фойдаланиш тартиби

«Маълумот базаларининг (кўрсаткич) асосий мақсади ўқувчига ҳужжатларнинг катта тўплами орасидан муайян соҳага бағишланган ҳужжат ёки мақолаларни топишга ёрдам бериш»дир (Диаконф, 2004: 85). Кўрсаткичлар даврий нашр ёки газета таркибини «очиқ беради», натижада ўқувчи муайян мақолалардан фойдаланиш имконини қўлга киритади. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчининг зарур маълумотни топишини осонлаштиради.

Кўрсаткичлар даврий нашрлар ва газеталардаги мақолаларни топиш учун мўлжалланган. Улар, одатда, муайян мавзудаги мақола ва маълумотларни топиш учун ишлатилади. Баъзи ҳолларда кўрсаткичлар баҳс-мунозарага сабаб бўлаётган мавзу борасидаги фикрлар турфалигини билишда ҳам қўл келади, негаки улар ўқувчининг эътиборига бир мавзуга алоқадор барча маълумот ва мақолаларни ҳавола қилади. Кўрсаткичлар, шунингдек, ҳали китобларда ёритилмаган мавзуларни ўрганиш учун ҳам қўлай манба саналади. Масалан, тиббиётдаги янгиликлар, даволашнинг янги усуллари аввал газета ва журналларда ёритилади, муҳокама қилинади, шундан кейингина китоб шаклида чоп этилиши мумкин. Ҳозирги кундаги кўрсаткичлар тўлиқ матнли маълумот базаларидан иборат бўлиб, улар орқали фойдаланувчилар мақоланинг тўлиқ матни ва керакли библиографик рўйхат билан ҳам танишиши мумкин. Замонавий кўрсаткичларнинг яна бир қўлайлиги — улардан маълумот излаш осон. Шу боис улар замонавий босма нашрларга муҳим қўшимча бўлиб хизмат қилади. Баъзан эса кўрсаткичлардан даврий нашр ҳамда газеталарга қўшимча равишда китобларнинг мазмуни ҳақида ҳам фойдали маълумот олиш мумкин бўлиб, бу саволларга жавоб топиш жараёнини янада осонлаштиради.

Кўрсаткичлар, шунингдек, эски манба ва маълумотларни қидириш имконини беради. Устига-устак, даврий нашрларнинг рақамли форматга ўтказилиши кўрсаткичларнинг аҳамиятини ошириб, фойдаланувчилар энди электрон форматдаги кўрсаткичлар орқали бир неча ўн йиллар муқаддам чоп этилган газеталарнинг рақамли форматидаги маълумотларни излаш имконига эга.

Кўрсаткич орқали маълумот излаш жараёнини бошлашдан аввал фойдаланувчига қандай маълумот кераклигини аниқлаб олиш лозим. Агар у мавзу бўйича умумий мазмундаги мақолаларни излаётган бўлса, маълумотни қўп йўналишли даврий нашрлар ва газеталар кўрсаткичлари орасидан қидирган маъқул. Агар фойдаланувчи муайян соҳага қизиқиш билдирса, табиийки, ихтисослашган маълумот базаларига мурожаат қилиш даркор.

Кутубхоналар махсус кўрсаткичлардан фойдаланишни осонлаштирувчи электрон манбаларни яратиш устида анча ишларни амалга оширган. Фойдаланувчига манбани кўрсатишнинг ўзи кифоя қилмагани боис, бунда библиографик йўриқнома ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис кутубхоначилар ўқувчиларга улар ихтисослашган соҳа бўйича махсус кўрсаткичлар ҳақида ахборот берувчи курс ёки йўриқномаларни ишлаб чиқиб, улардан қандай фойдаланишни кўрсатиб бериш ҳам мақсадга мувофиқ. АҚШ ҳудудида мавжуд бўлган миллий қидирув тизимлари, жумладан, Webfeat, Metalib, Central Search каби сайтлар орқали фойдаланувчилар ўзига зарур бўлган ах-

боротни бир вақтнинг ўзида турли маълумот базаларидан қидириш имконига эга. Тўлиқ матнли маълумот базаларининг соҳаси анча бой бўлиб, ҳам кутубхоначи, ҳам ўқувчи учун ниҳоятда фойдали.

### Кўрсаткичлар қандай саволларга жавоб топишда қўл келади?

**Савол:** АҚШга кўчиб келган испаниялик иммигрантлар ҳақидаги маълумотни қаердан топишим мумкин?

**Жавоб:** Жавобни Academic Search Premier деб номланган, умумий мазмундаги тўлиқ матнли даврий нашрлар кўрсаткичи орқали топиш мумкин. Шунингдек, PAIS International деб номланган ихтисослашган кўрсаткич ҳам сизга ёрдам бериши мумкин.

**Савол:** Интернет тармоғининг АҚШ жамиятига таъсирига бағишланган маълумотларни қаердан топсам бўлади?

**Жавоб:** Бу мавзуга алоқадор маълумотларни умумий мазмундаги Academic OneFile тўлиқ матнли кўрсаткич ҳамда Social Sciences Full Text ихтисослашган кўрсаткичи орқали олиш мумкин.

### Маълумот бериш соҳасида фойдаланиладиган асосий кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар кўп соҳани қамраб оладиган, яъни даврий нашрлар, газеталар кўрсаткичи ёки ихтисослашган турга бўлинади. Кўп соҳани қамровчи даврий нашрлар кўрсаткичлари қўламли мавзулар бўйича ахборот қидириш имконини беради. Улар кенг фойдаланилувчи даврий нашрларни қамраб олиб, ўқувчи эътиборига, одатда, тўлиқ матнли маълумотларни ҳавола этади. Умумий мазмундаги газета кўрсаткичлари ҳам худди шу вазифани газеталар даражасида бажаради. Ихтисослашган кўрсаткичлар, жумладан, GoeRef кўрсаткичи каби тор доирага мўлжалланган ёки ERIC (*Educational Resources Information Center* — Таълим манбалари ахборот маркази) ва PAIS International сингари кенг қамровли бўлиши мумкин.

### Кўп соҳани қамровчи даврий нашрлар кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар соҳасида бир қатор компаниялар, жумладан, EBSCO, ProQuest, Gale Engage Learnin, H.W.Wilson етакчилик қилади. Бу компанияларнинг ҳар бири ўзига хос конгломерат, яъни қурама шаклда фаолият юритиб, доимий равишда компанияларни сотиб олиш ёки кутубхоналарга кўпроқ маълумот базаларини таклиф қилиш учун контентни ижарага бериш билан шуғулланади. Айрим компаниялар томонидан яратилган маълумот базалари обуна асосида бир неча компания томонидан таклиф қилинади. Бу компанияларнинг бари ўзининг ютуқ ва камчиликларига эга бўлиб, умуман олганда, улар таклиф қилаётган маҳсулотларнинг барчаси қониқарли сифатга эга. Шу боис кутубхона у ёки бу кўрсаткични танлашдан аввал ўз эҳтиёжидан келиб чиқиши лозим.

«*Academic Search Complete*» — EBSCO компаниясининг кўп соҳага ихтисослашган энг йирик маълумот базаси бўлиб, унга киритилган 12800 та журналнинг 8500 таси ўқувчига тўлиқ матн кўринишида таклиф этилади. Турли табиий ва гуманитар фанлар, юридик йўналиш, муסיқа ва кўплаб бошқа соҳаларни қамраб олган мазкур маълумот базаси мутахассислар томонидан таъсия қилинган журналларни ҳавола этади. EBSCO, шунингдек, бир қатор бошқа кўп соҳага ихтисослашган кўрсаткичларга ҳам эга бўлиб, улар турли ҳажм ва ихтисослашувдаги кутубхоналарнинг эҳтиёжини қондириши мумкин. «*Academic Search Elite*» маълумот базаси кичик ҳажмдаги илмий кутубхоналар учун мўлжалланган, айна пайтда жамоат ва коллежлар кутубхоналари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унда 1985 йилдан бошлаб чоп этилган 3650 номдаги манба кўрсатилган бўлиб, 2100 номдаги даврий нашрнинг тўлиқ матнидан фойдаланиш мумкин. Каттароқ тўпламга эга бўлишни ният қилган кутубхоналарга «*Academic Search Premier*» маълумот базаси асқотади. Унга 1975 йилдан бошлаб чоп этилган 8500 номдаги манба, 4600 номдаги тўлиқ матнли даврий нашр киритилган.

EBSCOнинг жамоат кутубхоналари учун махсус яратилган учта кўрсаткичи ҳам бор бўлиб, уларнинг энг йириги — бу *MasterFILE Complete* дир. Унга 2000 номдаги тўлиқ матнли даврий нашр ва мингта номдаги ахборотнома киритилган. *MasterFILE Premier* ва *MasterFILE Elite* га мрок сондаги маълумотлар киритилган. Мазкур маълумотлар базаси анча қулай излаш тизими билан таъминланган. Маълумотларни мақола сарлавҳасидаги кетракли сўз, мавзунини тавсифловчи сўзлар, муаллиф ва бошқа мезонлар ёрдамида излаш имконияти бор.

*ProQuest* компаниясининг энг йирик маълумот базаси *ProQuest Central* деб номланиб, унга 11500 номдаги манба, 8700 номдаги тўлиқ матнли мақола, журналлар, газеталар, диссертациялар, компаниялар ҳисоботлари кирган. Мазкур маълумот базаси барча турдаги кутубхоналар учун фойдали бўлиб, унда бизнес, гуманитар соҳа, таълим, ижтимоий ва табиий фанлар тўғрисидаги маълумотларни топиш мумкин. Мақолалар 1995 йилдан бошланиб, маълумот базаси одатдаги кўринишдаги излаш тизими билан таъминланган.

*ProQuest Research Library* тўлиқ матнли маълумот базаси; у энг кўп ўрганилувчи 150 та фан йўналишини қамраб олувчи маълумотларни ўзида бирлаштирган.

*CBCA Complete* эса Канада даврий нашрларини қамраб олувчи маълумот базаси бўлиб, ундан, шунингдек библиографик кўчирмалар ҳам ўрин олган. Маълумот базасига 1970 йилларнинг бошидан буён чоп этилаётган 1600 номдаги манба киритилган.

Gale Cengage Learning компанияси томонидан яратилган *Academic One File* кўп соҳани қамровчи маълумот базаси талабалар ва олий ўқув юртлари ўқитувчи-профессорлари учун мўлжалланган. Унда 13 мингдан зиёд номдаги даврий нашр ҳамда газеталар ва ахборот агентликларининг маълумотлари жамланган. 1980 йилдан бошланган манбаларнинг аксарияти тўлиқ матнли ва мутахассислар томонидан ўрганилган.

*Expanded Academic ASAP* Gale Engage Learning компаниясининг яна бир тўлиқ матнли маълумот базаси бўлиб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари талабалари учун фойдали манба ҳисобланади. Унга 4300 номдаги мақола кирган бўлиб, уларнинг 2500 таси тўлиқ матнлидир.

*General One File* маълумот базасига 7 минг номдаги тўлиқ матнли мақола киритилган бўлиб, уларнинг 3 мингтаси мутахассислар томонидан ўрганилган. Манбадан «Нью-Йорк Таймс» газетасининг 1985 йилдан буён чиқаётган барча сонлари ўрин олган.

Мазкур маълумот базаларининг барчаси қулай излаш тизимига эга бўлиб, ахборотни тўлиқ матн, изоҳлар, сана ва манба сарлавҳаси каби мезонларасосида излаш имкони яти мавжуд.

H.W.Wilson компанияси кўрсаткичлар яратиш соҳасида XIX асрдан буён фаолият юритади. Компания ўз маҳсулотининг сифати ва ишончилиги билан фойдаланувчиларнинг меҳрини қозонишга муваффақ бўлган. Компания маълумотлар базаларининг аксарияти айна пайтда электрон кўринишда ҳам мавжуд. 1890 йилдан буён чоп этиб келинаётган *Reader's Guide to Periodical Literature* кўрсаткичи мактаблар, жамоат кутубхоналари ҳамда олий ўқув юрларида фойдаланиш учун мўлжалланган. 400дан зиёд даврий нашр қамраб олган кўрсаткич — *Reader's Guide Full Text Mega Edition* — 1994 йилдан буён чоп этиб келинаётган 215дан зиёд нашрнинг тўлиқ матнли кўринишини қамраб олган. *Reader's Guide Retrospective* кўрсаткичида эса, 1890–1982 йилларда нашр қилинган манбаларнинг электрон кўриниши жамланган. *Wilson OmniFile Full Text Mega Edition* кўрсаткичи Wilson компаниясининг *Education Full Text, General Science Full Text, Humanities Full Text, Reader's Guide Full Text, Social Sciences Full Text* ҳамда *Wilson Business Full Text* деб номланган олти кўрсаткичини ўз ичига олган. Маълумотлар 1982 йилдан бошланади.

*Lexis Nexis* компанияси ҳам илмий муассасалар, жамоат кутубхоналари ҳамда мактаблар учун мўлжалланган бир қатор умумий мазмундаги маълумот кўрсаткичларини яратган. Уларда ҳозирги кунда рўй бераётган воқеалар, юридик масалалар, янгиликларда ёритилган мавзулар тўлиқ матн асосида жойлаштирилган. Маълумотларни керакли сўз ва сарлавҳалар асосида излаш мумкин. Қидириш тизимининг осонлиги *Lexis Nexis* маҳсулотларини ниҳоятда фойдали манбага айлантиради. Маълумот базасига газета ва журналлар билан бир қаторда, расмий ҳужжатлар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар матнлари, ахборот агентликлари томонидан тарқатилган хабарлар, конференциялар баёнлари ва ташкилий хабарномалар ҳам киритилган.

*Lexis Nexis Academic* маълумот базасининг ичига 10 минг номдаги нашр ва 9500 номдаги янгилик манбадан олинувчи маҳаллий ва халқаро хабарлар, юридик соҳага оид ахборот, бизнес ва молиявий соҳа янгиликлари, компаниялар, тиббиёт ва илм-фан соҳасига тааллуқли маълумотлар кирган. Яқинда яратилган маълумот базаси — *Lexis Nexis Library Express* — жамоат кутубхоналари учун мўлжалланган.

Online Computer Library Center (OCLC) компаниясининг *First Search* маълумот базаси *PAIS International, ABI/INFORM, MLA International Bibliography, PsycInfo* ҳамда *FRANCIS* каби 85 зиёд ихтисослашган маълумот базаларидаги ахборотдан фойдаланиш имконини беради. Кутубхоналар ўз эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда маълумот базалари тўпламига обуна бўлиши ҳам мумкин. *First Search* орқали фойдаланиш имкони бор бўлган *Electronic Collections Online* маълумот базасига 1994 йилдан буён нашр этиладиган 6 мингдан зиёд электрон журнал библиографик асосда киритилган. Кутубхоналар бу

тўпламга обуна бўлиб, улардан тўлиқ матнли асосда фойдаланиш имконига эга. Фойдаланувчилар, шунингдек, *WorldCat* маълумот базасидан обуна йўли билан керакли китоблар ва мақолаларни қаердан топиш мумкинлиги ҳақидаги маълумотни билиши мумкин. *Article First* маълумот базасидан эса, ҳар бир мақоланинг қайси журналда чоп этилгани ва ўша журнални қаердан топиш мумкинлигини билиш имконияти мавжуд.

*Dialog (ProQuest)* компанияси кўрсаткичларни яратиш соҳасидаги илк компаниялардан бири бўлиб, ҳозирги кунда турли соҳаларни қамраб олувчи 900 дан зиёд маълумот базасидан фойдаланиш имкониятини таклиф қилади. Унинг маълумот базалари, жумладан, фан ва технология, бизнес, энергетика, табиатни муҳофаза қилиш, озиқ-овқат ва қишлоқ саноати, тиббиёт, ижтимоий фанлар, маълумотномалардан иборат. *Dialog* кўрсаткичлари турли кўриниш ва нарҳда фойдаланувчиларга таклиф этилади. Жумладан, *Dialog 1* умумий турдаги, фойдаланиш осон бўлган маълумот базасидир. *Dialog Classic* эса, тажрибали фойдаланувчилар учун мўлжалланган. Айнан мана шу икки маълумот базаси энг қулай излаш тизимини таклиф қилувчи оммабоп маҳсулотлар саналади.

JSTOR маълумот базаси нотижорат мақсадда яратилган манба ҳисобланиб, унда муҳим илмий журналлар архиви узоқ ва қт давомида сақланади. Ундан деярли барча соҳага алоқадор журналларнинг тўлиқ тўплами жой олган. Маълумот базасидан фойдаланиш пулли бўлиб, обуна нархи кутубхона турига қараб белгиланади ([www.jstor.org](http://www.jstor.org)).

*Google Scholar (scholar.google.com)* — илмий адабиётлардан бепул фойдаланиш имконини берувчи сайт; ундаги аксарият маълумотлар кўчирма ва парчалардан иборат. Сайтда мақолалар, китоблар, реферат ва илмий мақолаларнинг кўрсаткичлари мавжуд. Кутубхоналар мазкур сайтга тўлиқ матнли тўпламлари учун ҳаволаларни жойлаштириб, фойдаланувчиларга ўз манбаларини таклиф қилиш имконига эга.

*Access: The Supplementary Index to Periodicals* 1975 йилдан ҳозиргача бўлган 85 та оммабоп нашрнинг кўрсаткичларини таклиф қилади; унда бошқа жойда топилмайдиган маҳаллий ва минтақавий журналларнинг кўрсаткичларини ҳам кўриш мумкин. Энг янги нашрларгача қамраб олган маълумот базаси ҳам босма, ҳам электрон кўринишда мавжуд.

## Газета кўрсаткичлари ва маълумот базалари

Газета маълумот базалари кутубхоналарга ҳам, фойдаланувчилар учун ҳам жуда фойдали. Мазкур маълумот базалари кўплаб замонавий ва илгари чоп этилган мақолалар билан танишиш имконини бериб, баъзида кутубхона обуна бўлишга қийналадиган газеталарни ҳам айнан мана шундай кўрсаткичлар орасидан топиш мумкин. Аксарият маълумот базалари кичкина шаҳарларда чоп этилувчи газеталарни ҳам қамраб олади. EBSCO компаниясининг *Newspaper Source Plus* маълумот базаси АҚШда чиқувчи 170дан зиёд номдаги миллий ва халқаро миқёсга эга бўлган 20 номдаги газета, жумладан, «Нью-Йорк Таймс», «Кристиан Сайенс Монитор», «Ю-эс-эй тудей», «Вашингтон пост» ва бошқа нашрларнинг тўлиқ матнли кўринишини таклиф қилади. Ундан, шунингдек, АҚШнинг турли минтақаларида чоп этилувчи 410 номдаги маҳаллий газета, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар матни жой олган.



*Gale Cengage Learning* компанияси томонидан яратилган *InfoTrac Newsstand* маълумот базаси АҚШда чоп этилувчи мингдан ортиқ номдаги халқаро, миллий, минтақавий ва маҳаллий газеталардан фойдаланиш имкониятини беради. *Gale Custom Newspapers* маълумот базаси орқали эса 300 дан зиёд номдаги миллий ва халқаро миқёсдаги газеталарнинг тўлиқ матни билан танишиш мумкин.

*ProQuest Newstand* кутубхоналарга 350 номдаги кундалик миллий ва халқаро газеталарнинг стандарт кўринишдаги тўлиқ матнли маълумот базаларини шакллантириш имконини беради. Таклиф қилинадиган нашрлар орасида, жумладан, «Нью-Йорк Таймс», «Ю-Эс-Эй тудей», «Уолл Стрит Журнал», «Вашингтон пост», «Гардиан», «Эль-Норте», «Жерусалем пост», «Сауз чайна морнинг пост» каби йирик газеталар жой олган.

Маълумот базасига газеталарни қўшиш уларнинг 1980–1990 йиллардаги сонларидан бошланган. Замонавий газеталарга қўшимча равишда *ProQuest* тарихий газеталарнинг *Historical Newspapers* деб ном олган маълумотлар базасини ҳам таклиф қилади ва бу тўплам кенгайиб бормоқда. Ундан кутубхоналар йирик газеталарнинг ўтган асрларда чиққан сонларини олиш имконига эга бўлиб, жумладан, маълумот базасидан «Нью-Йорк Таймс» газетасининг 1851–2005 йиллардаги, «Уолл Стрит Журнал»нинг 1889–1991 йиллардаги, «Вашингтон пост»нинг 1877–1992 йиллардаги, «Кристиан Сайенс Монитор»нинг 1908–1995 йиллардаги, «Лос-Анжелес Таймс»нинг 1881–1986 йиллардаги сонлари жой олган. Бундан ташқари, маълумот базасида қўплаб бошқа газеталарнинг тўлиқ матндаги кўриниши ҳам мавжуд.

*Newsbank* кўпчилик газеталарнинг тўлиқ матнли кўринишидан фойдаланиш имкониятини беради. *America's News*дан АҚШдаги 1,5 мингдан зиёд янгилик манбаларининг электрон шаклини олиш мумкин. *Access World News* маълумот базаси эса нафақат АҚШ, балки бошқа мамлакатларда чиқувчи газеталарнинг инглиз тилига ўтирилган кўринишини таклиф қилади.

## Мавзуга ихтисослашган кўрсаткичлар

Гарчи кўпчилик фойдаланувчилар умумий мазмундаги маълумот базаларидан фойдаланишни хоҳласа-да, улар мавзуга ихтисослашган кўрсаткичлардан ҳам хабардор бўлиши лозим, негаки кўпчилик илмий журналлар умумий мавзудаги кўрсаткичларга киритилмайди. Мавзуга ихтисослашган кўрсаткичлар тор доирага бағишланган илмий журналлар, газеталар ва ҳужжатларни қамраб олади. Мавзуни чуқур ўрганиш давомида деталлашган ва илмий мазмундаги маълумотларни топиш учун мавзуга ихтисослашган кўрсаткичларни ҳам кўздан кечириш фойдадан холи бўлмайди. Қуйидаги бўлимларда мавзуга ихтисослашган кўрсаткичлар орасидан маълумот излаш қоидалари ҳақида айтиб ўтилган.

### Илмий-технологик кўрсаткичлар

*General Science Index* (Wilson) ва *Applied Science and Technology Index* (Wilson) кўп йиллар мобайнида оддий фойдаланувчи учун асосий илмий кўрсаткич вазифасини ўтаган манбалардир. *General Science Full Text* эса, талабалар ва му-

тахассис бўлмаганларга мўлжалланган. Унга 100 номдаги даврий нашрнинг 1995 йилдан ҳозирги кунгача бўлган сонлари тўлиқ матнли, 300 номдаги даврий нашрнинг 1984 йилдан буён чиққан сонлари муайян қисм кўринишида киритилган. Қамраб олинувчи мавзулар орасида астрономия, кимё, биология, озиқ-овқат, физика, математика каби йўналишлар бор. *Applied Science and Technology Full Text* 1997 йилдан буён чоп этилувчи 220 номдаги илмий журналнинг тўлиқ матни ва 1984 йилдан буён чоп этилувчи 800 номдаги даврий нашрнинг парчаларини таклиф қилади. Қамраб олинувчи мавзулар орасида автомобилсозлик, транспорт, ёнилғи, пластик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, роботшунослик, текстил, озиқ-овқат саноати каби йўналишлар бор. *Applied Science and Technology Retrospective 1913-1983. Science Full Text Select* учта йирик маълумот базаси — *General Science Full Text*, *Applied Science and Technology Full Text* ва *Biological and Agricultural Index Plus*ни ўзида бирлаштирган бўлиб, ундан мактаб ўқувчилари ва талабалар фойдаланиши мумкин. Мазкур маълумот базаси 400 номдаги илмий журнални қамраб олади.

*Science in Context* (собиқ *Science Resource Center*) газета ва журналлардан мақолалар, илмий мақолаларнинг сарлавҳалари, веб-сайтларга ҳаволалар, аудио ҳамда видеоклипларни ўз ичига олган. Фойдаланувчиларнинг кенг қатлами учун мўлжалланган маълумот базаси талабалар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган бўлиб, табиий ва гуманитар фанларнинг кўплаб йўналишларига алоқадор маълумотларни қамраган.

*Biology Digest* (*Plexus Publishing*) ён атрофдаги олам мавзусига алоқадор бўлган барча турдаги маълумотларни 1987 йилдан бошлаб жамлаб келади. Юқори синф ўқувчилари ва талабалар учун мўлжалланган маълумот базаси ботаника, экология, биокимё, физиология, зоология каби йўналишларга бўлинган бўлиб, бир йилда тўққиз мартаба янгиланади.

Илм-фан вакилларига мўлжалланган манбалар орасида *Chemical Abstracts* кўрсаткичининг онлайн кўриниши — *Sci Finder Scholar* муҳим ўрин тутади. Ундан кимёвий бирикмалар ҳамда реакцияларга бағишланган бир қатор маълумотлар жой олган. Манбада 1907 йилдан буён чоп этиб келинган илмий журналлардаги мақолалардан парча ва кўчирмалар, конференциялар баёнлари, патентлар ва диссертациялар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. *Biosis Previews* биология ва турдош фанлар тўғрисидаги кенг қамровли кўрсаткич бўлиб, унга биология, биокимё, генетика, зоология, экология, биотиббиёт тадқиқотлар ва бошқа кўплаб йўнал ишлар киритилган. Манбада 1990 йилдан то ҳозирга қадар чоп этилган 5 мингдан зиёд номдаги халқаро журналлардан олинган парча ва кўчирмалар бор. *Scopus* (*Elsevier*) кўчирмалар ва парчалар тайёрловчи хизмат бўлиб, 18 мингдан зиёд илм-фан, технология ва тиббиётга алоқадор манбаларни қамраб олади (журналлар, конференциялар баёнлари, илмий веб-сайтлар ва ҳоказо). Бундан ташқари, унга 1996 йилдан буён чоп этилган 5 мингдан зиёд илмий-тарихий мақолалар киритилган. Мазкур маълумотлар базасининг излаш тизими ҳам анчагина самарали.

Топ доирадаги фанларга ихтисослашувчи фойдаланувчилар учун мўлжалланган маълумот базалари ҳам кўп. Масалан, *GeoRef* геология фанларига алоқадор маълумотларни қамраб олган бўлиб, АҚШ геология институти томонидан яратилган. Манбадаги Шимолий Америка геологиясига дахлдор маълумотлар 1693 йилдан, дунёнинг бошқа қисмлари тўғрисидаги геологик

маълумотлар 1933 йилдан бошланади. Манбадан библиографик маълумотлар ҳамда геология журналларидаги мақолаларнинг кўрсаткич ата малари, китоблар, хари талар, турли конференциялар материаллари, ҳисоботлар, диссертациялар ҳамда АҚШ геология хизмати томонидан чоп этилган мақола ва материаллар жой олган.

*Oceanic Abstracts (ProQuest/CSA)* маълумот базасига 1981 йилдан бошлаб чоп этилган денгиз биологияси, океанография, балиқчилик, аквакультура ва бошқа соҳаларга оид маълумотлар киритилган.

*Zoological Record Plus* маълумот базаси эса, зоология ва ҳайвонотшуносликка бағишланган адабиётларни қамраб олади. Манба турли тўпламлар, китоблар ва бошқа нашрлар борасидаги библиографик кўрсаткичларни тақлиф қилади.

*MathSciNet* математика ва статистикага бағишланган халқаро библиографик манба ҳисобланади. 1940 йилда АҚШ Математика жамияти томонидан яратилган мазкур манба кутубхоналарга тўлиқ матнли материаллардан фойдаланиш имкониятини тақлиф қилади. Бунга учун улар босма ёки онлайн кўринишдаги маълумот базасига обуна бўлиши лозим. *INSPEC* Электр муҳандислари институти томонидан яратилган маълумот базаси бўлиб, физика, электр муҳандислиги, электроника, компьютер-техника, ҳисоб-китоб ва ахборот технологиялари соҳаларига ихтисослашувчи адабиётлардан фойдаланиш имконини беради. Манбага 3,5 мингдан зиёд илмий журнал ҳамда конференциялар баёни киритилган.

АҚШ Электроника ва электроника муҳандислари институти ҳамда Буюк Британия Муҳандислик ва технология институти ҳамкорлигида яратилган *IEE Xplore* (ёки *IEEE/IEE Electronic Library* деб номланувчи) маълумот базаси электр муҳандислиги, электроника, компьютер фанлари, ахборот фанлари, материалшунослик, физика, биотехнология муҳандислиги каби йўналишларни қамраб олади. Унга 1980 йилдан буён чоп этилувчи 140 номдаги журналларнинг тўлиқ матни ҳамда конференциялар баёни киритилган.

Ҳисоб-китоб машиналари уюшмаси томонидан яратилган *ACM Digital Library* маълумот базаси компьютершунослик фанига алоқадор бўлган муҳим манбадир. Унга аксарият қисми тўлиқ матндан иборат бўлган 200 дан зиёд манба, хусусан, илмий журналлар, хариталар, ахборотномалар ҳамда турли конференциялар материаллари киритилган.

### Таълим соҳасидаги маълумот базалари кўрсаткичлари

Мазкур соҳага алоқадор манбалар иккита ажойиб кўрсаткичдан иборат. Жумладан, *Education Full Text (Wilson)* 1996 йилдан айни пайтга қадар чоп этилган 350 номдаги илмий журналларнинг тўлиқ матни ва 1983 йилдан буён чоп этилувчи 770 номдаги нашрларнинг муайян қисмини қамраб олган. Манбага таълим соҳасининг турли жиҳатларига алоқадор маълумотлар кирган бўлиб, улар орасида, жумладан, таълим технологиялари, ота-оналар билан ўқитувчилар ўртасидаги муносабатлар, ўқитувчиларнинг фаолиятини баҳолаш каби йўналишлар бор. *Education Index Retrospective: 1929–1983* маълумот базасида кўрсатилган йилларга алоқадор маълумотлар киритилган.

*ERIC (Education Resources Information Center – «Таълим ресурслари ахборот маркази»)* маълумот базаси [www.eric.ed.gov](http://www.eric.ed.gov) манзилида жойлашган бў-

либ, АҚШ Таълим бошқармаси томонидан 1966 йилдан буён молиялаштирилувчи маълумот базаси ҳисобланади. Унинг онлайн кўриниши 1996 йилдан буён мавжуд.

*ERIC* таълим-тарбия соҳасига алоқадор бўлган кўплаб йўналишлар, жумладан, кутубхоначилик ишига бағишланган маълумотларни ўз ичига олган. Манбага таълим соҳасига алоқадор бўлган мингдан зиёд журнал, китоб, ҳисобот ва шунга ўхшаш манбаларнинг тўлиқ матни ҳамда парчалари киритилган. Бир пайтлар алоҳида нашр сифатида чиқарилган *Current Index to Journals in Education* маълумот базаси ҳозирда *ERIC* таркибига киритилган.

### Ижтимоий фанлар соҳасидаги маълумот базаларининг кўрсаткичлари

Мазкур соҳа жадаллик билан ўзгариб бораётгани боис, ижтимоий фанлар соҳасидаги кўрсаткичлар тўплами ҳам анчагина бой. *Social Sciences Full Text (Wilson)* 1995 йилдан то ҳозирга қадар чоп этилган 215дан зиёд номдаги нашрларнинг тўлиқ матнини қамраб олади. Манбадан АҚШ ва бошқа мамлакатларда чоп этилган илмий журналлар жой олган бўлиб, улар экология, этика, сиёсатшунослик, шаҳарсозлик каби йўналишларга алоқадор. *Social Sciences Index* маълумот базаси эса 1983 йилдан буён чоп этилувчи 625 номдаги нашрни жамлаган. *Social Sciences Index Retrospective 1907–1982* йиллар оралигидаги нашрларнинг электрон кўринишдаги кўрсаткичларидан фойдаланиш имкониятини беради.

*Sociological Abstracts (ProQuest/CSA)* ижтимоий ва тарбиявий соҳадаги маълумот манбалари кўрсаткичи бўлиб, ундан социология соҳасида ўтказилган турли тадқиқотларнинг натижалари ўрин олган. 1952 йилдан буён чоп этилган маълумотларни қамраб олувчи маълумот базасига 2000 зиёд номдаги журналлар, китоблар, конференция материаллари ва диссертациялардан кўчирмалар киритилган. Манба маданият ва ижтимоий тузилма, оила ва ижтимоий таъминот, шаҳар ва қишлоқ жамиятшунослиги, ижтимоий тараққиёт каби йўналишларни қамраб олади. *SocINDEX (EBSCO)* тўлиқ матни манбалардан иборат бўлиб, *Sociological Abstracts* маълумот базасини тўлдирувчи манба ҳисобланади; ундан жамиятшунослик, криминология, этник, ирқий ва жинсий тадқиқотларни олиш мумкин. Маълумот базаси 1908 йилдан буён нашр этилган 860 номдаги илмий журналлар, китоблар ва конференциялар материалларини жамлаган. Энг кўп тилга олинган ва сермахсул муаллифларнинг таржимаи ҳоллари ҳам манба фойдаланувчилари эътиборига ҳавола этилган.

Ижтимоий соҳа ходимларининг Миллий уюшмаси томонидан яратилган *Social Works Abstracts* маълумот базаси 900дан зиёд номдаги журнал ва диссертацияларнинг кўрсаткичларини қамраб олиб, ушбу манбалардан олинган парча ва кўчирмаларни ҳам тақлиф қилади. Манбага ижтимоий фанларнинг турли соҳалари, жумладан, уйсизлик, болалар ва оила фаровонлиги, аҳолининг кам таъминланган қатлами ҳуқуқларини муҳофаза қилиш каби мавзуларга бағишланган маълумотлар киритилган.

*PAIS International 1914* йилдан буён чоп этилиб, ҳукумат, қонунчилик, ижтимоий сиёсат, иқтисодиёт, социология ва сиёсатшунослик каби мавзуларни қамраб олади. Манбанинг онлайн кўриниши 1972 йилдан буён чоп этилган

материалларни жамлаган. Айти пайтда *ProQuest/CSA* компанияси томонидан эгаллик қилинувчи маълумот манбаи журнал ва китоблар, ҳукумат ҳужжатлари, тадқиқотлар ҳисоботлари ҳамда турли конференциялар материалларини қамраб олган. Маълумот базасининг номида кўрсатиб ўтилганидек, у халқаро манбаларни ҳам жамлайди, бинобарин, ундан инглиз, француз, немис, италиян, португал ва испан тилларидаги манбаларни ҳам топиш мумкин. Гарчи мазкур манба тўлиқ эмас, балки бор-йўғи кўрсаткич бўлса-да, унда кўрсатиб ўтилган маълумотларни шунга ўхшаш бошқа манбалардан топиш мушкул. Айти пайтда *PAIS Archive 1915–1976* деб номланган маълумот базаси ҳам мавжуд бўлиб, ундан кўплаб ижтимоий масалаларга тарихда қандай муносабат билдирилганига доир маълумотларни топиш мумкин.

*Project MUSE* нотижорат мақсадда яратилган 400дан зиёд номдаги илмий журналлар тўпламидир. Гарчи мазкур манба кўплаб йўналишларни, жумладан, санъат, гуманитар соҳа, ижтимоий фанлар ва ҳаттоки математикани қамраб олса-да, унинг аҳамияти айнан ижтимоий фанлар соҳасидаги материаллар билан белгиланади. Жонс Хопкинс университети нашриёти томонидан яратилган ва доимий равишда янги ланиб турувчи манба АҚШ ҳамда Буюк Британиядаги бир қатор университетлар, жумладан, Дюк, Индиана, Эдинбург ва Ливерпуль университетлари нашриётлари томонидан чоп этилган маълумотларни қамраб олади.

*SIRS Researcher (ProQuest)* 1600дан зиёд номдаги журнал, газета, ҳукумат ҳужжатларининг маълумотларини қайта нашр қилувчи хизмат бўлиб, у ижтимоий фанлар, иқтисодиёт, сиёсий фанлар, дунё воқеалари каби соҳаларни ёритишга ихтисослашади.

Мазкур маълумот базаси кўрсаткичи ўрта мактаблар ва коллежлар учун мўлжалланган. Унда журнал ёки газеталарнинг тўлиқ матни йўқ, аксинча, махсус сараланган мақолалар кўрсаткичи бериб ўтилган.

*Historical Abstract (ABC-CLIO)* жаҳон тарихининг 1450 йилдан то ҳозирги кунга қадар бўлган тарихий библиографияси ҳисобланиб, унга АҚШ ва Канадага дахлдор маълумотлар киритилмаган. Манбага 1955 йилдан бошлаб инглиз тилида нашр этилган тарихий-ижтимоий фанларга алоқадор журналлардан парча ва кўчирмалар ҳамда қирқдан зиёд тилда чоп этилган илмий-тарихий журналлардаги мақолалар киритилган. Аксарият ҳолларда манбада турли парчалар ва кўчирма гапларни ҳам учратиш мумкин бўлиб, мақолаларни очиқ ҳаволалар орқали олиш имкони бор. Манбада социология, психология, аёллар муаммолари, диншунослик, антропология, сиёсатшунослик, маданиятшуносликка оид маълумотларни кўриш мумкин. Турли китоб ва диссертациялардан кўчирмалар ҳам тақдим этилади.

*America: History and Life (ABC-CLIO)* АҚШ ва Канада тарихига алоқадор бўлган маълумотлар, мақолаларни 1700 номдаги журналлардан олган ҳолда фойдаланувчилар эътиборига ҳавола қилади. Мазкур манбада маълумотлар бир қатор йўналишларга туркумланиб, жумладан, маданиятшунослик, жинс муаммолари ва шу каби соҳаларда тадқиқотларни кўриш мумкин. Маълумот манбаида 215 минг номдаги мақолаларга ҳаволалар жойлаштирилган.

*U.S. History in Context* (аввалги *History Resource Center: U.S.*) (*Gale Cengage Learning*) бирламчи манба ҳужжатлари, маълумотномалар, 2 мингдан зиёд фотосурат, хариталарни, тарихга оид илмий журналларнинг тўлиқ матли

кўринишларини қамраб олган. Ундан муайян инсон, давр ёки мавзуга алоқадор маълумотларни излаш имконияти бор. *World History in Context* маълумот базаси (аввалги *History Resource Center: World*) (*Gale Cengage Learning*) дунёдаги барча мамлакатлар тарихини ўрганиш учун мўлжалланган бирламчи ва иккиламчи маълумотларни таклиф қилади. Иккала манбага обуна бўлган кутубхона улардаги маълумотларни уйғунлаштирган ҳолда саволига жавоб излаши мумкин.

### Гуманитар фанлар соҳасидаги маълумот базаларининг кўрсаткичлари

Гуманитар соҳа электрон манбаларга мурожаат қилган охириги соҳалардан бири бўлиб, бунинг асосий сабаби мазкур соҳа вакиллари аксарият ҳолларда босма манбалардан фойдалангани билан изоҳланади.

*Humanities Full Text (Wilson)* 1995 йилдан то ҳозирги кунга қадар чоп этилган 250 номдаги журналнинг тўлиқ матнли кўриниши ҳамда 600дан зиёд даврий нашрнинг кўрсаткичларини қамраб олади. Манбадан мумтоз фанлар, тарих, адабиёт, диншунослик, бадиий адабиёт, драма ва шеърый китоблар, турли бадиий асар, балет, спектакль, фильмларга тақризлар жой олган. *Humanities and Social Science Index Retrospective: 1907–1983* маълумот базаси орқали *International Index, Humanities Index* ҳамда *Social Science Index* каби маълумот базаларидан фойдаланиш мумкин.

*FRANCIS (ProQuest/CSA)* халқаро кўп тилли маълумот базаси бўлиб, унга инглиз ва француз тилида чоп этилувчи 4 мингдан зиёд номдаги журнал, китоб ва бошқа ҳужжатлардан олинган кўчирма ва парчалар кирган. Қамраб олинувчи мавзулар орасига гуманитар ва ижтимоий фанлар ҳам кириб, асосий урғу Европада чоп этилувчи нашрларга қаратилган. АКШ диншунослик кутубхоналари уюшмаси томонидан яратилган *ATLA Religion Database* маълумот базаси барча йирик динлар ва конфессияларнинг журналларини ўзида бирлаштирган. Мавзулар орасида археология ва ижтимоий фанлар, санъат каби йўналишлар бор. Маълумот базасига 1908 йилдан буён чоп этилган 1600дан зиёд номдаги журналнинг кўрсаткичлари киритилган.

### Тил ва адабиётшунослик фанлари соҳасидаги маълумот базаларининг кўрсаткичлари

Замонавий тил уюшмаси (*Modern Language Association — MLA*) томонидан яратилган *MLA International Bibliography* маълумот базаси адабиёт ва тилшунослик соҳасидаги манбаларнинг каталог кўрсаткичларини қамраб олиб, унга 4400 даврий нашр, китоблар ва диссертациялар кирган. Манбанинг босма кўриниши 1920 йилдан бошлаб чоп этилган нашрларни, онлайн кўриниши эса 1963 йилдан буён чикувчи нашрларни қамраб олади. Манбага француз, испан, немис, рус, португал, норвег, швед тилларидаги библиографик маълумотлар киритилган. Манбанинг ўз синонимлар лугати бор. Гарчи манбага тўлиқ матнли материаллар кирмаган бўлса-да, у адабий танқид ёки адабиётнинг хоҳлаган йўналишига доир тадқиқотларни амалга ошириш учун қўл келади.

Иккита адабий манба — *Literature Resource Center* ҳамда *Literature Online* бир қатор маълумот базаларини уйғунлаштириш натижасида пайдо бўлган.

*Gale Cebgagе* нашриёти томонидан яратилган *Literature Resource Center Gale* компаниясининг учта йирик маълумот базаси — *Contemporary Authors, Dictionary of Literary Biography* ҳамда *Contemporary Literary Criticism* кабиларни бирлаштиради. Маълумот базаси тўлиқ матнли кўринишда бўлиб, қулай излаш тизимига эга. Фойдаланувчилар адабий танқидга оид материалларни ҳам даврий нашрлар, ҳам китоблар орқали излаши ва муаллифлар ҳақидаги маълумотларни библиография бўлимидан топиш имкониятига эга.

*Literature Online (ProQuest/Chawyck Healey)* ҳам, ўз навбатида, тўлиқ матнли материаллар манбаи бўлиб, ундан инглиз тилида нашр этилган адабий танқид, турли маълумотномалар, шаърий асарлар, проза ва драма асарларини топиш мумкин. Маълумот базаси *ABELL* (Инглиз тили ва адабиётининг йиллик библиографияси) деб номланган манбаи ҳам қамраб олган бўлиб, ундан адабиётшунослик соҳасига бағишланган 312 номдаги журналнинг тўлиқ матнли мақолалари билан танишиш мумкин.

Тилшунослик соҳасидаги халқаро адабиётларни ўз ичига олган *Linguistics and Language Behaviour Abstracts (ProQuest/CSA)*га журналлар, китоблар ва диссертациялардан олинган кўчирма ва парчалар киритилган.

### Муסיқа соҳасидаги маълумот базаларининг кўрсаткичлари

Дунё муסיқа фанининг иккита йирик кўрсаткичи бор. *Music Index Online* турли мамлакатларда нашр этилувчи 850 номдаги муסיқага бағишланган даврий нашрларни қамраб олиб, кўрсаткичларда муסיқий асарларнинг мавзу ва муаллифлари берилади. Бу кўрсаткич муסיқа ва муסיқачилик фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олади. Кўрсаткичнинг босма кўриниши 1949 йилдан буён чоп этиб келинади. Нашрни рақамлаштириш 1973 йилдан бошланган.

*RILM* компаниясининг *Abstracts of Music Literature* маълумот базаси 1967 йилдан бошлаб яратилган 950 дан зиёд номдаги илмий журнал, китоб, библиография, конференциялар баёни, диссертация, фильм, видеомажсулотдан парча ва кўчирмаларни ўз ичига олган.

### Санъат соҳасидаги маълумот базаларининг кўрсаткичлари

Санъат соҳаси бир-бирини тўлдирувчи учта асосий кўрсаткичга эга. Улардан бирлаштирилган ҳолда фойдаланиш орқали санъат соҳасини кенг миқёсда қамраб олиш мумкин. *Art Full Text (Wilson)* маълумот базаси 1997 йилдан то ҳозирга қадар чоп этилган 270дан зиёд номдаги журналнинг тўлиқ матнли мақолаларини ҳавола этади. Бундан ташқари, унга 1984 йилдан то ҳозирга қадар нашр этилувчи 500дан зиёд нашрдан парча ва кўчирмаларнинг кўрсаткичлари ҳам кирган. Манбага инглиз тилидан ташқари бошқа тилларда чоп этилган материаллар қамраб олинган бўлиб, мавзулар орасида, жумладан, архитектура, санъат тарихи, либослар ва ҳунармандчилик каби йўналишлар ҳам бор. *Art Index Retrospective: 1929–1984* маълумот базаси эса 600 дан зиёд номдаги нашрнинг кўрсаткичларини тақлиф қилади.

*ARTbibliographies Modern (ProQuest/CSA)* XIX асрдан то ҳозирги кунгача бўлган санъат, ҳунармандчилик, фотография, театр санъати, мода, рассомлик, ҳайкалтарошлик каби йўналишларга бағишланган материаллар, мақо-

лалар, китоблар, кўргазма каталоглари, диссертацияларнинг парча ва кўчирмалари ҳамда каталог кўрсаткичларини таклиф қилади. Маълумот базасига киритилган материаллар 1974 йилдан бошланади. Маълумотлар орасида инглиз тили билан бир қаторда 16 та тилдаги манбалар ҳам бор. Кўрсаткичдан синонимлар луғати жой олган.

*International Bibliography of Art (ProQuest/CSA)* Ғарб санъати тарихига бағишланган илмий асарлар библиографиясидир. У *Bibliography of the History of Art* маълумот базасининг авлоди бўлиб, санъатнинг барча жабҳасини қамраб олувчи йирик манба ҳисобланади. Ундан 500дан зиёд номдаги журналдан олинган кўчирма ва парчаларнинг кўрсаткичлари жой олган.

### Кутубхоначилик ва ахборот фанлари соҳасидаги маълумот базаларининг кўрсаткичлари

Кутубхоначилик соҳасига оид кўрсаткичлар орасида *Library Literature & Information Science Full Text*, *Library and Information Science Abstracts*, *Library, Information Science and Technology Abstracts (LISTA)* ҳамда *Library, Information Science and Technology Abstracts with Full Text* кабилар бор.

*Library Literature & Information Science Full Text (Wilson)* кутубхоначилик ишига бағишланган даврий нашрлар мақолалари, конференциялар баёни, памфлетлар, китоблар ва илмий маърузаларни қамраб олган. Унга 1984 йилдан буён чоп этилган 400дан зиёд номдаги даврий нашр кўрсаткичлари ва 1997 йилдан буён чоп этиладиган 155 номдаги даврий нашрнинг тўлиқ матнли мақолалари киритилган. Манбадаги маълумотлар керакли сўз, мавзу, исмлар, сарлавҳалар, нашр номи, йили, мақола турига қараб изланиши мумкин. *Library Literature & Information Science Retrospective: 1905–1983* мазкур кўрсаткичнинг аввалги йиллардаги нашрларидан электрон тарзда фойдаланиш имконини беради.

*Library and Information Science Abstracts (ProQuest/CSA)* 1969 йилдан буён 68 дан зиёд давлатда 20 дан зиёд тилда нашр этилувчи 400 дан зиёд номдаги даврий нашрлардан олинган парчалар кўрсаткичидир. Унга кутубхоначилик иши ва ахборот фанининг барча жабҳалари кирган бўлиб, унинг он-лайн кўринишдаги синонимлар луғати ҳам мавжуд.

*Library, Information Science and Technology Abstracts (LISTA)* илмий журналлар мақолалари, китоблар, тадқиқот ҳисоботлари ва конференциялар баёнини ўз ичига олган кўрсаткич бўлиб, мавзулар кутубхоначилик, таснифлаш, библиометрика, ахборот қидириш, ахборотни тартиблаштириш каби йўналишларни қамраб олади. *Library, Information Science and Technology Abstracts with Full Text* 560дан зиёд номдаги илмий журнал ва айрим монографиянинг тўлиқ матнини таклиф қилади.

### Психология фанлари соҳасидаги маълумот базаларининг кўрсаткичлари

1967 йилдан буён АҚШ Психология уюшмаси томонидан чоп этилувчи *PsycINFO* психология соҳасидаги асосий кўрсаткичлардан биридир. У 22 та асосий категорияга ажратилиб, психология, ижтимоий ва турдош фанлар, жумладан, психиатрия, неврология, медицина ва ижтимоий ишлар каби йўналиш-



ларни қамраб олади. Илмий руҳдаги, экспертлар томонидан текширилган онлайн библиографик кўрсаткич психология фанига оид мингдан зиёд номдаги журнал ва 1800 номдаги китоб, диссертация ва ҳисоботлар сарлавҳасини қамраб олади. Нашрлар орасидан 50 дан зиёд мамлакатда 28 тилда чоп этилувчи манба ҳам ўрин олган. Ҳар бир рўйхат библиографик кўчирма ва парчани жамлайди. *PsycArticles* маълумот базаси эса 80 дан зиёд журналдаги мақолаларнинг тўлиқ матнли кўринишидан фойдаланиш имкониятини беради.

Психологияга оид журналларни, шунингдек, EBSCO компанияси томонидан яратилган *Psychology and Behavioral Science Collection* маълумот базасидан ҳам топиш мумкин. Унга 400дан зиёд номдаги журналдан олинган тўлиқ матнли мақолалар киритилган бўлиб, мавзулар кўлами психиатрия ва психология, ақлий жараёнлар, антропология, кузатув ва экспериментал услублар каби йўналишларни қамрайди. EBSCO компаниясининг *Academic Search Complete*, *ProQuest Central* ва Gale компаниясининг *Health Reference Center* маълумот базалари ҳам психологияга доир ахборот манбаидир.

### Ирқий нашрлар соҳасидаги маълумот базаларининг кўрсаткичлари

*International Index to Black Periodicals Full Text (ProQuest/Chadwyck Healey)* кўрсаткичи қора танли аҳолининг турмуш тарзини ўрганиш соҳасидаги илмий-оммабоп материаллар манбаси бўлиб, у 1902 йилдан буён нашр этиб келинади. Манбага 1902–1997 йилларда чоп этилган материаллардан олинган парчалар ҳам киритилган. 1998 йилдан бошлаб эса маълумот базасига АҚШ, Африка ва Кариб ороллари минтақасида чоп этилувчи 150 номдаги журнал, газета, хабарнома ҳамда қора танли аҳолининг ҳаётида рўй бераётган жараёнларни ёритувчи 42 та асосий нашр материаллари киритилган.

Кўрсаткич, шунингдек, бир қатор турдош йўналишлар, жумладан, иқтисодиёт, тарих, диншунослик, жамиятшунослик, сиёсатшунослик йўналишлари бўйича библиографик ва тўлиқ матнли манбалардан фойдаланиш имконини беради. Кўрсаткич ўз кўлами бўйича ҳам халқаро миқёсдалиги, ҳам турли мавзуларни ўз ичига олиши билан диққатга сазовордир.

*EthnicNewsWatch (ProQuestCSA)* тўлиқ матнли онлайн маълумот базаси бўлиб, унга кирган материаллар 1990 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган даврга тааллуқлидир. Бир қатор газета, журнал, ирқий ва миллий озчиликлар, маҳаллий аҳоли учун мўлжалланган нашрлар ҳам киритилган. Айни пайтга қадар маълумот базасига 315 номдаги нашр жамланган бўлиб, улар тарих, сиёсатшунослик, гуманитар ва ижтимоий фанлар каби йўналишларни қамраб олади. Маълумотларни ҳам инглиз, ҳам испан тилида қидириш имконияти мавжуд. Бу ўзига хос маълумот базаси тадқиқотчига турли мавзулар борасидаги муқобил фикрлар билан танишиш имкониятини беради.

*Hispanic American Periodicals Index Online (HAPI)* маълумот базаси АҚШ, Лотин Америкаси ҳамда Кариб денгизи минтақасида 1970 йилдан то ҳозирги кунга қадар нашр этилувчи китоблар, мақолалар, ҳисоботлар, библиографиялар, адабиётшуносликка оид асарлар ҳамда 500дан зиёд номдаги журналда чоп этилувчи журналларнинг каталог кўрсаткичи ҳамда улардан парчаларни таклиф этади. Ундан онлайн шаклда фойдаланиш мумкин бўлиб, сайтда, шунингдек, тўлиқ матнли мақолаларга ҳаволалар ҳам берилган.

## Бизнес ва тиббиёт соҳасидаги маълумот базаларининг кўрсаткичлари

Бизнес соҳасидаги энг диққатга сазовор каталог кўрсаткичлар орасида EBSCO компаниясининг *Business Source*, *ABU INFORM Complete (ProQuest)*, *Business and Company ASAP (Gale Cengage Learning)*, *Factiva* ҳамда *Business Full Text (Wilson)* кабиларни кўрсатиш мумкин. Мазкур бизнес каталоглар фойдаланувчига кенг қўламли ахборот манбаларидан фойдаланиш имкони беради. Мазкур каталог кўрсаткичлари ҳамда тиббиёт ва истеъмолчи саломатлигига доир *PubMed*, *Health Source*, *Health Reference Center*, *Health and Wellness Resource Center* ҳамда *CINAHL* каби каталог кўрсаткичлари китобнинг тўққизинчи бобида кенгроқ ёритилган.

## Эркин фойдаланиш мумкин бўлган журналлар

Онлайн маълумот базаларидаги тўлиқ матнли манбаларнинг ҳажми эркин фойдаланиш мумкин бўлган журналлар ҳисобига ошиб бормоқда. Муқобил бизнес режалари асосида яратилиб, фойдаланувчига бепул равишда таклиф қилинувчи мазкур журналларнинг аҳамияти, айниқса, фан соҳаси вакиллари учун жуда муҳимдир. Ана шундай журналларнинг кўпчилигини *Highwire Press* (<http://highwire.stanford.edu>) ва *Directory of Open Access Journals* ([www.doaj.org](http://www.doaj.org)) каби ташкилотларнинг сайтлари орқали топиш мумкин. Мазкур иккала сайтда ҳам маълумотларни мавзу бўйича излаш имконияти мавжуд. Кўплаб ҳукумат маълумот базалари ҳам эркин фойдаланиш мумкин бўлган журналлар ҳамда мақолалар билан танишиш имкониятини беради. Улар орасида, жумладан, *arXiv.org* (<http://xxx.lanl.gov/>) сайти бўлиб, у орқали фаннинг турли йўналишларига бағишланган электрон нашрлар билан танишиш мумкин. АҚШ Энергетика бошқармасининг *Information Bridge* электрон нашри (<http://osti.gov/brige>) энергия соҳасининг барча жиҳатларига бағишланган тўлиқ матнли мақолалар ва библиографик кўчирмалар билан танишиш имкониятини беради. *E Print Network* (<http://osti.gov/eprints>) физика ва турдош фанларга бағишланган электрон нашрларни таклиф қилади. *NIST Virtual Library* (<http://nvl.nist.gov>) кимё йўналиши борасидаги нашрларни ўз ичига олган. *PubMed Central* (<http://pubmedcentral.nih.gov>) биотиббиёт ва биологияга алоқадор фанларга бағишланган адабиётларни қамраб олади.

## Кўчирма гапларнинг каталог кўрсаткичлари

Бу турдаги каталог кўрсаткичлари тадқиқотчи учун жуда фойдали бўлиб, улар бир муаллиф томонидан илгари сурилган ғоя бошқалар томонидан қандай қабул қилинган ва ғоя атрофида қандай баҳс-мунозара кечаётгани ҳақида тасаввур уйғотиши мумкин бўлади. Тадқиқотчи, шунингдек, қайси муаллифлар бошқаларга таъсир ўтказгани ёки бирламчи концессия айти пайтда қай йўсинда ишлатилаётганини библи олиш имконига эга бўлади. Кўчирма гапларнинг учта асосий каталог кўрсаткичлари, яъни — *Science Citation Index* (1900 йилдан ҳозирги кунга қадар), *Social Sciences Citation Index* (1956 йилдан ҳозирги кунга қадар), *Arts and Humanities Citation Index* (1975 йилдан ҳозирги кунга қадар) мавжуд. Мазкур учта кўрсаткич ҳам-

да *Index Chemicus* (1993-) ва *Current Chemical Reactions* (1986-) айни пайтда Thomson Reuters компанияси томонидан яратилган *Web of Science* жалқаро кўчирма гап каталогининг бир қисми ҳисобланади. Манба 10 минг номдаги нуфузли журнални қамраб олиб, унинг сайтидан тўлиқ матнли мақолаларнинг ҳаво лаларини ҳам олиш имконияти мавжуд. Агар фойдаланувчи жиддий илмий иш ёзиш билан машғул бўлса, *Web of Science* унинг энг биринчи ҳамкори бўлмоғи лозим.

## Махсус турдаги маълумотлар каталог кўрсаткичи

*ProQuest Dissertations and Theses* маълумот базасига АҚШ, Канада, Буюк Британия ҳамда Европа мамлакатларида 1861 йилдан буён ёзилган диссертациялар ҳамда магистрлик илмий ишларининг рўйхати, шунингдек, 1980 йилдан буён ёзилган илмий ишларнинг парчалари киритилган. Айрим материалларнинг тўлиқ матнли кўриниши берилган. Мазкур манба тадқиқотчилар учун жуда фойдали бўлиб, кўплаб йўналишлар бўйича чуқур маълумот олиш имконини беради.

*Essay and General Literature Index (Wilson)* каталог кўрсаткичига китоблар, 300 га яқин номдаги турли тўпламлар, 20 та йилнома ҳамда бошқа турдаги даврий на шрлар кирган. Манба турли мавзуларга бағишланган эсселарнинг ўзига хос манбаидир. Ундаги онлайн маълумотлар 1985 йилдан бошланади. Фойдаланувчилар ўзига керак маълумотни керакли сўз, мавзу, сарлавҳа, муаллиф, на шр санаси ҳамда асар қаҳрамонларининг исмлари асосида излаши мумкин. Гарчи, маълумот базасидан тўлиқ матнли материалларни топишнинг иложи бўлмаса-да, уни кутубхона каталогига улаш имконияти мавжуд.

*Short Story Index (Wilson)* қисқа ҳикояларни муаллиф, ном, мавзу, жанр ва ёзиш техникаси бўйича каталоглаштиради. Онлайн кўринишдаги маълумот базасидаги материаллар 1984 йилдан бошланади. Ундан қисқа ҳикоялар билан бир қаторда, 150 номдаги даврий нашрда чоп этилган ва *Readers' Guide* ва *Humanities Index* каби маълумот базаларига кирган ҳикоялар ҳам ўрин олган. Кўрсаткичнинг аксарият қисми библиографик маълумотларни акс эттирса-да, 5 мингдан зиёд ҳикоя тўлиқ матн кўри нишида берилган. Кўрсаткич кўп муаллифли тўпламлар ёки даврий нашрларда нашр этилган қисқа ҳикояларни топишда, айниқса, қўл келади.

*Play Index (Wilson)* каталог кўрсаткичига 1949 йилдан то ҳозирга қадар бўлган маълумотлар кирган. Манбага алоҳида ёки тўплам кўринишида чоп этилган 31 мингдан зиёд пьесанинг каталог кўрсаткичи киритилган. Маълумот базасига тўлиқ метражли, радио- ва телепьесалар, бир пардадан иборат пьесалар кирган. Фойдаланувчилар ўзига керак маълумотларни муаллиф, ном, мавзу, услуб, жанр ва актёрлар рўйхати асосида излаш имконига эга. Манба орқали кутубхоначилар тўпламга киритилган пьесаларни топиши мумкин.

*LitFinder (Gale Cengage Learning)* шеърлар, қисқа ҳикоялар, эсселар, нутқлар ва пьесаларнинг тўлиқ матнини топиш учун мўлжалланган манбаидир. Ундаги маълумотларни ном, мавзу, муаллиф миллати, жинси ва асар санаси бўйича излаш мумкин. Халқаро миқёсга эга бўлган маълумот база сига қадим замонлардан то ҳозирги кунгача бўлган маълумотлар кирган. Фойдала-

нувчиларга 135 мингдан зиёд адабий асар ҳамда қўшимча маълумот манбалари таклиф қилинади.

*Book Review Digest* Н.В.Вилсон компанияси томонидан 1905 йилдан буён чоп этиб келинади. Библиографик парчаларга қўшимча равишда ҳар бир рўйхатга китобнинг қисқача мазмуни ва шарҳлардан парчалар киритилган. *Book Review Digest Plus* манбанинг электрон кўриниши бўлиб, ундаги маълумотлар 1983 йилдан бошланади. Манба мунтазам равишда Вилсон компаниясининг бошқа каталог кўрсаткичларидаги маълумотлар ҳисобига тўлдириб борилади. Мазкур манба ўқувчиларга маслаҳат бериш, коллекцияни кенгайтириш ва китобларнинг тақризларини топишда айниқса фойдали. *Book Review Digest Retrospective 1905–1982* мазкур манбанинг аввалги нашрларидаги маълумотлар билан танишиш имконини беради.

*Book Review Index Online Plus* (Gale Cengage Learning) 1965 йилдан ҳозирги кунгача нашр этилган босма кўринишдаги каталог кўрсаткичининг электрон кўринишини қамраб олган. Манбадан 2,5 миллион номдаги асарларнинг тақризидан олинган 5,6 миллион кўчирма гапларнинг каталог рўйхати жой олган.

*Columbia Granger's World of Poetry* 250 мингдан зиёд шеърнинг тўлиқ матни билан танишиш имконини бериб, бунга қўшимча равишда библиографик маълумот ҳамда танқидчилар эсселари ҳам қамраб олинган. Шеърлар мавзу, биринчи қатор, муаллиф ва ном асосида каталоглаштирилган.

## Болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган каталог кўрсаткичлари

Кутубхоначилар болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган бир қатор каталоглар орасидан танлаш имкониятига эга. *Searchasaurus* деб номланган каталог кўрсаткичи EBSCO компаниясининг бир қатор маълумот базаларини ўзида бирлаштирган бўлиб, улар орасида *Primary Search*, *Middle Search Plus* ҳамда *Book Collection: Nonfiction, Primary Search* каби 4–6 синфлар ўқувчилари учун мўлжалланган манбалар бор. Манбадан бошланғич мактаблар учун мўлжалланган 80 номдаги энг оммабоп журналларнинг тўлиқ матнли мақолаларини топиш мумкин. Унга, жумладан, *Highlights for Children*, *National Geographic Kids*, *National Geographic World*, *Ranger Rick*, *Cricket*, *Science World* каби журналлар киритилган.

*Middle Search Plus* ўрта ва юқори, жумладан, 7–9 синфлар ўқувчилари учун мўлжалланган; 140дан зиёд номдаги энг оммабоп мактаб журналларининг тўлиқ матнли мақолаларини таклиф қилади. Мактаб журналлари билан бир қаторда манбага ўқиш осон бўлган катталарбоп журналлар, жумладан, *Time*, *National Geographic*, *Sports Illustrated*, *Popular Science* ва *Popular Mechanics* каби нашрлар ҳам кирган. *Book Collection: Nonfiction* маълумот базаси эса 4 мингдан зиёд номдаги оммабоп-хужжатли китобларнинг тўлиқ матнидан фойдаланиш имкониятини беради.

*Library Elementary* (ProQuest) маълумот базаси эса 130та тўлиқ матнли журнал, газета, маълумотнома, хариталар, суратлар ва мультимедиа материалларини қамраб олган бўлиб, улар умумий қизиқиш соҳалари, жумладан, ижтимоий фанлар, гуманитар фанлар ва бизнес соҳасига алоқадор маълумотларни таклиф қилади. *Infotrack Junior Edition* (Gale Cengage Learning) маълумот

мот базаси ўрта ва юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, ундан зоода н зиёд номдаги умумий мазмундаги журналлар жой олган; уларнинг 230 таси тўлиқ матнли кўринишда таклиф этилади. Манба га, шунингдек, газеталардаги мақолалар ҳамда турли маълумот манбалари, жумладан, энциклопедия ва луғатлар киритилган. *InfoTrack Student Edition* (Gale Cengage Learning) маълумот базаси эса юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, унга кири тилган 1200 номдаги журналнинг 1100 таси тўлиқ матнли кўринишда берилган. Манбага, шунингдек, газеталар мақолалари, маълумотномалар, хариталар ва бошқа қизиқарли нашрлар киритилган. *Reader's Guide to Periodical Literature* (Wilson) лицей талабалари учун мўлжалланган.

## Коллекцияни шакллантириш ва бошқариш

### Манбаларни танлаш ва янгилаб бориш

Каталог кўрсаткичларининг нархи баланд бўлгани боис кутубхоналар уларни танлашда бироз хушёр туриши ва энг керакли манбаларни саралай билиши муҳим аҳамият касб этади. Аксарият ҳолатларда у ёки бу мавзу бўйича бир нечта каталог кўрсаткичи бор бўлиб, кутубхоналар уларнинг кўлами, нархи ва бошқа жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда танлаш имкониятига эга.

Каталог кўрсаткичлари жадаллик билан ўзгариб, нашриётлар ўз маҳсулотини бозор талабларига мослаштириш йўлида кўрсаткичларнинг кўламини борган сари кенгайтириб бормоқда. Каталог яратувчи аксарият компаниялар турли кутубхоналар учун мўлжалланган ҳар хил маҳсулотларга эга бўлиб, кутубхоналар уларни ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда танлаши мумкин. Ўз навбатида, нашриётлар бозорга тобора янги маҳсулотларни чиқаришда ва кичикроқ нашриёт компанияларини сотиб олишда ёки йирик компаниялар билан шериклик тузишда давом этмоқда. Катта нашриётлар ўз фойдаланувчиларига кўпроқ тўлиқ матнли маҳсулот таклиф этмоқда, бу соҳада рўй бераётган ўзгаришларнинг орқасидан улгуриш тобора мушкуллашиб бормоқда. Кўпчилик даврий нашрлар, жумладан, *Library Journal*, *Computers for Librarians*, *Online va Searcher* бозорга чиқаётган янги каталог кўрсаткичлари ва маълумот базалари ҳақида ахборот беради. Айнан мана шу даврий нашрлар тўла ҳажмли мақолаларни чоп этиб, уларда мазкур соҳадаги жараёнлар ёки унинг муайян бир қисмида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилинади. Нашриётларнинг ўзи кутубхоналар билан доимий алоқада бўлиб, уларни мунтазам равишда ўз маҳсулотларидан хабардор қилиб боради.

### Каталог кўрсаткичларни баҳолаш

Айни пайтда бозорда таклиф қилинаётган каталог кўрсаткичларининг сони катта бўлгани боис, уларни баҳолаш жараёни бир қатор омилларни синчковлик билан ўрганишни талаб қилади:

- нашриёт нуфузи;
- қамраб олинган мавзулар кўлами;

- каталоглаштирилган даврий нашрлар/газеталар сони ва сифати;
- тўлиқ матнли кўринишда таклиф қилинувчи материаллар сони;
- маълумотлар долзарблиги ва уларни янгилаш тезлиги;
- кўчирма гапларнинг тўғрилиги;
- мавзулар кўлами/луғат бойлиги, фойдаланиш турлари;
- статистика маълумотлари, ходимларни маълумот базасидан фойдаланишни ўргатиш борасидаги хизматларнинг мавжудлиги;
- нарх.

Каталог кўрсаткичини қайси компания ёки нашриёт яратгани жуда муҳим аҳамият касб этиб, бу орқали кутубхоначи таклиф қилинаётган маҳсулот нақадар сифатли ва ишончга сазовор эканини билиши мумкин. Кутубхоначилар, шунингдек, нашриёт мазкур соҳадаги фаолиятини давом эттиришидан ҳам манфаатдор. Айнан мана шу жиҳат кутубхоналар учун айниқса муҳим, негаки кутубхоналар каталог кўрсаткичини харид қилиш учун катта маблағ сарфлайди, бинобарин, унинг янгиланиб боришидан ўта манфаатдор.

Кутубхоначи каталогнинг кўламига ҳам алоҳида эътибор қаратиши лозим. Бунинг учун қамраб олинган мавзулар ҳамда улар қайси вақтдан бошланишини билиш муҳим. Шунингдек, каталоглаштирилган даврий нашрлар ва газеталарнинг сони муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг сифатини текшириш ҳам зарур. Албатта, сонларни текшириш билан иш битмайди. Ҳар қандай нашриёт ҳам бошқалардан кўра кўпроқ даврий нашрларни каталоглаштирганини таъкидлаши мумкин. Лекин каталоглаштирилган газеталар ва даврий нашрларнинг сифати паст бўлса, нашриётнинг маълумотлари оддий статистикадан нарига ўтмайди. Шунинг учун каталог кўрсаткичига қайси даврий нашр киритилганини билиш учун *Ulrich's ёки Magazines for Libraries* каби манбаларга мурожаат қилиш даркор. Кутубхоначилар, шунингдек, *Fulltext Sources Online* веб-сайтини ҳам мунтазам равишда назорат қилиб туришлари даркор. Баъзан ҳеч қайси каталог кўрсаткичида муайян даврий нашрнинг тўлиқ каталоглашган сонлари бўлмаслиги мумкин, негаки даврий нашр ношири уни каталоглаштиришга розилик бермайди. Лекин баъзида катта талабга эга бўлган даврий нашрни каталоглаштириш ҳуқуқини муайян бир каталог ношири олиши мумкин. Даврий нашрни тўлиқ матнли кўринишда каталоглаштириш билан боғлиқ яна бир масала — ундаги барча мақола ва материалларни маълумот базасига киритишдир. Айрим ҳолларда каталог яратувчилари каталог ичига даврий нашрдаги асосий мақолаларни киритиб, кичик мақолалар, муҳаррирга хатлар, китоблар тақризларини тушириб қолдиради.

Каталог кўрсаткичининг долзарблиги ва янгиланиш тезлиги ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, каталог электрон кўринишда дегани — унда энг сўнгги маълумотлар жойлаштирилганини англатмайди.

Каталогнинг нақадар долзарб эканини билиш учун янгиликларда ёритилаётган бирор мавзунини олиб, бир неча каталогни текшириб кўринг ва улар нақадар тез янгиланиши борасида тасаввур ҳосил қиласиз. Бунда, шунингдек, каталоглашнинг, айниқса, библиографик цитаталарнинг аниқлиги муҳим аҳамиятга эга. Кўп учровчи хатолар каталог кўрсаткичининг сифат назорати талабга жавоб бермаслигидан далолат беради.

Мавзу номларининг изчиллиги ва кўламига эътибор беринг. Кўпчилик каталог кўрсаткичлари АҚШ Конгресси кутубхонасининг, Sears компанияси-

нинг мавзу номларидан фойдаланади. Изчилликни таъминлаш мақсадида махсус лугатдан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Турли каталог кўрсаткичларидаги излаш тизимларини солиш тиринг. Уларнинг қулайлик даражаси қандай? Улар мантиқий излаш тартибидан фойдаланадими? Излаган маълумотингиз нақадар осонлик билан топилишига эътибор қаратинг!

Жамоатчилик айрим хизматларга эътибор бермаса-да, лекин улар кутубхоначилар учун муҳим аҳамият касб этади. Биринчидан, кутубхона ҳар бир каталогдан фойдаланиш борасидаги статистика маълумотларига эга бўлиши керак. Каталогни яратувчи компания бу каби статистика маълумотларини кутубхонага мунтазам равишда тақдим этиб боришга қодир бўлиши муҳим, негаки кутубхона ҳар бир каталог қанчалик фойдаланилаётганини билиб туриши керак. Кутубхона ходимларига маълумот базасидан фойдаланишни ўргатиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки каталоглар бир-биридан фарқ қилади. Бу ҳам қулай афзаллик ҳисобланади.

Ниҳоят нарх ҳам муҳим аҳамият касб этади. Каталог кўрсаткичларининг нархи орасидаги фарқ анчагина бўлиши мумкин. Аксарият компаниялар бир кутубхона ёки кутубхоналар гуруҳи билан нарх борасида келишишга ҳаракат қилади. Нашриётлар, одатда, ўз маҳсулотининг нархини белгилашда турли усулларни қўллайди, шу боис улардан хабардор бўлиш кутубхоналар учун фойдали бўлиши мумкин. Бугунги кунда кўпчилик нашриётлар фойдаланувчилар гуруҳининг катта-кичиклигидан келиб чиққан ҳолда ўз маҳсулоти учун аниқ нархни белгилашни афзал билмоқда. Масалан, университетда нарх талаба ва ўқитувчи-профессорларининг сони билан белги ланиши мумкин. Баъзида компаниялар «фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш» тизимини жорий этади; бу орқали каталоглардан кўп фойдаланмайдиган мижозларни жалб қилиш имконияти ошади.

Нашриётлар, шунингдек, каталогдан бир вақтда фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тизимидан фойдаланади. Бу ҳолда кутубхона каталогдан бир вақтнинг ўзида фойдаланиш кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда ҳақ тўлайди. Нима бўлганда ҳам каталогларнинг нархи аксарият ҳолларда ниҳоятда баланд бўлиб, кутубхоналар, кўпинча, улардан гуруҳларга бирлашган ҳолда фойдаланиш орқали сарф-харажатларини камайтириш имкониятини қўлга киритади.

## Қўшимча фикрлар

Тўлиқ матнли манба бўлмаган ҳолатда нима қилиш керак?

Ҳозирги кунда фойдаланувчилар каталог кўрсаткичидаги маълумотлар тўлиқ матнли кўринишга эга бўлишига кўникиб қолган. Лекин тўлиқ матнли маълумот топилмаганда нима қилиш керак? Аввало, дастурий маҳсулотлар, жумладан, Serials Solutions ёки EBSCO компаниясининг A-Z манбасидан фойдаланиб, каталогга киритилган маълумотнинг тўлиқ матнли кўриниши бошқа каталогларда бор-йўқлигини билиб олиш мумкин. Агар керакли маълумот кутубхонанинг онлайн каталогига топилмаса, кутубхона ходими босма кўринишдаги

каталогларни излаб кўриши лозим бўлади. Агар бу ҳам наф бермаса, кутубхона керакли ҳужжатни кутубхоналараро қарз олиш тизими ёки ҳужжат етказиб бериш тизимлари, жумладан, *Ingentaconnect* ([www.ingentaconnect.com](http://www.ingentaconnect.com)), *ISI Document Solution* (<http://ids.isinet.com>) ёки *British Library Direct* (<http://blorderform.bl.uk>) орқали керакли мақолани харид қилиши мумкин.

## Маълумотни излаш

Маълумот базаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган энг катта қийинчилик — улардаги излаш тизимларининг хилма-хиллиги билан боғлиқ. Шу боис кутубхоначилар кутубхонада мавжуд бўлган маълумот базалари билан яхши таниш бўлиши ниҳоятда муҳим. Кутубхона ходими ҳар бир маълумот базасининг излаш тизими асосларини билиши ва унинг қўшимча хусусиятларидан хабардор бўлиши керак. Кўпчилик компаниялар ўз маълумот базаларидан фойдаланишни ўргатувчи курсларни ташкиллаштиргани боис кутубхоначилар бу имкониятдан фойдаланиб қолиши керак.

## Якуний фикрлар

Каталог кўрсаткичлари кутубхонада мавжуд бўлган энг фойдали ва энг керакли маълумот манбаларидан биридир. Тулиқ матнли каталог кўрсаткичлари сони кўпайиши эса, фойдаланувчига ўзи қидирган маълумотни топиш жараёнини осонлаштириш билан бир қаторда, маълумот базаларининг аҳамиятини янада юксалтиради. Шу ўринда каталог кўрсаткичларининг сон жиҳатдан кўпайиши билан кутубхоначилар уларнинг орасидан энг кераклиларини танлаш учун ҳам шароит яратилмоқда. Шу ўринда кутубхоначилар йиллик режаларни ишлаб чиқиши ва ўз ихтиёридаги каталог кўрсаткичларидан фойдаланиш борасидаги статистик маълумотларни кузатиб бориши даркор бўлади.

ЕТАКЧИ КАТАЛОГ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ УНЛИГИ

Ном	Босма	Онлайн
<i>Academic Search Premier</i>	4-нашр	Обуна <a href="http://www.ebscohost.com">www.ebscohost.com</a> манзилида
<i>Alternative Press Index, 1963, Балтимор. Alternative Press Center компанияси</i>	Ҳар чорак янгиланади	Обуна <a href="http://www.altpress.com">www.altpress.com</a> манзилида
<i>Dialog 1 Керу, «Томсон Рейтер» компанияси</i>	5 жилд + 1	Обуна <a href="http://www.dialog.com">www.dialog.com</a> манзилида
<i>Expanded Academic ASAP, Фармингтон. Gale Cengage Learning компанияси</i>		Обуна <a href="http://www.gale.com">www.gale.com</a> манзилида
<i>First Search Dublin, OCLC компанияси</i>		Обуна <a href="http://www.oclc.org">www.oclc.org</a> манзилида
<i>JSTOR</i>		<a href="http://www.jstor.org">www.jstor.org</a>



<i>LexisNexis Academic</i> Бетестта, <i>LexisNexis Academic &amp; Library Solutions</i> компанияси		Обуна <a href="http://www.lexisnexis.com">www.lexisnexis.com</a> манзилида
<i>ProQuest Newsstand</i> Энн Эброр, <i>ProQuest</i> компанияси		Обуна <a href="http://www.ProQuest.com">www.ProQuest.com</a> манзилида
<i>Wilson Omnifile Full Text, 1982</i> , Бронкс, <i>H.W.Wilson</i> компанияси		Обуна <a href="http://www.hwwilson.com">www.hwwilson.com</a> манзилида

#### Фойдаланиш учун тавсия қилинадиган бепул веб-сайтлар

Эркин фойдаланиш мумкин бўлган журналлар каталоги [www.doaj.org](http://www.doaj.org) манзилида жойлашган. Унда эркин тарзда фойдаланиш мумкин бўлган мақолаларни излаш имконияти бор.

ERIC — [www.eric.ed.gov](http://www.eric.ed.gov) АҚШ Таълим бошқармаси томонидан яратилган маълумот базасидан бепул равишда фойдаланиш мумкин.

Google Scholar — <http://scholar.google.com> манзилида жойлашган бўлиб, кенг кўламли илмий мақолаларнинг каталог кўрсаткичларини қамраб олади. Айрим тўлиқ матнли мақолалар фойдаланувчиларга бепул тарзда таклиф қилинади.

Highwire Press — <http://highwire.stanford.edu> манзилида жойлашган бўлиб, кўплаб илмий мақолалардан бепул фойдаланиш имкониятини беради.

LISTA Abstracts — [www.libraryresearch.com](http://www.libraryresearch.com) манзилида жойлашган бўлиб, фойдаланувчиларга бепул равишда таклиф қилинади.

## Recommended Resources Discussed in This Chapter

- Academic OneFile*. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning. Subscription. Available: [www.gale.com](http://www.gale.com).
- Academic Search Complete*. Ipswich, MA: EBSCO. Subscription. Available: [www.ebscohost.com](http://www.ebscohost.com).
- Academic Search Elite*. Ipswich, MA: EBSCO. Subscription. Available: [www.ebscohost.com](http://www.ebscohost.com).
- Academic Search Premier*. Ipswich, MA: EBSCO. Subscription. Available: [www.ebscohost.com](http://www.ebscohost.com).
- Access: The Supplementary Index to Periodicals*. 1975-. Evanston, IL: John Gordon Burke Publisher. Available: [www.jgburkepub.com](http://www.jgburkepub.com).
- Access World News*. Naples, FL: Newsbank. Subscription. Available: [www.newsbank.com](http://www.newsbank.com).
- ACM Digital Library*. 1985-. Association for Computing Machinery. Subscription. Available: <http://portal.acm.org/dl.cfm>.
- Alternative Press Index*. 1969-. Baltimore, MD: Alternative Press Center. Subscription. Available in print or online: [www.altpress.org](http://www.altpress.org).
- America: History and Life*. 1964-. Santa Barbara, CA: ABC-CLIO. Subscription. Available: [www.abc-clio.com](http://www.abc-clio.com).
- America's News*. Naples, FL: Newsbank. Subscription. Available: [www.newsbank.com](http://www.newsbank.com).
- Applied Science & Technology Full Text*. 1997-. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available — [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- Applied Science & Technology Retrospective 1913–1983*. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).

- Art Full Text*. 1983-. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- Art Index Retrospective*. 1929-1984. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- ARTbibliographies Modern*. 1974-. Ann Arbor, MI: ProQuest/CSA. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- Article First*. Dublin, OH: OCLC. Subscription. Available: [www.oclc.org](http://www.oclc.org).
- ATLA Religion Database*. 1949-. Ann Arbor, MI: ProQuest/CSA. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- Biology Digest*. 1989-. Medford, NJ: Plexus Publishing. Subscription. Available online through Newsbank: [www.newsbank.com](http://www.newsbank.com).
- Biosts Previews*. 1990-. Philadelphia, PA: Thomson Reuters. Subscription. Available: [www.thomsonscientific.com](http://www.thomsonscientific.com).
- Book Review Digest*. 1905-. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- Book Review Digest Plus*. 1983-. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- Book Review Digest Retrospective 1905-1982*. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- Book Review Index Online Plus*. 1965-. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning. Subscription. Available: [www.gale.com](http://www.gale.com).
- CBCA Complete*. Ann Arbor, MI: ProQuest. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- Columbia Granger's World of Poetry*. New York: Columbia University Press. Subscription. Available: <http://cup.columbia.edu>.
- Dialog Classic*. Ann Arbor, MI: ProQuest. Subscription. Available: [www.dialog.com](http://www.dialog.com).
- Dialog 1*. Ann Arbor, MI: ProQuest. Subscription. Available: [www.dialog.com](http://www.dialog.com).
- Education Full Text*. 1983-. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- Education Index Retrospective: 1929-1983*. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available in print and online: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- Electronic Collections Online*. Dublin, OH: OCLC. Subscription. Available: [www.oclc.org](http://www.oclc.org).
- eLibrary*. Ann Arbor, MI: ProQuest. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- ERIC*. 1966-. Washington, DC: U.S. Department of Education. Free. Available: [www.eric.ed.gov](http://www.eric.ed.gov).
- Essay and General Literature Index*. 1985-. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- Ethnic NewsWatch*. 1991-. Ann Arbor, MI: ProQuest. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- Expanded Academic ASAP*. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning. Subscription. Available: [www.gale.com](http://www.gale.com).
- First Search*. Dublin, OH: OCLC. Subscription. Available: [www.oclc.org](http://www.oclc.org).
- FRANCIS*. 1984-. Ann Arbor, MI: ProQuest/CSA. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- Gale Custom Nexuspapers*. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning. Subscription. Available: [www.gale.com](http://www.gale.com).

- General OneFile*. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning. Subscription. Available: [www.gale.com](http://www.gale.com).
- General Science Full Text*. 1984-. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- GeoRef*. 1966-. Ann Arbor, MI: ProQuest/CSA. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- Google Scholar*. Free. Available: <http://scholar.google.com>.
- Hispanic American Periodicals Index Online*. 1970-. Los Angeles: UCLA Latin American Center Publications. Subscription. Available: <http://hapi.ucla.edu>.
- Historical Abstracts*. 1955-. Santa Barbara, CA: ABC-CLIO. Subscription. Available: [www.abc-clio.com](http://www.abc-clio.com).
- Humanities Full Text*. 1984-. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- Humanities & Social Science Index Retrospective: 1907–1983*. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- IEEE Xplore*. 1988-. IEEE/IEE (Institute of Electrical and Electronics Engineers and the Institution of Engineering and Technology). Subscription. Available: <http://ieeexplore.ieee.org>.
- InfoTrac Junior Edition*. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning. Subscription. Available: [www.gale.com](http://www.gale.com).
- InfoTrac Nezustand*. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning. Subscription. Available: [www.gale.com](http://www.gale.com).
- InfoTrac Student Edition*. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning. Subscription. Available: [www.gale.com](http://www.gale.com).
- IN SPEC*. 1969-. Institution of Electrical Engineers. Subscription. Available: [www.theiet.org/publishing/inspec/](http://www.theiet.org/publishing/inspec/).
- International Bibliography of Art*. 2008-. Ann Arbor, MI: ProQuest/CSA. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- International Index to Black Periodicals Full Text*. Ann Arbor, MI: ProQuest. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- JSTOR*. Subscription. Available: [www.jstor.org](http://www.jstor.org).
- Language and Linguistics Behavioral Abstracts*. Ann Arbor, MI: ProQuest/CSA. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- LexisNexis Academic*. Bethesda, MD: LexisNexis Academic & Library Solutions. Subscription. Available: [www.lexisnexis.com](http://www.lexisnexis.com).
- LexisNexis Library Express*. Bethesda, MD: LexisNexis Academic & Library Solutions. Subscription. Available: [www.lexisnexis.com](http://www.lexisnexis.com).
- Library and Information Science Abstracts*. 1969-. Ann Arbor, MI: ProQuest. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- Library, Information Science & Technology Abstracts (LISTA)*. Ipswich, MA: EBSCO. Subscription. Available: [www.ebscohost.com](http://www.ebscohost.com).
- Library, Information Science & Technology Abstracts with Full Text*. Ipswich, MA: EBSCO. Subscription. Available: [www.ebscohost.com](http://www.ebscohost.com).
- Library Literature & Information Science Full Text*. 1984-. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- Library Literature and Information Science Retrospective: 1905–1983*. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).

- Literature Online (LION)*. Ann Arbor, MI: ProQuest/Chadwyck Healey Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- Literature Resource Center*. Farmington Hill, MI: Gale Cengage Learning. Subscription. Available: [www.gale.com](http://www.gale.com).
- LitFinder*. Farmington Hill, MI: Gale Cengage Learning. Subscription. Available: [www.gale.com](http://www.gale.com).
- MasterFILE Complete*. Ipswich, MA: EBSCO. Subscription. Available: [www.ebscohost.com](http://www.ebscohost.com).
- MasterFILE Elite*. Ipswich, MA: EBSCO. Subscription. Available: [www.ebscohost.com](http://www.ebscohost.com).
- MasterFILE Premier*. Ipswich, MA: EBSCO. Subscription. Available: [www.ebscohost.com](http://www.ebscohost.com).
- MathSciNet*. 1940-. American Mathematical Society. Subscription. Available: [www.ams.org](http://www.ams.org).
- Middle Search Plus*. Ipswich, MA: EBSCO. Subscription. Available: [www.ebscohost.com](http://www.ebscohost.com).
- MLA International Bibliography*. 1922-. New York: Modern Language Association. Subscription. Available (multiple vendors): [www.mla.org/bibliography/](http://www.mla.org/bibliography/).
- Music Index Online*. 1973-. Harmonie Park Press. Subscription. Available (through EBSCO): [www.harmoniemarkpress.com](http://www.harmoniemarkpress.com).
- Newspaper Source Plus*. Ipswich, MA: EBSCO. Subscription. Available: [www.ebscohost.com](http://www.ebscohost.com).
- Oceanic Abstracts*. 1981-. Ann Arbor, MI: ProQuest/CSA. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- PAIS Archive 1915-1976*. Ann Arbor, MI: ProQuest/CSA. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- PAIS International*. 1972-. Ann Arbor, MI: ProQuest/CSA. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- The Play Index*. 1949-. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- Poole's Index to Periodical Literature*. Boston: Houghton Mifflin, 1802-1906.
- Primary Search*. Ipswich, MA: EBSCO. Subscription. Available: [www.ebscohost.com](http://www.ebscohost.com).
- Project MUSE*. Baltimore: Johns Hopkins University Press. Subscription. Available: <http://muse.jhu.edu>.
- ProQuest Central*. Ann Arbor, MI: ProQuest. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- ProQuest Dissertations and Theses*. Ann Arbor, MI: ProQuest. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- ProQuest Historical Newspapers*. Ann Arbor, MI: ProQuest. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- ProQuest Nexosstand*. 1977-. Ann Arbor, MI: ProQuest. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- ProQuest Research Library*. 1989-. Ann Arbor, MI: ProQuest. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- PsycArticles*. 1988-. Washington, DC: American Psychological Association. Subscription. Available: [www.apa.org](http://www.apa.org).

- Psychology and Behavioral Science Collection*. Ipswich, MA: EBSCO. Subscription. Available: [www.ebscohost.com](http://www.ebscohost.com).
- PsycINFO*. 1967-. Washington, DC: American Psychological Association. Subscription. Available (from multiple vendors): [www.apa.org](http://www.apa.org).
- Reader's Guide Abstracts*. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- Reader's Guide Full Text*. 1994-. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- Reader's Guide Retrospective 1890-1982*. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- Reader's Guide to Periodical Literature*. 1890-. New York: H.W. Wilson.
- Repertoire International de Literature Musicale (RILM)*. 1967-. Ipswich, MA: EBSCO. Subscription. Available: [www.ebscohost.com](http://www.ebscohost.com).
- Science Full Text Select*. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- Science in Context*. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning. Subscription. Available: [www.gale.cengage.com](http://www.gale.cengage.com).
- SciFinder Scholar*. 1907-. Columbus, OH: American Chemical Society. Subscription. Available: [www.acs.org](http://www.acs.org).
- Scopus*. New York: Reed Elsevier. Subscription. Available: [www.scopus.com](http://www.scopus.com).
- Searchasaurus*. Ipswich, MA: EBSCO. Subscription. Available: [www.ebscohost.com](http://www.ebscohost.com).
- Short Story Index*. 1984-. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- SIRS Researcher*. 1988-. Ann Arbor, MI: ProQuest. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- Social Sciences Full Text*. 1995-. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- Social Sciences Index Retrospective 1907-1982*. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- Social Work Abstracts*. Washington, DC: National Association of Social Workers Press. Subscription. Available: [www.naswpress.org](http://www.naswpress.org).
- SocIndex*. Ipswich, MA: Subscription. Available: [EBSCO.www.ebscohost.com](http://EBSCO.www.ebscohost.com).
- Sociological Abstracts*. 1952-. Ann Arbor, MI: ProQuest/CSA. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).
- U.S. History in Context*. Farmington, MI: Gale Cengage Learning. Subscription. Available: [www.gale.cengage.com](http://www.gale.cengage.com).
- Web of Science*. Philadelphia, PA: Thomson Reuters. (Combines Science Citation Index, Social Science Citation Index, and Arts and Humanities Citation Index.) Subscription. Available: [www.thomascientific.com](http://www.thomascientific.com).
- Wilson Omnifile Full Text*. 1982-. New York: H.W. Wilson. Subscription. Available: [www.hwwilson.com](http://www.hwwilson.com).
- World History in Context*. Farmington, MI: Gale Cengage Learning. Subscription. Available: [www.gale.cengage.com](http://www.gale.cengage.com).
- Zoological Record Plus*. Ann Arbor, MI: ProQuest/CSA. Subscription. Available: [www.ProQuest.com](http://www.ProQuest.com).

## Recommendations for Further Reading

---

- Bucknall, Tim. 2005. «Getting More from Your Electronic Collections Through Studies of User Behavior». *Against the Grain* 17, no. 5 (November): 1,18–20. Discussion of ways libraries can increase use of electronic resources by using such technologies as link resolvers.
- Chen, Xiaotian. 2005. «Figures and Tables Omitted from Online Periodical Articles: A Comparison of Vendors and Information Missing from Full-Text Databases». *Internet Reference Services Quarterly* 10, no. 2: 75–88. A comparison of vendors of full-text databases and how they deal with charts, diagrams, figures, and tables that were part of the original periodical articles. Focus of article is on databases from EBSCO, Factiva, First Search, Gale, LexisNexis, ProQuest, and Wilson.
- Mi, Jia, and Frederick Nesta. «The Missing Link: Context Loss in Online Databases». *The Journal of Academic Librarianship* 31, no. 6 (November 2005): 578–585. A study of online databases and how the context of an article is sometimes lost with suggestions as ways publishers could index articles to maintain the context.
- Persson, Dorothy, and Carlette Washington-Hoagland. 2004. «PsychINFO Tutorial: A Viable Instructional Alternative». *Reference & User Services Quarterly* 44, no. 1 (Fall): 46–56. An evaluation of the effectiveness of a tutorial developed to increase students' understanding of PsychINFO.
- Tenopir, Carol, and Donald W. King. 2002. «Reading Behaviour and Electronic Journals». *Learned Publishing* (October): 259–265. A study of the use of scholarly journals by scientists. The authors found that scientists are reading traditional journals both in print and electronic format as well as other electronic sources of information.
- Tyler, David C., Signe O. Boudreau, and Susan M. Leach. 2005. «The Communications Studies Researcher and the Communications Studies Indexes». *Behavioral & Social Sciences Literature* 23, no. 2: 19–46. A comparison of the online specialty indexes and the large, multisubject databases showing that the multi-subject databases perform better.

## Bibliography of Works Cited in This Chapter

---

- Diakoff, Harry. 2004. «Database Indexing: Yesterday and Today». *The Indexer* 24, no. 1 (October): 85–88.
- Golderman, Gail, and Bruce Connolly. 2003. «One-Stop Shopping». *NetConnect* (Summer): 30–35.
- Machovec, George. 1995. «Identifying Emerging Technologies». In *The Impact of Emerging Technologies on Reference Services and Bibliographic Instruction*, edited by Gary M. Pitkin (pp. 1–24). Westport, CT: Greenwood Press.

# 9

## Саломатлик, қонунчилик ва бизнес ҳақидаги саволларга жавоб бериш — махсус маълумотнома ва манбалар

---

### Қисқача шарҳ

---

Саломатлик, тиббиёт ва бизнес соҳаларига алоқадор саволлар маълумот бериш соҳасининг энг ихтисослашган, нозик ва серхаражат йўналишларидан бири ҳисобланади. Инсон туғилиши, ўлими ва солиқ тизими инсон ҳаётининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, саломатлик, қонунчилик, бизнес ва молия соҳаларига алоқадор саволларнинг битмас-туганмас занжирини келтириб чиқаради.

— Мен ҳомилани туширувчи бир дона таблетка қабул қилдим. Лекин энди ҳомиламни сақлаб қолмоқчиман. Таблетка ичишни тўх татсам, у ҳомиламга қандай таъсир кўрсатади?

— Ҳмм...

— Агар мен ўз уйимни хайрия жамғармасига ҳадя қилсам, қашшоқликнинг энг паст даражасига тушган ҳисобланаманми ва соғлиқни суғурта қилиш дастурига мурожаат қилиш учун етарли асосга эга бўламанми?

— Биласизми....

— 1829 йилда Америкада 300 долларнинг қиймати ҳозирги долларга нисбатан қанчалик бўлган?

— Ҳмм...

Мана шу учта савол орқали тиббиёт, юридик ва бизнес соҳаларига алоқадор саволларга тўғри ва тўлиқ жавоб бериш нақадар катта масъулият талаб қилишини англаш қийин эмас. Негаки,

- саволларнинг кўлами ва миқёси бошқа соҳаларга қараганда бирмунча кенг;
- жавоблар ҳам одатда кенг қамровли бўлиб, кутубхоначидан муайян даражада махсус билимга эга бўлишни талаб қилади;
- саволларга жавоб беришда қатъий этика қоидаларига риоя қилиш даркор;
- мазкур уч соҳага алоқадор бўлган манбалар билан боғлиқ сарф-харажатлар кутубхона бюджетининг анчагина қисмини ташкил этиб, улар доимий равишда янгиланиб туриши талаб қилинади;
- ниҳоят, энг муҳими, ҳар қандай соҳа билан боғлиқ саволларга жавоб беришга ўргатилган кутубхоначилар мазкур соҳа мутахассислари эмаслигини ёдда тутиб, саволларга жавоб қайтаришда масъулиятни ҳис қилиши ва жавобларнинг имкон қадар аниқ ва ишончли бўлишини таъминлаши лозим.

Албатта, юқорида таъкидланганидек ўта сифатли хизмат кўрсатишнинг аввалдан ўрнатилган параметрлари ва мавжуд маълумот манбаларини яхши библиография талаб қилади. Америка кутубхоналар уюшмаси (ALA) ана шу масъулиятни тан олган ҳолда, 1992 йили тиббиёт, юридик ва бизнес соҳаларига алоқадор саволларга жавоб бериш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқишга муяссар бўлди. Бу манба кутубхоначи мазкур соҳадаги саволларга жавоб бериш билан боғлиқ хизматларни тартибга солишдаги биринчи ва энг муҳим бошқич эканини намоён қилади. «Ҳар бир кутубхона мазкур соҳадаги жавобларнинг тўлиқ ва тўғрилиги учун масъул эмаслиги ҳақидаги ёзма огоҳлантиришга эга бўлиши лозим. Шу орқали кутубхона ходими бераётган жавобларни юқорида кўрсатилган соҳалар мутахассислари томонидан берилиши мумкин бўлган жавоблар билан тенглаштириб бўлмаслиги таъкидланади» (ALAning янгиланган йўриқномаси — 2001 й.). Бу соҳада мутахассис билан мутахассис бўлмаган одам ўртасидаги фарқни кўрсатиш нега бунчалар муҳим? Нима бўлганда ҳам кутубхоначилар турли-туман техник ва но-техник мазмундаги саволларга ҳеч қийналмасдан жавоб қайтаради-ку? Бу эса, ўз навбатида, тиббиёт, юридик ва бизнес соҳаларининг ўзига хослиги билан боғлиқдир.

## Тиббиёт, юридик ва бизнес соҳасидаги манбалардан қандай фойдаланилади?

### Ўзига хослик

Тиббиёт, юридик ва бизнес соҳаларидаги саволлар қуйидаги еттига жиҳати билан бошқа соҳалардан фарқ қилади.

### Муҳимлик

Руҳшунос Абрахам Маслоунинг таъкидлашича, инсоннинг истакларини белгилашда таъминланиши лозим бўлган биринчи галдаги эҳтиёжлар борки, уларни таъминламасдан туриб, бошқа истакларга эришиш ҳақида гапирриш ўринсиз. Жумладан, ўз хавфсизлиги таъминланишига ишончи комил бўлмаган шахсда, айтайлик, балет раққосаси бўлиш истаги уйғонмаслиги тайин. Худди шунга ўхшаб, фойдаланувчини тўғри маълумот манбаи билан таъминлашда ҳам ўзига хос таянч нуқталар борки, уларни бажармасдан туриб, фойдаланувчига керакли жавобни топиб бериш жуда ҳам мушкул. Жумладан, эскириб қолган тилшунослик соҳасига оид китобнинг зарари эскириб қолган саратон касаллигига оид китобнинг зараридан бир неча баробар камроқ. Ўз ҳуқуқлари учун курашаётган аёлни керакли манба билан таъминлаш дастурхон атрофидаги одоб-ахлоқ китобидан кўра муҳимроқ. Тиббиёт, юридик ва бизнес масалалари ҳар доим ҳам драматик тарзда бўрттирилган бўлмаса-да, табиатан муҳимликка мойиллиги билан ажралиб туради. Шу боис ҳам улар томонидан қамраб олинувчи масалалар Маслоу томонидан айтиб ўтилган биринчи галдаги эҳтиёжлар сирасига киритилиши лозим.



## Билим

Маълумки, шифокорлик касбни эгаллаш учун одам тахминан олти йил ўқиши керак бўлса, юридик касбни эгаллаш учун уч йил вақт сарфланади. Профессиналлик даражаси мутахассиснинг сўз бойлигида ихтисослашган атамаларнақадар кўп ишлатилиши билан белгиланади. Фойдаланувчиларнинг саволларига жавоб қидириш жараёнида кутубхоначилар томонидан ишлатилувчи одатдаги усуллар, яъни каталог кўрсаткичи, мундарижа ёки веб-сайтлардаги «ахборот» тугмасини босиш баъзида етарли бўлмасдан, «кутубхоначилар тиббиёт, юридик ва бизнес соҳаларига алоқадор саволларга жавоб қидиришда фойдаланувчиларнинг эҳтиёжини қондириш учун етарли бўладиган билим ва тайёргарликка эга бўлиши талаб қилинади» (ALA йўриқномаси — 2001 й.). Жумладан, қонун лойиҳаси қандай қилиб қонун кўринишига киришидан хабардорлик яхши бўлиб, шу орқали кутубхоначи жавобни фармон ва фармойишлар эмас, балки айнан қонунлар тўпламидан қидириш кераклигини билади. Legal Research in a Nutshell ёки Legal Research for Beginners каби нашрлар АҚШ қонунчилиқ тизимининг ишлаши ҳақида тасаввур берувчи энг яхши манбалардан ҳисобланади. Инвестиция ҳисоботлари каби бизнес манбаларни тушуниш учун Business Information: How to Find It, How to Use It сингари ахборотномаларни ўрганиб чиқиш тавсия этилади.

## Тийилиш

Кутубхоначининг билим кўлами нақадар кенг бўлмасин, у телевизор орқали маслаҳат берувчи шифокорни эслатади, ҳолос. Ҳаттоки кутубхоначилик билан шуғулланаётган собиқ юристлар ҳам фойдаланувчиларга юридик маслаҳат беришдан ўзини тия билиши керак. Бунинг ўрнига, кутубхоначи керакли манбаларни кўрсатиши ва улардан фойдаланиш тартибини тушунтириш йўлини танлаши лозим. Бунинг учун кутубхонада мустаҳкам маълумот базаси ҳамда маълумотни топишнинг самарали тизими яратилган бўлмоғи даркор.

## Этика

Тиббиёт, юридик ва бизнес соҳасига оид саволларга жавоб беришда фойдаланувчини қизиқтирган мавзу ёки маълумотларни бошқалар билан «ўртоқлашиш» истаги кучли бўлиши мумкин. Масалан, «Биласизми, анави аёл ажрашаётган экан, анави ўсмир заҳм касаллиги тўғрисидаги маълумотларни қидиряпти, анави одам нефть қазиб чиқариш соҳасига сармоя киритмоқчи экан» қабалида ҳамкасблар билан муҳокама қилишни имкон қадар чеклаш керак. Фойдаланувчининг саволи жуда ҳам шахсий масала билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини инobatга олган ҳолда, конфиденциалликни сақлаш кутубхоначининг биринчи галдаги вазифаси ҳисобланади. Бундан ташқари, саволга жавоб топиш учун керакли манбани аниқлаш жараёнида ўтказилувчи суҳбат ҳам жуда муҳим аҳамият касб этиб, унда имкон қадар одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш тавсия этилади. Фойдаланувчи ўзини қизиқтираётган саволнинг барча жиҳатларини маълум қилиши учун у ўзини қулай ҳис қилиши ва кутубхоначи олдида хижолат тортмаслиги жуда муҳим.

### Миқдор ва ҳажм

Албатта, тиббиёт, юридик ва бизнес соҳаларига ихтисослашган кутубхоналарнинг мавжудлиги бежиз эмас. Негаки, аҳоли ўртасида мазкур соҳаларга оид ахборотга бўлган талаб анча юқори. Шу боис ҳам ҳаттоки, жамоат кутубхоналарининг мазкур соҳаларига бағишланган бўлимлари доимо фойдаланувчилар билан гавжум, бу соҳаларга алоқадор адабиётлар учун мўлжалланган пештахталар сони эса, мунтазам равишда ошиб боради. Нашриётлар ҳам мазкур тенденцияни яхши тушуниб етгани ҳолда фойдаланувчиларнинг эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, 2004 йилнинг ўзида АҚШда тиббиёт соҳасига бағишланган 7382 номдаги китоб чоп этилган. 2008 йил маълумотларига кўра, ўша йилда интернет тармоғи фойдаланувчиларининг 75–80 фоизи айнан саломатлик масалаларига оид бўлган маълумотларни қидирган.

### Янгилаш

Мазкур соҳаларнинг жадал ривожини уларга алоқадор бўлган маълумот манбаларини ҳам доимий тарзда янгилаб туришни тақозо этади. Шу боис кутубхоначилар ўз манбаларини янгилаб бориш жадвалини тузиб олиши ва манбаларнинг долзарблигини таъминлаши муҳим аҳамият касб этади.

### Сарф-харажат

Маълумотлар кўламининг кенглиги ва уларни доимий тарзда янгилаб бориш лозимлиги кутубхона сарф-харажатларининг каттагина қисмини тиббиёт, юридик ва бизнес соҳасидаги манбаларга йўналтиришни тақозо қилади. Масалан, Weiss Ratings' Guide нашрининг нархи 250–300 доллар атрофида бўлиши мумкин. Шунда й бўлса-да, тўрт ойдан сўнг нашрнинг янги сони чиққунича ундаги маълумотлар эскириб улгуради ва янгисини харид қилиш учун зарурият пайдо бўлади.

### Тиббиёт, юридик ва бизнес соҳасидаги манбалар орқали жавоб берилувчи саволлар

Мазкур соҳаларга алоқадор саволларнинг аҳамияти шундан иборатки, кутубхоначи уларга жавоб қайтаришда масъулиятдан қочиш эмас, балки уларга жавоб қайтаришда учраши мумкин бўлган чекловчи жиҳатларни инобатга олган ҳолда ҳаракат қилиши даркор.

**Савол:** Бугун мени қабул қилувчи шифокор Маунт Банк фаолиятига оид тавсифномаларни қаердан топишим мумкин?

**Жавоб:** Мен сизга унинг диплом ва лицензиялари кўрсатилган таржимаи ҳолини ҳамда шифокорларни рўйхатга олувчи ташкилотга топширган иш фаолияти ҳақидаги маълумотларини топиб беришим мумкин.

**Савол:** Мен уйимни таъмирлаган устани виждонсизлик билан бажарган иши учун судга бермоқчиман. Унинг айтишича, қурилиш сифати-

нинг пастлиги маъсулиятси злик оқибатида келиб чиққан эмиш. Мазкур икки тушунча ўртасида нима фарқ бор ва уста ўз виждонсизлиги учун жазосиз қоладими?

**Жавоб:** *West's Encyclopedia of American Law* энциклопедиясида мазкур икки тушунча ўртасидаги фарқ тушунтириб берилган. Лекин барибир сизнинг иш доирасидаги ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун профессионал адвокатга мурожаат қилишингизни тавсия қиламан.

**Савол:** АҚШдаги энг йирик бешта иш берувчилар кимлар ва уларнинг молиявий аҳволи қандай?

**Жавоб:** *Hoover's Handbook of Private Companies, 2008* (Гувернинг хусусий компаниялар бўйича маълумотномаси, 2008) нашри маълумотларига кўра, АҚШдаги энг йирик бешта иш берувчилар, бу — АҚШ почта хизмати, Burger King, Express Personnel, Carlson ва Blue Cross компаниялари. Уларнинг молиявий аҳволини мазкур ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари, йиллик даромади, тузилмаси ва маълумотномада кўрсатиб ўтилган бошқа кўрсаткичлар орқали билиб олиш мумкин.

**Савол:** «Коумадин» дорисига қарши кўрсатмалар борми?

**Жавоб:** Аниқ маълумот олиш учун *Physician's Desk Reference* нашрининг охириг сонини кўздан кечирингизни маслаҳат бераман. Шундан сўнг албатта ўз шифокорингиз билан яна бир бор маслаҳатлашинг.

**Савол:** Менга шахсий адвокатим бо бомнинг уйини мерос сифатида қабул қилиш им «damonsa hereditas» мумкинлиги ҳақида хабар қолдирибди. Бу яхшими ёки ёмон?

**Жавоб:** Ёмон! «Black's Law Dictionary» луғатида айтилишича, бу ибора «ташвишли мерос» маъносини англатади. Шунинг учун мазкур меросни қабул қилиб олиш билан боғлиқ сарф-харажатларни яна бир бор текшириб кўришингиз лозим.

Мазкур соҳаларга алоқадор саволларга жавоб бериш жараёнида нимага жавоб бериш мумкин, нимага мумкин эмаслигини аниқ чегаралаб олган маъқул. Қуйида айтиб ўтилган тиббиёт, юридик ва бизнес соҳаларига алоқадор манбаларни билиш фойдаланувчининг саволи билан тўқнаш келган ҳолатда аниқликни таъминлашга хизмат қилади.

## Маълумот бериш соҳасида фойдаланилувчи тиббиётга оид асосий манбалар

Ҳозирги жадаллик билан ривожланаётган жўшқин турмуш тарзида оилавий шифокорлар хонадонларни кезиб юрганини тасаввур қилиш қийин. Яхшими-ёмонми, лекин айтилган тиббиёт соҳасида ҳам истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шу даража ривожланиб кетганки, энди касал бўлган одам биргина оилавий шифокорга ишониб қолиши эскилик қаърига чў-

киб бўлганлигини англатади. Ана шундай бир шароитда тиббиётга оид ахборотга бўлган талаб ва таклиф ўзининг юқори чўққисига кўтарилди, десак хато қилмаган бўламиз. Шу боис кутубхоначининг мазкур соҳадаги маълумотларни саралашни фойдаланувчи эътиборига уларнинг энг ишончлиларини ҳавола этишда муҳим аҳамият касб этади.

## Тиббий луғатлар

Инсон тана аъзоларининг вазифалари, ундаги хасталикларни изоҳловчи ибора ва атамалар ҳозирги кунга келиб шунчалик кўпайганки, улар мустақил бир тилни ташкил этади, десак муболаға бўлмайди. Уни тушуниш учун махсус луғатлардан фойдаланиш лозимлиги кундай равшан. Гап контексти тиббиёт соҳасига алоқадор бўлган тақдирда, фойдаланувчи бир қарашда тушунман деб ўйлаган сўзнинг маъносини махсус луғатдан текшириб олган маъқул.

- «Стедманнинг тиббий луғати» (*Stedman's Medical Dictionary*) узоқ йиллардан буён оддий фойдаланувчига тиббиёт соҳасини тушунишда ёрдам бериб келаётган асосий манбалардан биридир. 107 мингдан зиёд сўз, турли сурат ва тасвирларни ўз ичига олган мазкур нашр билан ҳам профессионаллар, ҳам тиббиёт соҳасига алоқаси бўлмаган одамлар томонидан фойдаланилади. Луғат фойдаланиш учун жуда осон бўлиб, унинг дизайни, синоним сўзларнинг кўк ранг билан белгилангани, суратларга берилган шарҳлар, деталлашган каталог кўрсаткичи — буларнинг бари луғатни жуда қимматли манбага айлантира олган. Унинг бепул онлайн кўриниши [www.stedmans.com](http://www.stedmans.com) сайтида жойлашган. Нашрнинг CD-ROM кўриниши эса сўзларни бўғинлаб текшириш тизими, турли видео, аудио ва анимацион материаллар, рангли суратлар, излаш тарихини сақлаб қолиш каби хусусиятларга эга. Луғат PDA мосламалар форматида ҳам mavjud.
- Илк бора 1898 йилда чўнтак луғати кўринишида чоп этилган «Дорланднинг иллюстрацияли тиббий луғати» (*Dorland's Illustrated Medical Dictionary*) айни пайтга келиб 120 мингдан ортиқ сўз ва 1100 дан зиёд суратдан иборат. Ундаги расм ва тасвирларнинг кўриниш сифати шу қадар юқорики, мутахассислар уни ўз фаолияти учун бебаҳо манба деб билади. Луғатнинг охириги таҳриридаги графика тасвирлари рангли кўринишда берилгани унинг аҳамиятини янада оширди. Бундан ташқари, луғатга 800 та муқобил тиббий атаманинг қўшилгани ҳам мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда. Рангли рамкалар, мураккаб маълумотларни жадвал ичига олиш, тиббиёт атамаларининг ўқилишини осонлаштириш учун уларни тўқ қизил рангда бериш луғатнинг оммабоплигини оширишга ҳисса қўшувчи омиллардан бири саналади. Луғатнинг CD-ROM кўриниши бор бўлиб, ундан [www.dorlands.com](http://www.dorlands.com) манзилида бепул фойдаланиш мумкин.
- «Меллонининг иллюстрацияли тиббий луғати» (*Melloni's Illustrated Medical Dictionary*) гарчи бироз эскирган бўлса-да, 30 мингта сўз ва 3 мингта суратни ўз ичига олган бу нашр тиббиёт фанини ўрганаётган талабалар орасида ҳали ҳам оммабоп манба ҳисобланади. Луғат саҳифаларининг учдан икки қисми суратлар изоҳига бағишланган бўлиб, у бошланғич курс талабалари, ҳамширалар, турдош касблар вакиллари ва тиббиёт соҳасига қизиқувчилар учун мўлжалланган.

## Тиббиёт энциклопедиялари

Бир қатор компаниялар, жумладан, Thompson Gale, Omnigraphics ҳамда Facts on File чоп этган саломатлик мавзусига бағишланган тўпламлар кенг қўламли, ишончли ва фойдаланиш учун осон манба сифатида тан олинган.

### Умумий мазмундаги энциклопедиялар

- «Гейлнинг тиббиёт энциклопедияси» (*Gale Encyclopedia of Medicine*) ҳамда «Гейлнинг муқобил тиббиёт энциклопедияси» (*Gale Encyclopedia of Alternative Medicine*) умумий мазмундаги ишончли лугатлар сирасига кириб, улар ҳам босма, ҳам электрон китоб шаклида мавжуд. Беш жилдли «Гейлнинг тиббиёт энциклопедияси» инсон касалликлари, турли синдромлар, дорилар ва даволаш усуллари ҳақидаги маълумотларни қамраб олиб, илк бор 1999 йилда чоп этилганди. 2006 йилда нашр қилинган учинчи таҳрирдаги манбада ҳам маълумотлар алифбо тартибда берилган бўлиб, улар касалликларнинг кенг қўламини, хусусан, касалликлар сабаблари, белгилари, ташхислаш, даволаш ва касалликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни жамлаган. Ахборот тузилмаси стандартлаштирилган кўринишга эга бўлиб, нотаниш мавзулар бўйича ахборот қидириш нисбатан осон. Кўпчилик маълумотлар график тасвирлар билан тўлдирилган бўлиб, деталлашган каталог кўрсаткичи ҳам китобдан фойдаланишни осонлаштиради.
- АҚШдаги катта ёшдаги аҳолининг учдан бир қисмидан кўпроғи муқобил тиббиёт усулларида фойдаланиши тўғрисидаги статистика маълумотларини эътиборга оладиган бўлсак, тўрт жилдли «Гейлнинг муқобил тиббиёт энциклопедияси» ҳам ушбу соҳадаги маълумот манбаларининг муҳим бир қисми эканига ишонч ҳосил қиламиз. Нашрга муқобил тиббиётнинг қирқта йўналиши тўғрисидаги маълумотлар киритилган бўлиб, ахборот жуда холис сараланган. Бундан ташқари, босма манбалар ҳамда муайян турдаги муқобил тиббиёт йўналишлари бўйича фаолият юритувчи муассасаларнинг рўйхати ҳам нашрдан жой олган. Тиббиёт мақсадларида ишлатилувчи ўсимликларнинг рангли тасвирлари ҳам уларни фарқлашда жуда катта фойда беради. Ҳар бир доривор ўсимлик ёки даволаш услубининг зарари ҳақидаги маълумотлар ҳам айтиб ўтилган.
- Ҳаттич икки жилддан иборат «Тирик табиат ҳақидаги фанлар энциклопедияси» (*Encyclopedia of the Life Sciences*) ичига 4300дан зиёд мақола кирган бўлиб, у ҳам талабалар, ҳам мутахассислар учун анча фойдали манба ҳисобланади. Рангли суратлар, синонимлар ва қисқартмалар лугатлари, манбадан фойдаланишни сезиларли даражада осонлаштиради. Энциклопедиянинг онлайн кўринишидан [www.els.net](http://www.els.net) манзилида обуна асосида фойдаланиш мумкин.

### Ихтисослашган энциклопедиялар

- «Гейлнинг болалар саломатлиги энциклопедияси» (*Gale's Encyclopedia of Children's Health*) тўрт жилддан иборат нашр бўлиб, унда асосан тўрт ёшдан кичик бўлган болалар орасида учрайдиган хасталиклар тўғрисидаги

маълумотлар тўпланган. Шу билан бир қаторда энциклопедиядан боланинг ривожланиши, эмлаш ва дори ларни қўллаш масалалари ҳам ўрин олган. Нашр электрон китоб кўринишида ҳам мавжуд бўлиб, уни Gale компаниясининг виртуал кутубхонасидан топиш мумкин. «Гейлнинг жарроҳлик ва тиббиёт таҳлиллари энциклопедияси» (*Gale Encyclopedia of Surgery and Medical Tests*) нашри 450та жарроҳлик жараёни ҳақидаги маълумотларни қамраб олган. Ахборот ҳар бир жарроҳлик жараёнидан олдин қилинувчи ташхис қўйиш жараёнининг изоҳи билан бойитилган бўлиб, жарроҳликдан кейин касалга қараш тартиби ҳам айтиб ўтилган. Касалланиш ва касал туфайли оламдан кўз юмиш кўрсаткичлари ҳамда муқобил усуллар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўқувчилар диққатига ҳавола этилган. Энциклопедия касаллар ва уларга ғамхўрлик қилувчилар учун мўлжалланган бўлиб, ундан, шунингдек, шифокорлардан сўраш лозим бўлган саволлар, касалхонага қабул қилиш жараёни ва жарроҳлик олди жараёнлари, касалларни қўллаб-қувватловчи ташкилотлар рўйхати ва мавзу бўйича адабиётлар рўйхати жой олган. Нашр, шунингдек, электрон китоб кўринишида ҳам мавжуд.

- «Терапевтнинг стол китоби» (Physician's Desk Reference — PDR) ҳам 3 мингдан зиёд номдаги дори-дармон препаратлари ҳақидаги ишончли ва ҳурматга сазовор маълумот манбаи ҳисобланади. Бу китоб барча тиббиёт соҳасидаги тўпламларда бўлиши шарт. Дориларни ишлаб чиқарувчи компания, унинг маҳсулот ёки дженерик (муқобил) номи ва категорияси асосида излаш мумкин. Фойдаланиш тўғрисидаги маълумот огоҳлантиришлар, доза миқдори, дозани ошириб юбориш хавфи, истеъмолга қарши кўрсаткичлар ва ҳомиладорлик пайтида фойдаланиш юзасидан маслаҳатларни ўз ичига олади. Нашрнинг босма кўриниши ҳар йили чоп этилиб, ойлик равишда янгилаб борилади. Китобга 1800 дан зиёд номдаги дорининг суратлари ҳам киритилган. Нашрнинг бепул онлайн кўриниши [www.pdrhealth.com](http://www.pdrhealth.com) манзилида жойлашган бўлиб, веб-сайтга доривор ўсимликлар, рецетпсиз сотилувчи дорилар ва витаминли қўшимчалар ҳақидаги маълумотлар ҳам жойлаштирилган.
- [www.rxlist.com](http://www.rxlist.com) манзилида эса дориларнинг каталог кўрсаткичи жойлаштирилган бўлиб, у тўлиқ ва ишончли манба сифатида тан олинган. 1995 йилда фармацевтлар гуруҳи томонидан яратилган сайт ҳам бренд, ҳам дженерик номдаги дори номларини қамраб олади. «Ҳабдори аниқлагич» (Pill identifier) каби қўшимча имкониятлар ҳабдори (таблетка)нинг номини унинг ранги, шакли ёки махсус коди бўйича аниқлаб бериш имкониятига эга.
- Икки жилддан иборат бўлган «Гейлнинг ақлий саломатлик энциклопедияси» (*Gale Encyclopedia of Mental Health*) кейинги бўлимда айтиб ўтилган DMV-IV-TR қўлланмасида кўрсатиб ўтилган касалликлар ҳақидаги маълумотларни қамраб олади. Бундан ташқари, нашрдан даволашнинг турли усуллари ва дорилар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрин олган. Ҳар бир маълумот стандарт кўринишда берилган бўлиб, унга, жумладан, аталарнинг маънолари, касаллик сабаблари, ташхис қўйиш, касалликнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ва қўшимча манбалар ҳақидаги ахборот киритилган. Китобнинг ёзилиш услуби анча жўн; маълумотлар, суратлар, график тасвирлар ва шу каби қўшимча ахборот билан тўлдирилган. Ҳар бир изоҳдаги асосий тушунча рамка ичида ажратиб кўрсатилган бўлиб, мураккаб мавзуларни тушунишга ёрдам беради.

## Қўлланма ва йўриқномалар

- «*Меркнинг таъхис ва даволаш бўйича қўлланмаси*» (*Merck Manual for Diagnosis and Therapy*) асари 1898 йилдан буён шифокорларнинг ишончли дўсти сифатида ҳамроҳлик қилиб келмоқда. Китобнинг мутахассис бўлмаганлар учун мўлжалланган кўриниши 1997 йили чоп этилган бўлиб, «*Меркнинг уй шароитида даволаниш қўлланмаси*» (*The Merck Manual Home Health Handbook*) деб номланади. Оддий ва тушунарли тилда ёзилган китоб қатор касалликлар бўйича чуқур ва деталлашган маълумот бериб, у график тасвирлар билан тўлдирилган. Китоб қулай излаш тизими билан таъминланган бўлиб, фойдаланувчи ўзига керак маълумотларни ҳам мундарижадан, ҳам касалликларнинг каталог кўрсаткичидан билиб олиши мумкин. «Жаҳон ҳамжамиятига беминнат хизмат» сифатида тақдим этилувчи мазкур китобдан [www.merck.com](http://www.merck.com) манзилида бепул равишда фойдаланиш мумкин. Сайт ҳам анча қулай маълумот излаш тизими билан таъминланган бўлиб, ахборот керакли сўз, алифбо тартибидаги каталог кўрсаткич ёки касаллик тури асосида қидирилиши мумкин. Сайtdан, шунингдек, керакли ҳавола ва диаграмма тасвирлари ҳам ўрин олган.
- Асосан таъхислаш воситаси сифатида нашр этилган DSM-IV-TR (*Ақлий касалликларни таъхислаш ва статистик ҳисобини юритиш қўлланмаси*) АҚШ Психиатрия уюшмаси томонидан нашр этилган. У ўзининг психиатрик касалликлар соҳасидаги кенг қамрови ҳамда барча ақлий касалликларнинг рўйхатини ўз ичига олгани билан тиббиёт кутубхоналарида муносиб ўрин эгаллаган. Китоб мутахассислар учун мўлжалланган бўлиб, унинг мазмунини оддий одам тушуниши анча мушкул. Китоб [www.psychiatryonline.com/DSMPDF/dsm-ii.pdf](http://www.psychiatryonline.com/DSMPDF/dsm-ii.pdf) манзилида жойлаштирилган бўлиб, ундан бепул фойдаланиш имконияти мавжуд.

## Тиббиёт соҳасидаги каталог кўрсаткичлари

Муайян шифокор ёки касалхонанинг манзилини аниқлаш, бирор соҳага ихтисослашган шифокор ёки тиббий марказлар рўйхатларини топиш, доктор ёки касалхоналарни саралаш — фойдаланувчилар томонидан кўп берилувчи саволлар тоифасига қиради. Тиббиёт соҳасидаги каталог кўрсаткичлари айнан мана шу турдаги саволларга жавоб топишга ёрдам беради.

- Уч жилддан иборат *Official ABMS Directory of Board Certified Medical Specialists* йилномаси АҚШ ва Канадада фаолият юритувчи 695 мингдан зиёд шифокорнинг таржимаи ҳолини ўз ичига олган. Мутахассисларнинг йилномага киритилиши эркин бўлиб, унга бу мамлакатлардаги барча шифокорлар кирмагани табиий. Йилнома керакли шифокорни унинг мутахассислиги ва географик жойлашуви бўйича излаш имкониятини беради. Йилнома орқали муайян мутахассиснинг малакаси, у аъзо бўлган профессионал ташкилот ва уюшмалар, шифокорнинг дипломлари ва ҳоказо маълумотларни топиш имкони бор. Нашрнинг босма кўринишида ҳамкор веб-сайтдан фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб ўтилган. Йилноманинг CD-ROM кўриниши йилда икки мартаба янгиланиб, *ABMS Medical Specialists PLUS* деб номланади. Йилноманинг маълумот базаси [www.boardcertifieddocs.com](http://www.boardcertifieddocs.com)

манзилида жойлашиб, кундалик равишда янгиланади. [www.abms.org/login.asp](http://www.abms.org/login.asp) манзилидан йилномада рўйхатдан ўтган шифокорларни излаш имконияти бор бўлиб, бунинг учун фойдаланувчи махсус анкетани тўлдириши талаб этилади. Шифокорлар ҳақидаги маълумотни, шунингдек, 1-866-ASK-ABMS бепул телефон рақами орқали ҳам олиш мумкин.

- «Американинг етакчи шифокорлари» (America's top doctors) деб ном олган маълумотнома ҳам мамлакатдаги шифокорларни топишга ёрдам берувчи анча оммабоп манба ҳисобланади. Нашрга 230 мингдан зиёд шифокорнинг номи киритилган бўлиб, уларнинг 6 мингтаси ҳамкасблар томонидан тавсия этилади. Шу орқали фойдаланувчи мамлакатдаги энг етакчи шифокорлар ҳақидаги маълумотни олиш имкониятига эга бўлади. Китобдаги маълумотлар 25 та мутахассислик ва 90 та тор доирадаги мутахассислик асосида сараланган. Нашрдаги маълумотларни, шунингдек, интернет тармоғида тўлов асосида [www.castleconnolly.com](http://www.castleconnolly.com) манзилидан ҳам топиш мумкин.
- <http://webapps.ama-assn.org/doctorfinder/home.jsp> манзилидан эса бепул равишда 814 мингдан зиёд тўлиқ лицензияга эга бўлган шифокор ҳақидаги маълумотларни олиш иложи бор. Сайт Америка тиббиёт уюшмаси томонидан яратилган бўлиб, тўлиқ лицензияга эга бўлмаган мутахассислар босма кўринишдаги «*AҚШдаги терапевтлар маълумотномаси*» (*Directory of Physicians in the United States*) нашрида кўрсатиб ўтилган. Мазкур манбага ординатор-шифокорлар, тадқиқотчилар, ўқитувчилар, бошқарувчилар ва нафақага чиққан шифокорлар ҳақидаги маълумотлар киритилган.
- 2000 йилдан буён янгиланмаган «20125 нафар шубҳали шифокорлар: штат ва федерал ҳокимиятни томонидан жазоланган докторлар» (*20,125 Questionable Doctors: Disciplined by State and Federal Governments*) нашри ҳам беқийс аҳамият касб этиб, тўрт жылдан иборат китобга турли жазога тортилган 34 минг нафардан кўпроқ шифокорнинг исми ва улар томонидан йўл қўйилган қонунбузарлик тури кўрсатиб ўтилган. Китобга киритилган мутахассисларнинг аксарияти ўз фаолиятини давом эттираётганини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур манба муайян шифокор ҳақида маълумот қидираётган фойдаланувчилар учун жуда қўл келишини айтиб ўтиш жоиз. [www.citizen.org/hrq](http://www.citizen.org/hrq) гуруҳи томонидан яратилган манба соғлиқни сақлаш тизимидаги масъулият ва аниқликни таъминлашга ҳисса қўшади.
- *DIRILINE* соғлиқни сақлаш ва биотиббий ташкилотларнинг кенг қўламли маълумотномаси бўлиб, унинг интернет тармоғидаги манзили — <http://diriline.nlm.nih.gov>. Манбага 8 мингдан зиёд турли агентлик, маълумот марказлари, профессионал ташкилотлар, тадқиқот институтлари ҳақидаги маълумотлар, жумладан, мақсади, тарихи, бюджети ва манзили киритилган. Сайтдаги маълумот керакли сўз, касаллик номи ёки белгилари бўйича қидирилиши мумкин.

## Тиббиёт соҳасидаги маълумот базалари ва каталоглар

- PubMed соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг кенг қамровли ва бепул асосда фойдаланиш мумкин бўлган библиографик маълумот базасидир. Унга 18 миллионга цитатани ўзида бирлаштирган MEDLINE Миллий тиббиёт кутубхонаси, OLD MEDLINE кутубхонаси ҳамда тирик табиат соҳасидаги



фанларга оид манбалар киритилган. Манба фақат Шимолий Америкада чоп этилувчи журналлар билан чекланиб қолмайди. Гарчи, маълумот базасида тўлиқ матнли манбалар йўқ бўлса-да, ундаги Link Out хизмати тўлиқ матнли мақолаларга бўлган ҳаволаларни топиш имконини беради. Шу ўринда айтиш жоизки, топилган тўлиқ матнли мақолаларнинг аксарияти пулли бўлиб, уларни EBSCO ёки OVID каби компаниялар орқали харид қилишингиз мумкин. [www.pubmed.gov](http://www.pubmed.gov) манзилида жойлашган маълумот базаси Милий тиббиёт институтлари томонидан тан олинган ва тадқиқочилар учун каталог кўрсаткичи сифатида жуда фойдали.

- EMBASE биотиббиёт ва фармакология соҳаларидаги тўлиқ библиографик маълумот базаси бўлиб, [www.embase.com](http://www.embase.com) манзилида жойлашган. Унга 1947 йилдан буён тўпланган 19 миллион дана ёзма қайд кирган бўлиб, йилига кўрсаткич 600 мингтагача кўпаяди. Манбага биотиббиётга оид 1800 та журнал ҳам кирган бўлиб, у Европа мамлакатларида амалга оширилаётган дори синовлари ҳақида маълумот олиш учун ниҳоятда қулай манба ҳисобланади.
- Gale Cengage Learning компанияси ҳам муайян тиббиёт соҳасига оид бир қатор маълумот базалари, тиббий журналлар каталоглари ва шу турдаги манбаларни яратган. Уларнинг энг диққатга сазоворлари — *Health Reference Center Academic* ва *Health and Wellness Resource Center* маълумот базаларидир. Мазмун жиҳатидан бир-бирига ўхшаб кетувчи бу икки манба фойдаланиш учун жуда қулай бўлиб, иккаласи ҳам тўлиқ матнли мақолаларни қамраб олган. Уларнинг каталоглари китоблардаги мақолалар, шарҳлар, памфлетлар ва журналларни жамлаган. *Academic* маълумот базаси мақолаларни таржима қилиб берувчи восита билан таъминланган.
- EBSCO компаниясининг ахборот хизматлари [www.ebsco.com](http://www.ebsco.com) манзилида жойлашиб, бир қатор библиографик ва тўлиқ матнли маълумот базаларини ўз ичига олган. Уларнинг орасида «Саломатлик манбаи» (*Health Source*) ҳамда CINAHL деб номланган манбалар ўзининг кенг қўламлиги ва излаш тизимларининг қулайлиги билан диққатга сазовор. «Саломатлик манбаи, 2» истеъмолчи ва олимлар учун мўлжалланган кўринишда чоп этилиб, унга тиббиёт соҳасидаги даврий нашрлар, маълумотномалар, памфлетлар, беморлар учун фойдали ахборотномалар кирган. Манбадан тўлиқ матнли хужжатлар, кўчирма ва каталог кўрсаткичлари жой олган бўлиб, фойдаланувчига чуқурроқ мазмундаги маълумотни топишга ёрдам берадиган ҳаволалар таклиф этилади. CINAHL бироз ихтисослашган бўлиб, беморларга қараш ва турдош касбларга алоқадор масалалар бўйича энг кенг миқёсдаги каталог кўрсаткичини ҳам ўз ичига қамраб олган. CINAHL Full Text манбанинг кенгайтирилган кўриниши бўлиб, унга тўлиқ матнли мақолалар киритилган. Манбага беморларга қараш ва ҳамширалик соҳасига бағишланган 3 мингга яқин номдаги журнал киритилган. Бундан ташқари, ундан турли хилдаги илмий ишлар, конференциялар баёни, касбий стандартлар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Ҳаммаси бўлиб, маълумот базасига 2 миллиондан ортиқ қайд киритилган бўлиб, уларнинг баъзилари 1980 йиллардан бошланган. Манба мутахассислар учун мўлжалланган 600 номдаги журналнинг тўлиқ матнли кўринишини ҳам таклиф қилиб, уларда беморлар билан боғлиқ юридик ишлар, клиник синовлар ҳақидаги маълумотлар берилган.

- Маълумот коллекциялари учун обуна асосида тарқатилувчи Dialog маълумот базаси яхши манба бўлиб, унга тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги маълумот базалари, биотиббиёт ва фармацевтика соҳаларидаги адабиётга алоқадор бўлган 121 миллиондан зиёд турли қайдлар ўрин олган. Манбага тиббиёт соҳаси учун грант ажратувчи 10 мингта энг йирик фонд ва жамғарма рўй хати ҳам киритилган.

## Соғлиқ ҳақида маълумот беришга ихтисослашган веб-сайтлар

Тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлардан хабардорлик даражасининг ошиб бориши, аввало, интернет тармоғининг ривожини билан боғлиқ бўлиб, айнан интернет бу соҳада кечаётган жадал ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларни тез ва глобал миқёсда тарқатиш имкониятига эга. Саломатлик соҳасидаги саволларга самарали ва тўлиқ жавоб бера олиш учун кутубхоначи ўз компьютерида 5–10 та керакли веб-сайтни белгилаб қўйиши маслаҳат берилади.

- Миллий тиббиёт кутубхонаси медицина соҳасига бағишланган дунёдаги энг йирик кутубхоналардан биридир. 1998 йилда кутубхонанинг <http://medlineplus.gov> манзилида жойлашган веб-сайти ярагилган бўлиб, айни пайтда у 800та мавзу бўйича манбаларни қамраб олган. Уларнинг 700 таси испан тилида бўлиб, шунингдек, сайтдан тиббиёт соҳасига бағишланган 18 мингта нуфузли ҳавола ҳам жой олган. Шубилан бирга мазкур сайт дорилар, клиник синовлар, касалхоналар ва шифокорлар ҳақида маълумот олиш борасида ҳам қулай манба ҳисобланади. Ундаги маълумот кундалик тарзда янгиланиб, ҳам давлат, ҳам нодавлат ташкилотлар томонидан берилади. Манбадан тиббий луғат ҳамда энциклопедия жой олган.
- Юқоридаги сайт саломатлик соҳасига алоқадор умумий маълумотларни берган бир пайтда, [www.cancer.gov](http://www.cancer.gov) ҳамда [www.cancer.org](http://www.cancer.org) каби сайтлар ихтисослашган маълумотларни тақдим этиб, улардан муайян касалликлар тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ ва ўз пайтида олиш мумкин. Миллий саратон касалликлари институти ва Америка саратон касалликлари уюшмаси томонидан яратилган мазкур икки сайт тушунарли тилда ёзилган бўлиб, саратон касалликлари ва уларнинг турли жиҳатлари тўғрисида тўлиқ маълумот бериш учун мўлжалланган.
- [www.drugdigest.org](http://www.drugdigest.org) сайти дорилар ҳақидаги маълумотларни қамраб олувчи диққатга сазовор манбалардан биридир. Сайт фойдаланувчиси дориларнинг ўзаро таъсири ҳақидаги маълумотларни ҳам олиши мумкин бўлиб, у орқали бир касаллик учун дори қабул қилаётган бемор бошқа бир дорини қабул қилиши мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисида билиб олиши мумкин. Сайтдан жой олган 6 мингдан зиёд номдаги ҳабдорининг сураги беморларга зарур дориларни аниқлаб олиш имконини беради. Сайтдан бепул равишда фойдаланиш мумкин бўлиб, унга «Клиник фармакология» (*Clinical Pharmacology*) деб номланувчи маълумот базасидаги ахборот ҳам киритилган.
- <http://news.bbc.co.uk/1/hi/health/> манзили ҳам тиббиёт соҳасидаги янгиликларни билиб олиш учун яхши манба бўлиб, ахборотнинг асосий қисми Буюк Британияда рўй бераётган воқеаларга бағишланган. «Би-Би-Си» корпорацияси веб-сайтининг «Саломатлик» (Health) деб номланган бўлимида энг охириги тиббиёт хабарлари ҳамда архив материаллари билан танишиш мум-

кин. Миллий саломатлик кутубхонасининг веб-сайти [www.library.nhs.uk](http://www.library.nhs.uk) манзилида жойлашган бўлиб, унда тиббиёт соҳасига оид янгиликлар, махсус кутубхоналар сайтларига ҳаволалар ва Буюк Британия ҳудудида тиббий хизматлар кўрсатувчи муассасалар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар бериб борилади.

- «*Британия тиббий журнали*» (*British Medical Journal*) анча оммабоп ва нуфузли сайт бўлиб, [www.bmj.com](http://www.bmj.com) манзилида жойлашган. Унинг фойдаланувчилари сони ойига 1,5 миллион нафардан ошиб, 2008 йилда у мамлакатдаги «Энг диққатга сазовор тиббиёт нашри» деб тан олган. *The Lancet* журналі ҳам тиббиёт соҳасидаги машҳур манбалардан бири бўлиб, илмий-оммабоп мақолаларни чоп этиши билан ўқувчилар меҳрини қозонган.

## Саломатлик соҳасидаги статистика маълумотлари

Саломатлик соҳасидаги статистика маълумотлари миллий марказининг интернетдаги манзили [www.cdc.gov/nchs](http://www.cdc.gov/nchs) бўлиб, у мазкур соҳадаги асосий манба ҳисобланади. Тугилиш, оламдан ўтиш, касаллик тарихи, турли кузатувлар, синовлар, интервьюлар, текширишлар натижалари фойдаланувчига мамлакат аҳолисининг саломатлиги билан боғлиқ муаммолар ҳақида тасаввур уйғотиш имконини беради. Сайт анча қулай маълумот излаш тизимига эга бўлиб, ҳар бир маълумот ичида қўшимча маълумотларга ҳаволалар берилган; улар кенгроқ қўламли ахборот изловчиларнинг эҳтиёжини қондириш учун мўлжалланган. Сайтдан бошқа манбалардан топиб бўлмайдиган маълумотлар, жумладан, АҚШдаги сил касаллигига дучор бўлганлар сони (11,545 киши, 2009 й. маълумоти) ёки суғурта полисига эга бўлмаганлар сони (43 миллион киши, 2007 й. маълумоти) кабиларни топиш мумкин.

## Маълумот бериш ишида фойдаланилувчи асосий юридик ахборот манбалари

2003 йил 2 январда Калифорния графлиги юридик кутубхоналар кенгаши ўз веб-сайтининг ҳар бир саҳифасига кунига 24 соат давомида маълумот бериш хизматини жорий қилди. Бунинг натижасида юридик мазмундаги саволлар сони ойига ўртача 100 тадан 2045 тагача кўтарилди. АҚШ давлати судлашишни яхши кўрадиган жамият экани илгаридан барчага маълум. Лекин бу соҳадаги саволлар сонининг кескин ўсиши ўзига хос қутилмаган ҳолат бўлди. Адвокатлар хизмат ҳақининг ниҳоят даражада баландлиги ва интернет тармогидаги ҳуқуқий ахборот ҳажмининг ортиб бориши оддий одамларни юридик масалалар билан шугулланишга, оқибатда, кутубхоначиларга йўналтирилувчи саволлар сонининг тобора ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Шуни ҳисобга оладиган бўлсак, замонавий кутубхоначи ўз ихтиёрида керакли босма материаллар ҳамда онлайн манбаларининг тўпламига эга бўлиши ўта муҳим аҳамият касб этади. Юридик атамаларнинг маъносини чақиш учун луғат ва ҳуқуқий мавзуларни очиб беришга юридик энциклопедия талаб қилинса, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда кутубхона ихтисослашган манбалар, жумладан, турли каталоглар ва ахборотномаларни харид қилиш зарурлигини кўриб чиқиши лозим бўлади.

## Юридик луғатлар

- Муҳимликда беқиёс бўлган «*Блэкиннг юридик луғати*» (*Black's Law Dictionary*) илк бор 1891 йилда chop этилган. Ҳозирги кунда унинг 11-таҳрирдаги наشري дунё юзини кўрган. Инглиз ҳуқуқшуноси Генри Кемпбелл Блэк томонидан яратилган луғат АКШдаги энг кенг фойдаланилувчи ҳуқуқий манба бўлиб, унга 45 мингдан зиёд атама киритилган. Қайдларнинг кўпчилигида атама қайси иш доирасида ишлатилгани айтиб ўтилиб, зарур бўлганда фойдаланувчи қўшимча изланишларни амалга ошириши мумкин. Луғатнинг охирги наشريда 4 мингдан зиёд юридик қисқартма луғати ҳам берилган бўлиб, 5300 дан зиёд атама ва сўзларнинг талаффузи, синонимлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Айни пайтда луғатнинг чўнтак, қисқартирилган ва совға учун мўлжалланган кўринишлари мавжуд. Луғатнинг электрон кўриниши ҳам мавжуд бўлиб, у сўз билан ишловчи дастурий маҳсулотлар ҳамда веб-браузерлар билан интеграциялаштирилиши мумкин. Унинг iPhone, iPad ва iPod учун мўлжалланган кўринишлари мавжуд. «Андроид» ва «Блэкберри» ускуналари учун мўлжалланган кўринишларни яратиш устида иш олиб борилмоқда.
- Ўз ичига 5 мингдан зиёд юридик атаманинг 10 мингдан зиёд маъносини жамлаган «*Балентиннинг юридик луғати*» (*Ballentine's Law Dictionary*) Блэкиннг луғатига ўзига хос муқобил бўлиб келмоқда. Бу луғатга ҳам атама қайси иш доирасида фойдаланилгани ҳақидаги маълумотлар киритилган бўлиб, фойдаланувчи қўшимча гадқиқотларни ўтказиши учун керакли имконият яратилган. Манбада атамаларнинг талаффузи билан бир қаторда кўплаб эски саксония, француз, лотин тилидаги ибора ва атамаларнинг маъноси айтиб ўтилган. «*Балентиннинг юридик ва синонимлар луғати*»да (*Ballentine's Law Dictionary and Thesaurus*) юридик изланишлар учун мўлжалланган синонимлар луғати берилган бўлиб, бу ҳар бир атаманинг маъносини чуқурроқ тушуниш имконини беради.
- Онлайн шаклда мавжуд бўлган бепул луғатлар ҳам керакли сўзларнинг маъносини аниқлаб олишда қўл келади. Жумладан, «*Мерриэм-Вэбстернинг юридик луғати*» (*Merriam-Webster's Dictionary of Law*)ни <http://dictionary.lp.findlaw.com> манзили орқали топиш мумкин. <http://dictionary.law.com> манзили бўйича жойлашган юридик луғатдаги маълумотларни юридик атама, алифбо ёки сўз маъноси асосида қидириш мумкин. [www.constitution.org/bouv/bouvier.htm](http://www.constitution.org/bouv/bouvier.htm) манзили орқали эса, юридик атамаларнинг тарихий луғатини топиш мумкин.

## Юридик энциклопедиялар ва йилномалар

- *Вестнинг Америка қонунчилиги энциклопедияси* (*West's Encyclopedia of American Law — WEAL*) ўн уч жилдли энциклопедия бўлиб, унга 5 мингдан зиёд юридик масала, атамалар, кўрилган ишлар, статутлар, ҳужжатлар, масалалар, формалар ва 600 дан зиёд биография киритилган. Нашр оддий, ўқувчи бемалол тушуна оладиган тилда ёзилган. Энциклопедияга киритилган график тасвирлар, каталог кўрсаткичлар, вақт шкаллари ва турли рамкалар матннинг ўқилишини осонлаштиради. Энциклопедия, шунингдек, электрон китоб кўринишида ҳам мавжуд.

- «Америка қонунчилиги йилномаси» (*American Law Yearbook*) WEAЛга қўшимча кўринишда чоп этилиб, ҳар йили энциклопедиядаги маълумотлар янги-ланлиб, кенгайтириб борилади. Каталог кўрсаткичлар, вақт шкаллари ва суратлар матнни тўлдириб, китобни қабул қилиш жараёнини оsonлаштиради. Ҳар бир нашрга АҚШ Олий судида кўрилган ишлар ва Олий суд даражасида кўрилмаган бошқа ишлар рўйхати бериб борилади. Нашр АҚШ юридик системасидаги энг шов-шувли ишлар ва энг сўнгги янгиликларни ёритиб бориши билан фойдаланувчиларнинг эътиборини қозонган. Йилноманинг электрон китоб кўринишини Gale Virtual Reference Library сайтидан олиш мумкин.

## Юридик маълумотномалар

- 140 йилдан буён чоп этилувчи «*Мартиндейл-Хаббел юридик маълумотномаси*» (*Martindale-Hubbel Law Directory*) юридик фирмалар ва адвокатлар ҳақида маълумот олиш учун энг қулай манба ҳисобланади. Йигирма олти жилддан иборат нашр дунёнинг 160 та давлатида фаолият юритувчи бир миллиондан зиёд юридик фирма ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган. Маълумотлар географик жойлашув бўйича сараланган бўлиб, кичикроқ кутубхоналар нашрнинг барча жилдларини эмас, балки фақат ўз минтақасига алоқадор қисмини харид қилиш имкониятига эга. Кенг қўламли каталог тизими маълумотни ном бўйича излаш имконини ҳам беради. Нашр, шунингдек, икки дискдан иборат CD-ROM кўринишида ҳам мавжуд бўлиб, ундан маълумотларни 27 та мезон бўйича излаш мумкин. Манбадан интернет тармоғи орқали [www.martindale.com](http://www.martindale.com) манзилида фойдаланиш имкони бор. [www.lwyerlocator.co.uk](http://www.lwyerlocator.co.uk) манзилида эса, Буюк Британияда фаолият юритувчи юридик фирма ва адвокатлар ҳақидаги маълумотларни олиш мумкин.
- Маълумотнома юридик касб бўйича ахборотнинг глобал стандарти бўлибгина қолмай, у юристлар учун маркетинг ва фактларни текшириш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Айтиш жоизки, маълумотномага кирмаган фирма ёки адвокат мижозларда шубҳа уйғотиши одатий ҳолга айланган.
- «*Қонун ва юридик ахборот маълумотномаси*» (*Law and Legal Information Directory*) йилномаси бир жилдли, 2 минг саҳифали манба бўлиб, унга 21 мингдан зиёд юридик агентликлар, дастурлар, муассасалар ва хизматлар тўғрисидаги маълумотлар кирган. Ҳар бир қайд қисқа маълумот ва муассасанинг манзили тўғрисида ахборот беради.

## Юридик маълумот базалари ва каталоглари

Обунаасосида фойдаланиш мумкин бўлган Lexis, Weslaw ҳамда LAWCHECK маълумот базалари юридик соҳанинг энг кўп тадқиқ қилинувчи йўналишлари бўйича кенг қўламдаги юридик ахборотни қамраб олган.

- 1973 йилда яратилган Lexis маълумот базаси мазкур соҳадаги тўлиқ матнли ахборотни тақдим қилишни бошлаб берган компаниялардан биридир. Худди LexisNexis маълумот базаси каби у юридик ва ҳукумат ҳужжатлари ҳамда тўлиқ матнли маълумотларнинг энг тўлиқ ва нуфузли манбаи бўлиб келмоқда. Асосий маълумот базасининг турли кўринишлари бор бўлиб, кутубхоналарнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда уларга турли па-

кетдаги маҳсулот таклиф қилиниши мумкин. Манбадан турли суд ишлари, кодекслар, юридик таҳлил, янгиликлар матнлари, турли йўриқнома ва низомлар жой олган. Ундан, шунингдек, каталоглар ҳам жой олиб, улар орасида Н.В. Уилсоннинг «Юридик даврий нашрлар каталоги» (*Index to Legal periodicals*) ҳам бор. Маълумот базаси кенгайтишни давом этиб, 2005 йилда корхоналар интеллектуал ресурсларининг энг йирик сақловчиси бўлган Factiva компаниясининг ([www.factiva.com](http://www.factiva.com)) эксклюзив юридик ахборот етказиб берувчисига айланди. Маълумот базасининг бойлиги, ундан фойдаланиш имкониятларининг кенглиги ҳамда унинг нархи анча баланд эканини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир кутубхона ўзига керакли маҳсулот пакетини танлашдан олдин ўз фойдаланувчиларининг юридик ахборотга бўлган эҳтиёжини батафсил ўрганиши ва шундан кейингина [www.lexisnexis.com](http://www.lexisnexis.com) сайтидан маҳсулотни харид қилиши лозим бўлади.

- Quicklaw LexisNexis маълумот базасининг Канада учун мўлжалланган кўриниши бўлиб, у билан <http://q1.quicklaw.com> сайтида танишиш мумкин. Канада аҳолисининг юридик маълумотга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган манба прецедент ҳуқуқи, суд ва трибунал қарорлари, суд жараёнлари, юридик соҳа янгиликлари ва шарҳлардан иборат маълумотларни ўз ичига олган. Манбадан фойдаланиш пулли. Веб-сайт икки тилда, яъни француз ва инглиз тилларида яратилган.
- LexisNexis UK маълумот базасидан обуна асосида [www.lexisnexis.co.uk](http://www.lexisnexis.co.uk) манзилида фойдаланиш мумкин. Адвокатни топиш, Англия, Ирландия, Шотландия, Британия Ҳамдўстлик ва Европа судларида кўрилган ишлар, «Халсбёри қонунлари» (*Halsbury's Laws*) энциклопедиясининг барча 50 жилди, солиқ ва пенсия тизимига оид маълумотлар ва бошқалар билан LexisNexis UK Буюк Британия учун мўлжалланган тўлиқ юридик манба ҳисобланади.
- Westlaw яна бир нуфузли юридик ахборот манбаи бўлиб, ундан прецедент ҳуқуқи, статутлар, маълумотномалар, қонун шарҳлари, турли фуқаролик ишлари ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Гарчи юридик соҳа мутахассислари учун мўлжалланган бўлса-да, Westlaw нотўғри ёзилган ёки контекстга тушмаган сўз ёки қисқартмани белгилаб қўйиш функциясига эга бўлиб, бу мутахассис бўлмаган одамнинг манбадан фойдаланишини бирмунча осонлаштиради. Маълумотлар керакли сўз асосида қидирилиши мумкин. Фойдаланувчи эътиборига таклиф қилинувчи маълумот ҳажми катта бўлгани сабабли, [www.Westlaw.com](http://www.Westlaw.com) манзилида манбадан маълумотни қандай излаш кераклиги бўйича йўриқнома кўрсатиб ўтилган.
- LAWCHECK Америка кутубхоналар уюшмаси томонидан 1991 йилда ўтказилган тадқиқот натижасида яратилган. Унга кўра, юридик соҳа ҳар қандай кутубхонадаги энг муаммоли йўналиши бўлиб, LAWCHECK айнан кутубхоначилар ва мутахассис бўлмаган оддий фойдаланувчи учун мўлжалланган. Фойдаланувчилар томонидан энг кўп мурожаат қилинувчи юридик соҳанинг ўн икки йўналиши бўйича маълумот берувчи манба тўлов асосида юридик анкеталар, лугатлар, йўриқномалар, хатлар намуналари ва маълумотномалардан фойдаланиш имконини, шунингдек, федерал кодекслар ва судда кўрилган ишлар ҳақида ҳам маълумот беради. Веб-сайт [www.lawcheck.com/](http://www.lawcheck.com/) манзилида жойлашган.

## Юридик соҳага бағишланган онлайн манбалар

- 2005 йилда юридик соҳадаги энг яхши сайт деб тан олинган FindLaw сайти [www.findlaw.com](http://www.findlaw.com) манзилида жойлашган бўлиб, профессионаллар, талабалар ва оддий фойдаланувчилар учун мўлжалланган оммабоп веб-ресурслардан бири ҳисобланади. Турли юридик ҳаволалар, ахборот, адвокатлар маълумотномалари, анкеталар ва янгиликлардан иборат бўлган сайт бирламчи ва иккиламчи юридик материалларнинг бой манбаи ҳисобланади.
- Негос Gamos АҚШ ва бошқа мамлакатлардаги адвокатлар, адвокатлик фирмалари, мутахассис-гувоҳлар, суд шарҳловчилари, терговчилар ҳақидаги маълумотлар жамланган манба бўлиб, у, шунингдек, адвокатлар уюшмалари, турли мамлакатлардаги юридик кутубхоналар, янгиликлар, диққатга сазовор воқеаларни ҳам қамраб олади. Сайт [www.hg.org](http://www.hg.org) манзилида жойлашган.
- 1995 йилда яратилган THOMAS сайти АҚШ федерал қонунчилигига бағишланган илк ва асосий бепул онлайн ахборот манбаи сифатида дунёга келди. Ундан Congressional Record Index каталоги жой олган бўлиб, фойдаланувчилар диққатига, шунингдек, тарихий ҳужжатлар, конгресс фаолияти ҳақидаги ҳисоботлар, қонунчилик жараёни, қўмиталар ҳисоботлари, қонунлар матнлари ва бошқа шу каби маълумотлар таклиф этилади. Сайт <http://thomas.loc.gov> манзилида жойлашган.
- Айни пайтда бошқа мамлакатлар қонунчилигидан хабардор бўлиш ҳамтобора осонлашиб, Буюк Британия қонунларига бағишланган яхши манба <http://legal-directory.net> манзилида жойлашган. Унда ихтисослашган юридик ахборот, жумладан оилавий масалалар, қўчмас мулк, тиббиёт соҳасидаги лоқайдлик, жароҳат етказиш ва шу каби йўналишлар қамраб олинган. Канададаги юридик манбалар тўғрисидаги маълумот ушбу мамлакатда фаолият юритувчи Канада юридик маълумот институти (Canadian Legal Information Institute) нотижорат ташкилоти томонидан яратилган ва [www.canlii.org](http://www.canlii.org) сайтида жойлаштирилган.

## Маълумот бериш ишида фойдаланилувчи асосий бизнес ахборот манбалари

Бу соҳа мисли қалин ўрмонзор. Бизнесга алоқадор манбалар хусусий молия масалаларига бағишланган бир варақли памфлетдан тортиб, глобал маркетинг соҳасига бағишланган кўп жилдли ишлардан иборат бўлиши мумкин. Барча кутубхоналар учун мазкур соҳага бағишланган онлайн ёки босма бизнес лугатлар, энциклопедиялар, қўлланмалар, каталог кўрсаткичлари, маълумотномаларга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, хусусий молия ва тадбиркорлик соҳасига алоқадор саволлар энг кўп учровчи йўналишлар бўлиб, кутубхоналар айнан мана шу икки йўналишга бағишланган кенг қўламли адабиётларни ўз тўпламига қўшиши мақсадга мувофиқ.

## Бизнес луғатлар

- Фойдаланувчилар бирор шарғнома ёки кичик бизнесга алоқадор масалани ҳал қилиш жараёнида ноганиш сўз ёки иборага дуч келса, Оксфорд университети нашриёти томонидан тайёрланган «*Бизнес ва менежмент луғати*»га (*A Dictionary of Business and Management*) мурожаат қилиши тавсия этилади. Илк бор 2009 йилда «*Қисқа бизнес луғати*» (*A Concise Dictionary of Business*) номи билан чоп этилган 2009 йилдаги нашрида 7 мингдан зиёд қайд бор бўлиб, уларнинг асосий қисми электрон тижорат атамаларидан иборат. Сўзлар кенг қўламли таъриф билан бир қаторда турли иллюстрациялар, синоним ва қисқартмалар билан бойитилган.
- «Экономист» компанияси тўпламига кирувчи «*Бизнес луғати*» (*Dictionary of Business*) ҳамда «*Халқаро молия луғати*» (*International Dictionary of Finance*) бизнес фаолиятига алоқадор кенг қўламли сўз ва ибораларнинг лўнда тавсифини беради. Шунингдек, ўқувчи эътиборига турли бизнес концепцияларининг қисқа таҳлили ҳам ҳавола этилади. Турли кўрсаткичлар, қисқартмалар ва бизнес соҳасига дахлдор сўз ва атамаларнинг шарҳи ҳам нашрдан жой олган. Ҳар бир луғатга 2 мингдан зиёд атама киритилган бўлиб, уларнинг аксарияти халқаро миқёсда ишлатилувчи сўзлар ҳисобланади. Улар 2003 йилдан буён янгиланмагани боис мазкур манбаларнинг электрон коммерция соҳасидаги аҳамияти биров пастроқ.
- [www.businessdictionary.com](http://www.businessdictionary.com) сайтида жойлашган «*Бизнес луғати*» (*Business Dictionary*) деб номланган онлайн луғатдан бепул фойдаланиш мумкин бўлиб, у замонавий атамалар соҳасидаги анча кучли манба ҳисобланади. Манбадан 20 мингдан зиёд атама ўрин олган, уларни керакли сўз ёки 42 мавзу категориялари орқали излаш мумкин. Бир-бирига ўхшаш ва алоқадор атамалар орасида 115 мингтасига ҳавола берилган бўлиб, сайт, шунингдек, кундалик бепул хабарнома тарқатиш хизматини ҳам таклиф қилади.
- Бизнес соҳасидаги ихтисослашган маълумотларга эҳтиёж сезувчи кутубхоналар «Барронс» компаниясининг луғатларига мурожаат қилиши мумкин. «*Бизнес атамалар луғати*» (*Dictionary of business terms*) (7,5 минг қайд), «*Халқаро бизнес атамалар луғати*» (*Dictionary of International Business Terms*) (5000 қайд), «*Маркетинг атамалари луғати*» (*Dictionary of Marketing Terms*) (4 минг қайд), «*Сугурта соҳаси атамалари луғати*» (*Dictionary of Insurance Terms*) (4,5 минг атама), «*Бухгалтерия атамалари луғати*» (*Dictionary of Accounting Terms*) (2,5 минг атама), «*Молия ва инвестиция соҳалари атамалари луғати*» (*Dictionary of Finance and Investment Terms*) (5 минг қайд) ва ҳоказо луғатлардан иборат мазкур тўплам - фойдали ва нархи ҳам унчалик қиммат эмас.

## Маълумотнома ҳамда қўлланмалар

- 1906 йилдан буён чоп этиб келинаётган кўп жилдли «*Томаснинг Америка ишлаб чиқарувчилари маълумотномаси*» (*Thomas Register of American Manufacturers*) 2007 йилга келиб, босма нашрларни чоп этишдан тўхтади. Айти пайтда ушбу манбадан [www.thomasnet.com](http://www.thomasnet.com) манзилида бепул фойдаланиш мумкин. Маълумотнома 607 минг номдаги компаниянинг телефон



рақамлари, манзиллари, бўлимлари, сотув идораларини топиш учун хизмат қилувчи энг ишончли манбалардан бири. Манбада, шунингдек, шаҳар ва штат бўйича сараланган 72 минг номдаги маҳсулот ва хизматлар категорияларининг алифбо тартибидаги рўйхати ҳам берилган. Маълумотномадан компаниялар таклиф қилувчи маҳсулотларнинг миллионлаб сурат ва чизмалари ҳам бериб утилган. Маълумот керакли сўз, маҳсулот категорияси ёки географик жойлашув бўйича изланиши мумкин. [www.solusource.com](http://www.solusource.com) манзилида эса Буюк Британия, Канада ва 26 та бошқа мамлакатдаги ишлаб чиқарувчилар ҳақидаги ахборотдан бепул равишда фойдаланиш мумкин.

- Илк бор 1928 йилда чоп этилган уч жилдди «Стандарт энд Пуэрнинг корпорациялар ва директорлар маълумотномаси» (*Standard & Poor's Register of Corporations, Director's and Executives*) АҚШ, Канада ва дунёнинг бошқа қисмларидаги 75 минг номдаги корпорация ва 290 минг нафар раҳбарлар рўйхатини ўз ичига олган. Нашрнинг биринчи жилдига корпорациялар, уларнинг мулоқот учун маълумотлари, веб-сайтлари манзиллари, етакчи ходимлари, хизматчилар сони, маҳсулот турлари, умумий сотувлар ҳажми ва Шимолӣ Америка саноат классификацияси тизими (NAICS) коди ҳақидаги маълумотлар киритилган. Иккинчи жилд бизнес муассасалар раҳбар ходимлари, улар билан боғланиш учун контакт маълумотлари, таржимаи ҳоли, тузилган йили, ўқиган жойи ва ҳоказо маълумотлардан иборат. Учинчи жилд каталог кўрсаткичларидан ташкил топган. Қайдларни киритиш тизими анча демократик бўлиб, жумладан, дунёдаги энг бой одам Билл Гейтс ҳақидаги маълумот ҳажми Кентукки штатидаги гул дўконининг раҳбари ҳақидаги маълумот ҳажми билан бир хил. Манбадан маълумот излаш тизими анча қулай бўлиб, ахборот NAICS коди, географик жойлашув, компания бош қароргоҳи ёки филиал манзиллари бўйича изланиши мумкин. Кенг қўламли бизнес империяда қайси компания кимга қарашли эканини тушуниш анчайин мушкул. Мазкур манба эса айнан мана шу нарсани аниқлаш имконини бериши билан айниқса диққатга сазовор. Маълумотнома йиллик тарзда янгиланиб боради. Унинг онлайн шаклидан обуна асосида [www.netadvantage.standardandpoors.com](http://www.netadvantage.standardandpoors.com) манзилида фойдаланиш мумкин.
- «Ким кимга эгалик қилади» (*Who owns whom*) саккиз жилддан иборат бўлган *LexisNexis Corporate Affiliations* маълумотномасининг қисқа тавсифи бўлиб, маълумотномага Америка ва бошқа мамлакатларда фаолият юритаётган 225 мингга яқин компания рўйхати киритилган. Каталог кўрсаткичи ёрдамида компаниянинг эгалик формаси, корпоратив тузилмаси, миллий қарашлилиги, фаолиятининг географик кўлами, ходимлар ва бошқа керакли маълумотларни топиш мумкин. Маълумотномадан пуллик обуна асосида онлайн равишда [www.corporateaffiliations.com](http://www.corporateaffiliations.com) манзили орқали фойдаланиш мумкин. Ундан компанияларнинг «етти авлоди»ни билиб олиш мумкин бўлиб, манбага 700 миңг фирма ва компания ҳақидаги маълумотлар киритилган.
- 1991 йилда бир жилдди қўлланма кўринишида чоп этилган «Гуверс» компаниясининг «Америка бизнеси қўлланмаси» (*Hoover's Handbook of American Business*) 500 номдаги компания ҳақидаги маълумотларни қамраб олган эди. Айни пайтда мазкур манба АҚШдаги 750 та энг нуфузли компания ҳақидаги маълумотларни таклиф қилиб, уларнинг энг етакчи хо-

димлари ва муваффақиятли бизнес стратегияси таҳлилин и ўқувчи диққатига ҳавола этади. «*Гувернинг хусусий компаниялар қўлланмаси*» (*Hoover's Handbook of Private Companies*) 900 номдаги компаниялар, касалхоналар, хайрия фондлари, университетлар ва бошқа муассасалар тўғрисидаги маълумотни қамраб олган. «*Гувернинг жаҳон бизнеси қўлланмаси*» (*Hoover's Handbook of World Business*) АҚШ ҳудудидан ташқаридаги 300 та давлат ва хусусий компания ҳақидаги маълумотларни тақдим этиб, унда қайси компания ким томонидан назорат қилиниши ҳақидаги маълумотларни топиш мумкин. «*Гувернинг ривожланаётган компаниялар қўлланмаси*» (*Hoover's Handbook of Emerging Companies*) энг тез ривожланаётган кичик бизнес компаниялари ҳақидаги маълумотларни акс эттирган бўлиб, 200 та компания борасида чуқур, деталлашган маълумот берилган. «*Гувернинг саноат йўналишлари қўлланмаси*» (*Hoover's Handbook of Industry Profiles*) компаниянинг охириги маҳсулоти саналади, унда саноатнинг 300 та йўналишига оид маълумотлар тақдим этилади. Мазкур қўлланмалар «Гуверс» компаниясининг 65 миллион номдаги компанияни қамраб олувчи маълумот базасидан олинган бўлиб, унинг онлайн шаклидан [www.hoovers.com](http://www.hoovers.com) манзилида обуна асосида фойдаланиш мумкин.

- «*Брендлар ва уларга тегишли бўлган компаниялар*» (*Brands and Their Companies*) 426 минг номдаги бренд компаниялар ва улар томонидан ишлаб чиқарилувчи маҳсулотлар ҳақида маълумот беради. Қайдлар алифбо тартибида; маҳсулотнинг қисқача тавсифи ҳамда ишлаб чиқарувчи ва дистрибьюторлар ҳақида ҳам ахборот берилган. Манбада ортиқ ишлаб чиқарилмаётган бренд маҳсулотлар ҳам айтиб ўтилган. Патентлаш офисидан рўйхатга ўтмаган брендлар ҳам кўрсатиб ўтилган бўлиб, у маълумотнома мана шу жиҳати билан ҳам диққатга сазовор. Gale Directory Library онлайн кутубхонасининг бир қисми саналган маълумотномадан [www.gale.com](http://www.gale.com) манзилида обуна асосида фойдаланиш мумкин.

## Инвестиция йуриқномалари

- *Value Line Investment Survey* нашри 1930 йилдан буён инвестиция соҳасидаги нуфузли ва ишончли манба бўлиб келмоқда. Ҳафталик тарзда чоп этилувчи нашр уч бўлимдан иборат. Жумладан, «Рейтинг ва ҳисоботлар» бўлими 1700 та биржа маълумотини қамраб олади. Ҳар бир биржа ўз хизматларининг вақтида кўрсатилиши, хавфсизлиги ва барқарорлиги жиҳатидан таҳлил қилинган. Компания тўғрисидаги маълумотлар ҳам бериб ўтилган бўлиб, биржада ўн йил давомида кузатилган нарх-наво график кўринишда тақдим этилган. Маслаҳат ва ахборотнинг уйғунлигини бирлаштирган нашр ҳар бир маълумот коллекциясининг ажралмас қисмига айланган. Нашрнинг онлайн кўринишига обунани [www.valueline.com](http://www.valueline.com) манзилида расмийлаштириш мумкин.
- «*Молиявий рейтинглар тўплами*» (*Financial Rating Series*) ҳар чоракда чоп этилувчи инвестиция соҳасидаги қўлланма бўлиб, ҳам тажрибали, ҳам бу соҳага энди кириб келган бизнесменлар учун мўлжалланган. Бошловчилар «*Акцияларни инвестиция қилиш бўйича асосий қўлланма*» (*Ultimate Guided Tour of Stock Investing*) нашридан фойдаланиши мумкин бўлиб,

унда турли маълумотлар, таҳлиллар ва таҳлилчиларнинг фикрлари кўрсатиб ўтилган. Шундай бўлса-да, нашрларнинг аксарият қисми тажрибали ва ҳаваскор инвесторлар учун мўлжалланган. Шу билан бир қаторда, тўпلامга қимматбаҳо қоғозлар бозори, валюта бозори, акциялар бозори, банклар, суғурта ва бошқа соҳаларга алоқадор бўлган рейтинглар кирган. Рейтинглар анча синчковлик билан тузилиб, ҳар бир компания, банк, суғурта компанияси, брокерлик фирмаси ва бошқалар муайян жиҳатларига кўра баҳоланган. Маълумотномани чоп этувчи Weiss компанияси холисликни доимо биринчи ўринга қўйгани боис, рейтингга киритилган ҳеч бир компания афзалликка эга бўла олмайди. Кутубхоналар йиллик ёки ҳар чоракда чоп этилувчи нашрларга обуна бўлиш имконига эга. Индивидуал рейтинглар ҳисоботи билан пулли асосда [www.weissratings.com](http://www.weissratings.com) ёки [www.financialratingsseries.com](http://www.financialratingsseries.com) манзилида танишиш мумкин.

## Ишбилармонлик соҳасидаги фойдали манбалар

- Market Share Reporter нашрининг 2011 йилдаги таҳрири Шимолий Америка мамлакатлари ва дунёнинг бошқа қисмларида фаолият юритаётган компанияларнинг муайян бозордаги улуши ҳақида маълумот олиш учун фойдали манба ҳисобланади. Нашрдан болалар учун таглик ишлаб чиқарувчи Huggies Ultratim компаниясидан тортиб, самолётсозлик соҳасидаги «Боинг» компаниясигача бўлган барча турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ҳақида тўлиқ маълумот киритилган. Икки мингдан зиёд қайд ичидан компаниянинг бозордаги улуши ва айрим ҳолларда унинг доллардаги ҳажми кўрсатиб ўтилган. Мавзулар алифбо тартибида берилган.
- «Бонднинг корхоналар маълумотномаси» (*Bond's Franchise Guide*) деярли 900 номдаги франчайзинг асосида фаолият юритувчи корхонанинг рўйхатини таклиф қилиб, улар турли категорияларга ажратилади. Ҳар бир қайд боғланиш учун зарур бўлган маълумотларни акс эттиради. Маълумотномага киритилувчи ахборот 40 та бўлимдан иборат саволнома асосида тузилгани боис ҳар бир қайд ўқиш учун қулай бўлган бир хил тузилишга эга. Боғланиш учун зарур маълумот билан бир қаторда қайд ичига компания тарихи, франчайзинг лицензиясини бериш учун қўйилувчи талаблар, юридик ва молиявий шартлар ҳам айтиб ўтилган. Мазкур манба франчайзинг лицензиясини олмоқчи бўлганлар учун айниқса қўл келади. Унинг онлайн шакли [www.worldfranchising.com](http://www.worldfranchising.com) манзилида жойлашган.

## Бизнес соҳасидаги маълумот базалари ва каталог кўрсаткичлари

- Gale компаниясининг «*Business and Company ASAP*» маълумот базаси 200 мингдан зиёд маълумотнома рўйхатини қамраб олган бўлиб, унга, шунингдек, Паблик Рилейшнс соҳасидаги тўлиқ матнли хабарлар, 1980 йилдан то ҳозирга қадар чоп этилган бизнесга оид журналлар, даврий нашрлар, менежмент соҳасидаги тўпلامлар киритилган. Маълумот базасига қўшимча Business Index ASAP маълумот базаси ҳам уйғунлаштирилган бўлиб, у орқали даврий нашрлар, хусусан, «Нью-Йорк Таймс», «Эйшн Уолл Стрит Журнал» ҳамда «Уолл Стрит Журнал» каби газеталарни молия бў-

лимидаги кўрсаткичлар ҳам қамраб олиниши таъминланади. Фойдаланувчига ёрдам тариқасида махсус луғат, мавзулар бўйича йўриқнома ва мослаштирилувчи излаш тизимлари кўзда тутилган. Обуна учун маълумот [www.gale.cengage.com](http://www.gale.cengage.com) сайтида берилган.

- Mergent Online бизнес маълумот базаси глобал миқёсдаги бизнес ва молия ахборотини тақдим этиб, маълумотлар бу соҳадаги бир қатор нуфузли манбалар — Electronic Data Gathering Analysis and Retrieval ҳамда D&B's Million Dollar Directory Plus каби маълумотномалар, АҚШдаги давлат ва халқаро компанияларнинг йиллик ҳисоботлари, АҚШ ва Канададаги 10 мингдан зиёд компаниянинг молиявий ҳисоботлари, олти ойлик муддатни қамраб олувчи инсайдерлик олди-сотдилари ҳақидаги маълумотлар жойлашган. Маълумот базаси, шунингдек, 200 дан зиёд компаниянинг фаолиятини муайян мезонлар асосида таққослаш имкониятини ҳам беради. Фойдаланувчига стандарт кўринишдаги компания ҳисобогини тузиш имкони ҳам таклиф қилинади. Маълумот базасининг онлайн шакли [www.mergentonline.com](http://www.mergentonline.com) манзилида жойлашган бўлиб, ундан турли конфигурацияларда, жумладан, компания ҳақидаги маълумотларни қидиришдан тортиб, то турли маълумотларни таққослаш ва текшириш мақсадларида фойдаланиш имконияти мавжуд.
- 1971 йилда университет битирув иши лойиҳаси сифатида бошланган *ABI/INFORM Complete* маълумот базаси онлайн каталоглаш ва бизнес информациядан кўчирмалар олиш борасидаги илк лойиҳа бўлган. Айти пайтда у 2 миллиондан зиёд ҳужжатни қамраб олиб, уларнинг деярли ярми тўлиқ матнли кўринишда. Маълумот базаси [www.proquest.com/products/pt-product-ABI.shtml](http://www.proquest.com/products/pt-product-ABI.shtml) манзилида жойлашиб, унга 60 мингдан зиёд компания ҳақидаги маълумотлар, турли журналларнинг тўлиқ матнли кўриниши, минглаб маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсдаги менежмент ва бизнес соҳасига алоқадор нашрлар кирган.
- EBSCO компаниясининг Business Source маълумот базалари *элита, премьер, корпоратив, тўлиқ ва олий ўқув юрти битирувчилари* пакетлари асосида таклиф қилинади. Манбанинг *премьер* ва *элита* пакетлари монография ва маълумотномалар ҳамда турли тўпламлардан олинган мақолаларни ўз ичига олади. Маълумот базаси анчагина қулай қидириш тизимига эга бўлиб, жавоблар керакли манба бўйича чегараланиши ва маълумот компания номи ҳамда мавзу йўналиши бўйича қидирилиши мумкин. [www.ebsco.com](http://www.ebsco.com) манзилида ҳар бир маълумот базасида мавжуд бўлган номлар рўйхати берилган. EBSCOнинг стандартлаштирилган ва қулай маълумот излаш тизими ҳамда бизнес манбаларининг тўлиқ қамрови мазкур маълумот базаларини барча турдаги кутубхоналар учун керакли манбага айлантиради.
- Авваллари Dow Jones Interactive номи билан танилган Factiva маълумот базаси глобал миқёсдаги бизнес маълумотларнинг инновацион етказиб берувчисидир. Каталог кўрсаткичлари, кўчирмалар ва тўлиқ матнли материаллар 9 мингдан зиёд манбадан олинган бўлиб, улар орасида етакчи молиявий даврий нашрлар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар матни, компания ҳисоботлари, «Доу Жонс» ва «Рейтер» ахборот агентликларининг хабарлари, 118 мамлакатда чоп этилувчи нашрлар кенг қўламли ва чуқур қамровли маълумотларни етказишга хизмат қилади. Маълумотлар

каталог кўрсаткичига эга бўлиб, бир неча тилдаги маълумотларни қидириш имкониятини беради. <http://factiva.com> манзилидан маълумот базасига обуна бўлиш билан боғлиқ маълумотларни олиш мумкин.

## Коллекцияни шакллантириш ва бошқариш

### Манбаларни танлаш ва янгилаб бориш

Тиббиёт, юридик ва бизнес соҳасидаги манбаларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар доимий тарзда янгиланиб туришни талаб қилади. Шу боис қарор қабул қилиш жараёнида керакли манбаларни танлаш алоҳида аҳамият касб этади.

### Чоп этилган тақризлар

Тақризлар оммабоп даврий нашрлар билан бир қаторда, профессионал нашрларда ҳам топилиши мумкин.

- Соғлиқ ва тиббиёт соҳасидаги нашрлар тақризлари «Тиббиёт соҳасидаги ахборот хизматлари» (*Medical Reference Services Quarterly*) (китоб ва бошқа адабиётлар тақризи), «Америка тиббиёт уюшмаси журнали» (*Journal of the American Medical Association*) (китоблар, журналлар, янги медиа), «Янги Англия тиббиёт журнали» (*New England Journal of Medicine*) (китоблар тақризи) каби манбалар орқали топилиши мумкин. Doody Enterprise компаниясининг [www.doody.com](http://www.doody.com) манзилида жойлашган веб-сайтида фойдаланувчилар диққатига тақризлар тўплами ҳавола этилиб, улар Doody's Core Titles: Basic or Premium, Doody's Review Service ҳамда Catalog Connect каби тўпламлардан иборат. J.A. Majors компаниясининг [www.majors.com](http://www.majors.com) манзилида жойлашган веб-сайти тўпламни шакллантириш ва кенгайтиришга ёрдам берувчи бепул манбаларни таклиф қилиб, улар «Бестселлерлар» (BestSellers), «Кутилаётган» (Forthcoming) ҳамда «Яқинда нашрдан чиққан» (Just Released) деб номланиб, янги ва энг диққатга сазовор тиббиёт соҳасидаги мақолалар ва манбаларга бағишланган.
- Юридик соҳадаги манбаларнинг тақризларини «Юридик кутубхона журнали» (*Law Library Journal*) орқали топиш мумкин. Шунингдек, [www.bsos.umd.edu/gvpt/lpbr](http://www.bsos.umd.edu/gvpt/lpbr) манзилида жойлашган бепул ойлик онлайн манба «Юридик ва сиёсий мавзудаги китоблар тақризи» (*The Law and Politics Book Review*) деб номланиб, унга Америка сиёсатшунослик уюшмасининг Қонунчилик ва судлар бўлими ҳомийлик қилади.
- Америка кутубхоналар уюшмасининг Бизнес маълумотлари ва хизматлари бўлимида бизнес соҳасидаги манбаларнинг янгиланиш жараёнини ўзида акс эттирган диққатга сазовор манба бор бўлиб, у Public Libraries Briefcase деб номланади ва ҳар чорақда нашр этилади. Унда бизнеснинг барча соҳаларига бағишланган эски ва янгиланган манбаларнинг библиографик ҳисоботи бериб борилади. Жумладан, нашрнинг 2008 йил октябрь ойидаги сони бизнес соҳасига алоқаси бўлмаган кутубхоначи учун қўл келувчи энг яхши бизнесга алоқадор маълумот манбаларининг ўнлигини таклиф қилади.

## Нашриёт сайтлари

Юқорида айтиб ўтилганидек, тиббиёт, юридик ва бизнес соҳасига алоқадор манбаларни чоп этувчи нашриётлар орасида адабиётлар тўпламини чоп этишга бўлган мойиллик анча юқори. Жумладан, солиқни сақлаш соҳасидаги янги манбаларни излаётган кутубхоначилар қуйидаги сайтларни кўздан кечириши мумкин:

- Omnigraphics компаниясининг Саломатлик маълумотномаси тўплами — [www.omnigraphics.com](http://www.omnigraphics.com).
- Facts on File компаниясининг Саломатлик ва турмуш кутубхонаси — [www.factsonfile.com](http://www.factsonfile.com).
- Thomson Gale компаниясининг энциклопедиялари — [www.galeengage.com](http://www.galeengage.com).
- Rittenhouse Book Distributors компанияси томонидан яратилган R2Library сайти [www.rittenhouse.com](http://www.rittenhouse.com) манзилида жойлашган бўлиб, рақамли коллекция яратишда қўл келади; унинг ҳар чорак нашр этилувчи Quarterly Report хабарномаси бепул янгиланишларни таклиф қилади.

Мутахассис бўлмаганлар учун мўлжалланган юридик адабиётларни қуйидаги компаниялар чоп этади:

- West Nutshell компаниясининг тўпламлари [www.thomson.com](http://www.thomson.com) манзилида жойлашган.
- Америка юридик кутубхоналари уюшмасининг журнал ва тўпламларини [www.aallnet.org/products](http://www.aallnet.org/products) манзилидан топиш мумкин.
- Юридик манбалар, шунингдек, [www.reed-elsevier.com](http://www.reed-elsevier.com) сайтида ҳам бор.
- Nolo юридик тўплами [www.nolo.com](http://www.nolo.com) манзилида жойлаштирилган. Бизнес ва молия соҳасига алоқадор нашрларни қуйидаги сайтлардан топиш мумкин:
- Mergent компаниясининг маҳсулотлари — [www.mergentc.com/productsServices.html](http://www.mergentc.com/productsServices.html).
- Financial Services компаниясининг манзили — [www.mcgraw-hill.com](http://www.mcgraw-hill.com).
- Hoover компаниясининг китобларини [www.hoovers.com/free](http://www.hoovers.com/free) сайтидан олиш мумкин.

## Онлайн каталоглар

Тиббиёт, юридик ва бизнес соҳасига ихтисослашган кутубхоналарнинг сони талайгина бўлиб турган бир пайтда мазкур соҳаларда мутахассис бўлмаган кутубхоначилар қандайдир янги нарсаларни ўйлаб топиши шарт эмас.

- Ихтисослашган кутубхоналар томонидан харид қилинган янги манбаларни мунтазам равишда текшириб бориш орқали кутубхоначилар ўз фойдаланувчиларининг эҳтиёжини вақтида ва тўлиқ қондириши мумкин. Жумладан, ана шундай кутубхоналардан бири Миллий тиббиёт кутубхонаси бўлиб, унинг [www.ncbi.nlm.nih.gov](http://www.ncbi.nlm.nih.gov) манзилидаги сайтида *Bookshelf* деган бўлим бор ва ундан тиббиёт соҳасидаги янги нашрлар ҳақида бепул ахборот олиш мумкин.
- Гарвард бизнес мактаби кутубхонаси ҳам бизнес соҳасига алоқадор янги харид қилинган манбалар рўyxатини ҳар ойнинг 15-куни эълон қилади. Ушбу маълумот мактаб кутубхонасининг [www.library.hbs.edu/baker/bo](http://www.library.hbs.edu/baker/bo)

oks/recent/ манзилида жойлашиб, уни New Books at Baker бўлимидан топиш мумкин.

- Йель юридик мактабининг Лилиан Голдман юридик кутубхонаси ҳам ҳар ойда янги харид қилинган адабиётлар рўйхатини эълон қилади. У билан [www.law.yale.edu/library/acquisitions.asp](http://www.law.yale.edu/library/acquisitions.asp) манзилида танишиш мумкин.

## Почта юбориш рўйхатлари ва янгиликлар тўғрисида хабарномалар

Тадқиқот дунёси ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенг фойдаланган бир шароитда муайян мавзуга ихтисослашган почта юбориш хизматларига обуна бўлишнинг фойдаси жуда катта. Тиббиёт, юридик ва бизнес соҳаларига ихтисослашган кутубхоначилар гуруҳлари бу соҳага ихтисослашмаган кутубхона хизматчиларининг саволларига, жумладан, кутубхона коллекциясини тўлдириш билан боғлиқ саволларига ҳам жавоб қайтаришда жуда катта ёрдам беришга қодир. Шу боис мазкур хизматнинг аҳамиятини назардан четда қолдирмаслик лозим:

- тиббиёт соҳасига ихтисослашган кутубхоначиларни MEDLIB-L хизматидан [listserv@list.uvm.edu](mailto:listserv@list.uvm.edu) электрон почта манзили орқали фойдаланиш мумкин.
- юридик соҳага ихтисослашувчи кутубхоначилар билан LAW-LIB хизмати орқали [listproc@ucdavis.edu](mailto:listproc@ucdavis.edu) манзилида боғланиш мумкин.
- бизнес соҳасидаги кутубхоналарни BUSLIB-L хизмати орқали топиш мумкин бўлиб, бунинг учун [litserv@lists.nau.edu](mailto:litserv@lists.nau.edu) электрон почта манзилига хат юбориш талаб этилади.

Почта юбориш хизматлари орқали муайян соҳага бағишланган энг яхши янги манбалар, уларнинг рейтинглари, муайян адабиётлар ҳақидаги ажойиб маълумотларни билиб олиш мумкин бўлади.

Махсус эълонлар хизмати, профессионал уюшмалар ва институтлар томонидан тарқатилувчи хабарномаларга обуна бўлиш орқали ҳам кутубхоначи мазкур соҳадаги янгиликлар, ёки кутубхона коллекциясига қўшиш мумкин бўлган янги адабиётлар ҳақида маълумот олиши мумкин.

## Тиббиёт, юридик ва бизнес соҳаларидаги манбаларни баҳолаш

Мазкур соҳалардаги манбаларни баҳолашда уларнинг қўлами, аниқлиги, нуфузи ва нархи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу турдаги манбаларнинг долзарб маълумотларни қамраб олиши, фойдаланиш учун қулайлиги ва фойдалилик даражаси ҳам ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

### Долзарб маълумотларни қамраб олиш

Долзарб ахборотга бўлган эҳтиёж мунтазам равишда янгиланиб турадиган нашрларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу каби нашрларнинг эски сонларини сақлаб туриш маслаҳат берилмайди. Янгиланган туриш хизмати бўлмаган нашрларни саралашда хушёр туриш лозим. Шу билан бирга мазкур соҳалардаги эскирган маълумотнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ эканини ҳам унутмаслик лозим.

### Фойдаланиш учун қулайлик

Кўриб чиқиладиган ҳар учта соҳа ҳам турли атамалар ва махсус ибораларга бой бўлиб, мутахассис бўлмаганлар учун мўлжалланган адабиётлар тилининг лўндалиги ва тасвирларнинг тушунарлилиги жиҳатидан сараланиши муҳим аҳамият касб этади. Махсус ибораларни ишлатишдан воз кеча олмаган нашрлар, албатта, қиёин атамаларнинг маъносини очиб берувчи лугатлар ёки ўқувчига матнни тушунишга ёрдам берувчи бошқа воситалар билан таъминланган бўлиши лозим. Шу ўринда каталог кўрсаткичлари ҳам аниқ ва беҳато бўлиш кераклигини таъкидлаш ўринли, негаки, мутахассис бўлмаган одам нотаниш матн ёки атамаларнинг маъносини топишда, албатта, ёрдамчи воситаларга мурожаат қилишга мажбур бўлади.

### Фойдалилик даражаси

Мазкур уч соҳага минглаб номдаги адабиётлар бағишланган бўлса-да, уларнинг муайян кутубхона фойдаланувчилари учун нақадар керак ва фойдали эканини аниқлаб олиш муҳим. Нашриётлар тиббиёт, юридик соҳа ва бизнесга бағишланган адабиётлар тўпламини чоп этишга мойил бўлади. Шу боис бу каби тўпламларнинг кўриниши бир-бирига ўхшаш бўлиб, улар фойдаланувчилар энг кўп мурожаат қилувчи соҳаларни қамраб олишга ҳаракат қилади. Шунинг учун кутубхона ходими катта-катта тўпламларни кутубхона коллекциясига қўшишда н аввал бу манбалар ўқувчилар учун нақадар қизиқ ва уларга бўлган талаб қанчалик юқори эканини аниқлаб олиши керак. Бу эса, ўз навбатида, кутубхона ходими томонидан моддий маблағларнинг самарали сарф қилинишини таъминлайди.

### Қўшимча фикрлар

#### Манбаларнинг ўзи етарли эмас

Кутубхоначи соғлиқни сақлаш, юридик ва бизнес соҳаларини нақадар чуқур билмасин, кутубхонадаги коллекция нақадар тўлиқ ва нуфузли бўлмасин, барибир бу соҳада қилинадиган ишлар ҳали жуда кўп. Манбалар турли маълумотномалар, тадқиқот олиб бориш бўйича қўлланмалар, масъулиятни зиммага олмаслик бўйича огоҳлантиришлар, муқобил манбалар, фойдаланиш қоидалари ва талаблари билан таъминланган бўлиши керак.

#### Муқобил манбалар

Умумий турдаги саволларга жавоб топиш учун бекаму кўст манба ҳисобланган манба тиббиёт, юридик ёки бизнес соҳасидаги саволларга жавоб излашда кўплаб манбаларнинг бири сифатида қаралиши лозим. Фойдаланувчини муқобил манбалар билан таъминлашнинг аҳамияти шундаки, у манбаларни солиштириш имконига эга бўлади. Бу орқали мутахассис бўлмаган кутубхоначи маълумотни таҳлил қилиш билан эмас, балки тақдим этиш билан



шуғулланади. «*Махсус кутубхоналар ва ахборот марказлари маълумотномаси*» (*Directory of Special Libraries and Information Centers*) махсус кутубхоналар, ресурс марказлари, тиббиёт соҳасидаги тўпламлар, ҳужжатлаштириш марказлари ҳақидаги маълумотларни жамлаган бўлиб, фойдаланувчи у орқали муқобил манбалар ёки кутубхоналар ҳақида билиб олиши мумкин.

Кутубхоначи, шунингдек, яқин атрофдаги юридик, тиббий ёки бизнес соҳасига ихтисослашган кутубхоналар рўйхатига эга бўлиш орқали фойдаланувчига кенгроқ қўламдаги маълумот манбаларини маслаҳат беради. Фойдаланувчи соҳа мутахассиси билан гаплашиш истагини билдирганда уларни топиш осон кечиши учун адвокатлар, шифокорлар ва бизнес соҳасидаги профессионалларнинг рўйхатларини тузиб қўйиш ҳам зарар қилмайди. Шу билан бирга кутубхоначи фойдаланувчига муайян мутахассисни таклиф қилишдан ўзини тия билиши ҳам муҳим.

### Масъулиятни зиммага олмаслик ҳақидаги огоҳлантиришлар

Фойдаланувчига манбанинг долзарб эканини текшириш лозимлигини эслатиб туриш муҳим. Жумладан, муайян дори ҳақидаги маълумотни интернет тармогидаги махсус сайтдан қайта текшириш ёки доктор ва фармацевт билан суҳбатлашгандан кейингина қабул қилиш мумкинлигини эслатиш юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

### Тадқиқотни олиб боришга ёрдамлашувчи воситалар

Тиббиёт, юридик ва бизнес соҳасидаги кўп мурожаат қилинувчи мавзулар билан боғлиқ маълумотларни аниқлаб олиш маслаҳат берилади. Бу орқали нафақат фойдаланувчи матнни тўлиқ тушуниши, балки кутубхоначи қийин мавзу бўйича маълумот бераётганда унинг энг муҳим жиҳатларини тушириб қолдирмаслиги учун ҳам муҳим. Жумладан, бизнес соҳасидаги маълумотларни топиш тизими — «*Бизнес маълумотлар: топиш ва фойдаланиш*» (*Business Information: How to Find It, How to Use It*) нашри қўл келади.

### Масофадан туриб фойдаланиш

Маълумотдан масофадан туриб фойдаланиш, бунинг учун, жумладан, телефондан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Тиббиёт, юридик ва бизнес соҳаларидаги маълумотларни телефон орқали ўқиб эшиттириш турли тушунмовчилик ва муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

### Ахборотми ёки радиэндокринатор?

XX аср бошида Уильям Бейли исмли тадбиркор «радиэндокринатор» номи мосламани сота бошлаган. Унинг айтишича, мослама барча касалликларни даволаш хусусиятига эга бўлиб, даволаш «эндокрин glandларини ионлаштириш» воситасида амалга оширилган. Мосламанинг нархи ҳозиргига солиштирилганда 10 минг АҚШ долларини ташкил этган. Айни пайтда мавжуд бўлган тиббиёт, юридик ва бизнес соҳасидаги адабиёт ва манбаларнинг

сероблиги, умид қиламизки, замонавий радиэндокринаторлар пайдо бўлишининг олдини олишга хизмат қилади.

ТИББИЁТ, ЮРИДИК ВА БИЗНЕС СОҲАСИДАГИ МАНБАЛАР УНЛИГИ		
Ном	Босма	Онлайн
«Блэкнинг юридик луғати» ( <i>Black's Law Dictionary</i> ), 2009 й., Игн, «Томсон Вест» компанияси	9-нашр	обуна <a href="http://www.Westlaw.com">www.Westlaw.com</a> манзилида
«Гувернинг қўлланмалари» ( <i>Hoover's Handbooks</i> )	4 жилд, йиллик	обуна <a href="http://www.hoovers.com/free">www.hoovers.com/free</a> манзилида
«Мартиндейл-Хаббел юридик маълумотномаси» ( <i>Martindale-Hubbel Law Directory</i> ), 1931 й., Нью-Йорк, <i>Martindale-Hubbel Law Directory</i> компанияси	Йиллик, 26 жилд	обуна <a href="http://www.martindale.com">www.martindale.com</a> , <a href="http://www.lawyers.com">www.lawyers.com</a> манзилларида
«Меркнинг уй шароитида даволаниш қўлланмаси» ( <i>The Merck Manual Home Health Handbook</i> ), 2011 й., Уайтхаус Стейшн, <i>Merck&amp;Company</i> компанияси	1 жилд	обуна <a href="http://www.merck.com">www.merck.com</a> манзилида
<i>Official ABMS Directory of Board Certified Medical Specialists</i> , 1993 й., Филадельфия <i>W.B. Saunders</i> компанияси	йиллик, 4 жилд	обуна <a href="http://www.boardcertified-docs.com">www.boardcertified-docs.com</a> манзилида
<i>Physician's Desk Reference</i> , 1945 й., Монтевелл, <i>Thomson PDR</i> компанияси	йиллик, 1 жилд	<a href="http://www.pdrhealth.org">www.pdrhealth.org</a>
«Стедманнинг тиббий луғати» ( <i>Stedman's Medical Dictionary</i> ), 2005 й., Филадельфия, <i>Lippincot Williams &amp; Wilkins</i>	28-нашр	<a href="http://www.steadmans.com">www.steadmans.com</a>
«Томаснинг Америка ишлаб чиқарувчилари маълумотномаси» ( <i>Thomas Register of American Manufacturers</i> ), 1905 й., Нью-Йорк, <i>Thomas Publishing</i> компанияси		<a href="http://www.thomasnet.com">www.thomasnet.com</a>
<i>Value Line Investment Survey</i> , Нью-Йорк, <i>Value Line Publications</i> компанияси	ҳафталик	обуна <a href="http://www.valueline.com">www.valueline.com</a> манзилида
«Вэстнинг Америка қонунчилиги энциклопедияси» ( <i>West's Encyclopedia of American Law</i> ), 2005 й., Фармингтон Хиллз, <i>Gale Cengage Learning</i> компанияси	2-нашр, 13 жилд	электрон китоб кўринишида обуна <a href="http://www.gale.com">www.gale.com</a> манзилида

## Recommended Resources Discussed in This Chapter

### Medical

*Alzheimer Disease Sourcebook*. 2008. 4th ed. Detroit: Omnigraphics.  
*America's Top Doctors*. 2010. New York: Castle Connolly Medical Ltd.  
*BMJ (British Medical Journal)*. Available: [www.bmj.com](http://www.bmj.com).  
*Cancer*. Available: [www.cancer.gov](http://www.cancer.gov) and [www.cancer.org](http://www.cancer.org).

- CINAHL*. Available: [www.cinahl.com/cp.gsm.com](http://www.cinahl.com/cp.gsm.com).
- Dialog*. Available: [www.dialog.com](http://www.dialog.com).
- Directory of Physicians in the United States*. 2008. 41st ed. Chicago: American Medical Association.
- DIRLINE*. Available: <http://dirline.nlm.nih.gov>.
- Doody's Review Service*. Available: [www.doody.com](http://www.doody.com).
- Dorland's Illustrated Medical Dictionary*. 2007. 31st ed. Philadelphia, PA: W. B. Saunders Co. (Elsevier).
- Drug information. Available: [www.drugdigest.org/DD/Home](http://www.drugdigest.org/DD/Home).
- DSM-IV-TR (Diagnostic and Statistical Manual of Mental Disorders)*. 2000. Arlington, VA: American Psychiatric Association.
- EMBASE*. Available: [www.embase.com](http://www.embase.com).
- Encyclopedia of the Life Sciences*. 2006. Maiden, MA: John Wiley & Sons, Inc. [www.els.net](http://www.els.net).
- Ethnic Diseases Sourcebook*. 2001. Detroit: Omnigraphics.
- Gale Encyclopedia of Alternative Medicine*. 2008. 3rd ed. Jacqueline L. Longe, ed. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning.
- Gale Encyclopedia of Children's Health*. 2005. Kristine Knapp and Jeffrey Wilson, eds. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning.
- Gale Encyclopedia of Medicine*. 2006. Jacqueline L. Longe, ed. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning.
- Gale Encyclopedia of Mental Health*. 2007. Laurie J. Fundulian, ed. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning.
- Gale Encyclopedia of Surgery and Medical Tests*. 2008. 2nd ed. Anthony J. Senagore, ed. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning.
- HealthReference Center—Academic*. Available on InfoTrac Web or CD-ROM: [www.gale.com](http://www.gale.com).
- HealthSource—Consumer and Nursing/Academic* editions. Ipswich, MA: EBSCO Publishing. Available: [www.epnet.com](http://www.epnet.com).
- Health and Wellness Resource Center*. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning. Available: [www.gale.com/HealthRC](http://www.gale.com/HealthRC).
- JAMA: The Journal of the American Medical Association*. 1960-. Chicago: American Medical Association. Available: <http://jama.ama-assn.org>.
- The Lancet*. Available: <http://www.thelancet.com>.
- Medical Reference Services Quarterly*. 1982-. Philadelphia: Taylor & Francis. Available: [www.taylorandfrancis.com](http://www.taylorandfrancis.com).
- MedlinePlus*. Available: <http://medlineplus.gov>.
- Melloni's Illustrated Medical Dictionary*. 2001. Ida G. Dox, Biagio John Melloni, Gilbert M. Eisner, and June L. Melloni. Baltimore, MD: Williams and Wilkins.
- Merck Manual of Diagnosis and Therapy*. 2006. Mark H. Beers and Robert S. Porter, eds. Hoboken, NJ: John Wiley & Sons.
- The Merck Manual Home Health Handbook*. 2011. Mark H. Beers, ed. Whitehouse Station, NJ: Merck & Co.
- National Center for Health Statistics*. Available: [www.cdc.gov/nchs](http://www.cdc.gov/nchs).
- National Library for Health*. Available: [www.library.nhs.uk](http://www.library.nhs.uk).
- New England Journal of Medicine*. 1928-. Waltham, MA: Massachusetts Medical Society. Available: <http://content.nejm.org>.

*Official ABMS (American Board of Medical Specialties) Directory of Board Certified Medical Specialists 2009*. 2008. 41st ed. Philadelphia, PA: W. B. Saunders Company.

*Physicians' Desk Reference—PDR*. 1974-(annual). New York: Thomson Reuters.  
*PubMed*. 1957-. Bethesda, MD: National Library of Medicine. National Institutes of Health. Available: [www.pubmed.gov](http://www.pubmed.gov).

*RxList: The Internet Drug Index*. Available: [www.rxlist.com](http://www.rxlist.com).

*Stedman's Medical Dictionary*. 2005. Philadelphia, PA: Lippincott Williams & Wilkins.  
*20,125 Questionable Doctors: Disciplined by State and Federal Governments, National Edition*. 2000. Washington, DC: Public Citizen Group.

## Legal

*American Law Yearbook*. 2009. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning.

*Ballentine's Law Dictionary*. 1994. New York: Cengage Delmar Learning.

*Ballentine's Legal Dictionary and Thesaurus*. 1995. New York: Cengage Delmar Learning.

*Black's Law Dictionary*. 2009. 9th ed. Bryan A. Garner, ed. Eagan, MN: Thomson West.

Bouvier, John. 1856. *Bouvier's Law Dictionary*. Jamaica Plain, MA: Boston Book Company.

Canadian Legal Information Institute. Available: [www.canlii.org](http://www.canlii.org).

*Corpus Juris Secundum*. Eagan, MN: Thomson West. Copyright varies.

*Hieros Gamos*. Available: [www.hg.org](http://www.hg.org).

*Law and Legal Information Directory*. 2011. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning.

*Law Library Journal*. 1908-. Washington, DC: American Association of Law Libraries.

*LAWCHEK*. Available: [www.lawchek.com](http://www.lawchek.com).

*LexisNexis*. Available: [www.lexisnexis.com](http://www.lexisnexis.com).

*LexisNexis UK*. Available: [www.lexisnexis.co.uk](http://www.lexisnexis.co.uk).

*Martindale-Hubbell Law Directory*. 1931-. New York: Martindale-Hubbell Law Directory, Inc.

*Merriam-Webster's Dictionary of Law*. 1996. Linda Picard Wood, ed. Springfield, MA: Merriam-Webster, Inc.

*Quicklaw*. Available: <http://ql.quicklaw.com>.

*Westlaw*. Available: [www.Westlaw.com](http://www.Westlaw.com).

*West's Encyclopedia of American Law*. 2004. Jeffrey Lehman and Shirelle Phelps, eds. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning.

## Business

*ABI/INFORM Complete*. Available at [www.proquest.com](http://www.proquest.com).

Bannock, Graham, Evan Davis, Paul Trott, and Mark Uncles. 2003. *Dictionary of Business*. New York: Bloomberg Press.

Bannock, Graham, and William Manser. 2003. *International Dictionary of Finance*. London: Profile Books.

- Bond's Franchise Guide*. 2010. Oakland, CA: Source Book Publications. Also available: [www.worldfranchising.com](http://www.worldfranchising.com).
- Brands and Their Companies*. 2010. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning.
- Business and Company ASAP*. Available: [www.gale.cengage.com](http://www.gale.cengage.com).
- BusinessDictionary.com. Available: <http://www.businessdictionary.com>.
- Capela, John J., and Stephen W Hartman. 2004. *Dictionary of International Business Terms*. New York: Barron's Educational Series.
- A Dictionary of Business and Management*. 2009. 5th ed. London: Oxford University Press.
- Downes, John, and Jordan Elliott Goodman. 2006. *Dictionary of Finance and Investment Terms*. New York: Barron's Educational Series.
- EBSCO Business Source*. Subscription available at [www.ebscohost.com](http://www.ebscohost.com).
- Factiva*. Available: <http://factiva.com>.
- Friedman, Jack P. 2007. *Dictionary of Business Terms*. New York: Barron's Educational Series.
- Hoover's Handbook of American Business*. 2009. Austin, TX: Hoover's Business Press.
- Hoover's Handbook of Emerging Companies*. 2010. Austin, TX: Hoover's Business Press.
- Hoover's Handbook of Industry Profiles*. 2010. Austin, TX: Hoover's Business Press.
- Hoover's Handbook of Private Companies*. 2010. Austin, TX: Hoover's Business Press.
- Hoover's Handbook of World Business*. 2010. Austin, TX: Hoover's Business Press.
- Imber, Jane, and Betsy-Ann Toffler. 2008. *Dictionary of Marketing Terms*. New York: Barron's Educational Series.
- LexisNexis Corporate Affiliations*. 2010. New Providence, NJ: LexisNexis Group.
- Market Share Reporter*. 2010. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning.
- Mergent Online*. Available: [www.mergentonline.com](http://www.mergentonline.com).
- Mergent's Bond Record*. 1999-(monthly). New York: Mergent FIS.
- Standard & Poor's Register of Corporations, Directors and Executives*. 2008. New York: McGraw-Hill.
- TheStreet.com Ratings Guides*. 2010. Millerton, NY: Grey House Publishing.
- Thomas Register of American Manufacturers*. Available: [www.thomaspublishing.com](http://www.thomaspublishing.com).
- Value Line*. Available: [www.valueline.com](http://www.valueline.com).
- Value Line Investment Survey*. 1995-(weekly). New York: Value Line Publications.

## Recommendations for Further Reading

- American Library Association, Reference and User Services Association, Business Reference and Services Section. 2001. *Guidelines for Medical, Legal, and Business Responses*. Available: <http://tinyurl.com/9ne6mm>. A clear set of guidelines prepared for both specialist and non-specialist reference librarians in dealing with issues on the role of staff, the currency and accuracy of sources, and the special care required for off-site users in need of medical, legal, or business questions.

- Ambrogi, Robert J. 2004. *The Essential Guide to the Best (and Worst) Legal Sites on the Web*. New York: ALM Publishing. The author, who introduced «legal.online», a syndicated column in 1995, has organized relevant legal Web sites into major practice areas. Each site is also rated along a five-star rating system that covers utility, design, content, accessibility and innovativeness. Although the book has yet to see a third edition, the author continues to cover new legal Web sites, blogs, commentary, and legal resources at [www.legalline.com/lawsites.html](http://www.legalline.com/lawsites.html).
- Bookman, Jo Anne, and Fred W. Roper, eds. 2008. *Introduction to Reference Sources in the Health Sciences*. 5th ed. New York: Neal-Schuman Publishers. A comprehensive collection of health resources, the fifth edition of this book continues to pinpoint the major bibliographic and informational sources relevant to health reference collections. Print, electronic, and online formats are all included.
- Carey, Benedict. 2008. «Psychiatry's Struggle to Revise the Book of Human Troubles». *The New York Times* (December 18): 1, A27. A fascinating article that highlights the sensitive nature of medical publications and information. The proposed publication of the DSM-V in or around 2012 has already fomented heated battles over what should and should not be included, since «the manual is both a medical guidebook and a cultural institution» that provides insurance companies with reimbursement codes.
- The Directory of Business Information Resources, 2008*. 2008. New York: Grey House Publishing. A useful overview of the 'most relevant business newsletters, trade shows, special associations, trade journals and magazines, industry-specific databases, directories, and Web sites for almost 100 broadly grouped industries.
- Encyclopedia of Business Information Sources*. 2008. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning. The twenty-fourth edition of this book is a dense compilation of an unusually broad spectrum of print, electronic, and online business resources arranged by subject. Within each subject, types of resources such as indexes, directories, almanacs, and databases are listed with a brief description and complete contact information.
- Jankowski, Terry Ann. 2008. *The MLA Essential Guide to Becoming an Expert Searcher: Proven Techniques, Strategies, and Tips for Finding Health Information*. New York: Neal-Schuman. The difference between «Googling» a health topic and diving deep into a database is highlighted in this thorough treatise on search strategies and database construction. Specific health databases are discussed and a list of thirty exercises for becoming a skilled health information specialist is provided.
- Medical and Health Care Books and Serials in Print*. 2008. New York: Bowker. An extensive listing of over 115,000 books and nearly 24,000 serials related to the health and biomedical field. The two-volume set can be searched by subject and title as well as by author and publisher. It is a useful resource to consult for updates in a field where currency is of paramount value.
- Moss, Rita W. 2004. *Strauss's Handbook of Business Information*. Westport, CT: Libraries Unlimited. A clear and well-organized handbook describing business reference sources and formats. It also covers the tricky area of loose-leaf services.

- Spatz, Michelle. 2008. *Answering Consumer Health Questions*. New York: Neal-Schuman. Recognizing the delicate nature of health reference, Spatz provides interesting scripts and strategies that can be employed for common health inquiries. Both in-person and virtual reference are taken into account when establishing guidelines for confidential inquiries.
- Wood, Sandra, ed. 2008. *Introduction to Health Sciences Librarianship*. New York: Routledge. A wide, informative net is cast over the length and breadth of health resources, services, libraries, and information in original ways that include screen captures and «A Day in the Life of...» accounts of the health reference librarian.
- Worley, Loyita. 2006. *BIALL Handbook of Legal Information Management*. Burlington, VT: Ashgate Publishing Company. Though applied to the laws of the United Kingdom, this is an authoritative handbook on critical aspects of law librarianship applicable to all information providers. Search techniques and organization of legal resources along with chapters on the practical management and training of staff in ongoing legal research and ethics, combine to provide a compelling focus on legal information services as a whole.

## Bibliography of Works Cited in This Chapter

---

- «Accessing Legal and Regulatory Information in Internet Resources and Documents». 2006. *Journal of Library Administration* 44, no. 1/2: 263–324.
- American Library Association, Reference and User Services Association, Business Reference and Services Section. 2001. *Guidelines for Medical, Legal, and Business Responses*. Available: <http://tinyurl.com/9ne6mm>.
- American Reference Books Annual*. 2008. Westport, CT: Libraries Unlimited. Also available: [www.arbaonline.com](http://www.arbaonline.com).
- Cohen, Morris, and Kent C. Olson. *Legal Research in a Nutshell*. 2003. Eagan, MN: Thomson West.
- Directory of Special Libraries and Information Centers*. 2011. Vols. 1 and 2. 39th ed. Farmington Hills, MI: Gale Cengage Learning.
- Ebbinghouse, Carol. 2008. «The New Surge of Open Legal Information on the Internet». *Searcher* 16, no. 6 (June 1): 8–16.
- Fox, Susannah. 2008. «The Engaged E-Patient Population». *Pew Internet and American Life Project—Reports: Health* (August 26).
- Goodman, Lisa A. 2008. «Legal Ethics Is Not a Laughing Matter». *AALL Spectrum* 13, no. 1 (September 1): 32–33.
- Habermann, Julia. 2005. «Weblogs as a Source of Business News and Information». *Online* 29, no. 5 (September/October): 35–37.
- «Health and Medical Resources: Information for the Consumer». 2006. *Journal of Library Administration* 44, no. 1/2: 395–428.
- Ketchum, A. M. 2005. «Consumer Health Information Websites: A Survey of Design Elements Found in Sites Developed in Academic Environments». *Journal of the Medical Library Association* 93, no. 4 (October): 496–499.
- Larson, Sonja, and John Bourdeau. 1997. *Legal Research for Beginners*. New York: Barron's Educational Series.

- Lavin, Michael, R. 1992. *Business Information: How to Find It, How to Use It*. Phoenix, AZ: Oryx Press.
- Moulton, Sara E. 2008. «Response to a Consumer Health Query». *Journal of Consumer Health on the Internet* 12, no. 3 (July 1): 237–249.
- Ojala, Marydee. 2006. «The New Life Cycle of Business Information». *Online* 30, no. 1 (January/February): 48–50.
- «Outstanding Business Reference Sources: The 2007 Selection of Recent Titles». 2007. *Reference & User Services Quarterly* 47, no. 2 (Winter): 132–136.
- Pettinato, Tammy R. 2008. «Dealing with Pro Se Patrons». *Public Services Quarterly* 4, no. 3 (October 1): 283–289.
- Ross, Celia. 2008. «Keeping Up with Business Reference». *Journal of Business & Finance Librarianship* 13, no. 3 (January 1): 363–370.
- Scarr, Carrie. 2008. «Business/Economics». *Library Journal (Reference Supplement)* 133 (November 15): 32–34.
- Ware, Leslie, and editors of *Consumer Reports*. 2002. *Selling It*. New York: W. W. Norton & Co.
- Welch, Jeanie M. 2005. «Silent Partners: Public Libraries and Their Services to Small Businesses and Entrepreneurs». *Public Libraries* 44, no. 5 (September/October): 282–286.
- Whisner, Mary. 2006. *Practicing Reference: Thoughts for Librarians and Legal Researchers*. Buffalo, NY: William S. Hein and Co.

#### Фойдаланиш учун тавсия қилинадиган бепул веб-сайтлар

##### Саломатлик соҳаси

- British Medical Journal* — ҳам босма, ҳам бепул онлайн манба бўлиб, кенг қўламли турфа маълумотларни қамраб олади. Нашрнинг веб-сайти кундалик тарзда янгиланади. Манзил: [www.bmj.com](http://www.bmj.com).
- Healthfinder* — АҚШ Миллий саломатлик ахборот маркази ҳомийлигидаги сайт ўз маълумотларини 1600 номдаги давлат ва ногижорат ташкилотларидан олиб, саломатлик соҳасига бағишланган оммабоп мавзуларни ёритиб боради. Манзил: [www.healthfinder.gov](http://www.healthfinder.gov).
- MedlinePlus* — дунёдаги энг йирик биотибиёт кутубхонаси бўлган АҚШ Миллий тиббиёт кутубхонаси мазкур бепул веб-сайтра *MedlinePlus* маълумот базасидан фойдаланиш имкониятини тақдим этган. Манзил: [www.nlm.nih.gov](http://www.nlm.nih.gov).
- Mondofacto* — тиббиёт соҳасига алоқадор атамалар луғати бўлиб, турли қўшимча маълумотлар, жумладан ибора ва атамаларнинг келиб чиқиш тарихини ҳам ўзида акс эттиради.
- WebMD* — ўз саломатлигини бошқариб борувчиларга керакли ва ишончли маълумотни етказиб берувчи сайт. Манзил: [www.webmd.com](http://www.webmd.com).

##### Юридик соҳа

- American Law Source Online (ALSO)* — АҚШ, Мексика ва Канададаги бепул юридик ахборот манбаларининг ҳаволаларини беради. Манзил: <http://lawsources.com/also>.
- FindLaw* — анча оммабоп, фойдаланиш учун қўлай бўлган веб-сайт турли юридик маълумотларни акс эттиради. Манзил: [www.findlaw.com](http://www.findlaw.com).
- Glin* — мазкур сайт кенг қўламли маълумот базаси бўлиб, ундан турли мамлакатлар юридик ҳужжатлари ва адабиётларини бепул равишда топиш мумкин. Манзил: [www.glin.com](http://www.glin.com)
- Hieros Gamos* — ахборотга бой юридик маълумотнома бўлиб, унда бутун дунёдан йиғилган янгиликлар, хабарномалар, қўлланма ва маълумотномалар ўрин олган. Манзил: <http://hg.org>.
- THOMAS* — АҚШ федерал қонунчилиги, қонун ҳужжатлари, қарорлар, қўмиталар маълумотлари, конгресс баёнлари, шартномалар ва шу каби маълумотларни қамраб олган сайт. Манзил: <http://thomas.loc.gov>.



**Бизнес соҳаси**


**Big Charts** — хусусий инвестиция масалаларига бағишланган сайт бўлиб, ундан бозордаги жараёнлар шарҳи ва саноат таҳлилини топиш мумкин. Сайтдан 1985 йилдан буён қимматбаҳо қоғозлар бозорида қайд этилган нархлар ҳақидаги архивни топиш мумкин. Манзил: <http://bigcharts.marketwatch.com>.

**АҚШ ҳукумати Тижорат департаменти** сайти бизнес соҳасида фаолият юритувчилар учун муҳим бўлган ҳукумат органлари ҳақидаги маълумотларни ўзида бирлаштирган. Манзил: [www.commerce.gov](http://www.commerce.gov).

**IRS** — АҚШдаги даромад солиғи бўйича маълумотларни акс эттирувчи мазкур сайтнинг аҳамияти апрель ойида айниқса ортади. Компьютерга юклаб олиш мумкин бўлган анкеталар, турли хилдаги электрон нашрлар, солиққа оид маълумотлар мана шу сайтда акс этган. Манзил: [www.irs.ustreas.gov](http://www.irs.ustreas.gov).

**THOMASNET**. Мазкур бепул онлайн манбада Шимолий Америкадаги 607 мингдан зиёд саноат корхонаси ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилган (02.05.2011 йил маълумоти). Айни пайтда мазкур компания ўзининг *The Thomas Register* деб номланган босма нашрини чоп этишни тўхтатган. Манзил: [www.thomasnet.com](http://www.thomasnet.com).

**Yahoo Finance** — хусусий инвестор учун мўлжалланган ҳар томонлама кенг қўламли сайт. Yahoo Financeдаги кўрсаткичлар автоматик тарзда янгиланиб борилади. Сайтдан хусусий молия (пенсия ва солиқлар) ва инвестиция (облигациялар ва валюта) йўналишларига бағишланган бўлимлар жой олган. Манзил: <http://finance.yahoo.com>.



# 10

География, мамлакатлар ва саёҳат соҳаларига оид саволларга жавоб бериш — атласлар, географик маълумотномалар, хариталар, географик ахборот тизимлари, йўлномалар

## Қисқача шарҳ

География турли соҳаларни қамраб олувчи йўналиш бўлиб, ер ҳақидаги фанлар (физика географияси) ва ижтимоий фанларни (гуманитар география) ўрганиш билан шуғулланади. Бугун география «жой, макон ва атроф-муҳитни тадқиқ қилиш орқали ер билан одамлар ўртасидаги муносабатларни ўрганади. Географлар «қаерда?», «нима?», «қандай?» ва «нимага?» каби саволларнинг маъносини чақишга ҳаракат қилади» (Анвин, 1992: 13). «Турли қизиқишларга эга бўлган одамлар ер ва макон инсон фаолиятига қандай таъсир ўтказиши, турли жойларнинг бир-бири билан боғлиқлиги, ана ўша боғлиқлик турли жойлар ўртасида ҳаракат қилишга нақадар хизмат қилиши ёки бир жойдаги воқеа бошқа жойдаги воқеага қанчалик таъсир ўтказиши мумкинлигини ўрганишга бўлган қизиқиши асосида бирлашади» (Жонсон, 2003:1).

Инсон фаолияти борган сари глобал миқёсга чиқаётган бир пайтда географик ахборотнинг муҳимлиги ортиб, ўзимиз яшаб турган дунё ҳақида кўпроқ билиш имконини бераётгани сир эмас. Географик манбалар томонидан берилаётган ахборот қизиқарли ва кенг қўламли бўлиб, у ҳам босма, ҳам электрон форматларни қамраб олади. Географик манбалар ахборотни матн кўринишида турли йўлнома ва бошқа босма манбалар орқали етказиб берса, хариталар маълумотни тасвир орқали етказилади. Гарчи географик маълумотни бошқа ахборот манбалари орқали ҳам олишнинг иложи бўлса-да, мазкур соҳага ихтисослашувчи манбалар аниқ ва тўғри ахборот беради. Масалан, атлас орқали фойдаланувчи нафақат мамлакат ёки шаҳарнинг жойлашуви, балки у жойлашган маконнинг географик кенглиги ва узунлиги, унинг бошқа географик бирликлар билан алоқасини билиб олиш мумкин.

## Географик ахборотдан қандай фойдаланилади?

Географик ахборот манбалари бир қатор саволларга жавоб топишда қўл келади. Биринчидан, улар шаҳарлар, дарёлар, тоғлар, мамлакатлар, қитъалар ва ҳоказоларнинг жойлашувини аниқлаш учун ишлатилади. Географик манбалар

фойдаланувчиларга турли мамлакатлар ва қитъалар ўртасидаги боғлиқликни тасаввур қилиш имконини беради. Улар нафақат чегараларни кўрсатади, балки муайян ер қисмининг тузилишини — ундаги тоғлар, водийлар, дарёлар, чўллари ҳам намоён этади. Бошқа географик воситалар муайян ҳудуднинг атроф-муҳит, иқлимий ёки экологик омилларини намоён этадики, шу орқали биз мазкур омиллар ҳудудга қандай таъсир кўрсатиши, унинг, жумладан, кишлоқ ҳўжалиги борасидаги имкониятлари қандай эканини билиб олишимиз мумкин бўлади. Географик манбалар ҳам ўтмиш, ҳам ҳозирги кунга алоқадор бўлиши мумкин. Масалан, тарихий харита ва атласлар давлаглар чегаралари қандай ўзгариб бурганини намоиш этиб, ўқувчи муайян мамлакат ҳудудида қандай воқеалар юз бергани ва улар тарихга қандай таъсир ўтказганини тасаввур қилиш имкониятига эга бўлади. Кўплаб атласлар бошқа турдош маълумотларни қамраб олишини ҳисобга оладиган бўлсак, фойдаланувчилар демография ва аҳолининг ўсиб бориш тенденциялари ҳақидаги маълумотларни ҳам билиб олиши мумкин.

### Географик манбалар жавоб берувчи саволлар намуналари

Савол: Австрияни қайси давлатлар ўраб туради?

Жавоб: Бу саволга Австриянинг атласдаги замонавий харитасини ўрганиш орқали жавоб олиш мумкин.

Савол: Бирма деб номланган давлатнинг ҳозирги номи нима?

Жавоб: Бу саволга *Courmbia Gazetteer of the World Online* деб номланувчи йўлнома орқали жавоб топиш мумкин.

Савол: Работ шаҳри қаерда жойлашган?

Жавоб: Яхши каталог кўрсаткичли атлас ёхуд йўлнома мазкур саволга жавоб топиш учун яхши манба бўлиб хизмат қилади. Работ, бу — Марокаш деб номланувчи давлатдаги шаҳар.

Савол: 1848 йилда Европа давлатларининг чегаралари қандай қўринишда бўлган?

Жавоб: Бу саволга жавоб топиш учун «*Шепарднинг тарихий атласи*» (*Shepherd's Historical Atlas*)га мурожаат қилиш лозим.

### Маълумот бериш ишида фойдаланилувчи асосий ахборот манбалари

Географик ахборот манбалари кўплаб форматларда мавжуд бўлиб, улар орасида йўлномалар алоҳида аҳамият касб этади. Географик маълумотномалар матн асосидаги маълумот манбаи ҳисобланиб, географик жойлар ва уларнинг хусусиятларини акс эттиради. Алифбо тартибидаги маълумотлар шаҳар ёки тоғ тизмасининг жойлашуви ва улар билан боғлиқ бошқа фактларни имкон қадар тўлиқ ва аниқ ёритиб беради.

Географик маълумотномалардан фарқли равишда, хариталар дунёни тасаввур қилишга ёрдам беради. Улар улкан ҳажмли ахборотни қамраб олиб,

тушуниш осон бўлган форматда тақдим эта ди (Либен, 2008). Хариталарнинг энг кенг тарқалган тури — йўналиш ва кўча хариталари бўлиб, уларда кўчалар ва асосий автомобиль йўллари кўрсатиб ўтиладики, натижада фойдаланувчи бир жойдан иккинчи жойга боришнинг энг қулай йўналишини танлаш имконига эга бўлади. Топографик хари талар ер хусусиятларини ранглар орқали акс эттириб, фойдаланувчи мамлакатлар, йирик шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқларнинг чегараларини фарқлаш имконини беради. Тематик хариталар, одатда, тор миқёсдаги мавзуларга алоқадор бўлиб, дин, ирқий хилма-хиллик, тарих ва ҳоказо мавзуларни ёритади. Бунда улар хариталарнинг визуал форматидан ахборотни етказиш учун фойдаланади.

Ахборот технологияларининг ривожини картография соҳасига янги имкониятларни олиб кирди. Шундай бўлса-да, одамзод ҳали-бери қоғозли хариталардан воз кечиши ҳақида гап кетаётгани йўқ. Гарчи, ахборот технологиялари йўналишни топиш, жой номини аниқлаш, хариталарни электрон форматга ўтказиш имкониятларига эга бўлган интерактив хариталарни яратишга йўл очган бўлса-да, қоғозли хариталар ҳали-ҳануз бир қатор афзалликлари билан ажралиб туради. Компьютер экранига чиқувчи хариталар компьютер экранининг тасвири акс эттириш борасидаги имконияти руҳсатномаси билан чегараланади.

Қоғоз хариталар эса фойдаланувчига маълумотларни компьютер экранидан кўра кенгроқ ўрганиш имкониятини беради (Эшворс, 2003: 56). Йўналиш ва кўча хариталари электрон форматда айниқса фойдали. Mapquest.com ва Google Maps (<http://maps.google.com>) каби харита маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари фойдаланувчига йўлнинг бошланиши ва манзилни киритиш орқали йўналишни белгилаб олиш имкониятини беради. Шу билан бир қаторда мазкур дастурлар фойдаланувчига харитага муайян манзилни киритиш орқали ана ўша ҳудуд харитаси билан танишиш имконини беради. Айрим йирик шаҳарларда HopStop.com каби сайтлар яратилиб, фойдаланувчилар улар орқали ўзига керак бўлган манзилга пиёда ёки жамоат транспорти воситасида етиб бориш усулларини билиб олиши мумкин.

Атлас, бу — битта мавзу билан бирлаштирилган хариталар тўплами. Атласлар муайян мамлакат ёки қитъага алоқадор бўлган хариталар тўпламини бирлаштириб, маълумотни ҳам умумий, ҳам тор кўламда, яъни штат, вилоят, шаҳар кўринишида ёки бутун сайёра миқёсида акс эттириши мумкин. Атласлар фақат харита билан чекланиб қолмасдан, кўпинча турли қўшимча географик маълумотлар, масалан, аҳоли, атроф-муҳит, мамлакатлар тўғрисидаги статистик маълумотларни деталлашган каталог кўрсаткичи ёрдамида тақдим қилиши мумкин. Шу ўринда тарихий хариталар тўпламларини ҳам айтиб ўтиш мумкин бўлиб, улар давлатлар сиёсий чегараларининг ўзгариб боришини акс эттиради. Муайян мавзуга бағишланган атласлар, мавзунинг бирор жиҳати, масалан, тарихий жараёнларнинг айрим омилларини ёритиш борасида анча қўл келиши мумкин. Хариталарнинг учинчи тури, бу — глобус. Глобуслар турли қитъалар ва ер массалари ўртасидаги боғлиқликни кўриш ва ернинг қандай тузилишга эга экани борасидаги тасавурларни аниқлаштириш имконини беради. Глобуслардаги географик маълумот чуқур даражада деталлашган эмас.

Йўлномалар географик ахборотнинг яна бир манбаидир. Йўлномалар кўплаб кўринишга эга бўлиб, уларнинг айримларида кўриш учун арзигулик жой-

лар, ресторан ва меҳмонхоналар санаб ўтилади, холос. Бошқа турдаги йўлномалар эса муайян шаҳар ёки давлат ҳақида деталлашган маълумотни акс эттириб, хариталар, шаҳар ёки давлат тарихи ва маданияти ҳақидаги маълумотларни, тарихий жойларнинг тавсифларини ҳам таклиф қилади.

## Географик маълумотномалар ва луғатлар

«Географик маълумотнома, бу — жой номларининг алифбо тартибидаги рўйхати бўлиб, у орқали номлар билан боғлиқ бўлган жойларни аниқлаш мумкин» (Жонсон, 2003: 49). Кўпинча, фойдаланувчиларга харита ўрнига муайян шаҳар, дарё ёки тоғ жойлашган жой ҳақида маълумот керак бўлади. Бу турдаги маълумотни топиш учун кутубхоначи географик маълумотнома ёки луғатга мурожаат қилиши мумкин.

«Колумбия жаҳон географик маълумотномаси» (*Columbia Gazetteer of the World*) кутубхоначилар учун стандарт манба бўлиб, унинг уч жилдига 170 мингдан зиёд қайд киритилган. Улар орасида дунё миқёсидаги географик жойлар, жумладан, давлатлар, шаҳарлар, қўллар ва тоғлар бор бўлиб, 2000 йилгача бўлган аҳоли кўрсаткичлари айтиб ўтилган.

Нашрнинг онлайн кўриниши [www.columbiagazetteer.org](http://www.columbiagazetteer.org) манзилида жойлашган. Ундан обуна асосида фойдаланиш мумкин.

«Мерриэм-Вэбстернинг географик луғати»нинг (*Merriam-Webster's Geographical Dictionary*) учинчи таҳрири бир жилдли географик маълумотнома бўлиб, кенг қўламли географик манбаларга эҳтиёж сезмайдиган кутубхоналар учун айниқса қўл келади. Манбадан 54 мингдан зиёд қисқа қайд жой олиб, уларга иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларга оид маълумотлар билан бир қаторда 250 та оқ-қора кўринишдаги харита ҳам илова қилинган. Маълумотномага давлатлар, шаҳарлар, табиий хусусиятлар ва тарихий жойлар киритилган.

«Геттининг географик номлар онлайн тезауруси» (*Getty Thesaurus of Geographic Names*) [www.getty.edu/research/tools/vocabulary/tgn](http://www.getty.edu/research/tools/vocabulary/tgn) манзилида жойлашиб, Гетти тадқиқот институти томонидан яратилган бепул онлайн географик маълумотнома ҳисобланади. Манбага деярли бир миллионга яқин жой номи киритилиб, уларнинг турли тиллардаги вариантлари ва тарихи борасидаги маълумотлар қўшимча тарзда берилади. Ҳар бир жойнинг географик узунлиги ва кенглиги ҳамда географик тушунчалар иерархиясидаги ўрни борасидаги маълумотлар ҳам бериб ўтилган.

«Географик номлар ахборот тизими» (*Geographic Names Information System*) <http://geonames.usgs.gov/> манзилида жойлашиб, жой номларининг тўғрилигини тасдиқлаб олиш имконини беради. Унга АҚШ ва унинг ҳудудлари ва Антарктикадаги икки миллиондан зиёд жисмоний ва маданий жой номлари киритилган. Манба АҚШ Географик номлар кенгаши билан ҳамкорликда яратилган. Фойдаланувчилар шаҳарлар, дарёлар, водийлар, аэропортлар, мактаблар ва ҳоказоларнинг номларини топиши мумкин. Масалан, бирор шаҳарнинг номини қидириш орқали фойдаланувчи унинг денгиз сатҳидан баландлиги, аҳолиси, тарихи, географик кенглиги ва узунлигини билиб олади.

NGA GEOnet Names Server — <http://earth-info-nga.mil/gns/html/index.html> манзилида жойлашган маълумот ба заси. Унга хориждаги 5,5 миллионта географик жой номи киритилган. Манба АҚШ Миллий геомакон разведка

агентлиги томонидан яратилган. У хориждаги барча географик жойлар ва номлар ҳақидаги расмий маълумот манбаидир.

АҚШ аҳолини рўйхатга олиш бюросининг U.S. Gazetteer географик маълумотномаси [www.census.gov/geo/www/gazetteer/gazette.html](http://www.census.gov/geo/www/gazetteer/gazette.html) манзилида жойлашган. У АҚШдаги барча шаҳарлар, графликлар ва улардаги туманларнинг деталлашган хариталарини ўз ичига олган. Фойдаланувчи ўзига керакли ахборотни жой номи ёки почта манзили асосида излаши мумкин. Манбага 1990 ва 2000 йилги аҳолини рўйхатга олиш натижалари киритилган.

«Канаданинг географик номлари» (*Geographical Names of Canada*) [http://geonames.nrcan.gc.ca/index\\_e.php](http://geonames.nrcan.gc.ca/index_e.php) манзилида жойлашган онлайн манба бўлиб, у Канададаги географик жой номларини текшириб олиш учун мўлжалланган.

«Ворлдмарк халқлар энциклопедияси» (*Worldmark Encyclopedia of the Nations*) ҳам онлайн манба бўлиб, 200 дан ортиқ мамлакат ва ҳудудлар борасидаги анча қулай манба ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатга алоқадор деталлашган маълумот билан бир қаторда, миллий йўлбошчиларга бағишланган библиографик эсселар ҳам ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола қилинади.

## Харита ва атласлар

Картография узоқ тарихга эга. Қадим замонларда Бобил аҳолиси хариталарни лой пештахталарда тасвирлашни йўлга қўйган. Грецияликлар ҳам илк картографлардан ҳисобланади. Птолемей яратган хариталар 1482 йилда унинг «География» деб номланган асари латин тилида чоп этилган пайтда ҳали ҳам фойдаланилаётган эди. Америка қитъасининг европаликлар томонидан очилиши ва Африка ҳамда Осиё мамлакатларининг чуқур ўрганилиши Птолемей хариталарининг аҳамиятини бирмунча пасайтирди. XVI аср давомида бутун Европа олимлари Птолемей хариталарига янги-янги маълумот қўшиб, унинг харитасини тўғрилаб, тўлдириб борган. Ана ўша харита яратувчилар орасида нидерландиялик икки олим — Абрахам Ортелиус ва Жерард Меркатор бўлган. Нашр қилиш ускунасининг ихтиро этилиши ана шу изланишлар билан бир пайтга тўғри келиб, энди хариталарни яратиш ва тарқатиш жараёни бирмунча осонлашди. «Ҳукуматлар хариталардан нафақат ўзга мамлакатларни ишғол қилиш ва иқтисодий эксплуатация, балки ўз давлатида назоратни кучайтириш ва миллий мудофаа тизимини тақомиллаштириш мақсадларида фойдалана бошлаган» ([info.maphistory.info](http://info.maphistory.info)).

## Асосий дунё атласлари

Booklist компанияси томонидан «атласлар сардори» деб ном берилган «Таймс тўлиқ дунё атласи» (*Times Comprehensive Atlas of the World*) айни пайтда мавжуд атласлар орасидаги энг юқори сифатлисидир. Хариталар шотландиялик Жон Бартоломей Эдинбург томонидан яратилган. Атлас электрон кўринишда яратилган бўлиб, унинг ранглари осон фарқланувчи бўлиб, гарнитураси ҳам ўқиш учун жуда қулай. Атласда дунёнинг барча қисмлари тенг равишда қамраб олинган бўлиб, ҳар бир қитъанинг камидан ўнта харитаси берилган. Муайян мавзуларга ихтисослашган дунё хариталари ҳам берилган бўлиб, атлас ичига, жумладан, иқлим, аҳоли, энергия ва минерал захи-

раларга бағишланган хариталар ҳам киритилган. Атласда деталларга катта эътибор қаратилган бўлиб, ундаги белгилар ҳам осон ўқилади. Унинг каталог кўрсаткичи 200 мингта жой номини, уларнинг географик кенглиги ва узоқлигини кўрсатиб ўтган бўлиб, бу хусусияти билан у географик маълумотномага ўхшаб кетади. Айни пайтда атласда шаҳарларнинг харитаси йўқлиги унинг асосий камчилиги ҳисобланади.

«*Нэшнл Жеографикнинг дунё атласи*» (*National Geographic Atlas of the World*) гарчи Таймс атласидан кўра бирмунча кичикроқ, камроқ саҳифали, камроқ сонли хариталар ва каталог қайдларидан иборат бўлса-да, анча юқори сифатли манба саналади, ундаги АҚШ хариталари айникса диққатга сазовор. У барча қитъалардаги йирик шаҳарларнинг хариталарини таклиф қилиб, АҚШ шаҳарларининг хариталари улар орасида энг кўп сонлисидир. Айни пайтда манба тўлиқ янгиланган бўлиб, сиёсат ва табиатда рўй берган ўзгаришларни акс эттирган. Ихтисослашган дунё хариталари тўплами иқлим, биологик турфа хиллик, иқтисодиёт ва бошқа мавзулар ҳақидаги маълумотларни акс эттиради. Босма шаклдаги атлас эгалари махсус веб-сайтдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиб, ундан янгиланган маълумотларни олади.

«*Оксфорднинг тўлиқ дунё атласи*» (*Oxford Comprehensive Atlas of the World*) яқин орада давлатлар чегараларида рўй берган ўзгаришларни акс эттиради. Атласнинг 290 саҳифаси хариталар ва 56 саҳифаси дунё географиясининг турли жиҳатлари, жумладан, иқлим ўзгариши, биологик турфа хиллик ва глобал исиш каби масалаларга бағишланган.

«*ДК камта дунё атласи*» (*DK Great World Atlas*) 370 та харита, 320 та сунъий йўлдошдан олинган сурат ва 750 та рангли сурат, шунингдек, sanoat хариталари, коммуникация хариталари, қишлоқ хўжалиги хариталари, табиий захиралар хариталарини қамраб олган. Манбадан дунё давлатларининг рўйхати ҳам жой олган бўлиб, мамлакатлар ҳақидаги асосий маълумотлар ҳам бериб ўтилган. Атлас фойдаланиш учун жуда қулай бўлиб, ҳар бир саҳифанинг дизайни жуда ҳам юқори савияда бажарилган.

Атлас нашр этувчи компанияларнинг кўпчилиги турли ҳажм ва нархдаги атласлар тўпламларини таклиф этади.

### Ўрта ҳажмли атласлар

Гарчи ҳеч қайси атлас сифат ва қўлам жиҳатидан «*Таймс тўлиқ дунё атласи*» билан тенглаша олмаса-да, кўпчилик ўрта ҳажмли атласлар ҳам анча кенг қўламли, ҳамёнбоп ва кутубхона учун жуда фойдали манба ҳисобланади.

«*Таймснинг қисқартирилган дунё атласи*» (*Times Concise Atlas of the World*) кичикроқ ҳажмдаги атлас бўлиб, Бартоломей хариталари, 200 мингта жой номининг деталлашган каталог кўрсаткичи, дунё мамлакатлари рўйхати ва улар ҳақидаги қисқа маълумотлар, давлат байроғининг суратини акс эттиради. Шаҳарлар хариталари давлатга бағишланган саҳифага илова сифатида берилади.

«*Хаммонднинг дунё атласи*» (*Hammond World Atlas*) Хаммонд атласлари тўпламига кирган манбалардан бири. Мазкур ўрта ҳажмли атласнинг янги наشري 200 дан зиёд рақамли форматдаги хариталар, қуёш системасидан тортиб, глобал исиш каби мавзуларни қамраб олган 64 саҳифали «Тематик бўлим» ва 45 саҳифада иборат «сунъий йўлдошдан олинган суратлар бў-



лими»дан иборат. Каталог кўрсаткичи 110 минг қайдни акс эттиради. Турли минтақаларга бағишланган хариталарга илова сифатида катта шаҳарлар хариталари берилади. Ҳар бир бўлимдан аввал муайян қитъа тўғрисида қисқача шарҳ бериб ўтилади. Атласнинг ягона камчилиги шуки, у АҚШдан бошқа мамлакатларни бироз тор кўламда ёритади. Умуман олганда эса, у ўз ҳажми ва нархи учун ажойиб манба ҳисобланади.

«*Оксфорднинг дунё атласи*» (*Oxford Atlas of the World*) ҳар йили янгилашиб, унга компьютер ёрдамида яратилган 179 саҳифадан иборат хариталар ва 83 минг дона каталог кўрсаткичи киритилган. Атласнинг асосий қисми қитъалар хариталарига бағишланиб, улар орасида физик хариталар, сиёсий хариталар ҳамда муайян минтақалар хариталари бор. Манбанинг 31 саҳифаси 69 та шаҳар худуди харитасини акс эттирган. Ўттиз икки саҳифадан иборат географик маълумотнома тайёр фактли ахборотни таклиф қилиб, у алифбо тартибида тузилган ва мамлакатлар ҳақидаги асосий маълумотлар ҳамда байроқларнинг сура тларини акс эттиради.

«*Ҳарпер Коллинзнинг янги дунё атласи*» (*HarperCollins New World Atlas*) Бартоломей хариталаридан ташкил топган. Мазкур манба атлас яратишнинг янгича усулини таклиф қилиб, унга ҳар бир қитъага бағишланган, жумладан, давлатлар, атроф-муҳит ва ҳоказо масалаларга оид ихтисослашган хариталар ҳамда қитъанинг барча қисмларини қамраб олувчи физик ва сиёсий хариталар киритилган. Саксон мингта жой номининг каталог кўрсаткичи айниқса фойдали.

Дорлинг Киндерсли компанияси томонидан яратилган «*Саёҳатчи атласи*» (*Traveler's Atlas*) дунёнинг ҳар бир қисмига бағишланган физик хариталарни таклиф қилиб, муайян мамлакатда мавжуд бўлган шаҳарлар рўйхати ва уларда қўришга арзигулик жойлар ҳақидаги маълумотларни акс эттиради. Ҳар бир қитъага бағишланган кириш маълумоти қитъанинг иқлими, транспорт тизими, унда мавжуд бўлган тиллар, ҳаёт даражасини акс эттирувчи хариталар билан тўлдирилган.

## Маълумотнома ва талабалар учун мўлжалланган хариталар

Нашриётлар томонидан кичикроқ ҳажмдаги атласлар ҳам чоп этилади. Гарчи улар катта атласлардек кенг қамровли бўлмаса-да, лекин талабалар учун анча фойдали. «*Гуденинг дунё атласи*» (*Goode's World Atlas*) кичик ҳажмли ажойиб атласлардан бири бўлиб, унга дунё тематик хариталари, физик ва сиёсий хариталар, минтақа хариталари, тектоник пластлар бўлими, каталог кўрсаткичлари ва географик жадваллар киритилган. У фойдаланиш учун жуда қўл келувчи манба ҳисобланади. Унга қўшимча равишда, шунингдек, «*Оксфорднинг асосий дунё атласи*» (*Oxford Essential World Atlas*) ва «*Нэшнл Жеографикнинг қисқа дунё атласи*» (*National Geographic Concise Atlas of the World*) каби манбалар ҳам анча фойдали ҳисобланади.

Айрим атласлар болалар учун махсус яратилади. «*Нэшнл Жеографикнинг ёш ихтирочилар учун мўлжалланган дунё атласи*» (*National Geographic World Atlas for Young Explorers*) 25 та ихтисослашган харитани таклиф қилади. Атласга киритилган хариталарнинг сифати юқори бўлиб, улар фойдаланиш учун анча қулай. Бундан ташқари, давлатлар байроқлари, мамлакат ҳақидаги асосий маълумотлар, уларнинг аҳолиси, пойтахти, тили ҳақида-

ги маълумотлар ҳам бериб ўтилган. Манбаининг қизиқ хусусияти шундаки, унинг ўн беш саҳифаси дунё океанларига бағишланган.

### Тарихий хариталар

Хариталар ўтмиш билан бир қаторда ҳозирги замон ҳақида ҳам маълумот бериб, бу маълумотлар мавзу ёки сана бўйича сараланиши мумкин. «*Шепарднинг тарихий атласи*» (*Shepherd's Historical Atlas*), айниқса, Европага алоқадор тарихий хариталарнинг бой манбаидир. Унда асрлар давомида давлатлар чегараларининг ўзгариб бориши акс этган бўлиб, фойдаланувчи уруш ва шартномалар Европанинг кўринишига қандай таъсир ўтказиб борганини тасаввур қилиши ва тушуниб бориши мумкин.

«*Таймсинг жаҳон тарихи*» (*Times History of the World*) Ричард Оври томонидан таҳрир қилинган бўлиб, унинг ўн икки саҳифаси «Жаҳон тарихи хронологияси» билан бошланади. Манба жаҳон тарихининг муносибланишган кўринишини акс эттириб, ундан, шунингдек, ижтимоий тарих ва турли цивилизацияларнинг маданият соҳасида ютуқ ва нагизалари ҳақидаги қизиқарли маълумотлар жой олган.

«*Жаҳон тарихининг қисқа атласи*» (*Concise Atlas of World History*) хариталар тўплами ва ҳар бир давр учун ҳикоялар ҳамда суратларни таклиф қилиб, улар қадимий дунёдан то 2000 йилгача бўлган даврни қамраб олади. Манбадан воқеа-ҳодисалар, одамлар ва жойларнинг алифбо тартибидаги рўйхати ҳам ўрин олган. Атлас ўзининг тасвирий имкониятлари орқали фойдаланувчининг дунё тарихи тўғрисидаги тушунчасини бойитишга хизмат қилади.

«*АҚШнинг тарихий атласи*» (*Historical Atlas of the U.S.*) АҚШ тарихига визуал ёндашувни таклиф қилади. Манбадаги ер, одамлар, чегаралар, иқтисодиёт, тизимлар ва жамиятлар каби тематик бўлимлар бешта хронологик бўлимга — 1400–1606, 1607–1788, 1789–1860 ва 1917–1988 йилларга ажратилган. Атлас АҚШ тарихидаги муҳим даврлар ва матн ҳамда фотосуратларни ҳам ўз ичига олган. Библиография ичидан харита ва тасвирлар манбалари, қўшимча ахборот манбалари ва каталог кўрсаткичи ўрин олган.

«*Канаданинг тарихий атласи*» (*Historical Atlas of Canada*) уч жилддан иборат бўлган, Канада тарихининг турли йўналишларни қамраб олувчи манба ҳисобланади. Унда Канаданинг маҳаллий аҳолиси ва Канададаги европаликлар тарихига оид маълумотлар тўпланган. Манбага киритилган хариталар турли соҳалар, жумладан, аҳоли, ишчи кучи, транспорт тизими, савдо-сотиқ, қишлоқ хўжалиги, балиқчилик каби йўналишларни қамраб олади. Атласдаги маълумотлар аниқ, ўқиб учун қулай харита ва матндан иборат. Атласда индекс кўрсаткичи бўлмаса-да, деталлашган мундарижа бор.

«*Баррингтоннинг қадимий греклар ва римликлар дунёси атласи*» (*Barbington Atlas of the Greek and Roman World*) Уильям Рэнд Кенан томонидан яратилган бўлиб, классик дунёнинг тўлиқ атласидир. Унга милoddан аввалги 1000 йилдан то милодий 640 йилгача бўлган давр ичида қадимий греклар ва римликлар кириб борган барча ҳудудлар тўғрисидаги маълумотлар киритилган. Манбани ўша давр ландшафтини қайта тиклашга қаратилган уриниш деб баҳолаш мумкин.

Дэвид Рамси ва Эдит М. Пунт томонидан яратилган «*Ноанъанавий картография: ўзгартирилган тарихий харита*» (*Cartographics Extraordinaire: The Historical Map Transformed*) географик ахборот тизимлари натижасида ҳатто тарихий хариталар ҳам ўзгариб бораётганини на мойиш этди. Манбада келтириб ўтилган хариталар Рамсининг веб-сайтида [www.davidrumsey.com](http://www.davidrumsey.com) манзилида ҳам жойлаштирилган. Дэвид Рамсининг хариталар тўплами 17 400 дана харитадан иборат бўлиб, улардан фойдаланиш бекул. Хариталар XVIII ва XIX асрлар хариталари бўлиб, улар, асосан, ғарбий ярим шарликда жойлашган мамлакатларга ихтисослашган. Лекин хариталар орасида бошқа қитъаларга алоқадор бўлган тарихий хариталар ҳам мавжуд. Хариталарни мамлакат, штат, нашр муаллифи ёки керакли сўз асосида қидириш ва принтер орқали қоғозга чиқариб олиш мумкин.

Онлайн кўринишдаги тарихий хариталарнинг яна бир манбаи — картография тарихига бағишланган History of Cartography Gateway сайти бўлиб, унинг манзили — [www.maphistory.info](http://www.maphistory.info). Мазкур сайт орқали турли харита манбалари, жумладан АҚШ Конгресси кутубхонасининг American Memory Collection хариталар тўплами (<http://memory.loc.gov/amem/index.html>) билан танишиш мумкин. Унда АҚШ ҳудудининг 1544 йилдан то 2004 йилгача бўлган хариталари жой олган. Фойдаланувчилар керакли харитани шаҳар номи ёки мавзу бўйича, масалан, табиатни муҳофаза қилиш, ихтиро ва изланишлар, маданий ландшафт, ҳарбий жанглар ва кампаниялар, транспорт ва коммуникация қабилар орқали излаши мумкин. Йель университети ҳам ўз веб-сайтида тарихий хариталар тўпламини жойлаштирган. [www.library.yale.edu/MapColl/index.html](http://www.library.yale.edu/MapColl/index.html) манзилида жойлашган тўплам қизиқарли антиквар хариталар ва шаҳарларнинг тарихий хариталарини тақдим қилади.

## Тематик хариталар

Атлас формати тематик хариталарни яратиш учун ишлатилаётган бўлиб, уларнинг географияга алоқаси бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу атласлар, одатда, тарих, этник хилма-хиллик, дин ва шу каби мавзуларга алоқадор бўлади. Тематик атласлар суратлар, расмлар, график тасвирлар, жадваллар ва хариталар билан таснифланади. «*Оксфорднинг Америкадаги дин тарихий атласи*» (*Oxford New Historical Atlas of Religion in America*) Эдвин Гостед томонидан таҳрир қилинган бўлиб, у матн ва хариталар орқали ҳар бир асрда муайян ҳудудда динларнинг ўсиб бориш жараёнини акс эттира олган. Атласда насронийлик динининг турли йўналишлари билан бир қаторда ислом дини, ҳинду, сикх, будда вийлик ва бошқа динлар бўйича ҳам маълумот бериб ўтилган. Ҳар бир бўлим охирида библиографик кўрсаткичлар бор. «*Пенгвиннинг дунёдаги аёллар атласи*» (*Penguin Atlas of Women in the World*) Жони Сигер томонидан яратилган бўлиб, унда дунё аёллари тўқнаш келаётган кўплаб масалалар юзасидан таҳлилий маълумотлар бериб ўтилган. Ёритилган масалалар, жумладан, оналик, ўзгариб бораётган турмуш, турмушдаги зўравонлик, ҳукуматдаги аёллар каби йўналишларни қамраб олади. «*Пенгвиннинг дунёдаги аҳволга бағишланган атласи*» (*Penguin State of the World Atlas*) (Смит, 2008) дунёнинг ҳозирги кундаги аҳволи ва глобал миқёсдаги тенденциялар ҳақида ахборот берувчи анча кучли манба ҳисобланади. Ундан халқаро сав-

до-сотик, энергия захиралари ва энергия истеъмоли, аҳолининг қариши, соғлиқ учун бўлган таҳдид ва шу каби маълумотлар жой олган.

Тематик атласлар, шунингдек, океан ва астрономияга бағишланган бўлиши мумкин. Масалан, «Яширин чуқурликлар: океанлар атласи» (*Hidden Depths: Atlas of the Oceans*) Миллий океан ва атмосфера бошқармаси (NOAA) мутахассислари томонидан яратилган бўлиб, океанларнинг ҳозирги аҳволи ва келажакдаги тенденцияларини қамраб олади. Манбадан кўплаб рангли суратлар ҳам жой олган. Марк А. Гарликнинг «Коинот атласи» (*Atlas of the Universe*) болалар учун мўлжалланган. Ранг-баранг коинот суратлари, юлдузлар хариталари, қуёш системасининг тузилиши тўғрисидаги расмлар, юлдузлар, галактикалар ва қўшимча маълумотлар болаларнинг қизиқишини ортиришга хизмат қилади.

«Рэнд Макналлининг тижорат атласи ва маркетинг бўйича йўриқнома» (*Rand McNally Commercial Atlas and Marketing Guide*) ҳар йили ҳам босма, ҳам онлайн кўринишда чиқарилади. У АҚШ ҳудудидаги 120 мингта жойнинг харитаси, унда истиқомат қилувчи аҳоли, ҳудуд иқтисодиёти ва ундаги иқтисодий фаоллик, транспорт ва коммуникация тизимлари борасидаги маълумотларни қамраб олган. АҚШ штатлари келтирилган жадвалда йирик шаҳарлар ва ҳар бир графлик бўйича бизнес маълумотлар келтириб ўтилган. Атлас бизнесни режалаштириш учун ниҳоятда қулай восита ҳисобланади.

## Йўл хариталари

Кутубхоначиларга ўз фойдаланувчилари учун йўл ва кўча хариталарини харид қилишни тавсия этилади. Маҳаллий ва минтақавий картография компаниялари манзилларини махсус маълумотномалар орқали билиб олиш мумкин. Хариталар, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳам нашр этилади.

Айни пайтда мавжуд бўлган энг яхши йўл атласи — «Рэнд Макналлининг йўл атласи» (*Rand McNally Road Atlas*) бўлиб, у ҳар йили янгиланади, АҚШдаги ҳар бир штат, Канададаги ҳар бир провинция ҳамда Мексиканинг харитасини ақс эттиради. Атласга 300 та шаҳар ва АҚШдаги 20 та миллий парк харитаси киритилган. Ҳар бир дикқатига, шунингдек, штатлардаги шаҳарлар рўйхати, мамлакатдаги шаҳарлар ўртасидаги масофа ва бир штатдан иккинчи штатга автомобилда етиб бориш учун керак бўладиган вақт харитаси ҳам таклиф қилинади. Атлас бир жойдан иккинчи жойга боришнинг энг қулай йўналишини аниқламоқчи бўлган одамлар учун айниқса фойдали. Атлас [www.randmcnally.com](http://www.randmcnally.com) сайти билан уйғунлаштирилган.

Миллий география жамияти ҳам бир қатор бепул хариталарни таклиф қилади. Бундан ташқари, кўплаб хариталарни унинг сайтидан харид қилиш мумкин. Сайтдаги «Харита машинаси» ([www.nationalgeographic.com/maps/map-machine](http://www.nationalgeographic.com/maps/map-machine)) орқали муайян кўчанинг харитасини бепул равишда олиш мумкин. National Geographic Expeditions сайтидаги хариталарни эса ([www.nationalgeographic.com/expeditions](http://www.nationalgeographic.com/expeditions)) принтер орқали қоғозга чиқариб олиш мумкин.

MSR Maps сайти <http://msrmaps.com/default.aspx> манзилида жойлашиб, АҚШ хариталари ва юқоридан туриб олинган суратларидан бепул фойдаланиш имкониятини назарда тутди. У орқали фойдаланувчилар мамлакат ҳудудининг исталган бурчаги харитаси ёки юқоридан олинган суратлари билан танишиши мумкин.

Mapquest ([www.mapquest.com](http://www.mapquest.com)) АҚШ ва ундан ташқарида ҳамда муайян манзил бўйича жойлашган ҳудудларга етиб бориш йўналишларини билиш учун мўлжалланган веб-сайтдир.

Google сайтнинг хариталари электрон хариталарнинг энг янгиларидан бири бўлиб, у <http://maps.google.com> манзилида жойлашган. У орқали фойдаланувчилар муайян жойнинг харитаси, муайян корхона жойлашган манзил ёки бир жойдан иккинчи жойга бориш учун йўналиш танлаш имкониятига эга. Бу хариталарга қўшимча равишда Google Earth сайтида ([earth.google.com](http://earth.google.com)) фойдаланувчилар сунъий йўлдош орқали олинган хариталар билан танишиши мумкин.

Google сайти айти пайтда MyMaps хизматини ҳам тақдим этган бўлиб, у ерда фойдаланувчилар ўз эҳтиёжи учун мослаштирилган ва таърифлар берилган хариталарни яратиши мумкин. Кутубхоналар ҳам мазкур сайт орқали ўз хариталарини яратиб, унда, одатда, кутубхона филиаллари ва маҳаллий тарихий обидалар белгилаб ўтилган (Якобсен, 2008).

## Харитагапар

Фойдаланувчиларга кўпинча индивидуал хариталар керак бўлади. Қуйида ҳам замонавий, ҳам тарихий индивидуал хариталарни топиш мумкин бўлган манбалар келтириб ўтилган.

Техас университетининг Перри Кастанада кутубхонаси веб-сайти [www.lib.utexas.edu/maps](http://www.lib.utexas.edu/maps) манзилида жойлашиб, унда дунё мамлакатларининг электрон кўринишдаги 5 мингдан зиёд харитаси мавжуд. Мазкур манба тарихий хариталар борасида анча фойдали бўлиб, кичик масштабдаги хариталарни принтер орқали қоғозга чиқариб олиш имкониятини ҳам тақдим этади.

Nationalatlas.gov сайтида жойлашган «АҚШ миллий атласи» АҚШ Геология бошқармаси томонидан яратилган интерактив геологик-топографик харита ҳисобланади. Унда АҚШга алоқадор турли маълумотлар, жумладан, қишлоқ хўжалигидан тортиб, то ҳукумат органлари фаолиятига бағишланган кенг қўламли ахборот жойлаштирилган. Фойдаланувчилар 400 дан зиёд маълумот қатламлари билан танишиш мумкин. Сайтдаги файлларнинг аксарияти билан танишиш учун GIS дастурий маҳсулоти талаб этилади. Лекин, умуман олганда, сайт фойдаланиш учун анча қулай.

«Канада атласи» — икки тилли онлайн маҳсулот. Ундан бир қатор қизиқарли тематик хариталар жой олган бўлиб, улардан турли мавзулар, жумладан, атроф-муҳит, иқтисодиёт, тарих, иқлим, саломатлик ва ҳоказо соҳаларга оид ҳам тарихий, ҳам замонавий визуал ахборотни олиш мумкин. Манба манзили — <http://atlas.nrcan.gc.ca/site/english/index.html>.

American Fact Finder манбаси АҚШ аҳолисини рўйхатга олиш сайтида — <http://factfinder2.census.gov> манзилида жойлашган. Унда тарихий маълумотга асосланган ҳолда тайёрланган хариталар берилган бўлиб, сайт муаллифлари аҳолини рўйхатга олиш натижаларидан фойдаланган ҳолда бир қатор тайёр маълумотли ва тематик хариталарни яратган.

Odden's Bookmarks: The fascinating World of Maps and Mapping сайти <http://oddens.geog.uu.nl> орқали фойдаланувчилар бутун дунёдан тўпланган 4 мингдан зиёд харита тўплами ва картография манбаларидан фойдаланиш имконига эга бўлади. Сайтдаги маълумотларни турли манбалар, жумладан, харита ва атлас-

лар, картографик материаллар сотувчилари, картография бошқармалари ва кутубхоналар орасида н излаш мумкин. Infomine сайти <http://infomine.ucr.edu> манзилида жойлашиб, у кутубхоначилар томонидан яратилган. Манбадан, асосан, АҚШнинг турли хариталарини қамраб олувчи хариталарга ҳавоаларни топиш имкони бор. Буюк Британия хариталарини топиш учун яхши манба Британия кутубхонасининг хариталар тўплами бўлиб, у [www.bl.uk/onlinegallery/index.html](http://www.bl.uk/onlinegallery/index.html) манзилида жойлашган. Манбадан янги ва эски хариталар жой олган. Буюк Британияга алоқадор хариталарнинг муҳим тўпламлари Оксфорд университетининг Бодлейн кутубхонаси, Шотландия миллий кутубхонаси, Уэльс миллий кутубхонаси, Қироллик география жамиятининг кутубхоналарида жойлашган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хариталар тўплами ҳам секин-ас-та кенгайиб, ундан турли мамлакатлар хариталари жой олган. Манба [www.un.org/Depts/Cartographic/English/htmain.htm](http://www.un.org/Depts/Cartographic/English/htmain.htm) манзилида жойлашган.

## АҚШ ҳукуматининг нашр ва хариталари

АҚШ ҳукуматининг кўплаб бошқармалари хариталар яратиш билан шугулланади. Хариталарнинг энг кўп сони АҚШ Геология хизмати ([www.usgs.gov](http://www.usgs.gov)) томонидан яратилади. Хариталар геологик, топографик ва ҳоказо хариталарни қамраб олиб, улар турли йўналишлар, жумладан, қишлоқ хўжалиги, атмосфера ва иқлим, саломатлик мавзуларини қамраб олади. Бошқарма юқоридан туриб олинган суратларни ҳам таклиф қилиб, уларни EROS тизими орқали <http://eros.usgs.gov> манзилидан харид қилиш мумкин.

АҚШ Аҳолини рўйхатга олиш бюроси ([www.census.gov/geo/www/maps](http://www.census.gov/geo/www/maps)) фойдаланувчига рўйхатга олиш натижаларини тасаввур қилиш имкониятини берувчи хариталарни таклиф қилади. Бюро, шунингдек, АҚШдаги жойларнинг хариталарини тақдим этади, улардан TIGER хариталаш тизими орқали фойдаланиш мумкин. АҚШ Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги EnviroMapper ([www.epa.gov/emefdata/em4ef.home](http://www.epa.gov/emefdata/em4ef.home)) хизматини яратган бўлиб, ундан мамлакат пенсия жамғармасига аъзо бўлиш, зарарли чиқиндилар ва газлар билан боғлиқ маълумотларни билиб олиш мумкин. Федерал фавқулодда вазиятларни бошқариш агентлиги ([www.fema.gov/hazard/map/index.shtml](http://www.fema.gov/hazard/map/index.shtml)) яшаш учун хавфли ҳудудлар хариталари, сув тошқини, ер кўчиши, торнадо ва бўронлар жихатидан хавфли ҳудудлар хариталарини яратган. АҚШ Конгресси кутубхонасининг География хариталар бўлими (<http://memory.loc.gov/ammn/gmdhtml/gmdhome.html>) ҳам тарихий, ҳам янги хариталарни акс эттириб, АҚШ ландшафтидаги ўзгаришлар, яъни АҚШдаги миллий паркларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқ маълумотларни акс эттирган.

Канада билан боғлиқ хариталар, жумладан, топографик, геологик, ўрмонлар ва шахталар хариталари Канада табиий захиралар бошқармасининг Ер-ни ўрганиш билан боғлиқ фанлар бўлими томонидан яратилади ([http://ess/nrcan.gc.ca/mapcar/index\\_e.php](http://ess/nrcan.gc.ca/mapcar/index_e.php)).

## Географик ахборот манбалари

Географик ахборот тизимлари «компьютер дастурлари, жиҳозлари, маълумот ва одамлардан фойдаланган ҳолда макон билан боғлиқ саволларга жавоб бе-

риб, географик ахборотга бўлган янги ёндашувларни ишлаб чиқиб, керакли ечимни топиш ёки қарор қабул қилинишини таъминлайди» (Жонсон, 2003: 177) Мазкур турдаги манбалар географияни ўрганиш жараёнига янги ёндашувни ишлаб чиқиб, хариталарни ўрганиш ва улардан фойдаланиш қўламларини сезиларли даражада кенгайтирди. Географик ахборот тизимларининг дастурий маҳсулотларидан фойдаланиш юқори даражадаги тайёргарликни талаб қилади. Географик ахборот тизимлари маҳсулотларини таклиф қилувчи веб-сайтлар орасида АҚШ Геология хизматининг веб-сайти <http://egsc.usgs.gov/isb/pubs/gis/poster>, АҚШ Аҳолини рўйхатга олиш бюросининг Fact Finder сайти ва АҚШ Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлигининг EnviroMapper ([www.epa.gov/emefdata/em4ef.home](http://www.epa.gov/emefdata/em4ef.home)) сайтини айтиб ўтиш мумкин.

Бир қатор компаниялар ҳам географик ахборот тизимлари маҳсулотларини таклиф қилади. Улар орасида ESRI компаниясини кўрсатиб ўтиш даркор. Компаниянинг веб-сайти [www.esri.com](http://www.esri.com) манзилида жойлашиб, унда ArcGIS Explorer, ArcGIS Engine, Arc View, ArcInfo, ArcEditor каби географик ахборот тизимлари дастурий маҳсулотларининг тўплами жойлашган. Майкрософт компанияси Map Point дастурий маҳсулотини, Calipher компанияси эса Mapitude 4.7 номли маҳсулотни таклиф қилади (Кляйн, 1005; 27). Шунингдек, АҚШ армияси муҳандислик корпуси томонидан яратилган GRASS дастурий маҳсулоти ҳамда Миннесота университети томонидан яратилган Map Server дастурий маҳсулоти ҳам фойдаланувчилар учун таклиф қилинади.

## Йўлномалар

Йўлномалар кўпинча диққатдан четда қолувчи географик манба ҳисобланади. Йўлномаларни яратиш билан турли нашриёт ва муаллифлар шуғулланади. Гарчи йўлномаларнинг айримлари ўта субъективлиги боис маълумот манбаи сифатида фойдаланиш учун тўғри келмаса-да, уларнинг аксарияти шаҳар ва мамлакатлар тўғрисида кўплаб фактологик ва долзарб маълумотларни тақдим этади. Йўлномалар орасида энг кўп фактологик маълумот берувчилари — Michelin Green Guides, Fodor Travel Guides, Baedeker Guides, the Rough Guides, Lonely Planet ҳамда Moon Handbooks. Мазкур манбаларнинг бари шаҳар ёки мамлакат тарихи хусусида деталлашган маълумотларни тақдим этиб, шунингдек, мамлакат ёки шаҳардаги маданий обидалар ва диққатга сазовор жойларни санаб ўтади. Уларда кўпинча музей ва бошқа диққатга сазовор биноларнинг хариталари, улардаги муҳим хоналарнинг деталлашган тавсифи ҳам бериб ўтилади.

Ихтисослашган йўлномалар муайян тарихий обидага кириш тартиби, маҳаллий халқлар обидалари, экотуризм учун қулай жойлар ҳақидаги маълумотларни ҳавола этади.

## Коллекцияни шакллантириш ва бошқариш

### Манбаларни танлаш ва янгилаб бориш

Географик ахборот манбалари тўғрисидаги ахборот ҳамда янги монографиялар ва онлайн манбаларнинг тақризлари кутубхоначига янги ва янгилан-

ган материалларни аниқлаш имконини беради. Географик манбалар мунтазам равишда Booklist, Choice, Library Journal ва American Reference Books Annual каби манбалар томонидан тақриздан ўтказиб борилади.

АҚШ ҳукумати турли хариталарни яратувчи асосий маълумот манбаидир. АҚШ Аҳолини рўйхатга олиш бюроси ([www.census.gov/geo/www/maps](http://www.census.gov/geo/www/maps)) АҚШ-даги жойларнинг хариталарини тақлиф қилиб, улардан TIGER хариталаш тизими орқали фойдаланиш мумкин. Хариталар, шунингдек, АҚШ Миллий океан ва атмосфера бошқармаси (NOAA), АҚШ геология хизмати, АҚШ уй-жой ва шаҳарсозлик бошқармаси, АҚШ муҳофаза вази рлигининг Миллий тасвирлар ва картография агентлиги, АҚШ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги ва бошқа муассасалар томонидан яратилади.

Янги географик манбалар ҳақидаги маълумотларни қуйидаги гуруҳлар орқали олиш мумкин: Америка кутубхоналар уюшмасининг Харита ва география давра суҳбати (MAGERT) ахборотномаси, Харита кутубхоналари ходимларининг гарбий уюшмаси ахборот бюллетени ҳамда Канада харита кутубхоналари ва архивлари ходимларининг уюшмаси.

Монографиялар орасида Мэри Линет Ларсгаарднинг «Кутубхонада хариталардан фойдаланиш: қирши» (*Map Librarianship: An Introduction*), Женни Мари Жонсоннинг «Географик ахборот: топиш ва фойдаланиш» (*Geographic Information: How to Find, How to Use*), Барбара Фаррел ва Эйлин Десбаратнинг «Кичкина харита тўпламини яратиш бўйича йўриқнома» (*Guide for a Small Map Collection*) каби асарлари кутубхонада хариталардан фойдаланиш соҳаси бўйича керакли маълумотларни тақдим этади.

Мазкур бобда айтиб ўтилган айрим географик манбаларга қўшимча равишда АҚШ Кутубхоналари уюшмаси кутубхоналар ўз мамлакатлари ва штатларнинг топографик харитаси, ён-атрофдаги шаҳарларнинг хариталари ҳамда ўзлари жойлашган ҳудуднинг ҳаводан олинган суратларини ўз коллекциясига киритишини маслаҳат беради. Бу каби маҳсулотлар харита сотувчилари ёки АҚШ Геология хизмати орқали олиниши мумкин. Хариталарни харид қилиш ниятида бўлган кутубхоналар каталоглар ёки йирик харита ноширларининг веб-сайтларини кўздан кечириши мақсадга мувофиқ.

## Географик манбаларни баҳолаш

Хариталарнинг сифатини белгиловчи омиллар орасида харитадаги маълумотларнинг янгилиги ва тўғрилиги, нуфузи, ёзув ва тасвирларнинг аниқлиги, масштаби, ранги, белгилари, формати, каталог кўрсаткичи ва нархи энг муҳим аҳамият касб этади.

Хариталардаги маълумотларнинг янги ва долзарблиги биринчи галда таъминланиши керак бўлган шарт. Мамлакатлар чегаралари ва номлар мунтазам равишда ўзгариб туради. Харита фойдали бўлиши учун ундаги маълумотлар ҳам янги бўлиши лозим. Харитани харид қилишдан аввал айнан мана шу жиҳатлар синчковлик билан текширилиши керак.

Маълумотларнинг аниқлиги ҳам юқори сифатли хаританинг белгисидир. Аниқлик ва маълумотлар янгилиги чамбарчас боғлиқ, негаки маълумотлар янгилиги аниқлик белгисидир. Харита ноширининг нуфузи ҳам маҳсулотга бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Жумладан, гарб дунёсидаги харита но-



ширларининг энг нуфузлилари — Times Books, Rand McNally, C.S.Hammond, National Geographic Society, DK ва Oxford University Press компанияларидир. Бундан ташқари, Шотландиянинг John G.Bartholomew, Буюк Британиянинг George Philip & Sons, Ltd, Франциянинг Michelin компаниялари ҳам ўз хариталарининг юқори сифати билан ном қозонган.

Харитани ўқиш ва ундан фойдаланишнинг осонлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хаританинг бу хусусиятларига унинг масштаби, ранглар ёрқинлиги, белгилардан фойдаланиш усуллари таъсир ўтказди.

Ранг хаританинг унчалик билинмайдиган, лекин муҳим қисмидир. Юқори сифатли хаританинг кўриниши ёқимли бўлиб, у турли ер ҳудудлари ўртасидаги фарқни тушуниш учун етарли контрастни таъминлаб бериши керак. Белгилар турли географик хусусиятларни ажратиш учун ишлатилади. Белгилар қандай маънони англатиши яхши тушунтириб берилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шрифт ҳам фойдаланувчи харитадаги маълумотни осон топиши учун хизмат қилиши керак.

Атласлар дунёни мутаносиблашган тарзда қамраб олиши ва қитъа ҳамда мамлакатлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттиришда мутаносиблашган ёндашувни намоиш этиши муҳим аҳамият касб этади. Буни аниқлаш учун Мэри Линет Ларсгаард атласнинг умумий саҳифлари сонини билиб, уларнинг қанчаси АҚШга ва қанчаси Африкага бағишланганини санаб чиқишни маслаҳат беради. Шу орқали атласдаги маълумотлар нақадар мутаносиблашган эканини осонлик билан билиб олиш мумкин (Ларсгаард, 1998:113). Ларсгаард, шунингдек, икки атлас бир ҳудудни нақадар чуқур ёритганини таққослаш орқали уларнинг энг яхшисини топиш мумкин деб ҳисоблайди (Ларсгаард, 1998:113).

Атласнинг барча қисмларида имкон қадар бир хил масштаб сақланиши керак. Шу орқали қитъалар ёки мамлакатларнинг катта-кичиклигини таққослаш мумкин.

Атласларни тушуниш осон бўлиши лозим. Бунинг учун атласнинг тузилиш тартиби аниқ, белгилари тушунарли ва керакли шарҳлар билан таъминланган, кагалог кўрсаткичи тўлиқ ва қулай бўлиши талаб қилинади.

Айни пайтда хари талар ҳам босма, ҳам электрон шаклда яратилгани боис формат манба билан нақадар уйғун эканини аниқлаш лозим. Жумладан, муайян харита электрон формат билан қанчалик уйғун ва унинг қоғоздаги кўриниши фойдаланиш учун қулайроқ эмасми, деган саволга жавоб топиш лозим.

Атласнинг нархи ҳам муҳим аҳамият касб этиб, кутубхона бир нечта арзон ва сифатсиз атлас харид қилганидан кўра, битта қиммат, лекин сифатли атласни танлагани афзалроқ.

## Қўшимча фикрлар

Фойдаланувчилар географик ахборотдан кўплаб мақсадларда фойдаланади. Хари талар кўпинча минтақанинг бир мамлакатидagi воқеалар иккинчи мамлакатга қандай таъсир ўтказишини аниқлаш учун керак.

Саёҳатга чиқаётган одамлар хариталар ва йўлномалардан ўз саёҳатини олдиндан режалаштириш учун фойдаланади. Масалан, Таиландга саёҳат қилаётганлар яна қайси қўшни мамлакатларни кўриш мумкинлиги билан қизиқиши мумкин.

Хариталардаги маълумотларнинг янги бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кутубхоначилар атласларнинг янги нашрлари чоп этилишини кузатиб, зарурларини кутубхона тўпламига қўшиб бориши талаб этилади.

ГЕОГРАФИЯ СОҲАСИДАГИ МАНБАЛАР УЊЛИГИ		
Ном	Босма	Онлайн
«Тижорат атласи ва маркетинг бўйича йўриқ-номаси» ( <i>Rand McNally Commercial Atlas and Marketing Guide</i> ), Чикаго, <i>Rand McNally</i> компанияси	Йиллик	<a href="http://www.randmcnally.com">www.randmcnally.com</a>
«Таймс тўлиқ дунё атласи» ( <i>Times Comprehensive Atlas of the World</i> ), Нью-Йорк, <i>Times Books</i> компанияси	11-н ашр	
«Нэшнл Географик дунё атласи» ( <i>National Geographic Atlas of the World</i> ), Вашингтон, Миллий география жамияти	8-нашр	
«Оксфорднинг дунё атласи» ( <i>Oxford Atlas of the World</i> ), Нью-Йорк, <i>Oxford University Press</i> компанияси	Йиллик	
«Колумбия жаҳон географик маълумотномаси» ( <i>Columbia Gazetteer of the World</i> ), Нью-Йорк, <i>Columbia University Press</i> компанияси	2-нашр	Обуна <a href="http://www.columbiagazetteer.org">www.columbiagazetteer.org</a> манзилида
«Рэнд Макналлининг йўл атласи» ( <i>Rand McNally Road Atlas</i> ), Чикаго, <i>Rand McNally</i> компанияси	Йиллик	
Перри-Кастенада кутубхонаси		<a href="http://www.lib.utexas.edu/maps/">www.lib.utexas.edu/maps/</a>
Google Maps		<a href="http://Maps.google.com">Maps.google.com</a>
Mapquest		<a href="http://www.mapquest.com">www.mapquest.com</a>
«Шепарднинг тарихий атласи» ( <i>Shepherd's Historical Atlas</i> ), Тотова, <i>Barnes &amp; Noble</i> компанияси	9-нашр	

Фойдаланиш учун тавсия қилинадиган бепул веб-сайтлар
<p>Географик номлар ахборот тизими <a href="http://geonames.usgs.gov">http://geonames.usgs.gov</a> манзилида жойлашган бўлиб, АҚШ ва Антарктикадаги номларнинг туғри кўринишини тақдим этади.</p> <p>Google maps сайти <a href="http://maps.google.com">http://maps.google.com</a> манзилида жойлашиб, унда аксарият ҳудудларнинг хариталари жойлаштирилган.</p> <p>АҚШ Конгресси кутубхонасининг География ва хариталар бўлими <a href="http://memory.loc.gov/ammem/index.html">http://memory.loc.gov/ammem/index.html</a> манзили бўйича жойлашиб, тарихий хариталарнинг яхши манбаи ҳисобланади.</p> <p>Mapquest сайти <a href="http://www.mapquest.com">www.mapquest.com</a> муайян жойларга бориш йўналишлари ва хариталарни тақдим этади.</p> <p>Миллий география жамияти сайтидаги «Харита машинаси» (<a href="http://www.nationalgeographic.com/maps/map-machine">www.nationalgeographic.com/maps/map-machine</a>) кўчаларнинг бепул хариталарини тақлиф этади.</p> <p>Перри Кастенада университети кутубхонасининг хариталар тўплами <a href="http://www.lib.utexas.edu/maps">www.lib.utexas.edu/maps</a> манзилида жойлашиб, тарихий ва замонавий хариталарнинг ажойиб манбаи ҳисобланади.</p> <p>АҚШ аҳолини рўйхатга олиш бюросининг U.S. Gazetteer географик маълумотномаси <a href="http://www.census.gov/geo/www/gazetteer/gazette.html">www.census.gov/geo/www/gazetteer/gazette.html</a> манзилида жойлашган.</p>

## Recommended Resources Discussed in This Chapter

---

American Fact Finder. Available: <http://factfinder2.census.gov>.

American Library Association. 1981-. *Base line: A Newsletter of the Map and Geography Round Table*.

Association of Canadian Map Libraries and Archives. 1968. *Bulletin*. Ottawa, ON. Triannual.

*Atlas of Canada*. Available: <http://atlas.nrcan.gc.ca/site/english/index.html>.

British Library Map Collection. Available: [www.bl.uk/onlinegallery/index.html](http://www.bl.uk/onlinegallery/index.html).

*Columbia Gazetteer of the World*. 2008. 3 vols. New York: Columbia University Press.

*Columbia Gazetteer of the World Online*. Available: [www.columbiagazetteer.org](http://www.columbiagazetteer.org).

*Concise Atlas of World History*. 2002. New York: Oxford University Press.

*DK Great World Atlas*. 2004. London: Dorling Kindersley.

*DK Traveler's Atlas*. 2005. New York: Dorling Kindersley.

Essential Business Sector. Natural Resources Canada. Available: [http://ess.nrcan.gc.ca/ess/esscar/index\\_e.php](http://ess.nrcan.gc.ca/ess/esscar/index_e.php).

Environmental Protection Agency. EnviroMapper. Available: [www.epa.gov/emef-data/em4ef.home](http://www.epa.gov/emef-data/em4ef.home).

FEMAMaps. Available: [www.fema.gov/hazard/map/index.shtm](http://www.fema.gov/hazard/map/index.shtm).

Garlick, Mark A. 2008. *Atlas of the Universe*. New York: Simon and Schuster.

*Geographic Names Information System (GNIS)*. Available: <http://geonames.usgs.gov>.

*Geographical Names of Canada*. Available: [http://geonames.nrcan.gc.ca/index\\_e.php](http://geonames.nrcan.gc.ca/index_e.php).

*Getty Thesaurus of Geographic Names Online*. Available: [www.getty.edu/research/tools/vocabulary/tgn](http://www.getty.edu/research/tools/vocabulary/tgn).

*Goode's World Atlas*. 2010. Chicago: Rand McNally.

Google Maps. Available: <http://maps.google.com>.

*Hammond World Atlas*. 2008. 5th ed. Spring House, PA: Hammond.

*HarperCollins New World Atlas*. 2003. New York: HarperCollins.

*Hidden Depths: Atlas of the Oceans*. 2007. New York: Harper Collins.

*Historical Atlas of Canada*. 1987-1993. 3 vols. Toronto: University of Toronto Press.

*Historical Atlas of the U.S.* 1988. Rev. ed. Washington, DC: National Geographic Society.

History of Cartography Gateway. Available: [www.maphistory.info](http://www.maphistory.info).

Infomine. Available: [www.infomine.ucr.edu](http://www.infomine.ucr.edu).

Johnson, Jenny Marie. 2003. *Geographic Information: How to Find It, How to Use It*. Westport, CT: Greenwood Press.

Kenan, William Rand, Jr. 2000. *Barrington Atlas of the Greek and Roman World*. Princeton, NJ: Princeton University Press.

Library of Congress. American Memory Collection. Available: <http://memory.loc.gov/ammem/index.html>.

Library of Congress. Geography and Map Division. Available: <http://memory.loc.gov/ammem/gmdhtml/gmdhome.html>.

Mapquest. Available: [www.mapquest.com](http://www.mapquest.com).

*Merriam-Webster's Geographical Dictionary*. 2001. 3rd ed. rev. Springfield, MA: Merriam-Webster.

MSR Maps. Available: <http://msrmaps.com/Default.aspx>.

- National Atlas of the United States*. Available: [www.nationalatlas.gov](http://www.nationalatlas.gov).
- National Geographic Atlas of the World*. 2010. 9th ed. Washington, DC: National Geographic Society.
- National Geographic Concise Atlas of the World*. 2007. 2nd ed. Washington, DC: National Geographic Society.
- National Geographic Society. Map Machine. Available: [www.nationalgeographic.com/maps/map-machine](http://www.nationalgeographic.com/maps/map-machine).
- National Geographic World Atlas for Young Explorers*. 2007. 3rd ed. Washington, DC: National Geographic Society.
- National Geographic Expeditions. Available: [www.nationalgeographic.com/expeditions](http://www.nationalgeographic.com/expeditions).
- NGA GEOnet Names Server. Available: <http://earth-info.nga.mil/gns/html/index.html>.
- Oddens's Bookmarks: The Fascinating World of Maps and Mapping*. Available: <http://oddens.geog.uu.nl>.
- Oxford Atlas of the World*. 2010. 17th ed. New York: Oxford University Press.
- Oxford Comprehensive Atlas of the World*. 2008. New York: Oxford University Press.
- Oxford Essential World Atlas*. 2010. 6th ed. New York: Oxford University Press.
- Oxford New Historical Atlas of Religion in America*. 2001. Edwin Gausted, ed. New York: Oxford University Press.
- Perry-Castaneda Library Map Collection. Available: [www.lib.utexas.edu/maps/](http://www.lib.utexas.edu/maps/).
- Rand McNally Road Atlas*. Chicago: Rand McNally. Annual.
- Rumsey, David, and Edith M. Punt. 2004. *Cartographica Extraordinaire: The Historical Map Transformed*. Available: [www.davidrumsey.com](http://www.davidrumsey.com).
- Seager, Joni. 2003. *Penguin Atlas of Women in the World*. New York: Penguin Books.
- Shepherd's Historical Atlas*. 1980. 9th ed. Totowa, NJ: Barnes & Noble.
- Smith, Dan. 2008. *Penguin State of the World Atlas*. New York: Penguin Books.
- Times Comprehensive Atlas of the World*. 2008. 12th ed. New York: Times Books.
- Times Concise Atlas of the World*. 2006. 10th ed. London: Times Books.
- Times History of the World*. 1999. 5th ed. Richard Overy, ed. New York: Times Books.
- 2008 Commercial Atlas and Marketing Guide*. Chicago: Rand McNally. Annual.
- United Nations Map Library. Available: [www.un.org/depts/dhl/maplib/maplib.htm](http://www.un.org/depts/dhl/maplib/maplib.htm).
- U.S. Bureau of the Census. Available: [www.census.gov/geo/www/maps](http://www.census.gov/geo/www/maps).
- U.S. Bureau of the Census. American Fact Finder. Available: <http://factfinder2.census.gov>.
- U.S. Bureau of the Census. U.S. Gazetteer. Available: [www.census.gov/geo/www/gazetteer/gazette.html](http://www.census.gov/geo/www/gazetteer/gazette.html).
- U.S. Geological Survey. Available: [www.usgs.gov](http://www.usgs.gov).
- U.S. Geological Survey. EROS (Earth Resources Observation Systems) Data Center. Available: <http://eros.usgs.gov>.
- U.S. Geological Survey. GIS Web site. Available: [http://egsc.usgs.gov/isb/pubs/gis\\_poster](http://egsc.usgs.gov/isb/pubs/gis_poster).
- Western Association of Map Librarians. 1970-. Information Bulletin. Triannual.
- Woodall's North American Campground Directory*. Guilford, CT: Globe Pequot. Annual.

*World Book Atlas*. 2005. Chicago: Rand McNally.  
*Worldmark Encyclopedia of the Nations*. 2003. 11th ed. Farmington Hills, MI: Gale.  
 Yale University Map Collection. Available: [www.library.yale.edu/mapColl/index.html](http://www.library.yale.edu/mapColl/index.html).

## Recommendations for Further Reading

- Allen, David Y. 2003. «Helpful Hints for the Paperless Map Librarian». Chicago: ALA/MAGERT. Available: [www.ala.org/ala/mgrps/rts/magert/index.cfm](http://www.ala.org/ala/mgrps/rts/magert/index.cfm).
- Behler, Ann, Beth Roberts, and Karen Dabney. 2006. «Circulating Maps Collection at Pennsylvania State University Preservation Challenges and Solutions». *DttP* 34, no. 4: 33–36. A good how-to-do-it article on balancing user access with preservation.
- Berenstein, Paula. 2006. «Location, Location, Location: Online Maps for the Masses». *Searcher* 14, no. 1 (January): 16–25. A discussion of new online maps including Google maps, Google Earth, and Yahoo maps.
- Buckland, Michael et al. 2007. «Geographic Search: Catalogs, Gazetteers and Maps». *College & Research Libraries* 68, no. 5: 376–387. An interesting article on the use of geographical information to enhance catalog records for place names.
- Kemp, Jim. 2008. «Lost in Space: On Becoming Spatially Literate». *Knowledge Quest* 36, no. 4: 32–39. On using maps in the classroom.
- Kollen, Christina. 2006. «Map Scanning Registry». *DttP* 34, no. 4: 25–27. Describes a Map Scanning Registry developed and maintained at the University of Arizona Library and sponsored by the ALA Map and Geography Round Table (MAGERT) to record map scanning projects to avoid duplication.
- McDermott, I. 2002. «Where Was I? Maps on the Web». *Searcher* 10, no. 6: 75–78. A guide to map sources on the Web.
- Mitchell, Susan. 2003. «Where in the World? An Online Guide to Gazetteers, Atlases and Other Map Resources». *Internet Reference Services Quarterly* 8, no. 1/2: 183–194. An annotated guide to map resources on the Web.
- Northedge, Richard. 2008. «The Medium Is Not the Message: Topic Maps and the Separation of Presentation and Content in Indexes». *The Indexer* 26, no. 2: 60–64. Explores the idea of developing a model for topics maps that separates index content from presentation.
- Ramos, Miguel, and Dawn Gauthier. 2007. «Mash It Up! Removing the Information Superhighway». *Searcher* 15, no. 6: 17–22. Describes the use of maps to enhance text such as combining Google Maps with housing sale prices.
- Singh, Sawtantar, and Ashwani Krush. 2006. «Google Earth versus MSN Virtual Earth». *DESIDOC Bulletin of Information Technology* 26, no. 6: 23–27. Provides information on Google Earth and MSN Virtual Earth.
- Smith, Agnes, and Claudine Sproles. 2004. «Don't Get Lost!: The Basics of Organizing a Library's Map Collection». *Kentucky Libraries* 68, no. 2: 22–27. A useful article that deals with handling print map collections.
- Smith, Linda C, and Myke Gluck. 1996. *Geographic Information Systems and Libraries: Users, Maps and Spatial Information*. Urbana, IL: University of Illinois. Graduate School of Library and Information Science. Papers from the 32nd

Annual Clinic on Library Applications of Data Processing addressing accessing spatial data use of GIS systems and related issues.

Tenner, Elka, and Katherine H. Weimer. 1998. «Reference Service for Maps: Access and the Catalog Record». *Reference & User Services Quarterly* 38, no. 2:181–186. A discussion of the cataloging of maps. Tenner states that subject analysis is the most important access point. Digital format may necessitate changes in cataloging to emphasize intellectual content.

Weessies, Kathleen. 2001. «Electronic Maps: Sources and Techniques». *Reference Services Review* 31, no. 3: 248–256. This article focuses on how to work with electronic maps including saving them to a disk, pasting them into PowerPoint, and cropping them.

## Bibliography of Works Cited in This Chapter

- Ashworth, Mick. 2003. «Paper or Pixels: Where to Next for Maps?» *Geographical* (December): 56–60.
- Cline, Michael E. 2005. «Mapping Solutions Under \$500». *Online* 29, no. 3 (May/June): 27–30.
- Cobb, David. 1990. *A Guide to U.S. Map Resources*. 2nd ed. Chicago: American Library Association. (A new edition is planned.)
- Farrell, Barbara, and Aileen Desbarats. 1981. *Guide for a Small Map Collection*. Ottawa: Association of Canadian Map Libraries.
- Jacobsen, Mikael. 2008. «You Are Here». *Library Journal* 133 (October 15): 26–28.
- Johnson, Jenny Marie. 2003. *Geographic Information: How to Find It, How to Use It*. Westport, CT: Greenwood Press.
- Kenny, Ann Jason. 2002. «More Than Just Maps». *School Library journal. Net Connect* (Fall): 45–47.
- Larsgaard, Mary Lynette. 1998. *Map Librarianship: An Introduction*. 3rd ed. Englewood, CO: Libraries Unlimited, Inc.
- Larsgaard, Mary, and Katherine Rankin. 1997. «Helpful Hints for Small Map Collections». Revised by Stephen Rogers. Chicago: ALA/MAGERT. Available: [www.ala.org/ala/mgrps/rts/magert/index.cfm](http://www.ala.org/ala/mgrps/rts/magert/index.cfm).
- Liben, Lynn S. 2008 «Understanding Maps: Is the Purple Country on the Map Really Purple?» *Knowledge Quest* 36, no. 4: 20–30.
- Map History of Cartography: The Gateway to the Subject. Available: [www.maphistory.info](http://www.maphistory.info) or [info@maphistory.info](mailto:info@maphistory.info).
- Monmonier, Mark, and George A. Schnell. 1988. *Map Appreciation*. Englewood Cliffs, NJ: Prentice Hall.
- Sader, Marion, and Amy Lewis, eds. *Encyclopedias, Atlases & Dictionaries*. 1995. New Providence, NJ: R. R. Bowker.
- Unwin, Tim. 1992. *The Place of Geography*. Burnt Mill, England: Longman Scientific and Technical Press.
- Wood, Denis, with John Fels. 1992. *The Power of Maps*. New York: Guilford Press.

# 11

## Одамлар ҳаёти тўғрисидаги саволларга жавоб бериш — биографик ахборот манбалари

---

### Қисқача шарҳ

---

Саволларнинг кўпчилиги машҳур одамлар тўғрисида бўлади: «Улар қаерда туғилган?», «Уларнинг ёши нечада?», «Уларнинг нечта фарзанди бор?» Биографик манбалар мана шу каби кўплаб саволларга жавоб топиш имконини беради. Гарчи биографик ахборотни турли маълумот манбалари орқали олиш мумкин бўлса-да, биографик манбалар тарихда ва ҳозирги кунда машҳур бўлган одамлар тўғрисида батафсилроқ ҳамда аниқроқ маълумотларни тақдим қилади. Биографик манбаларнинг аҳамияти айнан мана шу жиҳати билан беқиёсдир.

### Биографик манбалардан қандай фойдаланилади?

Биографик манбалар айни пайтда ҳаёт ва вафот этган инсонларнинг ҳаётига дахлдор маълумотларни тақдим қилади. Бу каби босма ва электрон кўринишдаги манбалар «Америкада ким ва қандай?» (*Who's who in America*) бир мамлакатга ихтисослашиши ёки «Америкалик олим ва олималар» (*American Men and Women of Science*) нашри каби муайян соҳага ихтисослашган инсонлар ёхуд Biography.com сайти каби умумий ахборот беришга мўлжалланган бўлиши мумкин. Ахборот қисқа, яъни фақат инсон исми, яшаган йиллари, фаолият соҳаси ва миллатини акс эттирган бўлиши мумкин. Ёки, аксинча, анча қўламли бўлиб, шахс ҳаётини кенг ёритиши ва унинг эришган натижаларини акс эттириб, қўшимча изланишлар учун керак бўладиган библиографик маълумотларни ҳам ифодалаши.

Биографик манбалар одамлар тўғрисидаги манбалар бўлиб, улар муайян инсон ҳақида минимал ҳажмдаги ахборотни излаётган фойдаланувчилар учун қизиқиш уйғотади. Айрим ҳолларда, яъни машҳур одамлар орасида адашлар — бир хил исмлилар бўлган тақдирда, биографик манбалар айнан фойдаланувчи излаган одам ҳақида тўғри маълумот олиш учун асқотади. Бошқа жиҳатдан, фойдаланувчи ўзини қизиқтирган шахс ҳақида кўпроқ билишни исташи мумкин. Ана шундай ҳолатларда унга кенг қамровли биографик маълумотлар манбаи ҳамда қўшимча ахборот олиш мумкин бўлган манбалар рўйхати наф беради.

Айрим ҳолларда биографик манбалар муайян соҳада ном қозонган шахслар ҳақида ахборот топиш учун ишлатилади. Шу билан ҳам баъзи биографик манбалар касб бўйича каталог кўрсаткичларига эга.

## Биографик манбалар томонидан жавоб берилувчи саволлар

- Савол: Харриет Тьюбман қачон вафот этган?  
 Жавоб: Бу саволга жавоб «Америка миллий биографияси» (*American National Biography*) нашри орқали топилиши мумкин.
- Савол: Виржиния Вульф қачон туғилган ва вафот этган?  
 Жавоб: Бу саволга «Оксфорд миллий биография луғати» (*Oxford Dictionary of National Biography*) орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин.
- Савол: Таиланднинг ҳозирги қироли биографиясини қаердан топишим мумкин?  
 Жавоб: Мазкур маълумотни «Контекстдаги биография» (*Biography in Context*) на шрининг инсонлар касби ва миллатига бағишланган каталог кўрсаткичи орқали олиш мумкин.

## Маълумот бериш ишида фойдаланилувчи асосий биографик манбалар

### Каталог кўрсаткичлари

Фойдаланувчи ўзи излаган шахс биографиясини топишда қийинчиликларга дуч келса, каталог кўрсаткичларига мурожаат қилиш тавсия этилади. Бунинг учун энг яхши манба каталоглар бор бўлиб, улардан бири «Биография ва шажара катта каталоги» (*Biography and Genealogy Master Index*) деб номланади. Унга 1600 дан зиёд номдаги биографик маълумот манбалари киритилган, манбалар орасида биографик луғатлар, каталоглар, адабий тақриз ва шу каби манбалар айтиб ўтилган.

Манба орқали тирик ва вафот этган, ҳар хил соҳада фаолият юритган, дунёнинг турли бурчакларида яшаб ўтган 5 миллионга яқин одамнинг биографик маълумотларини топиш мумкин. Мазкур каталог кўрсаткичи маълумотни қайси манбадан излаш кераклиги ноаниқ бўлган пайтда, айниқса, фойдали бўлади. Унинг онлайн кўриниши ҳам бор бўлиб, у йилига икки марта янгиланади.

Кейинги каталог кўрсаткичи «Биография каталоги» (*Biography Index*) деб номланиб, унга 3 минг номдаги даврий нашрдан олинган биографик маълумот киритилган. Онлайн кўриниши 1984 йилдан буён чоп этилувчи манбаларни қамраб олади. Мазкур манбанинг аҳамияти шундаки, у орқали замондош инсонлар ҳақидаги маълумотларни топиш мумкин, ундаги маълумотлар бошқа манбаларда деярли учрамайди.

### Замондош инсонлар биографиялари

Замондош инсонларнинг қисқа биографик маълумотларини топиш учун фойдаланувчи *Marquis* компаниясининг «Ким ва қандай» (*Who's who*) тўпламига мурожаат қилиши мумкин. Тўпламнинг энг оммабоп нашри «Америкада ким ва қандай» (*Who's who in America*) йилномаси бўлиб, унинг 2010 йил-



да чоп этилган нашрига 110 мингга яқин машҳур америкаликларнинг биографик маълумоти киритилган. Ундаги айрим қайдлар ва янги маълумотлар таҳрир қилинган. Таъкидлаш жоизки, нашрга киритилаётган шахсларга ҳар йили махсус саволлар юборилиб, улар ҳақидаги маълумотлар янгилаб борилади. Одатдаги қайд инсон исми, касби, туғилган санаси, оиласи, таълими, иш фаолияти, асарлари, ижтимоий ва сиёсий фаолияти, ташкилотларга аъзолиги ва манзилдан иборат бўлган маълумотларни акс эттиради. Мазкур биографик манбага, шунингдек, география каталог кўрсаткичи, профессионал фаолият каталог кўрсаткичи, нафақага чиққанлар рўйхати, ўтган нашрдан буён вафот этганларнинг таъзиянома (некролог)лари ҳам киритилган.

*Marquis* компанияси, шунингдек, АҚШнинг турли бурчаклари учун мўлжалланган минтақавий биографик манбаларни ҳам чоп этади. Бундан ташқари, фойдаланувчилар диққатига Америка аёллари, АҚШ таълим соҳаси вакиллари, сиёсатчилари ва ҳоказо соҳалар вакилларига бағишланган манбалар ҳам таклиф этилади. Айтиш жоизки, барча нашрларнинг формати бир-бирига ўхшаш. *Marquis Who's Who on the Web* сайтида 1,4 миллиондан зиёд машҳур инсонларнинг биографияларини тўплашга муваффақ бўлди. Манба деярли барча соҳаларда фаолият юритган, ҳам вафот этган, ҳам ҳаёт бўлган машҳур инсонлар ҳақидаги маълумотларни қамраб олади. Фойдаланувчи сайтдаги маълумотларни исм, жинс, касб, ўқув муассасаси, туғилган сана асосида излаши мумкин. Сайтдаги пуллик маълумотлар эса ҳар куни янгилаб борилади.

Британиялик машҳур одамларга бағишланган нашр ҳам *Who's Who* деб номланиб, унга 30 мингдан зиёд биография киритилган. У ҳам шахсларни исмлари, эгаллаб турган лавозими, туғилган санаси, оиласи, таълими, иш фаолияти, асарлари, хоббилари ва манзили бўйича келтириб ўтади. Манбадаги маълумотлар унга киритилган машҳур одамларга сўровнома юбориш орқали янгилаб борилади. Айни пайтда унинг онлайн кўриниши ҳам мавжуд.

Гарчи машҳур канадаликларга бағишланган асосий биографик манба — *Who's Who*нинг чоп этилиши 1910 йилдан бошланган бўлса-да, уни йилнома кўринишида чоп этиш 1980 йилга келибгина йўлга қўйилган. Манбага 14 минг нафар одамнинг биографияси киритилган; маълумотлар уларга ҳар йили махсус сўровнома юбориш орқали янгилаб борилади. Нашрга киритилган ҳар бир одамнинг туғилган санаси ва жойи, манзили, оиласи, таълими, иш фаолияти, уюшмаларга аъзолиги, мукофотлари ва бошқа натижалари санаб ўтилади.

*World Who's Who* онлайн манба бўлиб, унда дунёнинг барча давлатлари ва барча соҳаларида фаолият юритувчи 60 мингдан зиёд машҳур инсон санаб ўтилган. Нашрга киритилган ҳар бир одамнинг исми, миллати, касби, туғилган санаси, жойи, оиласи, таълими, иш фаолияти, мукофотлари, асарлари, қизиқишлари ва боғланиш учун маълумотлари санаб ўтилади. Бундан ташқари, вафот этганлар ва дунёда бор бўлган қироллик оилалари ҳақидаги маълумотлар ҳам қайд этилган. Мазкур манба орқали фойдаланувчи ўзига керакли маълумотни исм, миллат, туғилган сана ва жой, касб каби мезонлар орқали излаши мумкин. *Routledge* компанияси ҳам халқаро сиёсат ва халқаро мусиқа соҳаларидаги машҳур инсонларга бағишланган биографик манбалар тўпламларини нашр этади. Ана шундай манбалар орасида «Халқаро муносабатлар соҳасининг машҳур одамлари» (*International Who's Who in International Affairs*) ва «Халқаро классик мусиқа соҳасининг машҳур одам-

лари» (*International Who's Who in Classical Music*) каби нашрларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

«*Замонавий биография*» (*Current Biography*) янгиликлар қаҳрамонига айланган одамлар ҳақидаги биографик маълумотларни тақдим этади. Нашрнинг ҳар ойда чоп этилувчи сонларида санъат, сиёсат, адабиёт, спорт, кино ва телевидение соҳасида кўзга кўринган одамларнинг биографик маълумотлари бериб борилади. Мақолалар, одатда, 2000 дан 3,5 мингтагача сўздан иборат бўлиб, уларда қаҳрамон сурати билан бир қаторда қўшимча маълумот олиш имконини берадиган манбалар рўйхати ҳам келтириб ўтилади. «*Замонавий иллюстрацияли биография*» (*Current Biography Illustrated*) юқоридаги нашрнинг онлайн кўриниши бўлиб, унда фойдаланувчилар 1940 йилдан бошла нувчи маълумот базасини исм, касб, туғилган жой, туғилиш ва вафот этиш санаси, миллати ва жинси асосида кўздан кечириши мумкин.

«*Замонавий халқаро биография йилномаси*» (*Current Biography International Yearbook*) 2002 йилдан буён чоп этилувчи нашрдир. Унда АҚШдан ташқарида бўлган ва халқаро миқёсда танилган машҳур одамлар ҳақидаги маълумотлар тақдим этилади.

Йилномага турли соҳаларда фаолият юритувчи 200га яқин машҳур инсоннинг биографик маълумотлари киритилади. Ҳар бир мақола нашрнинг ўз фикрлари ҳамда журналистлар ва мақола қаҳрамони ҳамкасбларининг фикрлари билан бойитилган. Мақолалар суратлар ва қўшимча маълумотлар олиш учун мўлжалланган библиографик маълумотлар билан бойитилган.

«*Янгиликлар қаҳрамонлари: сарлавҳалар ортида яширинган одамлар*» (*Newsmakers: The People behind Today's Headlines*) нашри ҳам бошқа библиографик маълумот манбаларига ўхшаб кетади. Ҳар бир мақола 1,5 мингдан 3 мингтагача сўздан иборат бўлиб, унга қаҳрамон манзили, туғилган санаси, оиласи, таълими, иш фаолияти, олган мукофотлари, асарлари ва биографик эссе киритилган.

Ҳар бир машҳур инсоннинг фотосурати ва қўшимча маълумот олиш учун библиографик маълумот ҳам бериб ўтилган. Нашрнинг ҳар бир сонига қўшилувчи инсонлар турли соҳалар, жумладан, бизнес, телевидение ва кино, кўнгилочар соҳа, адабиёт, сиёсат, ҳукумат, фан ва ҳоказо йўналишларда юқори натижаларни қўлга киритган. Нашрдан маълумотлар миллати, касби ва мавзу бўйича изланадиган каталог кўрсаткичлари ҳамда вафот этганлар рўйхати берилувчи махсус бўлим ҳам жой олган. Бир йилда нашрнинг 4 та сони чоп этилади. Йил якунида эса бирлашган бешинчи сон ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинади. Йил якунидаги сон, шунингдек, электрон китоб кўринишида ҳам бозорга чиқарилади.

«*Контекстдаги биография*» (*Biography in Context*) кенг қўламли онлайн маълумот базаси бўлиб, аynи пайтда машҳур бўлган ва яқинда вафот этган инсонлар ҳақидаги биографик маълумотларни тақдим этади. Ҳар бир қаҳрамоннинг шахсий маълумотлари, иш фаолияти, асарлари ҳамда қўшимча маълумот олиш имконини берувчи библиографик маълумотлари келтириб ўтилган. *Gale Cengage Learning* компанияси томонидан яратилган манба турли биографик маълумотномалар, 250 номдаги даврий нашр ҳамда компания томонидан чиқарилган биографик маълумотномалар, жумладан, «*Жаҳон биографик энциклопедияси*» (*Encyclopedia of World Biography*), «*Аме-*

рикаликлар биография лугати» (*Dictionary of American Biography*) ҳамда «Скрибнернинг америкаликлар ҳаёти биографияси» (*Scribner's Encyclopedia of American Lives*) каби манбалардан олинган. Манбадан 525 мингдан зиёд одамнинг 600 мингдан зиёд биографияси ҳамда 265 номдаги оммабоп журналда чоп этилган мақолаларнинг тўлиқ матни ҳам жой олган. Керакли маълумотларни исм, касб, туғилган йил, миллат, ирқ ёки туғилган жой асосида излаш мумкин.

«Биографик маълумот банки» (*Biographic reference bank*) H.W.Wilson компаниясининг бир қатор маълумот базаларини бирлаштириб, улардан ягона пулликманбани яратган. Унга 550 мингдан зиёд инсоннинг биографик маълумотлари киритилган бўлиб, уларни исм, касб, туғилган жой, жинс, туғилган ва вафот этган сана, асарлари номи ва керакли сўз асосида излаш мумкин. Маълумот базасидан, шунингдек 36 мингдан зиёд сурат ҳам жой олган.

Бепул маълумот базаси бўлган *biography.com* сайтга қадим замонлардан то ҳозирги кунда яшаётган 25 минг нафар машҳур инсоннинг биографияси киритилган. Ҳар бир қайдда қаҳрамоннинг туғилиш ва вафот этиш санаси, иш фаолияти, сурати (агар бўлса), асарлари рўйхати ва қўшимча маълумот олиш имконини берувчи веб-сайтларнинг ҳаволалари кўрсатиб ўтилган. Манба маълумотлари «Кембриджнинг Америкаликлар биографияси лугати» (*Cambridge Dictionary of American Biography*), «Кембридж энциклопедия маълумот базаси» (*Cambridge Encyclopedia Database*) ҳамда *Arts and Entertainment* кабелъ телеканали каби манбалардан олинган.

«Биографик лугат» (*Biographical Dictionary*) яна бир онлайн манба бўлиб, унга 33 мингдан зиёд машҳур шахснинг биографик маълумотлари киритилган. Ҳар бир қайд инсоннинг туғилган ва вафот этган санаси, касби, лавозими, асарлари ҳақида қисқача маълумотдан иборат. Сайтга хоҳлаган одам маълумот жойлаштириши мумкин.

*www.who2.com* сайтида эса 32 минг нафар машҳур инсон ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилиб, фойдаланувчилар у ердан бошқа сайтларга ҳаволаларни ҳам топиши мумкин.

## Ретроспектив биографиялар

«Америка миллий биографияси» (*American National Biography*) ҳам босма, ҳам онлайн шаклда яратилган нашр бўлиб, у «Америкаликлар биография лугати» (*Dictionary of American Biography*) нашрига турдош ҳисобланади. Бу умуман янги асар бўлиб «Машҳур америкалик ким?» деган саволни кенгрок тушуниб етиш натижасида яратилган (Брайант, 1999:82). Мазкур манбадан 17 500 нафар машҳур шахс биографияси жой олган бўлиб, мақолалар ҳажми анча катта ва қаҳрамонлар орасида аёллар, миллий озчилик вакиллари, аслида бошқа мамлакатдан бўлган, лекин АҚШда яшаб, унинг тараққиётига ўз хиссасини қўшган одамларнинг сони бошқа нашрларга қараганда анча кўп. Нашрнинг онлайн кўриниши ҳар чоракда янгиланиб, ундаги маълумотларни исм, касб, жинс, туғилган ва вафот этган сана, туғилган жой сингари кўрсаткичлар бўйича излаш мумкин. Қайдларда қаҳрамоннинг сурати ва қўшимча маълумот топиш учун хизмат қилувчи библиографик маълумотлар ҳам кўрсатиб ўтилган.

«Америкаликлар биография луғати» (*Dictionary of American Biography*) кўп йиллар давомида машхур америкаликлар ҳақида маълумот берувчи асосий манба бўлиб хизмат қилган. Нашрнинг охириги сони 1985 йилда чоп этилган; унга 1980 йилга қадар ҳаёт бўлган машхур одамларнинг маълумотлари киритилган. Қайдлар сони — 19 мингта.

2004 йили чоп этилган «Оксфорд миллий биография луғати» (*Oxford Dictionary of National Biography*) 1900 йили яратилган «Миллий биография луғати»нинг (*Dictionary of National Biography*) қайта кўриб чиқилган шакли бўлиб, у ҳам босма, ҳам онлайн кўринишда мавжуд. 2004 йилдаги нашрга 55 мингта янги биография ҳамда ДНВнинг 33 та сони давомида берилган биографияларнинг қайта ёзилган ва ўзгартирилган шакллари киритилган. Нашрга Буюк Британия тарихида ўчмас из қолдирган бошқа мамлакат вакиллари тўғрисида ҳамда турли соҳаларда кўзга кўринган британияликлар ҳақидаги маълумотлар киритилган. Манбанинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, унга киритилган машхур инсонларнинг барчаси вафот этган. Онларин манбадаги маълумотлар шахс исми, жой, саналар, соҳалар асосида изланиши мумкин. Онлайн нашрнинг маълумотлари йилига уч марта янгиланади.

1900 йилда «Миллий биография луғати»га (*Dictionary of National Biography*) 29 333 нафар машхур инсон ҳақидаги маълумотлар кирганди. У 1908–1909 йилларда 22 жилдда қайта нашр этилган. 1912–1996 йиллар оралиғида нашр кўшимча равишда чоп этиб борилган. Нашр кўп йиллар давомида машхур британияликлар ҳақида маълумот берувчи асосий манба сифатида хизмат қилган.

«Канадаликлар биографиясининг луғати»нинг (*Dictionary of Canadian Biography*) кириш қисмида «нашрга кирмаганлар бугунги Канадани барпо этишда иштирок этмаганлар ёки ҳеч бўлмаса унинг соҳилига яқинлашмаганлардир» дейилади. Нашрнинг жилдлари хронологик тартибда келтирилган бўлиб, инсоннинг вафот этган санаси асосида тузилган.

Нашрнинг биринчи жилди 1000–1700 йиллар оралиғида яшаб ўтган шахслар ҳаётини қамраб олади. Ҳар бир мақола 400 дан 1200 тагача сўздан иборат бўлиб, жилдлар охирида маълумотларни излаш учун мўлжалланган каталог кўрсаткичи берилган. Ҳозирги кунгача нашрнинг 14 та жилди чоп этилган. Луғат, шунингдек, француз тилида ҳам нашр қилинган. Нашрнинг онлайн кўриниши «Канадаликлар биографиясининг онлайн луғати» (*Dictionary of Canadian Biography online*) деб аталиб, унда босма шаклда чоп этилувчи нашрга киритиш мўлжалланган биографиялар ҳам келтириб ўтилади.

«Жаҳон биография маълумоти тизими» (*World Biographical Information System — WBIS Online*) микрофильм архивларидан олинган биографик маълумотларни қамраб олиб, унга XVI–XX асрга алоқадор маълумотлар ҳамда асл нусадаги ҳужжатларнинг онлайн факсимиле кўриниши ҳам киритилган. Манба тўлиқ шаклланиб бўлганидан сўнг унга 5 миллионга электрон шаклдаги биографик мақола немис, испан, инглиз, француз ва итальян тилларида жойлаштирилиши кўзда тутилган. Маълумотларни исм, жинс, туғилган ва вафот этган йил, касб, мамлакат асосида излаш мумкин.

«Ким ким бўлган?» (*Who was who*) ва «Америкада ким ким бўлган?» (*Who was who in America*) ҳам ретроспектив биографик маълумот манбалари ҳисобланади. Машхур шахс вафотидан сўнг у ҳақидаги маълумотлар ретроспектив

биографик манбаларга киритилади. «*Ким ким бўлган?*» наشري тўрт йиллик даврлар бўйича ажратилган. Масалан, нашрнинг 11-жилдига 2001–2005 йиллар оралигида оламдан ўтган машҳур шахслар киритилган. «*Ким ким бўлган? 1897–2000 йиллар учун бирлашган каталог*» (*Who was Who, A Cumulated Index 1897–2000*) нашрига мана шу йиллар ичида яшаб ўтган машҳур инсонларнинг исми, тугилган ва вафот этган санаси ҳамда у ҳақдаги маълумот келтириб ўтилган жилд сони кўрсатиб ўтилган. «*Америкада ким ким бўлган?*» нашрининг ҳозирги кунгача 14 та жилди чоп этилган бўлиб, улардаги маълумотлар 1897 йилдан бошланиб, то 2008 йилгача бўлган даврни қамраб олади. Нашрнинг тарихий жилди эса 1607–1896 йилларни қамраган.

«*Америкаликлар биографиясининг миллий энциклопедияси*» (*The National Cyclopaedia of American Biography*) нашридаги маълумотлар машҳур шахслар гуруҳлари бўйича берилган. Ҳар бир қайддан қаҳрамоннинг анчагина кенг биографияси, расми жой олган. Нашр чоп этилган пайтда унга киритилган одамларнинг кўпчилиги ҳаёт бўлган. Қайдлар алифбо тартибда бўлмагани боис ҳар бир жилдда каталог кўрсаткичи бериб ўтилган. Мазкур манбанинг аҳамияти шундаки, унга киритилган одамлар ҳақидаги маълумотларни бошқа биографик манбалардан топиш анча мушкул.

«*Скрибнернинг америкаликлар ҳаётининг биографияси*» (*Scribner's Encyclopedia of American Lives*) анча қизиқ биографик маълумот бўлиб, унга киритилган инсонлар ҳам оламдан кўз юмган. Ҳар бир жилд алифбо тартибда тузиб чиқилган, маълумотларни, шунингдек, касбларнинг каталог кўрсаткичи орқали ҳам излаш мумкин. Нашрнинг охириги сони 2003–2005 йиллар оралигида вафот этган шахслар ҳақидаги маълумотларни қамраб олган.

«*Жаҳон биографияси энциклопедияси, 2-жилд*» (*Encyclopedia of World Biography, 2nd edition*) кўп жилдли манба бўлиб, 7 мингдан зиёд машҳур инсоннинг кенг қўламли биографик маълумотини тақдим этади. Ундан турли замонларда яшаган ва турли соҳаларда фаолият юритган, ҳам ҳаёт бўлган, ҳам оламдан кўз юмган инсонларнинг биографик маълумоти жой олган. Мақолалар жуда қизиқ, ўқишли тарзда берилиб, кўпинча библиография ва қаҳрамоннинг сурати ёки фотосурати билан бойитилган. Нашр халқро мазмунда бўлгани боис у дунёнинг турли мамлакатларида фаолият юритган кўзга кўринган одамлар ҳақида маълумот олиш учун қулай манба ҳисобланади. Китобнинг электрон кўриниши ҳам бор, унда турли қўшимча маълумотлар ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

## Бир жилдли биографик луғатлар

«*Чемберс биографик луғати*» (*Chambers Biographical Dictionary*) 1669 бетдан иборат бўлган катта биографик луғат бўлиб, унга «биз яшаб турган дунёни шакллантирган ва шакллантиришда давом этаётган» 17500 нафар кўзга кўринган инсоннинг биографияси киритилган. Фойдаланиш учун анча қулай шаклда яратилган нашр ҳозирги кунда яшаб турган ва оламдан ўтиб кетган инсонларнинг қисқа биографик маълумотларини тақдим этади. Қайдлар қисқа ҳикоя шаклида бўлиб, унда ҳикоя қаҳрамонларининг қўлга киритган ютуқлари, эришган натижалари бирма-бир санаб ўтилган. Айрим қайдларда қаҳрамон ёки у ҳақда айтилган гаплар алоҳида рамкага олинган ҳолда кўр-

сатиб ўтилган. Нашрнинг онлайн шакли [www.chambersharrap.co.uk](http://www.chambersharrap.co.uk) манзилида жойлашган. У, шунингдек, «Кембридж биография луғати» (*The Cambridge Biographical Dictionary*) номи билан ҳам чоп этилган.

«Мерриэм-Вэбстернинг биографик луғати» (*Merriam-Webster's Biographical Dictionary*) ихчам бир жилддан иборат биографик луғат бўлиб, унда қадим замонлардан ҳозирги кунгача яшаб ўтган 30 мингга яқин машҳур инсонларнинг қисқа биографик маълумотлари кўрсатиб ўтилган. У тайёр маълумотли манба сифатида эътиборга молик.

## Таъзияномалар

Таъзияномалар, кўпинча, муайян инсон ҳаёти ҳақида маълумот излаётган фойдала нувчиларда қизиқиш уйғотади. Йирик газеталарнинг эски сонларини топиш нисбатан осон бўлгани сабабли, кутубхоналар алоҳида таъзияномалар нашрларини харид қилиши шарт эмас. Аммо қуйидаги икки манба ҳам фойдали, ҳам маълумотни текшириш осонлиги билан диққатга сазовордир: «Нью-Йорк Таймснинг таъзияномалар каталог кўрсаткичи, 1885–1968 йиллар» (*The New York Times Obituaries Index, 1885–1968*) ва «Нью-Йорк Таймснинг таъзияномалар каталог кўрсаткичи, 1969–1978 йиллар» (*The New York Times Obituaries Index, 1969–1978*) мазкур давр оралиғида газетада чоп этилган таъзияномаларнинг тўплами ҳисобланади. Мазкур нашрлар орқали вақт ўтиши билан қотиллик ва ўз жонига қасд қилишга бўлган муносабатнинг қандай ўзгариб бурганини кузатиш мумкин. Иккинчи жилдда мазкур турдаги ўлим ҳолатлари ҳам қамраб олинган. *Newsbank* веб-сайтида ҳам таъзияномаларнинг онлайн маълумот базаси шакллантирилган. «Америка таъзияномалари ва ўлим ҳақида маълумотномалари» (*America's Obituaries and Death Notices*) АҚШ ҳудудида чоп этилувчи газеталарда эълон қилинган таъзияномаларни қамраб олади. *Obituaries.com* ҳам таъзияномаларга бағишланган онлайн манба. Унда АҚШ ва Канадада чоп этилувчи 700 та газетада эълон қилинадиган таъзияномалар тўплаб борилади.

## Муайян соҳа вакилларига ихтисослашган биографик манбалар

«Замонавий муаллифлар» (*Contemporary Authors*) замонамизда яшаб турган муаллифлар ҳақидаги ажойиб маълумот манбаидир. Нашрнинг аҳамияти шундаки, унга нафақат бадиий, айти чоғда гурли йўналишларда қалам тебратувчи муаллифлар ҳам кирган бўлиб, уларнинг биографияларини бошқа манбалардан топиш анча мушкул. Босма ва электрон форматда яратилган нашрда муаллифларнинг шахсий маълумоти билан бир қаторда фаолияти, қўлга киритган мукофотлари, асарлари ва асарларига берилган тақризлар, бошқа кўплаб қўшимча маълумотлар акс эттирилган. Нашрга киритилган биографи ялар вақти-вақти билан янгилаб турилади. Унга 120 мингдан зиёд муаллиф киритилган. «Адабиёт соҳаси вакиллари биографияларининг онлайн луғати» (*Dictionary of Literary Biography Online*) 10 мингдан зиёд муаллиф ва уларнинг асарларига бағишланган биографик тақризларни қамраб олади. Манбанинг маълумотлари *Gale Cengage Learning* компанияси томонидан яратилган биографик нашрлар ҳамда 260 номдаги адабий журналдан

олинган. Фойдаланувчи ўзи га зарур бўлган ахборотни муаллиф исми, ирқи, миллати, асар жанри, адабий йўналиш ва бошқа бир қатор кўрсаткичлар асосида излаши мумкин. «Адабиёт соҳаси вакиллари биографияларининг онлайн луғати»нинг босма нашр кўриниши ҳам бўлиб, унда онлайн манбадан кўра кўпроқ маълумот жойлаштирилган. Кутубхоначилар мазкур икки манбани солиштириб, улардан қай бири фойдаланувчилар эҳтиёжини қондириш учун қулайроқ эканини ҳал қилиб олиши лозим.

«Аёл рассомлар» (*Voices from the Gaps: Women Artists and Writers of Color*) веб-сайти <http://voices.claremont.edu> манзилида жойлашиб, АҚШнинг Миннесота университети инглиз маданияти бўлими томонидан яратилган. Сайтда Шимолий Америкада фаолият юритувчи аёл рассомлар ҳақидаги қизиқарли маълумотлар билан танишиш мумкин. Фойдаланувчи ўзи излаётган ижодкорни унинг исми, туғилган жойи, миллати ёки ирқи, муҳим саналар асосида излаши мумкин.

АҚШ Тарих уюшмасининг «Тарихий адабиёт маълумотномаси» (*Guide to Historical Literature*) фойдаланувчилар диққатига 1931, 1961 ва 1995 йиллар оралиғида чоп этилган асарлар муаллифларининг биографияларини тақлиф этади.

«Америкалик олимлар маълумотномаси» (*Directory of American Scholars*) беш жилдли асар бўлиб, унда тарих, инглиз тили, хорижий тиллар, фалсафа, диншунослик, юридик ва ижтимоий фанлар йўналишларида шуҳрат қозongan олиму мутахассисларнинг биографиялари келтириб ўтилган. Асарнинг кўшимча жилдида алифбо, йўналиш, географик жойлашув асосида тузилган каталог кўрсаткичи ўрин олган. Таъкидлаш жоизки, мазкур манбадаги маълумотларни бошқа нашрларда топиш анча мушкул.

«Америкалик олим ва олималар: физика, биология ва турдош фанлар бугунги етакчиларининг биографик маълумотномаси» (*American Men and Women of Science: A Biographical Directory of Today's Leaders in Physical, Biological and Related Sciences*) АҚШ ва Канадада фаолият юритаётган, ўз соҳасида катта ютуқларга эришган олим ва олималар ҳақидаги ажойиб манба ҳисобланади. Нашрдаги маълумот лўнда кўринишда берилиб, туғилган сана ва жой, фуқаролик, оилавий маълумот, мутахассислик, таълим, илмий даража, профессионал тажриба, мукофотлар, ташкилотларга аъзолик, илмий асарлар, адрес ва электрон почта манзилдан иборат. Нашр етти жилддан иборат бўлиб, саккизинчи жилд маълумотларни излаш учун мўлжалланган каталог кўрсаткичидан иборат. Биринчи жилдда эса, турли илмий мукофотларга сазовор бўлган олим ва олималар рўйхати берилади. Нашрнинг онлайн кўринишини Gale компанияси виртуал кутубхонаси сайтидан топиш мумкин. «Илмий биографиялар янги луғати» (*New Dictionary of Scientific Biography*) — математика ва табиий фанлар соҳаларида фаолият юритувчи олимлар биографиялари берилган манба. Айти пайтга келиб нашрнинг 26 та жилди яратилган. Нашрни жилд бўйича ёки тўлиқ кўринишда электрон китоб шаклида Gale компаниясининг виртуал кутубхонасидан харид қилиш мумкин. Математикаларга бағишланган белул сайт Шотландиянинг Авлиё Эндру университети Математика ва статистика мактаби томонидан яратилиб, мунтазам равишда янгиланиб борилади. Сайт адреси — [www.history.mcs.st-and.ac.uk/BoGIndex.html](http://www.history.mcs.st-and.ac.uk/BoGIndex.html). Сайтдаги биографик маълумотлар анча кенг қўламли бўлиб, муаллифлар томонидан имзоланган.

«Американинг машҳур аёллари, 1607– 1950: биографик луғат» (*Notable American Women, 1607– 1950: A Biographical Dictionary*) ҳамда «Американинг машҳур аёллари, ҳозирги замон: биографик луғат» (*Notable American Women, the Modern Period: A Biographical Dictionary*) асарлари америкалик аёлларнинг тарихдаги аҳамиятини ёритиб берувчи ажойиб манбадир. «Пэлгрейв Макмиллан аёллар биографияси луғати» (*Palgrave Macmillan Dictionary of Women's Biography*) замонамизда ва ўтмишда машҳур бўлган 2100 нафар аёл туғрисида биографик маълумотларни тақдим этади. Аёллар тарихининг миллий музейи (*The National Women's History*) веб-сайтида ([www.nwhm.org/education-resources/biography/biographies](http://www.nwhm.org/education-resources/biography/biographies)) табиатни муҳофаза қилиш, журналистика, кўнгилочар соҳаларда фаолият кўрсатаётган кўзга кўринган аёллар ҳақидаги биографик маълумотлар қамраб олинган. Сайтда ҳар бир аёл ҳақидаги қисқа биографик маълумот, сурати ва қисқа библиографик рўйхат кўрсатиб ўтилади.

«Эрик Вайсштейннинг биографиялар дунёси» (*Eric Weisstein's World of Biography*) фаннинг турли йўналишларида фаолият юритаётган мингдан зиёд арбоб ҳақида биографик маълумотларни кўрсатиб ўтади. Сайт манзили — [scienceworld.wolfram.com/biography](http://scienceworld.wolfram.com/biography).

Файласуфларнинг биографиялари «Стенфорд фалсафа энциклопедияси» (*Stanford Encyclopedia of Philosophy*) бепул веб-сайти орқали топилиши мумкин бўлиб, манба <http://plato.stanford.edu> манзилида жойлашган. Манбада берилган биографик маълумотлар анча кенг қўламли, мақолалар файласуфлар томонидан имзоланган.

«АҚШ Конгресси вакилларининг биографик маълумотномаси, 1774-йилдан ҳозирга қадар» (*Biographical Directory of the United States Congress, 1774 to Present*) нашри бугунги кунда онлайн шаклда ҳам мавжуд бўлиб, <http://bioguide.congress.gov/biosearch/biosearch.asp> манзилида жойлашган. Фойдаланувчилар ўзига керакли шахсни унинг исми, Конгрессдаги лавозими, штати, партияси ва ҳоказо кўрсаткичлар асосида излаш имкониятига эга.

«Замонавий рассомлар ва санъат» (*Modern and Contemporary Artists and Art*) сайти [www.the-artists.org](http://www.the-artists.org) манзилида жойлашиб, унда ижодкорни исми, ижод йўналиши, ижодий уюшмаларга аъзолиги ва ҳоказо кўрсаткичлар асосида топиш мумкин. Манбада рассомлар ва уларнинг асарлари ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган.

Калифорниядаги Гетти музейи томонидан яратилган «Рассомлар миллий рўйхати» (*Union List of Artists*) нашри [www.getty.edu/research/tools/vocabularies/ulan/index.html](http://www.getty.edu/research/tools/vocabularies/ulan/index.html) манзилида жойлашган. Унда 220 мингдан зиёд рассом ҳақида маълумот берилган. Манба халқаро миқёсга эга бўлиб, қадимий замонлар билан бир қаторда ҳозирги кунда фаолият юритаётган ижодкорларни ҳам қамраб олади. Ҳар бир қайдда рассомнинг исми, таҳаллуси, туғилган ва вафот этган санаси, географик жойлашуви, биографик ёзувлар, устоз ва шогирдлари ҳамда маълумот манбаи кўрсатиб ўтилган.

Кино актёрлари ҳақидаги маълумотларни [www.imdb.com](http://www.imdb.com) сайтидан топиш мумкин бўлиб, яна бир интернет саҳифа — [www.whatacharacter.com](http://www.whatacharacter.com) ҳам киноактёрлар, улар ижро этган роллар ҳақидаги маълумотларни тақдир этади.

Жаз мусиқачилари ҳақидаги маълумотлар [www.pbs.org/jazz/biography](http://www.pbs.org/jazz/biography) манзилида жойлашган бўлиб, ахборот алифбо тартибида жойлаштирилган.



## Миллий-маданий меросга бағишланган биографик манбалар

«Африкалик америкаликлар» (*Who's Who Among African Americans*) нашри машхур африкалик америкаликлар ҳақидаги биографик маълумотларни тақдим қилади. Мақолаларга қаҳрамоннинг шахсий маълумотлари, касби, таълими, иш фаолияти, ташкилотларга аъзолиги, мукофотлари, қўлга киритган натижалари ва ҳарбий хизматда бўлгани ҳақидаги маълумотлар киритилган. Нашрдан, шунингдек, каталог кўрсаткичи ҳам жой олган бўлиб, ундаги маълумотларни географик жойлашув ва касб кўрсаткичлари асосида излаш мумкин. Таъзияномалар бўлимида эса, яқинда оламдан ўтган инсонлар тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилган.

Мазкур манба, шунингдек, электрон китоб шаклида ҳам мавжуд бўлиб, уни *Gale* компани ясининг виртуал кутубхонаси орқали харид қилиш мумкин. «Африкалик америкаликларнинг миллий биографияси» (*African American National Biography*) 4100 дан зиёд африкалик америкаликлар ҳақидаги маълумотларни қамраб олади. Биографиялар анча кенг қўламли, илмий тилда ёзилган. Айрим маълумотлар «Америка миллий биографияси» (*American National Biography*) китобидан олинган. Нашрнинг онлайн кўриниши Оксфорд америкаликларни ўрганиш маркази сайтида жойлаштирилган.

Гарчи муайян этник гуруҳларга бағишланган алоҳида биографик манбалар кам бўлса-да, лекин мазкур бобда келтирилган кўпчилик электрон манбаларда керакли одам ҳақидаги маълумотларни ирқи ва миллати асосида излаш имконияти мавжуд.

## Коллекцияни шакллантириш ва бошқариш

### Манбаларни танлаш ва янгилаб бориш

Биографик манбалар ахборот манбаларини тақриз қилувчи журналлар томонидан кўриб чиқилади. Кутубхоначилар янги биографик манбалар ҳақидаги маълумотларнинг тақризларини «Кутубхона журнали» (*Library Journal*), «Китоблар рўйхати» (*Booklist*), «Америка маълумотномалари йилномаси» (*American Reference Book Annual*) каби нашрлар орқали топиши мумкин. Биографик манбаларни, шунингдек, «ARBA биографик манбалар маълумотномаси 1986–1997» (*ARBA Guide to Biographical Resources 1986–1997*) орқали ҳам топиш мумкин бўлиб, унда халқаро миқёсда чоп этилувчи манбалар кўрсатиб ўтилади. Маълумотлар мамлакат бўйича ажратилган бўлиб, муайян касб вакилларига бағишланган биографик манбалар касб бўйича ажратилган.

### Биографик манбаларни баҳолаш

Биографик манбалар қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

- қўлам;
- аниқлик;

- қайд ҳажми;
- шахсни манбага киритиш мезонлари;
- фойдаланувчилар кўлами;
- нуфуз;
- янгилиниш;
- манбага киритилган одамларнинг суратлари мавжудлиги;
- қўши мча маълумот олиш учун манбалар кўрсатилганлиги.

Биографик манбалар учун кўлам, айниқса, муҳим бўлиб, у манба нақадар кенг миқёсли эканини намойиш этади. Манба ҳам ҳаёт бўлган, ҳам вафот этган одамларнинг биографик маълумотларини тақдим этадими? У муайян касб ёки муайян мамлакатни қамраб оладими? Маълумотлар қамровининг параметрлари қандай? Кутубхона коллекциясида кутубхоначи ҳам тарихий, ҳам замонавий шахслар ҳақидаги биографик маълумотларга эга бўлишни исташи табиий. Коллекцияда АҚШ билан бир қаторда, бошқа мамлакатларда яшаган одамлар ҳақидаги маълумотлар ҳам бўлиши лозим. Шу билан бирга, бир турдаги манбалар турли мамлакатларда яшаган одамларнинг биографик маълумотларини берса, бошқалари муайян мамлакат ёки минтақада яшаб ўтган ва яшаб келаётган шахслар ҳаётини қамраб олади.

Биографик манбаларда аниқликка алоҳида эътибор қаратиш лозим. Биографик қайдлардаги фактларни қайта-қайта текшириш тавсия этилади. Шахс ҳаёти ҳақидаги маълумотларни бошқа манбалар билан солиштириш ҳам фойдали.

Қайднинг ҳажми ҳам муҳим аҳамият касб этади, негаки, баъзида фойдаланувчига қисқа маълумот, айрим ҳолатларда эса кенгроқ, деталлашган ахборот керак бўлади. Шу боис кутубхоналар ўз коллекциясига ҳам қисқа, ҳам кенгроқ кўламли биографик манбаларни қўшиши мақсадга мувофиқ.

Одамни манбага киритиш мезонлари ҳам анча муҳим жараён ҳисобланади. Манбага киритилган шахсларнинг аксарияти саволномаларга жавоб бериш орқали қабул қилинади. Баъзан эса, муаллифлар муайян соҳада фаолият юритувчи барча инсонларни қамраб олишга ҳаракат қилади. Одамни манбага киритиш мезонлари, одатда, нашрнинг кириш қисмида тушунтириб ўтилади. Аммо манбага киритилиш учун ҳақолинган бўлса, албатта, бундай нашрларни холис манба деб бўлмайди.

Ўз навбатида, манбадан фойдаланувчилар гуруҳига ҳам эътибор қаратиш лозим. Биографик манбанинг ўқилиш даражаси ва ундан фойдаланиши мумкин бўлган ўқувчилар гуруҳини аниқлаб олиш даркор. Айрим манбалар илмий биографияларни тақдим қилса, бошқаларининг ёзилиш тили оммабоп бўлиб, улар кенг қамровли фойдаланувчилар гуруҳи учун мўлжалланади.

Нашрнинг нуфузи ҳам текширилиши лозим. Бунинг учун манба қайси нашриёт ёки муаллиф томонидан яратилганига жиддий эътибор қаратиш керак. Имзоланган биографиялар ёки қўшимча библиографик маълумотлар берилган манбалар сифатли маҳсулот ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳар қайси биографик манба ҳам йирик нашриётлар томонидан яратилган аслигини унутмаслик керак. Аммо бу мазкур манбалар кутубхо-

на коллекцияси учун бефойда дегани эмас. Балки кутубхоначилар бу каби манбаларни биров синчковлик билан кўздан кечириши лозим, холос.

Наشريёт ўз маҳсулотини қайси вақт оралигида янгилаб боришига эътибор қаратиш керак. Бу китобга киритилган инсонларнинг кўпчилиги ҳаёт бўлган ҳолатларда, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Кўпчилик биографик манбалар йиллик асосида янгилаб борилади. Шунинг ҳам инobatга олиш керакки, кўпчилик биографик манбалар ўтган нашрлардаги маълумотларга асосланади ва улардаги керакли маълумотни топиш учун махсус каталог кўрсаткичлари ҳам тақлиф этилади. Агар биографик манба онлайн шаклда бўлса, унинг янгилиниши ва қисқа вақт ичида амалга оширилиши табиий. Биографик манбага киритилган одамнинг сурати берилганига ҳам эътибор қаратиш лозим. Кўпчилик манбалар маълумотларни суратсиз тарзда беради, аммо суратли манбаларга эга бўлиш ҳам жуда фойдали, негаки кўпчилик ўқувчилар ўзлари қизиққан одамнинг кўринишини билишни хоҳлаши ҳам табиий.

Ниҳоят, биографик манба бошқа маълумот манбаларининг библиографик рўйхатига эга бўлиши ҳам анча муҳим. Бу орқали фойдаланувчи ўзи излаётган шахс ҳақида қўшимча маълумотларни топиш имконига эга бўлади.

## Қўшимча фикрлар

Биографик ахборотни топиш ҳам осон, ҳам қийин бўлиши мумкин. Машхур одамлар кўплаб биографик манбаларга киритилган. Лекин айрим одамларнинг маълумотларини, гарчи улар машхур бўлса-да, биографик манбалардан топиш жуда қийин бўлади. Агар керакли одам ҳақидаги маълумотларни топиш қийин кечса, у ҳақидаги маълумотлар берилган манбалар кўламини торайтириш ва изланаётган одамни таснифлаб олиш фойда бериши мумкин. Бунинг учун, биринчидан, фойдаланувчи ўзига керакли одам ҳаёт ёки вафот этганлигини аниқлаб олиши керак. Агар фойдаланувчи айтилган пайтда ҳаёт бўлган одам ҳақидаги маълумотларни излаётган бўлса, кутубхоначи фақат оламдан ўтган одамлар ҳақидаги манбаларни чиқариб ташлаши мумкин. Кейинги қадам, керакли одамнинг миллатини аниқлашдан иборат бўлади. Бу ҳам қидирув кўламини торайтиришга хизмат қилиб, керакли одам муайян мамлакатда яшаб ўтган шахслар орасидан қидирилади. Агар керакли одамнинг касби ҳам маълум бўлса, бу ҳам излаш жараёнини тезлаштиради. Муайян мавзуга бағишланган энциклопедиялар муайян соҳада ном қозонган шахс ҳақидаги маълумотларни топишда қўл келади. Шу билан бирга ўзида бир қатор манбаларни бирлаштириш ва кўп жилдли манбалардан маълумот топишнинг ягона йўлини тақлиф қилувчи йирик ва кенг кўламли манбаларни текшириш орқали ҳам керакли маълумотларни топиш мумкин бўлади. Ана шундай манбалар қаторига «Биография ва шажара катта каталоги» (*Biography and Genealogy Master Index*) китобини киритиш мумкин. Айрим ҳолатларда эса махсус биографик манбалардан воз кечиб, ҳозирги кунда шов-шувларга сабаб бўлаётган одамлар ҳақидаги маълумотларни газета ёки бошқа даврий нашрлар орқали ҳам топиш мумкин.

БИОГРАФИК МАНБАЛАР ҲАМДА		
Ном	Босма	Онлайн
«Америка миллий биографияси» ( <i>American National Biography</i> ), 1999, Нью-Йорк ш., Oxford University Press компанияси	24 жилд	обуна <a href="http://www.anb.org">www.anb.org</a> манзилида
«Биография ва шажара катта каталоги» ( <i>Biography and Genealogy Master Index</i> ), Фармингтон Хилс, Gale Cengage Learning компанияси	ҳар икки йилда	обуна <a href="http://www.gale.com">www.gale.com</a> манзилида
«Биография маълумотномаси, 1946» ( <i>Biography Index, 1946</i> ), Бронкс, Нью-Йорк ш., H.W.Wilson компанияси	ҳар чорак	обуна <a href="http://www.hwwilson.com">www.hwwilson.com</a> манзилида
«Контекстдаги биография» ( <i>Biography in Context</i> ), Фармингтон Хилс, Gale Cengage Learning компанияси		Обуна <a href="http://www.gale.com">www.gale.com</a> манзилида
«Замонавий биография, 1940» ( <i>Current Biography, 1940</i> ) Нью-Йорк ш., H.W.Wilson Online компанияси, «Замонавий иллюстрацияли биография» ( <i>Current Biography Illustrated</i> )	ойлик	обуна <a href="http://www.hwwilson.com">www.hwwilson.com</a> манзилида
<i>World Who's Who</i> , Индепенденс ш., Taylor & Francis компанияси	йиллик	обуна <a href="http://www.worldwhoswho.com">www.worldwhoswho.com</a> манзилида
<i>Literature Resource Center</i> , Фармингтон Хилс, Gale Cengage Learning компанияси		обуна <a href="http://www.gale.com">www.gale.com</a> манзилида
«Оксфорд миллий биография лугати» ( <i>Oxford Dictionary of National Biography</i> ), 2004й., Нью-Йорк, Oxford University Press компанияси	60 жилд	обуна <a href="http://www.oxfordonline.com/online/odnb">www.oxfordonline.com/online/odnb</a> манзилида
Marquis Who's Who on the Web, Нью-Провиденс шаҳри, Marquis Who's Who компанияси		обуна <a href="http://www.marquiswhoswho.net">www.marquiswhoswho.net</a> манзилида

#### ҲАМДА

ҲАМДА
<p><i>Biographical Dictionary</i> — <a href="http://www.s9.com">www.s9.com</a> манзилида. Ҳар ким таҳрир қилиши мумкин бўлган биографик маълумот манбаи.</p> <p>«АҚШ Конгресси вакилларининг биографик маълумотномаси, 1774 йилдан ҳозирга қадар» (<i>Biographical Directory of the United States Congress, 1774 to Present</i>); манзил — <a href="http://bioguide.congress.gov/biosearch/biosearch.asp">http://bioguide.congress.gov/biosearch/biosearch.asp</a>. Мамлакат ташкил топгандан буён Конгрессда фаолият юритган инсонлар биографиялари.</p> <p>Biography.com — умумий мазмундаги ажойиб биографик маълумотлар манбаи; манзили — <a href="http://www.biography.com">www.biography.com</a>.</p> <p>«Эрик Вайштайнинг биографиялар дунёси» (<i>Eric Weisstein's World of Biography</i>) — илм-фан вакилларига бағишланган биографик манба; манзили <a href="http://scienceworld.wolfram.com/biography">http://scienceworld.wolfram.com/biography</a>.</p> <p>Internet Movie Database <a href="http://www.imdb.com">www.imdb.com</a> манзилида. Кино индустрияси вакилларининг биографияларини топиш учун мўлжалланган ажойиб манба.</p> <p>Аёллар тарихи миллий музейининг веб-сайти — <a href="http://www.nwhm.org/education-resources/biography/biographies">www.nwhm.org/education-resources/biography/biographies</a>. Тарихда ном қолдирган аёлларга бағишланган сайт.</p> <p>Obituaries.com — <a href="http://www.obituaries.com">www.obituaries.com</a>. Таъзияномаларга бағишланган манба.</p> <p>«Стенфорд фалсафа энциклопедияси» (<i>Stanford Encyclopedia of Philosophy</i>); манзили — <a href="http://plato.stanford.edu">http://plato.stanford.edu</a>. Файласуфлар биографиялари.</p> <p>«Расомлар миллий рўйхати» (<i>Union List of Artists</i>) — <a href="http://www.getty.edu/research/tools/vocabularies/ulan/index.html">www.getty.edu/research/tools/vocabularies/ulan/index.html</a>. Расомларга бағишланган яхши манба.</p>

# 12

## Ҳукуматлар тўғрисидаги саволларга жавоб бериш — ҳукумат ахборот манбалари

---

### Қисқача шарҳ

---

Ҳокимият органларининг ҳар бир бўғини — у Федерал муассасами ёки маҳаллий ҳокимият органими — ҳар бири ўз нашрларига эга. Маълумот бериш ишида бу каби нашрлар «ҳукумат ҳужжатлари» деб юритилади. АҚШда ҳукумат нашрлари «ҳокимият органи ҳисобидан ёки қонун билан талаб қилинган ҳолда мустақил ҳужжат сифатида чоп этилувчи ахборот манбаи» деб таърифланади (АҚШ 44-кодекси, 1901). Мазкур таъриф ўз ичига ҳокимият бош қармаларининг қайдлари, турли изланиш ва тадқиқот натижалари, жумладан, статистика ва бошқа соҳалардаги маълумотлар, жамият учун қизиқ бўлган соҳалар, хусусан, озиқ-овқат, соғлиқ, иш жойи ва саёҳат каби йўналишларга бағишланган ахборот манбаларини қамраб олади. Ҳукумат нашрлари кўплаб форматларга эга бўлиб, босма китоб, CD-ROM, да врий нашрлар, памфлетлар, фильмлар, хариталар ва онлайн нашрлар шаклида фойдаланувчилар эътиборига ҳавола қилиниши мумкин. Ҳар бир мамлакатнинг ўз ҳукумат нашрлари бор. Бундан ташқари, халқаро тузилмалар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки ва бошқалар ҳам ўз нашрларига эга.

### Ҳукумат нашрларидан қандай фойдаланилади?

Ҳукумат нашрлари кўплаб муҳим соҳа ва мавзулар борасидаги аjoyиб маълумот манбаидир. Хусусан, айрим масалаларга алоқадор ахборотни фақат ҳукумат нашрлари орқали топиш мумкин. Ҳокимият органлари томонидан қамраб олинувчи соҳаларга эътибор берган одам, улар ҳар бир фуқаронинг ҳаётига алоқадор бўлган деярли барча йўналишлар бўйича фаолият юритишига амин бўлади. Шу боис ҳукумат нашрлари ҳақида хабардор бўлиш, уларга эга бўлиш, уларни тартибга солиш ва охир-оқибат кутубхона коллекциясига қўшиш муҳим аҳамият касб этади.

### Ҳукумат нашрлари томонидан жавоб берилувчи саволлар

- Савол:** Сайр қилиш учун мўлжалланган миллий боғлар ҳақидаги маълумотларни қаердан топиш мумкин?
- Жавоб:** Миллий боғлар тизими веб-сайтини нг (манзил: [www.nps.gov/fin-dapark/index.htm](http://www.nps.gov/fin-dapark/index.htm)) «боғларни топиш» бўлимига кириб, сайр қи-

лиш учун мўлжалланган миллий боғларнинг рўйхатини топиш мумкин.

Савол: Жанубий Африкага бориш учун эмланиш шартми?

Жавоб: Касалликларни назорат қилиш марказининг веб-сайтида (манзил: [www.cdc.gov/travel/](http://www.cdc.gov/travel/)) Жанубий Африкага саёҳатга кетаётганлар учун мўлжалланган эмлаш дорилари ҳақида маслаҳатлар берилган.

Савол: Medicaid суғурта пакетидан фойдаланиш учун қандай шартлар бажарилиши керак?

Жавоб: АҚШ соғлиқни сақлаш бошқармаси веб-сайтининг (манзил: [www.cms.hhs.gov/home/medicaid.asp](http://www.cms.hhs.gov/home/medicaid.asp)) Medicare ва Medicaid суғурта хизматлари бўлимида мазкур саволга жавоб ва суғуртани расмийлаштириш тартиби ҳақидаги маълумотлар берилган.

Савол: Кичик бизнес учун ажратилувчи кредитлар ҳақидаги ахборотни қаердан топишим мумкин?

Жавоб: Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг веб-сайтида (манзил: [www.sba.gov](http://www.sba.gov)) мазкур соҳа вакиллари учун мўлжалланган хизматлар, кредит программалари ариза ёзиш тартиби бўйича барча зарур маълумотлар берилган.

## АҚШ ҳукумати нашриёти ва унинг келажаги

АҚШ ҳукумати нашриёти «ахборотни қайта ишловчи, нашр этувчи ва тарқатувчи дунёдаги энг йирик муассаса» ([www.gpo.gov/pdfs/gpo/faq.pdf](http://www.gpo.gov/pdfs/gpo/faq.pdf)) ҳисобланади. Ҳар йили у томонидан деярли барча соҳаларга бағишланган улкан ҳажмдаги нашрлар яратилиб, қамраб олинувчи мавзулар орасида, жумладан, аҳолини рўйхатга олиш, таълим, иммиграция тартиблари, соғлиқни сақлаш масалалари ва ҳоказо йўналишлар бор. Айли пайтда нашриёт ўз маҳсулотини яратиш ва тарқатиш борасида жиддий ўзгаришларни амалга оширмакда. Биринчидан, харажатларни камайтириш мақсадида нашриёт келажакда асосан онлайн нашриёт кўринишига эга бўлади. Босма кўринишда айрим нашрлар чоп этилиб, қолганларидан фақат онлайн шаклда фойдаланиш мумкин бўлади. Бу ҳукумат нашрларининг катта босма коллекцияларига эга бўлган кутубхоналарнинг ишини анча энгиллаштиради. Натижада фойдаланувчилар давлат ҳужжатларининг аксариятидан бепул равишда фойдаланиш имкониятини қўлга киритади. Бунинг учун уларда компьютер, интернет тармоғига уланиш ва принтер бўлиши кифоя. Иккинчидан, марказий ҳукумат ҳокимият органларининг масъулияти янада ошади. 2002 йилда қабул қилинган Электрон ҳокимият тўғрисидаги қонунга биноан, ҳокимият органлари ўз маълумотларини жамоатчиликка тақдим этиш тизимини такомиллаштириши лозим. «Ҳукумат органлари ахборотни тарғибга солиш стандартларига риоя қилиши, уни излаш тизимини осонлаштириш, фойдаланувчиларга ҳукумат муассасаси ҳақидаги асосий маълумотлар, жумладан, унинг вазифалари, тузилиши ва стратегик режалари ҳақида ахборот бериши талаб қилинади» (Херман, Дуган ва Шулер, 2003:9). Ва ниҳоят, 2002 йил май ойида АҚШ ҳукуматининг Бош-

қарув ва бюджет бошқармаси «хусусий сектор нарх, сифат ва хизматларнинг ўз вақтида бажарилишининг уйғунлашган кўринишини таъминлай олган ҳолатда ҳокимият органлари хусусий сектор вакиллари билан шартнома тузиши шартлиги белгилаб қўйилган» (Дрейк, 2005:46). Бу кутубхоналарда турли саволларни келтириб чиқарди. Жумладан, агар ҳукумат ахборот хусусий нашриётлар томонидан чоп этилса, бу нашрлар ҳукумат нашрларининг бир қисми бўладими ёки уларни тарқатиш ҳуқуқига фақат хусусий нашриётлар эга бўлиб, бу орқали кутубхоналарнинг сарф-харажатлари ошиб кетмайдими?

Нима бўлганда ҳам давлат нашриётининг кўриниши жадал ўзгариб бормоқда. Жамият ҳаётига интернет тармоғи тобора кенгроқ кириб бораётган бир шароитда, фойдаланувчилар ҳам, кутубхоналар ҳам ўзига керак бўлган маълумотни қидириш ва ундан фойдаланиш борасидаги малакасини ошириш ва доимо такомиллаштириб бориши талаб қилинади. Барча кутубхоначилар ҳукумат ахборот манбалари ҳақидаги билимини ошириб бориши ва ҳукумат ахбороти кутубхона фойдаланувчиларига қайси жиҳати билан қўл келиши мумкинлигини аниқ тасаввур қила билиши керак.

## Депозитар кутубхоналар

Депозитар кутубхоналар ҳозирги кўринишда 1895 йилдаги Нашриёт фаолияти тўғрисидаги қонун асосида пайдо бўлган. Улар мамлакат фуқароларига ахборот бериш ва нашрларни мамлакат бўйлаб тарқатиш усулини яратишни мақсад қилган. Мазкур депозитар кутубхоналар ҳукумат ахборотини АҚШ ҳукумати нашриёти орқали бепул олиб, бунинг эвазига мазкур ахборотдан жамоатчиликни бепул равишда бохабар қилиш вазифасини бажаради. Депозитар кутубхоналар икки турга, яъни минтақавий депозитар кутубхоналар ва сараланган депозитар кутубхоналарга ажратилади. Минтақавий кутубхоналар депозитар тизим учун тарқатилувчи барча нашрларни олади ва ўз коллекциясида сақлайди. Сараланган депозитар кутубхоналар эса фақат ўз эҳтиёжи учун хизмат қилиши мумкин бўлган ҳукумат нашрларини олади. АҚШдаги ҳар бир штат иккита депозитар кутубхонага эга бўлиши ва ҳар бир Конгресс округи иккита сараланган кутубхонага эга бўлиши мумкин. Айни пайтда АҚШда 1250 та федерал депозитар кутубхона бор бўлиб, улар жамоат кутубхоналари, илмий кутубхоналар ва махсус кутубхоналарга ажралади. Депозитар кутубхоналар рўйхати <http://catalog.gpo.gov/fdlpdir/FDLPdir.jsp> манзилида жойлашган.

Аксарият депозитар кутубхоналар ўз тўпламларини Нашрлар суперинтендантга тасниф рақамлари асосида тартибга солади. Бу рақамлар муассаса номи, нашр тури ва нашр номини белгиловчи тизим асосида тузилган.

Айни пайтда ҳукумат нашрларининг аксарияти онлайн кўринишда мавжуд бўлгани боис депозитар кутубхоналарнинг аҳамияти қайта кўриб чиқилмоқда. Уларнинг аҳамияти юксалиши ва шу билан бир қаторда, уларнинг сони ҳам биров камайиши эҳтимолдан холи эмас. Депозитар кутубхоналар дастурининг келажаги айни пайтда Депозитар кутубхоналар кенгаши доирасида муҳокама қилиниб, кутубхона ачилар депозитар кутубхоналар коллекцияларини бошқаришда давом этмоқда. Чарльз А.Сивининг ёзишича, «биз мамлакатдаги ҳар бир кутубхона депозитар кутубхонага айланиш имкониятига эга бўладиган замонга яқинлашмоқдамиз. Негаки, ҳар бир кутубхона интернет тармоғи ор-

кали ўз фойдаланувчиларига ҳукумат ахборотини тақдим қилиш учун етарли таъминот ва шароитга эга бўлиб бормоқда» (Сиви, 2005: 44).

## Маълумт бериш ишида фойдаланилувчи асосий ҳукумат нашрлари манбалари

### АҚШ ҳукумати ҳақида маълумот берувчи манбалар

Охирги йилларда ҳукумат нашрларига бағишланган китобларнинг сони бироз камайди. Бунинг асосий сабаби — жадаллик билан рўй бераётган ўзгаришлардир. Жудит Шик Робинсон томонидан яратилган «*Фойдаланувчи учун қулай бўлган АҚШ ҳукумат ахбороти манбалари*» (*Tapping the Government Grapevine: The User-friendly Guide to U.S. Government Information Sources*) (Oryx Press, 1998) анча фойдали манба ҳисобланади. Ҳукумат нашрларининг янги йўналиши Питер Хернонинг «*АҚШ ҳукумати Интернет тармоғида: фойдаланувчига керак бўлган маълумотни топиш*» (*U.S. Government on the Web: Getting the Information You Need*) (*Libraries Unlimited, 2003*) асарида ўз аксини топиб, Интернет тармоғида жойлаштирилувчи ҳукумат ҳужжатларига бағишланади. Янгироқ манбалар орасида «*Кутубхоналарда электрон кўринишдаги ҳукумат ахборотини бошқариш*» (*Managing Electronic Government Information in Libraries*) асарини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Китобларга қўшимча равишда қўплаб веб-сайтлар кутубхоначиларга ҳукумат ахборотидан фойдаланиш имкониятини тақдим этади. АҚШ демократиясига алоқадор бўлган асосий ҳужжатлар билан <http://thomas.loc.gov> манзилида танишиш мумкин. Мазкур манба орқали фойдаланувчи АҚШ мустақиллиги декларацияси, АҚШ конституцияси, эмансипация эълони, АҚШ кодекси, Конгресс қайдлари ва бошқа қўплаб муҳим ҳужжатларни топиши мумкин. Вандербилт университети кутубхонасининг ҳукумат ҳужжатларининг веб-сайти [www.library.vanderbilt.edu/tomans/fdtf](http://www.library.vanderbilt.edu/tomans/fdtf) манзилида жойлашиб, турли мавзудаги ҳукумат маълумотларни топиш учун мўлжалланган манба бўлиб, ундан ҳам фойдаланувчи, ҳам кутубхоначи ўзига керакли манбаларни осонлик билан топиши мумкин. Мазкур йўналишдаги яна бир веб-сайт Мичиган университети кутубхонаси томонидан яратилиб, [www.lib.umich.edu/government-documents-center/explore](http://www.lib.umich.edu/government-documents-center/explore) манзилида жойлашган.

Юқоридаги тилга олинган ҳар иккала веб-сайт ҳам жуда кенг қўламли нашр бўлиб, нафақат АҚШ ҳукумати, балки штатлар ва халқаро нашрларни топиш учун қулай манба ҳисобланади. *Google Uncle Sam* ([www.google.com/unclesam](http://www.google.com/unclesam)) сайти ҳам анча қулай манба бўлиб, у ердан фойдаланувчи ўзини қизиқтирган мавзу бўйча ҳам Федерал, ҳам штатлар миқёсидаги маълумотларни топиши мумкин.

«*CQ АҚШ ҳукумати энциклопедияси*» (*CQ Press Encyclopedia of American Government*) янги пуллик онлаин манба бўлиб, АҚШ ҳукуматининг барча жиҳатларига алоқадор маълумотларни қисқа ва лўнда кўринишда тақдим этади. Ундан, жумладан, АҚШ Президенти, Олий суди, Конгресси ва сайлов жараёни тўғрисидаги батафсил маълумотларни олиш мумкин. Бундан ташқари, манба орқали ҳар бир ҳокимият турининг тузилиши, ваколатлари, ҳо-



зирги ва ўтмишдаги президентлар, судьялар, Конгресс аъзолари ҳақидаги маълумотларни топиш мумкин.

## Маълумотномалар

«АҚШ ҳукумати қўлланмаси» (*U.S. Government Manual*) АҚШ федерал ҳукумати доирасидаги турли муассасалар ҳақида маълумот берувчи бир жилдли ягона нашр ҳисобланади. Ундан ҳар бир ҳукумат бошқармаси, агентликлар, раҳбар жодимлари, уларнинг манзиллари, телефон рақамлари ва ваколатлари ҳақидаги асосий маълумотларни топиш мумкин. Нашр ҳам босма, ҳам онлайн шаклда [www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=GOV-MAN](http://www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=GOV-MAN) манзилида жойлашган. Мазкур қўлланманинг тижорат варианты «*Вашингтон ахборот маълумотномаси*» (*Washington Information Directory*) деб номланиб, ҳар йили босма ва онлайн шаклда нашр этилади. Манбадан ҳар бир ҳукумат муассасаси ёки Конгресс қўмитасининг мулоқот учун маълумотлари ва қисқача таърифи бериб ўтилади. Манбадан, шунингдек, ноҳукумат агентликлари, жумладан, турли ассоциациялар, лоббистлик билан шуғулланувчи ташкилотлар, жамғармалар ҳақидаги маълумотларни топиш мумкин.

Ҳокимиятнинг ҳар бир тури ўз маълумотномасига эга. Конгресс учун ҳукумат нашриёти томонидан чоп этилувчи «*Конгресс маълумотномаси*» (*Congressional Directory*) (манзил — [www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=CDIR](http://www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=CDIR)), ижро этувчи ҳокимият учун «*Конгресс ходимлари маълумотномаси*» (*Congressional Staff Directory*) ва «*Федерал ходимлар маълумотномаси*» (*Federal Staff Directory*), суд ҳокимияти вакиллари учун «*Суд ҳокимияти ходимлари маълумотномаси*» (*Judicial Staff Directory*) каби нашрлар йилига уч маротаба ва йил якунида йилнома шаклида нашр этилади. Мазкур манбаларнинг бари ҳам босма, ҳам онлайн шаклда mavjud.

## Даврий нашрлар ва уларнинг каталог кўрсаткичлари

АҚШ ҳукумати турли даврий нашрларни катта ҳажмларда нашр этади. Улар «*ProQuest ҳукумат даврий нашрлари каталог кўрсаткичи*»да (*ProQuest Government Periodicals*) кўрсатиб ўтилган бўлиб, унда 160 дан зиёд номдаги ҳукумат нашрларидан фойдаланиш имкони mavjud. Мазкур каталог кўрсаткичи ҳар чоракда онлайн шаклда нашр этилиб, ундаги маълумотларни керакли суз асосида излаш мумкин. АҚШ ҳукумати даврий нашрларининг каталог кўрсаткичлари, шунингдек, *FDA Consumer*, *International Economic Review*, *Environmental Health Perspective*, *Science and Technology Review*, *Monthly Labor Review*, *Survey of Current Business* ҳамда *Occupational Outlook Quarterly* каби нашрларда ҳам бериб ўтилади.

Бошқа пуллик каталог кўрсаткичлари ҳам ҳукумат даврий нашрларидан фойдаланиш имконини беради. Жумладан, *PAIS International* кўплаб ҳукумат ва ноҳукумат нашрларини каталог кўрсаткичларини таклиф қилади. *LexisNexis Academic*, *ProQuest Congressional* ҳамда *ProQuest Statistical Insight* нашрлари ҳам ҳукумат маълумотларининг каталог кўрсаткичларини жамлайди, улардан кўпчилик ҳукумат нашрларининг тўлиқ матнли онлайн шаклини топиш мумкин.

## АҚШдаги ҳокимият турлари нашрлари

Ҳукумат нашрларининг тузилишини тушуниш учун, аввало, АҚШдаги ҳокимият тузилишини ўрганиш лозим. АҚШда ҳокимиятнинг уч тури мавжуд: қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимияти. Ҳар бир ҳокимият тури ўз ичига қўплаб муассасаларни қамраб олади. АҚШдаги ҳокимият турлари ва уларнинг нашрлари қўйидаги бўлимларда кўриб чиқилган. Ҳар бир ҳокимият турининг энг муҳим нашрлари билан бевосита танишиш имконини берувчи манба, бу — Федерал рақамли тизим бўлиб, унинг манзили: [www.gpo.gov/fdsys/](http://www.gpo.gov/fdsys/).

### Қонун чиқарувчи ҳокимият нашрлари

Қонун чиқарувчи ҳокимият Конгрессдан иборат. У эса, ўз навбатида, Сенат ва Вакиллар палатаси ва унинг турдош муассасалари — Конгресс кутубхонаси, ҳукумат нашриёти, Бош ревизия бошқармаси ва Конгресс бюджет бошқармасидан иборат. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи органи қўплаб нашрларни чоп этиб, улар Конгресснинг қўмиталар мажлисларига тайёрловчи ҳужжатлар, мунозара учун ҳисоботлар, овоз бериш натижалари, қонунлар ва охир-оқибат АҚШ кодексига киритилувчи ҳужжатларни қамраб олади. Мазкур жараённинг ҳар бир босқичида муҳокама қилинувчи ва ўзгариш киритилувчи ҳужжат учраб туради. АҚШ Конгрессининг ҳар бир қарори тўғрисидаги маълумотларни FDSys сайтидан [www.gpo.gov/fdsys/](http://www.gpo.gov/fdsys/) манзили орқали топиш мумкин. Унда қонунларнинг яратилиш тарихи, қўмиталар ҳисоботлари ва қонунлар матнлари жойлаштирилган. Улар орасида энг муҳим ҳужжат, бу — *Конгресс баённомлари* бўлиб, у Сенат ва Вакиллар палатасида рўй бераётган ҳар бир воқеанинг расмий баёноти ҳисобланади (манзил: [www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=CREC](http://www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=CREC)). *Конгресс баённомлари* FDSys сайтида онлайн шаклда мавжуд, у 1983 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган даврни қамраб олади.

Қонунчилик жараёни, шунингдек, *THOMAS* веб-сайти (манзил: <http://thomas.loc.gov>) томонидан ҳам ҳужжатлаштирилади. Мазкур сайт АҚШ Конгресси кутубхонасига тегишли бўлиб, у Томас Жефферсон шарафига шундай деб номланган. *THOMAS* орқали фойдаланувчи қонуннинг яратилиш жараёнини осонлик билан текшириб бориши мумкин.

Сайт қонун лойиҳасининг матни, унинг кўриб чиқилишининг аҳволи, қўмиталар кун тартиби ва ҳисоботлари, Конгресс палаталарида бўлиб ўтган дебатлар, овоз бериш жараёни натижалари ва қабул қилинган қонун матнини таклиф қилади.

Фойдаланувчилар маълумотни керакли сўз ёки қонун рақами асосида излаши мумкин. *Конгресс баённомалари* сайтида эса, фойдаланувчилар керакли маълумотни мавзу ёки Конгресс аъзоларининг исм-шарифи асосида излаши мумкин. *THOMAS*да, шунингдек, қонунчилик жараёни ва АҚШ Конституцияси ва мустақиллик декларацияси каби тарихий ҳужжатларнинг матни ҳам жойлаштирилади.

Қонунларнинг Конгресс томонидан ярагилиши жараёнини бир қатор тижорат нашрлари ҳам ёритиб боради. Жумладан, *CIS Index* каталог кўрсаткичи қонун, турли фармойишлар, қўмиталар йиғилиши баённомалари, Конгресс маж-

лисларнинг энг тўлиқ каталог кўрсаткичи берилмайдиган манбадир. Унда, шунингдек, Сенат, Вакиллар палатаси, қўшма қўмита ва тағқўмиталарнинг нашрлари бериб борилади. Ҳар ойда чоп этилувчи нашр икки жилддан иборат бўлиб, улар каталог кўрсаткичи ва кўчирмалардан иборат бўлади. Каталог кўрсаткичли жилддаги маълумотлар нашрларни мавзу, ном, сарлавҳа, қонун рақами ва нашр рақами бўйича саралайди. Кўчирмалар жилди библиографик маълумот, мундарижалар ва бошқа шу каби маълумотларни тақдим этади. Каталог кўрсаткичли жилд йил охирида ягона нашр кўриниш ида эълон қилинади. Нашрларни, шунингдек, *ProQuest* компаниясининг маълумот базалари орқали ҳам топиш мумкин. 1984 йилдан буён Конгресс ахборот хизмати қонунчилик тарихи йилномасини нашр қилиб келади. Ундаги материалларни ҳам мавзу ва исм бўйича сараланган каталог кўрсаткичларидан излаш мумкин.

*CQPress* компанияси *Конгресс* тўғрисидаги кўплаб маълумотномаларни нашр қилади. *CQ weekly* онлайн манба бўлиб, у Конгресс фаолиятини ҳафталик асосида ёритиб боради. Маълумотларни керакли сўз сана ва ҳоказо бошқа кўрсаткичлар асосида излаш имконини беради. Кейинги йилларда мажбурият манба қўлами анча кенгайиб, ўз ичига ижро ҳокимияти органлари ҳамда ҳукумат ҳужжатларини ҳам қамраб ола бошлади. *CQ Congress Collection* яна бир онлайн манба бўлиб, катта ҳажмдаги маълумотларни ягона маълумот базаси кўринишида бирлаштиради. Унда қонунчилик, Конгресс аъзолари, энг муҳим масалалар бўйича овоз бериш жараёнининг натижалари (1945 йилдан бошлаб) ва қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятига алоқадор бошқа маълумотларни ҳам топиш мумкин. *ProQuest Congressional* сайти эса, 1789–1969 йиллар оралиғида бўлган Конгресснинг қонунчилик фаолиятига алоқадор ҳужжатларни таклиф қилади. *CQ Researcher* нашри ҳам босма, ҳам онлайн шаклда мавжуд бўлиб, муайян соҳалар, жумладан, ижтимоий, сиёсий, табиатни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш йўналишлари бўйича ҳукумат органлари томонидан чиқарилган ҳужжатларни таклиф қилади. Ҳар бир ҳисобот ўртача 13 минг сўздан иборат бўлиб, бир йилда нашрнинг 44 та сони чоп этилади.

### Ижро этувчи ҳокимият нашрлари

Ижро этувчи ҳокимиятга президент девони, тўғридан-тўғри президентга ҳисобот берувчи кўплаб муассасалар, жумладан, Иқтисодий маслаҳатчилар кенгаши, Бошқарув ва бюджет бошқармаси, Миллий хавфсизлик кенгаши, Ички сиёсат кенгаши, Вазирлик даражасидаги бошқармалар, яъни Тижорат бошқармаси, Мудофаа бошқармаси, Таълим бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Давлат ишлари бошқармаси ва бошқалар ҳам ижро ҳокимиятининг бир қисми ҳисобланади. Шу билан бирга давлат агентликлари, жумладан, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги, Федерал захира, Тинчлик корпуси, Миллий илм-фан жамғармаси ва бошқалар ҳам ижро ҳокимияти тизимига киради.

Президентларга бағишланган кўплаб ажойиб нашрлар бор бўлиб, улар орасида Майкл Женовезенинг «Америка президентлиги энциклопедияси» (*Encyclopedia of American Presidency*) алоҳида диққатга сазовордир. Нашрда АҚШдаги президентлик институтининг кўп жиҳатлари акс эттирилган бўлиб, Джордж Вашингтондан бошлаб ҳозирги президентгача бўлган давр қамраб олинган. *Guide to Presidency Online Edition* сайти орқали эса, фойда

ланувчи президент билан бошқа ҳокимият турлари ўртасидаги муносабатлар, суд ишлари, сайловлар ҳақидаги маълумотларни билиб олиши мумкин. Шунингдек, бу каби бошқа манбалар орасида, президент кутубхонаси тизимининг веб-сайтини ҳам айтиб ўтиш мумкин бўлиб, у [www.archives.gov/presidential-libraries](http://www.archives.gov/presidential-libraries) манзилида жойлашган. Яна бир манба — Америка президентлиги лойиҳаси бўлиб, унинг манзили: [www.presidency.ucsb.edu](http://www.presidency.ucsb.edu).

АҚШ Миллий архивлар ва қайдлар бошқармаси томонидан яратилган *Federal Register* сайти [www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=FR](http://www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=FR) манзилида жойлашган бўлиб, у мазкур муассасанинг энг муҳим нашридир. У кундалик равишда президент томонидан имзо чекилган ҳужжатлар, фармон ва буйруқлар ва ҳоказо бошқа маълумотлар ҳақида ахборот бериб боради. Бу ердан ҳукумат томонидан молиялаштирилувчи дастурлар ҳақидаги маълумотларни олиш мумкин. Маълумот базасидаги ахборотни мавзу ёки муассаса асосида излаш мумкин. *Federal Register Index* сайти ҳам бор бўлиб, унда керакли маълумотлар каталог кўрсаткичи асосида сараланган.

*Федерал йўриқномалар кодекси (Code of Federal Regulations)* [www.gpo.gov/fdsys/browse/collectionCfr.action?collectionCode=CFR](http://www.gpo.gov/fdsys/browse/collectionCfr.action?collectionCode=CFR) тартиб ва бошқа йўриқномаларни кодекслаштиради. 2002 йили қабул қилинган электрон ҳукумат тўғрисидаги қонунга мувофиқ, ҳозирги кунда кўпчилик тартиб ва йўриқномалар агентлик веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

АҚШ федерал ҳукуматининг вазирлик мақомига эга бўлган бошқармалари ижро этувчи ҳокимият тизимига киради. Уларнинг ҳар бири ўз веб-сайтига эга. Бу манбалар ахборотнинг конидир. Баъзида керакли манбани топиш учун бироз вақт сарфлашга тўғри келади. Қуйида АҚШ ҳукуматининг муайян бошқармалари ҳақида маълумот берилиб, ўқувчи мазкур бошқармалар веб-сайтларида жойлаштирилувчи ахборот ҳажмининг чексизлигига ўзи ишонч ҳосил қилиши мумкин.

### *Таълим бошқармаси*

Таълим бошқармасининг веб-сайти орқали ([www.ed.gov](http://www.ed.gov)) фойдаланувчи таълим соҳасидаги энг сўнги қарорлар, молиявий кўмак тўғрисидаги ахборот, таълим соҳасидаги нашрлар, грантлар, Таълим манбалари ахборот маркази (ERIC, манзил — [www.eric.ed.gov](http://www.eric.ed.gov)) ҳақидаги маълумотларни билиб олиши мумкин. Веб-сайтда ўқитувчилар ва ота-оналар учун мўлжалланган махсус манбалар, Таълим статистикаси миллий маркази ([www.nces.ed.gov](http://www.nces.ed.gov)) ҳақидаги маълумотлар ҳам берилган бўлиб, улар орқали мамлакатдаги таълим тизимида алоқадор статистика маълумотлари, жумладан, давлат ва хусусий мактабларга қабул қилиш тенденцияларини билиб олиш мумкин.

### *Бандлик бошқармаси*

Бандлик бошқармасининг веб-сайти [www.dol.gov](http://www.dol.gov) манзилида жойлашиб, меҳнат хавфсизлиги ва соғлиқни сақлаш тизимидаги стандартлар, минимал ойлик, иш соатлари, иш жойидаги стандартлар, бандлик статистикаси, иш қидириш, ишлаётган аёллар учун мўлжалланган ва бошқа шу каби масалалар

бўйича ахборот мавжуд. Бандлик статистикаси бюроси ([www.bls.gov](http://www.bls.gov)) маҳаллий маълумотлар манбаи бўлиб, унда турмуш учун керак бўладиган энг минимал даромад ва ишсизликка доир маълумотларни топиш мумкин.

### *Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси*

Мазкур бошқарма веб-сайти [www.doi.gov](http://www.doi.gov) манзилида жойлашиб, у орқали ҳайвонот олами, жумладан, хавф остида қолган ҳайвонлар турлари, АҚШ геология хизмати томонидан тайёрланган хариталар, Миллий боғлар хизматининг маълумотларини топиш мумкин.

### *Соғлиқни сақлаш бошқармаси*

Бошқарма веб-сайти [www.dhhs.gov](http://www.dhhs.gov) манзилида жойлашиб, касалликлар ва уларнинг кечиши, гигиена ва касалликларнинг олдини олиш, дори-дармон ва озик-овқатлар, қарилик, оилавий масалалар ва аҳолининг махсус гуруҳлари учун мўлжалланган маълумотларни ҳавола этади. Қулай тузилишга эга бўлган бу веб-сайт кўплаб муҳим манбалардан осонлик билан фойдаланиш имкониятини беради. Соғлиқни сақлаш бошқармаси таркибига, шунингдек, Касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилиш марказлари, Medicare ва Medicaid хизматлари марказлари, Озик-овқат ва дори-дармон бошқармаси ҳамда Соғлиқни сақлаш миллий институтлари ҳам аъзо бўлиб, мазкур институт *MedlinePlus* деб номланган соғлиқни сақлаш соҳасидаги муҳим ахборот манбаларидан бирини чоп этади.

### *Тижорат бошқармаси*

Тижорат бошқармасининг веб-сайти [www.commerce.gov](http://www.commerce.gov) манзилида жойлашган. Бошқарма таркибига Иқтисодий таҳлил бюроси кириб, у «*Замонавий бизнес шарҳи*» (*Survey of Current Business*) деб номланган журнални чоп этади. Халқаро савдо бошқармаси ҳам Тижорат бошқармасининг таркибий муассасаси бўлиб, у АҚШнинг халқаро савдо кўрсаткичлари, савдо соҳасидаги истиқболлар ва ҳоказо маълумотларни ҳавола этиш билан шуғулланади. Озчиликлар бизнесини ривожлантириш агентлиги ва Миллий океан ва атмосфера бошқармаси ҳам Тижорат бошқармаси таркибидан жой олган. Миллий океан ва атмосфера бошқармаси об-ҳаво ва иқлим маълумотлари, жумладан, бўронлар ва бошқа табиий офатлар ҳақидаги маълумотларни қамраб олади. Миллий техник ахборот хизмати ҳам Тижорат бошқармасининг бир қисми. Мазкур хизмат ҳукумат томонидан молиялаштирилувчи муҳандислик, илмий, техникавий ва бизнесга алоқадор маълумотларни ўзининг онлайн кутубхонаси ва китоб дўкони орқали тарқатади.

### *Давлат департаменти*

Давлат департаменти веб-сайти [www.state.gov](http://www.state.gov) манзилида жойлашган. Унда АҚШ элчихоналари ва консулликлари, муайян мамлакатга саёҳат қилиш бўйича маслаҳатлар, халқаро масалалар бўйича ахборот ҳавола этилади.

«Маълумот тарзидаги қайдлар» (*Background notes*) ҳам АҚШ Давлат департаменти томонидан нашр этилади ва янгилаб борилади. Унда мамлакатлар ҳақидаги қисқа ва лўнда маълумотлар ҳавола этилиб, фойдаланувчи, жумладан, ўзига керакли бўлган давлат ҳудуди, аҳолиси, тарихи, ҳукумати, ундаги сиёсий вазият, иқтисодий аҳвол, давлатнинг хорижий ҳамкорлиги, бизнес ва саёҳат соҳаларидаги маълумотни билиб олиши мумкин.

### Марказий разведка бошқармаси

Бошқарма томонидан «Дунё мамлакатлари тўғрисидаги фактлар» (*The World Factbook*) нашри яратилган бўлиб, унда дунёдаги 267 та давлат ҳақидаги умумий маълумотларни билиб ола бўлади ([www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/index.html](http://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/index.html)). Мазкур ажойиб бепул манба география, аҳоли сони, ҳукумат, иқтисодиёт, коммуникация тизимлари, транспорт, ҳарбий салоҳият янги ва анча кенг қўламли маълумотларни қамраб олади.

### АҚШ Конгресси кутубхонаси

Конгресс кутубхонасининг интернет тармоғидаги манзили — [www.loc.gov](http://www.loc.gov). Мазкур кутубхона кўпинча миллий кутубхона деб тушунилса-да, аслида, у Конгресснинг тадқиқот муассасаси ҳисобланади. Кутубхона сайтида айтилишича, унинг вазифаси «кутубхона манбаларини Конгресс ва АҚШ халқига ҳавола этиб, билим ва ижодкорликнинг универсал тўпламини келажак авлодлар учун сақлаш ва уларга етказиш»дан иборат. Кутубхона, шунингдек, THOMAS веб-сайти ҳамда Конгресс тадқиқот марказига эга. Конгресс кутубхонаси веб-сайтида кутубхоначилар, тадқиқотчилар, ноширлар, болалар ва оилалар ҳамда ўқитувчилар учун мўлжалланган манбалар кўрсатиб ўтилган. Муаллифлик ҳуқуқи бошқармаси ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотиб, бу ерда фойдаланувчи муаллифлик ҳуқуқини расмийлаштириш ёки муаллифлик ҳуқуқи қайдларини излаши мумкин. The American Memory лойиҳаси катта ҳажмдаги рақамли матн ва суратларни таклиф қилиб, улар АҚШ тарихининг турли жиҳатлари, яъни аёллар тарихи, АҚШдаги африкаликлар тарихи, иммиграция, маданият ва фольклор ҳаёти каби йўналишларни қамраб олади.

### Суд ҳокимияти нашрлари

Суд ҳокимияти Федерал судлар, шу жумладан, Олий суд ва махсус судлар, хусусан, Халқаро савдо суди каби муассасалардан иборат. Суд ҳокимиятининг административ бўғинлари, жумладан, Федерал суд маркази ҳам мавжуд. АҚШ Олий судининг веб-сайти [www.supremecourt.gov](http://www.supremecourt.gov) манзилида жойлашган. Бу ердан суд тарихи, суднинг ҳозирги ва ўтмишдаги вакиллари биографияси ва ҳаттоки суд вакилларининг нутқлари матнини ҳам топиш мумкин. Олий суд фикрлари эса, [www.supremecourt.gov/opinions/opinions.aspx](http://www.supremecourt.gov/opinions/opinions.aspx) манзилида жойлашган.

Суд қарорлари кўрсатиб ўтилган бошқа манбалар *Westlaw* ва *LexisNexis* каби пуллик маълумот базаларида топилди. Яна бир онлайн манба *CQ Supreme Court Collection* бўлиб, у Олий суд тарихи, муҳим ишлар ва бу ишларнинг мамлакат ҳаётига ўтказган таъсири ҳақидаги маълумотларни ҳавола этади.

## Статистика манбалари

Барча кутубхоналар аҳоли, бандлик, таълим, соғлиқ, жиноятчилик, даромад ва хоказо турфа хил соҳаларга оид статистика маълумотлари билан боғлиқ саволлар билан тўқнаш келади. Кўп ҳолатларда ҳукумат органлари турли статистика маълумотларини тўплаши инобатга олинадиган бўлса, айнан улар бу борадаги асосий манбалар ҳисобланади.

АҚШ Аҳолини рўйхатга олиш бюроси томонидан ҳар йили ҳам босма, ҳам онлайн шаклда ҳавола қилинувчи «АҚШ статистикаси» (*Statistical Abstract of the United States*) ([www.census.gov/compendia/statab/](http://www.census.gov/compendia/statab/)) нашри барча ҳукумат муассасаси томонидан олинган ва АҚШ ҳаётининг турли жиҳатларига бағишланган жадвал ва схемалар тўпламидир. Ҳар бир жадвал ҳамда схеманинг манбаси ҳам кўрсатиб ўтилган. Агар муайян мавзу бўйича АҚШ ҳукумат органининг статистика маълумотлари йўқ бўлса, унда бошқа ишончли миллий манбаларнинг статистик маълумотларидан фойдаланилади. Манба аҳоли, соғлиқ ва овқатланиш, муҳим статистика, таълим, бандлик, қишлоқ хўжалиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш, савдо, уй-жой қурилиши каби йўналишларни қамраб олади. *FEDSTATS* ([www.fedstats.gov/](http://www.fedstats.gov/)) сайти Федерал статистика сиёсати бўйича муассасаларо кенгаш томонидан яратилган бўлиб, ундаги маълумотлар штат, мавзу ва муассаса бўйича изланиши мумкин. *American Fact Finder* ҳам фойдаланиш анча қулай бўлган веб-сайт бўлиб, у Аҳолини рўйхатга олиш бюроси томонидан яратилган ([http://factfinder.census.gov/home/saff/main.html?\\_lang=en](http://factfinder.census.gov/home/saff/main.html?_lang=en)). Ундан аҳоли, уй-жой қурилиши, иқтисодийёт ва географик жойлашувга алоқадор статистика маълумотларини топиш мумкин.

АҚШда федерал, штат ва халқаро миқёсдаги статистика маълумотларини қамраб олувчи учта каталог кўрсаткичи мавжуд бўлиб, уларнинг бари *ProQuest* компанияси томонидан нашр этилади. Жумладан, *American Statistics Index (ASI)* каталог кўрсаткичи федерал ҳукуматнинг барча нашрларида эълон қилинган статистика маълумотларини қамраб олади. Ҳар ойда эълон қилинувчи нашр йил охирида барча маълумотлар жамланган ҳолда чоп этилади. Манба ҳам қоғоз, ҳам онлайн кўринишда *ProQuest Statistical Insight* сайтида мавжуд.

*Statistical Reference Index* хусусий сектор ташкилотлари ва штатлар ҳукуматларидан олинган статистика маълумотларини ҳавола этади. Каталог кўрсаткичига мингдан зиёд манба киритилган. Ҳар ойда эълон қилинувчи нашр йилнинг охирида маълумотлари бирлаштирилган ҳолда чоп этилади. Манба ҳам қоғоз, ҳам онлайн кўринишда *ProQuest Statistical Insight* сайтида мавжуд.

*Index to International Statistics* каталог кўрсаткичи юздан зиёд халқаро ва ҳукуматларо ташкилотлар томонидан тақдим этилган статистика маълумотларини ҳавола этади. Ҳар ойда эълон қилинувчи нашр йилнинг охирида маълумотлари бирлаштирилган ҳолда чоп этилади. Манба ҳам қоғоз, ҳам онлайн кўринишда *ProQuest Statistical Insight* сайтида мавжуд.

Бизнес ва иқтисодийёт соҳасига алоқадор статистика маълумотлари ҳам бир қатор манбалар орқали олинади. Иқтисодий таҳлил бюроси ([www.bea.gov](http://www.bea.gov)) ялпи ички маҳсулот, тўлов баланси, халқаро савдо ва хусусий даромадга оид статистика маълумотларини тақдим этади. *USA Trade Online* ([www.usatradeonline.gov](http://www.usatradeonline.gov)) АҚШ Аҳолини рўйхатга олиш бюроси Ташқи савдо бўлимининг нашри бўлиб, унда товар турлари бўйича экспорт ва импорт маълумотлари

бериб борилади. Жисмоний шахслар ундан пуллик обуна асосида фойдаланиши мумкин. Бандлик статистикаси бюроси ([www.bls.gov](http://www.bls.gov)) бандлик соҳасига алоқадор бўлган кенг қўламли статистика маълумотларини ҳавола этади. Бу ердан истеъмолчилик корзинаси, экспорт ва импорт кўрсаткичлари, маош статистикаси, ишчи кучи демографияси ва ҳоказо маълумотларни топиш мумкин. Соғлиқни сақлаш соҳаси статистикаси миллий маркази ([www.cdc.gov/nchs](http://www.cdc.gov/nchs)) соғлиқни сақлаш соҳасининг барча йўналишларига доир статистика маълумотларини ҳавола этади.

## Муайян мавзуларга бағишланган ҳукумат нашрлари

АҚШ ҳукумати керакли ахборотни мавзу бўйича излаш имкониятини ҳам беради. USA.gov веб-сайти кенг оммага АҚШ ҳукумати нашрларидан фойдаланиш имкониятини бериш учун яратилган. Мазкур портал оддий фуқаролар, корхоналар ва давлат хизматчилари учун керакли маълумотларни ўз ичига қамраб олади. Фойдаланувчилар керакли маълумотни муайян мавзулар, жумладан, соғлиқни сақлаш, бандлик, таълим ва ҳоказо ёки керакли муассаса бўйича излаши мумкин. Бундан ташқари, фойдаланувчилар сайт орқали ишга кириш, турли имтиёزلардан фойдаланиш, паспорт расмийлаштириш, ижтимоий муҳофаза дастурларидан фойдаланиш ва ҳоказо мақсадлар учун керак бўладиган анкета формаларини кўчириб олиш ва сайт томонидан мунтазам равишда бепул тарқатиладиган хабарномаларга обуна бўлиши мумкин. Сайт орқали, шунингдек, муайян мавзуга ихтисослашувчи сайтлар, жумладан, [www.science.gov](http://www.science.gov), [www.disability.gov](http://www.disability.gov), [www.seniors.gov](http://www.seniors.gov) кабиларга ўтиш ва уларнинг маълумотларидан ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд.

## Хариталар

АҚШ ҳукумати кўплаб турдаги хариталарни нашр этади. Хариталар яратиш билан шуғулланувчи ҳукумат муассасалари орасида АҚШ Геология хизмати, Аҳолини рўйхатга олиш бюроси, Миллий боғлар хизмати ва Миллий океан ва атмосфера бошқармасини айтиб ўтиш лозим. Мазкур мавзу 10-бобда кенг ёритиб ўтилган.

## Сайловлар ҳақидаги маълумотлар

Сайловлар жамиятимиз ҳаётининг муҳим қисмига айланиб қолган. Замонавий ва тарихда ўтказилган сайловлар тўғрисидаги маълумотларни кўплаб манбалар орқали топиш мумкин. USA.gov сайти ана шундай манбалардан бири. Яна бир манба — Федерал сайлов комиссиясининг Медиа йўриқномаси бўлиб, у [www.fec.gov](http://www.fec.gov) манзилида жойлашган. [www.opensecrets.org](http://www.opensecrets.org) манзилда жойлашган Open secrets сайти эса, Федерал сайлов комиссиясининг маълумотларини фойдаланувчиларга қулай кўринишга келтирган ҳолда ҳавола этади. Мазкур соҳадаги қизиқарли сайтлар орасида, шунингдек, *America Votes* ([www.americavotes.org](http://www.americavotes.org)), *Vote Smart* лойиҳасининг [www.votesmart](http://www.votesmart) сайти, Аёл сайловчилар лигасининг [www.vote411.org](http://www.vote411.org) сайти ҳамда АҚШ сайлов атласининг [www.uselectionatlas.org](http://www.uselectionatlas.org) сайтини келтириб ўтиш мумкин.



## Тарихий маълумотлар

«АҚШ тарихий статистикаси» (*Historical Statistics of the United States*) яқинда *Cambridge University Press* компанияси томонидан янгиланди ва айни пайтда ҳам босма, ҳам онлайн шаклда мавжуд. Манбада АҚШ жамиятининг ҳар бир жиҳатини акс эттирган статистика маълумотлари келтириб ўтилган. Нашр истилочилиқ пайтларидан ҳозирги кунгача бўлган даврни қамраб олади ва аҳоли, бандлик, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва транспорт соҳалари билан боғлиқ тарихий статистика маълумотларини ҳавола этади. Яна бир қизикарли манба — «АҚШ Конгресси тўплами» (*U.S. Congressional Serials Set*) бўлиб, унга Сенат ҳамда Вакиллар палатасининг ҳужжатлари, ҳисоботлар ва ҳоказо ҳужжатлар киритилган. Ҳисоботлар 1817 йилдан ҳозиргача бўлган даврни қамраб олади. 1817 йилдан аввалги даврларга тааллуқли маълумотларни *American State Papers* нашридан топиш мумкин.

## Штатлар

Штатлар ҳукуматлари ҳам бир қатор қизикарли ва муҳим нашрларни яратади. Уларнинг ўз веб-сайтлари бор бўлиб, улар орқали фойдаланувчи штат ҳукумати томонидан чиқарилувчи нашрлар ҳақида ахборот олиши мумкин. Мазкур соҳада иккита фойдали веб-сайт мавжуд бўлиб, улардан бири *State and Local Government on the Net* деб аталади ([www.stateocalgov.net](http://www.stateocalgov.net)). Мазкур сайтдаги маълумотлар штат ва мавзу бўйича сараланган бўлиб, санъат, соғлиқни сақлаш, таълим, кутубхоналар ва ҳоказо йўналишларни қамраб олади. *USA.gov* сайти эса маҳаллий ҳокимият органлари тўғрисидаги ахборот манбаларига ҳаволаларни таклиф этади. [wikis.ala.org/godort/index.php/State\\_Agency\\_Databases/](http://wikis.ala.org/godort/index.php/State_Agency_Databases/) манзилида эса ҳар бир штатдаги муассасалар маълумотлар базасига ҳаволалар рўйхатлари берилган. Штатдаги депозитар кутубхоналар тизимлари тўғрисидаги ахборотни [wikis.ala.org/godort/index.php/State\\_Depository\\_Library\\_Systems\\_Databases/](http://wikis.ala.org/godort/index.php/State_Depository_Library_Systems_Databases/) манзилдан топиш мумкин.

«Штатлар китоби» (*The Book of the States*) АҚШ штатлари ҳукуматлари кенгаши томонидан нашр этилиб, штатлар ҳукуматлари тўғрисидаги маълумотларни ҳавола этади. Манба орқали, жумладан, штатлар конституцияларидаги ўзгаришлар, штат ҳокимиятларининг уч тури, энг йирик дастурлар ҳақидаги мақолалар, қонунчилик, губернаторлар ва бошқа расмий одамлар, қишлоқ хўжалиги, ҳукуматдаги аёллар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун ажратилаётган маблағ, таълим, руҳий саломатлик ва ҳоказо йўналишлар бўйича маълумотлар билан танишиш мумкин. «Шаҳар ва графликлар маълумотномаси» (*City and County Data Book*) «Статистик кўчирмалар» (*Statistical Abstract*) китобига қўшимча бўлиб, унга АҚШ даги 1708 та, барча графликлар ва аҳолиси 2,5 минг кишидан ортувчи жойлар ҳақидаги маълумотлар кирган. Манба орқали шаҳарлар ва графликларни солиштириш мумкин бўлиб, унинг онлайн шакли ҳам мавжуд.

«Штатлар рейтинг 2010» (*State Rankings 2010*) АҚШ штатларига бағишланган ва тижорат асосида нашр этилган китоб. У штатлардаги таълим, соғлиқни сақлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш, аҳоли фаровонлиги даражаси ва солиқлар таққосланган жадваллардан иборат.

## Болалар учун мўлжалланган манбалар

*Kids.gov* сайти 8 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган бўлиб, у ердан АҚШ федерал ҳукумати тўғрисидаги асосий маълумотларни билиб олиш мумкин. Бундан ташқари, бир қатор давлат муассасасининг веб-сайтларида анча қизиқарли «болалар саҳифалари» ҳам тузилган. Улардан *www.kids.gov* сайти орқали фойдаланиш мумкин.

## Электрон ҳукумат

Электрон ҳукумат, бу — онлайн шаклда кўрсатилувчи ҳукумат хизматлари бўлиб, фойдаланувчининг ҳокимият муассасаси билан интернет тармоғи орқали амалга оширувчи мулоқотини назарда тутди. Ҳукумат ахборотидан интернет орқали фойдаланиш имконияти фойдаланувчиларга етказилаётган маълумотлар ҳажмини кескин кўпайтирди. Гарчи депозитар кутубхоналар ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлса-да, федерал, штат ва маҳаллий ҳукуматлар фаолияти билан боғлиқ саволларнинг кўпчилигига оддий кутубхоналар ходимлари ҳам жавоб бериши учун шароит яратилди. Кутубхоначи фойдаланувчининг саволи ҳукумат органларига тегишли эканини аниқлаши билан интернет тармоғидаги *www.usa.gov* ёки *www.gpo.gov* манзилларига мурожаат қилиб, у ердаги кўплаб усуллар ёрдамида керакли маълумотларни излаши мумкин. Бундан ташқари, фойдаланувчига керак бўлган аксарият анкета ёки ариза формалари онлайн шаклда мавжуд бўлиб, осонлик билан принтер орқали қоғозда чоп қилиниши мумкин.

## Бирлашган Миллатлар Ташкилоти нашрлари

Гарчи халқаро ташкилот деганда биринчи бўлиб айнан БМТ кўз олдимизга келса-да, аслида, халқаро ташкилотларнинг сони анчагина. Бундан ташқари, БМТ тизимига кирувчи ташкилотларнинг ўзи ҳам бир талай.

БМТнинг расмий ҳужжатлари билан бепул равишда *www.un.org/en/documents/index/shtml* манзилида танишиш мумкин. Мазкур маълумот базасидаги ҳужжатларнинг аксарияти 1993 йилдан бошланади. Лекин ундан олдинги даврдаги ҳужжатлар ҳам мунтазам равишда қўшиб борилмоқда. «БМТнинг расмий нашрлари» (*Official Publications of the United Nations*) БМТ Бош ассамблеяси, Хавфсизлик кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш резолюциялари билан танишиш имконини беради. Ҳужжатлар 1964 йилдан ҳозирги кунгача бўлган даврни қоплайди (<http://unp.un.org>). Манбага «БМТ шартномалари тўплами» (*UN Treaty Series*) ва «БМТнинг тижорат нашрлари» (*UN Sales Publications*) каби нашрлар кирмаган.

БМТнинг сотувга чиқарилган босма ва онлайн нашрлари рўйхати <http://unp.un.org> сайтида кўрсатиб ўтилган. «БМТ йилномаси» (*Yearbook of the United Nations*) жаҳон иқтисодиёти, унинг тузилиши, ундаги асосий тенденциялар, аҳоли ва ижтимоий соҳадаги статистика маълумотлари, иқтисодий фаолият ва халқаро иқтисодий муносабатлар ҳақидаги маълумотларни ҳавола этади. У инглиз ва француз тилларида нашр этилади. «Демография йилномаси» (*Demographic Yearbook*) ҳам БМТ томонидан нашр этилиб, 200 дан зиёд

мамлакат ҳақидаги асосий статистика маълумотларини тақдим этувчи халқаро нашр ҳисобланади. Жадвал кўринишида берилувчи ахборот демографик статистика, жумладан, аҳоли сони ва ундаги асосий тенденциялар, туғилиш ва оламдан ўтиш, турмуш қуриш ва ажралиш, миграция каби йўналишларни қамрайди. Йилнома инглиз ва француз тилларида нашр этилиб, унинг онлайн кўриниши ҳам мавжуд. «Аҳоли ва муҳим статистика ҳисоботи» (*Population and Vital Statistics Report*) босма нашр. Кутубхоналар БМТ нашрларига обуна бўлиши мумкин бўлиб, янги нашрлар чиққанда махсус хабар бериш тизими уларга ўз коллекцияларини тўлдириб боришга ёрдам беради.

Дунёнинг турли бурчакларида БМТнинг депозитар кутубхоналари бор бўлиб, *UNIBISNET* тизими орқали 1979 йилдан то ҳозирги кунга қадар бўлган БМТ ҳужжатлари ва нашрлари библиографияси билан танишиш имконияти мавжуд. БМТ кутубхонаси сайти ҳам ташкилот ҳақидаги маълумотларнинг кони бўлиб, [www.un.org/depts/dhl/](http://www.un.org/depts/dhl/) манзилида жойлашган. *AccessUN* эса, обуна асосида фойдаланиш мумкин бўлган маълумот базаси бўлиб, у орқали ҳам БМТ ҳужжатлари ва нашрлари билан танишиш имконияти мавжуд.

## Сараланган халқаро манбалар

### Канада нашрлари

Канада ҳукуматининг нашрлари веб-сайти <http://publications.gc.ca/site/eng/home.html> манзилида жойлашиб, унда мазкур мамлакат ҳукумати томонидан чиқарилувчи нашрлар ҳақидаги маълумотлар бериб борилади. Фойдаланувчилар ўзига зарур бўлган маълумотни мавзу, ном ёки керакли сўз орқали излаши мумкин. Фойдаланувчилар, шунингдек, яқинда чиққан нашрлар ва ахборот йўриқномалари рўйхатларини ҳам топиш имкониятига эга. Сайтдан фақатгина *Canada Gazette* нашрининг тўлиқ матни билан танишиш мумкин бўлиб, у Канада ҳукуматининг расмий газетаси ҳисобланади. Нашр 1841 йилдан буён чоп этилиб, ҳар ҳафта фойдаланувчиларга янги қонунлар, йўриқномалар, бошқарув органларининг қарорлари, ҳукумат хабарлари ва бошқа шу каби маълумотларни ҳавола этади.

Худди АҚШда бўлгани каби Канадада ҳам депозитар кутубхоналар тизими мавжуд бўлиб, у 1927 йилдан буён мамлакат аҳолисига федерал ҳукумат маълумотларини етказиб келмоқда. Айни пайтда мамлакат ҳудудида 680 та депозитар кутубхона мавжуд. Бундан 52 таси тўлиқ депозитар кутубхона, қолганлари эса сараланган депозитар кутубхона ҳисобланади. Канададаги депозитар кутубхоналар рўйхати <http://publications.gc.ca/site/eng/location/OurPublications/depositoryLibraries/index.html> манзилида жойлашган.

### Буюк Британиядаги ҳукумат нашрлари

Жамоат сектори ахбороти бошқармаси ([www.opsi.gov.uk](http://www.opsi.gov.uk)) Буюк Британиядаги ҳукумат ахборотини жамоатчиликка етказишдаги асосий муассаса ҳисобланади. UKOP ([www.ukop.co.uk](http://www.ukop.co.uk)) эса 1980 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган ҳукумат маълумотларини каталоглаштириш билан шуғулланади. Вакиллар палатаси ва буйруқ қоғозлари, яъни ҳукумат вазири томонидан «қиро-

лича буйруғига биноан» парламентга киритилувчи ҳужжатлар билан [www.official-documents.gov.uk](http://www.official-documents.gov.uk) сайтида танишиш мумкин. Ҳукумат наشرларининг нусхаларини [www.tsosshop.co.uk/parliament](http://www.tsosshop.co.uk/parliament) манзилидан харид қилиш мумкин. Бундан ташқари, Буюк Британия ҳукумати тўғрисидаги маълумотларни Directgov сайтидан ([www.direct.gov.uk/en/index.htm](http://www.direct.gov.uk/en/index.htm)) ҳам олиш имкони бор.

## Коллекцияни шакллантириш ва бошқариш

### Манбаларни танлаш ва янгилаб бориш

АҚШ ҳукумати нашрлари билан танишишдаги асосий манба Федерал рақамли тизим — *FDsys* бўлиб ([www.gpo.gov/fdsys/](http://www.gpo.gov/fdsys/)), у турли ҳукумат муассасалари томонидан чиқарилган федерал нашрлардан бепул равишда фойдаланиш имконини беради. Фойдаланувчилар ўзига керакли маълумотни ҳокимият тури, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти, ном ёки мавзу асосида излаши мумкин.

Онлайн каталог кўрсаткичи ва маълумот базаси ҳисобланган *Fdsys* 1994 йилдан то ҳозирги кунга қадар бўлган даврни қамраб олувчи библиографик қайдлар ва айрим ҳужжатларнинг тўлиқ матнли кўринишини ҳавола этади. Каталогнинг босма шакли 1895 йилдан буён бор, у 1976 йилгача бўлган ҳужжатларни топиш учун асосий манба бўлиб хизмат қилади. АҚШ ҳукумати ҳужжатлари билан, шунингдек, *WorldCat* компаниясининг маълумот базаси орқали танишиш мумкин.

Ҳукумат нашрларини харид қилиш учун, аввало, АҚШ ҳукуматининг [bookstore.gpo.gov](http://bookstore.gpo.gov) манзилидаги онлайн китоб дўконига мурожаат қилишни маслаҳат берамиз. Негаки, бу ерда керакли маълумотларни мавзу асосида қидириш имкони мавжуд. Сайтдан, шунингдек, ҳафта давомида янги чиқарилган нашрларнинг рўйхатини ҳам топиш мумкин. Федерал нашрлар Федерал фуқаро ахборот марказида [www.pueblo.gsa.gov](http://www.pueblo.gsa.gov) манзили орқали харид қилиниши мумкин. Мазкур манбада, асосан, таълим, кичик бизнес, соғлиқ ва бандлик билан боғлиқ маълумот ва ҳужжатларни топиш мумкин.

Америка кутубхоналар уюшмаси сайтидаги ҳукумат ҳужжатлари бўлими (GODORT) [www.ala.org/ala/mgrps/rts/godort/index.cfm](http://www.ala.org/ala/mgrps/rts/godort/index.cfm) манзилида жойлашиб, кутубхончиларга ҳукумат нашрлари тўғрисидаги жуда фойдали маълумотларни ҳавола этади. У ҳам фооолиятини энди бошлаган, ҳам тажрибали кутубхоначилар учун бирдай фойдали. GODORT, шунингдек, ҳукумат нашрлари бўйича йўриқномалар, ҳукумат нашриёти ва ҳукумат депозитар кутубхона дастурининг аҳволи ҳақидаги янги маълумотларни ҳам бериб боради.

### Ҳукумат ҳужжатларига баҳо бериш

Ҳукумат ҳужжатлари ҳокимият органлари томонидан нашр этилгани боис улар тўғри, аниқ ва энг сўнгги маълумотларни ўзида жамлаган. Шу боис мазкур нашрларга баҳо беришни нг одатдаги мезонларини тадбиқ этиш шарт эмас. Шундай бўлса-да, тижорат нашриётлари томонидан чоп этилган ҳукумат маълумотларини ҳокимият органлари томонидан чиқарилган нашрлар би-

лан таққослаш ва уларнинг қай бири фойдаланувчилар учун айниқса фойдали бўлишини ҳал қилиш фойдадан холи бўлмайди. Масалан, тижорат нашриёти томонидан чиқарилган нашр фойдаланиш ва маълумот излаш учун бирмунча осон, унинг дизайни ҳам чиройли кўринишда бўлиши мумкин. Айни пайтда кутубхоначилар нашрларнинг нархига ҳам эътибор бериши тавсия қилинади, негаки ҳокимият органлари томонидан чиқарилган нашрларнинг нархи, одатда, тижорат нашриётларининг маҳсулотидан кўра бирмунча арзон бўлади. Нашр формати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кутубхоначилар қайси нашр электрон форматда чиқиши ва қайси нашр босма ҳолатда қолишига эътибор бериши лозим, негаки яқин йиллар ичида АҚШдаги аксарият ҳукумат ҳужжатлари ва нашрлари электрон форматга ўтиши маълум қилинган. Шу боис маълумотдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, агар муҳим ҳукумат ахборотини арзон нархда топишнинг имкони бўлмаса, кутубхоначи бунинг чорасини кўриши керак. Аввал мавжуд бўлган муҳим ахборот тўсатдан йўқ бўлиб қолса, кутубхоначи тегишли идораларнинг эътиборини шу масалага қаратиши лозим.

## Қўшимча фикрлар

Интернет тармоғидаги маълумотлар ҳажмининг кўпайиб бориши ҳукумат нашрларини излаш жараёнини анча осонлаштирди. Айни пайтда асосий эътибор эски материалларни рақамлаштиришга қаратилган. Fdsys бу борадаги асосий манбалардан бири бўлиб, у маълумотларни бир неча йўналишда излаш имкониятини беради. Айни пайтда АҚШ ҳукуматининг тузилишидан хабардор бўлиш ҳам керакли маълумотни топиш жараёнини жуда осонлаштиради. Турли бошқарма ва агентликларнинг веб-сайтлари билан танишиб чиқиш ҳам қўл келиб қолиши мумкин. Бу сайтларнинг бари ҳам фойдаланувчилар учун қўлай бўлмасдан, улардаги маълумотни топиш муайян билим ва малакани талаб қилади. «АҚШ ҳукумати қўлланмаси» (*U.S. Government Manual*) қайси муассаса қаерда жойлашганини билишда, айниқса, қўл келади. Айни пайтда ҳукумат нашрлари соҳаси жиддий ўзгаришларни бошдан кечирмоқда.

АҚШ ҲУКУМАТ НАШРЛАРИ ЎНЛИГИ		
Ном	Босма	Онлайн
Аҳолини рўйхатга олиш бюроси нашрлари		<a href="http://www.census.gov">www.census.gov</a>
<i>Congressional Record</i>	кундалик	<a href="http://www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collection-code=CREC">www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collection-code=CREC</a>
<i>Fdsys</i>		<a href="http://www.gpo.gov/fdsys/">www.gpo.gov/fdsys/</a>
<i>Federal Register</i>	кундалик	<a href="http://www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collection-code=FR">www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collection-code=FR</a>
Конгресс кутубхонаси		<a href="http://www.loc.gov">www.loc.gov</a>

«АҚШ статистика маълумотномаси» ( <i>The Statistical Abstract of the United States</i> )	йиллик	<a href="http://www.census.gov/compendia/statab">www.census.gov/compendia/statab</a>
THOMAS		<a href="http://thomas.loc.gov">http://thomas.loc.gov</a>
USA.gov		<a href="http://www.usa.gov">www.usa.gov</a>
«АҚШ ҳукумати қўлланмаси» ( <i>U.S. Government Manual</i> )	йиллик	<a href="http://www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=GOVMAN">www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=GOVMAN</a>
«Дунё мамлакатлари тўғрисидаги фактлар» ( <i>The World Factbook</i> )		<a href="http://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/index.html">www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/index.html</a>

#### Фойдаланиш учун тавсия қилинадиган бепул веб-сайтлар

*FDsys* — [www.gpo.gov/fdsys/](http://www.gpo.gov/fdsys/). Мазкур сайт ҳокимиятнинг уч турига алоқадор бўлган асосий ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини беради.

«АҚШ статистика маълумотномаси» (*The Statistical Abstract of the United States*) — [www.census.gov/compendia/statab](http://www.census.gov/compendia/statab). Кўплаб мавзулар бўйича ҳукумат статистика маълумотларини ҳавола этувчи ажойиб манба.

*THOMAS* — <http://thomas.loc.gov>. Конгресс кутубхонаси сайтида жойлашиб, Конгресс томонидан қабул қилинган ҳужжатлар, Конгресс баённомалари ҳамда Конгрессга алоқадор бошқа маълумотларни ҳам ҳавола этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — [www.un.org/en/documents/index/shtml](http://www.un.org/en/documents/index/shtml). Бу ерда БМТнинг кўплаб ҳужжатлари билан танишиш имконияти бор.

*USA.gov* — [www.usa.gov](http://www.usa.gov). Барча учун АҚШ ҳукуматига оид маълумотларни ҳавола этади.

## Recommended Resources Discussed in This Chapter

- America Votes. Available: [www.americavotes.org](http://www.americavotes.org).
- American Statistical Index*. New York: LexisNexis. Published monthly with an annual cumulation. Available online through *ProQuest Statistical Insight*.
- The Book of the States*. 1965-. Lexington, KY: Council of State Governments. Annual.
- Canada. Depository libraries. Available: <http://publications.gc.ca/site/eng/locatingOurPublications/depositoryLibraries/index.html>.
- Canada Publications. Available: <http://publications.gc.ca/site/eng/home.html>.
- Central Intelligence Agency. *The World Factbook*. Available: [www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/index.html](http://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/index.html).
- CIS Index*. 1970-. New York: Congressional Information Service/LexisNexis. Annual volume. Also available online through LexisNexis.
- City and County Data Book*. 2007. Washington, DC: Government Printing Office. Available: [www.census.gov/prod/www/abs/ccdb07.html](http://www.census.gov/prod/www/abs/ccdb07.html).
- Code of Federal Regulations*. Available: [www.gpo.gov/fdsys/browse/collectionCfr.action?collectionCode=CFR](http://www.gpo.gov/fdsys/browse/collectionCfr.action?collectionCode=CFR).
- Congressional Directory*. Available: [www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=CDIR](http://www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=CDIR).
- Congressional Record*. Available: [www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=CREC](http://www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=CREC).

- Congressional Record Index*. Available: [www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=CRI](http://www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=CRI).
- Congressional Staff Directory*. Washington, DC: CQ Press. Published three times a year with an annual volume. Also available online: <http://library.cqpress.com/csd>.
- Core Documents of U.S. Democracy*. Available: <http://thomas.loc.gov>.
- CQ Congress Collection*. Washington, DC: CQ Press. Available: [www.cqpress.com](http://www.cqpress.com).
- CQ Press Encyclopedia of American Government*. Washington, DC: CQ Press. Available: [www.cqpress.com](http://www.cqpress.com).
- CQ Researcher*. Washington, DC: CQ Press. Forty-four issues a year and an annual volume. Also available online: [www.cqpress.com/researcher](http://www.cqpress.com/researcher).
- CQ Supreme Court Collection*. Washington, DC: CQ Press. Available: [www.cqpress.com](http://www.cqpress.com).
- CQ Weekly*. 1983-. Washington, DC: CQ Press. Available online: [www.cqpress.com](http://www.cqpress.com).
- ERIC (Educational Resources Information Center). Available: [www.eric.ed.gov](http://www.eric.ed.gov).
- FDsys (Federal Digital System). Available: [www.gpo.gov/fdsys/](http://www.gpo.gov/fdsys/).
- Federal Citizen Information Center. Available: [www.pueblo.gsa.gov](http://www.pueblo.gsa.gov).
- Federal Register*. Available: [www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=FR](http://www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=FR).
- Federal Staff Directory*. Washington, DC: CQ Press. Published three times a year with an annual volume. Also available online: <http://library.cqpress.com/fsd>.
- FEDSTATS. Available: [www.fedstats.gov](http://www.fedstats.gov).
- Genovese, Michael. 2010. *Encyclopedia of the American Presidency*. New York: Facts on File.
- Google Uncle Sam. Available: [www.google.com/unclesam](http://www.google.com/unclesam).
- Government Documents Round Table (GODORT). Available: [www.ala.org/ala/mgrps/rts/godort/index.cfm](http://www.ala.org/ala/mgrps/rts/godort/index.cfm).
- Guide to the Presidency*. Washington, DC: CQ Press. Available online.
- Historical Statistics of the United States*. 2006. New York: Cambridge University Press. Also available online: <http://hsus.cambridge.org>.
- Index to International Statistics*. New York: ProQuest. Published monthly with an annual cumulations. Also available online through *ProQuest Statistical Insight*.
- Judicial Staff Directory*. Washington, DC: CQ Press. Published three times a year with an annual volume. Also available online: <http://library.cqpress.com/jsd>.
- Kids.gov. Available: [www.kids.gov](http://www.kids.gov).
- League of Women Voters. Available: [www.vote411.org](http://www.vote411.org).
- Library of Congress. Available: [www.loc.gov](http://www.loc.gov).
- National Center for Education Statistics. Available: <http://nces.ed.gov>.
- National Center for Health Statistics. Available: [www.cdc.gov/nchs](http://www.cdc.gov/nchs).
- Presidential Library System. Available: [www.archives.gov/presidential\\_libraries/](http://www.archives.gov/presidential_libraries/).
- Project Vote Smart. Available: <http://votesmart.org>.
- ProQuest Government Periodicals Index*. 1988-. New York: ProQuest. Quarterly. Available online.
- State Agency Databases. Available: [wikis.ala.org/godort/index.php/state-agency\\_databases](http://wikis.ala.org/godort/index.php/state-agency_databases).
- State and Local Government on the Net. Available: [www.statelocalgov.net](http://www.statelocalgov.net).
- State Depository Library Systems. Available: [wikis.ala.org/godort/index.php/state\\_depository\\_library\\_systems](http://wikis.ala.org/godort/index.php/state_depository_library_systems).

- State Rankings 2010*. Edited by Kathleen O'Leary Morgan and Scott Morgan. Washington, DC: CQ Press.
- Statistical Abstract of the United States*. Available: [www.census.gov/compendia/statab/](http://www.census.gov/compendia/statab/). *Statistical Reference Index*. New York: ProQuest. Published monthly with an annual cumulation. Also available online through *ProQuest Statistical Insight*.
- THOMAS. Available: <http://thomas.loc.gov>.
- TSO Parliamentary and Legal Bookshop. Available: [www.tsoshop.co.uk/parliament/](http://www.tsoshop.co.uk/parliament/).
- United Kingdom. *Command Papers and House of Commons Papers*. Available: [www.official-documents.gov.uk](http://www.official-documents.gov.uk).
- United Kingdom. Directgov. Available: [www.direct.gov.uk/en/index.htm](http://www.direct.gov.uk/en/index.htm).
- United Kingdom. Office of the Public Sector Information. Available at [www.opsi.gov.uk](http://www.opsi.gov.uk).
- United Kingdom. Official Documents. Available: [www.official-documents.gov.uk](http://www.official-documents.gov.uk).
- United Nations. *Demographic Yearbook*. Available: <http://unstats.un.org/unsd/demographic/products/dyb/dyb2008.htm>.
- United Nations Documents. Available: [www.un.org/en/documents/index/shtml](http://www.un.org/en/documents/index/shtml).
- United Nations Publications. Available: <http://unp.un.org>.
- United States Depository Libraries. Available: <http://catalog.gpo.gov/fdlpdir/FDLPdir.jsp>.
- University of Michigan Government Documents Web site. Available: [www.lib.umich.edu/government-documents-center/explore](http://www.lib.umich.edu/government-documents-center/explore).
- U.S. Bureau of the Census. *American Factfinder*. Available: [http://factfinder.census.gov/home/saff/main.html?\\_lang=en](http://factfinder.census.gov/home/saff/main.html?_lang=en).
- U.S. Bureau of Economic Analysis. Available: [www.bea.gov](http://www.bea.gov).
- U.S. Bureau of Labor Statistics. Available: [www.bls.gov](http://www.bls.gov).
- U.S. Department of Commerce. Available: [www.commerce.gov](http://www.commerce.gov).
- U.S. Department of Health and Human Services. Available: [www.dhhs.gov](http://www.dhhs.gov).
- U.S. Department of the Interior. Available: [www.doi.gov](http://www.doi.gov).
- U.S. Department of Labor. Available: [www.dol.gov](http://www.dol.gov).
- U.S. Department of State. Background Notes. Available: [www.state.gov](http://www.state.gov).
- U.S. Election Atlas. Available: [www.uselectionatlas.org](http://www.uselectionatlas.org).
- U.S. Government Manual*. Washington, DC: Government Printing Office. Annual. Also available: [www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=GOVMAN](http://www.gpo.gov/fdsys/browse/collection.action?collectionCode=GOVMAN).
- U.S. Government Online Bookstore. Available: <http://bookstore.gpo.gov>.
- U.S. Serial Set Digital Collection. New York: ProQuest.
- U.S. Supreme Court. Available: [www.supremecourt.gov](http://www.supremecourt.gov).
- U.S. Supreme Court. Opinions. Available: <http://supremecourt.gov/opinions/opinions.aspx>.
- USA Trade Online*. Available: [www.usatradeonline.gov](http://www.usatradeonline.gov).
- Vanderbilt University Government Documents Web site. Available: [www.library.vanderbilt.edu/romans/fdtf](http://www.library.vanderbilt.edu/romans/fdtf).
- Washington Information Directory*. Washington, DC: CQ Press. Annual.

## Recommendations for Further Reading

---

- Bahr, William L. 2008. «Quick Guide to Finding U.S. Supreme Court Cases». *Reference Services Review* 36, no. 3: 232–244. Useful for those not very familiar with searching this area.



- Burroughs, Jennie M. 2009. «What Users Want: Assessing Government Information Preferences to Drive Information Services». *Government Information Quarterly* 26, no. 1: 203–218. Results of a University of Montana Library study on use of government information.
- Evans, Donna, and David C. Yen. 2005. «E-Government: An Analysis for Implementation; Framework for Understanding Cultural and Social Impact». *Government Information Quarterly* 22, 3: 354–373. This article explores the implications of e-government for U.S. citizens and the international community.
- Fagan, Jody Condit, and Bryan Fagan. 2004. «An Accessibility Study of State Legislative Web Sites». *Government Information Quarterly* 21,1: 65–85. A study of the barriers to state legislative Web sites for users of assistive technology.
- Herman, Edward. 2008. «The American Community Survey: An Introduction to the Basics». *Government Information Quarterly* 25: 504–519. An important subject by an experienced government information person.
- Jacobs, James A., James R. Jacobs, and Shinjoung Yeo. 2005. «Government Information in the Digital Age: The Once and Future Federal Depository Library Program». *The Journal of Academic Librarianship* 31, 3: 198–208. The authors argue that even with the technological changes in the delivery of government documents, the Federal Depository Library Program is still needed.
- Liptak, Deborah A. 2005. «Congressional Research Service Reports Revealed». *Online* 29, no. 6 (November/December): 23–26. Information on where to find the Congressional Research Service Reports that are written for Congress on such subjects as copyright, global climate change, AIDS, and stem cell research.
- Mann, Wendy, and Theresa R. McDevitt, eds. 2003. *Government Publications Unmasked: Teaching Government Information Resources in the 21st Century*. Pittsburgh: Library Instruction Publications. An excellent guide to teaching government publications.
- Martin, Mary, ed. 2005. *Local and Regional Government Information: How to Find It, How to Use It*. Westport, CT: Greenwood Press. A recent guide to local and regional government information online and in print.
- Morrison, Andrea. 2007. «Resources for Art in Online Government Information». *Indiana Libraries* 26, no. 2: 47–53. Discusses government information as a source of fine art, graphic art and images.
- Nour, Mohammed A., Abel Rahman, A. Abel Rahman, and Adam Fadlalla. 2008. «A Context-based Integrative Framework for E-government Initiatives». *Government Information Quarterly* 25, no. 3: 448–461. The development of a model for e-government efforts and initiatives.
- Prophet, Mary, Megan Fitch, and Joy He. 2004. «Ohio5 Government Documents». *Against the Grain* 16, no. 3 (June): 38–39. Describes a cooperative arrangement among five college libraries in Ohio who are all Federal Depository libraries.
- Reddick, Christopher G. 2005. «Citizen Interaction with E-government: From the Streets to the Servers». *Government Information Quarterly* 22,1: 38–57. A study of the demand of citizens for e-government.
- Rogers, Michael. 2005. «Illinois Libraries/OCLC Tackle Government Information Online». *Library Journal* 130, no. 10 (June 1): 35–36. Discussion of the development of an Illinois State Library, the University of Illinois at Chicago and OCLC

- sponsored virtual reference desk for government information using thirty librarians from federal depository libraries.
- Shuler, John A. 2004. «New Economic Models for the Federal Depository System—Why Is It So Hard to Get the Question Answered?» *The Journal of Academic Librarianship* 30, no. 3 (May): 243–249. A discussion of the need for a new economic model that will enable the Government Printing Office to survive and the future role of depository libraries.
- Singer, Carol A. 2003. «The Transition of U.S. Government Publications from Paper to the Internet: A Chronology». *Internet Reference Services Quarterly* 8(3): 29–35. A year-by-year chronology of the transition of U.S. government publications to the Internet.
- Staley, Robert A. 2007. «Electronic Government Information Dissemination: Changes for Programs, Users, Libraries and Government Documents Librarians». *Collection Management* 32 (3/4): 305–326. A helpful update on e-government.
- Wilson, Yvonne, and Deborah Richey. 2005. «State and Local Documents Roundup. A Basic Primer on Collecting Government Publications». *Docu-ments to the People* 33, no. 4 (Winter): 9–11. Includes information on collecting financial reports, annual reports, statistical surveys, municipal codes, and planning documents, etc.

## Bibliography of Works Cited in This Chapter

---


- Drake, Miriam A. 2005. «The Federal Depository Library Program: Safety Net for Access». *Searcher* 13, no. 1 (January): 46.
- Herman, Edward. 1997. *Locating United States Government Information: A Guide to Sources*. 2nd ed. Buffalo, NY: William S. Hein.
- Hernon, Peter, Robert E. Dugan, and John A. Shuler. 2003. *U.S. Government on the Web: Getting the Information You Need*. 3rd ed. Westport, CT: Libraries Unlimited.
- Johnson, Linda B. 2004. «Electronic Moves Center Stage». *Library Journal* (May 15): 52–57.
- Morrison, Andrea M., ed. 2008. *Managing Electronic Government Information in Libraries*. Edited by Andrea M. Morrison for GODORT. Chicago, IL: ALA.
- Robinson, Judith Schiek. 1998. *Tapping the Government Grapevine: The User-friendly Guide to U.S. Government Information Sources*. 3rd ed. Phoenix, AZ: Oryx Press.
- Seavey, Charles A. 2005. «Publications to the People». *American Libraries* 36, no. 7 (August): 42–44.
- Smith, Diane H., ed. 1993. *Management of Government Information Resources in Libraries*. Englewood, CO: Libraries Unlimited.
- Smith, Lori L., Daniel C. Barkley, Daniel D. Cornwall, Eric W. Johnson, and J. Louise Malcomb. 2003. *Tapping State Government Information Sources*. Westport, CT: Greenwood Press.
- Wilson, Paula. 2003. «Electronic Publications to the People». *Public Libraries* 42, no. 6 (November–December): 362–363.

**Учинчи бўлим**

МАЪЛУМОТ ВА АХБОРОТ

БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ИШИДАГИ

МАХСУС МАВЗУЛАР



# 13

## Интернет тармоғидан қачон ва қандай қилиб маълумот бериш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин?

---

### Фактлар

---

Интернет XX асрнинг энг жозибали маълумот манбаи бўлгани сир эмас. 1990 йилгача кенг оммага деярли маълум бўлмаган бу тармоқнинг охириги йи гирма йил давомидаги кенгайиб бориши мўъжиза билан тенг бўлди, десак хато қилмаймиз. Энциклопедия оддий одам учун барча саволларга жавоб бера олувчи манбага айланиши учун бир неча аср вақт кетган бир шароитда, АҚШдаги 95 фоиз олий ўқув юрларининг кутубхоналари интернетга уланишига ўн йилдан кам вақт сарфланди, холос. Айни пайда АҚШдаги 99 фоиз жамоат кутубхоналари ва 90 фоиз мактаблардаги медиамарказлар интернет тармоғига уланган (Америка кутубхоналар уюшмасининг фактлар китоби, 26). Эндиликда АҚШдаги 18–24 ёш оралиғида бўлган аҳолининг 80 фоиздан кўпроғи интернетдан мунтазам равишда фойдаланади. *Generational Media Study* тадқиқотининг натижаларига кўра, айни пайтда интернет «энг севи мли муҳит» сифатида баҳоланмоқда (Гринспен, 2004). Интернет ҳаётимизга кенг қўламда кириб бориш баробарида, гуллаб-яшнашни ҳам давом этмоқда.

### То пишмоқлар

---

Бугунги кунда фан ва техниканинг жадал ривожланишига қарамай, кутубхоначилар интернетни тадқиқ ва тадбиқ қилишда негадир сусткашлик қилишмоқда.

XXI асрнинг бошларида Росс ва Нильсен исмли олимлар томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, «кутубхоначилар интернетга ташқи манба сифатида қараб, фойдаланувчилар ундаги маълумотларни муस्ताқил равишда излаши мумкин, деб ҳисоблайди. Кутубхоначилар фойдаланувчиларга интернет тармоғида жойлаштирилган маълумотларни топишга ёрдам беришга ўзларини мажбур эмас, деб ҳисоблайди» (Росс ва Нильсен, 2000: 147).

2005 йилда «*Юқори таълим хроникаси*» (*Chronicle of Higher Education*) журналарида кутубхоналарга бағишланган махсус бўлим чоп этилиб, унда Элизабет Брейкстоун исмли муаллиф шундай деган эди: «Кутубхоначилар ахборот инқилобида иштирок этибгина қолмай, балки унинг йўналишини белгилашга ҳам ёрдам беради» (Брейкстоун, 2005:В6). Шундай бўлса-да, ҳануз интернетдаги излаш жараёнининг йўналишини белгилашда кутубхоначилар томони-

дан жиддий қадам қўйилганича йўқ. 2008 йилнинг охирига келиб, Сиракуза ва Вашингтон университетларининг ахборот мактаблари интернетни «тўла-тўқис ахборот бериш манбаи» сифатида тан олди. Кутубхоначиларнинг маслаҳатлари асосида кенг қўламли излаш воситаси ва кутубхоначилар томонида танланган рақамли манбалардан ишончли URLларни автоматик тарзда саралаб, уларнинг институционал сайтларига йўналтирувчи Reference Extract тизимининг яратилиши мазкур йўналишдаги илк қадам бўлди. Қиймати 100 миңг АҚШ долларини ташкил этган мазкур лойиҳа Макаргур жамгармаси томонидан молиялаштирилиб, сараланган манбалардан чегараланган фойдаланувчилар гуруҳи учун ишончли маълумот излаш тизимини яратиш гоёси интернетнинг салоҳиятидан унинг ишончсиз қисмини чиқариб ташланган ҳолда фойдаланиш имкониятини бериш-бермаслигини вақт кўрсатади.

Шуниси қизиқки, Google сайти ҳам интернетдаги бетартибликни енгил ва «фойдаланувчи айнан хоҳлаган ва қидирган маълумотларни топиб берувчи беками-қўст излаш воситасини яратиш»га ҳаракат қилмоқда (Карр, 2008:58). *Reference Extract*дан фарқли равишда махсус сараланган веб-манбаларга ишониш ўрнига, Google ўзининг ички излаш алгоритмларини ўзгартирмоқда. Фойдаланувчилар Google сайтида излаган маълумотлар ҳақидаги ахборот тизимли равишда таҳлил қилиниб, у улкан бирлаштирилган сунъий интеллектни тузишни мақсад қилган. Масалан, Google сайтидаги «грипп тарқалиш хавфи бор» деган эълон расмий муассасаларда у ёки бу ҳудудда грипп тарқалиши мумкинлиги тўғрисидаги хабардан ўртача етти-ўн кун аввал пайдо бўлади. Бунга Google сайтида «грипп» сўзини излаш сони кескин кўпайиб кетгани натижасида амалга оширилувчи таҳлил ёрдамида эришилади. Яъни касаллик тарқалиши билан одамлар касалхонага мурожаат қилиш ўрнига интернетдан унинг белгилари ва даволаш усуллари гопишга ҳаракат қилиб, керакли маълумотни излай бошлайди. Сайт эса бундан келиб чиққан ҳолда муайян ҳудудда грипп тарқалган, деган мантиқий хулосага келади.

Айни пайтда интернет тармоғи кутубхоначилар томонидан кенг фойдаланилади, лекин мазкур касб эгаллари уни «тўлақонли ахборот манбаи» сифатида тан олишга ҳали ҳам шोшаётганича йўқ. Интернет тармоғининг турли хил имкониятлари, жумладан, электрон почта, чат, файл алмашиш ва бошқа имкониятлар кутубхоначилар томонидан маълумот бериш, блог юритиш, бир зумда хабар алмашиш, маълумот базаларидан масофада гуриб фойдаланиш мақсадларида кенг қўлланилмоқда. Қайсидир кутубхоначи интернетдан маълумот олиш жараёнига чуқурроқ кириб борган, яна қайсинисидир унчалик эмас. Лекин, айтиш мумкинки, уларнинг ҳеч бири интернетдан тўлиқ сақланган эмас.)

## Ечим

Шуниси аниқки, интернет тармоғининг ривожини ташқаридан кузатиб туриш ўрнига интернет ҳам «тўлақонли маълумот етказиш манбаи» сифатида тан олиниши лозим. Айнан шу орқали кутубхоначилар унинг ривожига ўз ҳиссасини қўшиш имкониятига эга бўлади. Бунга интернетнинг ўзи нима эканини яхши тушуниш ва ундан фойдаланишнинг аниқ йўналиш ва соҳалари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш керак. }

## Интернет ёрдамида маълумот бериш табиати

Ёнида олиб юриш мумкин бўлган ихчам китоблар ўрта асрларда ихтиро қилинган. Ўтган давр мобайнида одамзод китоб форматининг афзаллиги ва ноқулайликларини ички ҳиссиёт асосида идрок этиб, уни ривожлантириб борган. Интернетга нисбатан бу каби ҳиссиёт энди шаклланади. Интернет ҳаёти-мизга тобора чуқурроқ кириб бориши билан унинг форматини мақташ ёки лаънатлаш ҳолатлари ҳам кўпайиб бораверади. Унинг имкониятлари ва салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш йўлидаги илк қадам унинг барча афзаллиги ва ноқулайликларини имкон қадар кенгроқ тушуниб етишдан иборат бўлади.

### Афзалликлар

#### Осонлик

Куннинг хоҳлаган қисмида бармоқнинг бир ҳаракати билан битмас-туганмас ахборот оламига шўнғиш имкониятининг мавжудлиги ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Тўғри, интернетда нотўғри ва ишончсиз ахборот ҳажми анча катта. Лекин тўғри ва ишончли маълумотлар ҳам шу қадар кўпки, уларни интернетсиз излаш учун сарфланадиган вақт, куч ва ресурслар уни инкор этиб бўлмаслигидан далолат беради. Бундан ташқари, тармоқдаги тўғри маълумотларни топиш ва улардан фойдаланиш жараёни осон, қулай ва вақт билан чегараланмаган.

Масалан, «708–555–1212 рақами билан рўйхатга олинган одам ким?» деган саволга интернетсиз жавоб топиш фойдаланувчининг анча-мунча вақтини олиши табиий. Бунинг учун фойдаланувчи камида 708-рақамли ҳудуд аҳолиси кўрсатилган каталог кўрсаткичига обуна бўлган кутубхонани топиши ва ундаги мавжуд каталог кўрсаткичини ўрганиб чиқиши талаб этилади. Интернет орқали эса бу каталог кўрсаткичини топиш ва керакли маълумотга эга бўлиш бир неча дақиқалик иш, холос.

1999 йилда ўтказилган тадқиқот натижаларида шу нарса маълум бўлдики, кутубхоначилик иши бўйича таълим олаётган талабаларга синф иши сифатида берилувчи саволларнинг учдан бири умуман бефойда бўлган, негаки уларга жавоб топиш учун на мантиқ ва на манбалардан хабардор бўлиш талаб этилган. Саволларга жавобларни Google сайти орқали бир неча сония ичида топиш мумкин (Росс ва Нильсен, 2000:148). Фойдаланиш осонлиги ва эҳтиёжларнинг шу ондаёқ қондирилишини интернет орқали маълумот излашнинг энг асосий афзалликлари қаторига қўшиш мумкин.

#### Маълумотлар янгилиги

Интернетдаги манбалар ўзининг доимий равишда янгиланиб бориши билан ажралиб туради. Босма кўринишдаги нашрлар жадал ўзгариб бораётган воқеаларни ёритишда бироз ортда қолган бир пайтда, интернет янгиликлар рўй бераётган пайтнинг ўзида улар ҳақида хабар етказиш салоҳиятига эга АҚШ Конгресси янги аъзоларининг босма шаклдаги рўйхати 2011 апрель ойида, яъни 112-чақириқ Конгрессининг инаугурация сессияси бўлиб ўтгандан

4 ойдан кейин нашр этилди. Бу вақт ичида ўз хуудининг конгрессменлари билан боғланиш ниятидаги сайловчилар [www.senate.gov](http://www.senate.gov) каби сайтларга мурожаат қилишга мажбур бўлган, негаки у ерда барча энг янги маълумотлар аллақачон жойлаштириб бўлинган эди. 2009 йили АҚШдаги энг нуфузли нашрлардан бири *Christian Science Monitor* тўлиғича онлайн шаклга ўтиши ҳақида эълон қилди. Бу аҳд «нашрнинг долзарблиги ва аҳамиятини яхшилаш мақсадида» ташланган қадам дея изоҳланди (Кук, 2008).

### Аудиовизуаллик

Айрим тадқиқотлар учун аудиовизуал ахборотга эга бўлиш фойдали, баъзан эса ўта муҳим ҳисобланади. Интернет ахборотни бирлашган, яъни матн, тасвир ва аудио кўринишда ҳавола этиш имкониятига эга Осмондаги юлдузлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотга босма нашрлар қисман жавоб бера оладиган бир пайтда [www.outerbody.com/stargazer](http://www.outerbody.com/stargazer) манзилдан юлдузлар жойлашуви, уларнинг ҳаракати ва бошқа керакли маълумотларни сайтдаги интерактив осмон харитаси орқали олиш ва тасаввур қилиш мумкин. Болаларнинг уй ишларида муайян маънавият ёки этник гуруҳ ҳақидаги вазифалар мамлакат ҳақидаги асосий маълумотлар билан бир қаторда ўша давлат мадҳияси, миллий байрамлардан олинган видеолар ва ҳоказо қўшимча маълумотлар билан бойитилса, вазифанинг аҳамияти ошиши қаторида, ўқувчининг билими ҳам ортади.

### Эксклюзивлик

Ахборотни интернет тармоғида жойлаштириш ва ундан фойдаланишнинг осонлиги айтилган пайтда фақатгина тармоқдан топиш мумкин бўлган нашрлар ва маълумотлар ҳажмини кескин кўпайтирмоқда. Турли конференциялар баённомалари, ҳукумат ҳужжатлари, ҳукумат органларидаги бўш иш ўринлари, турли ариза ва анкета шакллари, янгиликлар блоглари, энциклопедияларни фақатгина интернетдан топиш мумкин!

Эксклюзивликнинг энг ёрқин намунаси сифатида 1991 йилда Лос-Аламос миллий лабораторияси физик олими Пол Гинспаргнинг ишини келтириб ўтиш мумкин. У илмий тадқиқотни нашр қилишдан аввал, олиб борилган ёзишмаларнинг онлайн архивини яратган. Натижада тадқиқотни босма нашрда чоп этишнинг ҳолати қолмаган. Айтилган пайтда мазкур ташаббус Корнелл университетига тегишли бўлиб, мазкур ArXiv хизмати жуда оммалашиб кетган. Ҳозирги кунда унга ҳар ой топшириладиган маълумот тўпламларининг сони 5 мингтадан ортади. Ваҳоланки, 1991–1992 йилда бу қўрсаткич атиги 500 тани ташкил қилган. Шу билан ҳам замонавий физика билан боғлиқ бўлган энг мураккаб саволларга жавоб олиш учун <http://arxiv.org> сайтига мурожаат қилиш таъсия этилади.

### Интерактивлик

Босма шаклдаги ахборот маълумот беради, лекин деярли «тингламайди». Интернет эса турли хил баҳс-мунозара гуруҳлари, электрон почта орқали тарқатилувчи хабарномалар, жонли интервьюлар, шарҳ варақлари ва ҳоказо



имкониятларни тақдим этадики, бу орқали ўзига хос ахборот диалоги яратилади. Изланиш ва тадқиқот жараёнидаги интерактивлик келажакдаги кутубхоначилик ишининг энг жадал ривожланувчи йўналишларидан бирига айланса, ажаб эмас. Айни пайтда АҚШнинг турли бурчакларида интерактив шаклда маълумот беришнинг турфа хил шакллари яратилаётган бўлсада, бир зумда хабар алмашиш хизмати (instant messaging — IM) воситасида маълумот бериш арзон нархли ва фойдаланувчига қулай бўлган муқобил усул сифатида шаклланиб бормоқда.

2004 йилда ўтказилган сўров натижаларига кўра, 80 миллион америкалик бир зумда хабар алмашиш хизматларидан мунтазам равишда фойдаланган ва IM, чат ҳамда СМС яқин йилларда ҳаётимизнинг узвий бир қисмига айланиб улгуриши табиий ҳол (Хьютон ва Шмидт, 2005: 26–30). Умирлар IM технологияларидан айниқса фаол фойдаланиб, айни пайтда мазкур соҳадаги янги лойиҳалардан фойдаланувчи асосий гуруҳ сифатида қаралмоқда. IM технологиялари АҚШда фаолият юритаётган 436 та кутубхонада фаол қўлланилиб, улар «*Муваффақиятли кутубхона тажрибаси*» (*Library Success: A best Practices Wiki*) веб-сайтига киритилгани ҳам бежиз эмас. Мазкур кутубхоналар сайтларига ҳаволалар [www.libsuccess.org](http://www.libsuccess.org) манзилида кўрсатиб ўтилган. Айни пайтда Канададаги Альберта, Калгари, Торонто ва Карлтон университетларининг кутубхоналари ҳамда Оттава жамоат кутубхонаси IM технологиялар ёрдамида маълумот бериш тизимини йўлга қўйган. Буюк Британияда эса, бу ташаббус Хериот-Уотт ҳамда Тиисайд университетлари кутубхоналари томонидан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

*Википедия* эркин энциклопедиясининг жадал ривожини ва оммалашиб кетиши мазкур турдаги технологияларнинг ҳам жадал ривожланишига йўл очиб берди. Айни пайтда вики технологияси (*вики технологияси — фойдаланувчининг веб-сайт билан ўзаро боғлиқлиги технологияси бўлиб, асосан, матн кўринишидаги маълумотни онлайн кўринишида коллектив тарзда ишлаб чиқиш, сақлаш ва структуралаштириш учун мўлжалланган*) асосида «маълумот бериш учун мўлжалланган вики»ларни яратиш борасидаги жиддий қадамлар қўйилмоқда. Бу каби викилар *Википедия* эркин энциклопедиясидек очиқ бўлмагани ва фақат мутахассислар учун мўлжаллангани боис уларнинг ишончлилиги даражаси ҳам бирмунча юқори бўлади. Айни пайтда мавжуд бўлган ва вики платформаси асосида яратилган *Psychology Wiki* (28 минг мақола), *Thomas Jefferson Encyclopedia*, *Encyclopedia of Earth* ва патент аризаларини кўриш жараёнини анча тезлаштирган *Peer-to-Patent* каби сайтлар ишончли викилар қаторидан жой олган (Белл, 2009: 20–24). 2010 йил октябрь ойида учинчи *Peer-to-Patent* пилот сайти ишга туширилиб, у олдинги сайтларнинг муваффақиятли тажрибасини ўзида акс эттиради.

Интерактивлик муҳим аҳамият касб этувчи яна бир соҳа — бу статистик маълумотлар (Фоуди, 2000: 49–53). Веб-сайтлар статистик маълумотларни шундай форматда ҳавола этмоқдаки, фойдаланувчилар уларни тўғридан-тўғри электрон жадваллар ёки Excel дастурига кўчириб олиб, ўзларига керакли жадвал ёки диаграммалар тузиш ва маълумотлардан керагича фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда. АҚШ Тижорат бошқармаси сайтидаги «Миллий иқтисодиёт кўрсаткичлари» бўлимидаги барча жадваллардан интерактив усулда фойдаланиш мумкин. АҚШ иқтисодиётидаги нархларнинг 2001 йил

11 сентябридаги террорчилик ҳаракатларидан аввалги ва кейинги ҳолатини билиш учун бир қатор босма нашрларни қўздан кечириш талаб қилинади-ган бир пайтда «Миллий иқтисодиёт кўрсаткичлари»даги интерактив жадваллар барча керакли маълумотларни хоҳлаган давр оралиғида кузагиш ва хаттоки йиллик, чорак ва ойлик кўрсаткичларни ҳам таққослаб олиш мумкин.

### Оммавий қулайлик

Китоб ёки бошқа турдаги босма нашрдан бир вақтнинг ўзида битта одам фойдаланиши мумкин, интернет тармоғи ва ундаги маълумотлардан эса бир вақтнинг ўзида минглаб одамлар фойдаланиш имкониятига эга.

### Қўлам

Маълум бўлишича, ҳар сонияда интернет тармоғига учта янги саҳифа қўшилар экан. Бу — жуда катта ҳажмдаги ахборот демак. Шу билан бир қаторда ҳар куни дунёда кўплаб янги босма нашрлар ҳам чиқарилади. Аммо шунга қарамай, интернет қамровининг аҳамияти борган сари ортиб бормоқда. Гап шундаки, босма маҳсулот муайян бир соҳа ҳақида ахборот бериши ва унинг тарқалиш чегараси анча тор бўлган бир шароитда интернетдаги маълумотни дунёнинг исталган бурчагидан туриб топиш ва ундан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари «интернетдан ҳамма нарсани топса бўлади», деган гапнинг замирида ажойиб ва кенг имкониятлар яширинганини ҳам унутмаслик лозим.

### Заиф жиҳатлар

Интернетдан фойдаланишнинг қўлами, осонлиги, қулайлиги ва қўшимча имкониятларнинг мавжудлигига қарамасдан, тармоқнинг тўлақонли маълумот манбаи сифатида тан олинishi чўзилиб кетгани кўпчиликда савол уйғотиши табиий. Қуйида бунинг сабаблари кўриб чиқилган бўлиб, улар интернет тармоғидаги маълумотдан фойдаланишнинг заиф жиҳатларини акс эттиради.

### Сифатни назорат қилишдаги камчиликлар

Интернет тармоғининг қулайлиги ва шу билан бир вақтда ноқулайлиги шундан иборатки, унда ҳар ким дунёнинг ҳар қандай бурчагидан туриб хоҳлаган маълумотини жойлаштириши ва уни тармоқда хоҳлаганча вақт давомида сақлаб туриши мумкин. Бу эса тармоқда маълумот излаш жараёнида нотўғри ва ишончсиз маълумотлардан фойдаланиш хавфини кескин оширади.

Ахборот маконининг масъулиятсиз тарзда турли ноқерак маълумотлар билан тўлдирилиши ва бу чиқинди маълумотларнинг жамият ҳаётига тобора кенгроқ кириб бориши билан ахборот майдонининг тозалигини сақлаш бора-сидаги қатъий ёндашув ва классик тайёргарликка эга бўлган кутубхоначилар ахборот дунёсининг якуни яқинлашайтганини баралла эълон қилиб юборганига ҳайрон бўлиш керак эмас (Кроуфорд ва Горман, 1995; Анхаг, 2002). Муаллифлик, ишонччилик, янгилик ва асосланганликнинг ҳеч қандай текширувларисиз ахборот тизими том маънода издан чиқиб кетиши мумкин.

## Баҳолаш фойдаланувчи зиммасига юклатилиши

Тармоқдаги маълумотларнинг сифати устидан назорат деярли йўқ бўлган бир шароитда сайтларни баҳолаш борасидаги масъулият фойдаланувчининг зиммасига тушиши табиий. Кутубхоначилар билади, манбани баҳолаш — комплекс тадбир бўлиб, у ишончли ва ишончсиз манбаларни саралай билиш борасидаги малакани талаб қилади. Фойдаланувчилар ҳар бир босма шаклдаги маълумотни ишончли маълумот сифатида қабул қилишга ўрганиб, қолган бир шароитда, интернет тармоғидаги маълумот излаш жараёнида нотўғри ахборотга дуч келиб, унинг нотўғри эканини билмасдан фойдаланиш хавфи, айниқса, ортади.

## Кузатув камлиги

АҚШ Конгресси кутубхонасининг ходими Томас Манн ахборотнинг тақдим қилиниши илмий ишга таъсир ўтказиши мумкинлигини таъкидлайди. Кутубхонада босма шаклда мавжуд бўлган ахборот керакли сўз асосида излаш учун мўлжалланган рақамли маълумотлар орасидан топилмаслиги мумкин. Бунинг сабаби қуйидагича:

1. Тадқиқотчилар ўз изланишларини бошлашдан аввал уларга қайси сўзлар кераклигини билмаслиги мумкин. Лекин «керакли маълумотлар тўпланган ахборот манбалари уларнинг қаршисида бўлганда, уларга айнан қандай турдаги маълумот кераклиги шу заҳотиёқ тушуниб етади» (Манн, 2005: 45).
2. Гарчи барча керакли сўзлар олдиндан маълум бўлган тақдирда ҳам излаш натижалари «турли қисмлар ўртасида кўприк ярата олмайди» ва тадқиқот мавзусини шакллантиришнинг имкони бўлмайди (Манн, 2005:46).

Маннинг гаплари тўғри. Шу билан бирга, у босма манбалар асосида маълумот бериш жараёнини қумсаб ёдга олади. Лекин нима бўлганда ҳам, визуал асосда маълумот қидириш жараёнида бир қатор янги малака тўплamlари ёрдамида керакли сўзларни аниқлаш ва боғловчи тушунчаларни шакллантириш орқали исталган натижага эришиш мумкин.

## Натижаларнинг ҳаддан зиёд кўплиги

Баъзан интернет керакли манба эмаслиги маълум бўлади. Интернетдан барча керакли маълумотларни топиш мумкин деган ишонч фойдаланувчи бошқа манба ва форматлар орқали осонлик билан топиш мумкин бўлган ахборотни излаш учун ҳаддан ташқари кўп вақт, уриниш сарфлашига олиб келади. Вақт исроф қилиниши билан бир қаторда фойдаланувчи ишончли ва ишончсиз маълумотларни ажратиш ёки ҳаддан ташқари кўп ги перҳаволалар орасида чалкашиб кетишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Маълумотларни қидирув мавзусига яқинлик бўйича саралаш ёки маълумот изловчи сайтларнинг керакли сўзларни кўп учраши, беқиёслиги ва бошқа кўрсаткичлар бўйича саралаб, натижалар рўйхатининг юқорисига кўрсатиши ҳар доим ҳам наф беравермайди. Масалан, мавзуга бевосита алоқадор бўлмаган сарлавҳали мақолани қидириш жараёнида ҳаддан ташқари кўп натижалар келиб чиқиши ва керакли маълумот рўйхатнинг пастки қисмига тушиб кетиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

## Тўлиқ матнли манбалардан бепул фойдаланишнинг кафолати йўқлиги

Журналлардаги тўлиқ матнли мақолалар интернет фойдаланувчилари учун ҳар доим ҳам бепул асосда ҳа вола этилмайди. Жиддий тадқиқотларда фойдаланиш мумкин бўлган сифатли мақолалар одатда анчагина қиммат нархга обуна бўлиш асосида олинадиган маълумот базалари ичига жойлаштирилади. Тўғри, бунининг «заифлиги» деб бўлмайди. Негаки, босма нашрлардаги тўлиқ матнли мақолалар билан танишиш учун ҳам журнални аввал харид қилиш керак бўлади. Лекин интернетдаги маълумот излаш жараёни, одатда, бепул деб қаралиши боис, фойдаланувчиларнинг тармоқдаги пуллик манбаларга муносабати бироз салбий. АҚШдаги Балтимор графлиги жамоат кутубхонаси ходими Джоуи Томпсон айтганидек «якши ахборот ҳали ҳам пулга сотиладиган маҳсулот бўлиб, одамлар баъзан бунининг эсдан чиқариб қўйишади» (Селинго, 2004: 65). Босма манбаларни харид қилиш учун кетадиган маблағ интернетдаги манбани харид қилишга келганда норозиликларни келтириб чиқаради, негаки ахборот учун пул тўлаётган одам айнан шу маълумотни интернетнинг қайсидир «бурчагидан» бепул олиш мумкин, деб ҳисоблайди.

## Тарихий маълумотларнинг камлиги

Интернетдаги тарихий маълумотлар ҳажми анча чегараланган. Ҳагтоки, маълумот базалари ҳам тарихий материалларни етарлича қамраб олмагани боис интернетдан 1980 йилдан аввал чоп этилган нашрларни топиш бирмунча мушкул. Мавжуд тарихий воқеаларнинг ёритилиши ҳам ғализ ва нотекис бўлиб, худди бу материаллар тармоққа кимнингдир қизиқиши сабаблигина жойлаштирилганга ўхшайди. Айни пайтда «Америка хотираси» (*American Memory*), Йель университетининг «Авалон», Франция миллий кутубхонасининг «Галлика», Мичиган университетининг «Америка яратилиши» (*Making of America*) каби лойиҳалар натижасида интернетдаги тарихий маълумотлар тақчиллиги бироз камаймоқда.

## Ўзгарувчанлик

Интернет тармоғига ҳар сонияда қандайдир янги маълумотлар қўшилиши, олиб ташланиши, ўзгартирилиши натижасида тармоқнинг ўзгарувчанлик даражаси ниҳоятда юқори. Кечагина «якши» сайт сифатида танланган сайт бугун ундан фойдаланишдан аввал яна бир бор кўздан кечирилиши лозим, негаки ўтган бир кун ичида унда жиддий ўзгаришлар юз берган бўлиши мумкин. *Internet Yellow Pages* сайти тармоқдаги ўзгарувчанликнинг яққол намунаси бўлиб, унда эълон қилинган маълумотларнинг бир қисми иккинчи эълон қилинган йилнинг ўзидаёқ эскириб улгурган. Шу боис муайян сайтдан материал олганда, сайтнинг яна худди ўша кўринишидан фойдаланиш учун унинг URLни (*Uniform Resource Locator* — Манба жойлашувини аниқловчи унификациялашган тизим) охириги ҳарфигача ёзиб қолиш тавсия қилинади. Ана шунда сайтда юз берган ўзгаришларга қарамай, фойдаланувчи сайтнинг олдинги тузилишини тиклаши мумкин бўлади. Йўқотилган сайтларни интернет архивидаги [www.archive.org](http://www.archive.org) сайтидан топиш мумкин бўлиб, унда 150 миллиарддан ортиқ фойдаланилмаётган ёки ўчириб ташланган интернет саҳифалар тўпланган.

## Интернет орқали маълумот беришнинг муваффақиятини таъминловчи беш қадам

Интернетда кезилади. Аслида эса ундан излаш керак. Қаршингизда бош кўтараётган ҳар бир «ахборот тўлқини» билан курашиш ўрнига қуйида кўрсатилган бешта қадамга риоя қилиш ишингизни анча осонлаштиради.

### Биринчи қадам. Ўзингиздан сўранг: интернет сиз учун керакми ўзи?

«Аввал матнни тер, кейин ўйла» — кўпчилик фойдаланувчиларнинг интернетдан фойдаланишдаги асосий шиори бу. Бунга нисбатан муносабат қуйидагича бўлиши керак:

- интернет фойдаланиш учун энг яхши манбами?
- интернет фойдаланиш мумкин бўлган ягона манбами?

Интернетдан фойдаланиш афзаллик ва заиф жиҳатларидаги аниқлик биринчи муҳим қадамдир. Турли форматлардан фойдаланишга тайёр туриш ҳам наф бериши мумкин. Масалан, 2005 йил 29 август куни АҚШ ҳудудига «Катрина» тўфони етиб келган куни Америка Қизил Хоч жамиятининг веб-сайти ишдан чиққан эди. Сайтнинг компьютерга юкланиши учун ўртача 25–55 дақиқа вақт кетарди. Бундан фарқли равишда тўфон ва у билан курашиш ҳақидаги ахборотни жойлаштириб борган *Washington Information Directory* маълумотномасини ўқиш учун ўртача бир дақиқа сарфланган. Айрим ҳолатларда телефонни кўтариб ҳамкасблар билан маслаҳатлашиб олиш ҳам фойда бериши мумкин. Иллинойс давлат университети томонидан ўтказилган сўровда маълум бўлишича, университет кутубхонасидаги чат орқали маълумот бериш хизматидан кўпчилик норози бўлган. Сабаб — чатга кириш ҳуқуқини берувчи талаблар ҳаддан ташқари кўп бўлиб, фойдаланувчилар чатга киргандан кўра кутубхоначига шахсан ёки телефон орқали мурожаат қилишни афзал кўрган (Нейлор, 2008: 342). Ана шундай ҳолатларда интернетдан бошқа манбалар билан бирга фойдаланиш ёки уни мустақил манба сифатида ишлатиш кераклиги ҳал қилиниши лозим.

### Иккинчи қадам. Интернетда тегишли воситани танлаш

Иккинчи қадам — интернетдаги энг самарали излаш воситасидан фойдаланиш — излаш сайтлари, метаизлаш воситалари ва мавзуга ихтисослашган маълумотномалар.

#### Излаш сайтлари

Агар қидирилаётган ахборот кенг қўламли маълумотлардан иборат бўлса, излаш сайтга киритилган керакли сўз ёки гаплар кўплаб жавоб вариантларини ҳавола қилиши мумкин. Бу усул турли манбаларни текшириб чиқишни талаб қилган ҳолда уларнинг самарадорлиги унчалик юқори бўлмаса-да, излаш қўламини биров торайтиришга ёрдам бериши мумкин. Гарчи интернетдаги маълумот излаш сайтлари эндигина ривожланиб келаётган бўлса-да, уларнинг аксарияти маълумот излаш жараёнини осонлаштириш борасида бир қатор сезиларли натижаларни қўлга киритди.

Маълумот излаш сайтларининг энг оммабоплари орасида *Yahoo*, *Search*, *Google*, *MSN Search*, *Ask* (аввали *Ask Jeeves*), *Gigablast*, *AOL*, *EarthLink*, *Exalead* ва *MyWay* кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Энг оммабоп ва етакчи излаш сайтлар ҳақидаги қисқача маълумотлар 13–1 рақамли жадвалда берилган.

Етти ёшдан ун икки ёшгача бўлган интернет фойдаланувчилари учун мўлжалланган маълумот излаш сайтлари ҳам бор бўлиб, уларда, асосан, турли маълумотлар тўпламлари ва кўнгилочар манбалар ҳавола эгилган. Мазкур сайтлар саҳифалари ранг-баранг бўлиб, турли хил сураглар ҳам улардан жой олган. Ана шундай сайтлардан бири — *AskKids* ([www.askkids.com](http://www.askkids.com)). Мазкур сайт томонидан берилувчи жавоблар фақат болалар учун махсус мўлжалланган манбалардан олинади. Сайтда чат хизматидан фойдаланиш имконияти йўқ. *Yahooligans* сайти ҳам болалар учун мўлжалланган (<http://kids.yahoo.com>).

Излаш натижаларини акс эттириш усуллари ҳам тараққий этиб бораётган бўлиб, *Grokker* тизими ([www.grokker.com](http://www.grokker.com)) 150 та натижани ягона кўриши ҳолатига келтиради, натижада фойдаланувчи ўзига керакли натижалар қайси жавоблар гуруҳида жойлашганини кўриши мумкин. Лекин мазкур домен 2011 йилдан буён сотувга қўйилган. *Factbites* сайти [www.factbites.com](http://www.factbites.com) манзилида жойлашиб, ўзини «маълумот излаш сайти ва энциклопедия кесишган жой» сифатида тақдим этади.

### Метаизлаш воситалари

Метаизлаш воситалари маълумот излаш сайтларидан кўра бир неча баробар кўпроқ натижаларни ҳавола этиб, бунинг сабаби улар ўз натижаларини бир вақтнинг ўзида бир неча маълумот излаш сайтдан олишидадир. Излаш натижалари жуда кўп бўлиши мумкинлиги сабабли метаизлаш воситаларидан мавзу жуда кенг кўламли бўлган ҳолатда фойдаланиш тавсия этилади. Энг машҳур метаизлаш воситалари орасида *ixquick*, *ez2find*, *QueryServer* ва *Dogpile* кабиларни айтиб ўтиш мумкин. *ixquick* ҳамда *Dogpile* ҳақидаги қисқача маълумот 13–2 рақамли жадвалда келтирилган.

### Мавзуга ихтисослашган маълумотномалар

Каталоглар инсон мантиқи бўйича тартибга солинувчи стандарт сўзлар тўпламига асосланган мавзу номларидан фойдалангани боис улар аниқ саволларга жавоб топиш учун энг қулай манба ҳисобланади. Агар фойдаланувчи муайян мавзу доирасида ўзига нима кераклигини аниқ айтиб бера олмаса, маълумотнома тушунчалар тўпламларини чиқариб беради, холос. Мазкур веб-сайтларнинг текширилиш даражаси нисбатан юқори бўлгани боис улар биров чекланган, лекин изланган мавзуга алоқаси яқинроқ бўлган жавобларни чиқариб беради. Маълумотномалар «кўринмас тармоқ», яъни махсус маълумот базаларини «титкилаш» учун фойдали бўлиб, бу каби маълумот базаларидаги ахборот оддий маълумот изловчи сайтлар томонидан қамраб олинмайди (Шерман ва Прайс, 2001). Учга маълумотнома ҳақидаги қисқача маълумот 13–3 рақамли жадвалда келтириб ўтилган.

Ўтмиш келажак даракчиси эканлигини инобатга олсак, юқорида кўрсатилган излаш усуллари ҳам вақт ўтиши билан ривожланиб, қулайроқ ва тақомиллашган технологияларга айланса, ажаб эмас. Айни пайтда *Lycos*, *Hotbot* ва *Excite* каби маълумот излаш сайтлари ўзгариб, тамомила ўзгача ном ва кўриниш олган. Излаш технологиясининг тўсатдан йўқ бўлиши ёки унга эгаллик қилувчиларнинг ўзгариши оддий ҳолат бўлиб, қуйидаги жадваллар мазкур соҳадаги жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун хизмат қилади.

13–3 РАҚАМЛИ ЖАДВАЛ. МАВЗУГА ИХТИСОСЛАШГАН МАЪЛУМОТНОМАЛАР			
	INFOMINE	Ipl2 (2008)	INTUTE (2008)
Яратилган йили	1994	1993	1998
Манзил	<a href="http://infomine.ucr.edu">http://infomine.ucr.edu</a>	<a href="http://www.ipl.org">www.ipl.org</a>	<a href="http://www.intute.ac.uk">www.intute.ac.uk</a>
Ҳавоалар сони	100 мингдан зиёд. Шундан 26 мингтаси кутубхоначилар, қолгани роботлар томонидан яратилган	20 мингдан зиёд веб-сайт	2011 йил июль ҳолатига кўра 100 мингдан зиёд манба
Фойдаланиш қулами	Айни пайтдаги курсаткичлар маълум эмас. 1996 йил март ҳолатига кўра 20 мингдан зиёд фойдаланишлар сони	2006 йилда 10 миллиондан зиёд	2002 йил августидан 2003 йил июлигача булган давр ичида 3 547 630 дана излаш амалга оширилган
Мантиқий тартиби	NEAR, NOT, AND, OR тартибида	Бирламчи кўриниш AND, NOT ва OR ҳам фойдаланиши мумкин	Бирламчи кўриниш AND, OR ва NOT учун минус белгисидан фойдаланилади
Ўзига хос хусусиятлари	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Университет даражасида тадқиқот ўтказиш имконияти. Сайтлар Калифорния, Вейк Форест, Калифорния давлат университети кутубхоначилари томонидан текширилган.</li> <li>2. «Куринмас тармоқ»да жойлашган маълумот базалари, электрон журналлар ва китоблар, турли хил бюллетенларнинг бой манбаи.</li> <li>3. Учта асосий мавзу номлари.</li> <li>4. Ҳар бир қайднинг қисқача таърифи.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Реклам адан холи.</li> <li>2. Сайтлар 100 нафар ходим ҳамда Калифорния ва Вашингтон университетлари томонидан текширилган.</li> <li>3. Манбалар янгилашишига бағишланган ҳафталик бепул газета.</li> <li>4. Ўн тўртта асосий мавзу номлари ва кўп-лаб мавзу ости йўналишларининг мавжудлиги.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Юқори даражадаги тадқиқот учун мўлжалланган Буюк Британиядаги етти та университет ва тадқиқот муассасасининг ҳамкорлиги натижаси.</li> <li>2. Муайян мавзуга ихтисослашувчи тўртта марказ. Тағ мутахассисликлар марказлар доирасида жойлашади.</li> <li>3. Юқори даражадаги фойдали интерактив вэб қўлланмалар.</li> <li>4. Ҳар бир марказ учун мўлжалланган амалий тадқиқот намуналари тўплами.</li> <li>5. <i>Behind the Headlines</i> янгиликлар хизмати учун мўлжалланган жонли RSS хизмати.</li> </ol>

## Учинчи қадам: тўғри излаш атамаларини яратинг

Учинчи қадам интернетда оддий «кезиш» билан мукаммал маълумот излаш стратегияси ўртасидаги фарқни ўрнатишда энг муҳим қадам бўлиб, у энг самарали излаш атамаларини яратишдан иборат. Излаш атамаларини бетартиб киритиш жуда узоқ ва айни пайтда самарасиз қидириш жараёнига шўнғиб кетиш демакдир.

### Рўйхат тузинг

Бунга нисбатан малакали жавоб қоғоз-қалам олиб рўйхат тузишдан иборат бўлиши керак. Оддий стратегиядан бошланувчи жараёнда саволга алоқадор барча сўз ва иборалар иккита категорияга ажратилиб, уларда асосий атамалар билан турдош атамалар сараланган бўлиши лозим. Сўзларни аниқлаш жараёни ниҳоясига етгач, вақтинчалик бўлса ҳам кетма-кетлик яратилиши керак. Қатламларни устма-уст жойлаштириш тадқиқотдан олдинги изланишни тартибга солишга ёрдам бериб, тадқиқот пайтидаги анча-мунча вақт ва уринишларни тежаш имконини беради. Шубҳа уйғотган натижалар тўғриланиб, изланаётган атамалар рўйхат асосида қайта кўриб чиқилиши мумкин. Масалан:

Мавзу: *Мен Шри-Ланкадаги сепаратист ҳаракатларни ўрганишим керак.*

Излаш лозим бўлган атамалар: *Шри-Ланка. Шри-Ланка, сиёсат ва сепаратистлар, Шри-Ланка ва этник можаро.*

Турдош атамалар: *Цейлон тамиллари ва сингаллар, Тамил йўлбарслари, Кумаратунга.*

Кетма-кетлик:

1. Шри-Ланка сиёсати
2. Шри-Ланка ва этник можаро
3. Тамил Илам озодлиги йўлбарслари

Рўйхат тузиш малакасини оширишга ёрдам берувчи бепул онлайн қўлланмаларни [www.vts.intute.ac.uk](http://www.vts.intute.ac.uk) манзилидан топиш мумкин бўлиб, бу Буюк Британия томонидан илгари сурилган ташаббусдир. Лойиҳадан мақсад — муҳандисликдан тортиб, то богбончиликкача бўлган турли хил мавзулардаги маълумотларни излаш учун мўлжалланган батафсил қўлланмаларни яратиш.

### Муқобил орфография

Изланаётган атамалар кетма-кетлигини яратиш баробарида атамалар тартиби, ёзилиши ва муқобил кўринишлари ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳам излаш жараёнини бирмунча осонлаштиради. Масалан, Мьянма, Конго Демократик Республикаси ёки Суринам каби мамлакатлар тарихига алоқадор маълумотларни излаш жараёнида уларнинг олдинги номлари, жумладан, Бирма, Заир ва Гвиана эканини инобатга олмаслик ва улардан фойдаланмаслик излаш натижаларининг тўлиқ бўлмаслигига олиб келиши мумкин.

Мавжуд муқобил атамаларнинг барчасини билиш қатъий талаб этилма-са-да, улар ҳақида хабардор бўлиш мавжуд натижалардан бошқа бир излаш жараёнида фойдаланиш имкониятини беради.



## Контекст

Излаш жараёнида ишлатилувчи керакли сўзларни шакллантиришдаги ноаниқлик натижасиз тугаши мумкин. Агар керакли сўз умумий маънога эга бўлса, изла наётган мавзунини аниқлаштиришнинг йўли — бир неча атама тўпламларида н фойдаланиб, контекстни аниқлаштириб олиш лозим. Масалан, Принц тахаллусли қўшиқчининг биографиясини излаётган фойдаланувчи керакли сўзни киритаётган «принц» сўзини ёзиши кифоя қилмайди. Тўғри интернет тармоғидан топилган жавоблар орасида мазкур қўшиқчи ҳақидаги маълумотлар ҳам бўлади, лекин улар миллионлаб жавоблар орасида кўмилиб, фойдаланувчи Буюк Британия, Монако, Россия, Нидерландия, Африка мамлакатлари, Ҳиндистон субконтиненти мамлакатлари, турли хилдаги адабий асарлар, турли жониворлар исмлари ва ҳоказо турфа хил натижаларни кўздан кечиришига ва ўзига керакли маълумотни улар орасидан топишга ҳаракат қилиб кўришига тўғри келади. «Принц» сўзини «қўшиқчи» сўзи билан бирга териш ёки «собиқ тахаллуси Принц бўлган қўшиқчи» деган сўз тўпламини ёзиш излаш жараёнининг самарали бўлишини таъминлайди.

## Тўртинчи қадам. Керакли излаш операторидан фойдаланинг

Излаш ата маларининг энг мақбул кетма-кетлигини яратиб олгандан сўнг энг мақбул излаш операторини танлаш мантиқий қадам бўлиши табиий. Назарияда мантиқий излаш тизимларидан фойдаланиш тўғри йўлдаги қадам деб қаралиши мумкин. Мантиқий излаш тизимига киритилувчи излаш ата маларининг орасига «ва» сўзини қўшиш орқали ҳаддан ташқари кўп сонли натижалар кўламини бироз торайтириш имконини беради. Агар олинган натижалар ҳаддан ташқари тор бўлса, мантиқий излаш тизимига киритилган ата малар орасига «ёки» сўзини қўшиш орқали натижалар кўламини кенгайтириш мумкин. Масалан, «консервативлар ва республикачилар» кўринишига эга бўлган излаш кетма-кетлиги «консервативлар ёки республикачилар» кўринишидаги излаш кетма-кетлигидан кўра торроқ кўламли бўлади. Излаш атамаларини икки тали қавс ичига олиш ёки излаш атамаларининг охирига ундов белгисини қўйиш мантиқий излаш операторларига излаш натижаларини саралаб олиш имконини беради. Масалан, «Клинтон ва (Хиллари ёки Челси)» кўринишидаги кетма-кетлик излаш кўламини анча торайтириб, керакли маълумот топилиши жараёнини сезиларли даражада осонлаштиради ва АҚШнинг собиқ президентига алоқадор маълумотларни натижалар орасидан чиқариб ташлаш имконини беради.

Амалда излаш операторлари сайтдан-сайтга ўзгариб, масалан, *Gigablast* сайти «Ва», «Ёки», «Эмас» каби мантиқий кўрсаткичларни ва иккиталик қавс ҳамда плюс ва минус белгиларини қабул қилади. Шу билан бирга *Alta Vista* сайтида эса мантиқий кўрсаткичлар фақатгина кенгайтирилган излаш форматида қабул қилинади. Шу боис ҳар бир қидириш сайтидан фойдаланишдан аввал унинг хусусиятларини ва ишлаш тартибини ўрганиб чиққан маъқул. Бунинг учун ҳар бир сайтда мавжуд бўлган маълумот бўлими билан танишиш тавсия этилади. Турли сайтлар томонидан қабул қилинувчи ва рад этилувчи излаш операторларининг таққослама жадвали

Грег Нотесс томонидан <http://searchenginesshowdown.com/features> манзилида ва Джо Баркер томонидан <http://infopeople.org/search/chart.html> манзилида кўрсатиб ўтилган.

## Бешинчи қадам. Излаш натижаларини баҳолаш

Синчковлик билан танланган излаш атамалари асосида амалга оширилган излаш жараёни ўз натижасини берганидан сўнг уларнинг энг керакли ва қидирилган мавзуга энг яқинларини қандай танлаш ва баҳолаш лозим?

Бунда босма нашрларни баҳолаш учун ишлатилувчи барча кўрсаткичлар, яъни нашриёт нуфузи, унинг тажрибаси, мутахассислар томонидан баҳола-нишидан воз кечган ҳолда интернет тармоғидаги барча маълумот «нуфузи исботланмагунча диққатга сазовор эмас» дея қаралиши керак.

Бир қарашда бу каби ёндашув ўта қаттиққўлдек кўриниши мумкин. Аслида эса у интернет фойдаланувчисига ҳар бир ахборот сайтнинг ишончга сазовор эканини аниқлаш лозимлигини эслатади, холос. Бу жараёнда эса босма нашрларни баҳолаш учун ишлатилувчи айрим мезонлардан фойдаланиш ва интернет тармоғининг ишлаш тартибини инобатга олиш талаб қилинади. Бу кичик ёшдаги фойдаланувчиларга интернет асосида маълумот бериш жараёнида, айниқса, муҳим. Болалар учун мўлжалланган веб-сайтларнинг баҳоси [www.ala.org/ala/alsc/greatwebsites/greatwebsitesforkids/greatwebsites.htm](http://www.ala.org/ala/alsc/greatwebsites/greatwebsitesforkids/greatwebsites.htm) манзилида кўрсатиб ўтилган.

## Нуфуз

Ҳар қандай ахборотнинг нуфузи ва ишончга сазоворлигини аниқлашнинг оддий усули — унинг муаллифи ким эканига эътибор қаратиш. Яъни, ишончга сазовор маълумот ёки ахборотнинг муаллифи доимо очиқ кўрсатиб ўтилади. Интернет ҳам бундан мустасно эмас. Тўғри, интернетда кўрсатилган муаллифнинг нуфузи ва репутациясини аниқлаш учун бироз синчковлик талаб этилиши мумкин.

- Муаллиф ким? Асар имзоланганми? Агар имзоланган бўлса, муаллифнинг исми танишми, соҳа мутахассислари орасида унинг исми ишончга сазоворми?
- Агар муаллифнинг исми нотаниш бўлса у билан боғланиш учун маълумотлар берилганми? Тўлиқ контакт маълумотларининг берилиши ахборот ишончли эканини англатса-да, лекин бунга қафолат бермайди.
- Сайтда муаллифнинг асарига шарҳ ёки унинг бирор профессионал уюшма ёхуд бирлашмага аъзо экани ҳақида маълумот борми? Ана шундай ташқиротлар муаллифга ишониш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида маълумот бериши мумкин.
- Мазкур сайтга олиб келган ҳавола ишончга сазоворми? Кўпчилик жиддий сайтлар ўзларида жойлаштирилувчи ҳаволаларга жуда синчковлик билан эътибор беради. Бунга кутубхоналар сайтларида жойлаштирилувчи ҳаволалар мисол бўлиши мумкин.
- Муаллифни ахборотни яратишга ундаган сабаблар қандай? Муаллиф ноҳолис эканидан далолат берувчи белгилар борми?

- Муаллиф мавзунини тўлиқ тушунишини намоён эта олганми? Маълумотда ёрилган мавзу соҳани шарҳлаб бера олганми ёки унга алоқадор ҳаммага маълум бўлган назарияларни санаб ўтиш билан чекланганми? Машҳур муаллифларнинг асарлари фойдаланувчида шубҳа уйғотмайдиган бир шароитда, машҳур бўлмаган муаллифлар ўз малакасини намоён этиши соҳага алоқадор билими ишончга сазовор эканини ўз асарларида исботлай олиши керак бўлади.

### Ишончлилиқ

Машҳур босма нашрлар ўзининг нуфузи, ишончга сазоворлиги ва ўз фаолиятининг очиқлиги орқали ном қозонади. Интернет тармоғи ҳам индивидуал, ҳам институционал маҳсулот жойлаштирилувчи улкан ижтимоий форум эканини инобатга олинса, ундаги манбалар ҳам қатъий ишончлилиқ талаб ва кўрсаткичларига риоя қилишини таъминлаш керак.

- Сайтни молиялаштирувчи муассаса кенг олмага маълумми?
- Агар номаълум бўлса, у ҳақдаги маълумотларни топиш имкони борми?
- Агар ташкилотнинг контакт маълумотлари фақатгина электрон почта манзили билан чекланса, унда манбадан шубҳаланиш учун барча асосингиз бор бўлади.
- Сайтнинг URLи аниқ манзилни кўрсатадими? Масалан, Уинстон Черчилль ҳақида маълумот қидирилган ҳолатда [www.chu.cam.ac.uk/archives/collecti-ions/churchill\\_papers](http://www.chu.cam.ac.uk/archives/collecti-ions/churchill_papers) кўринишидаги URLнинг ишончлилиги жуда юқори даражада бўлади. Бунинг бирламчи сайтни текшириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Нега бундай, деб сўрайсизми? Чунки URLда кўрсатиб ўтилган маълумотлар манбанинг ишончли эканидан далолат беради. Жумладан, «uk» — Буюк Британияни англатиб, Черчилльнинг ватани айнан шу мамлакат, «ac» — академик, яъни «илмий» деган маънони беради, «cam» — Кембридж университети сайтининг белгисидир. Шу билан бирга URLда (-) белгиси бўлган манбаларни биров синчковлик билан текшириш лозим негаки бу каби белгили сайтлар кўпинча муассаса эмас, балки жисмоний шахслар томонидан яратилади.
- URL, шунингдек, манба контекстини аниқлашда ҳам қўл келиши мумкин. Масалан, Weiss компаниясининг веб-сайтида берилган сугурта компанияларининг рейтинглари Weissнинг рейтинглаш тизими манфаатларига тўғри келувчи натижаларни акс эттиради. Сайтда берилган маълумотларни нотўғри ёки ишончсиз деб бўлмади, албатта, лекин улар муайян мақсадга йўналтирилганини ҳам тан олмасликнинг иложи йўқ.
- Ишончга сазовор бўлишнинг яна бир жиҳати — бу тўғрилиқдир. Бу жиҳат худди босма нашрларга нисбатан қўлланилувчи мезонлар асосида баҳоланади. Сайтдаги маълумотга библиографик рўйхат ёки бошқа манбаларга олиб борувчи гиперҳаволалар берилганми? Берилган ҳаволадан фойдаланишдан наф борми? Фойдаланувчи хабари бўлган соҳаларга алоқадор фактологик маълумотлар ҳақиқатга тўғри келадими? Агар мана шу саволларга тўлиқ жавоб олиш мумкин бўлса — бу маълумотга ишониш мумкин деганидир.
- Кўчирма гаплар, схемалар, статистика маълумотлари кўнгилдагидек даражада хужжатлаштирилганми? Агар матн да статистик маълумотлар берилган бўлса, уларда аниқ сонлар ишлатилганми ёки «кўпчилик қисм», «муайян даражада» каби олди-қочди гапларми?

- Хужжатда грамматик, орфографик ёки услубий хатолар борми?

Ва ниҳоят, ғилдиракни мунтазам равишда қайта ихтиро этиш шарғ эмас. Экспертлар томонидан текш ирилган ишончли сайтлар рўйхати *INFOMINE* сайтида бор бўлиб, у университет даражасидаги гадқиқотчилар учун мос келувчи манбалар йиғилган виртуал кутубхонадир. Irl2 сайти эса «юқори сифатли ахборот манбаларини топиш, баҳолаш, саралаш, тартиблаш, таърифлаш ва яратиш орқали жамоатчиликка хизмат қилиш»ни мақсад қилган. Буюк Британиядаги *Intute* сайти эса ўзини «тармоқдаги энг яхши манба» сифатида тақдим этади.

### Янги ахборотни етказиш

Интернет манбалар фойдаланувчиларга босма нашрлардан фарқли равишда энг янги ва энг сўнгги маълумотларни ҳавола эта олиши билан диққатга сазовордир. Янгиликларнинг ҳар дақиқада янгиланиши, биржа кўрсаткичларининг ҳар соатда, хориж хабарларининг ҳар куни, тирикчилик учун кетадиган сарф-ҳаражатларнинг ҳар ойлик ҳисоб-китоби — интернетда мавжуд бўлган маълумотларнинг кўлами одамнинг бошини айлантиради. Шу ўринда маълумотларнинг на қадар янги ва долзарб эканини текшириш манбага баҳо беришнинг муҳим қисми эканлиги ҳам диққатга сазовор. Бунинг учун қуйидаги қоидаларга риоя қилиш лозим:

- саҳифанинг тагига тушиб, «энг сўнгги янгиланиш санаси» деган маълумотни текшириш (агар бор бўлса);
- агар бундай маълумот бўлмаса, сайт директориясини текшириб, сайтнинг «охирги марта ўзгартирилган санаси»ни текшириш мумкин;
- муаллифлик ҳуқуқи саналарини текшириш;
- маълумотлар мунтазам равишда белгиланган жадвал асосида янгиланиб туриши ҳақидаги баёнотларни топиш;
- агар манбанинг янги эканини текшириш имкони бўлмаса, сайтда ўзингиз хабарингиз бўлган воқеа ёки статистик маълумот киритилганини текшириш;
- муайян саналар айтиб ўтилган баёнотларни кўздан кечириш. Масалан, «кейинги ҳафта Сенатнинг 111-сессияси очилиши кутилмоқда» қабилдаги хабарлар;
- ортиқ ишламаётган ҳаволалар бор-йўқлигига эътибор бериш.

Умуман олганда эса, агар интернетдан топилган маълумот шубҳа уйғотса, ундан фойдаланмаган маъқул. Хушёрлик ҳеч қачон зарар қилмайди. Лекин интернет орқали маълумот қидиришнинг ортида яширинган имкониятларга ҳам қаршилиқ қилиш ярамайди. Кутубхоначилар маълумотларни тез ва самарали тарзда баҳолашни ўрганиши керак. Шу орқали интернетнинг табиатини қабул қилиш ва унинг салоҳиятидан имкон қадар тўлиқ фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга фойдали сайтларни белгилаб қўйиш ва ишончли маълумотлар бериб бориловчи сайтлар тўпламини яратиш ҳам катта фойда бериши мумкин (Саурес, 2001).

Шу ўринда сайтларга баҳо бериш малакасини такомиллаштиришда бепул фойдаланиш мумкин бўлган *Virtual Training Suite* ёки британияликлар томонидан яратилган *Resource Discovery Network* каби дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш ҳам наф бериши мумкин. Сайт манзили [www.vts.intute.ac.uk](http://www.vts.intute.ac.uk).

## Recommendations for Further Reading

---

- Bell, David A. 2005. «The Bookless Future». *The New Republic* (May 2–9): 27–33. The ever-elegant Bell writes a supremely cogent treatise on the «democratizing effects» of Internet research, as well as its associated risks and ways of dealing with it. Ideas, arguments, and language come together seamlessly to provide a thought provoking and pleasurable read.
- Bell, Suzanne. 2009. *Librarian's Guide to Online Searching*. 2nd ed. Santa Barbara, CA: Libraries Unlimited. Written as a textbook, the book is a thorough treatise on how to go about mastering the art of online retrieval. The inherent structure of databases is described as are the arsenal of search tools using Boolean logic, proximity, truncation, et al., in a clear and practical way.
- Boyd, Rhonda S. 2005. «Assessing the True Nature of Information Transactions at a Suburban Library». *Public Libraries* (July/August): 234–240. While the article deals with far broader issues than just the assessment of transactions as suggested by the title, it offers a strong quantitative argument on the impact of Internet research on reference services and the reference staffing model best suited to accommodate this impact.
- Bradley, Phil. 2004. *The Advanced Internet Searcher's Handbook*. 3rd ed. London: Facet Publishing. The strength of this title, in a long list of titles that hope to enhance the process of Web research, is its inclusion of real-life examples for all the techniques provided. Different types of search engines are analyzed by structure to help choose according to individual engine strengths. Tips for searching for multimedia information, the «hidden» Web, blogs, and information gateways are also provided along with fifty tips for better searching such as suggestions for truncating an unwieldy URL. The author also keeps up a Web site with extensive search engine information available at [www.philb.com/whichengine.htm](http://www.philb.com/whichengine.htm).
- Hacker, Diana. 2006. *Research and Documentation in the Electronic Age*. 4th ed. Boston, MA: Bedford/St. Martins. The author, recently deceased, was able to complete a final update to this classic guide to finding, understanding, and evaluating online resources. Distinguishing between «narrow», «challenging», and «grounded» research questions, Hacker introduces the text with suggestions for mapping out an appropriate search strategy, and concludes with an extensive annotated bibliography of specialized library and Web resources.
- Henninger, Maureen. 2007. *The Hidden Web: Finding Quality Information on the Net*. 2nd ed. Sydney: University of New South Wales Press. This is a more specialized guide to Internet research in that it aims to uncover «hidden» information tucked into the folds of an HTML document, or one deeply embedded into a Web site, or a full-text document that does not require subscription to a database.
- Janes, Joseph. 2003. *Introduction to Reference Work in the Digital Age*. New York: Neal-Schuman. This book is a formal study of emerging reference strategies, couched in a deceptively informal tone. It focuses on the importance of identifying user needs and utilizing new, hybrid formats and technology to supply those reference needs.
- Radford, Marie L., Susan B. Barnes, and Linda R. Barr. 2005. *Web Research: Selecting, Evaluating, and Citing*. 2nd ed. Boston, MA: Allyn and Bacon. The authors provide a comprehensive and valuable overview of initiating research on the


- Web, mining for the best resources, and concluding Web searches with the most appropriate citations. The sensitive issue of Web copyright is also addressed.
- The Scout Report*. Available: <http://scout.wisc.edu>. Published by the reputable Internet Scout Project, the weekly report provides an update of new and evolving Internet resources that can be accessed on the Web or via direct e-mail. Each resource is annotated. The *Report* is a handy way to keep abreast of new and noteworthy Web sites.
- Sherman, Chris. 2005. *Google Power: Unleash the Full Potential of Google*. Emeryville, CA: McGraw-Hill/Osborne Media. Recognizing that «Googling» is fast evolving into a regular verb, the author provides a hands-on study of different search techniques that can enhance the results from this search engine. Some of the lesser-known charms of Google, such as retrieving information from dead links and setting up automated search tool mechanisms, are also outlined.
- Tancer, Bill. 2008. *Click: What Millions of People Are Doing Online and Why It Matters*. New York: Hyperion. «We are what we click» is the interesting basis of this general book on the nature of Internet searching. While ideas range from the peculiarities of the average searcher to pointers for online marketers, the parts that analyze how users navigate the Web and search for information can be useful for students of Internet reference.

## Bibliography of Works Cited in This Chapter

---

- American Library Association. *ALA Fact Sheet Number 26: Internet Use in Libraries*. Available: [www.ala.org](http://www.ala.org).
- American Memory*. Available: <http://memory.loc.gov/>.
- Anhang, Abe. 2002. «Be It Resolved That Reference Librarians Are Toast». *American Libraries* 33, no. 3 (March): 50–51.
- Avalon Project*. Available: [www.yale.edu/lawweb/avalon/avalon.htm](http://www.yale.edu/lawweb/avalon/avalon.htm).
- Bell, Suzanne. 2009. «Wikis for Reference, Enthusiasts, and Government Information». *Online* 33, no. 1 (Jan-Feb): 20–24.
- Breakstone, Elizabeth. 2005. «Libraries». *Chronicle of Higher Education*, Supplement, 52, no. 6 (September 30): B6.
- Carr, Nicholas. 2008. «Is Google Making Us Stupid? What the Internet Is Doing to Our Brains». *The Atlantic* 302, no. 1 (July-August): 56–62.
- Cook, David. 2008. «Monitor Shifts from Print to Web-based Strategy». *The Christian Science Monitor* (October 28). Available: [www.csmonitor.com/2008/1029/p25s01-usgn.html](http://www.csmonitor.com/2008/1029/p25s01-usgn.html).
- Crawford, Walt, and Michael Gorman. 1995. *Future Libraries: Dreams, Madness, and Reality*. Chicago: American Library Association.
- Encyclopedia of Earth*. Available: [www.eoearth.org](http://www.eoearth.org).
- Foudy, Geraldine. 2000. «Wide, Wide World of Statistics: International Statistics on the Internet». *EContent* 23, no. 3 (June-July): 49–53.
- Frauenfelder, Mark. 2007. *Rule the Web: How to Do Anything and Everything on the Internet—Better, Faster, Easier*. New York: St. Martin's Griffin.
- Gallica*. Available: <http://gallica.bnf.fr/>.
- Greenspan, Robyn. 2004. «OPA: Online Most Favored of All Media». (September 21). Available: [www.clickz.com](http://www.clickz.com).

- Hadro, Josh. 2008. «HathiTrust: 80 Terabytes and Growing». *Library Journal* (November 1): 21.
- Helft, Miguel. 2008. «Google Uses Web Searches to Track Flu's Spread». *The New York Times* (November 12): A1.
- Hock, Randolph. 2007. *The Extreme Searcher's Internet Handbook: A Guide for the Serious Searcher*. 2nd ed. Medford, NJ: CyberAge Books.
- Houghton, Sarah. 2005. «Instant Messaging: Quick and Dirty Reference for Teens and Others». *Public Libraries* 44, no. 4 (July-August): 192-193.
- Houghton, Sarah, and Aaron Schmidt. 2005. «Web-Based Chat vs. Instant Messaging: Who Wins?». *Online* 29, no. 4 July-August): 26-30.
- Infomine*. Available: <http://infomine.ucr.edu/about/index.shtml>.
- Internet Public Library*. Now known as *ipl2*. Available: [www.ipl.org](http://www.ipl.org).
- Internet Systems Consortium. ISC Internet Domain Survey Background. Available: [www.isc.org](http://www.isc.org).
- Intute*. Available: [www.intute.ac.uk/](http://www.intute.ac.uk/).
- Making of America*. Available: <http://moa.umdl.umich.edu/>.
- Mann, Thomas. 2005. «Google Print vs. Onsite Collections». *American Libraries* (August): 45-46.
- Miller, William, and Rita Pellen. 2006. *Evolving Internet Reference Resources*. Binghamton, NY: The Haworth Press, Inc.
- Naylor, Sharon, Bruce Stoffel, and Sharon Van Der Laan. 2008. «Why Isn't Our Chat Reference Used More? Finding of Focus Group Discussions with Undergraduate Students». *Reference & User Services Quarterly* 47, no. 4 (Summer): 342-355.
- Oder, Norman. 2008. «Too Late or Just Right?» and «Reference Extract Web Project Debuts». *Library Journal* no. 19 and 20 (November 15 and December 15).
- Peer-to-Patent*. Available: [www.peertopatent.org](http://www.peertopatent.org).
- The Psychology Wiki*. Available: [http://psychology.wikia.com/wiki/main\\_page](http://psychology.wikia.com/wiki/main_page).
- Ross, Catherine Sheldrick, and Kirsti Nilsen. 2000. «Has the Internet Changed Anything in Reference? The Library Visit Study, Phase 2». *Reference & User Services Quarterly* (Winter): 147-155.
- Sauers, Michael P. 2001. *Using the Internet as a Reference Tool*. New York: Neal-Schuman.
- Search Engine Statistics*. Available: [www.hitwise.com](http://www.hitwise.com).
- Seligo, Jeffrey. 2004. «When a Search Engine Isn't Enough, Call a Librarian». *New York Times* (February 5): G5.
- Sherman, Chris, and Gary Price, 2001. *The Invisible Web: Uncovering Information Sources Search Engines Can't See*. Medford, NJ: Cyber Age Books.
- The Thomas Jefferson Encyclopedia*. Available: <http://wiki.monticello.org>.
- Veldof, Jerilyn. 2008. «From Desk to Web: Creating Safety Nets in the Online Library». In *The Desk and Beyond: Next Generation Reference Services*, edited by Sarah K. Steiner and M. Leslie Madden (pp. 120-134). Chicago, IL: ACRL.
- Wilder, Larry. 2005. «Changes in Reference Service in Academic Libraries». *Illinois Library Association Reporter* 23(1): 9.





# 14

## Китобхонга маслаҳат бериш

---

Мэри К. Челтон

### Китобхонга маслаҳат ва маълумот бериш иши: қулайлик уйғунлиги

---

#### Кириш

Китобхонга маслаҳат бериш хизматлари ўз назарияси ва концепцияси жиҳатдан маълумот (ахборот) бериш иши томонидан қамраб олинувчи қўламдан кўра кенгроқ маъно касб этади. Маълумот/ахборот бериш хизматлари муайян ахборот тизими орқали маълум эҳтиёж учун хизмат қилувчи амалий маълумот олиш истагида бўлган одамнинг ахборотни олиш усули деб таърифланади. Бунда ахборотни олиш ўртада турган одамнинг ёрдами ёки ёрдамисиз амалга оширилиши мумкин.

Шундай экан, маълумот бериш жараёни индивидуал хизмат кўрсатишга ихтисослашиб, бу, айниқса, фойдаланувчининг саволини аниқлаштириш, унинг ахборотни мустақил топа олиш қобилияти ва ахборот саводхонлигини ошириш учун махсус тайёргарлик кераклигини аниқлашда намоён бўлади. Ўқувчига маслаҳат бериш хизматлари эса кенгроқ аудиторияни қамраб олиб, ўз фаолиятида турли тасвирлар, рўйхатлар, расмий тақдимотлар ва баҳс-мунозаралардан фойдаланади. Бундан ташқари, ўқувчига маслаҳат бериш хизматлари учун маслаҳат бериш жараёнининг ёқимли бўлиши, фойдаланувчининг вазияти, ундаги ахборот тақчиллигини ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда унинг муаммоларини ҳал қилишга бирдай муҳим эътибор қаратади.

Ташкилий жиҳатдан олиб қараганда, ўқувчига маслаҳат бериш хизмати кутубхонанинг хоҳлаган бўлимида — хоҳ болалар, хоҳ катталар ёки ўсмирлар бўлимида жойлашиши мумкин. Мактаб кутубхоналари, айниқса, бошланғич синфларда, ўқувчига маслаҳат бериш хизматидан ахборот саводхонлигини ошириш мақсадида фойдаланиб, бунда бадиий асарларни овоз чиқариб ўқиш ва муайян муаллифнинг ижодини тадқиқ қилиш каби усуллардан фойдаланилади. Мазкур фарқланишга қарамай, вазият шундан иборатки, аксарият кутубхоналарда ўқувчига маслаҳат бериш юзма-юз равишда амалга оширилиб, у маълумот беришнинг бир қисмига айланган ва мазкур жараённинг энг муҳим жиҳатларидан бири сифатида талқин этилади. Гарчи ўқувчига маслаҳат бериш хизматлари маълумот бериш ишининг доира-

сига қўшиб юборилаётган бўлса-да, мазкур икки йўналиш ўртасида худди ахборот билан кўнгилочар соҳа ўртасида бўлгани каби тавофут катта. Яъни «ахборот» — фойдали маълумот бўлса, «кўнгилочар соҳа» — енгилтабиатлик демакдир. Аини пайтда бадий адабиёт иккинчи даражали деб қаралиб, ўқувчига бадий адабиёт ҳақида маслаҳат беришнинг аҳамияти шу даража тушиб кетганки, мазкур соҳа бошқа йўналишлар олдида эътибордан четда қолиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас (Виганд, 2000). Мазкур ёндашувнинг зарари катта ёшдаги фойдаланувчилар билан ишлаганда унчалик сезилмайди. Лекин кичик ёшдаги фойдаланувчилар бундан катта зарар кўриши мумкин. Айниқса, улар орасида китобга меҳр қўйиш ва саводхонликни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилаётган бир пайтда. Ана шундай бир шароитда ўқувчи билан мулоқот қилиш, унга тўғри йўл кўрсатишга айниқса жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

Шу ўринда ёшлар томонидан берилувчи саволларнинг бир қисми албатта адабиёт соҳасига алоқадор эканини ҳам таъкидлаш жоиз. Масалан, муайян китобни ўқиш уй вазифаси сифатида топширилган ўқувчи ёки талаба кутубхонанинг маълумот бериш бўлимига мурожаат қилиши ва ўзига керакли адабиётни топишда ёрдам сўраши табиий.

### Ўқувчига маслаҳат бериш ишидаги маълумот излаш воситалари

Кэтрин Росс (1999а) ўзининг «Изламасдан топиш: Бадий адабиёт ўқиш жараёнида ахборот олиш» китобида ўқувчи бадий адабиёт ўқиш жараёнида оладиган маълумотларни тадқиқ қилган. Жумладан, муаллиф асарлар матнида учровчи аниқ мақсадга қаратилмаган (яъни, муайян муаммони ҳал қиладиган) маълумот турларини санаб ўтади. У, шунингдек, кутубхоначилик касбидаги ахборот излашнинг когнитив моделини шубҳа остига қўйиб, маълумот топишдаги эмоционал ўлчамнинг муҳимлигини таъкидлайди.

*Маълумот изловчи/ўқувчини рационал, аниқ мақсадга йўналган ва ҳар доим қандайдир муаммони ҳал қилишга муккасидан кетган шахс сифатида талқин қилиш ҳис-туйғуларнинг аҳамиятини пасайтириб ташлайди. Юқорида айтиб ўтилган тадқиқотдан маълум бўлишича, бадий асарни ўқиш давомида ҳис-туйғулар ўқувчига бутун жараён давомида ҳамроҳлик қилиб, айнан ҳис-туйғулар асарни танлаш ва ўқувчи уни нақадар қадрлашида ҳал қилувчи аҳамият касб этади (Росс, 1999а: 796).*

Росснинг ўқувчилар борасидаги тадқиқотлари худди Култаунинг ахборот излаш жараёни борасидаги тадқиқотлари каби (Култау, 2004; Култау ва бошқалар, 2008) ахборот излаш жараёни ҳам когнитив (*билимни ошириш*), ҳам ҳис-туйғули ўлчамларга асосланиб, бунда ҳис-туйғу асосида маълумот олиш бадий асарларни ўқиш жараёнида, айниқса, кучаяди.

Жессика Мойер (2004) Росснинг тадқиқотларидан руҳланган ҳолда бадий асарларни ўқишдаги билим олиш жараёнларини тадқиқ қилган. Олиманинг фикрича, бадий китоб ўқиш орқали одам ҳам билим олади, ҳам дам олади. Ўқувчилар билан ўтказилган интервьюлар натижасида олима бадий адабиётни ўқиш натижалари қуйидаги тўрт таснифга ажралади, деган фикрни илгари суради: (1) одамлар ва муносабатлар; (2) бошқа мамлакатлар, мада-

ниялар ва даврлар; (3) ҳаётий тажрибанинг ошиши; (4) ўзгача қарашлардан воқиф бўлиш.

Гарчи, бу каби тадқиқотларнинг сони кам бўлса-да, ахборот бериш фанида бунинг ўз атамаси бор бўлиб, у «иккиламчи ахборот» деб аталади (Уильямсон, 1998). Ўқувчига маслаҳат бериш хизматларини кўрсатишда кутубхоначилар бир нарса ни англаши керак, яъни ўқиш жараёнида ахборот ҳам, кўнгилочар маълумотлар ҳам олинади. Шу билан бирга компьютернинг пайдо бўлгани барча маълумот ва билим олиш жараёни электрон усулда амалга оширилади дегани эмас. Шу билан бирга ўқувчилар ўқиш жараёнида электрон воситалардан фойдаланмайди дейиш ҳам ноўрин.

## Китобхонга маслаҳат бериш жараёнида учрайдиган умумий саволлар

Деярли ҳар бир кутубхоначи ўз фаолиятида қуйидаги уч турдаги саволнинг бири билан тўқнаш келиши табиий: «Ўқиш учун қайси китобни маслаҳат бера оласиз?», «Ўзингиз яқинда бирор яхши китоб ўқидингизми?», «Мен яқинда Жоди Пикультнинг «Опамнинг суюклиси» асарини севиб ўқидим. «Шунга ўхшаш яна қандай асарларни маслаҳат бера оласиз?»

Бу саволлар бир мавзу атрофида айланиб, уларга ўқувчи «яхши бир китоб» деганда, нимани назарда тутишидан келиб чиққан ҳолда жавоб бериш мумкин. Шу ўринда биринчи иккита савол одамни сал чалғитиши мумкинлигини таъкидлаш лозим, негаки «яхши бир китоб» деганда, фойдаланувчи албатта юқори даражадаги адабий сифатга эга бўлган асарларни назарда тутишига ҳеч қандай кафолат йўқ.

Бундан ташқари, кутубхоначи томонидан «яхши» деб баҳоланувчи асар ўқувчи томонидан ҳам ана шундай баҳога сазовор бўлиши даргумон. Шу боис кутубхоначи «яхши бир китоб» деганда, ўқувчи қандай асарни назарда тутишини аниқлаб олиши талаб этилади. Бунинг учун ўқувчи қайси асарни севиб ўқигани ва қай бирини ўқишга сабри чидамаганини билиб олиши лозим. Бунинг аниқлаб олгач, ўқувчи ўзи севиб ўқиган китобга ўхшаган асарними ёки бошқа турдаги ва жанрдаги китобни ўқишни истагини аниқлаш лозим. Агар ўқувчи бошқа турдаги асарни ўқиш истагини билдирса, бу асар аввалгисидан *нимаси билан* фарқланиши лозимлигини билиш талаб этилади. Ўқувчи асар муаллифи ёки номини айтган тақдирда, кутубхоначи *Novelist* сайтидаги «қидириш» тугмаси орқали муаллиф, асар номи, тўплам номи, асар мазмуни ва ўқувчининг ёши бўйича чегараланган кўрсаткичлар асосида керакли китобни топиши мумкин. Агар ўқувчи асар номи эслай олмаса, кутубхоначи асар мазмуни орқали [www.ebscohost.com](http://www.ebscohost.com) сайтидаги «қидириш» тугмасини босиб мазмунни киритиш ва ўқувчи назарда тутиши мумкин бўлган асарлар рўйхатини кўриши мумкин. Асарларни излаш учун бошқа воситалар ҳам бор бўлиб, жумладан, *RA Online* ва *Books and Authors* каби сайтлар. Агар электрон манбалардан фойдаланишнинг имкони бўлмаса, китобхонга маслаҳат бериш учун кўплаб босма манбалар ҳам мавжуд. Лекин улардан маълумот қидириш электрон манбалардан кўра бирмунча қийинроқ.

Ўқувчининг учинчи саволига жавоб бериш учун кутубхоначи китобхон ўзи ўқиган асарнинг қайси жиҳатларини ёқтиргани ва худди ўша муаллиф томонидан ёзилган бошқа асарни ўқиш истагида экани ёки бошқа муаллифнинг асарларини кўздан кечиришни афзал кўришини аниқлаб олиши керак бўлади. Бошқача айтганда, нега китобхон муайян асарни «яхши китоб» деб билишини аниқлаш керак бўлади ва шунинг асосида Novelist сайтидан керакли асарларни топишга ҳаракат қилиш талаб этилади.

Кутубхоначи шундай савол билан ҳам тўқнаш келиши мумкин: «*Мен китобхонлар клуби аъзоларининг кейинги мажлиси учун асар танлашим керак, аммо нима қилишни билмаяпман. Менга бу борада бирон маслаҳат бера оласизми?*»

Бундай ҳолда кутубхоначи китобхонлар гуруҳи ҳақида кўпроқ ахборот олиши, унда илгари қандай асарлар муҳокама қилингани ва китобхон айни пайтда қандай асар ҳақида ўйлаётганини билиш лозим. Агар клубда муҳокама қилиниши керак бўлган асарнинг номи аниқ бўлса, Novelist сайтининг пастки чап бурчагидаги «Асарни муҳокама қилиш бўйича қўлланма»даги керакли ёшни танлаб, муҳокама учун мўлжалланган саволлар рўйхати билан танишиш мумкин.

Агар у ердан керакли маълумот топилмаса, [www.readinggroupchoices.com](http://www.readinggroupchoices.com), [ReadingGroupsGuides.com](http://ReadingGroupsGuides.com) каби онлайн манбалар қўл келиши мумкин. Кўплаб нашриётлар ҳам ўз веб-сайтларида китоб группаларидаги муҳокамалар бўйича қўлланмаларни жойлаштиради. Улар орасида *Random House* компаниясининг [www.randomhouse.com/rgg](http://www.randomhouse.com/rgg) ёки *Harper Collins* компаниясининг [www.harpercollins.com/Readers/readingGroups.aspx](http://www.harpercollins.com/Readers/readingGroups.aspx) кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Шу ўринда энг йирик онлайн китоб дўконлари, жумладан, *Amazon* ҳамда *Barnes and Noble* ҳам ўз сайтларида китоб гуруҳлари учун мўлжалланган бўлимларга эга. Бундан ташқари, кутубхоналарга маҳсулот етказиб берувчи *Ingram* компаниясининг *Ingram Insights* электрон хабарномасида ҳам мазкур мавзуга алоқадор маълумотларни топиш мумкин. Агар китобхонлар гуруҳи қайси асарни муҳокама қилиш борасида аниқ фикрга келмаган бўлса, фойдаланувчига китобларни муҳокама қилувчи гуруҳларни тузиш мавзусига бағишлаб чиқарилган кўплаб китоблар билан танишишни маслаҳат бериш даркор. Улар орасида «*Нью-Йорк жамоат кутубхонасининг китобхонлар гуруҳларини тузиш бўйича қўлланмаси*» (*New York Public Library Guide to Reading Groups*), «*Нимани ўқиш керак? Китобхонлар гуруҳлари ва бошқа адабиёт шайдолари учун қўлланма*» (*What to Read: The Essential Guide for Reading Group Members and Other Book Lovers*).

Афсуски, китобхонларнинг кўпчилик саволлари берилмай қолиб кетади. Шу боис кутубхоначилар бир жиҳатни яхши тушуниб олиши керак: «яхши бир китоб» ўқиш илинжида бўлган одамларнинг кўпчилиги ўзларида тасаввур бўлмаган нарсани кутубхоначидан сўрашга хижолат тортади ва бунинг ўрнига кутубхона китоб жавонларини кўздан кечириб чиқиш билан чекланади. Кутубхоначи ана шундай китобхонларни аниқлай билиши ва уларга ўз ёрдамини таклиф қилиши муҳим аҳамият касб этади. Асарларни тўғри саралаш ва жойлаштиришда ҳам гап кўп. Гарчи бу масалалар кутубхоначилик ишига оид адабиётларда ёритилмаса-да, барча керакли маълумотлар ўқувчиларга маслаҳат бериш хизматига доир китобларда келтириб ўтилган.

## Китобхонга маслаҳат бериш жараёнида амалга оширилувчи савол-жавоб

Китоб ҳақида маслаҳатга муҳтож бўлган одам билан мулоқот бошлангандан сўнг, кутубхоначи ўқувчининг қизиқиш ва эҳтиёжлари ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумот олишга ҳаракат қилиши лозим. Кўпчилик буни китобхонга маслаҳат бериш жараёнида амалга оширилувчи савол-жавоб деб атайди. Гарчи бу жараён савол-жавоб деб аталса-да, аслида кутубхоначи фойдаланувчига маълумот бериш билан эмас, балки ундан маълумот олиш билан шуғулланиб, унинг қайси асарни ўқишни хоҳлаётганини аниқлаш билан шуғулланади. Шу боис китобхонга маслаҳат бериш чоғида маълумот бериш жараёнидан тубдан фарқланувчи ва китобхоннинг қайфияти ва ҳис-туйғуларини биринчи ўринга чиқарувчи стратегия қўлланилади.

Масалан, саёҳат соҳасига бағишланган турли мазмундаги иккита саволни олайлик. Агар кимдир Австралияга саёҳат қилишни истаб, мурожаат қилса, маълумот бериш жараёнидаги классик савол-жавоб ўтказиш орқали кутубхоначи фойдаланувчига қандай маълумот кереалигини билиб олади. Агар фойдаланувчи саёҳатлар ҳақидаги асарларни излаётган бўлса, кутубхоначи китобхон қандай матнларни афзал билиши ва шунга қараб асар турини танлашга ёрдамлашиши талаб этилади. Агар китобхон воқеалар қаерда рўй беришидан қатъи назар қизиқарли саёҳат китобларини ёқтиришини маълум қилса, унга, жумладан, Билл Брайсоннинг асарларини ўқишни маслаҳат бериш мумкин. Китобхонга маслаҳат бериш жараёнини маълумот бериш ишидан ажратиб турувчи муҳим жиҳатлардан яна бири шуки, китобхонга маслаҳат берилган китоб унинг талабига нақадар жавоб бериши у китобни ўқишга киришгандан кейингина маълум бўлади. Шу ўринда бадий асарлар шайдолари учун фактларнинг тўғри-нотўғрилиги аҳамиятсиз бўлиб, уларнинг асосий мақсади — кундалик ҳаёт ташвишларини бироз бўлса-да унутиш.

Сарикс (2005) ўзининг «Жамоат кутубхоналарида ўқувчиларга маслаҳат бериш хизматлари» (*Reader's Advisory Services in the Public Library*) китобида кутубхоначи маслаҳат бериш жараёнини китобхон билан суҳбат кўринишида бошлаб, унинг энг охиригидея севиб ўқиган китоби билан қизиқишини маслаҳат беради. Кўпчилик китобхонлар қандай асар излаётганини аниқ тушунтириб беришга қийналиши биробарида, ўзлари ёқтирган китобнинг қайси жиҳатлари уларга маъқул келганини ҳам айтиб бера олмасдан «яхши китоб экан» дейишдан нарига ўта олмайди. Бу эса китобхон «яхши китоб» деганда нимани назарда тутаётганини билмасдан туриб ўқувчига маслаҳат бериш бефойда. Лекин китобхонларнинг асар номига бўлган муносабати бироз аниқроқ бўлади ва улар асарнинг номини нега ёқтиргани ёки ётирмаганини аниқ айтиб бериши мумкин. Китобхонга асарнинг қайси жиҳатлари ёқиши ёки хуш келмаслигини аниқлаган кутубхоначи китобхон қандай асарни ёқтириши мумкинлигини аниқлаштирувчи омилларни билиб олиши мумкин. Бундай омиллар асосида, жумладан, ўткир сюжетли ёки биринчи шахсдан ҳикоя қилинувчи, замонавий ёки тарихий мазмундаги, фантастик ёки мелодрама, аёл ёки эркак томонидан ҳикоя қилинувчи асарларни саралаб олиш мумкин бўлади. Шу билан бирга кутуб-

хоначи ўқувчига хуш келмайдиган жиҳатлар, жумладан, ҳаддан ташқари беҳаёлик ёки турфа хил тушунарсиз ғоялар илгари сурилувчи асарларни ҳам инobatга олиб қўйиши лозим бўлади.

Ўқувчига хуш келувчи омилларни тушуна билмаслик нотўғри асар танланишига олиб келиши мумкин. Шу боис кутубхоначи китобхонга у ёки бу асарни маслаҳат бераётган чоғида биргина мавзу, ёки жанрга асосланиш мумкин эмаслигини ёдда тутмоғи даркор, негаки ёзувчиларнинг ўзи ҳам мавзу жанрга турлича ёндашиб, «юридик триллер» жанрида ижод қилувчи муаллифнинг барча асарлари ҳам айнан мана шу йўналишга бағишланишига ҳеч қандай кафолат йўқ.

Росс (1999б) ва Росс ҳамда Челтон (2001) фикрича, китобхонлар учун асар танлашдаги энг муҳим омиллардан бири — бу уларнинг кайфияти бўлиб, асар айнан кайфиятдан келиб чиққан ҳолда танланиши керак. Гарчи китобхон бир жанрдаги асарни севиб ўқиганини айтса-да, лекин айни дамда у яна ўша жанрдаги асарни ўқишга тоқати йўқ бўлиб, унга умуман бошқа йўналишдаги китоб керак бўлиб тургандир. Буни унинг ўзи ҳам тўлиқ тушуниб етмаслиги мумкин. Шу боис кутубхоначи китоб қидиришни бошлашдан аввал китобхон нимани хоҳлаётганини имкон қадар кенгрок билиб олиши тавсия этилади.

Росс кайфият турларини олтига ўлчам доирасида таърифлайди.

- 1) танишлик янгиликка қарши;
- 2) хавфсизлик таваккалга қарши;
- 3) осон мушкулга қарши;
- 4) ижобий ва қувноқ қатъий истехзоли ва беҳаёликка қарши;
- 5) қайта ишонтириш руҳ бағишлаш, қўрқитиш ва ҳайрон қолдиришга қарши;
- 6) ишонч ва қадриятларни тасдиқлаш уларни шубҳа остига қўйишга қарши.

Тўғри, кайфият ҳам ўзгариб туради. Китобхон бир он ташвиш билан банд бўлганда, хавфсизлик, қайта ишонтириш ва ишонч ва қадриятларни тасдиқлаш хис-туйғуларини мустаҳкамловчи асарларни ўқишни истайди. Бунда улар аввал севиб ўқиган ёки ўзлари яхши билган муаллифларнинг асарларига интилади. Ҳаёт беташвишрок бўлганда, улар таваккал ва ҳайрон қолдирувчи ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган асарларни танлайди. Китобхонга хуш келувчи асарлар тури аниқлаб олингач қилиниши керак бўлган энг муҳим иш — китобхон айнан ана шу йўналишдаги асарларни ўқиш учун тайёрлигини аниқлаштиришдан иборат бўлади.

## **Китобхонга маслаҳат бериш жараёнида йўл қўйилувчи умумий хатолар**

### **Қониқарсиз шахсий мулоқот**

Мазкур китобнинг аввалги бўлимларида айгиб ўтилганидек, қониқарсиз даражадаги шахсий мулоқот маълумот бериш жараёнини издан чиқариши ва фойдаланувчида салбий таассурот уйғотиши мумкин. Китобхонга маслаҳат беришда ҳам кутубхоначилар томонидан йўл қўйилувчи биринчи хато, бу — китобхон билан нигоҳ даражасида мулоқот ўрната олмаслик. Вазият-

ни чигаллаштирувчи яна бир омил — бу кутубхоначининг китобхонга эътибор бермасдан, компьютердаги ишини давом эттиришидан иборат. Гўёки компьютерга тикилиб ўтирган кутубхоначи қандайдир сирли бир машғулот билан банду, китобхон уни сабр билан кутишга мажбурдай. Шу боис кутубхоначи ўзи томон яқинлашиб келаётган китобхонни кўриши билан унга жилмайиб, аввало, нигоҳ даражасида мулоқот ўрнатиб олиши даркор. Китобхон сўраган маълумот компьютер орқали қидирилган ҳолда, кутубхоначи уни компьютер қаршисига таклиф қилиб, маълумотни қайси манбадан излаётганини тушунтириши ҳам ўзаро мулоқот ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади. Кутубхоначи ўзининг нима билан банд эканини яшириши китобхонни хижолат чектириши ва кутубхоначи сўралган маълумотларни излаётганига шубҳа уйғотишига сабаб бўлиши мумкин. Агар кутубхоначи сўралган маълумотни босма нашрлар орасидан излайдиган бўлса, китобхонни ўзи билан юришга таклиф қилиши тавсия этилади.

Фойдаланувчини хижолат чекишга мажбур қиладиган омилларни йўқотиш баробарида унинг вербал ва новербал ҳатти-ҳаракатларини кузатиш, унинг шарҳларига қулоқ солиш ҳам кутубхоначига вазиятни баҳолаш ва керакли маълумот тўғри йўналишда изланаётганига ишонч ҳосил қилиш имконини беради. Китобхонга маълумот бериш жараёнида унинг ўзи асосий ахборот манбаи бўлиб хизмат қилиб, кутубхоначи китобхондан олган маълумотлар асосида унга нима кераклигини аниқлайди.

Китобхон билан мулоқот бошланишидан аввал кутубхоначилар у билан саломлашмайди ва худдики ўзларини ниҳоятда банддек кўрсатади. Фойдаланувчилар кўпинча кутубхоначиларнинг «ширингина суҳбати»ни бўлишига тўғри келади. Бу эса кўпчилик фойдаланувчиларга тўғри келмайди. Яна бошқа бир ҳолатда китобхон ўзи сўраган асарни топа олмаётганидан асабийлашаётган кутубхоначинини кўриб хижолат чекади. Ёки бўлмаса кутубхона ёпилишига яқин қолганда кутубхоначига мурожаат қилган китобхон ҳам кутубхоначининг энсаси қотганидан хижолат бўлади. Китобхон ёки кутубхона фойдаланувчисига ўзининг жаҳлини кўрсатиш кутубхоначи ўз касбига лойиқ эмаслигини ва у томонидан кўрсатилаётган хизматлар талабга жавоб бермаслигини аниқлатади.

## Онлайн жамоат каталогларидан (OPAC) ножўя фойдаланиш

Китобхон ўзига нима кераклигини тушунтириб бўлмасдан, керакли манбани излашга тушиш ёки кутубхоначи ўзига керакли маълумотларни тўлиқ йиғиб олмасдан туриб, қидирувни бошлаш ҳам китобхонга маслаҳат бериш, ҳам фойдаланувчига маълумот бериш ишида кўп-кўп учраб турувчи хато ҳисобланади.

Кўпчилик кутубхоначилар китобхоннинг гапи тугамасданоқ Онлайн жамоат каталоглари — OPACларга ёпишиб кетади. Бунда кутубхоначи китобхон ўзи айтган муаллифнинг бошқа асарларини ўқиганми, ўзи яқинда ўқиб тугатган асар ҳақида нима дея олиши билан қизиқиб кўриши кераклигини унутиб қўяди. Бу муаммо айни пайтда деярли барча жамоат кутубхоналари учун хос бўлиб, ходимларнинг компьютерга тобора кўпроқ боғланиб қолиши ва оммабоп бадий асарлар борасидаги билимларининг талабга жавоб бермаслиги ва

зиятнинг янада оғирлашишига сабаб бўлмоқда. Устига-устак бу каби кутубхоначилар фойдаланувчига компьютердан нимани излаётганини айтмаслик ва қўрсатмасликни афзал билиб, ўз ишини ўта муҳим, сирли ва бегона қўзлардан сақлаш керак бўлган сеҳрли бир машғулот сифатида намоёиш этади.

Муаллифнинг бошқа асарларни ОПАС орқали излаш қайсидир маънода самарали бўлса-да, лекин китобхонга маслаҳат бериш ишидаги биринчи тўғри қадам эмас. Бунинг ўрнига кутубхоначи юзма-юз мулоқотни давом эттириши ва китобхон нимани хоҳлаётганини аниқламагунча мулоқотни тўхтатиши керак эмас. ОПАС тизимида бадиий асарларнинг тартибга солиниши кўнгилдагидек бўлмагани боис китобхондан тўлиқ маълумот олмасдан туриб тизимга мурожаат қилиш деярли бефойда. Бадиий асарларни ўқимайдиган ёки китобхон излаётган жанрдан беҳабар бўлган кутубхоначи муаллифлар турли таснифларга хос бўлган китобларни ёзиши мумкинлиги ёдда тутмоғи даркор. Шу боис бир муаллиф томонидан ёзилган иккита асар бирдек оммабоп бўлади деб ўйлаш, албатта хато. Масалан, Нора Робертс исмли муаллиф асарлар тарихий, ғайритабиий ва замонавий романларни ёзиб, уларнинг қўпчилиги минитўплам кўринишига эга. Гарчи бу асарларнинг бари роман таснифига кириб, унинг мухлислари янги асарларни интизорлик билан кутса-да, айрим китобхонлар учун унинг, айттайлик, тарихий романлари унчалик хуш келмаслиги мумкин.

## Саволга жавоб беришдан қочиш ва мулоқот натижаларини кузатиб бормаслик

Кутубхоначининг ўзи хабари бўлмаган соҳа тўғрисидаги саволга жавоб беришдан қочиши касбий ахлоқ қоидаларига зиддир. Худди шу талаб китобхонга маслаҳат бериш жараёнига ҳам тааллуқли. Ҳозирги кунда кутубхоначи ўзи хабари бўлмаган адабиёт жанри тўғрисидаги саволларга жавоб беришдан бош тортиши ҳафсалани пир қиладиган даражада кўпайган. Ўзининг билимсизлигини турли баҳоналар остида кечириш китобхоннинг саволига жавоб бериш эмас. Устига-устак, бу — профессионаллик даражасининг пастлигидан ҳам далолат. Саратон касаллиги тўғрисидаги саволга дуч келган кутубхоначи «Мен бу касалликка ҳеч қачон дучор бўлмаганман. Шу боис бу саволингизга жавоб бера олмайман», дейишни хаёлига ҳам келтира олмайди. Лекин қўпчилик кутубхоначилар турли бадиий асарлар тўғрисидаги саволга дуч келганда «Мен бундай китобларни ўқимайман», деб мулоқотни тугатиб қўя қолади.

## Манбаларни ҳужжатлаштириш

Маълумот бериш билан шуғулланувчи кутубхоначилар ўзларининг ахборот манбаларини ҳужжатлаштиришга мажбур бўлиб, шу орқали уларнинг жавоблари тўлиқ ва тўғри бўлиши таъминланади. Китобхонга маслаҳат бериш ҳам худди шу меъёрларга риоя қилишни талаб қилади. Китобхон қизиқаётган асар ОПАС тизимида бор-йўқлигини текширишдан аввал кутубхоначи китоблар ва муайян жанрларга бағишланган маълумотномаларни кўздан кечириб чиқиши керак. Кутубхоначилар орасида юривчи энг нотўғри



фикр шундан иборатки, кутубхоначи у ёки бу асар ҳақидаги саволга жавоб бериши учун уни ўзи шахсан ўқиб чиққан бўлиши ва ҳеч қандай қўшимча манбалардан фойдаланмаслиги шарт деб тушунилади. Бу нотўғри, албатта. Бадиий асарлар тўғрисидаги саволларга жавоб қайтариш учун кутубхоначи, аввало, қуйида рўйхати келтирилган «Китобхонга маслаҳат бериш жараёнида фойдаланилувчи воситалар ўнлиги» билан таниш бўлиши керак. *Amazon.com* ва *Barnes and Noble* компаниясининг *bn.com* сайти томонидан автоматик тарзда чиқариб берилувчи «ўқиш учун маслаҳат берилган китоблар рўйхати»дан фойдаланишда н тийилиш керак. Негаки бу каби рўйхатлар асарларни синчковлик билан ўрганиш эмас, балки ўхшаш мазмундаги китобларнинг сотилиш статистикаси асосида шакллантирилади. Шу боис кутубхоначилар ўзига нотаниш асарлар тўғрисидаги саволларга дуч келганда тегишли профессионал манбаларга мурожаат қилиши лозим.

Китобхон ўзига керакли асарни кутубхона жавонларидан излаши керак бўлган пайтда кутубхоначи уни кузатиб туриши ва керакли манба топишга ёрдам бериши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кўпинча кутубхоначилар ўз ишини китобхонларни керакли китоб жавони томон йўналтириб қўйишдангина иборат деб ҳисоблайди. Уларнинг наздида барча китобхон ўзига керак бўлган асарни ўзи топиб олишга қурби етиши керак. Лекин, аслида, кутубхоначи ҳеч бўлмаганда китобхонга агар у излаган китобини топа олмаса қайта мурожаат қилиши мумкинлигини айтиши лозим. Агар кутубхона керакли китоб жавонларини кўрсатиб турувчи қўшимча ходимларга ва китобларнинг жойлашувини тушунтириб берувчи белгиларга эга бўлмаса китобхонга ёрдам беришнинг аҳамияти янада ортади.

## Китобхонга маслаҳат беришда ишлатилувчи маълумот бериш воситалари

Китобхонга маслаҳат беришда ишлатилувчи маълумот воситаларининг идеал кўриниши турли жойлардан фойдаланиш имконини бериши, кутубхона тизимига боғланган бўлиши, китобхонга қулай бўлган каталог кўрсаткичлари билан таъминланиши, жанр, йўналиш, тарихий давр, бош қаҳрамоннинг жинси ёки касби каби кўрсаткичлар асосида каталоглаштирилган бўлиши лозим. Бундай восита электрон кўринишда бўлиб, турли кўрсаткичларга асосланган маълумот излаш тизими билан таъминланиши лозим. Афсуски, бу каби беками-кўст тизим ҳали яратилганича йўқ бўлиб, ОРАС тизимидаги каталоглаш ҳам вазиятни ўнглашга керакли даражада хизмат қилмайди. Бу соҳадаги диққатга сазовор ташаббус даниялик Аннализ Пейтерсен (1983, 1984) томонидан илгари сурилган эди. Лекин у АҚШда етарли даражада қизиқиш уйғотмади.

Китобхонга маслаҳат беришда ишлатилувчи маълумот бериш воситаларининг фойдаси улар томонидан берилувчи жавобларнинг турфа хиллиги билан белгиланади. Шундай бўлса-да, бу каби воситалар одатда қуйидаги беш тасниф доирасига тушиб, а йнан улар асосида баҳоланиши керак:

- 1) мазмун (умумий ёки ихтисослашган);
- 2) қўлам (қамраб олинувчи давр, жанр, катталар ёки болалар учун мўлжалланганлик, нашр қилиниши ёки нашрдан тўхтатилганлик);

- 3) ким томонидан яратилган (кутубхончаи/мухлис/кутубхоначи эмас);
- 4) формати (босма ёки электрон), ва;
- 5) мақсад (китобхон учун мўлжалланган маълумотнома ёки коллекцияни тўлдириш воситаси).

Барча воситаларнинг фойдалилик даражаси улар нақадар замонавий экани билан ҳам белгиланади. Бундан ташқари, уларни яратган одамларнинг малакаси, улардаги каталоглаш тизими, маълумотни излаш борасидаги имкониятлари, уларни маҳаллий кутубхоналар коллекциясига улаш мумкинлиги ҳам муҳим жиҳатлар ҳисобланади.

Китобхон излаган манбани аниқлаб олгач, уни кутубхонадан топа олмасдан бошқа кутубхонадан қарзга олиб туриш одамнинг ҳафсаласини пир қилиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун китобхоннинг эҳтиёжини қондириши мумкин бўлган бир неча асарни таклиф қилиш тавсия этилади.

Китобхонга маслаҳат беришга ишлагилувчи маълумот бериш воситаларининг кўпчилиги кутубхона коллекциясини тўлдиришини мақсад қилиб, улар орқали кутубхоначилар энг охириги нашрлар ҳақида хабардор бўлиб бориш ва китобхонларга керакли маслаҳатларни бериш имконига эга бўлади. «*NoShip ҳафталиги*» (*Publisher's Weekly*) журнали мазкур соҳада кўп йиллар давомида етакчилик қилиб келган бўлса, ҳозирги кунда кўплаб веб-сайтлар ва электрон хабарно малар кутубхоначиларга ҳам кутубхона коллекциясини кенгайтириш, ҳам нашр этилган янги асарлардан бохабар бўлиб бориш имкониятини беради.

## Китобхонга маслаҳат бериш ишида фойдаланилувчи етакчи манбалар ўнлиги

1. *NovelList/NovelList Plus* ([www.ebscohost.com/novelist](http://www.ebscohost.com/novelist)).

Идеал кўринишдаги воситага энг яқин турувчи манба. Кутубхоначилар учун бу манбани иқир-чикиригача ўрганиб чиқиши шарт. *NovelList* — 169 минг номдаги бадиий асар киритилган лицензиялаштирилган маълумот базаси бўлиб, унга *EBSCO Publishing* компанияси томонидан чоп этилган ва барча ёшдаги китобхонлар учун мўлжалланган асарлар киритилган. *NovelList Plus* сайти эса *NovelList*нинг бироз такомиллаштирилган кўриниши бўлиб, 240 минг номдаги асарлар киритилган. Шундан 170 400 номдаги китоб — бадиий асар, 68 500 номдаги китоб эса оммабоп йўналишдаги асарлардир. *NovelList K-8 Plus* эса болалар ва бошланғич синфлар учун мўлжалланган асарлар маълумот базасидир. *NovelList* компанияси ўз маълумот базаларига йилига 20 минг номдан зиёд янги бадиий ва оммабоп асарларни қўшиб боради.

Данкан Смит ва Рожер Роведер томонидан яратилган бу восита керакли адабиётларни муаллиф, ном, тўплам, турфа каталог кўрсаткичлари, турли хил иборалар, манتيқий излаш воситалари асосида қидириш имконини беради. Манбани иборалар асосида излаш тизими айниқса диққатга сазовор бўлиб, китобхон бирор асарни қидираётган пайтда унинг номи ёки муаллифини билмаслиги мумкин, лекин асарнинг диққатга сазовор жиҳатларини айтиб бера олади. Ана шунда ибора асосида излаш функциясидан фойдаланиш мумкин бўлади.

Мантиқий излаш воситалари орқали кутубхоначи қидирув қўламини торайтириши, яъни излаш матни ичиги «ЭМАС», «ТАШҚАРИ» каби чеклов-

чиларни қўшиш орқали ёки «ВА», «ХАМДА» каби кенгайтирувчи ларни қўшиш орқали излаш қўламини кенгайтириши мумкин.

*NoveList* сайтининг «Китобхонга маслаҳат» бўлими кутубхоначиларга ёрдам бериш учун мўлжалланган бўлиб, у ерда китобхонга маслаҳат бериш ишининг асосий йўналишлари ва сайтдаги маълумот излаш тизимидан фойдаланиш билан боғлиқ маълумотларни топиш мумкин.

Сайтнинг ягона кўринишга келтирилган мундарижаси ёш (катталар, ўсмирлар, катта ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги болалар), ўхшаш асарлар, турли мукофотлар ғолиблари, китобхонлар клубларининг фаолиятини қўлга қўйиш бўйича йўриқномалар, мақолалар ва ўқиш учун маслаҳат берилувчи манбалар асосида ташкиллаштирилган.

Сайтнинг энг диққатга сазовор хусусиятларидан бири шуки, унда китобхонларга маслаҳат бериш ишига бағишланган махсус хабарномалар тарқатилиб, улар АҚШ кутубхоначилиқ соҳасидаги энг кўзга кўринган мутахассислардан бири Дэвид Карр томонидан тайёрланади.

*NextReads* дастури *NoveList* томонидан таклиф қилинувчи яна бир манба бўлиб, у китобхонга хизмат кўрсатишни кенгайтиради ва такомиллаштиради. Кутубхона сайтига жойлаштирилувчи бу хизмат йигирмадан зиёд бадиий ва оммабоп тасниф ва жанрларда ўқиш учун маслаҳат берилувчи асарлар рўяхатини хавола этади. Дастур, шунингдек, кутубхоначиларга ўз хабарномаларини тайёрлаш ва фойдаланувчиларга кутубхона ходимларининг муайян асар ҳақидаги фикрларини бевосита етказиш имконини беради. *NoveList* сайти шунингдек, АҚШ кутубхоналар тизими (ILS) боғланган бўлиб, китобхонлар *NoveList* томонидан маслаҳат берилувчи асарлар маҳаллий кутубхоналар коллекциясида бор-йўқлигини текшириб олишлари мумкин.

## 2. *Readers Advisor Online* (<http://rainfo.lu.com>).

*Readers Advisor Online* обуна асосида ишловчи онлайн шаклдаги китоб топувчи восита бўлиб, кутубхоначилар ундан 19 та жанр бўйича сараланувчи асарлар мазмуни ҳақида ахборот олиши мумкин. Ўхшаш асарлар ва турдош манбалар ҳақида маълумот бериш баробарида маълумот базаси орқали бадиий ва оммабоп асарлар ҳақидаги тақризлар билан танишиш, турли кутубхоналарнинг ОПАС тизимидан фойдаланиш, маънавиятдаги етакчи мутахассисларнинг маслаҳатларини олиш мумкин. Бундан ташқари, қулай излаш тизимига эга бўлган маълумот базасининг ҳафатада икки марта янгилаб берилувчи блоги ҳам бор бўлиб, у Кливленд жамоат кутубхонасининг коллекцияни кенгайтириш бўлими собиқ бошлиғи Синтия Опп томонидан юритилади. Шу билан бирга маълумот базаси муаллифлари «Китобхонга маслаҳат жабарномаси»ни (*Readers' Advisor News*) ҳам таклиф этиб, унда кутубхоначиларнинг китобхонлар билан ишлаш малакасини ошириш масалалари ёритиб борилади.

Кутубхоначи ва китобхонлар, шунингдек, *Genreflecting* сайтида келтириб ўтилувчи асарлар билан ҳам танишишлари мумкин.

## 3. *Books and Authors va What Do I Read Next?* тўплами ([www.gale.cengage.com/booksandauthors](http://www.gale.cengage.com/booksandauthors))

Мазкур маълумот базаси *Gale* компаниясининг «Энди нима ни ўқисам экан?» (*What Do I Read Next*) тўплами асосида тузилган бўлиб, тўпламнинг

босма шаклдаги кўриниши ҳам мавжуд. Манбадаги маълумотларни муаллиф, асар номи, жанри, ўхшаш асарлар, мантиқий излаш воситалари ҳамда тасвир асосида излаш имкониятлари мавжуд. Китобхонлар қидирув натижаларини сақлаб қўйиш ва асарлар тақризларини кўриш, уларга баҳо бериш ва бошқа китобхонларнинг фикрлари билан танишиш имкониятига эга. Фойдаланувчилар эътиборига беvosита асар саҳифаларидан олинган муаллиф ҳақидаги маълумотларга ҳаволалар ҳам тақдим этилади.

#### 4. *AllReaders.com*

Мазкур веб-сайт юқоридаги манбаларни қайсидир жиҳатдан қайтариб, ундаги асарлар сони ҳам бирмунча камроқ (30 минг ном). Сайтнинг аҳамияти шундан иборатки, унда *Gordonator Precision Search Function* хизмати бор бўлиб, у орқали керакли маълумотни турли жанр таснифи асосида қидириш мумкин. Масалан, севги-муҳаббат ҳақидаги асар муайян асар керак бўлса «жавобсиз севги» ёки триллер асар учун «жосуслик/террорчилик» каби излаш иборалари берилса, сайт ана шу кўрсаткичлар бор бўлган асарларни таққослаб бериш имкониятига эга. Сайт фойдаланувчилари керакли маълумотларни ҳаттоки асар қаҳрамонининг ёши ва жинси асосида ҳам излаши мумкин. Асарлар тақризчилари ўзлари тақриз қилган асарнинг бирон аҳамиятли жиҳатини кўрсатиб ўтиши лозим бўлади.

Шу орқали китобхонлар керакли асарларни уларнинг аҳамиятли жиҳати асосида ҳам излаши мумкин бўлади. *AllReaders* Стив Гордон исмли ёзувчи томонидан яратилган бўлиб, унинг фикрича, «бадий асарларни таснифлаш оммабоп асарларни таснифлашдан бирмунча мушкул бўлиб, одамлар китобларнинг ўзини эмас, балки улардаги воқеалар ривожини, қаҳрамонларни, ҳатти-ҳаракатлар ва чиройли ибораю-мулоқотларни ҳуш кўради».

#### 5. *BookSpot.com*

Ўзини «интернетдаги китобларга алоқадор энг яхши маълумотларни топиш жараёнини осонлаштирувчи бепул манба маркази» сифатида илгари сурувчи мазкур сайтдан китоблар ҳақидаги янгиликлар, ноширлик иши, муаллифлар, мукофотлар, тақризлар ва турли жанрларга тааллуқли бўлган қўплаб маълумотларни топиш мумкин. Бундан ташқари, китобхонлар эътиборига АҚШдаги энг йирик газеталар саҳифаларида чоп этилган китоблар тақризларига бўлган ҳаволалар, китоблар ҳақидаги журналлар, жумладан, *BookPage* ва *Bookreporter*, китоблардан парчалар ҳам ҳавола этилади. Сайт кутубхоначилар учун ўта фойдали бўлиб, мазкур касб вакилларининг ҳар бири у билан таниш бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Сайт орқали *Publishers Weekly* журнали билан ҳам танишиш мумкин.

#### 6. *EarlyWord.com*

Ўзини «нашриёт билан кутубхона ўртасидаги кўприк» деб атовчи мазкур сайт *Publishers Weekly* ва *Library Journal* журналларининг собиқ ношири Нора Роулинсон ҳамда *Library Journal* ва *School Library Journal* журналларининг собиқ ношири Фред Кипорен томонидан яратилган. Сайтда коллекцияни ривожлантириш ва китобхонларга маслаҳат бериш билан шугулланувчи кутубхоначилар учун мўлжалланган китоблар ҳақидаги энг янги маълумотлар бе-

рилиб, шу орқали кутубхоначилар «китобхонларнинг эҳтиёжларини олдиндан билиш ва улар истаган асарларни ҳавола этиш» имкониятига эга бўлади.

Ноширлик соҳасидаги янгиликларни бериш билан бир қаторда сайт энг яхши сотилаётган китоблар рўйхати, йилнинг энг яхши китоблари рўйхати, турли мукофотларга сазовор бўлган асарлар, кинофильмлар учун асос бўлиб хизмат қилган асарлар, китоблар билан боғлиқ бўлган тадбирлар ва дастурлар ҳақидаги маълумотларни ҳам ҳавола этди. Бундан ташқари, сайтдан онлайн нашрларнинг каталоглари ва контакт маълумотларининг ҳаволаларини топиш мумкин. Кўзга кўринган китоб тақризчилари, газета ва журналларда чоп этилган тақризлар, теле- ва радиокўрсатувларида айтиб ўтилган фикр-мулоҳазалар ҳам сайтнинг аҳамиятини юксалтиради.

#### 7. *FictionDB.com*

1999 йилда «китобхонларга бадиий асарлар жанрлари тўғрисидаги тўғри ва ишончли маълумотларни ҳавола этиш» мақсадида ишга туширилган бу пуллик сайт (фойдаланишнинг биринчи оyi бепул) тақризлар, муаллифлар тахаллуслари, тўпламлар ва нашр этилиши мўлжалланаётган асарлар ҳақидаги маълумотларни ҳавола этади. Сайтдан бошқа нашриётларнинг сайтлари ва ўхшаш жанрли китоблар жойлаштирилган сайтларга ҳаволаларни ҳам топиш мумкин. 50 минг нафар муаллиф ва 200 минг номдаги асарларнинг рўйхати сайт фойдаланувчиларига бепул равишда ҳавола этилади.

#### 8. *Fiction\_L* ([www.webrary.org/RS/FLmenu.html](http://www.webrary.org/RS/FLmenu.html))

Роберта Жонсон номли талаба қиз томонидан яратилган мазкур сайт китобхонларга маслаҳат бериш билан шуғулланувчи кутубхоначиларнинг жонига ором киритувчи манба бўлиб, у мазкур касб эгаларини бир жойга жамловчи манба ҳисобланиб, китобхон билан узоқ вақт «пачакилашиб» ўтиришни хуш кўрмайдиган кутубхоначилар айнан шу сайт орқали ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топиши мумкин. Сайт фойдаланувчилари ўхшаш асарлар билан бир қаторда асар номини аниқлашга ёрдам бериш, китобхонга маслаҳат бериш жараёнида қўл келиши мумкин бўлган манбалар, китобхонлар гуруҳларида муҳокама қилиниши мумкин бўлган асарлар ва ўзлари ўқиб чиққан китоблар ҳақидаги маълумотлар билан ҳам ўртоқлашади. Сайтдан «Йилнинг энг яхши китоблари» рўйхатини ҳам олиш мумкин.

#### 9. *Audio File Magazine* ([www.audiofilemagazine.com/audofileplus.html](http://www.audiofilemagazine.com/audofileplus.html))

Компьютерга кўчириб олиш имконияти бўлган аудиокитоблар тобора омаллашиб бораётган бир шароитда, *AudioFile Magazine* сайтнинг аҳамияти ҳам юксалади, албатта. Мазкур соҳада рўй бераётган тенденциялар билан бир қаторда, ундан аудиокитобларни ўқиб эшиттираётган «олтин овоз соҳиблари» ҳақидаги маълумотларни, яқинда чиқарилган ва энди чиқарилувчи аудиокитоблар, 17 мингдан зиёд тақризлар, аудиокитоб яратувчиларининг сайтларига ҳаволалар, мазкур соҳа бўйича маълумотнома ва излаш тизими ҳам фойдаланиш мумкин.

#### 10. *Reader's Guide to Genre Fiction* китоби

Жойс Сарикс ва у раҳбарлик қилувчи Даунерс Гроу жамоат кутубхонаси ходимлари томонидан амалга оширилган тадқиқот натижасида турли жанрлар

ўрганилган бўлиб, ундан, шунингдек, етакчи муаллифлар, муайян жанрлардаги энг оммабоп асарлар, жанрларнинг ўзига хос жиҳатлари, ўзи учун янги бўлган жанрдаги китоблар билан танишмоқчи бўлган китобхонлар учун маслаҳатлар берилади. Асар ҳар кутубхоначи учун ўз малакасини оширишда тенги йўқ манба ҳисобланади.

## Манбаларни танлаш ва янгилаб бориш

Китобхонга маслаҳат бериш ишида фойдаланилувчи манбаларни янгилаб бориш учун кутубхоначилар турли жанрларга бағишланган журналлар ҳамда веб-сайтлар билан танишиб бориши тавсия этилади. Улар орасида, жумладан, *Romantic Times Book Club* ва *Romance Readers of America* каби журналлар, [www.rwa.com](http://www.rwa.com) (севги романлари), [www.sfsite.com/homehtm](http://www.sfsite.com/homehtm) (илмий фантастика), *Deadly Pleasures* ва [cluelass.com](http://cluelass.com) (файригабийй воқеалар), *Publishers Weekly* журнали ([www.publishersweekly.com](http://www.publishersweekly.com)) (мақолалар, муаллифларнинг интервьюлари ва тақризлар), *Book Reporter* (<http://bookreporter.com>), *Bookmarks* журнали ([www.bookmarksmagazine.com](http://www.bookmarksmagazine.com)), *BookPage* (<http://bookpage.com/>) кабиларни айтиб ўтиш мумкин.

*NoveList/EBSO*, *ALA Editions*, *Thompson/Gale*, *Greenwood/Libraries Unlimited* компаниялари китобхонларга маслаҳат бериш ишида фойдаланилувчи воситаларнинг асосий ноширлари экани ҳисобга олинса, мазкур компаниялар сайтларини кўздан кечириш ҳам анча фойдали. Бу орқали янги асарлар ва манбалар, энг яхши асарлар, тақризлар, мукофотга сазовор бўлган китоблар ва ҳоказо фойдали маълумотга эга бўлиш мумкин.

Жамоат кутубхоналари уюшмаси (PLA) ҳам, Маълумот етказиш ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш уюшмаси (RUSA) ҳам, Америка кутубхоналари уюшмасининг (ALA) бўлимлари ҳам китобхонларга маслаҳат бериш бўйича доимий кўмиталарга эга. Уларнинг нашрлари, жумладан, PLA томонидан чиқарилувчи «Жамоат кутубхоналари» (*Public Libraries*) ва RUSAнинг «*RUSA quarterly*» ҳар чоракда чиқувчи журналлари китобхонларга маслаҳат бериш ишига бағишланган мақолалар ва мазкур соҳани қамраб олган турли конференциялар ҳақидаги маълумотларни ҳавола этади. Мазкур соҳадаги билимларни янгилаб боришнинг яна бир йўли — коллектив мажлисларида китобхонлар томонидан берилаётган саволларни ўртага ташлаш ва ҳамкасблар билан биргаликда уларнинг жавобларини топиш, мунтазам равишда фикр ва тажриба алмашишдан иборат.

## Bibliography of Works Cited in This Chapter

- Kuhlthau, Carol Collier. 2004. *Seeking Meaning: A Process Approach to Library and Information Services*. 2nd ed. Westport, CT: Libraries Unlimited.
- Kuhlthau, C.C., J. Heinström, and R.J. Todd. 2008. «The 'Information Search Process' Revisited: Is the Model Still Useful?» *Information Research* 13, no. 44: paper 355. Available: <http://InformationR.net/ir/13-4/paper355.html>.

- Moyer, Jessica E. 2004. «Learning from Leisure Reading: Educational and Recreational Outcomes of Leisure Reading—A Study of Adult Public Library Patrons». (Certificate of Advanced Study Project Report). Urbana-Champaign: University of Illinois, September 21.
- Pearlman, Mickey. 1999. *What to Read: The Essential Guide for Reading Group Members and Other Book Lovers*. Revised and updated. New York: HarperCollins.
- Pejtersen, Annelise Mark, and Jutta Austin. 1983- «Fiction Retrieval: Experimental Design and Evaluation of a Search System Based on Users' Value Criteria. Part 1». *Journal of Documentation* 39, no. 4 (December): 230-246.
- . 1984. «Fiction Retrieval: Experimental Design and Evaluation of a Search System Based on Users' Value Criteria. Part 2». *Journal of Documentation* 40, no. 1 (March): 25-35.
- Ross, Catherine Sheldrick. 1999a. «Finding without Seeking: The Information Encounter in the Context of Reading for Pleasure». *Information Processing and Management* 35, no. 6 (November): 783-799.
- . 1999b. *A Model for the Process of Choosing a Book for Pleasure*. Handout. Public Library Association Spring Symposium.
- Ross, Catherine Sheldrick, and Mary K. Chelton. 2001. «Reader's Advisory: Matching Mood and Material». *Library Journal* 126, no. 2 (February 1): 52-56.
- Sail, Rollene. 1995. *New York Public Library Guide to Reading Groups*. New York: Crown.
- Saricks, Joyce G. 2005. *Readers' Advisory Service in the Public Library*. 3rd ed. Chicago: American Library Association.
- Wiegand, Wayne. 2000. «Librarians Ignore the Value of Stories». *Chronicle of Higher Education* 47, no. 9 (October 27): B20.
- Williamson, Kirsty. 1998. «Discovered by Chance: The Role of Incidental Information Acquisition in an Ecological Model of Information Use». *Library & Information Science Research* 20, no. 1: 23-40.





# 15

## Болалар ва ўсмирларга маълумот бериш иши

---

Мэри К. Челтон

### Кириш: ёшлар билан ишлаш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари

---

Ёшларга маълумот беришнинг турфа хусусиятлари мавжуд. Биринчидан, ёшлар жамоат кутубхоналарининг асосий фойдаланувчиларидир. 1995 йилда ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, жамоат кутубхоналари фойдаланувчиларининг 60 фоизини айнан 18 ёшга кирмаганлар ташкил этади. Гарчи, болалар ва ёшларда ҳам ахборотга эҳтиёж бор бўлса-да, ёшлар кутубхоналардаги маълумот бериш хизматларидан, асосан, уй вазифаларини бажаришда фойдаланади. Бундай вазият кутубхоначилар учун қизиқарли муаммоларни келтириб чиқаради, негаки ўзига нима кераклигини билмаган ва билишга унчалик ҳам интилмаган фойдаланувчи билан маълумот бериш олдидан савол-жавоб ўтказиш ниҳоятда қийин. Бу каби савол-жавоб фойдаланувчининг мавзуга қизиқишини назарда тутаяди ва унинг мавзудан озми-кўпми хабардор экани ва изланаётган маълумот қандай мақсадларда ишлатилиши ҳақида тасавури борлигидан келиб чиқади (Дервин ва Дюдни, 1986). Мактаб ёшидаги болаларнинг аксариятига бир хил турдаги уй иши топширилгани боис кутубхоналардаги манбалар тақчиллиги юзага келиши мумкин. Бундан ташқари, ўз фарзандларига уй ишини тайёрлашга ёрдамга келадиган ота-оналар ҳам кўпинча вазиятни чигаллаштириб юборади, негаки улар фарзандларига берилган вазифалар ҳақида ҳатто болалардан ҳам камроқ хабардор бўлади.

Жамоат кутубхоналарида ҳар бир уй вазифаси ўқувчини мустақил равишда турли изланишларни амалга оширишга қаратилган деган нотўғри тасаввур пайдо бўлади. Жамоат кутубхоналари ходимлари уларга мурожаат қилаётган мактаб ўқувчиси ўз мактабидаги кутубхонада манбаларни излаш маалакасини шакллантириб бўлган, деб ҳисоблаб, ўқувчига етарли эътибор бермаслиги мумкин. Бу — хато, албатта.

Вазиятни чигаллаштирувчи омиллардан бири шуки, ўқитувчилар ўқувчиларга уй вазифасини бериш чоғида ўзлари учун оsonдай кўринган вазифани бажариш қандай кўламли изланишларни талаб қилиши ва қанча манбадан фойдаланиш кераклиги ҳақида тасавури бўлмайди. Бундан ташқари, улар ўқувчиларга интернетдан фойдаланишни маън қилади. Ваҳоланки, аксарият кутубхоналар интернет тармоғидаги турли хил маълумот базаларига

боғланган бўлиб, ўқувчилар улардан ўзига керакли анча-мунча маълумотни топиши ва самарали фойдаланиши мумкин.

Электрон манбаларнинг сероб ва улардан фойдаланиш осон бўлгани боис кўпчилик ўқувчи ва талабалар босма нашрлардан фойдаланишга сабри етмайди, негаки китоб ва каталоглардан керакли маълумотни топиш анча-мунча вақт ва уринишларни талаб қилади. Шу боис замонавий ёшлар билан ишлаётган кутубхоначи бу жараёнда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни яхши тушуниб олиши ва уларнинг олдини олиши мумкин бўлган стратегияларни ишлаб чиқиши лозим.

## Ёшларга маълумот ва ахборот бериш ишидаги махсус мавзулар

### Ахборот саводхонлигини шакллантириш ва ёшларнинг ахборот излаш жараёнидаги хатти-ҳаракатлари

Кейинги бобда кенгроқ муҳокама қилинувчи ахборот саводхонлиги ахборотни топиш, баҳолаш ва ундан масъулият билан фойдаланишдангина иборат бўлмасдан, балки XXI аср учун хос бўлган технологиялардан самарали фойдалана билиш ҳамдир (Америка мактаб кутубхоналари уюшмаси, 2007). Айтиш жоизки, АҚШдаги мактаб кутубхоналари ходимлари фойдаланувчиларга кутубхонадан фойдаланиш ва манбаларни топиш бўйича ёрдам кўрсатиши мажбурий тарзда белгиланган. Шу боис жамоат кутубхоналарида ҳам фойдаланувчиларга ахборот саводхонлиги борасидаги керакли кўрсатмаларни бериш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу, айниқса, замонавий технологиялар даврида ёшлар билан ишлаганда муҳим аҳамият касб этади. Аксарият кутубхоначилар ўз вазифасини фойдаланувчига керакли маълумотни топиб бериш ёки унга керакли маълумотни ўзи топиши учун ёрдам беришдан иборат деб ҳисоблайди. Аммо кутубхоначилар шуни унутмаслиги керакки, ҳозирги кундаги ёшлар ўзлари топган ахборотни ўрганиш ва баҳолаш учун етарли малакага эга эмас ва кўп ҳолатларда ахборотни тартиблаштириш учун ёрдамга муҳтож бўлиб қолади. Бундай шароитда кутубхоначи ҳаттоки фойдаланувчининг саволини аниқлаштиришда ҳам иштирок этиши лозим бўлиб, бу ҳам ўзига хос ахборот саводхонлигининг бир туридир.

Кўпчилик ёшлар ахборот излаш ва топиш анчайин машаққатли ва баъзан ҳафсалани пир қилувчи жараён эканини англамайди (Култау, Хеинстрём ва Тодд, 2008). Малакали кутубхоначилар буни тушунади ва кўпинча ёшларга ахборот излаш жараёнининг машаққатларини тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Нью-Йорк жамоат кутубхонасида рўй берган қуйидаги мисоллар юқоридаги фикрнинг яққол далилидир.

1. Ўрта синфда таҳсил олувчи бир ўқувчи АҚШ президенти Абрахам Линкольннинг рафиқаси Мэри Тодд Линкольннинг суратини топиши керак бўлиб, ўқувчи Google сайтига кириб «Линкольн хоним» деган сўровни берган. Натижада, компьютер экранида Нью-Жерси штатида истиқомат қилувчи бир аёлнинг тўй қўйлагида тушган сурати пайдо бўлган. Суратни

принтердан чиқариб олган ўқувчи хатога йўл қўйганини фақатгина дарс пайтида, суратни ўқитувчига кўрсатган чоғда тушуниб етган.

2. Бир ўқувчига ирокез хинду қабилаларининг таомларини топиш билан боғлиқ бўлган уй вазифаси топширилган. У интернетдан фойдаланиш учун рухсат сўради. Мен унга кутубхона обуна бўлган *World Book* энциклопедиясини тавсия қилдим. Болани компьютер ёнига ўтказиб, икки дақиқада қайтиб келишимни, бошқа бир ўқувчига ҳам ирокезлар ҳақидаги китобни топишга ёрдам беришим кераклигини айтдим.

Табиийки, болакайнинг энциклопедияни титкилаб ўтиришга тоқати йўқ эди. Шу боис у кўз очиб юмгунча Google сайтини очиб «ирокез» деган сўровни киритибди. Орадан бироз ўтиб «Принтердан рухсатсиз фойдаланиш маън этилади», деган қоидага қарамай, ишга тушган принтернинг овозини эшитдим ва принтер ёнига чопдим. Кўпчилик фойдаланувчилар қидираётган маълумотни аввал ўқиб кўришга эринишади. Бу сафар ҳам худди шундай бўлибди. Болакай томонидан чоп қилинган маълумот ирокезларнинг овқатланишига ҳеч қандай алоқаси йўқ, балки Нью-Йоркдаги «Ирокез» меҳмонхонаси сайтининг тўлиқ кўриниши бўлиб, маълумотлар орасида меҳмонхона менюси ҳам бор эди. Шу боис ёшлар билан ишлаётганда уларга бир вақтнинг ўзида ЎҚИШ, ЎЙЛАШ ва САВОЛ БЕРИШни ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

Интернет тармоғида маълумот излаш жараёнида мавзуни қўштирноқлар орқали кенгайтириш ёки торайтириш, сўровдаги сўзларни бирлаштириш, атама ва ибораларни қўшиш ёки олиб ташлаш ёрдамида мантикий излаш усуллари билан фойдаланиш кўпчилик ёшлар учун номаълум бўлган усуллардир. Улар Googleдан бошқа изловчи сайтларни билмагани баробарида мазкур сайтнинг имкониятларидан ҳам тўлиқ фойдалана олмайди. Бундан ташқари, кўпчилик талабалар ҳам ўзлари топган маълумотларни сифат, мавзуга алоқадорлик ва нуфуз жиҳатидан баҳолашни билмайди. Агар уларнинг уй вазифасида кўрсатиб ўтилган сўзлардан бири улар топган маълумотларнинг ичида учраб қолса, улар ўша маълумотни принт қилиб оладию, кейин нима қилишни билмай ўтираверади. Бундан ташқари, улар маълумот излаш жараёнида боши берк кўчага кириб қолса ҳам, нима қиларини билмай ўтираверишади. Улар интернет тармоғидаги излаш жараёнини қисқартирадиган усуллар борлигидан беҳабар бўлиб, интернетдаги керак-керакмас тасвир ва суратларга осонгина чалғиб кетади (Фидель, Дэвис ва Дуглас, 1999; Шентон ва Диксон, 2004).

Кутубхоначи ёшларнинг маълумот излаш жараёнида йўл қўйувчи хатолари билан бир қаторда улар учун мўлжалланган ахборот манбалари, жумладан, *NoodleTools* каби сайтлардан ҳам хабардор бўлиши лозим (2008).

Ва ниҳоят, болалар интеллектуал мулк тушунчаси билан таниш бўлмагани боис интернет орқали топилган маълумотларни қўчириб олиш, видео ёки аудио файлларни юклаб олиш — улар учун оддий бир ҳолат. Интернетдаги маълумотлар кимнингдир мулки бўлиши мумкинлиги уларнинг хаёлига ҳам келмайди (Браун, 2006). Мазкур муаммоли жиҳатлар кутубхоначилар томонидан инобатга олинishi ва фойдаланувчиларнинг ахборот саводхонлигини оширишда, албатта, эътибор қаратилиши лозим. Афсуски, мазкур ҳолатлар ишдан чарчаган ва асабийлашган кутубхоначилар учун битмас-туганмас ташвиш манбаига айланиши ҳам ҳеч гап эмас.

## Ривожланишдаги тўсиқлар ва ёрдам ҳақидаги тасаввурлар

Янги мавзунини ўрганаётган ёшлар унга алоқадор бўлган синонимлардан фойдаланиш ёки сўз бойлигини ишлаб чиқаришда анча-мунча қийинчиликларга дуч келади (Браун, 2004). Фаразий фикр юритиш стратегияларига эга бўлмаган ҳолда улар «даҳшатли» уй вазифасини бажаришни имкон қадар ортга суради. Бундан ташқари, уларда ўрганилиши лозим бўлган мавзу бўйича билим ва маълумотлар ҳам етишмайди. Шу боис улар интернетда «изгиб юриш» аниқ қоидаларга асосланган стратегиялардан фойдаланган ҳолда муайян ахборотни излашдан анча-мунча фарқ қилишини ҳам кўпинча тушуниб етмайди (Хирш 2004; Ларж, 2004). Бундан ташқари, ўқувчи ва талабалар катта ёшли кутубхоначиларнинг қўпол муносабати туфайли уларга мурожаат қилишни унчалик хуш кўрмайди. Қуйидаги мисол орқали аксарият кутубхоначиларнинг ёшларга бўлган муносабати ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин:

«Мен мазкур ёшдаги фойдаланувчиларни нега «муаммоли» деб ҳисоблашимни айтишим мумкин. Кутубхоначига мурожаат қилувчиларнинг аксарияти нимани хошлаётганини ўзлари билмайди. Улар менга дафтарини кўрсатиб, «Бу менинг уй вазифам. Уни қандай бажарсам бўлади?», деб сўрайди. Уй вазифа нимадан иборат эканини сўраганимда, улар ўз дафтарини худдики биринчи марта кўриб тургандек нималарнидир титкилай бошлайди. Ёки нималардир деб тўнғиллаб, охири «Билмасам» деб жавоб беради. Шу эмасми бепарволикнинг юқори чўққиси? Уларнинг наздида, мен уларга топширилган уй вазифа нимадан иборат эканини аниқлаб, ўзимга умуман қизиғи бўлмаган мавзаларни титиб, уларга керакли жавобни топиб беришим керак экан.

Кутубхонамиз ОРАС тизимига уланган бўлишига қарамай, фойдаланувчиларнинг аксарияти унга қиё ҳам боқиб қўймайди. Мен улар каталогни кўздан кечирган-кечирмаганини сўрасам, кўпинча «бу матоҳдан қандай фойдаланишни билмайман» деган жавобни эшитмаган. Улар турли-туман нарсаларни сўрашни қўйиллатади — қоғоз, қалам, телефондан фойдаланиш учун рухсат. Лекин ҳеч бири каталогдан қандай фойдаланиш кераклиги билан қизиқмайди. Улар кутубхонага фақат ўз таниш-билишлари билан гап сотиш ва ўз иши билан банд бўлган фойдаланувчиларни безовта қилиш учун келади. Биз бир лицей қаршисида жойлашганмиз. Соат 2:45 бўлиши билан кутубхонамизга худдики парад кириб келгандай бўлади. Шу боис биз ёшлар кутубхонага кирган пайтда тартибни сақлаш учун махсус ходимни ишга олишга мажбур бўлдик. ОРАСдан фойдаланишни билмайдиганлар қаторига яқиндан буён унинг дастурини издан чиқаришни хуш кўрувчилар ҳам пайдо бўлган. Биз тизимнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрганмиз. Лекин болалар бунинг ҳам йўлини топган. Яъни улардан бири тизимни издан чиқаргач, менинг ёнимга келиб, каталог ишламаётганини айтади. Қолган иккитаси эса мен қандай қилиб тизимнинг ишини тиклашимни диққат билан кузагади.

Тушунман, бу гапларим биров қўполроқ. Лекин кутубхонамизга келаётган ёш фойдаланувчиларнинг аксариятига кутубхона ёки кутубхоначининг хизматлари керак эмас. Улар кутубхонага вақт ўтказиш учун ки-

риб, ота-онаси олиб кетишини кутади, холос. Мен ўқувчига жиддий масала юзасидан изланиш ўтказишда ёрдам беришни яхши кўраман. Ўқувчиларнинг мужмал саволларини тушунарли кўринишга келтириш ва улар асосида керакли маълумотларни топиш ҳам менга завқ багишлайди. Лекин соғлом, ҳамма нарсага ақли етадиган болаларнинг дафтарини менинг столимга отиб, ўзлари қизиқмаган вазифаларни бажариб бериш имни кутадиган ёшлар ҳафсаламни пир қилади (Челтон, 1997: 17).

Афсуски, ёшлар кутубхоналарни бефойда бир даргоҳ сифатида билиб, бу туйғу нафақат уй вазифасини бажариш, балки бошқа маълумотларни қидириш жараёнига ҳам тарқалиб улгурган. Масалан, Жульен исмли олим (1998, 1999) ёшлар кутубхоналарни касбни танлаш жараёнида бефойда бир муассаса деб ҳисоблашини айтиб ўтган. Мейерс (1999) исмли мутахассис бу фикрни тасдиқлаб, кўпчилик ёшлар кутубхоналар «зўр» жойга айлантириш учун уларнинг фаолиятига ўзгариш киритиш керак деган фикрни айтиб ўтган.

### **Изланиш ва уй вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган топшириқлар**

Аксарият ёшларнинг маълумотга бўлган эҳтиёжи мактаб дастурлари асосида шаклланиши боис кутубхоначилар ёшлар орасидаги ахборотга бўлган мавсумий ўсишлардан яхши хабардор бўлиб, ўқувчи ва талабалар қандай маълумотларни сўраб мурожаат қилишини олдиндан билишади. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида энг кўп учровчи уй вазифалар рўйхати яратилган бўлиб, улар синф ва мактабнинг жойлашувига қараб биров ўзгариб бориши мумкин: бирон-бир кўзга кўринган инсон биографияси, мамлакатлар ва штатлар, қадимий цивилизациялар, карьера, касалликлар ва уларнинг кўринишлари, ҳайвонлар, машҳур муаллифлар, бадий адабиёт, АҚШдаги фуқаролар уруши давомидаги энг йирик жанглар, маҳаллий аҳоли, ҳашаротлар, замонавий муаммолар, конституцияга киритилган ўзгартиришлар, машҳур суд ишлари.

Талабалар томонидан мустақил танланган мавзулар баъзида биров зиддиятли бўлиши мумкин. Кўпинча улар бирор янгилик орқали қандайдир воқеани эшитиб олади-да, уни ўзи учун мавзу сифатида танлайди. Бошқа ҳолатларда ўқитувчилар жамиятда баҳс-мунозарага сабаб бўлаётган масалалар юзасидан тадқиқот ўтказишни вазифа сифатида белгилаб, талабалар масалани муайян бир нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда ёритиши талаб қилинади.

### **Ёшларга маълумот бериш жараёнида учрайдиган умумий муаммоларнинг ечимлари**

#### **Кўпчиликка берилувчи уй вазифалари**

Кўпчиликка берилувчи уй вазифалари йўқ бўлса яхши бўларди-ю, лекин бу даргумон, негаки мактаб дастурлари муайян сонли болалар йил давомида муайян мавзуларни муайян тартибда ўрганиб чиқиши лозимлигини назарда тута-

ди. Ҳўқитувчилардан ҳар бир уй вазифасини кутубхоначилар қўлайлиги учун стандарт кўринишга келтиришни талаб қилиш бефойда. Шу боис кутубхоначи яқин атрофдаги мактабларнинг ўқув дастурлари ва уй вазифалар кетма-кетлиги билан таниш бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бу орқали кутубхоначи керакли манбаларни бир неча нусхада тайёрлаб қўйиши ва кўп қайтариловчи мавзулар бўйича манба топиш жараёнини осонлаштириш учун керакли чораларни кўриб қўйиши мумкин. Мактаб кутубхоналарида эса уй вазифалар кетма-кетлигини белгилашда ўқитувчилар билан олдиндан маслаҳатлашиб олиш ҳам катта фойда беради. Мактаб ва жамоат кутубхоналарида хизмат қилувчи кутубхоначилар бир-бирлари билан алоқада бўлиб, яқинда берилувчи вазифалар ва манба топиш қийин бўлган топшириқлар юзасидан мунтазам фикр алмашиб туриши ҳам фойдали. Талабаларнинг ҳафсаласини пир қилмасликнинг яна бир усули — унинг уй вазифа дафтарида кутубхонада керакли манба топилмаса ёки барчаси тарқатиб бўлинган бўлса, кутубхоначи унга мавзунини тадқиқ қилиш учун муқобил манбаларни таклиф қилишга ҳақли эканини ёзма равишда белгилаб қўйиш. Шу орқали талаба вазифани бажариш учун фақатгина белгиланган манбалардан эмас, балки бошқа мавжуд адабиётлардан ҳам фойдаланиш имконига эга бўлади. Кутубхоначилар, шунингдек, ўқитувчиларга ўз ташриф қўғозларини тарқатиб, талабаларга мушкулроқ вазифа берилганда, кутубхоначини огоҳлантириб қўйиш тизимини ҳам йўлга қўйиши мумкин. Вазият ҳаддан ташқари чигал бўлиб кетган пайтда ўқитувчилар учун мўлжалланган махсус хабарномалардан фойдаланиш ҳам мумкин. Қўйидаги жадвалларда ана шундай хабарномалардан айрим намуналар келтирилган. Афсуски, замонавий таълим тизими яқин йилларда кўпчилик учун бериладиган уй вазифаларидан воз кеча олмайди. Лекин яхши йўлга қўйилган алоқа ва тайёргарлик орқали ҳам кутубхоначилар, ҳам талабалар, ҳам ота-оналарнинг ҳафсаласини пир қилувчи вазиятларнинг олдини олиш мумкин.

#### 15–1 РАҚАМЛИ ЖАДВАЛ. УЙ ВАЗИФАСИ ТУҒРИСИДАГИ ХАБАРНОМА

Ҳурматли мутахассис,

Хабарингиз борки, талабалар ўзларига топширилган уй вазифасини бажариш учун кўпинча жамоат кутубхоналаридан фойдаланади. Шу боис уларга яқиндан ёрдам беришга ўз ҳисса нгизни қўшасиз деган умидда миз. Бунинг учун кутубхонадан фойдаланишни талаб қилувчи уй вазифалари ҳақида бизга олдиндан хабар бериб қўйишнингизни илтимос қиламиз. Биргаликда биз ўқувчи ва талабалар кутубхонамизда мавжуд барча манбалардан имкон қадар самарали фойдаланиши учун ҳисса қўшган бўламиз.

МУТАХАССИС: \_\_\_\_\_ САНА: \_\_\_\_\_

МАКТАБ: \_\_\_\_\_ УЎҚИТУВЧИ: \_\_\_\_\_

СИИФ: \_\_\_\_\_ СИИФ ҲАРФИ: \_\_\_\_\_ #ТАЛАБАЛАР: \_\_\_\_\_

УЙ ВАЗИФАСИ МАВЗУСИ \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

ВАЗИФАНИ ТОПШИРИШ САНАСИ: \_\_\_\_\_

МАХСУС ТАЛАБЛАР (#МАНБАЛАР, ЧЕКЛОВЛАР) \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

## 15–1 РАҚАМЛИ ЖАДВАЛ. УҚИТУВЧИГА МАКТУБ

Ҳурматли ўқитувчи,

Ўтган ҳафтада мен сизнинг \_\_\_\_\_ синфингизда таҳсил олувчи бир гуруҳ ўқитувчиларга уй вазифасини бажаришга ёрдам беришга муяссар бўлдим. Ўқувчиларни бизнинг кутубхонадан фойдаланишга даъват этганингиз учун сиздан миннатдорман.

Шу ўринда ўқувчилар ўз билимларини янада такомиллаштиришига ёрдам берувчи яна бир омил борлигига ҳам эътиборингизни қаратмоқчиман. Айрим ўқувчилар ёрдам сурашдан бироз ийманиши мумкинлиги ўзингизга маълум. Бошқа ўқувчилар эса кутубхонага келишдан ҳам тортинмади. Шу боис ўқувчиларга ёрдам бериш учун қуйидаги тадбирларни биргаликда амалга оширишни сизга таклиф қилмоқчиман:

- ўқувчиларнинг кутубхонага гуруҳ ташрифини ташкиллаштириб, уларга кутубхонадан фойдаланиш тартиби ҳақида маълумот бериш;
- камида бир ҳафта олдин бизга (ва мактаб кутубхонасига) ўқувчиларга бериладиган уй вазифалари ҳақида огоҳ қилиш. Шу орқали биз ўқувчилар учун керакли манба ва материалларни тайёрлаб қўйиш имконига эга бўламиз;
- ўқувчилар учун маълумотлар билан ишлаш бўйича йўриқномаларни тайёрлаш ва уларга тарқатиш.

Яна бир бор шуни айтиб ўтишни истардимки, биз ўқувчиларингизни ўз кутубхонамизда кўришдан бағоят мамнунмиз. Илтимос, имконингиз бўлганида мен билан боғланиб ва биз юқорида айтилган тадбирларни қандай қилиб амалга ошириш борасида фикр алмашиб оламиз. Ҳозирги «ахборот асрида» ўқувчи ва талабаларга улкан ҳажмдаги ахборот манбаларидан фойдаланишни ўргатиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг вазифамиз айнан мана шундан иборат бўлиб, кутубхонамиз сиз ва сизнинг ўқувчиларингиз билан ана шу шарофтли йўлда ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Ҳурмат билан,

Кутубхоначининг исми ва контакт маълумотлари

*Манба:* Жонс ва бошқалар, 2004, фойдаланиш учун рухсат олинган.

Шу ўринда кутубхоначилар масаланинг яна бир жиҳатини эсдан чиқармаслиги керак. Яъни агар улар ҳар бир уй вазифасини олдиндан билиб, хабарнома оладиган бўлганида, бошқа ишларни бажаришга уларнинг вақти қолмас эди.

## Уй вазифасини бажарувчи ота-оналар

Жамоат кутубхоналари ходимлари ўз фарзандларига уй вазифаларини бажаришга ёрдам бераётган ота-оналарни унчалик хушламайди. Сабаби, ота-оналар кўпинча фарзандларига топширилган вазифа ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмагани боис кутубхоначи уларга қандай манбани тавсия қилишга жуда қийналади. Ота-оналар билан ўтказилувчи суҳбат эса вазиятни кўп ҳолатларда баттар чигаллаштиради. Лекин бундай ҳулоса ҳам кўп ҳолатларда асоссиз бўлиб, бу орқали кутубхоначи муаммони ҳал қилиш ўрнига худди «бошини кумга тиқиб олган страус»га ўхшаб қолади. Муаммо эса ҳеч қачонга йўқолмайди. Бунинг ўрнига кутубхоначи мавжуд вазиятда ўз вазифасини имкон қадар тўлиқ бажариши ва фойдаланувчида ўз хизматларининг фойдали эканига ишонч уйғотишга ҳаракат қилиши даркор. Агар вазият ҳаддан ташқари чигал бўлиб, ўз фарзандига ёрдам бериш ниятида бўлган ота-она топширилган вазифа ҳақида умуман тасаввурга эга бўлмаса, унга вазифани яхшироқ билиб олгандан сўнг келиш, қўнғироқ қилиш ёки бўлмаса

электрон хат орқали мурожаат қилишни тавсия қилиш лозим. Энг муҳими, ота-она кутубхонадан нотўғри манба билан кетиши керак эмас.

**15–3 РАҚАМЛИ ЖАДВАЛ. КЕРАКЛИ МАНБАЛАР  
ЙУҚЛИГИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ МАЪЛУМОТНОМА**

КУТУБХОНА: \_\_\_\_\_ САНА: \_\_\_\_\_

Ҳурматли ўқитувчи,

Сизнинг \_\_\_\_\_ исмли ўқувчингиз бугун кутубхонага келиб, куйидаги мавзуга алоқадор маълумотларни топишда ёрдам сўраб мурожаат қилди

Афсуски, биз сўралган маълумотларни куйидаги сабаблар боис топиб бера олмадик:

\_\_\_ барча манбалар олиб бўлинган;

\_\_\_ ўтказилган излаш натижасида керакли манбалар топилмади;

\_\_\_ материаллар фақат кутубхонада фойдаланиш учун;

\_\_\_ вазифани аниқлаштириш талаб этилади;

\_\_\_ бошқа: \_\_\_\_\_

Агар саволингиз бўлса, илтимос мен билан боғланинг. Талабаларга берилувчи вазифалар ҳақида олдиндан хабар олсак, биз уларга самаралироқ ёрдам бериш имкониятига эга бўламиз. Шу орқали биз ўқувчиларга керакли кўрсатмаларни бериш, материалларни тўплаш ва уларга фойда бериши мумкин бўлган бошқа хизматларни ҳам кўрсатиш имконига эга бўламиз.

КУТУБХОНАЧИ: \_\_\_\_\_ ТЕЛЕФОН: \_\_\_\_\_

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ: \_\_\_\_\_

Манба: Жонс ва Бошқалар, 2004, фойдаланиш учун рухсат олинган.

Агар ўқувчи кутубхонага ота-оналаридан бири билан келган бўлса, гарчи кўп ҳолатларда саволларга ота-она жавоб қайгарса-да, мулоқотни бевосита ўқувчининг ўзи билан бошлашга ҳаракат қилиб кўринг. Лекин бунда шуни унутмаслик керакки, агар ўқувчи кутубхонага ота-онаси билан келган бўлса, бу — унинг вазифани бажариш жараёнида боши берк қўчага кирганидан далолатдир. Шу боис мазкур вазиятда кутубхоначининг қўлидан келадиган ягона иш ота-боланинг янада хижолат тортмаслиги учун вазиятни имкон қадар юмшатиш ва қўлдан келганча ёрдам бериш.

## Электрон манбаларни афзал билиш

Ҳозирги замон ёшлари турли технологик воситалардан осонлик билан фойдалангани боис улар орасида кутубхона хизматларига бўлган талаблар ҳам ўзгариб бормоқда. Ўтказилган тадқиқотлардан бири шуни кўрсатдики, интернет тармоғидан фойдаланшни афзал кўрган ёшлар секин-аста жамоат кутубхоналаридан воз кечиб бормоқда. Бу тенденция ўқишни хуш кўрмайдиган талабалар орасида айниқса кенг тарқалган (Аббас ва Бошқалар, 2008). 2001 йилдаёқ ўсмирлар саломатлик тўғрисидаги маълумотларнинг аксариятини интернет тармоғи орқали олиши тасдиқланган (Борзековски ва Рикерт, 2001). У пайтдан буён ўтган йиллар давомида бу тенденция кўчайса кучайдики, сусайгани йўқ. Бунинг натижасида *KidsHealth* (2008) каби ёшларга саломатлик тўғрисидаги маълумотларни етказиб берувчи ихтисослашган сайтларнинг пайдо бўлишига олиб келди.



Вақли кутубхоначилар замон талабларига мослашиб, ёшларга маълумот бериш жараёнини уларга қулай бўлган форматда, яъни бир зумда жабар ал-маший ва чат воситасида амалга оширишга интилоқда (Браун, 2008; Коннавей-Силипини ва Рэдфорд, 2007; Валенца, 2003; Томпсон, 2003). Ёшларга маълумот етказишда, шунингдек, *MySpace* ҳамда *Facebook* каби ижтимоий тармоқлардан ҳам фойдаланилмоқда.

## Ёшларга маълумот бериш ишида китобхонга маслаҳат бериш соҳаси билан боғлиқ саволлар

Ёшларга маълумот бериш жараёнида учровчи саволларнинг кўпчилиги турли бадий ва оммабоп нашрлар билан боғлиқ бўлиб, кутубхоначилар бундай саволларга жавоб берувчи манбалар рўйхатига эга бўлиши ва зарур бўлганда ёшларга маълумот бериш билан шугулланувчи бошқа ҳамкасбларини ҳам ёрдамга чақиришга тайёр туриши керак. Ёшлар учун тавсия қилинувчи асарлар ҳақида маълумот берувчи манбалар орасида Ребекка Барнхаузнинг «Ёшлар учун мўлжалланган адабиётларда ўрта асрлар: қўлланма ва манбалар китоби» (*Middle Ages in Literature for Youth: A Guide and Resource Book*, 2004), Жони Бодартнинг «Жаҳоннинг энг яхши озгин китоблари: китоб тақризини эртага топшириш керак бўлганда, нимани ўқиш керак?» (*World's Best Thin Books: Or What to Read When Your Book Report is Due Tomorrow*, 2000), Сью Баранчикнинг «Болалар ва ёшлар учун мўлжалланган биографиялар тўплами» (*Guide to Collective Biographies for Children and Young Adults*) ва бошқалар.

## Хулоса


Болалар ва ўсмирлар кутубхоначиларнинг ёрдами ва диққатига муҳтож бўлган фойдаланувчилар сирасига киришини кўп қайтаришнинг ҳождати йўқ. Лекин, афсуски, ахён-ахёнда бу фикрни кутубхоначиларнинг ёдига солиб туриш талаб этилади. Афсуски, кутубхоначилик соҳасидаги мутахассисларнинг айримлари ахборот излаш жараёнига шу қадар шўнғиб кетадики, уларнинг асосий вазифаси фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишдан иборат эканини ҳам баъзан ёдидан чиқариб қўяди. Шундай бўлса-да, замонавий ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи ва унинг хусусиятлари кутубхоначилик иши билан боғлиқ китобларда ҳар томонлама ҳужжатлаштирилган бўлиб, кутубхоначилар ёрдамга муҳтож болалардан ўз диққати ва ёрдамини аямаса бўлгани.

## Bibliography of Works Cited in This Chapter

- AASL-Forum, ALSC-L, and PUBLIB, multiple responses, December, 2008.  
 Abbas, June, Melanie Kimball, Kay Bishop, and George D'Elia. 2008. «Youth, Public Libraries, and the Internet, Part Four: Why Youth Do Not Use the Public Library». *Public Libraries* 47, no. 1: 80–85.

- American Association of School Librarians. 2007. *Standards for the 21st-century Learner*. Available: [www.ala.org/aas/standards](http://www.ala.org/aas/standards).
- American Association of School Librarians and Association for Educational Communications and Technology. 1998. *Information Power: Building Partnerships for Learning*. Chicago, IL: American Library Association.
- AR BookFinder. 2008. Available: [www.renlearn.com/arbookfinder/](http://www.renlearn.com/arbookfinder/).
- Association for Library Service for Children. 2009. *Newbery and Caldecott Awards: A Guide to the Medal and Honor Books*. 2009 ed. Chicago, IL: American Library Association.
- Barancik, Sue. 2004. *Guide to Collective Biographies for Children and Young Adults*. Lanham, MD: Scarecrow Press.
- Barnhouse, Rebecca. 2004. *Middle Ages in Literature for Youth: A Guide and Resource Book*. (Literature for Youth Series, #4). Lanham, MD: Scarecrow Press.
- Bodart, Joni R. 2000. *World's Best Thin Books: Or What to Read When Your Book Report Is Due Tomorrow*. Rev. ed. Lanham, MD: Scarecrow Press.
- Borzekowki, D., and Rickert, V. 2001. «Adolescent Cyber-Surfing for Health Information: A New Resource That Crosses Barriers». *Archives of Pediatric and Adolescent Medicine* 155: 813–317.
- Braun, Linda W. 2006. «Torrent of Free Downloads, or Who Cares If It's Legal. Tag Team Tech: Wrestling with Teens and Technology» [column]. eVOYA. Available: <http://pdfs.voya.com/VO/YA2/VOYA200602TagTeamTech.pdf>.
- Braun, Linda W. 2008. «Teen Texting in the News». YALSA Blog. Available: [http://blogs.ala.org/yalsa.php?title=teen\\_\\_texting\\_in\\_the\\_news&more=1&c=1&tb=1&pb=1](http://blogs.ala.org/yalsa.php?title=teen__texting_in_the_news&more=1&c=1&tb=1&pb=1).
- Brown, Anita. 2004. «Reference Services for Children: Information Needs and Wants in the Public Library». *Australian Library Journal* 53, no. 3. Available: <http://alia.org.au/publishing/alj/53.3/full.text/brown.html>.
- Chelton, Mary K. 1997. *Adult-Adolescent Service Encounters: The Library Context*. Brunswick, NJ: Rutgers University. Doctoral dissertation.
- . 2002. «The 'Problem Patron' Public Libraries Created». *Reference Librarian* no. 75–76 (June): 23–33.
- Connaway, Lynn Silipigni, and Marie L. Radford. 2007. «Service Sea Change: Clicking with Screenagers Through Virtual Reference». Presented at the Association of College and Research Libraries 13th National Conference, «Sailing into the Future—Charting Our Destiny», March 29–April 1, 2007, Baltimore, Maryland (USA), and forthcoming in the conference proceedings. Preprint available online: [www.oclc.org/research/publications/archive/2007/connaway-acrl.pdf](http://www.oclc.org/research/publications/archive/2007/connaway-acrl.pdf).
- Dervin, Brenda, and Pat Dewdney. 1986. «Neutral Questioning: A New Approach to the Reference Interview». *Research Quarterly* 25, no. 4: 506–513.
- Fidel, Raya, Rachel K. Davies, and Mary H. Douglas. 1999. «Visit to the Information Mall: Web Searching Behavior of High School Students». *Journal of the American Society for Information Science* 50: 24–37.
- Gale Cengage Learning Opposing Viewpoints Resource Center. Available: [www.gale.cengage.com/servlet/ItemDetailServlet?region=9&imprint=000&titleCode=GAL74&cf=n&type=4&id=176168](http://www.gale.cengage.com/servlet/ItemDetailServlet?region=9&imprint=000&titleCode=GAL74&cf=n&type=4&id=176168).
- Google. «Improve Your Search Experience». Available: [www.google.com/intl/en/help/features.html](http://www.google.com/intl/en/help/features.html).

- Google. «Web Search Help Center». Available: [www.google.com/support/?ctx=web](http://www.google.com/support/?ctx=web).
- Gross, Melissa. 1995. «Imposed Query». *RQ* 35, no. 1: 236–243.
- Harris, Frances Jacobsen. 2005. / *Found It on the Internet: Coming of Age Online*. Chicago: American Library Association.
- Hirsch, Sandra. 2004. «Domain Knowledge and Search Behavior». In *Youth Information-Seeking Behavior: Theories, Models, and Issues*, edited by Mary K. Chelton and Colleen Cool, pp. 241–270. Lanham, MD: Scarecrow Press.
- Holley, Pam Spencer, and Julie Bartel for YALSA. 2009. *YALSA Annotated Book Lists for Every Teen Reader: The Best from the Experts at YALSA-BK*. New York: Neal-Schuman.
- Jones, Patrick, Michele Gorman, and Tricia Suellen-trop. 2004. *Connecting Young Adults and Libraries*. 3rd ed. New York: Neal-Schuman.
- Julien, Heidi. 1998. «Adolescent Career Decision Making and the Potential Role of the Public Library». *Public Libraries* 37, no. 6: 376–381.
- Julien, Heidi. 1999. «Adolescents' Information Seeking for Career Decision Making». *Journal of the American Society for Information Science* 50, no. 1: 38–48.
- KidsHealth.org. Available: [http://kidshealth.org/parent/kh\\_misc/nemours\\_foundation.html](http://kidshealth.org/parent/kh_misc/nemours_foundation.html).
- Kuhlthau, Carol C, Jannica Heinström, and Ross J. Todd, 2008. «The Information Search Process' Revisited: Is the Model Still Useful?» *Information Research* 13, no. 4: paper 355. Available: <http://InformationR.net/ir/13-4/paper355.html>.
- Large, Andrew. 2004. «Information Seeking on the Web by Elementary School Students». In *Youth Information-Seeking Behavior: Theories, Models, and Issues*, edited by Mary K. Chelton and Colleen Cool, pp. 293–320. Lanham, MD: Scarecrow Press.
- Meyers, Elaine. 1999. «Coolness Factor: Ten Libraries Listen to Youth». *American Libraries* 30, no. 10: 42-A5.
- National Center for Education Statistics. 1995. *Services for Children and Young Adults in Public Libraries*. (NCES 95-731). Washington, DC: U.S. Government Printing Office. (Unfortunately, these data have never been updated in exactly the same form for a comparison with present-day trends.)
- Nesi, Olga. School Library Media Specialist, I. S. 281, New York City. Personal communication, December 21, 2008.
- NoodleTools. 2008. Available: [www.noodletools.com/index.php](http://www.noodletools.com/index.php).
- Shenton, Andrew K., and Pat Dixon. 2004. «Issues Arising from Youngsters' Information-seeking Behavior». *Library & Information Science Research* 26, no. 2 (Spring): 177–200.
- Thompson, Joseph. 2003. «After School and Online». *Library Journal NetConnect*: 35–37. Available: [www.libraryjournal.com/article/CA266437.html](http://www.libraryjournal.com/article/CA266437.html).
- Valenza, Joyce Kasman. 2003. «Wrestling with Teens & Technology: IMing Means Never Having to Say You're Not There». *Voice of Youth Advocates* 26, no. 4: 291.
- Young Adult Library Services Association of the American Library Association. *Teens & Social Networking in School & Public Libraries: A Toolkit for Librarians & Library Workers*. 2008. Updated and expanded. Available: [www.ala.org/ala/mgrps/divs/yalsa/profdev/SocialNetworkingToolkit\\_Jan08.pdf](http://www.ala.org/ala/mgrps/divs/yalsa/profdev/SocialNetworkingToolkit_Jan08.pdf).



# 16

## Маълумот бўлимидаги ахборот саводхонлиги

---

Замонавий кутубхоналар — жамоат, илмий, махсус ёки бошқа турдаги бўлсин — китоб ёки журналлар сақланувчи муассасагина эмас. Қадим замонларда чанг босган қўлёзмалар жавонларга занжир билан боғланиб, бир гуруҳ «сараланган» инсонлар учун мўлжалланувчи пайтлар ортда қолди. Айни пайтда аксарият кутубхоналар жадал суръатда билим олиш даргоҳи бўлиб, биз у ерда ўз маданиятимизнинг маҳсулотлари ва жараёнлари билан фаол мулоқотга киришамиз, ўзгариб бораётган дунёдаги ўзаро боғлиқлик ва уйғунликларни ўрганамиз. Лекин буни имкон қадар самарали тарзда амалга ошириш учун биз мавжуд манбалардан қандай фойдаланиш кераклиги ни тушуниб олишимиз лозим. Кўпчилик фойдаланувчилар мавжуд манбаларнинг кўплиги ва уларни излаш тизимларининг ҳаддан ташқари мушкул эканини кўриб, ҳафсаласи пир бўлиб кетади. Шу боис кутубхоначилар кутубхонанинг фаолиятини имкон қадар содда ва тушунарли қилиши, ундаги маълумот излаш жараёнини эса имкон қадар завқ бағишловчи машғулотга айлантиришга ҳаракат қилиши керак.

Маълумот бериш хизматлари юқорида айтилган мақсадга эришишдаги энг қулай усуллардан бири бўлиб, айнан маълумотхонада биз фойдаланувчиларга кутубхона аслида қандай ишлашини тушунтиришимиз ва бунинг ҳеч қандай мушкул жойи йўқ эканини намоиш этиб беришимиз мумкин. Бу орқали биз фойдаланувчига ахборот оламининг лабиринтида ишонч билан ҳаракатланиш ва керакли маълумотларни осонлик билан топиш ва ундан энг самарали тарзда фойдаланиш учун керак бўладиган малакаларни шакллантирамыз. Мазкур китобнинг бошқа бўлимларида айтиб ўтилганидек, кутубхоначи фойдаланувчига билим олиш йўлидаги хизматкор эмас, балки ҳамроҳ бўлиши керак. Фойдаланувчига йўл кўрсатиш орқали биз уларга мустақил равишда ҳаракатланишга ёрдам бериш, улардаги ахборот саводхонлигини оширишга ҳисса қўшишимиз мумкин.

Ахборот саводхонлиги «ахборотга бўлган эҳтиёжни ҳис қилиш, уни топиш, унга баҳо бериш ва ундан самарали тарзда фойдаланиш» учун керак бўладиган малакалар тўплами сифатида таърифланади. Мазкур соҳадаги тайёргарлик Библиографик тайёргарликдан (БТ) бошланиб, у «умумий эҳтиёжларни қондириш ва фойдаланувчида янги вазият шароитида янги ахборот воситаларидан фойдаланиш, билим олишни ўрганиш ни ўргатишга қаратилган» малакаларни шакллантиришни мақсад қилади. Библиографик тайёргарлик ўз ичига кутубхона билан таништириш, турли машғулотлар, маълумотни топишга ёрдам берувчи белгилар билан танишиш, маълумот бериш воситаларидан фойдаланиш бўйича йўриқномаларни яратиш каби тадбир-

ларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, библиографик тайёргарликни мактаб ўқув дастурига киритиш борасидаги экспериментлар ҳам ўтказилган бўлиб, бу соҳада АҚШнинг Индиана штатидаги Эрлхем коллежи ходими Эван Фарбер ва Монтейт коллежи кутубхонаси ходими Пагриция Кнап бўлган (Кнап, 1996). Ахборот саводхонлиги ўз ичига библиографик тайёргарлик тамойилини қамраб олиб, унинг доирасига ҳамкорлик ва кутубхонадан ташқарида билим олиш каби омилларни қўшиш уни кенгайтиради.

АҚШ кутубхоналар уюшмаси (ALA) ахборот саводхонлиги масаласига 1989 йилдан буён эътибор қаратиб келади. Бу йўлда АҚШ президенти ҳузурда махсус ишчи гуруҳи тузилган. «Ахборот саводхонлиги» атамаси айнан мана шу ишчи гуруҳ фаолияти натижасида пайдо бўлган. Бундан ташқари, гуруҳ Ахборот саводхонлиги бўйича миллий форумнинг яратилишига сабаб бўлиб, у ўз ичига 25 дан зиёд турли ташкилот ва муассасаларни бирлаштирган.

Ахборот саводхонлиги масалалари турли таълим муассасаларининг ҳам диққат-эътиборида бўлиб, бу янги технологияларнинг жадал ривожини инobatга олган ҳолда, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотлар миллий кенгаши мазкур масалага бағишланган «Ахборот технологияларини яхши эгаллаш» деб номланган изланишни амалга оширган. «Ахборот технологияларини яхши эгаллаш» атамаси ахборотдан масала ва муаммоларни ҳал қила олиш даражасида фойдаланувчи одамларни таърифлаш учун ишлатилади. Бундан ташқари, АҚШдаги Ўқитувчиларни аккредитация қилиш миллий кенгаши ахборот саводхонлигини тасдиқловчи бир қатор талабларнинг бажарилишини ўз стандартларига киритган бўлиб, АҚШнинг таълим соҳасидаги бир қатор бошқа муассасалари ҳам шундай қилган.

Охириги бир неча ўн йил давомида умумий ахборот саводхонлигини ривожлантириш лозимлиги кутубхоналарнинг фойдаланувчилар билан ишлашдаги асосий тамойиллардан бири бўлиб келмоқда. Бунинг учун кутубхоналар нафақат мазмун, балки фойдаланувчиларни билимга боғлаш лозимлигига ҳам эътибор қаратмоқда. Бу жараён фойдаланувчилар билан юзма-юз ишлаш бўладими, онлайн қўлланмаларни яратишми, синфларда турли тақдиротлар ўтказишми, ахборот саводхонлигини ўқув дастурларига киритишми ёки бошқа йўналишларни қамраб оладими — кутубхона ахборот саводхонлигини ривожлантириш жараёнида асосий аҳамият касб этади. Вақт ўтиши билан ахборот саводхонлигининг қиёфаси ўзгариб бориб, энди у фақатгина турли малакаларни ўргатиш эмас, балки фойдаланувчидаги қизиқувчанлик ва ижодий ёндашувни ривожлантиришга асосий эътибор қаратади. Фикр юритиш ва ахборотни баҳолаш мазкур янги мазмундаги ахборот саводхонлигининг марказидан ўрин олган. Бу ҳақда гапириб, Рэнди Бёрк Хенсли шундай деган: «Фойдаланувчидаги қизиқувчанлик ва ижодий ёндашувни унинг ахборотни топиш ва баҳолаш малакаси билан уйғун ҳолда ривожлантириш ахборот саводхонлигининг мазмун-моҳиятидир» (Хенсли, 2004: 35).

## Ахборот саводхонлиги стандартлари

Охириги ўн йил ичида кўплаб ташкилотлар ахборот саводхонлигининг стандартларини ишлаб чиққан. Биринчилар қаторида мазкур соҳадаги стандарт-

ларни 1998 йили Америка мактаб кутубхоначилари уюшмаси ва Таълимий коммуникация воситалари ва технологиялари уюшмаси ишлаб чиққан.

«Талабаларнинг таълим олишидаги ахборот саводхонлиги стандартлари» 12 йиллик таълим тизимида таҳсил олаётган талабалар учун ўрнатилган ахборот саводхонлиги стандартларини белгилаб берган. Мазкур стандартлар ўрнига «Ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш: мактаб кутубхоналари дастурлари учун йўриқномалар» деб номланган ҳужжат амалга киритилган бўлиб, унда технологиялар, амалий ўрганиш ва кутубхонанинг билим олиш даргоҳи сифатидаги аҳамиятига алоҳида урғу берилган. «21-аср талабаси учун стандартлар» деб номланган йўриқномада эса талабалар малака, манба ва билим олиш воситаларини қуйидаги мақсадларга йўналтириш и лозимлиги белгилаб берилган: *Маълумот излаш, танқидий ўйлаш, билим олиш, хулосалар ясаш, тегишли маълумотга асосланган ҳолда қарор қабул қилиш, билимни янги вазиятларга йўналтириш, янги билимларни яратиш, билим алмашиш ва демократик жамиятимизнинг аъзолари сифатида унинг ҳаётида самарали иштирок этиш. Шахсий ва эстетик жиҳатдан ўсишга интилиш.*

Коллежлар ва тадқиқот кутубхоналари уюшмаси ўзининг 2000 йилги ишлаб чиқилган «Олий таълим соҳаси учун ахборот саводхонлиги стандартлари» йўриқномасида ахборот саводхонлиги умрбод давом этувчи билим олиш жараёнининг асоси сифатида таърифланган. Мазкур стандартлар олий таълим соҳасидаги ахборот саводхонлиги масалаларига бағишланган баҳс-мунозараларда ҳал қилувчи аҳамият касб этган (Арг и Вудвард, 2002). Мазкур стандартлар ахборот саводхонлигига эга бўлган и нсонни қуйидагича таърифлайди:

- 1) керак бўлган ахборот қўламини белгила й оладиган;
- 2) керакли маълумотдан самарали фойдалана оладиган;
- 3) ахборот ва унинг манбаларини танқидий баҳолай оладиган ва сараланган ахборотни ўз билим базаси билан уйғунлаштира оладиган;
- 4) муайян мақсадга эришиш учун ахборотдан самарали фойдалана оладиган;
- 5) ахборотдан фойдаланиш жараёни билан боғлиқ бўлган иқтисодий, юридик ва ижтимоий масалаларни тушуни ш ва ахборотни қонуни й тарзда ҳамда ахлоқ меъёрлари доирасида фойдалана биладиган./

## Ахборот саводхонлигига ёндашувлар

Ахборот саводхонлигини ўргатиш билан боғлиқ таркибий қисмлар кўпчилик томонидан белгилаб берилган. Шулардан бири «*Катта олтилик*» деб ном олган бўлиб, уни Эйзенберг ва Берковитц исмли мутахассислар илгари сурган. Мазкур стратегия айна пайтда мустақил веб-сайт кўринишида мавжуд бўлиб, у [www.big6.com](http://www.big6.com) манзилида жойлашган. Муаллифлар ўқувчилар билан ишлашнинг қуйидаги олти босқичдан иборат стратегиясин и ишлаб чиққан бўлиб, ундан маълумот бериш жараёнида ҳам фойдаланиш мумкин:

- ахборот билан боғлиқ муаммони аниқлаш;
- тахминий манбаларни саралаш;
- манбаларни аниқлаш;
- ахборотдан фойдаланиш ва керакли маълумотларни саралаб олиш;
- материални тартибга солиш ва уни тақдим этиш;

- маҳсулот ва жараёнга баҳо бериш ([www.big6.com](http://www.big6.com)).

Яна бир стратегия Каннингем ва Леннинг (2002) томонидан таклиф қилинган бўлиб, у ўқитувчилар билан ишловчи кутубхоначиларга ахборот саводхонлиги масалаларини ўқув дастурига уйғунлаштириш имконини бериб, жумладан, синфларда ахборот саводхонлигига бағишланган машғулотларни ўтказиш, илмий бўлим билан алоқани ушлаб туриш ва ўқитувчилар учун мўлжалланган турли хил семинар машғулотларини ўтказиш имкониятини беради.

Бу соҳадаги тайёргарликнинг асосий тамойиллари Кобельски ва Рейчел (1987) исмли мутахассислар томонидан белгилаб берилган бўлиб, улар ўз ичига адабиётни тизимли асосда излашни ўргатиш, бирламчи ва иккиламчи манбаларни саралашни ўргатиш, нашрларнинг тузилиши ва дизайнидаги фарқлар, каталог кўрсаткичларининг тузилишини тушуниш ва бошқа шу каби усулларни қамраб олади.

Ахборот саводхонлигини ўргатиш масаласи борасида фикр юришиб, Сюзан Барнс Уайт исмли мутахассис шундай ёзади: «Биз ахборот саводхонлигини ўргатаётганимизда тадқиқотни қандай қилиб тўғри амалга ошириш ёки тўғри маълумот базаларидан фойдаланишни эмас, балки кимни ўқитаётганимиз ҳақида кўпроқ ўйлашимиз керак. Биз улардан уларга нима кераклигини, улар нимани билишни хоҳлашини сурашимиз лозим. Ўқитиш — бу митти ютуқлар кетма-кетлиги бўлиб, у бир дарсда ёки бир ўқиш йилида тугатилмайди. Ана ўша митти ютуқлардан кенг фойдаланиш даркор!» (Уайт, 2001: 2). «Мазкур ёндашув Кэрол Колье Култау томонидан қўллаб-қувватланиб, у ҳам фойдаланувчининг эҳтиёжлари бир машғулот давомида эмас, балки муайян вақт давомида ўтказилувчи машғулотлар тўплами асосида қондирилиши мумкинлигини таъкидлайди». (Култау, 1999).

## Ахборот саводхонлиги кутубхона тури нуқтаи назарида

### Мактаб медиамарказларидаги ахборот саводхонлиги

Мактаб медиамарказлари талабаларни изланишларни қандай амалга ошириш ва уларни умрбод давом этувчи билим олиш жараёни ҳамда илмий тадқиқотларни амалга оширишга аниқ тузилмага асосланган ҳолда ўргатишга ҳаракат қилади. Мактаб медиамарказлари ходимларининг фикри ча, мазкур жараённинг муваффақиятини таъминлаш учун ўқитувчилар билан ҳамкорлик қилиш ниҳоятда муҳим бўлиб, талабаларга ахборот саводхонлигини ўргатишда уларнинг уй вазифаларини бажариш жараёнида ўтказилувчи турли изланишлар аниқса фойдали. Мактаб медиамарказлари ходимлари ва ўқитувчилар биргаликда талабаларга ахборот манбаларига баҳо бериш ва маълумотларни излаш стратегияларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Бундан ташқари, мактаб медиамарказлари ходимлари битирувчи синфлар ўқувчиларини яқин-атрофдаги университетлар кутубхоналарига олиб бориб, унинг манбалари билан таништириш ҳам фойдали эканини таъкидламоқда. Мавжуд стандартлар билан бир қаторда мактаб кутубхоначилари ахборот саводхонлигини ўргатиш борасидаги янги стратегияларни ишлаб чи-



қиш ва улар билан ўртоқлашишда давом этиб, бу орқали ахборот саводхонлигини янги ўқув дастурларига уйғунлаштириш учун шароит яратилмоқда.

## Илмий кутубхонадаги ахборот саводхонлиги

Илмий кутубхонанинг мақсади талабада юқори даражадаги тузилишга эга бўлган изланиш, яъни муайян мавзуга тегишли тадқиқотларни амалга ошириш малакасини шакллантиришдан иборат. Илмий кутубхона ходими фойдаланувчи билан ишлашни мактаб кутубхонаси шакллантирган малака асосида давом эттириб, аниқ тузилмани изланишни амалга ошириш малакасини мустақил равишда маълумот излаш малакаси билан уйғунлаштириши даркор (Хинчлиф, 2003). Буни муваффақиятли тарзда амалга ошириш учун кутубхоначи олий ўқув юртининг ўқитувчилари билан ҳамкорлик қилиши талаб этилади. Бу орқали фойдаланувчининг ахборот саводхонлиги амалий вазифаларни бажариш орқали юксалтирилади. Шу билан бирга кутубхоначининг талабага муайян йўналишларни кўрсатиши, ахборот саводхонлиги бўйича билим бериши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Талаба тадқиқот амалга ошириши лозим бўлган аниқ вазифага эга бўлган тақдирдагина ўқитиш жараёни юқори даражада самарали бўлиши таъминланади. Ахборот саводхонлиги жараёнининг олий ўқув юрти доирасида мустақам бўлиши учун кутубхоначилар талабаларнинг ахборот саводхонлигини юксалтириш жараёнига ўқитувчиларни ҳам жалб қилиши лозим (Бриджлэнд ва Уайтхед, 2005: 59).

## Жамоат кутубхоналаридаги ахборот саводхонлиги

Жамоат кутубхонаси кўп ҳолатларда бола умрида қадам қўювчи илк кутубхона бўлади. Бу ерда бола кутубхонадан фойдаланиш, ахборот технологияларидан мустақил ёки кутубхоначининг ёрдами билан фойдаланишни ўрганади. Кутубхона билан танишиш юзма-юз ёки синф билан кутубхонага амалга оширилган ташриф доирасида бўлиши мумкин. Жамоат кутубхонаси катталар ва болаларга мустақил равишда билим олиш тажрибасини ҳавола этади. Бу ерда улар мустақил равишда турли изланишларни амалга ошириш ва ҳар томонлама ривожланиши мумкин (Хинчлиф, 2003). Охириги йилларда жамоат кутубхоналари ахборот саводхонлигини юксалтиришда ўз ёндашувларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратмоқда. Улар кўпинча ўқувчиларга кутубхона маълумотларидан фойдаланишни ўргатиш ва мактабга қайтаётган катталар билан ишлаш мақсадида маҳаллий мактаб кутубхоналари билан ҳамкорлик ўрнатади. 2000 йили Америка кутубхоналари уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган Кутубхоналарни тарғиб қилиш дастури жамоат кутубхоналарида ахборот саводхонлигини тарғиб қилишни давом эттириб, ўз фаолиятини қуйидаги ғояга асосланган ҳолда амалга оширмоқда: «Кутубхоначилар ахборот саводхонлигига эришган жамиятларни яратиш учун ҳукумат, таълим муассасалари, бизнес ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр». Жамоат кутубхоналари фойдаланувчиларни компьютерлар ва онлайн маълумот базалари билан таништириш мақсадида аниқ тузилмали дастурларни яратишга муваффақ бўлган. Жамоат кутубхоналарининг ахбо-

рот саводхонлигини юксалтириши борасидаги манбалар унчалик кўп бўлма-маса-да, уларнинг сони секин-аста кўпайиб боришига шубҳа йўқ.

## Махсус кутубхоналардаги ахборот саводхонлиги

Махсус кутубхоналар ахборот саводхонлиги борасидаги мала каларни юзма-юз мулоқот давомида шакллантиради ва юксалтириб боради. Махсус кутубхоналарнинг аксарият фойдаланувчилари ахборот малакасини мактаб, жамоат ёки илмий кутубхоналар орқали муайян даражада шакллантириб улгурган бўлади. Махсус кутубхоналарнинг турлари турфа хил бўлгани боис кутубхоначи фойдаланувчини кутубхона билан юзма-юз мулоқот жараёнида таништириши керак бўлади (Хинчклиф, 2003).

Кармел Осалливан исмли мутахассис ишчи коллектив шароитида ахборот саводхонлигини юксалтириш масаласига эътибор қаратади. Унинг фикрича, хизматчиларга керак бўлган малакаларнинг катта қисми, жумладан, изланиш ўтказиш, билим олиш, манбаларни излаш, ахборот технологияларидан фойдаланиш, муаммоларни ҳал этиш, таҳдид, имконият ва муваффақият келтириши мумкин бўлган йўналишларни қўра билиш ахборот саводхонлигининг ажралмас қисми ҳисобланади (Осалливан, 2002).

## Ахборотдан жамият ва ахлоқ-одоб нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш

Плагиат ахборотдан фойдаланишдаги энг катта муаммолардан бирига айланган. Ҳақиқий ахборот саводхонлиги излаган нарсасини топишгина эмас, балки ахборотни таҳлил қилиш, таркибий қисмларга ажратиш, қайта бирлаштириш ва олинган билимдан фойдалана билиш деганидир.

Материаллардан танқидий фикрлашсиз фойдаланадиганлар улардан қандай фойдаланишни тушунмайди. Ахборот саводхонлиги соҳасидаги стандартлардан бирида айтилишича, талабалар «ахборотдан фойдаланишнинг иқтисодий, юридик ва ижтимоий масалаларини тушуниши ва ахборотдан қонуний ва одоб-ахлоқ мезонларига риоя қилган ҳолда фойдаланиши керак», деб айтилади. *Талабалар учун мўлжалланган ахборот саводхонлиги стандартларида* ҳам талабаларнинг ижтимоий масъулияти айтиб ўтилган. Жумладан, 8-стандартда шундай дейилади: «Жамият ва билим олаётган ҳамжамиятига ижобий ҳисса қўшиб келаётган талаба ахборот саводхонлигини эгаллаган деб ҳисобланиб, у ахборот ва ахборот технологияларидан одоб-ахлоқ мезонлари асосида фойдаланади». Стандартда яна шундай дейилади: «Талаба интеллектуал озодлик тамойиллари ва интеллектуал мулк яратувчиларининг ҳуқуқларини ҳурмат қилади... (ва) мазкур тамойилларни ахборотнинг барча форматлари, жумладан, босма ва электрон форматларига нисбатан қўлайди».

Линн Д. Ламперт плагиат билан боғлиқ айрим масалаларни таъкидлаб ўтади. Кўпинча ўқитувчилар бу масала борасида изчил ёндашувни намоён этмагани боис талаба керакли йўриқномаларни олмайди. Бошқа ҳолатда эса плагиатга қарши кураш учун ким масъул экани номаълум бўлгани боис ҳеч ким мавжуд йўриқномаларга амал қилмайди. Ниҳоят, ўқитувчилар талаба-

ларга ўз изланишларида фойдаланилган маълумотларнинг манбасини кўрсатишни ўқитадими-йўқми — номаълум (Ламперт, 2004: 349). Арп ва Вудвард исми мутахассисларнинг фикрича «технология бир пайтлар мустақил бўлган ахборотдан фойдаланиш ва уни яратиш жараёнларини аралаштириб юборди. Керакли маълумотни компьютер экранигаги бир файлдан кесиб олиб, иккинчисига кўчириб қўйиш оддий қўл ҳара катларига айланиб қолган, холос. Мазкур ҳаракатларни бажариш қачон ўринлию, қачон ўринсиз эканини билиш эса осон иш эмас» (Арп ва Вудвард, 2002: 130). Кутубхоначилар бу вазиятни кўчирма гаплар билан қандай ишлаш кераклигини ўргатиш ва ўқитувчиларга плагиат нима эканини тушунтурувчи манбаларни бериш орқали курашиши мумкин. Кўпчилик илмий кутубхоналар ўз веб-сайтларида кўчирма гаплардан фойдаланиш ва гапни қайта шакллантириш борасидаги маълумотларни ҳавола этади. Плагиат ҳақидаги яхши онлайн манбалар орасида, жумладан, Рутгерс университетининг Камдендаги кутубхонасининг веб-сайти [http://library.camden.rutgers.edu/Educational Module/plagiarism/](http://library.camden.rutgers.edu/Educational%20Module/plagiarism/) ҳамда Акадия университетининг кутубхонаси веб-сайти <http://library.acadiau.ca/tutorials/plagiarism> бор. [www.plagiarism.org](http://www.plagiarism.org) веб-сайти ҳам мазкур соҳага алоқадор яхши маълумотлар манбаи ҳисобланади.

## Юзма-юз билим бериш

Гарчи ахборот саводхонлиги шакллантириш ва юксалтириш жараёнини кўпчилик гуруҳ кўринишида ўтказилувчи тадбирлар деб ўйласа-да, кутубхоначилар бу борадаги машгулотларни кўплаб ҳолатларда юзма-юз кечувчи мулоқот чоғида амалга оширади. Кўп ҳолатларда кутубхоначилар маълумот бериш жараёнидан кутубхона ва унинг хизматлари ҳақида ахборот бериш мақсадида ҳам фойдаланади. Баъзида кутубхоначининг ёрдами бор-йўғи фойдаланувчига каталогдан қандай фойдаланиш кераклигини ўргатиш билан чегараланиши мумкин. Вазият йўл қўйганда кутубхоначилар фойдаланувчига муайян каталог кўрсаткичидан керакли маълумотни излаш ёки маълумотларни мантиқий излаш кетма-кетлигини яратиш ҳақида маълумот бериши мумкин. Шу билан бирга кутубхоначилар фойдаланувчига маълумотни кенг қўламда излаш учун ёрдамга чақирилиб, ана ўша жараёнда фойдаланувчига муайян мавзу доирасида изланиш ўтказиш билан боғлиқ бўлган маълумот қидиришнинг муҳим жиҳатлари борасида ахборот бериш мумкин бўлади.

Ахборот саводхонлиги бўйича билим беришни маълумот жараёни билан уйғунлаштиришни таклиф қилаётганлар кутубхоначи фойдаланувчига у ёки бу нарсани ўргатишга киришишидан аввал фойдаланувчининг ахборот саводхонлиги қай даражада эканини аниқлаб олишини тавсия беради. Шу орқали мазкур жараённи фойдаланувчи учун қизиқарли қилиш ва у билган нарсаларни такрорламасликка эришиш мумкин. Фойдаланувчига қандайдир янги нарсани, жумладан, каталог кўрсаткичидан фойдаланиш ёки маълумот базасини ўргатишдан аввал кутубхоначи бу мавзу фойдаланувчи учун нақадар қизиқлиги ва у мазкур малакани қабул қилишга нақадар тайёрлигини аниқлаштириб олиши тавсия этилади. Бэк ва Тёрнер исми мутахассислар (2001) фойдаланувчиларнинг ахборот саводхонлигини юксалтирувчи

мини-дарсларни тайёрлаши ва уларни фойдаланувчиларга тарқатма материал сифатида ҳам фойда беришига эътибор қаратади. Дарсларни эшитишга тоқати йўқ фойдаланувчилар учун кутубхоначи маълумот излаш жараёнини шарҳлаб бориши тавсия қилинади. Шу орқали фойдаланувчи маълумот излаш жараёнида ишлатилувчи кетма-кетликлар ва қабул қилинувчи қарорлар ҳақида озми-кўпми тасаввурга эга бўлади.

Шу ўринда кутубхоначилар фойдаланувчи билим олишга, ўрганишга нақадар мойил эканини ҳам аниқлаб олиши лозим бўлади. Агар фойдаланувчида янги билим олишга иштиёқ кучли бўлса, кутубхоначи бу омилдан имкон қадар самарали фойдаланиши тавсия қилинади.

Лиза А.Эллис исми мутахассис (2004) ўзи хизмат қилувчи институтда ишлатилувчи ва талабаларга ўзлари тадқиқ қилаётган мавзунини яхшироқ очиб беришга хизмат қиладиган бир машғулотни айтиб ўтади. Машғулот чат ёки электрон почта орқали амалга ўтказилиши мумкин. Унинг давомида талабага у ўраганайтган мавзунинг турли жиҳатларини очиб берувчи турли саволлар берилади. Саволлар талаба мавзу ҳақида нима билиши ва нима билиши кераклиги атрофида тузилади. Мазкур савол жавоб давомида талаба ўзи ўрганайтган мавзунини аниқлаштириб, маълумот қидириш кўламини бироз торайтириб олиш имкониятига эга бўлади. Жан Галвиннинг фикрича (2005), кутубхоналар ахборот саводхонлигини юксалтириш учун дарсдан ташқарида, яъни кутубхонада кечувчи мулоқот жараёнидан фойдаланиши лозим. Олима кутубхонадаги маълумотнома ва йўриқномалардан фойдаланиш, юзма-юз мулоқот, виртуал воситалар ёрдамида маълумот бериш ва кутубхоналар веб-саҳифалари борасида фикр юритади. Олиманинг айтишича, муайян мавзунини тадқиқ қилишга ёрдам берувчи йўриқномалар талабаларга уй вазибаларини бажаришда умумий мазмундаги йўриқномалардан кўра фойдалироқ (Галвин, 2005).

Виртуал усулда амалга оширилувчи маълумот бериш жараёнида эса кутубхоначи савол-жавоб пайтида фойдаланиш мумкин бўлган қисқа хабарлардан фойдаланиш мумкин. Бу каби хабарлар, шунингдек, фойдаланувчининг саволларига бериладиган жавобларга илова қилиниб, шу орқали фойдаланувчи ҳам ўз саволига жавоб олади, ҳам ўз ахборот саводхонлигини юксалтиришга хизмат қилувчи янги маълумотлар билан танишади (Бэк ва Тёрнер, 2001). «Чат усули ёрдамида амалга оширилувчи маълумот бериш жараёнида амалга оширилувчи кўрсатма бериш «энг керакли пайтда ўрганиш» деб қаралган ҳолда, кўпчилик фойдаланувчилар билим олишнинг бу усулига анча ижобий муносабат билдиради» (Муқобил стратегиялар, 2005:4).

Шу билан бирга кутубхоначи кутубхона веб-сайтидан талабаларга кутубхона манбалари ҳақида маълумот бериш учун фойдаланиши мумкин. Жумладан, талабаларга онлайн кўринишдаги йўриқномалар ва бошқа шу каби маълумотларни тавсия қилиш, ёки бўлмаса, кутубхона ходимлари томонидан юқори баҳога сазовор бўлган бепул веб-сайтлар ҳақидаги маълумотларни етказиш мумкин. «Профессионал кўринишда тузилган ва мунтазам равишда янгиланиб турувчи портал талабаларнинг меҳрига сазовор бўлган бепул манбалар билан Google орқали топишнинг иложи йўқ бўлган нуфузли, илмий маълумот базалари ўртасидаги чегарани йўқотишдаги яхши восита бўлиб хизмат қилиши мумкин» (Галвин, 2005: 355).

## Синф шароитидаги ахборот саводхонлиги

Мактаб ва коллеж кутубхоналари ва биров топ миқёсда жамоат кутубхоналари ахборот саводхонлигини юксалтириш жараёнини синфларга ҳам олиб киришга ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун улар ўқитувчилар билан ҳамкорлик ўрнатиб, талабага ахборот саводхонлигини у мазкур маълумотга энг катта эҳтиёж сезганда, яъни уй ва зифаси доирасида муайян мавзунини ўрганиш билан боғлиқ лойиҳани амалга ошираётган пайтда ўргатишга ҳаракат қилмоқда. Керакли маълумотни талаба учун ўта муҳим бир пайтда ҳавола этиш орқали ўқитувчилар талабанинг билим олишининг имкон қадар самарали бўлишига эришиши ва уларнинг тўғри манбалардан фойдаланиши учун шароит яратиши мумкин бўлади. Бу жараёнда ўқитувчи ёки кутубхоначи талаба олдида «Нега?» деган саволни қўйиши лозим. Жумладан, талабага «Нега айнан мана шу манбани танладингиз?» деган саволнинг берилиши унга ўз хатти-ҳаракати, танловларини тушунтириб бериш, пировардида ўз эҳтиёжларини акс эттирувчи ахборот саводхонлиги стратегияларини ишлаб чиқишига хизмат қилади.

Молли Фласполер (2003) мазкур соҳадаги билим бериш жараёнининг нақадар самарали эканини тўрт йиллик курсларни таклиф қилувчи санъат коллеж и мисолида ўрганди. Тадқиқот давомида кутубхоначилар бошланғич курс талабаларига дарс берувчи ўқитувчилар билан бирга ишлаб, ўқув дастурига талабаларга кутубхона манбалари, онлайн каталог кўрсаткичларидан фойдаланиш, керакли даврий нашрларни аниқлаш ва баҳолаш каби йўналишлар ҳақида маълумот берувчи учта дарс киритилган. Тадқиқот якунида шу нарса маълум бўлдики, ахборот саводхонлиги бўйича машғулотлар ўқув дастурига киритилса, талабаларнинг сифатли илмий манбалардан фойдаланиш бобидаги малакалари ҳам анча яхшиланган.

Кўпчилик ахборот саводхонлиги дарсларини ўқув дастурига тўлиқ уйғунлаштириш фикрини илгари суради. Шу орқали талабалар қандай фанни ўрганишидан қатъи назар тадқиқот қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш асослари билан танишади. Мазкур ўқув дастури қуйидаги йўналишларни қамраб олиши мумкин:

- ахборотга бўлган эҳтиёжни тан олиш;
- ахборот технологияларидан фойдаланиш малакаларини ривожлантириш;
- маълумотни керакли манбалар орқали олиш;
- ахборотни танқидий жиҳатдан таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- ахборотни қайта ишлаш ва тартибга солиш;
- ахборотдан самарали ва ижодий қарор қабул қилиш жараёнида фойдаланиш;
- ахборот ва билим билан самарали тарзда алмашиш;
- ахборот ва ахборот технологияларининг ахлоқий, юридик ва ижтимоий-сиёсий жиҳатларини тушуниш ва ҳурмат қилиш;
- умрбод билим олиш малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш бориш (Орр, Эпплтон ва Валлин, 2001: 459).

Данжелло ва Мэйд Аризона давлат университетига амалга оширилган ахборот саводхонлиги дастури ҳақида хабар беради. Унинг доирасида махсус курс ишлаб чиқилган бўлиб, унда янги ахборотни қабул қилиш, ахборотни

самарали тарзда танлаш, ахборот билан боғлиқ бўлган иқтисодий одоб ва юридик жиҳатларни яхши тушуниш каби масалаларга эътибор қаратилади. Уларнинг айтишича, талабалар ахборот саводхонлиги курсини ўқув дастурига киритиш фикрини илгари сурган ва уларнинг талаби қондирилган (Данджелло ва Мэйд, 2004).

## Янги технологияларнинг ахборот саводхонлигини юксалтириш жараёнига таъсири

Ахборот технологияларининг ривожига одамзоднинг билим олиши кўлами ва имкониятларини мисли кўрилмаган даражада кенгайтди. Кўпчиликнинг фикрича, интернет тармоғининг пайдо бўлиши ва бу соҳадаги бошқа ютуқлар барча учун билим олиш имкониятларни тенглаштирди. Бундай ўзгаришлар рўй бераётган дунёда яшаш ўзига хос масъулиятларни зиммасига олишни назарда тутиб, одам ўзини ўзи тарбиялаши ва ҳажми мисли кўрилмаган даражада ортиб кетаётган ахборотни «ҳазм қилишга» кўникиш лозимлигини назарда тутди. Шу ўринда энг ишончли ва энг тўғри маълумотларни саралашни ўрганишнинг аҳамияти ҳам тобора юксалиб бормоқда. Шу боис кутубхона ачилар ҳам кундалик равишда ўз фойдаланувчиларига энг мақбул ахборот манбаларини тавсия қилиш, бепоул ва пуллик тарзда ҳавола этилувчи, муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланувчи ва барча эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот турлари ўртасидаги фарқларни тушунтириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни адо этишига тўғри келади.

Ахборот саводхонлигини шакллантиришнинг мақсади талабаларнинг ахборотни излаш жараёнига бўлган ёндашувини ўзгартириш, уларга маълумот излашнинг бироз мушкул ва кенг кўламли стратегия ва усулларини ўргатишдан иборат. Буни турфа хил усуллар, жумладан, онлайн қўлланмалар орқали амалга ошириш мумкин (Блум ва Дейруп, 2003: 238). Жануби-Шарқий Оклахома давлат университети интерактив қўлланма ишлаб чиққан бўлиб, у талабаларни илмий иш ёзиш қоидалари билан таништиради ([www.se.edu/lib/distanceedtutorials.htm](http://www.se.edu/lib/distanceedtutorials.htm)). Қўлланма куйидаги соҳаларни қамраб олади:

- мавжуд манбалар турлари, жумладан, журналлар, китоблар, газеталар, каталог кўрсаткичлари ва интернет тармоғи;
- манбаларни танлаш, жумладан, кутубхона манбалари билан интернетдаги ахборот ўртасидаги фарқ;
- мавзунини танлаш ва уни торайтириш;
- каталогдаги маълумотларни излаш;
- каталог кўрсаткичидаги маълумотларни излаш.

Калифорния университетининг Беркли кутубхонаси ўз талабалари учун махсус йўриқнома яратган бўлиб, ундан веб-саҳифаларни баҳолаш жараёнида фойдаланиш мумкин. Сайт манзили [www.lib.berkeley.edu/TeachingLib/Guides/Internet/Evaluate.html](http://www.lib.berkeley.edu/TeachingLib/Guides/Internet/Evaluate.html). Мазкур йўриқнома ёрдамида талабалар муайян веб-сайтнинг нақадар ишончли эканини баҳолаш имкониятига эга бўлади. Бунинг учун, жумладан, куйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим:

- сайт *url*ига, жумладан, унинг қандай тугашига эътибор беринг, хусусан, .edu, .org, .com ва ҳоказо.

- сайтнинг муаллифи ким эканини текширинг, у аслида мавжудми ва у ҳақида нақадар тўлиқ маълумот берилган;
- ахборотнинг сифатига, яъни ҳаволалар, ахборотдан фойдаланиш ва уни қайта нашр этиш учун рухсат, бошқа манбаларга ҳаволалар ва бошқа манбалар мазкур сайтга қандай ҳаволаларни тақдим этишига эътибор қаратинг. Қўлланма веб-сайтларга баҳо бериш нақадар мураккаб жараён эканини намоиш этиб, улардан фойдаланиш нақадар мақсадга мувофиқ эканини аниқлаш имконини беради.

Шу билан бирга кутубхоначилар ахборот саводхонлигини турли таълимни бошқариш тизимлари, жумладан, *Blackboard*, *WebCT* ва *Sakai* билан уйғунлаштириш имкониятларини ҳам ўрганмоқда.

Ахборот саводхонлиги бўйича қўлланмаларни таълимни бошқариш тизимлари билан уйғунлаштириш талабаларга берилаётган билимларнинг самарасини таъминлашнинг яхши усули экани сир эмас. Памела Алксондра Жексон Калифорния давлат университети кутубхонаси ходимлари орасида сўров ўтказиб, уларнинг таълимни бошқариш тизимларидан ўқитиш воситасида сифатида фойдаланиши масаласини ўрганган. Сўров натижаларига асосланган ҳолда, у кутубхоначилар фойдаланиши мумкин бўлган айрим стратегияларни тавсия қилган. Олиманинг фикрича, кутубхонада таълимни бошқариш тизимлари билан алоқа қилиш учун масъул ходимни тайинлаш керак бўлиб, у таълим муассасасидаги таълимни бошқариш тизими администратори ва ўқитувчилар билан ҳамкорлик ўрнатиб, кутубхоначиларни мазкур тизимдан фойдаланишга ўргатиш, тизимга киритилиши мумкин бўлган ахборот саводхонлиги дастурларини яратиш, таълимни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинувчи кенгаш мажлисларида иштирок этиши мумкин бўлади.

## Ахборот саводхонлигини баҳолаш

Ахборот саводхонлигини ўргатувчи дастур қўлланмаларни баҳолашни ўргатиш маълумот излашни ўргатишдек муҳим. Дастур нақадар самарали эканини билиш учун ўқитиш жараёнининг натижалари аниқлаштирилиб олиши керак. Бу натижаларга таълим муассасаси ёки кутубхонадаги муҳит ҳам таъсир ўтказади. Ахборот саводхонлигини баҳолашда турфа хил баҳолаш воситаларидан, жумладан, сўровлар, фокус-группалар, вазифаларда айтиб ўтилган баҳолаш мезонларидан фойдаланиш тавсия этилади.

«Энг яхши тажрибаларни акс эттирувчи ахборот саводхонлиги дастурларининг хусусиятлари» номли ҳужжатда айтилишича, беками-кўст ахборот саводхонлиги дастурни «баҳолаш жараёнини аввалбошданок белгилаб беради». Баҳолаш бўлимида ҳам дастурнинг баҳолаши, ҳам талабанинг натижалари акс этади. Дастурни баҳолашда турли усуллардан фойдаланиш маслаҳат берилади. Талабанинг натижаларини баҳолашда эса талабанинг умумий кўрсаткичлари, ўз огзаки нутқ малакаси, турли эсселар ёзиш, кузатиш қобилияти ва бошқа кўрсаткичларга асосланиш тавсия этилади.

Молли Р.Фласполер ўзининг Конкордия коллежида ахборот саводхонлиги бўйича ўтказган изланиши давомида фойдаланилган учта баҳолаш усулини

таъкидлайди. Жумладан, у Америка кутубхоналари уюшмаси томонидан ахборот саводхонлигини баҳолаш учун ишлаб чиқилган саволнома ҳамда пилот ва назорат гуруҳлари библиографиясининг таққосламасини олиб, талабаларга берилган вазифанинг бажарилиши нақадар муваффақиятли эканини кўришни тавсия қилади. Шу билан бирга талабаларнинг бошлаш/яқунлаш машқи ҳам уларнинг ахборот саводхонлигини аниқлашга ёрдам беради. Унга кўра, талабалар кутубхонага кирганда ўзишини нимадан бошлаши ва нима билан яқунлашини айтиши керак (Фласполер, 2003: 133).

Ахборот саводхонлигини баҳолаш соҳасига алоқадор бўлган энг сўнгги лойиҳалар — бу *SAILS* ва *ETSs iSkills Assesment* лойиҳаларидир. *SAILS* лойиҳаси 2001 йилда бошланган бўлиб, у Кент давлат университетининг ташаббуси эди.

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад кутубхоначиларга талабалар гуруҳларининг ахборот саводхонлиги даражасини ҳужжатлаштириш имконини берувчи стандартлаштирилган тестларни яратишдан иборат бўлган. Лойиҳани амалга ошириш учун уч йил кетган бўлиб, унинг интернетдаги саҳифаси [www.projectsails.org/sails/aboutSAILS.php?page=aboutSAILS](http://www.projectsails.org/sails/aboutSAILS.php?page=aboutSAILS).

*ETSs iSkills Assesment* лойиҳаси 2001 йилда бошланган бўлиб, 2003 йили у Олий таълим соҳасидаги ахборот-коммуникация технологиялари саводхонлиги ташаббусига айлантирилган. Унга *ETS* билан ишловчи еттита коллеж кирган бўлиб, улар биргаликда ахборот саводхонлиги даражасини аниқловчи тестларни ишлаб чиқиш устида иш олиб борган. Лойиҳа муаллифларининг фикрича, ҳозирги замон талабаларининг ахборотни излаш малакалари етарли даражада бўлмасдан, улар танқидий фикрлаш борасида ҳам жиддий тайёргарликка муҳтож. Мазкур тест амалий мисоллар билан ишлашни назарда тутиб, унинг доирасида турли муаммоларни ҳал қилиш, танқидий фикрлаш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш малакаларини намойиш қилиш талаб этилади (Кац, 2007: 4). Тест натижалари ўқитувчи ва кутубхоначиларга талабаларнинг ахборот билан ишлашдаги кучли ва заиф тарафларини баҳолаш имконини беради.

## Ахборот излаш жараёнидаги хатти-ҳаракатлар

Фойдаланувчига ёрдам бериш учун ахборот излаш жараёнининг босқичларини яхши тушуниш лозим. Бунда Карол Култау томонидан ўтказилган тадқиқот муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур босқичлар фойдаланувчининг ахборотга эҳтиёж сезишидан бошланиб, мавзунини танлаш, мавзу ва унинг турли жиҳатларини тадқиқ қилиш, ўтказилган изланиш натижасида мавзу кўламининг торайиши, лойиҳа учун мўлжалланган ахборотнинг олинishi ва ниҳоят изланиш натижаларининг тақдим этилишидан иборат (Култау, 1993: 170–172). Фойдаланувчига самарали ёрдам бериш учун кутубхоначи фойдаланувчи ўзига керакли ахборотни излаш жараёнининг қайси босқичида турганини аниқлаб олиши даркор. Кўрсатиладиган ёрдам ҳам турли кўламда бўлиши мумкин. Яъни кутубхоначи фойдаланувчининг материалларини тартибга солишга кўмаклашиб, қолган ишни фойдаланувчининг мустақил изланиш ўтказиши учун унинг ўзига топшириши мумкин. Агар фойдаланувчига кенгрок кўламли ёрдам ке-



рак бўлса, кутубхоначи унга ўзига хос маслаҳатчи сифатида ҳам ёрдам кўрсатиши мумкин (Култау, 1993: 75).

## Қўшимча фикрлар

Ахборот саводхонлиги кўплаб мутахассисларда қизиқиш уйғотиб келаётган мавзулардан биридир. Кутубхоначи учун ахборот саводхонлигининг юқори чуққиларини забт этиш ўзига хос мажбурият ҳисобланади. Яхшиямки, кутубхоначилик ишига алоқадор бўлган кўпчилик нашрлар мазкур соҳага алоқадор ахборотларни ҳавола этишда жонбозлик кўрсатиб келаётган бўлиб, улар орасида *Reference and User Services Quarterly*, *Reference Services Review*, *College and Research Libraries*, *Journal of Academic Librarianship* кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, Коллеж ва илмий кутубхоналар уюшмаси ҳамда Америка мактаб кутубхоналари уюшмаси ахборот саводхонлиги соҳасидаги энг яхши тажрибани алмашиш имконини берувчи махсус он-лайн хизматларни ҳам яратган.

Ахборот саводхонлигига алоқадор тамойиллар ўзгариб бормоқда. Тамойиллар илгари мазмунга ихтисослашган бўлса, энди одамларнинг қай усулда билим олишига ихтисослашмоқда. Кутубхона ва изланиш ҳақидаги маълумотларни кичик ҳажмда тақдим этиш ва уларни ўқув дастурларига уйғунлаштириш мазкур соҳадаги муҳим янги йўналишлардир. Фойдаланувчи учун сифатли ахборотни топиш жараёни анча мураккаб бўлиши мумкин. Кутубхоначилар эса, ўз навбатида, фойдаланувчига юқори сифатли маълумотларни синчковлик билан ўйлаб яратилган ахборот саводхонлиги дастурлари орқали аниқлашда ёрдам қўлини чузиши мумкин.

## Recommendations for Further Reading

- Avery, Elizabeth F. 2003. *Assessing Student Learning Outcomes for Information Literacy Instruction in Academic Institutions*. Chicago: ACRL.
- Badke, William. 2008. «Information Literacy Meets Adult Learners». *Online* 32, no. 4 (Summer): 386–391. An interesting article on techniques for working with adults who are going back to school and need to understand how to do research in the digital age.
- Brier, David J., and Vickery Kaye Lebbin. 2004. «Teaching Information Literacy Using the Short Story». *Reference Services Review* 32, no. 4: 383–387. An approach to information literacy through the use of short stories. Provides course instructors with examples of how to use the short story to discuss information literacy standards.
- Brown, Cecelia, Teri J. Murphy, and Mark Nanny. 2003. «Turning Techno-Savvy into Info-Savvy: Authentically Integrating Information Literacy into the College Curriculum». *The Journal of Academic Librarianship* 29, no. 6 (November): 386–398. Describes an approach to information literacy that combines the traditional instruction with novel approaches that appeal to college students' reliance on Internet search engines.

- Bury, Sophie, and Joanne Oud. 2005. «Usability Testing of an Online Information Literacy Tutorial». *Reference Services Review* 33, no. 1: 54–65. Discusses the usability testing of an online information literacy tutorial designed for freshman undergraduates at the Wilfrid Laurier University Library. The findings were useful in making revisions and enhancements to the tutorial.
- Buschman, John, and Dorothy A. Warner. 2005. «Researching and Shaping Information Literacy Initiative in Relation to the Web: Some Framework Problems and Needs». *Journal of Academic Librarianship* 31, no. 1 (January): 12–18. A discussion of the need to develop other frameworks of analysis to shape our knowledge of academic information seeking and the Web.
- Collen, Lauren. 2008. «Teaching Information Literacy in the Public Library». *Knowledge Quest* 37, no. 1 (September/October): 12–16. An exploration of the role public libraries can play in helping students develop good research skills.
- Davis-Kahl, Stephanie, and Lisa Payne. 2003. «Teaching, Learning and Research: Linking High School Teachers to Information Literacy». *Reference Services Review* 31, no. 4: 313–319. Teacher professional development, and university and library outreach activities and influences are described to provide an overview of the Compton Teacher Information Literacy Institute curriculum development. Curriculum remodeling after a midyear assessment is also discussed.
- Gilstrap, Donald L., and Jason Dupree. 2008. «Assessing Learning, Critical Reflection and Quality Educational Outcomes: The Critical Incident Questionnaire». *College and Research Libraries* 69, no. 5 (September): 407–426. The article documents a successful use of the critical incident questionnaire to evaluate information literacy.
- Harding, Jane. 2008. «Information Literacy and the Public Library». *Australasian Public Libraries and Information Services* 21, no. 4 (December): 157–167. With an international focus, Harding discusses examples of public library information literacy programs in many different countries.
- Harris, Benjamin R. 2008. «Communities as Necessity in Information Literacy Development: Challenging the Standards». *Journal of Academic Librarianship* 34, no. 3 (May): 248–255. Looks at the role that communities, defined in the broadest sense, can play in information literacy.
- Hoffman, Paul S. 2002. «The Development and Evolution of a University-Based Online Library Instruction Course». *Reference Services Review* 30, no. 3: 198–211. Describes the development and evolution of an introduction to library research course into an online course that integrated information literacy into the curriculum through the general education program at the University of Nebraska.
- Johnson, Anna Marie. 2003. «Library Instruction and Information Literacy». *Reference Services Review* 31, no. 4: 385–418. An annotated bibliography of literature on library instruction and information literacy for all types of libraries. Most articles are from 2002.
- Johnson, Anna Marie, and Sarah Jent. 2004. «Library Instruction and Information Literacy—2003». *Reference Services Review* 32, no. 4: 413–442. An annotated bibliography of literature recently published on the topic of library instruction and information literacy in academic, school, public, and special libraries.
- Kennedy, Barbara F. 2008. «Revitalizing the One-Shot Instruction Session Using Problem-Based Learning». *Reference & User Services Association Quarterly* 47,

- no. 4 (Summer): 386–391. The author focuses on the need to develop a curriculum and be very focused in a one-shot instruction session.
- Lenholt, Rob, Barbara Costello, and Judson Stryker. 2003. «Utilizing Blackboard to Provide Library Instruction: Uploading MS Word Handouts with Links to Course Specific Resources». *Reference Services Review* 31, no. 3: 212–218. Librarians at Stetson University describe how they integrated library instruction materials into the course management system.
- Lindauer, Bonnie Gratch. 2004. «The Three Arenas of Information Literacy Assessment». *Reference & User Services Quarterly* 44, no. 2 (Winter): 122–129. A solid article on information literacy assessment that includes organizations and resources dealing with this area.
- Malenfant, Chuck, and Nora Egan Demers. 2004. «Collaboration for Point-of-Need Library Instruction». *Reference Services Review* 32, no. 3: 264–273. Describes a project in which the librarian and member of the teaching faculty collaborated on an advanced information literacy experience. They found that offering advanced information literacy to upper-class students at their point of need increased their interest and participation in the program.
- McMillen, Paula S., Bryan Miyagishima, and Laurel S. Maughan. 2002. «Lessons Learned about Developing and Coordinating an Instruction Program with Freshman Composition». *Reference Services Review* 30, no. 4: 288–299. Describes a collaboration between the Oregon State University Libraries and the university's freshman composition program. The article outlines the process followed by the coordinators of the instruction program and the important role they can play.
- Neely, Theresa Y. 2007. *Information Literacy Assessment: Standards-Based Tools and Assignments*. Chicago: American Library Association. A useful guide that provides librarians with information about using assessment measures in their assignments.
- Ondrusek, Anita 2008. «Information Literacy». In *Academic Library Research: Perspectives and Current Trends*, edited by Marie L. Radford and Pamela Snellson. Chicago: ALA. A good overview of the subject.
- Owusu-Ansah, Edward K. 2004. «Information Literacy and High Education: Placing the Academic Library in the Center of a Comprehensive Solution». *The Journal of Academic Librarianship* 30, no. 1 (January): 3–16. The author suggests a comprehensive approach to help all students receive instruction in information literacy.
- Phillips, Lori, and Jamie Kearley. 2003. «TIP: Tutorial for Information Power and Campus-Wide Information Literacy». *Reference Services Review* 31, no. 4: 351–358. A description of the Web tutorial developed by the University of Wyoming Libraries focused on the ACRL Information Literacy Competency Standards.
- Radcliff, Carolyn, Mary Lee Jensen, Joseph E. Salem, Jr., Kenneth J. Berhann, and Julia A. Gedeon. 2007. *A Practical Guide to Information Literacy Assessment for Academic Librarians*. Santa Barbara, CA: Libraries Unlimited. This recent work discusses both formal and informal methods of assessment in detail.
- Ragains, Patrick. 2006. *Information Literacy Instruction That Works: A Guide to Teaching by Discipline and Student Population*. New York: Neal-Schuman.
- Seamans, Nancy H. 2002. «Student Perceptions of Information Literacy: Insights for Librarians». *Reference Services Review* 30, no. 2: 112–123. First-year students at Virginia Tech were questioned about their use of information using both

- e-mail questioning and face-to-face interviews. The data collected resulted in ways to improve library services for first-year students.
- Sharkey, Jennifer K., and F. Bartow Culp. 2005. «Cyberplagiarism and the Library: Issues and Solutions». *The Reference Librarian* no. 91/92: 103–116. Deals with plagiarism in academic institutions influenced by the easy availability of online resources.
- Somerville, Mary M., and Frank Viroto. 2005. «If You Build It with Them, They Will Come: Digital Research Portal Design and Development Strategies». *Internet Reference Services Review* 10, no. 1: 77–94. A pilot that builds information literacy into academic curricula of agribusiness through the portal Web-based design process.
- Wood, Gail. 2004. «Academic Original Sin: Plagiarism, the Internet, and Librarians». *The Journal of Academic Librarianship* 30, no. 3 (May): 237–242. Describes an information literacy and integrity model to help students distinguish between their own ideas and those of others.

## Bibliography of Works Cited in This Chapter

---

- American Association of School Librarians. 2007. *Standards for the 21st-century Learner*. Chicago, IL: AASL. Available: [www.ala.org/aasl/standards](http://www.ala.org/aasl/standards).
- American Association of School Librarians. 2009. *Empowering Learners: Guidelines for School Library Programs*. Chicago, IL: AASL.
- American Association of School Libraries and the Association of Educational Communications and Technology. 1998. *Information Power: Building Partnerships for Learning*. Chicago: ALA. Available: [www.ala.org/ala/aasl/prof\\_tools/informationpower/informationliteracy.htm](http://www.ala.org/ala/aasl/prof_tools/informationpower/informationliteracy.htm).
- American Library Association. 1989. *Presidential Committee on Information Literacy*. Chicago, IL: ALA.
- . 2000. *Library Advocacy Now! Action Pack: A Library Advocate's Guide to Building Information Literate Communities*. 2000. Chicago, IL: ALA.
- Arp, Lori, and Beth S. Woodward. 2002. «Recent Trends in Information Literacy and Instruction». *Reference & User Services Quarterly* 42, no. 2 (Winter): 124–132.
- Association of College and Research Libraries. 2000. *Information Literacy Competency Standards for Higher Education*. Chicago, IL: ACRL. Available: [www.ala.org/ala/acrl/acrlstandards/informationliteracycompetency.htm](http://www.ala.org/ala/acrl/acrlstandards/informationliteracycompetency.htm).
- . 2003. «Characteristics of Programs of Information Literacy That Illustrate Best Practices: A Guideline». Chicago, IL: ACRL.
- Avery, Susan. 2008. «When Opportunity Knocks: Opening the Door Through Teachable Moments». *The Reference Librarian* 49, no. 2 (#102): 109–118.
- Beck, Susan E., and Nancy B. Turner. 2001. «On the Fly BI: Reaching and Teaching from the Reference Desk». *The Reference Librarian* no. 72: 83–96.
- Bloom, Beth, and Marta Deyrup. 2003. «Information Literacy Across the Wired University». *Reference Services Review* 31, no. 3: 237–247.
- Bridgeland, Angela, and Martha Whitehead. 2005. «Information Literacy in the 'E' Environment: An Approach for Sustainability». *Journal of Academic Librarianship* 31, no. 1 (January): 54–59.

- Committee on Information Technology Literacy. 1999. *Being Fluent with Information Technology*. Washington, DC: National Academies Press. Available: [www.nap.edu/catalog/6482.html](http://www.nap.edu/catalog/6482.html).
- Cunningham, Thomas H., and Scott Lanning. 2002. «New Frontier Trail Guides: Faculty-Librarian Collaboration on Information Literacy». *Reference Services Review* 30, no. 4: 343–348.
- D'Angelo, Barbara J., and Barry M. Maid. 2004. «Moving Beyond Definitions: Implementing Information Literacy Across the Curriculum». *Journal of Academic Librarianship* 30, no. 3 (May): 212–217.
- Eisenberg, M. B., and R. E. Berkowitz. 2000. *Teaching Information and Technology Skills: The Big 6 in Secondary Schools*. Worthington, OH: Linworth Publishing.
- Ellis, Lisa A. 2004. «Approaches to Teaching through Digital Reference». *Reference Services Review* 32, no. 2: 107.
- Flaspohler, Molly R. 2003. «Information Literacy Program Assessment: One Small College Takes the Big Plunge». *Reference Services Review* 31, no. 2: 129–140.
- Galvin, Jeanne. 2005. «Alternate Strategies for Promoting Information Literacy». *Journal of Academic Librarianship* 31, no. 4: 352–357.
- Grassian, Esther. 2004. «Building on Bibliographic Instruction». *American Libraries* 35 (October): 51–53.
- Hensley, Randy Burke. 2004. «Curiosity and Creativity as Attributes of Information Literacy». *Reference & User Services Quarterly* 44, no. 1 (Fall): 31–36.
- Hinchliffe, Lisa Janicke. 2003. «Examining the Context, New Voices Reflect on Information Literacy». *Reference & User Services Quarterly* 42, no. 4 (Summer): 311–317.
- Jackson, Pamela Alexandra. 2007. «Integrating Information Literacy into Blackboard: Building Campus Partnerships for Successful Student Learning». *Journal of Academic Librarianship* 33, no. 4 (July): 454–461.
- Johnson, Patricia E. 2003. «Digital Reference as an Instructional Tool: Just in Time and Just Enough». *Searcher* 11: 31–33.
- Katz, Irvin R. 2007. «Testing Information Literacy in Digital Environments: ETS's iSkills Assessment». *Information Technology and Libraries* 26, no. 3: 3–12.
- Knapp, Patricia. 1966. *The Montclair College Library Experiment*. Metuchen, NJ: Scarecrow Press.
- Kobelski, Pamela, and Mary Reichel. 1987. «Conceptual Frameworks for Bibliographic Instruction». In *Conceptual Frameworks for Bibliographic Education: Theory into Practice*, edited by Mary Reichel and Mary Ann Ramey, pp. 3–10. Littleton, CO: Libraries Unlimited, Inc.
- Kuhlthau, Carol Collier. 1993. *Seeking Meaning: A Process Approach to Library and Information Services*. Norwood, NJ: Ablex Publishing Corp.
- . 1999. «Accommodating the User's Information Search Process: Challenges for Information Retrieval System Designers». *Bulletin of the American Society for Information Science* 25, no. 3 (February-March): 12–17.
- Lampert, Lynn D. 2004. «Integrating Discipline-Based Anti-plagiarism Instruction». *Reference Services Review* 32, no. 4: 347–355.
- Orr, Debbie, Margaret Appleton, and Margie Wallin. 2001. «Information Literacy and Flexible Delivery: Creating a Conceptual Framework and Model». *Journal of Academic Librarianship* 27, no. 6 (November): 457–463.

- O'Sullivan, Carmel. 2002. «Is Information Literacy Relevant in the Real World?» *Reference Services Review* 30, no. 1: 7–14.
- Project SAILS. Available: [www.projectsails.org/sails/aboutSAILS.php?page=aboutSAILS](http://www.projectsails.org/sails/aboutSAILS.php?page=aboutSAILS).
- Whyte, Susan Barnes. 2001. «From BL to IL: The ACRL Institute for Information Literacy». *OLA Quarterly* 7, no. 2 (Summer): 14–15.
- Woodward, Beth S. 2005. «One-on-One Instruction: From the Reference Desk to Online Chat». *Reference & User Services Quarterly* 44, no. 3 (Spring): 203–209.


**Тўртинчи бўлим**

МАЪЛУМОТ БЕРИШДА

ИШЛАТИЛУВЧИ КОЛЛЕКЦИЯ

ВА ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

ҲАМДА БОШҚАРИШ





# 17

## Маълумот бериш ишида фойдаланилувчи материалларни танлаш ва баҳолаш

---

Кутубхона фондидаги барча бўлимлар орасида маълумот бериш учун ишлатилувчи тўплам энг ихтисослашган, аниқ ва синчковлик билан сараланган бўлиши керак. Тарқатилувчи тўпламларга нисбатан анча кичикроқ бўлса-да, уларга киритилган манбалар бошқа бўлимлардаги асарларга қараганда нархи қимматроқ. Шундай экан, маълумот учун ишлатилувчи манбалар коллекциясини шакллантириш ва ривожлантириш синчковлик билан амалга оширилиши ва ҳар бир қадам чуқур ўйланган асосда ташланиши керак. Мутаносибликни таъминлаш ва коллекциянинг ҳаддан ташқари ҳажми каттайиши, унга керак-керакмас манбалар қўшилишининг олдини олиш учун китоб сараловчи ўз билим ва тажрибасидан имкон қадар самарали фойдаланиши керак. Ҳар бир манба катта синчковлик билан танланиб, кутубхона захиралари ва китоб жавонаридан имкон қадар самарали фойдаланишни таъминлаши керак. Аввалги бобларда айтиб ўтилганидек, ҳар бир манбанинг долзарблиги ва кутубхона мақсадларига жавоб бериши синчковлик билан текширилиши ва коллекцияни ривожлантириш учун масъул ходимлар қўйидаги малакаларга эга бўлиши керак:

- кутубхона фойдаланувчилари, уларнинг эҳтиёж ва қизиқишларини билиш;
- турли хил ва форматдаги маълумот манбаларидан қандай фойдаланишни билиш;
- муайян соҳага ихтисослашган манбалар ва уларни янгилаб бориш тартибидан хабардор бўлиш;
- маълумот беришда ишлатилувчи манбаларни баҳолай олиш.

Қўпинча мазкур соҳалар мустақил йўналиш бўлиб, масалан, кутубхона фойдаланувчиларини билиш қўпинча кутубхона тури ва у хизмат кўрсатаётган фойдаланувчиларнинг таълим даражаси билан ҳамбарчас боғлиқ.

Бу жараёндаги яна бир муҳим жиҳат — коллекцияни ривожлантирувчилар кенг қўламада фикрлари ва ўзларининг айна пайтдаги қизиқишлари чегарасидан чиқа билишидир. Жумладан, илмий кутубхоналар ходимлари кутубхона маълумотхонасининг коллекциясини ривожлантиришда университет ёки коллежларда ўқитилувчи фанларни инобатга олиши керак бўлади. Талаба ва ўқитувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи ўқув дастурига киритилган фанлар билан белгиланади. Ўқув муассасидаги ўқув дастурининг ўзгариши билан илмий кутубхона ҳам ўз маълумотхонаси коллекциясига янги манбалар қўшиши ва шу орқали фойдаланувчиларнинг янги эҳтиёжларини қондиришга мослаштириб бориши керак бўлади. Худди шунга ўхшаб жамоат кутубхоналари ҳам ўз фойдаланувчиларининг ахборотга бўлган эҳтиёжини инобатга олиши ва имкон қадар уни қондиришга ҳаракат қилиши керак. Шу ўринда айтиш жо-

изки, жамоат кутубхоналари фойдаланувчиларининг қизиқиш ва эҳтиёжлари турфа хил бўлиб, илмий кутубхона фойдаланувчиларининг истак хоҳишларидан бирмунча фарқ қилади. Жамоат кутубхонаси энг турфа хил фойдаланувчилар ҳамжамиятига эга. Жумладан, жамоат кутубхонаси хизматларидан болалар, ўсмирлар, катталар, жамиятнинг турли соҳаларидан бўлган инсонлар фойдаланиши мумкин. Шу боис жамоат кутубхонасининг маълумотхонасида имкон қадар кенг қўламли манбалар йиғилган бўлиши лозим.

Мақтаб кутубхоналари ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ахборот эҳтиёжларини қондириш билан шуғулланади. Улар ўз маълумотхоналарининг коллекцияларини мактабда ўқитилаётган фанларга мослаштиришга ҳаракат қилади. Табиийки, махсус кутубхоналар ҳам ўз фойдаланувчиларининг ахборотга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда фаол ят юритишга ҳаракат қилади. Махсус кутубхоналар фойдаланувчиларининг ахборот эҳтиёжлари жуда тор қўламли бўлиб, вақти-вақти билан ўзгариб туради.

Маълумотларнинг кутубхона фойдаланувчилари томонида изланиши ва ундан фойдаланилиши ҳам маълумотхона коллекциясини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Агар фойдаланувчилар кўпроқ фактологик маълумотларга қизиқса, кутубхона тайёр жавобли маълумотлар коллекциясини кенгайтириш ёки ўз веб-сайтида маълумотлар бўлимини очиши мумкин. Агар фойдаланувчиларнинг сўровлари кўпроқ кенг қўламли изланишлар билан боғлиқ бўлса, кутубхона каталог кўрсаткичи ва фойдаланувчига тўлиқ матнли ахборотни ҳавола қилувчи бошқа манбалар коллекцияларини кенгайтиришга эътибор қаратиши лозим бўлади. Баъзан кутубхоналар хариталар ёки ҳукумат ҳужжатлари каби махсус материалларга эҳтиёж сезади.

Муайян турдаги материалларнинг хусусиятларини тушуниш орқали кутубхоналар ўз фойдаланувчиларининг эҳтиёжларини имкон қадар тўлиқ қондириши мумкин бўлади. Маълумот бериш ишида ишлатилувчи материалларнинг формати ҳозирги кунда жуда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, замонавий кутубхоначилар электрон ва босма манбалар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш устида бош қотиришига тўғри келади. Бунинг учун кутубхоначилар фойдаланувчиларнинг қайси форматдаги материалларга эҳтиёжи баландроқ экани, олинган маълумотлар қандай ишлагилиши ва муайян турдаги материал учун энг қулай формат қайси эканини аниқлаб олишга тўғри келади. Умуман олганда, фойдаланувчилар электрон манбаларни афзал кўргани боис, ҳозирги кунда босма манбаларга бўлган эҳтиёж секин-аста камайиб бормоқда. Бундан ташқари, манбалар CD-ROM ёки бошқа турдаги электрон форматда харид қилиниши мумкин бўлиб, шу орқали кутубхонадаги китоб жавонлари бироз бўшайди.

Муайян соҳа ҳақидаги кенг қўламли билимларга эга бўлган кутубхоначи муайян соҳани тўлиқ қамраб олиш учун қанча манба кераклигини осонлик билан ҳал қилади. Лекин бунда ҳам фойдаланувчиларнинг эҳтиёжи асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қилиши лозим. Баъзида агар талаб пастроқ бўлса, муайян мавзунини қамраб олиш учун биргина каталог кўрсаткичи ёки маълумотлар базаси кифоя қилади. Бундан ташқари тез ўзгариб турувчи соҳаларга алоқадор манбалар тез-тез саралаб турилиши ва кутубхоначилар мазкур соҳадаги ўзгаришларни диққат билан кузатиб бориши талаб қилинади. Форматлар масаласига қайтиб шуни айтиш мумкинки, мавзунинг тез-тез ўзга-

риб туриши мунтазам равишда янгиланиб борувчи онлайн манбан и харид қилишни тақозо қилиши мумкин.

Ниҳоят, маълумот манбаларини баҳолай олиш ҳам маълумотхонанинг муваффақиятли фаолият юритишини таъминловчи асосий омиллардан бири хисобланади. Бунинг учун кутубхоначи маълумотлардан қандай фойдаланилиши ва материалларнинг мазмунини яхши билиши талаб этилади. Бунда кўплаб омилларни синчковлик билан ўрганиб чиқиш ва муайян манбанинг энг муҳим жиҳатларини белгилай олиш муҳим аҳамият касб этади. Кўпчилик мавзуларни бир неча манба қамраб олиши мумкин бўлиб, ўз фойдаланувчиларини билган кутубхоначи уларнинг эҳтиёжларини аниқ ва тўлиқ қондириши мумкин бўлган манбаларни саралай олади.

Гарчи маълумотхона тўпламини ривожлантириш бир йўналишли соҳа деб қаралса-да, аслида, у турфа хил вазифаларни ўз ичига қамраб олади:

- янги маълумот манбаларини аниқлаш, саралаш ва баҳолаш;
- маълумотхона бюджетини бошқариш, шу жамладан режаларни тасдиқлаш, бажарилиши кутилаётган буюртмаларни бажариш ва коллекцияни ҳамкорлик асосида ривожлантириш;
- маълумотхона тўпламини баҳолаш;
- маълумотхона коллекциясини тартибга солиш, кераксиз манбаларни чиқариб ташлаш;
- маълумотнома тўпламини ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш ва янгिलाб бориш;
- кутубхона фойдаланувчиларига янги маълумот манбаларини таништириш.

## Янги маълумот манбаларини аниқлаш, танлаш ва баҳолаш

Маълумот бериш ишида фойдаланилувчи аксарият материаллар ҳам электрон, ҳам босма кўринишда чоп этилади. Бошқалари эса ёки фақат босма, ёки электрон форматга эга бўлади. Аксарият кутубхоналар ўз маълумотхонаси учун чегараланган сонда манбаларни харид қилиш имкониятига эга бўлгани боис барча қарорлар чуқур ўйланиб қабул қилиниши лозим. Манбалар шахсий тажриба, нашриёт томонидан чоп этилган адабиётлар ҳақидаги маълумотлар, тақризлар ёки мана шу уч омилнинг тўплами асосида танланиши керак.

### Тақризлар манбалари

Тақризлар маълумот бериш ишида фойдаланилувчи манбалар ҳақида ахборот олишнинг бир йўли. *Booklist's Reference Books Bulletin*, *Library Journal*, *School Library Journal*, *Choice*, *Reference and User Services Quarterly* кутубхоначилар томонидан энг кўп фойдаланилувчи манбалар бўлиб, уларда ҳам тақризлар, ҳам янги маълумотномалар ҳақидаги ахборот ҳавола этилади.

*Booklist* нашри Америка кутубхоналар уюшмаси томонидан нашр этилади. Сентябрь-июнь ойлари ичида журнал ойига икки марта, июнь-июль ва август ойларида бир мартадан чоп этилади. Журналнинг мақсади «жамоат ва мактаб кутубхоналари медиамарказларида фойдаланиш учун мўлжал-

ланган энг сўнги кутубхона материаллари ҳақида маълумот бериш бўлиб, материаллар сифати ва уларга бўлган талаб нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда тавсия этилади».

*Booklist*нинг ҳар бир сони бўлими «*Reference Books Bulletin*» деб номланиб, унда айтилишича, «маълумот бериш ишида фойдаланилувчи манба — бу ўз тартиби ва тузилиши бўйича муайян мазмундаги ахборотни олиш учун мўлжалланиб, уларни бошидан охиригача ўқиб чиқиш талаб этилмайди. Бу каби манбалар, биринчи навбатда жамоат кутубхоналари ва мактаб медиа марказлари учун мўлжалланади» ([www.ala.org/ala/aboutala/office/publishing/booklist\\_publications/booklist/insidebooklist/booklistpolicy/booklistselection.cfm](http://www.ala.org/ala/aboutala/office/publishing/booklist_publications/booklist/insidebooklist/booklistpolicy/booklistselection.cfm)). «*Reference Books Bulletin*»даги тақризлар таҳрир ҳайъатининг аъзолари ва таклиф қилинувчи тақризчилар томонидан тайёрланиб, тақризлар ҳайъатининг умумий фикрини акс эттиради. Нашрнинг ҳар бир сонидан катталар ва болалар учун мўлжалланган нашрларнинг тақризлари бериб борилади. Тақризлар жуда сифатли ва кенг қўламли тарзда ёзилган. Бундан ташқари, вақти-вақти билан муайян турдаги материаллар, муайян мазмунидан, йил давомида нашр этилган энциклопедиялар ёки бўлмаса илмий маълумот базаларига бағишланган мақолалар ҳам бериб борилади. Мазкур нашрдан он-лайн кўринишда ҳам фойдаланиш мумкин.

*Reference and User Services Quarterly* Америка кутубхоналар уюшмасининг Маълумот бериш ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш уюшмаси томонидан нашр этилади. Мазкур журналда маълумот бериш хизматларининг барча жиҳатларини ёритувчи мақолалар ҳавола этилади. Нашрнинг ҳар бир сонига «Маълумотномалар» деб номланувчи бўлим кириб, унда 25–30 та янги маълумотларнинг тақризлари бериб борилади. Ҳар бир тақризда манба нафақат шарҳланади, балки танқидий назар билан баҳоланади ҳам.

*Library Journal* журнали *Media Source, Inc.* компанияси томонидан ойда икки марта чоп этилади. Ҳар бир сонда ўқувчилар диққатига 15–20 та янги маълумотномалар ҳақидаги тақризлар ҳавола этилиб, нашр қайси турдаги кутубхоналар учун тавсия этилиши борасида ҳам айтиб ўтилади. Шерил Лагуардия журналнинг ҳар бир сонидан «*eReviews*» номи билан ўз устунини чоп этиб, унда обуна асосида фойдаланиш мумкин бўлган маълумот базаларидан бирининг кенг қўламли шарҳи келтирилади. Бундан ташқари, журналнинг веб-сайтида мунтазам равишда электрон маълумотномаларнинг шарҳ ва тақризлари ҳам бериб борилади ([www.libraryjournal.com](http://www.libraryjournal.com)).

*School Library Journal* журнали *Media Source, Inc.* компанияси томонидан нашр этилади. У мактаб ёки жамоат кутубхоналарида ёшлар билан ишловчи кутубхоначилар учун мўлжалланган бўлиб, унда маълумот бериш ишига бағишланган иккита устун бор бўлиб, улар рақамли манбалар ва манбалар тақризларига бағишланади. Уларда қайси манбаларни харид қилиш мақсадга мувофиқ экани очиқ-ойдин айтиб ўтилади.

*Choice* журнали коллежлар ва илмий кутубхоналар уюшмаси томонидан ҳар ойда чоп этилувчи журнал бўлиб, унда олий ўқув юртлигининг бошланғич курсларида таҳсил олаётган талабалар томонидан ишлатилувчи китобларнинг шарҳ ва тақризлари бериб борилади. Журналдаги тақризлар соҳалар бўйича ажратилиб, умумий, гуманитар, фан ва технологиялар, ижтимоий фанлар каби йўналишларни қамраб олади. Ҳар бир сонда 60 дан ор-

тиқ янги манбаининг шарҳ ва тақризлари бериб ўтилади. Шарҳлар олимлар ва профессионал кутубхоначилар томонидан ёзилиб, манба харид қилишга нақадар арзигулик экани ва уни қайси турдаги кутубхона учун мўлжалланиши ҳам айтиб ўтилади.

Электрон нашрлар шарҳлари босма нашрларнинг тақризлари билан уйғун тарзда келиб, ҳар бир сонда библиографик эссе бериб борилади. Унда муайян соҳага алоқадор бўлган манбалар ҳақидаги маълумотларни топиш мумкин. *Choice*нинг шарҳлари билан, шунингдек, онлайн шаклда [www.cro2.org](http://www.cro2.org) манзилида танишиш мумкин.

*ARBA (American Reference Book Annual)* журнали *Libraries Unlimited* компанияси томонидан нашр этилади. Унда АҚШ ва Канадада йил давомида нашр этилган босма, онлайн ёки CD-ROM кўринишидаги янги маълумотнома манбаларининг шарҳлари бериб ўтилади. Шарҳлар тўртта катта йўналиш бўйича ажратилган бўлади. Жумладан, умумий маълумот манбалари, ижтимоий фанлар, гуманитар фанлар, фан ва технологи ялар. Нашр маълумот бериш иши давомида фойдаланилувчи материалларнинг муҳим манбаи бўлиб, айрим профессионал материалларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Манбаининг онлайн шакли ҳам мавжуд бўлиб, [www.arbaonline.com](http://www.arbaonline.com) манзилида жойлашган. Унда 1997 йилдан то ҳозирги кунга қадар бўлган давр қамраб олинган бўлиб, сайт ҳар ойда янгиланиб туради ва фойдаланувчилар диққатига 100–150 та янги шарҳлар ҳавола этилади.

Юқорида айтиб ўтилган нашрларга қўшимча равишда, бир қатор ташкилотлар кутубхоналар учун тавсия қилинувчи янги манбаларнинг йиллик рўйхатини эълон қилиб боради. Улар орасида, жумладан, *Outstanding Reference Sources* рўйхати бор бўлиб, у Маълумот етказиш ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш уюшмаси (RUSA) томонидан ҳар йили *American Libraries* журналининг май ойи сонида чоп этилади. *Best Reference Sources* рўйхати эса *Library Journal* журнали томонидан тузилиб, ҳар йили журналнинг апрель ойи сонида чоп этилади. Тақризлар, шунингдек, *Gale* компаниясининг [www.galeengage.com/reference](http://www.galeengage.com/reference) сайтида ҳам чоп этилади. Тақризлар сайтнинг *Guest Columnists* бўлимида бериб борилади.

Тўрт устундан ташкил топган бўлимда кутубхоначилар соҳасида кўзга кўринган мутахассисларнинг мақолалари бериб борилади. Жумладан, «*Peter's Digital Reference Shelf*» номли устун Пите Жеко томонидан юритилиб, унда онлайн ва CD-ROM маҳсулотлар шарҳланади, «*Lawrence Looks at Books*» номли устунда эса Жон Р.М. Лоуренс жамоат ва илмий маълумот манбаларини кўздан кечиради, «*Reference Unbound*» номли устун эса Венди Стивенс томонидан юритилади ва ундан 12 йиллик мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган босма ва онлайн нашрларнинг шарҳи бериб борилади, «*Doug's Student Reference Room*» устунда ҳам 12 йиллик мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган манбалар билан бир қаторда маълумотхона архивига киритилган манбаларнинг тақризлари ҳавола этилади.

Маълумот бериш ишида фойдаланилувчи манбаларга бағишланган ретроспектив қўлланмалар орасида, шунингдек, уч жилдлик *Guide to Reference. The New Walford Guide to Reference Resources; Recommended Reference Books for Small and Medium-Sized Libraries and Media Centers* ва *Reference Sources for Small and Medium-Sized Libraries* каби журналлар ҳам бор.

## Баҳолаш мезонлари

Қайси маълумот манбасини харид қилишни ҳал қилиш учун материаллар муайян мезонларга жавоб бериши керак. Умуман олганда бу мезонлар ҳам босма, ҳам электрон манбаларга нисбатан амал қилади:

- кўлам;
- мазмун сифати;
- долзарблик;
- муаллиф ёки нашриёт нуфузи;
- фойдаланиш учун қулайлик, маълумотни излаш имкониятлари, жавоб бериш вақти (электрон манбалар учун);
- материалнинг тартибга солинганлиги;
- фойдаланувчининг эҳтиёжини қондира олиш;
- формат;
- нарх.

Маълумот бериш ишида фойдаланилувчи манбага баҳо беришда унинг кўлами ва мақсадини тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Босма нашрларда муаллиф бунди, одатда, киришда айтиб ўтади. Мазкур маълумот китоб қайси соҳаларни қамраб олиши, унинг муайян соҳа доирасида нақадар кенг кўламли экани, турдош соҳаларни қамраб олиш-олмаслиги, қамраб олинувчи даврлар, келтирилган маълумотларда АҚШдан бошқа қайси мамлакатлар ҳақида маълумот берилиши кўрсатилган бўлиши керак.

Мазкур маълумотлар кутубхоначига нашрни бошқа шунга ўхшаш манбалар билан таққослаш ва уни кутубхона коллекциясига қўшиш нақадар ўринли эканини ҳал қилиш имконини беради. Электрон маълумот базасининг кўламини аниқлаш бироз мушкулроқ бўлиб, бу мазкур турдаги манбада кириш қисмининг йўқлиги билан изоҳланади. Кўпинча, электрон маълумот базасига берилувчи тавсиф, одагда маълумотлар кўлами билан чегараланиши мумкин.

Босма нашрларнинг электрон кўринишларида ҳам кўлам масаласига эътибор бериш муҳим бўлиб, электрон манбадаги маълумотлар босма нашрдан кўра кўпроқ маълумотни ҳавола этиши мумкинлиги ҳам яхши маълум. Ана шундай ҳолатда электрон манбадаги маълумотлар қайси даврни қамраб олишини аниқлаб тавсиф этилади. Шу ўринда аксарият кутубхоналарда манбанинг фақатгина у ёки бу кўриниши бўлиши мумкинлигини айтиш даркор. Негаки, аксарият кутубхоналарда бир нашрнинг ҳам электрон, ҳам босма кўринишини харид қилиш учун маблағ етишмаслиги мумкин.

Электрон нашрлардаги мазмун сифати кейинги пайтларда айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда, негаки кутубхоначилар электрон нашрларни яратувчи компаниялар қандай матнни танлаши устидан назорат қила олмайди. Бунда ҳажм сифат каби муҳим аҳамият касб этмайди. Сифатли мазмун деганда муайян фойдаланувчилар гуруҳи учун мўлжалланган тўғри, кенг кўламли ва долзарб ахборот тушунилади. Маълумотномалар деярли ҳар бир соҳа ва йўналишни қамраб олишини ҳисобга оладиган бўлсак, кутубхоначилар яхши ва қониқарсиз сифатли манбаларни фарқлай билиши керак. Манбани синчковлик билан ўрганиб чиқиш орқали унда бошқа

нашрларда учрамайдиган маълумотлар бор-йўқлиги ёки ўқувчи диққати-га ўзига хос маълумотларни ҳавола этиш-этмаслигини билиб олиш мумкин. Агар на шр мана шу каби хусусиятга эга бўлса, уни бемалол харид қилиш мумкин.

Маълумотноманинг нуфузи муаллиф ёки нашриётнинг нуфузи билан белгиланади. Бунда муаллиф илгари ҳам мана шу каби манбаларни яратгани ҳисобга олинади. Нашриётга келадиган бўлса, у муайян соҳага алоқадор манбаларни илгари нашр этгани билан белгиланиб, бунда кутубхонадаги матн танловчи нашрни кўздан кечиришдан аввал нашриётнинг нуфузидан келиб чиққан ҳолда унга биров ишонч билан ёндашади. Шу ўринда ёддан чиқарманг, ҳаттоки энг нуфузли ва ишончли нашриёт томонидан нашр этилган манбани ҳам синчковлик билан кўздан кечириш зарар қилмайди. Манбадаги маълумотларнинг тўғрилигини худди шу мавзуга бағишлаб чиқарилган бошқа нашрлар билан таққослаш орқали билиш мумкин. Манбадаги маълумотларнинг янглигини уларда мазкур соҳадаги охириги ўзгаришлар акс этган-этмаганини текшириш орқали билиб олиш мумкин. Бундан ташқари, нашрда келтирилган манбалар қайси даврга алоқадорлиги ҳам ундаги маълумотлар нақадар янги эканини билиш имконини беради.

Электрон манбалар фойдаланиш учун нақадар қулайлиги нуқтаи назардан баҳоланиши лозим. Бунда энг муҳим омиллар дастурдан маълумот излаш нақадар осонлиги, дастур фойдаланувчининг сўров ва буйруқларига нақадар тез жавоб беришидан иборат. Бундан ташқари, манбадаги маълумотларни мантиқий излаш усуллари орқали топиш имконияти ҳам унинг юқори сифатидан далолат беради. Мазкур омиллар фақатгина электрон манбаларга алоқадор бўлиб, бундаги яна бир муҳим жиҳат манбада «Ёрдам» ва «Қандай қилиб» бўлимларининг мавжудлигидир.

Маълумотхонанинг иш тартибини ўрганиш орқали унинг бўлимлари нақадар тўғри тузилгани ва улардаги маълумотларнинг излаш учун улар нақадар қулай жойлаштирилганини билиб олиш мумкин. Иши яхши ташкил-лаштирилган маълумотхонада том маънода фойдали манбалар оддий матн ёки муайян мавзуга алоқадор нашрлардан ажратилган ҳолда бўлади. Босма шаклдаги маълумотноманинг саҳифалари қулай дизайнга эга бўлиши, маълумотларни осонлик билан излаш имконини берувчи сарлавҳа ва таг-сарлавҳалар билан таъминланиши керак. Саҳифа матн билан ҳаддан ташқари тўлдириб юборилмаслиги, ўқиш учун қулай бўлган шрифтда ёзилиши керак. Бундан ташқари нашр яхши мундарижа ва каталог кўрсаткичларига эга бўлиши ҳам ундаги маълумотларни излаш жараёнини осонлаштиради. Электрон манбаларда эса сўз қидириш имконияти ёки мавзу номлари берилган бўлиши лозим. Бу орқали ундаги маълумотларни излаш жараёни анча осонлашади. Қулай интерфейс ва керакли маълумотни излаш имконини берувчи ёрдамчи файллар ҳам фойдаланувчига маълумот базасидан осонлик билан фойдаланиш имкониятини берувчи омиллар сирасига киради. Манбани харид қилишда унда ёритилган мавзу нақадар тез ўзгариб туришини ижобатга олиш ва манбани тез-тез янгилаб туриш талаб этиладиган ҳолатда унинг электрон кўринишини олиш тавсия этилади, негаки онлайн нашрларни янгилаб туриш жараёни қулай бўлиб, бунинг учун кутубхона деярли ҳеч

қандай харажат қилмайди. Даврий нашрлар ва газеталардаги каталог кўрсаткичлари айниқса муҳим аҳамият касб этади, негаки бу турдаги нашрлар тез-тез янгиланиб туради.

Маълумотномалар ҳам электрон форматга эга бўлиши мақсадга мувофиқ, негаки улардаги маълумотлар — манзиллар, телефон рақамлари, электрон почта манзиллари ва ҳоказолар доимий тарзда ўзгариб туради. Шу билан бир қаторда бошқа турдаги маълумот манбалари, жумладан, атласлар, қўлланмалар, фактологик маълумотномлар учун энг қулай формат — бу босма кўриниш.

Манбаларни харид қилиш жараёнида маълумотлардан фойдаланувчи аудитория ҳам инobatга олиниши керак. Кутубхона фойдаланувчиларининг эҳтиёжларини қондирмайдиган манба, у қанчалик сифатли бўлишидан қатъи назар, яхши харид ҳисобланмайди. Масалан, университет талабалари ёки олимлар учун мўлжалланган қўлланмани мактаб кутубхонаси учун харид қилиш ярамайди. Бир мавзуга бағишланган маълумот манбалари турли ёшдаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган бўлиши мумкин. Шу боис кутубхона манбани харид қилишда фойдаланувчиларнинг ёшини ҳам инobatга олиши маслаҳат берилади. Бунинг учун манба қайси турдаги нашрда тақриз қилинганига эътибор бериш лозим. Жумладан, мактаб кутубхонасидаги манбаларни шарҳлаган китобдаги нашрни йирик илмий кутубхона коллекциясига қўшиш ноўрин, албатта.

Маълумот манбалари босмадан электрон шаклга ўтиб бораётган бир шароитда, керакли форматни аниқлаш кутубхоначилар учун ўта мушкул вазифага айланиб бормоқда. Бунинг бир неча сабаби бор. Жумладан, маълумот манбалари ҳам электрон, ҳам босма кўринишда мавжуд эмас. Шу боис муайян манбага эҳтиёж сезган кутубхоначилар манбаларни бор форматда харид қилишга мажбур. Иккинчидан, агар манба ҳам электрон, ҳам босма кўринишда мавжуд бўлса, кутубхоначи ўз қарорини фойдаланувчилар аудиторияси ва кутубхона бюджетидан келиб чиққан ҳолда қабул қилиши лозим бўлади. Жумладан, илмий кутубхоналар ўз маълумот манбаларининг аксарияти электрон форматда бўлишини истайди, негаки уларнинг фойдаланувчилари маълумотлардан кўпроқ ўз уйида ёки иш жойида турган ҳолда фойдаланади. Жамоат ва мактаб кутубхоналарида вазият бироз бошқачароқ, негаки уларнинг фойдаланувчилари орасида ҳам босма, ҳам электрон шаклдаги манбалардан фойдаланувчилар сони нисбатан тенг. Бундан ташқари, жамоат ва мактаб кутубхоналари доим ҳам электрон кўринишдаги йирик маълумот базаларини харид қилиш учун етарли маблағга эга бўлавермайди. Учинчидан, айрим маълумот манбаларидан, жумладан, харита ёки атласлардан босма кўринишда фойдаланиш нисбатан қулайроқ.

Манба нархи ҳам уни харид қилиш масаласини ҳал қилишдаги омилларнинг энг муҳимларидан бири. Аксарият мавзулар турфа хил манбаларда мавжуд бўлиб, кутубхоначи уларни юқорида айтиб ўтилган омилларнинг бир нечаси ёки барига асосланган ҳолда танлаши мумкин. Лекин охир-оқибат барча омиллар тенг бўлган пайтда нарх ҳал қилувчи омил сифатида юзага келади. Электрон манбаларга келадиган бўлсак, уларни кутубхоналар гуруҳларга бирлашган ҳолда харид қилиб, шу орқали уларда нархи анча қиммат бўлган манбалардан фойдаланиш учун имкон туғилади.



## Босма ва электрон манбаларни танлаш

Қайси форматдаги манбани харид қилиш тўғрисидаги қарор бир неча омилларга асосланган ҳолда қабул қилинади. Одатда, бу қарор кутубхонанинг ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади. Бунга эса ўз навбатида манба қанчалик мунтазам янгилашиши, электрон форматдаги манбага босма манбадаги барча маълумотлар киритилгани, қамраб олинувчи давр, фойдаланиш осонлиги, манбани кутубхонанинг технологик инфратузилмаси билан уйғунлаштириш имкониятлари каби омиллар таъсир ўтказади. Кўпчилик илмий кутубхоналар учун электрон манбалар энг мақбул танлов бўлиб, талабалар манбалардан кутубхонадан ташқарида ва ўзлари хоҳлаган пайтда фойдаланишни хоҳлайди. Жамоат кутубхоналарида вазият бироз бошқачароқ бўлиб, бу каби кутубхоналарнинг фойдаланувчилари ўз тадқиқотларини электрон усулда амалга оширишга унчалик кўникмаган бўлиши ёки босма нашрларни афзал кўриши мумкин. Манбага бўлган талаб айниқса юқори бўлган пайтда унинг ҳам босма, ҳам электрон кўринишини харид қилиш мақсадга мувофиқ. Ана шундай манбалар қаторига энциклопедиялар киради. Айрим манбаларнинг энг мақбул формати босма кўриниш бўлиб, уларнинг электрон нусхалари босма нашрнинг айрим хусусиятларини ўзида акс эттира олмайди. Матн ичидаги маълумотларни визуал тарзда текширишни талаб қилувчи материалларнинг энг мақбул формати ҳам босма шаклда бўлади. Гарчи айни пайтда кутубхоналарда CD-ROMлар учун ажратилувчи жой ҳажми унчалик катта бўлмаса-да, келажакда бу ҳолат ўзгариши мумкин бўлиб, мазкур форматнинг оммавийлиги вақт ўтиши билан кенгайиб бориши кутилмоқда.

## Маълумотхона бюджетини бошқариш

Кутубхоначилар кутубхона маълумот бўлимининг бюджетини бошқариш ва унинг имкон қадар самарали тарзда сарф этилишини таъминлашни ўрганишлари лозим. Кутубхоналардаги маълумот бўлимлари, одатда муайян ҳажмдаги йиллик бюджетга эга бўлади. Муассаса ҳажми ва ташқилий тузилмасидан келиб чиққан ҳолда, бюджет яхлит ёки мақсадли йўналишларга ажратилган бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам кутубхона ходимлари йил бошида бюджетнинг сарфланиши режасини тузиб олиши мақсадга мувофиқ. Илмий ва йирик жамоат кутубхоналарида тасдиқлаш режалари ва мунтазам буюртмалар бюджетнинг асосий қисмини ташкил этади. Бу мақсадлар учун керакли маблағлар йилнинг бошида ажратилади. Маълумотхона эҳтиёжлари учун манба харид қилиш кутубхонанинг умумий режасининг бир қисми сифатида келиши ёки кутубхона маълумот манбалари билан келишган ҳолда алоҳида режаларни тузиб олиши мумкин.

Аксарият кутубхоналар электрон манбаларни харид қилиш учун кутубхоналар гуруҳларига кўшилишни афзал билади. Негаки, бу орқали улар нархи анча қиммат бўлган манбаларнинг кўпроқ турини харид қилиш ва, бундан ташқари, анча-мунча маблағни тежаб қолиш имкониятига эга бўлади. Сарф-харажат қилмасдан коллекцияни кенгайтиришнинг яна бир йўли — бу бошқа муассасалар ва кутубхоналар билан алмашув битимларини тузиш. Баъзи

муассасалар бошқа муассасалар билан манба алмашиш мақсадида ўз наشرларини чоп этиш билан ҳам шуғулланади.

## Маълумот манбалари тўпламини мунтазам равишда баҳолаб бориш

Кутубхона коллекциялари мунтазам равишда баҳолаб бориши мақсадга мувофиқ. Бу орқали мавжуд материаллар фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини нақадар қондираётгани ва сақлаб туришга нақадар аризилик экани аниқлаб борилади. Мазкур жараён икки қисдан иборат бўлиб, унинг доирасида кутубхона коллекциясидаги камчиликлар аниқланиш баробарида мавжуд манбаларнинг сифати ҳам баҳолаб борилади. Баҳолашнинг самарасини оширишнинг яна бир усули — бу кутубхона томонидан олинган, лекин жавоб бера олинмаган саволлар ва кутубхона коллекциясида топилмагани боис бошқа кутубхоналардан қарзга олинган манбалар рўйхатини тузиб чиқиш. Бунга қўшимча равишда кутубхона жавонларида мавжуд бўлган манбаларни қўздан кечирish ва коллекция фойдаланувчиларнинг амалдаги эҳтиёжларини қондириш учун нақадар мутаносиблашган эканини текшириш ҳам наф бериши мумкин.

Бунда кутубхона ходимлари фойдаланувчиларда ортиқ кизиқиш уйғотмаётган маълумотларни чиқариб ташлаш ва охириги пайтларда катта кизиқиш уйғотаётган соҳалар бўйича манбаларни қўпайтириш лозимлигига эътибор қаратиши тавсия этилади.

Тўпламлар бир неча йўл билан баҳоланиши мумкин. Жумладан, бу учун Тадқиқот кутубхоналари гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган қисқача шарҳда айтиб ўтилган тадбирларни амалга ошириш мумкин. Хусусан, ҳар бир соҳага алоқадор материаллар муайян даража бўйича баҳоланиши мумкин (яъни, 1-даража — энг паст, 2-даража — умумий маълумот, 3-даража — таълим жараёнини тўлдирувчи даража, 4-даража — тадқиқот даражаси, 5-даража — ҳар томонлама кенг қўламли даража). Яна бир усул — кутубхона коллекциясини бошқа кутубхоналар коллекциялар билан таққослаш. Бунинг учун Онлайн компьютер кутубхона марказининг (*Online Computer Library Center — OCLC*) *World Cat Collection Analysis* да стуридан ёки бошқа шунга ўхшаш дастурлардан фойдаланиш мумкин.

Кутубхона фойдаланувчиларнинг эҳтиёжини нақадар қондириши улар орасида сўров ўтказиш орқали ҳам аниқланиши мумкин бўлиб, у юзма-юз, почта, электрон почта ва бошқа шу каби усуллар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

## Маълумотномалар тўпламидаги ноқерак манбаларни чиқариб ташлаш

Ортиқ керак бўлмаган манбаларни кутубхона коллекциясидан чиқариб ташлаш унинг ривожлантириш жараёнининг муҳим қисми ҳисобланади. Маълумотномалар ўз табиати бўйича ўзида энг янги ахборотни жамлаган бўлиши лозим. Шу ўринда эскирган манбаларни коллекциядан чиқариб ташлаш ҳам маълумотхона фаолиятидаги устувор йўналишлардан бири бўлмоғи керак. Замонавий шароит шуни тақозо этмоқдаки, босма нашрлар маълумотхона коллекциясида тобора камроқ ўрин эгаллаб, электрон нашрларнинг ҳиссаси ортиб бормоқда.

Ҳар қандай кутубхонадаги нокерак манбаларни чиқариб ташлаш жараёни куйидаги омилларга асосланиши керак:

- нашр мазмуни эскирган ёки тўғри эмас;
- нашрнинг янги тахрири чоп этилган;
- нашрдан фойдаланиш кўрсаткичлари паст даражада;
- маълумотномадаги ахборот бошқа манбада ҳам мавжуд;
- китобнинг жисмоний ҳолати талабга жавоб бермайди.

Кутубхоначилар тез эскирадиан мавзуларни аниқлаб, уларни ҳам манбалар қаторидан чиқариб ташлаши мақсадга мувофиқ. Тарих, санъат, адабиёт, фалсафа, дин каби соҳаларга бағишланган манбалар жуда кам ҳолатларда коллекциядан чиқариб ташланса, фан, медицина, айрим ижтимоий фанлар мунтазам равишда янгиланган турилди. Кутубхоналарда барча йилномалар ҳар йили алмаштирилавермайди. Маблағни тежаш мақсадида айрим йилномалар ҳар икки-уч йилда янгиланади. Энциклопедияларнинг тўпламдаги «умри» беш йилдан ошмаслиги керак (Нолан, 1998: 162–163). Йиғма тўпламлар, жумладан, биографиялар тўпламлари коллекцияда доимий тарзда сақланади ва фақатгина уларнинг онлайн шакли арзон нархда сотувга чиқарилсагина кутубхона коллекциясидан чиқариб ташланиши мумкин.

Нокерак манбаларни чиқариб ташлашга аниқ тартибли асосда ёндашиш лозим бўлиб, муайян вақт оралиғида барча материалларни кўздан кечириб чиқиш таъминланиши даркор. Бу жараёни амалга ошириш учун махсус гуруҳ тузилса мақсадга мувофиқ бўлади, негаки манбани коллекциядан чиқариш билан боғлиқ саволлар туғилганда, бу масалани гуруҳ доирасида кўриб чиқиш ва манбани рад этиш, айланма коллекцияга ўтказиш ёки оморга сақлаш учун топшириш ҳақида қарор қабул қилиш мумкин.

## Маълумотхона коллекциясини кенгайтириш низомини ишлаб чиқиш

Маълумотхона коллекциясини кенгайтириш низоми унда амал қилувчи иш тартибини ҳужжатлаштириш, унинг келажакдаги ривожланиш йўналишини белгилаб олиш имконини беради. Бу низом мавжуд ходимларга йўналиш бериш, янги ходимларни кутубхона фаолияти билан таништириш ва фойдаланувчиларни керакли ахборот билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Низом кутубхона ходимлари алмашган тақдирда ундаги иш жараёнининг узулуксизлиги ва изчиллигини таъминлашга хизмат қилади. Гарчи маълумотхона коллекциясини кенгайтириш низоми кутубхонанинг коллекцияни кенгайтириш низомини қайтириши шарт бўлмаса-да, у маълумотхона коллекциясини кенгайтириш билан боғлиқ фаолиятни ҳужжатлаштиришга ёрдам беради. Бунда маълумотхона коллекциясини кенгайтириш низоми кутубхонанинг умумий коллекциясини кенгайтириш низомидан бироз фарқланишини ҳам айтиб ўтиш даркор. Низомнинг асосий бўғинлари куйидагилардан иборат бўлиши керак:

- кутубхонанинг ўзи, унинг фойдаланувчилари, тадқиқот соҳалари ёки маълумот бериш хизматларига таъриф берувчи кириш қисми;
- кутубхона коллекциясининг қўлами ва ҳажми тавсифи;

- тўпланган материаллар формати. Бунда электрон манбалар алоҳида бўлим шаклида келтириб ўтилади;
- маълумот бериш ишида фойдаланиш учун тўпланган материаллар турлари;
- кутубхона ходимлари ва манба танлаш учун масъул шахсларнинг вазифалари;
- манбани танлаш, баҳолаш ва коллекциядан чиқариб ташлаш омиллари;
- молиялаштириш манбалари;
- бошқа кутубхоналар билан муносабатлар, кутубхоналар гуруҳларига аъзолик, манба алмашиш.

Низомнинг кириш қисмида кутубхона, унинг мақсад ва вазифалари, фойдаланувчилари ҳақидаги маълумот келтириб ўтилиши лозим. Кириш қисмида, шунингдек кутубхона коллекциясидан қўзланган мақсад ҳам аниқ айтиб ўтилиши керак. Бу мақсад, тўғри ва энг сўнгги маълумотларни ҳавола этиш ёки фойдаланувчиларнинг ахборотга ва таълимга бўлган эҳтиёж-ни қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиши мумкин. Агар кутубхонадан кўрсатиб ўтилган фойдаланувчилар гуруҳига кирмайдиганлар ҳам фойдаланиши мумкин бўлса, бу низомда аниқ кўрсатиб ўтилиши ва кутубхона уларга қай йўсинда хизмат кўрсатиши айтиб ўтилиши лозим. Масалан, айрим университетлар кутубхоналари кенг жамоатчилик, мактаб ходимлари ва ўқувчилари учун очиқ бўлиши мумкин. Масофада туриб таълим олиш тизимининг ривожланиб бориши билан низомда бу турдаги фойдаланувчиларга қандай хизмат кўрсатиш мумкинлигини айтиб ўтиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

Кутубхона коллекциясининг қўлами ва ҳажмини тавсифлашда маълумотнома коллекцияси томонидан қамраб олинувчи соҳалар кўрсатиб ўтилиши лозим. Бу айланиб юрувчи коллекциядан фарқ қилиши ёки у билан бир хил бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, коллекцияга нима киргану нима кирмаганини кўрсатиб ўтиш муҳим.

Тўпланган материаллар формати ҳам кўрсатиб ўтилиши керак. Бунда кутубхона қайси ҳолатда электрон ва қайси ҳолатда босма манбани, ҳолатда эса иккала форматдаги манбани ҳам харид қилиши мумкинлиги тушунтириб ўтилиши керак. Шу ўринда микроформатли ва CD-ROM форматидаги манбалар ҳали ҳам кутубхонада мавжуд ёки йўқ эканини кўрсатиб ўтиш лозим. Кутубхона ходимлари бу ҳақдаги қарорлар нимага асосланган ҳолда қабул қилиниши борасидаги аниқ кўрсатмаларга эга бўлиши керак. Ҳали-ҳануз баҳс мунозараларга сабаб бўлаётган масалалар орасида электрон шаклдаги манбалар масофадан туриб фойдаланиш учун бериладими, йўқми, электрон манбаларни харид қилиш омиллари ҳамда кутубхоналар гуруҳлари ичидаги муносабатлар каби масалалар бор. Шу ерда электрон манбалар борасидаги режаларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

Тўпланган маълумот манбаларининг турлари маълумот коллекциясидан фойдаланиш қўламларини акс эттиради. Бунда кутубхона томонидан тўпланувчи муайян турдаги маълумот манбалари, хусусан, ҳукумат ҳужжатлари, хариталар ва ҳоказолар кўрсатиб ўтилиши мумкин. Маълумотхона коллекцияси фойдаланувчиларнинг илтимослари ва қизиқишлари асосида шакллантирилади ва ривожлантирилади.

Ҳар бир кутубхона ходими коллекцияни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган ўз вазифасига эга. Бунда ҳар бир ходим коллекциянинг муайян қисми

учун жавоб бериши мумкин. Айрим кутубхоналарда коллекцияга қўшиш учун тавсия қилинган манбаларни муҳокама қилиш бўйича махсус қўмиталар тузилади. Бу, айниқса, электрон манбалар учун муҳим, негаки уларнинг нархи босма нашрларникига қараганда бир неча баробар юқори.

Кутубхона, шунингдек, манбани танлаш ва уни коллекциядан чиқариб ташлашда ишлатилувчи мезонларни ҳам аниқ кўрсатиб ўтиши лозим.

Кутубхона коллекциясини кенгайтириш учун маблағ керак бўлувчи манбаларни кўриб чиқиш ҳам фойдадан холи эмас. Кўпчилик одамлар кутубхона қандай молиялаштирилиши ва унинг бюджетидаги чекловлар ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас.

Ниҳоят низомда кутубхонанинг бошқа кутубхоналар билан муносабатлари ҳам айтиб ўтилиши керак. Бу каби муносабатлар, жумладан, юқорида айтиб ўтилган кутубхоналар гуруҳлари доирасида мавжуд бўлиши мумкин. Низомда кутубхонанинг бошқа кутубхоналар билан тузган барча шартномалари айтиб ўтилиши лозим. Қуйида Индиана Университети-Пурдю Университети Форт Вейннин (IPFW) коллекцияси тўғрисидаги баёноти келтирилган:

*«Маълумот коллекцияси IPFW талабалари, ўқитувчи ва ходимларининг тадқиқот эҳтиёжлари учун хизмат қилади. Унда каталог кўрсаткичлари, энциклопедиялар, лугатлар, атласлар, маълумотномалар, библиографиялар, статистика тўпламлари ва қўлланмалар тўпланган. Маълумот коллекцияси IPFWнинг илмий дастурларини қўллаб-қувватлайди ([www.lib.ipfw.edu/2909.ohtml](http://www.lib.ipfw.edu/2909.ohtml))».*

## Кутубхона фойдаланувчилари орасида маълумот манбаларини тарғиб қилиш

Сўнги йиллардаги электрон манбаларнинг кенг тарқалиши маълумот манбаларини кутубхона фойдаланувчилари орасида тарғиб қилишнинг аҳамиятини юксалтирди. Кутубхона веб-сайтини ва синчковлик билан ўрганмаган фойдаланувчи бу каби янги манбаларнинг борлигидан кўпинча беҳабар қолиб кетади. Аксарият кутубхоналарнинг фикрича уларнинг электрон манбалари фойдаланувчилар томонидан етарлича фойдаланилмайди. Вазиятни тўғрилаш мақсадида кўпчилик кутубхоналар бу турдаги манбаларни фойдаланувчилар орасида тарғиб қилиш ишига зўр бермоқда.

Бу каби манбаларни илгари суришда иккита муҳим масала ҳал қилиниши лозим. Биринчиси, бу — ходимлар. Кўпчилик электрон манбалар кутубхона тўпламига қисқа вақт ичида қўшилгани боис кутубхона ходимлари улар билан танишиб чиқишга имкони бўлмайди. Шу боис ходимларнинг манбалар ҳақидаги билимларини вақти-вақти билан янгиллаб туриш муҳим аҳамият касб этади. Баъзи кутубхоналар коллекцияга қўшилган янги маълумот базалари ҳақидаги шарҳларни ҳар ой ёки ҳафта ўз ходимлари орасида тарқатиб боради. Бошқа кутубхоналар эса ҳар бир ходимга муайян маълумот базасини ўрганиш ва у ҳақида тақдимот ўтказиш вазифасини топширади. Фойдаланувчилар учун эса кутубхонанинг веб-сайтида ҳафтанинг ёки ойнинг энг яхши маълумот базаси ҳақидаги маълумотларни ҳавола этиши мумкин. Кутубхоначилар эса маълумот базалари ҳақидаги маълумотларни хабарномалар орқали ҳавола этиши ҳам мумкин.

Қабул қилинган ёндашувнинг қандай бўлишидан қатъи назар кутубхона коллекцияси ҳақидаги маълумотлар фойдаланувчилар орасида тарғиб қилиниши лозим. Маълумот бериш иши кўп жihatдан хизмат бўлиб, коллекциядан амалий тарзда фойдаланилмаса самараси кўнгилдагидек бўлмаслиги аниқ.

## Recommendations for Further Reading

- Beals, Jennifer and Ron Gilmour. 2007. «Assessing Collections Using Brief Tests and WorldCat. Collection Analysis». *Collection Building* 26, no. 4:104–107. A report on using the Brief Test approach to collection evaluation.
- Bradford, Jane T 2005. «What's Coming off the Shelves? A Reference Use Study Analyzing Print Reference Sources Used in a University Library». *The Journal of Academic Librarianship* 31, no. 6 (November): 546–558. A four-month study of print materials at the Stetson University Library concluded that the reference collection was too large and was not well used.
- Clendenning, Lynda Fuller, J. Kay Martin, and Gail McKenzie. 2005. «Secrets for Managing Materials Budget Allocations: A Brief Guide for Collection Managers». *Collections, Acquisitions & Technical Services* 29,1: 99–108. A step-by-step guide to managing individual funds within a library's materials budget.
- Crosetto, Alice et al. 2007. «Assessment in a Tight Time Frame: Using Readily Available Data to Evaluate Your Collection». *Collection Management* 33, no. 1/2: 29–50. The William S. Carlson Library at the University of Toledo needed to move the reference and circulation collections to make room for an information commons. This proved to be an opportunity to evaluate the collection.
- Doll, Carol A., and Pamela Petrick Barron. 2002. *Managing and Analyzing Your Collection: A Practical Guide for Small Libraries and School Media Centers*. Chicago, IL: American Library Association. An easy-to-use guide to collection analysis and weeding.
- Johnson, Peggy. 2009. *Fundamentals of Collection Development and Management*. 2nd ed. Chicago, IL: American Library Association. An excellent recent addition to the literature on collection development.
- Landesman, M. 2005. «Getting It Right—The Evolution of Reference Collections». *The Reference Librarian* no. 91/92: 5–22. Discussion of the changing nature of reference collections.
- Samson, Sue, Sebastian Derry, and Holly Eggleston. 2004. «Networked Resources, Assessment and Collection Development». *Journal of Academic Librarianship* 30, no. 6 (November): 476–481. An evaluation of networked resources as they relate to the library's collection development policy.
- Singer, Carol A. 2008. «Weeding Gone Wild: Planning and Implementing a Review of the Reference Collection». *Reference & User Services Quarterly* 47, no. 3: 256–264. A review of the reference collection at the Jerome Library at Bowling Green State University because of the proposed move of the science reference collection to the Jerome Library.
- Tucker, James Cory, and Matt Torence. 2004. «Collection Development for New Librarians: Advice from the Trenches». *Library Collections, Acquisitions & Techni-*

- cal Services* 28, no. 4: 397–409. Practical advice on collection development for the new librarian.
- Twait, Michelle. 2005. «Undergraduate Students. Source Selection Criteria: A Qualitative Study». *The Journal of Academic Librarianship* 31, no. 6 (November): 567–573. Twait studied a group of undergraduate students to determine what criteria they used in selecting sources to use.
- Tyckson, David. 2005. «Reference Classics Ahead of Their Time». *Against the Grain* 17, no. 4 (September): 22–28. Based on an ALA program in 2005 that discussed what makes a reference classic.
- Wilkinson, Frances C, and Linda K. Lewis. 2005. «Reference eBooks: Does an eBook on the Screen Beat One on the Shelf?; Discussion on Electronic Reference Books with Seven Academic Librarians». *Against the Grain* 17, no. 4 (September): 1,18, 20, 22. This article explores the rapidly changing world of reference books—the ways that electronic reference books are being selected, purchased, and budgeted.
- Wu, Michelle M. 2005. «Why Print and Electronic Resources Are Essential to the Academic Law Library». *Law Library Journal* 97, no. 2 (Spring): 233–256. The author argues that both print and electronic resources are needed.

## Resources Discussed in This Chapter


---

- Kieft, Bob, ed. *Guide to Reference*. Chicago, IL: ALA. Available: [www.guidetoreferences.org/HomePage.aspx](http://www.guidetoreferences.org/HomePage.aspx).
- New Walford's Guide to Reference Resources*. 2005. 3 vols. London: Facet; distr. by Neal-Schuman.
- O'Gorman, Jack, ed. 2008. *Reference Sources for Small and Medium-Sized Libraries*. 7th ed. Chicago, IL: ALA.
- Recommended Reference Books for Small and Medium-Sized Libraries and Media Centers*. 1981-. Englewood, CO: Libraries Unlimited. Annual.
- Resources for College Libraries*. 2006. 3rd ed. New Providence, NJ: ACRL/CHOICE and R. R. Bowker.

## Bibliography of Works in This Chapter

---

- Bates, Marcia J. 1986. «What Is a Reference Book: A Theoretical and Empirical Analysis». *RQ* 28 (Fall): 40–43.
- Doll, Carol A., and Pamela Petrick Barron. 2002. *Managing and Analyzing Your Collection: A Practical Guide for Small Libraries and School Media Centers*. Chicago, IL: ALA.
- Gwinnett County Public Library. 1998. *Weeding Guidelines*. Chicago, IL: Public Library Association.
- Nolan, Christopher W. 1998. *Managing the Reference Collection*. Occasional Paper #27. Chicago, IL: ALA.
- Perez, Alice J. 2004. *Reference Collection Development: A Manual*. 2nd ed. Chicago, IL: RUSA.





### Дизайн ва таълим услублари

Маълумки, 2008 йилда иқтисодий инқироздан илгарироқ, яъни 2005 йилда АҚШдаги автомобиль ишлаб чиқарувчи энг йирик корпорация «General Motors» компанияси штатлар қисқартирилишини эълон қилиб, 300 минг нафар ишчисини бўшатиб юборган эди. Бу қарор АҚШда кенг нишонланадиган байрамлардан бири — «Шукроналик куни» арафасида оммага маълум қилинган. Мутахассисларнинг айтишича, «ишдан бўшатишнинг аксариятини компаниянинг кўзга кўринган тажрибали ходимлари ташкил этган». Уларнинг раҳбарлари ишчиларга америкаликлар харид қилишни хоҳлаётган автомобиль ишлаб чиқариш учун зарур имкониятини яратиб бера олмаган (Баи, 2005: 15). Бошқача қилиб айтганда, гарчи компания юксак малакали кадрлар ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларга эга бўлса-да, биргина раҳбарият томонидан тўғри қабул қилинмаган бизнес қарори туфайли компания инқирозга юз тутган.

Кутубхонани бошқариш ҳам корпорацияларни бошқариш тамойилларига асосланади. Юқорида айтиб ўтилган мисол ХХІ аср кутубхоначилари учун ўзига хос сабоқ бўлиб хизмат қилиши мумкин. Маълумотхонанинг фойдаланувчилари — ахборотга эҳтиёж сезган истеъмолчилар бўлиб, улар ахборотни ўзининг билим ва малака даражасидан келиб чиққан ҳолда қидиради. Йигирма биринчи асрдаги ахборот истеъмолчиларининг билим олиш услуби аввалги ахборот истеъмолчилариникидан кескин фарқ қиладими? Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатнинг турли бурчакларидан келиб, ўз саволларига жавоб олиш ниятида том маънода «устознинг пойида тиз чўккан» талабалар қуршовида бўлган Суқротни кўришимиз мумкин. Орадан икки ярим минг йил ўтиб, Канаданинг Саймон Фрейзер ёки АҚШнинг Гарвард университети кутубхонасида компьютер қаршисида ўтирган кутубхоначилар талабаларнинг саволларига жавоб топишда қўмаклашаётганига гувох бўламиз. Шу боис айтишимиз мумкин: «Ҳа билим олиш услуби ўзгарди ва биз ҳозир ХХІ аср таълим тизимини кўриб турибмиз».

Мазкур усулнинг асосий хусусияти шундан иборатки, унда билим олувчи ўзига керакли ахборотни тез ва имкон қадар кенг қўламли тарзда олишга кўникиб қолган. Ана шундай бир шароитда маълумот бериш хизматлари ва ахборотдан фойдаланиш имкониятлари ҳам жадал ўзгариб, такомиллашиб бормоқда. Йигирма биринчи асрда маълумот бериш билан шуғулланувчи кутубхоначи ўзгариб бораётган шароитга тез кўника олиши, янги хизмат турлари, ахборот-

ни етказиш воситаларини амалиётга тадбиқ этиши ва бошқара олиши, мавжуд кадрлардан имкон қадар самарали фойдаланишни ташкил эта билиши керак.

## Маълумот бўлимларининг ишини ташкил этиш

Одатда, кутубхонадаги маълумот бўлимининг иши бир неча босқичдан иборат бошқарув тизимига асосланади. Фойдаланувчига хизмат кўрсатиш давомида босқичлар сақланиб қолса-да, вазиятдан келиб чиққан ҳолда, фойдаланувчининг эҳтиёжини кондиритиш учун бироз ўзгариб туриши ҳам мумкин.

Охирги йилларда ўрнатилган тизимда бироз ўзгаришлар юз бериб, маълумотхоналарнинг иши ўзини-ўзи бошқарувчи гуруҳлар томонидан юритилиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Жумладан, 1998 йилдан буён АҚШдаги Огайо давлат университетидаги тиббиёт фанлари кутубхонасида «Ахборот ва маълумот хизматлари гуруҳи» ташкил этилган бўлиб, унда бошқарув ягона раҳбар томонидан эмас, балки алмашиб раҳбарлик қилувчи мувофиқлаштирувчилар томонидан амалга оширилади. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳамкасбининг ишини ўрганиш ва шу орқали маълумот бериш хизматларининг сифатини яна яхшилашга ўз ҳиссасини қўшиш имкониятига эга бўлади (Бредиган ва Пауэл, 2004). Орегон давлат университетидаги Валли кутубхонаси ҳам «гуруҳ асосида бошқариш» тизимини амалиётга татбиқ этиб, ундаги қарорлар бир шахс томонидан эмас, балки гуруҳ доирасида тузилувчи махсус ишчи гуруҳлар ва мувофиқлаштирувчи маслаҳат кенгашлари томонидан қабул қилинади (Макмиллен ва Рейли, 2003).

Маълумотхона ишини гуруҳлар асосида бошқариш тизимининг афзаллиги ҳақида гапириб, мутахассислар гуруҳ аъзолари ишга масъулият билан ёндашишни таъкидлайди, негаки биргина одамнинг эътиборсизлиги ёки масъулиятсизлиги бутун гуруҳнинг ишига таъсир қилиши мумкин (Янг, 2004: 185). Бундан ташқари, гуруҳ бўлиб бошқариш тизимида муаммолар тезроқ ҳал қилинади, негаки масалани раҳбарга етказиш учун бир неча босқични босиб ўтиш талаб қилинмайди. Барча қарорлар тез суръатда гуруҳ аъзолари доирасида ҳал қилинади (Пун-Ричардс, 1996). Энг муҳими, гуруҳ аъзоларининг профессионал ривожланиш жараёни ҳам анча тезлашади (Макмиллен ва Рейли, 2003).

Шу билан бирга, гуруҳлар асосида бошқариш тизими биргина кутубхоначилик соҳасида эмас, балки бошқа йўналишларда ҳам кенг қўлланилаётганини айтиб ўтиш даркор. Мазкур турдаги бошқарув моделларининг пайдо бўлиши айтилган пайтда дунёда юз бераётган ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ. Ўзгариб бораётган технологиялар дунёси талант ва тажрибага эга бўлган мутахассисларнинг тамомила бошқача авлодини шакллантиришни талаб этмоқда. Джеймс Нил (2005) ўзининг Коллежлар ва тадқиқот кутубхоналари уюшмасининг 12-миллий конференциясида таъкидлаганидек, «янги авлод профессионаллари»нинг шаклланиши функционал ходим, компьютер тизимлари ва административ хизматлардаги иш жойлари сонининг ошиб бориши билан боғлиқ. Бундан ташқари, хизматлар соҳасидаги эҳтиёжларнинг кескин ўзгариши мувофиқлаштиришнинг бирмунча юқорида даражаси ва муаммоларни коллектив тарзда ҳал қилиш тизимига бўлган эҳтиёжни кучайтирмоқда (Келли, 1998: 8).

Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш керакки, атрофда рўй бераётган ўзгаришларнинг ўсиш суръати ва жадаллиги сустлашиши билан гуруҳ асосида бошқариш тизимининг аҳамияти ҳам пасайиши табиий. Буни ҳозирнинг ўзидаёқ кичик ҳажмдаги жамоат кутубхоналари мисолида кузатиш мумкин. Уларда фойдаланувчиларнинг қизиқишларидаги ўзгаришлар ва янги технологияларнинг амалиётга татбиқ қилиш жараёни босқичма-босқич тартибда амалга оширилмоқда. Гуруҳ асосида бошқариш тизими кўпроқ илмий кутубхоналарга хос бўлиб, у ердаги технологиялар ўзгариш суръатлари ҳам тезроқ, ҳам изчилроқ кечади. Илмий кутубхона ходимларининг ўзгариб бораётган ролига бағишланган тадқиқотдан маълум бўлишича, бу турдаги кутубхоналарда юз бераётган ўзгаришларнинг аксарияти технологиялар соҳасидаги жадал ўзгаришлар билан боғлиқ. Жумладан, электрон коллекцияни кенгайтириш, электрон почта орқали маълумот бериш, ахборотни онлайн шаклда излаш, веб-саҳифалар дизайни кутубхона ва унинг ходимлари фаолиятига жуда катта ўзгаришларни киритди (Кардина ва Викс, 2004).

## Ходимларни ташкиллаштириш

Ходимларнинг маоши кутубхона бюджетининг 50–80 фоизини ташкил этиши ҳисобга олинса (Гудрич, 2005), кадрлардан самарали фойдаланиш ва уларнинг вақтини тўғри тақсимлаш кутубхона раҳбарининг биринчи галдаги вазифалари қаторига киради.

## Маълумотнома

1967 йилда Америка кутубхоналар уюшмаси жамоат кутубхоналарини ходимлар билан таъминлашнинг минимал талабларини эълон қилиб, одам бошига  $x$  та ходим,  $y$  та китоб ва  $z$  квадрат метр жой бўлиши кераклиги белгиланган.

Вақт ўтиши билан мазкур ҳисоб-китоблар самарасиз эканлиги маълум бўлди. Ҳозирги кунда ва яқин келажакда кутубхоналарни ходимлар билан таъминлаш фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига асосланган дедуктив мантиқдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозимлиги аниқ бўлди.

Вайнона давлат университети кутубхонасида маълумотхонадан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларда ҳам, мурожаатлар сонидан ҳам уларга жавоб беришдаги мушкуллик даражаси акс этган. Ана шу маълумот асосида куннинг муайян қисмида маълумотхонадаги ходимлар сонини кўпайтириш ва маълумотхонага ёрдам бериш учун чақирилиши мумкин бўлган навбатчи кутубхоначилар тизимини киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган (Деннисон, 1999). Жамоат кутубхоналари уюшмаси томонидан нашр этилган «Самарани таъминловчи ходимлар» (Staffing for Results) китобида ҳам кутубхоналарни ходимлар билан таъминлашнинг дедуктив тамойиллари афзалликлари таъкидланиб, бу жараён олдиндан белгиланган қандайдир тахминлар асосида эмас, балки маҳаллий фойдаланувчилар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкиллаштирилиши лозимлиги таъкидланади (Майо ва Гудрич, 2002).

Кўп ҳолларда маълумотхонанинг ахборот эҳтиёжларини қондиришдаги аҳамияти онгли равишда пасайтирилади. Жумладан, Кэрил Бутчер исми мута-

хассиснинг ёзишича, «маълумотхона кутубхоначилар фойдаланувчиларга ёрдам беришдан чарчаганда дам оладиган жойга айланиб бормоқда» (1999: 351).

Йорк коллежи, Калифорния университети ва Шимоли-Гарбий Миссури давлат университети нинг илмий кутубхоналарида маълумотхона тушунчаси мавжуд эмас, шу боис кутубхоначидан ёрдам олиш учун фойдаланувчи қабул вақтини олдиндан келишиб олиши талаб этилади.

Фактологик маълумотларни олиш учун фойдаланувчи умумий қабулхонага мурожаат қилиши керак бўлади. Мазкур модель турли муассасаларда турлича қўриниш олган. Жумладан, Джонс Хопкинс университетининг тиббиёт кутубхонаси ҳамда Аризона давлат университети кутубхонаси умумий қабулхонасида мазкур соҳада мутахассис бўлмаган ходимлар ишлайди. Брандайс университети кутубхонаси эса, ишга битирувчи курс талабаларини жалб қилган. Шимолий Каролина университети ҳам ишга мутахассис бўлмаганлар ва талаба ёрдамчиларни қабул қилган. Улар кутубхонага келган фойдаланувчиларни кутиб олиб, уларнинг илтимосларини тинглайди ва имкони борича маълумотларни ўзлари беради. Агар фойдаланувчига кенг қўламли ахборот керак бўлса, унга ёрдам бериш учун профессионал кутубхона ходими жалб қилинади (Бейли ва Тьерни, 2002). Аризона университети кутубхонасига келган фойдаланувчи умумий қабулхонада мавжуд бўлган фактологик маълумотлардан қўнгли тўлмаса, унга ёрдам бериш учун мутахассис жалб қилинади ёки фойдаланувчи кутубхона веб-сайтидаги махсус ариза шаклини тўлдиргач, уни қизиқтирувчи мавзуга ихтисослашган кутубхоначи у билан боғланади (Брэйк, Чайнасвамми ва Кляйн, 2008).

«Ахборот ҳамжамияти» модели маълумот бериш билан боғлиқ барча фаолият турларини интеграциялаштириш ва бу жараёни «универсал дўкон» қўринишига келтиришни мақсад қилган. Унда талаба ва ўқитувчилар «маълумот излаш босқичини режалаштириш, изланишни амалга ошириш ва якуний маҳсулотни тақдим қилиш жараёнини ўз ичига олган, аммо қўринмас узвий боғланган дунёга тушиб қолгандек бўлади» (Бейли ва Тьерни, 2002).

## Хизмат кўрсатишни бошқариш

Хизмат кўрсатиш тизими энг катта ўзгаришларни бошдан кечирган йўналиш бўлса, ажаб эмас. Электрон шаклдаги ахборотнинг жамиятимизга кириб бориш қўлами тобора кенгайиб, электрон маълумот базалари, Интернет тармоги, бир зумда хабар алмашиш, подкастлар, блоглар, чат орқали маълумот бериш, компьютер, лэтоп, ноутбук, симсиз алоқа, уяли телефон — буларнинг бари маълумот бериш хизматларини тамомила янги босқичга олиб чиқди.

### Мобил хизмат

Одатда «мобил хизмат» деганда кутубхоначиларнинг маълумотхонадан чиқиб, қийинчиликка дуч келган фойдаланувчиларга ёрдам бериши тушунилади. Ист Милкриск кутубхонаси бошқарувчиси Сюзан Тронье айтганидек: «Кутубхоначиларимиз иш кунининг биринчи ярмида кутубхонага келган фойдаланувчилар билан ўзлари мулоқотга киришиб, уларнинг масаласини

ҳал қилишда ёрдам кўрсатилади. Кейин улар маълумотхонадаги иш жойига қайтиб, у ердаги ишларни бажаради, яъни янги келган адабиётларни тақсимлайди, китоб жавонларини тўрилайди, керакмас китобларни саралайди ёки қандайдир бошқа иш билан банд бўлади. Ходимларимиз кутубхонанинг қай бир бурчагида бўлмасин, фойдаланувчилар уларга ўз саволлари билан бемалол мурожаат қила олади» (12/22/2005).

АҚШнинг Мичиган штатидаги Салем-Сауз Лион кутубхонаси ходимлари китоб жавонларини тартибга келтириш чоғида ёнларида қўл компьютерларини олиб юришни одат қилган. Бу ҳам фойдаланувчиларга ёрдам беришда қўл келмоқда (Хибнер, 2007).

Айрим кутубхоналар «мобил хизмат» тушунчасини кутубхона биносидан ташқарига ёйиш ташаббусини амалда синаб яхшигина натижаларга эришмоқда. Жумладан, Гарвард университети кутубхоначилари ахборот хизматларини том маънода йўл бўйида таклиф қилади. Қўлида компьютер ушлаган кутубхоначи бошланғич курс талабалари марказига бориб, у ердаги талабаларга интернет тармоғи орқали керакли маълумотларни топишда амалий ёрдам кўрсатади. Шунга ўхшаб Канаданинг Саймон Фрейзер университети кутубхонасининг жонкуяр ходимлари ҳам «Биздан сўранг!» ташаббусини амалга оширган. Унга кўра, кутубхона ходимлари талабалар йиғиладиган икки нуқтада туриб, уларнинг саволларига жавоб беради (Вонг ва О'ши, 2004:91). Монтана университети кутубхонаси ходимлари ҳам «ташқаридан туриб хизмат кўрсатиш» ташаббусини қўллаб-қувватлаган ҳолда талабалар ётоқхоналари ва талабалар марказларида айланиб юрган ҳолда ўз хизматларини таклиф қилганлар (Хайнс 2007).

## Виртуал хизматлар

Масофадан туриб ахборот ва маълумот бериш воситаларидан фойдаланиш кутубхона бошқарувчиларининг масъулиятини янада оширди. Сифатли хизмат кўрсатувчи кадрларни ишга жалб қилиш ва уларнинг малакасини ошириш, ходимларнинг вақтини тўғри тақсимлаш, кўрсатилган хизматларни баҳолаш, технологиялар соҳасидаги ўзгаришлардан хабардор бўлиш — буларнинг бари замонавий кутубхоналар бошқарувчиларининг асосий вазифалари сирасига киради.

### Куну тун фойдаланиш имконияти

Маълумот бериш хизматининг энг фаол кўриниши — бу куну тун, яъни чат орқали маълумот бериш ҳисобланади. Мазкур соҳага бағишлаб чоп этилган китобларнинг бирида айтилишича, ушбу турдаги хизмат кўрсатишнинг нархи кутубхона турига қараб анча-мунча фарқланиши мумкин. Виртуал маълумот бериш хизматларини кўрсатувчи кутубхоналар инфратузилмани сақлаб туриш учун йилга 12 минг долларгача маблағ тўлаши мумкин бўлган бир пайтда, кутубхоналар гуруҳига аъзо бўлиш орқали бу каби хизматлар учун кетадиган сарф-харажат ҳажми 3 минг долларгача етиши мумкин (Бэйли-Хайнер, 2005).

Куйидаги жадвалда АҚШдаги айрим виртуал маълумот бериш хизматлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

18—2 РАҚАМЛИ ЖАДВАЛ. АҚШДАГИ АЙРИМ ВИРТУАЛ МАЪЛУМОТ БЕРИШ ХИЗМАТЛАРИ				
Хизмат номи	Интернет манзили	Жойлашуви	Ташкил этилган йили	Кутубхоналар
ASKALibrarian	<a href="http://askalibrarian.org">http://askalibrarian.org</a>	Флорида	2003	109
Q&A NJ	<a href="http://www.qandaj.org">www.qandaj.org</a>	Нью-Джерси	2001	51
Ncknows	<a href="http://www.ncknows.org">www.ncknows.org</a>	Шимолий Каролина	2004	121
L-net	<a href="http://www.oregonlibraries.net">www.oregonlibraries.net</a>	Орегон	2003	38
KnowitNow	<a href="http://www.knowitknow.org">www.knowitknow.org</a>	Огайо	2004	78
AskUsNow	<a href="http://www.askusnow.info">www.askusnow.info</a>	Мэриленд	2003	40
AskColorado	<a href="http://www.askcolorado.org">www.askcolorado.org</a>	Колорадо	2003	74
QuestionPoint: 24/7 reference	<a href="http://www.questionpoint.org">www.questionpoint.org</a>	Глобал	2001 (2005 й. бирлашган)	1500 га яқин

Виртуал ахборот бериш соҳасидаги ҳамкорлик халқаро миқёсда ҳам амалга оширилаётган бўлиб, Буюк Британиядаги *The People's Network Enquire* ташаббуси ўз атрофида 80дан зиёд жамоат кутубхонасини бирлаштирган. Унинг молиялаштирилиши Буюк Британиянинг музейлар, кутубхоналар ва архивлар кенгаши томонидан амалга оширилади. Германиядаги ZLB (Zentral- und Landesbibliothek) немис, инглиз, француз ва турк тилларида маълумот хизматларини кўрсатиб, Европанинг бошқа давлатларидаги кутубхоналар билан ҳам фаол ҳамкорлик ўрнатган (IFLA, 2005). Мазкур ҳамкорлик ташаббуслари ўз самарасини намойиш этиб, куну-тун давомида виртуал маълумот берувчи муассасалар ҳам самарали тарзда фаолият юритиши мумкинлигини амалда исботламоқда (Бейли-Хайнер, 2005).

Кутубхонада виртуал маълумот бериш хизматларини ташкил қилмоқчи бўлган бошқарувчилар Америка кутубхоналар уюшмасининг йўриқномасига асосланиши мумкин ([www.ala.org/ala/mgrps/divs/rusa/resources/guidelines/virtrefguidelines.cfm](http://www.ala.org/ala/mgrps/divs/rusa/resources/guidelines/virtrefguidelines.cfm)). Лойиҳаларни бошқариш бўйича дастурий маҳсулотлар, жумладан «Майкрософт» компаниясининг MSP2000 дастури бу каби хизматларни кириштириш ва мониторинг қилиш борасидаги қулай воситалар ҳисобланади.

### «Кутубхона ходимидан сўранг» хизматлари

Турли кутубхоналар ҳамкорлигида тузилган виртуал маълумот бериш хизматлари гуллаб-яшнаётган бир пайтда, кутубхона бошқарувчилари алоҳида муассасалар ташаббуси билан яратилган кўплаб виртуал маълумот хизматларидан фойдаланиши ҳам мумкин.

- АҚШдаги Мичиган давлат университети Trillian дастури асосида ишловчи бир зумда хабар алмашиш хизматини амалиётга татбиқ қилган. Университет раҳбариятининг фикрича, мазкур дастур ундан фойдаланётган кўплаб талабаларга қулай маълумот олиш тизимини ҳавола этади (Бем, 2005).

Пенсильвания давлат университетининг Шрейер бизнес кутубхонаси ҳам ўзининг виртуал хизматлари қаторига бир зумда хабар алма шиш дастурлари орқали маълумот бериш тизимини ишга туширган (Забел, 2005).

- Орандж каунти кутубхоналари маълумот тарқатиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида RSS тизимини қабул қилган илк жамоат кутубхоналари ҳисобланади. Ундан сўнг RSSдан минглаб бошқа кутубхоналар ҳам фойдалана бошлаган. Пегпердин университети кутубхоналари, MIT университети кутубхоналари ва Бейлор университети кутубхоналари янги каталоглаштирилган манбалар ҳақидаги маълумотларни RSS тизими орқали тарқатишни йўлга қўйган. Хеннепин каунти кутубхонаси ва Сиэтл жамоат кутубхонаси кутубхонадан олинган ва фойдаланувчилар қўлида бўлган китоблар ҳақидаги хабарларни тарқатади. Бундан ташқари, кутубхоналар ўз веб-сайтларида аудиохабарлар (подкастлар) ҳамда видеохабарларни (водкастлар) жойлаштириш амалиётини ҳам киритган.
- Кутубхоналар ўз сайтларидаги контакт марказларини ҳам такомиллаштириб, жумладан VOIP (овозли мулоқот) воситасини ҳам қўшмоқда. Натижада, фойдаланувчилар кутубхоначилар билан сайт орқали овозли мулоқот қилиш имкониятига эга бўлмоқда. Янги ташаббуслардан яна бири «*knowledgebases*» деб номланиб, у ҳам сайтда алоҳида бўлим кўринишида бўлади ва унга фойдаланувчилар томонидан энг кўп берилувчи саволлар ва уларнинг жавоблари жойлаштирилади (Коффман, 2001). АҚШнинг Мичиган штатидаги Салем-Сауз Лион кутубхонаси ҳам VOIP дастуридан фойдалана бошлагач, ундаги маълумот бериш хизматларининг тезлиги ва самараси бир неча баробар ортган. Бундан ташқари, кутубхона ходимлари бирор муаммога дуч келганда, бир-бирлари билан алоқа ўрнатиши ва вазиятни имкон қадар тез ҳал қилиши учун ҳам шароит яратилган (Хибнер, 2007). Энг биринчи ва кенг қўламли «*knowledgebase*»лардан бири Start деб номланган бўлиб у <http://start.csail.mit.edu/index.html> манзилида жойлашган. Умуман олганда, барча кутубхоналар хоҳ илмий, хоҳ жамоат, хоҳ махсус, хоҳ мактаб кутубхоналари бўлсин, ўз сайтларида «Кутубхоначидан сўранг» хизматининг у ёки бу кўринишини амалиётга татбиқ этган.

## Янги роллар

АҚШдаги шаҳар кутубхоналари кенгаши буюртмаси билан Ижрочи раҳбарлар институти томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, иштирокчилар янги турдаги кутубхоналарнинг пайдо бўлиши ва улар фаолиятидаги ўзгаришларни қўллаб-қувватлаган (Найсли ва Демпси, 2005: 3–4). Юқорида айтиб ўтилганидек, охириги йилларда кутубхоналар фаолиятида ҳам жиддий ўзгаришлар юз бериб, улар, жумладан кутубхонада раҳбарлик тизими, хизмат кўрсатишнинг янги, инновацион усуллари, ахборот бериш хизматларининг кутубхона ҳудудидан ташқарига кўчирилиши ва ҳоказоларда ўз аксини топмоқда. Бундан ташқари, электрон манбаларни бошқариш, веб-сайтларни ташкил этиш ва улар орқали янги хизмат турларини кўрсатиш, маълумот манбаларини тарғиб қилиш ҳам кутубхоначилик ишидаги янгиликлар сирасига киради.

## Электрон манбаларни бошқариш

«Электрон ахборотни харид қилиш босма нашрни харид қилишдан кўра қимматга тушиб, харид қилиш жараёнининг ўзи ҳам бирмунча қийинчилик туғдиради» (Бутчер, 1999: 350). Гарчи, бу фикрнинг сийқаси чиқиб улгурган бўлса-да, лекин маълумотхона бошқарувчиси ҳар бир маълумот базасини харид қилишдан аввал харидни режалаштириши, танлаши, нархини келишиш лозимлигини унутмаслиги керак. Бундан ташқари, бошқарувчи босма шаклдаги манбалар электрон кўринишдаги муқобилларига алмаштирилиши зарурлиги масаласини ҳам ҳал қилиши керак бўлади.

Илмий кутубхоналар бюджетининг 61 фоизи электрон манбаларни харид қилишга йўналтирилиши инobatга олинса (Албаниз, 2004), замонавий кутубхоналарнинг маблағларини тақсимлашда илгари қабул қилинган тарғиб-қоидалардан воз кечиб, янги шарт-шароитларни инobatга олиш лозимлиги аён бўлади.

Шу ўринда маҳсулот етказиб берувчилар билан музокаралар ўтказиш, сайт учун лицензия шартномаларини тузиш ҳам маълумотхона бошқарувчиларининг зиммасига тушаётган янги вазифалар сирасига кирмоқда (Бревиґ, 2008). Шу ўринда кутубхоналар гуруҳларига аъзо бўлиш маълумотхоналар бошқарувчиларининг ишини бирмунча енгиллаштиришга хизмат қилаётганини ҳам айтиб ўтиш даркор (Хайермас, 2001). Кутубхоналарнинг йирик гуруҳлари, жумладан, Кутубхоналар гуруҳлари халқаро коалицияси ([www.library.yale.edu/consotria](http://www.library.yale.edu/consotria)), Тадқиқот кутубхоналарининг Вашингтон гуруҳи ([www.wrlc.org](http://www.wrlc.org)), Калифорния электрон кутубхоналар гуруҳи (<http://sceic.org>) кабилар кутубхоналарнинг электрон маълумот базаларидан фойдаланиш бoрасидаги имкониятларини бир неча баробар кенгайтириш учун шароит яратишга хизмат қилади. Шу ўринда фойдаланувчиларга ахборотдан фойдаланишда юридик қоидалар ҳамда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳолатларга риоя қилиш зарурлигини таъкидлаш жоиз (Вамкен, 2004).

## Веб-сайтларни бошқариш

Кутубхонанинги веб-сайти унинг юзи ва фойдаланувчига кутубхона ҳақида маълумот берувчи илк манба ҳисобланади. Шу боис ҳам веб-сайтнинг сифатини таъминлаш айнан маълумотхона зиммасига юкланади.

Шу боис ҳам йигирма биринчи аср кутубхонаси раҳбарлари веб-сайтларни тузиш ва бошқариш ишидан хабардор бўлиши шарт.

2001 йилда ўтказилган тадқиқот натижалари Америка тадқиқот кутубхоналари уюшмасига аъзо кутубхоналар ходимларининг 98 фоизи сайтни яратиш, таҳрир қилиш ва янгилаш билан мунтазам шуғулланишини кўрсатди (Рагсдейл, 2001:9). Кутубхона веб-сайтда ишлайдиган ходимлар сони унинг ҳажми, тузилиши ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда маълумотхона бошқарувчиси электрон манбаларни тартибга солиш ва уларни кенгайтириш билан боғлиқ иш тизимининг тобора мураккаблашиб боришига ҳам тайёр бўлиши керак (Бутчер, 1999: 351).

Web 2.0 дастурий таъминоти асосида яратилган ижтимоий тармоқларнинг оммавийлашиши ҳам кутубхона веб-сайтларини бошқариш тизимини бироз мураккаблаштиради. Интерактив онлайн мулоқотга қўниқиб қолган фойдала-



нувчилар кутубхоналар веб-сайтлари нафақат маълумот манбаи, балки интерактив хизматлар кўрсатиши, улар билан мулоқот қилиши ва уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатишини истай бошлади. Кейинги авлод веб-сайт бошқарувчилари сайтлар нафақат маълумот олиш, балки мулоқот қилиш жойи бўлишини инobatга олиши ва сайтларнинг дизайн ва бошқарувини ҳам шунга қараб ташкиллаштириши лозим бўлади (Дель Пинто, 2009: 41).

## Маълумот манбалари маркетинги

Гарчи нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятида маркетинг технологияларидан фаол фойдаланаётган бўлса-да, кутубхоналар маълумот манбалари ва хизматлари маркетингини йўлга қўйишда бироз сусткашлик қилиб келмоқда. Google ва «Википедия»дан ташқари бошқа электрон манбалар кўпчилик фойдаланувчилар учун номаълум бўлиб, улар омма эътиборидан четда қолиб келмоқда. Шунини инobatга олган ҳолда кутубхоначилар фойдаланувчиларга манбалар ҳақида хабар беришнинг янги усуллариини ўйлаб топмоқда (Дубички, 2008). «Маркетинг» — кенг қўламли тушунча бўлиб, ўз ичига жамоатчилик билан алоқалар, реклама, турли ижтимоий гуруҳлар билан ҳамкорлик ва ҳоказоларни назарда тутлади.

Кутубхонанинг маркетинг лойиҳасини амалга ошириш учун, аввало, режа тузиб олиш керак. Жамоат кутубхонаси ўз фойдаланувчилари гуруҳини аниқлаб олиши керак бўлади. Бундан ташқари, фойдаланувчиларнинг ёши, жинси, даромади, маълумоти, касби, миллати каби омилларга ҳам эътибор қаратиш лозим. Кейинги босқичда кутубхона ихтиёрида бор ва тарғиб қилиниши керак бўлган маълумот манбалари ва хизматлар рўйхатини тузиб олиш керак бўлади. Рўйхатга электрон маълумот базалари, виртуал маълумот бериш хизматлари ёки кутубхонанинг электрон китоб коллекцияси кириши мумкин.

Мазкур манбалар ва хизматларни илгари суришда турли хил усуллардан фойдаланиш мумкин бўлади. Шу боис кутубхона барча имкониятларни инobatга олиши талаб этилади. Мазкур усуллар орасида рисола ва хабарномалар чиқариш, газеталарда мақолалар ва реклама эълонларини чоп этиш, бевосита почта манзилларига хабар юбориш, радио ва телевидение орқали реклама бериш, Интернетдан фойдаланиш кабилар бор. Потенциал фойдаланувчилар учун кутубхона маълумотларни топишни осонлаштирувчи босма ва он-лайн қўлланмаларни таклиф қилиши мумкин бўлиб, улар фойдаланувчиларга кутубхонада мавжуд манбалар ҳақида ахборот бериш жараёнини бирмунча осонлаштиради. Бундан ташқари, кутубхона веб-сайти ҳам фойдаланувчиларга керакли маълумотни итказишнинг арзон ва самарали воситаси ҳисобланади. Веб-сайт фойдаланувчиларига кутубхонадаги мавжуд манбалар ва янги адабиётлар ҳақидаги электрон хабарномаларни юбориш ҳам кутубхона маркетинг стратегиясининг муҳим бир қисми ҳисобланади.

Бундан ташқари, кутубхона ходимларининг муайян ижтимоий гуруҳлар, жумладан ўқитувчилар, талабалар, ўқувчилар, маҳаллий ташкилот ходимлари орасида тақдимот маросимларини ўтказиш ҳам юқори самара бериши мумкин. Энг муҳими, кутубхона жамоаси маркетинг тадбирларини ўтказишдан аввал, кўзланган мақсадни аниқ тасаввур қилиши лозим ва шундагина эришилган натижаларни холис баҳолаш имконияти пайдо бўлади.

Гарчи, хизматлар ва манбаларнинг умумий маркетинги анча самарали бўлса-да, кутубхоналар мақсадли маркетинг усулларини ҳам қўллаши мумкин. Бунда, жумладан, нафақахўрлар, талабалар, ишбилармонлар ва хоказо ижтимоий гуруҳлар учун мўлжалланган алоҳида тадбирларни амалга ошириш мумкин. Мақсадли маркетинг натижасида фойдаланувчиларга аниқ ва деталлашган маълумотни етказиш имконияти пайдо бўлади. Бунинг учун маълумотхона бошқарувчиси муайян манба ёки хизматни (ёки уларнинг тўпламини) саралаб олиши ва улар кимда айниқса, катта қизиқиш уйғотиши мумкинлигини аниқлаб олиши керак бўлади (Уолтерс, 2004). Масалан, ишбилармонлар учун мўлжалланган маркетинг тадбирлари реклама жойлаштириш учун қулай жойларни аниқловчи, уларнинг маҳсулотлари учун янги истеъмолчилар топишга ёрдам берувчи, камхарж реклама усуллари ҳақидаги ахборот берувчи маълумот базаларини илгари суришга қаратилган бўлиши мумкин.

Муносабатлар асосида маркетинг қилиш усули ҳам маълумотхона бошқарувчисининг диққатидан четда қолмаслиги керак. Маркетингнинг бу тури одатдаги маркетинг усуллари билан бирмунча фарқ қилиб, у истеъмолчилар билан интерактив мулоқот дастурларини амалиётга тағбиқ қилишни назарда тутди. Бу усул кутубхоначилар учун айниқса қулай. Негаки, унда истеъмолчи билан узок муддатли муносабат ўрнатишни, у билан бевосита мулоқот қилиши ва унинг эҳтиёжларини диққат билан тинглашни талаб қилади. Шу билан бирга, мулоқот давомида кутубхоначи фойдаланувчига мавжуд манбалар ва хизматлар ҳақида маълумот бериш имконига ҳам эга бўлади. Маркетингнинг бу тури фойдаланувчининг эҳтиёжларини қондиришга ижодий ёндашувни талаб қилади ва маълумот манбалари ҳамда хизматларни илгари суришнинг энг самарали усуллари билан бири ҳисобланади (Уолтерс, 2004).

## Виртуал хизматларни баҳолаш

Замонавий кутубхоналардаги маълумотнома бошқарувчилари одатдаги маълумот бериш хизматлари билан бир қаторда, виртуал хизматлар кўрсатилишини бошқариш ва уларни қандай баҳолаш кераклигини билиши лозим. Юзма-юз тарзда кечувчи маълумот бериш хизматлари фойдаланувчи билан изланаётган маълумотни аниқлаштиришга қаратилган савол-жавобдан иборат бўлса, виртуал маълумот бериш икки жиҳат, яъни фойдаланувчи билан тўғри мулоқот қилиш ва замонавий технологиялардан фойдалана билишни тақозо этади. Виртуал маълумот беришнинг муваффақияти тегишли чат дастури, интернет алоқаси тезлиги ва замонавий компьютер технологияларига чамбарчас боғлиқ.

Керакли веб-саҳифаларни фойдаланувчи билан бирга текшириш, файл алмашиш, саҳифаларни архивлаш, манбадан бир вақтнинг ўзида бир неча ўқувчи фойдаланиши, юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда кўмаклаша билиш ва хоказолар виртуал маълумот бериш жараёнининг муваффақияти ва бир текисда кечишини таъминловчи омиллар сирасига киради.

Виртуал маълумот бериш технологияларини танлаш, баҳолаш ва мунтазам равишда янгилаб бориш билан бир қаторда маълумотнома бошқарувчилари логистика масалаларини ҳал қилиш учун ҳам масъулдир. Жумладан, ходимлар билан алоқа қилиш, уларнинг вақтини тўғри тақсимлаш, малакасини ошириш ва уларнинг ишига баҳо бериш шулар жумласидандир.

## Қўшимча фикрлар

Кутубхоналар ва ахборот марказлари раҳбариятининг фаолиятини ўрганиб, Стюарт ва Моран исмли мутахассислар (2007: 5) «барча бошқарувчилар учун хос бўлган» бешта вазифани кўрсатиб ўтади:

1. Режалаштириш;
2. Ташқиллаштириш;
3. Ходимлар билан таъминлаш;
4. Йўналиш кўрсатиш;
5. Назорат қилиш.

Технологиялар соҳасидаги жадал ўзгаришлар юқорида кўрсатиб ўтилган бешта вазифага ҳам муайян ўзгаришларни олиб кирди. Жумладан, стратегик ва узоқ муддатли маълумот бериш хизматлари ва воситаларини *режалаштиришда* билим олишнинг янги усуллари пайдо бўлаётган шароитда улгайган XXI аср авлодининг талаб ва эҳтиёжларини и нобатга олиш муҳим аҳамиятга эга. Билим олиш усуллари ҳам, ўз навбатида, маълумотхоналарни *ташқиллаштирили* жараёнига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Бунда ахборот хизматларининг тезлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. *Кадрлар билан таъминлаш* жараёни ҳам бироз ўзгариб, кутубхоначилар айни пайтда ҳар томонлама малакага эга бўлиши, замонавий технологиялардан самарали фойдалана олиши, янги шароитларга тез кўника би лиши талаб этилади. Ниҳоят, маълумот бериш хизматлари устидан *назорат* самарали маркетинг ва синчковлик билан баҳо бериш орқали амалга оширилади.

## Recommendations for Further Reading

- Arthur, Gwen, ed. 2000. *Get Them Talking: Managing Change Through Case Studies and Case Study Discussion*. Chicago, IL: American Library Association. Published as RUSA Occasional Paper # 25, this hands-on approach to management problems regularly faced by reference departments in both academic and public libraries is useful to help managers think through the recurring challenges brought about by change.
- Boss, Stephen C, and Lawrence O. Schmidt. 2007. «Electronic Resources (ER) Management in the Academic Library: Process vs. Function». *Collection Management* 32, no.1/2:117–140. The article studies best practices of private industries as they dealt with change-management and applies it to academic libraries faced with dramatic changes in structure, workflow, and reference format brought about by technological advances.
- Brevig, Armand. 2008. «Getting Value from Vendor Relationships». *Searcher* 16, no. 9 (October): 28–34. According to a recent study (see «Managing Mass...»), managing e-content is the biggest worry for reference managers. This paper clearly lays out strategies for assessing collection goals and vendor relations in order to develop excellence in the art of negotiation. Real-life examples are helpfully provided by the author from his library at AstraZeneca, the Anglo-Swedish pharmaceutical company that has directly linked corporate strategy with an information acquisition vision for the library's e-resources. This is a stimulating paper for reference managers ready to face their first vendors.
- Buff, Hirko, and Mary Bucher Ross. 2004. *Virtual Reference Training: The Complete Guide to Providing Anytime, Anywhere Answers*. Chicago, IL: American Lib-

- rary Association. With the increasing prominence of virtual reference, this book not only provides an in-depth review of Washington's Statewide Virtual Reference Project, but supplies the reference manager with an easy-to-follow program for training virtual staffers, developing policies, and assessing effectiveness.
- Gandhi, Smita. 2004. «Knowledge Management and Reference Services». *The Journal of Academic Librarianship* 30, no. 5 (Summer): 368–381. This article provides a clear and compelling argument for reference managers to embrace the corporate reliance on knowledge management (KM), whereby cumulative staff knowledge is retrievable. KM initiatives such as Refquest and Common Knowledge Database that already exist in some academic libraries are also reviewed.
- Kinkus, J. 2007. «Project Management Skills: A Literature Review and Content Analysis of Librarian Position Announcements». *College & Research Libraries* 68, no. 4 (July): 352–363. Given the increasing complexity of the library world, the author argues that expertise is needed from multiple departments. This, in turn, argues for a strong need to place project management as a core requirement in new library management skills, much as it is in professions such as construction, pharmaceuticals, finance, and the software industry. The author reviews the content of both 1,180 library job advertisements and library curricula to support the contention that project management is an increasing requirement for all successful library managers and must become an integral part of basic training as well.
- Neal, James G. 2005. «Raised by Wolves: The New Generation of Feral Professionals In the Academic Library». Paper presented at the ACRL Twelfth National Conference, Minneapolis, MN, April 7–10. Available: [www.ala.org/ala/acrl/acrl-events/neal2-05.pdf](http://www.ala.org/ala/acrl/acrl-events/neal2-05.pdf). In this article, the author poses interesting questions on the organization, training, and overall management of academic library staff with formal training in disciplines other than library science.
- Resnick, Taryn, Ana Ugaz, Nancy Buford, and Esther Carrigan. 2008. «E-Resources: Transforming Access Services for the Digital Age». *Library Hi Tech* 26, no. 1 (Winter): 141–157. A thought-provoking case study of new styles in staffing management tried out at the University Libraries of Texas A&M found that the reference experience for users of electronic resources was greatly enhanced by the inclusion of reference librarians who were adept at managing and licensing electronic resources. The importance of technical service librarians who can keep up with the explosion of database resources was suggested by this study.
- Sarkodie-Mensah, Kwasi, ed. 2003. *Managing the Twenty-First Century Reference Department: Challenges and Prospects*. Binghamton, NY: The Haworth Press, Inc. With a stellar collection of articles selected from the 2003 issue of *The Reference Librarian*, this resource brings focus to management as it pertains specifically to reference departments in libraries. From training a new head of reference, to core competencies required for a leader, to managing an academic reference department, and collaborative leadership, the collection is informative.

## Bibliography of Works Cited in This Chapter

---

- Albanese, Richard Andrew. 2004. «The Reference Evolution». *Library Journal* 129, no. 19 (November 15): 10–12, 14.

- Bai, Matt. 2005. «New World Economy». *New York Times Magazine* (December 18): 15.
- Bailey, Russell, and Barbara Tierney. 2002. «Information Commons Redux: Concept, Evolution, and Transcending the Tragedy of the Commons». *Journal of Academic Librarianship* 28, no. 5 (September): 277–286.
- Bailey-Hainer, Brenda. 2005. «Virtual Reference: Alive & Well». *Library Journal* 130, no. 1 (January 15).
- Behm, Leslie. 2005. «Adoption of Instant Messaging for Chat at a Research Library in Conjunction with the Formal Chat Software Used». Presented at the Virtual Reference Desk Conference, November 15. Available: [http://librarianinblack.typepad.com/librarianinblack/2005/11/adoption\\_of\\_ins.html](http://librarianinblack.typepad.com/librarianinblack/2005/11/adoption_of_ins.html) (accessed January 18, 2006).
- Bracke, Marianne Stowell, Sainath Chinnaswamy, and Elizabeth Kline. 2008. «Evolution of Reference: A New Service Model for Science and Engineering Libraries». *Issues in Science and Technology Librarianship*, no. 53 (Winter-Spring). Available: [www.istl.org/08-winter/index.html](http://www.istl.org/08-winter/index.html) (accessed January 24, 2009).
- Bradigan, Pamela S., and Carol A. Powell. 2004. «The Reference and Information Services Team». *Reference & User Services Quarterly* 44, no. 2 (Winter): 143–149.
- Brevig, Armand. 2008. «Getting Value from Vendor Relationships». *Searcher* 16, no. 9 (October): 28–34.
- Butcher, Karyle. 1999. «Reflections on Academic Librarianship». *Journal of Academic Librarianship* 25, no. 5 (September): 350–354.
- Cardina, Christen, and Donald Wicks. 2004. «The Changing Roles of Academic Reference Librarians Over a Ten-Year Period». *Reference & User Services Quarterly* 44, no. 2 (Winter): 133–142.
- Cassell, Kay Ann. 1999. *Developing Reference Collections and Services in an Electronic Age: A How-To-Do-It Manual for Librarians*. New York: Neal-Schuman.
- Coffman, Steve. 2001. «Distance Education and Virtual Reference: Where Are We Headed?» *Computers in Libraries* 21, no. 4 (April): 20.
- Coffman, Steve, and Linda Arret. 2004. «To Chat or Not to Chat». *Searcher* 12, no. 8 (September): 49–56.
- Del Pinto, Frank. 2009. «Trends and Observations: Adapting to Needs of the New Consumer (EMC: Web Content Management)». *EContent* 32, no. 1 (January-February): 41.
- Dennison, Russell F. 1999. «Usage-based Staffing of the Reference Desk: A Statistical Approach». *Reference & User Services Quarterly* 39, no. 2 (Winter): 158–165.
- Dubicki, Eleanora I. (ed.) 2008. *Marketing and Promoting Electronic Resources: Creating the E-Buzz!* New York: Routledge.
- Eggleston, Tim. 2008. «Managing Online Reference Enquiries». *Incite* 29, no. 12 (1/2): 12–13.
- Goodrich, Jeanne. 2005. «Staffing Public Libraries: Are There Models or Best Practices?» *Public Libraries* 44, no. 5 (September-October): 277–281.
- Grahame, Vicki, and Tim McAdam. 2004. *SPEC Kit 282: Managing Electronic Resources*. Washington, DC: Association of Research Libraries.
- Hibner, Holly. 2007. «Reference on the Edge». *Public Libraries* 46, no. 1 (January-February): 21–22.
- Hines, Samantha Schmehl. 2007. «Outpost Reference: Meeting Patrons on Their Own Ground». *PMLA Quarterly* 72, no. 1 (Fall): 12–13, 26.

- Hiremath, Uma. 2001. «Electronic Consortia: Resource Sharing in the Digital Age». *Collection Building* 20, no. 2: 80–88.
- IFLA (International Federation of Library Associations and Institutions). 2005. «Think Globally, Act Locally: Building National and International Cooperative Virtual Reference Networks». Meeting at the annual 71st IFLA General Conference and Council, Oslo, Norway (August 16).
- Kelly, Graham. 1998. *Team Leadership: Five Interactive Management Adventures*. Hampshire, UK: Gower.
- «Managing Mass of e-Content is Main Worry». 2008. *Library & Information Update* no. 12(1/12): 9.
- Mayo, Diane, and Jeanne Goodrich. 2009. *Staffing for Results: A Guide to Working Smarter*. Chicago: American Library Association.
- McMillen, Paula, and Loretta Rielly. 2003. «It Takes a Village to Manage the 21st Century Reference Department». *Reference Librarian* 39, no. 81 (January): 71–87.
- Neal, James G. 2005. «Raised by Wolves: The New Generation of Feral Professionals In the Academic Library». Paper presented at the ACRL Twelfth National Conference, Minneapolis, MN, April 7–10. Available: [www.ala.org/ala/acrl/acrl-events/neal2-05.pdf](http://www.ala.org/ala/acrl/acrl-events/neal2-05.pdf).
- Nicely, Donna, with Beth Dempsey. 2005. «Building a Culture of Leadership». *Public Libraries* 44, no. 5 (September-October): 297–300.
- Poon-Richards, Craig. 1996. «Self-Managed Teams for Library Management: Increasing Employee Participation via Empowerment». *Journal of Library Administration* 22, no. 1 (April): 67–84.
- Ragsdale, Kate. 2001. *SPEC Lit 266: Staffing the Library Website*. Washington, DC: ARL Publications.
- Stueart, Robert D., and Barbara B. Moran. 2007. *Library and Information Center Management*. 7th ed. Englewood, CO: Libraries Unlimited.
- Tenopir, Carol. 2004. «Chat's Positive Side». *Library Journal* 129, no. 28 (December): 42.
- Walters, Suzanne. 2004. *Library Marketing That Works!* New York: Neal-Schuman.
- Wamken, Paula. 2004. «New Technologies and Constant Change: Managing the Process». *Journal of Academic Librarianship* 30, no. 4 (July): 322–327.
- Wong, Sandra, and Anne O'Shea. 2004. «Librarians Have Left the Building: Ask Us HERE at Simon Fraser University». *Felicitar* 3: 90–92. Also available through the Canadian Library Association Web site: [www.cla.ca](http://www.cla.ca).
- Young, William F. 2004. «Reference Team Self-Management at the University at Albany». *Library Administration & Management* 18, no. 4 (Fall): 185–191.
- Zabel, Diane. 2005. «Trends in Reference and Public Services Librarianship and the Role of RUSA». *Reference & User Services Quarterly* 45, no. 1 (Fall): 7–10.
- Zhang, Ying, and Corinne Bishop. 2005. «Project Management Tools for Libraries: A Planning and Implementation Model Using Microsoft Project 2000». *Information Technology and Libraries* 24, no. 3 (September): 147–452.

# 19

## Маълумот бериш хизматларини баҳолаш ва яхшилаш

---

### Баҳолаш нима учун муҳим?

---

Маълумки, аксарият фойдаланувчилар орасида кутубхона доимо ёрдамга келишга шай туради деган, ўзига хос ишонч мавжуд. АҚШ даги кутубхоналар сони 130 мингтани ташкил этиб, мамлакатдаги ҳар бир катта-кичик шаҳарда почта бўлими ва кутубхона бўлиши одатий ҳолат ҳисобланади. Канадаги кутубхоналар сони 14 069 тани ташкил этиб, бу Макдональдс рестораниларининг сонидан уч баробар кўп деганидир. Буюк Британияда жамоат кутубхоналари 150 йилдан буён фаолият юритиб, уларнинг ҳозирги кундаги сони 4517тани ташкил этади. Бунга миллий, илмий, махсус ва мактаб кутубхоналари кирмайди.

Шундай бўлса-да, замон ўзгармоқда ва кутубхоналарнинг нақадар муҳимлиги масаласи борган сари қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Устига-устак кутубхоналарнинг молиялаштирилиши ҳам сек ин-аста бюджет рўйхатининг қуйи қисмидан жой олиб бормоқда. 2008 йилда АҚШдаги кутубхоналар 1,5 миллиард нафар катта ёшдаги мижозларга хизмат кўрсатган бўлса-да, мамлакатдаги энг йирик кутубхона тизимлари иш вақтининг қисқариши (Нюкс канути жамоат кутубхоналари тизими), иш жойларининг қисқариши (Ньюарк), молиялаштиришнинг камайиши (Лос-Анжелес), филиалларнинг ёпилиши (Филадельфия эркин кутубхонаси ва Эри каунти жамоат кутубхонаси) каби муаммоларга дуч келмоқда. Кутубхоналарга ажратилаётган ҳажм камайиб бораётган бир пайтда уларнинг электрон манбаларни харид қилиш билан боғлиқ сарф-харажатлари ортиб бораётгани ўзига хос қарама-қаршиликни келтириб чиқармоқда.

Ортиб бораётган харажатлар билан камайиб бораётган молиялаштириш муаммоларига дуч келаётган кутубхона раҳбарлари секин-аста бизнес оламининг қонун-қоидаларига мослашишга мажбур бўлмоқда. Ҳозирги кунда кутубхоналар ҳам кичик бир корхонага айланиб, ўз бизнес кўрсаткичларини кузатиб бориш ва таҳлил қилиш тизимларини амалиётга татбиқ этишга мажбур бўлмоқда.

Одатда, кутубхона фаолияти унинг фойдаланувчилари сони ва манбалардан фойдаланиш кўлами бўлиб ўлчанади. Шу пайтгача кутубхоналар мазкур кўрсаткичлар сони билан кифояланиб келган. Лекин айни пайтда бунинг ўзи энди етарли эмас.

1993 йилда АҚШ давлати «Ҳукумат фаолияти ва натижаларини баҳолаш тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиб, унга кўра федерал муассасаларга «фа-

олиятни холисона баҳолаш» имкони ни берувчи тизимни ярагиш ва зифаси юклатилган эди. Шу орқали давлат муассасаларининг масъулияти ва жавобгарлигини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий асос янада такомиллаштирилган. Илмий кутубхоналар минтақавий аккредитация ташкилотларига ўз иш фаолияти ҳақида мунтазам ҳисобот бериб туриши керак. Корпоратив кутубхоналар эса, мунтазам равишда «инвестициялардан олинувчи фойда» кўрсаткичларини тақдим этиб бориши талаб этилади. Мазкур тартибни секин-аста жамоат кутубхоналари ҳам амалиётга татбиқ этиб, ҳар бир сарф қилинган доллардан олинаётган фойдани ҳисоблаб бормоқда. Жумладан, Флорида штатидаги кутубхоналар сарф этилган ҳар бир доллардан 6,54 доллар фойда олингани ҳақида ҳисобот берган. Британия кутубхонаси олинган фойда харажатдан 4,4 баробар кўп бўлганини маълум қилган (Одер, 2005). Ҳаттоки мактаб кутубхоналари ҳам тижорат оламининг қоидаларини қабул қилган ҳолда фаолият юритмоқда. Статистика маълумотлари ва фаолият самарасини намойиш этувчи турли кўрсаткичлар аксарият кутубхоналарнинг кундалик фаолиятига кирганига анча бўлди. Шу билан бир қаторда, кутубхоналардаги маълумотхоналар статистика маълумотлари бўлмагани боис уларнинг нақадар кераклиги масаласи баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб бормоқда. Шу боис агар яқин келажакда уларнинг мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб олинмаса, уларни бефойдалиқда айблаб, йўқ қилиш иштиёқида бўлганлар ўз ниятига эришиши ҳам ҳеч гап эмас.

## Нимани баҳолаш керак?

Ҳар қандай маълумотхонанинг фаолиятига баҳо беришда учта омил эътиборга олинади:

1. Маълумот беришда ишлатилувчи коллекция;
2. Маълумотхона ходимлари;
3. Маълумотхона хизматлари.

Шу ўринда аксарият мутахассислар «Маълумотхонани баҳолаш шартми?», деган саволни ҳам ўртага ташламоқда. Аксарият шаҳар кутубхоналарида маълумотхона ходимлари кун давомида турли вазифаларни бажаришга мажбур бўлади. Компьютерни тузатиш, шовқин қилаётган фойдаланувчинини тинчлантириш, ходимларнинг муаммоларини ҳал қилиш, турли кутилмаган меҳмонлар билан «дипломатик музокаралар»ни олиб бориш, ишдан чиққан нусха кўчириш машинасини тузатиш ва ҳоказо ишлар аксарият маълумотхона ходимларининг кундалик вазифалари сирасига киради. Ҳар куни мана шундай ташвишлар билан юрадиган кутубхоначининг хизматини баҳолашнинг ўзи бўладими, ахир?

Одатда, маълумотхона ходимлари манбаларнинг тўғрилигини таъминлаш ва уларда энг сўнгги маълумотларнинг қамраб олинишига ҳаракат қилади. Гарчи, ҳар бир кутубхона «энг зўр маълумотномалар», «маълумотлар хазинаси» ва бошқа шу каби «ҳайқириқли» сарлавҳалар остида чиқарилган адабиётлар билан тўлиб-тошса-да, аммо қайси адабиёт нимага арзигulik эканини кутубхона хизматидан фойдаланувчилар ҳал қилади (Жернон ва Дуган, 2001: 119).



Нихоят, маълумотномани яратиш ва таъминлаш учун йўналтирилувчи маблағлар маълумот хизматларини кўрсатиш сифатига чамбарчас боғлиқлиги аён бўлди.

## Қандай баҳолаш керак?

Маълумот бериш хизматларини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у сўнги фойдаланувчининг кўрсатилган хизматлардан қониққанлиги даражасини кутубхона коллекцияси ва унинг ходимлари билан солиштирган ҳолда баҳолайди. Шу орқали маълумот хизматларининг қониқарли даражаси келтириб чиқарилади. Шу маънода, маълумот хизматларига баҳо бериш ўз-ўзидан коллекция ва ходимларни ҳам қамраб олади.

Шу билан бир қаторда хизматларга баҳо бериш нисбий тушунча эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Маълумот бериш хизмати ҳолисона баҳоланиши учун унга нисбатан кенг қамровли ёндашувдан фойдаланиш даркор. Кўп ҳолатларда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган фаолиятнинг бевосита кўриниши кўзга ташланмагани сабабли, баҳо бериш учун ишлатилувчи воситалар фойдаланувчининг хизматларидан қониққанлик даражасини акс эттирадиган тарзда яратилган бўлиши керак. Бунинг учун охириги бир неча ўн йил давомида бир қатор стратегиялар ишлаб чиқилган. Ҳар бир маълумотхона бошқарувчиси қуйидаги техникаларнинг барчаси билан таниш бўлиши муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг керакли тўпламини танлаш орқали баҳолаш жараёнининг самарасини таъминлаш мумкин бўлади. Қуйида баҳолашда ишлатилувчи энг кенг тарқалган усуллар кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар соддаликдан мураккаблик томон ўзгариб боради:

Фикр ва мулоҳаза қутилари > Кузатиш > Сўров >  
 Фокус гуруҳлари > Мавзу бўйича амалий тадқиқотлар

## Фикр ва мулоҳаза қутилари

Фикр-мулоҳазалар қутилари баҳолашнинг энг осон усули ҳисобланади. Қути қандай шакл ва ҳажмда бўлишидан қатъи-назар — эшигига қулф осилган ва хатларни ташлаш учун тешикчаси бўлган қутими, таклифларни ёзиш учун хизмат қилувчи китобчами, веб-сайтдаги махсус бир бўлимми ёки электрон почта манзилими — уларнинг бари ягона мақсадга, яъни, муайян махсулот ёки хизмат ҳақида фойдаланувчининг фикрини билишга хизмат қилади.

Мазкур усулдан фойдаланиш осонлиги ва деярли харажат талаб қилмаслиги унинг асосий афзалликларидан бири саналади. Молиялаштириш ҳажми камайиб бораётган бир шароитда бу омил кутубхоначилар учун анча муҳим саналади.

Фикр-мулоҳазалар қутисига ташланган савол ва илтимосларга жавоб бериш, фикрларни амалга татбиқ қилишдаги тартибнинг йўқлиги мазкур усулнинг асосий камчиликларидан саналади. Одамларнинг ҳаёлига келган ҳар бир ғояни амалга оширишга интилиш маълумотхона фаолиятидаги тизимлиликни издан чиқариш билан бирга, муаммо ва камчиликларни, фойдала-

нувчиларнинг эҳтиёжларидаги тенденцияларни аниқлаш учун унчалик қўл келмайди. Шу боис фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини аниқлаш, уларнинг фикрларини ва баҳоларини билиш учун бирмунча тартибга солинган усулдан фойдаланиш тавсия этилади.

## Сўровлар

Ана шундай тартибга солинган усуллардан бири — сўровлар. Сўров — бу муайян жамоатчилик гуруҳига берилувчи саволлар тўплами бўлиб, улар мазкур гуруҳнинг кадриятлари, фаолияти, у ёки бу масалага ёндашуви ҳақида маълумот олиш имконини беради. Сўровнинг мақсади одамларнинг шахсий фикрини билиш бўлгани сабабли, мазкур усулдан одамларнинг муайян масала борасидаги шахсий фикрини билиш керак бўлганда, фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, «Ўзингизга кўрсатилган хизматдан қўнглингиз тўлдими?», «Ўзингизга зарур бўлган маълумотни топа олдингизми?», «Маълумотхонанинг яқшанба кунлари ҳам хизмат кўрсатиши маъқул, деб биласизми?» каби сўровлар муайян ижтимоий гуруҳ ичида рўй бераётган жараёнларни билишда ҳам қўл келиши мумкин.

Мантиқан олиб қарайдиган бўлсак, сўровномадаги саволларга берилган жавоблар маълумот бериш хизматларини баҳолашнинг самарали усули бўлиши керак. Аммо одамзоднинг фикрлаши бошқачароқ. Фойдаланувчи гарчи ўзи излаган маълумотни топа олмаган бўлса ҳам ёқимтойгина кутубхоначининг саъй-ҳаракатини кўриб, «Кўрсатилган хизматдан тўлиқ қўнглим тўлди», деган жавобни танласа, ҳайрон бўлиш керак эмас. Бир қарашда унчалик муҳим бўлмаган ва керакли йўналиш борасидаги жавобларни олиш учун мўлжалланган саволлар тузилиши ҳам анча нозик масала. Жумладан, маълумотхонанинг кўпроқ ишлаши учун овоз берувчи фойдаланувчи аслида маълумотхонага умрида қадам босмаган бўлиши мумкин. Инсон гасаввур билан амалдаги ҳатти-ҳаракатлар ўртасида улкан жарлик борлиги яхши маълум. Шу боис сўров натижаларини қўшимча маълумотлар, илмий излашнилар натижалари билан тасдиқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бир марта ўтказилган сўровнинг ҳам ўз ҳаёти бўлиб, энди у кутубхона фаолиятига ўзгаришлар киритишни асослашдаги муҳим ва айрим ҳолатларда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Кутубхоначилар фойдаланувчилар ёнига бориб, уларга ёрдам бериши кераклиги тўғрисидаги ғоя ҳам аслида сўров натижасида шаклланган бўлиб, маълум бўлишича, аксарият фойдаланувчилар сўров пайтида маълумотхонага боришдан ҳижолат тортишини кўрсатган экан. Бир пайтлар Хернон ва Макклур исмли мутахассислар томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, кутубхона маълумот бўлимига мурожаат қилган фойдаланувчиларнинг атиги 55 фоиз саволларига тўғри жавоб берилишини аниқлаган эди. Бошқа бир неча сўров нагижасида бу кўрсаткичнинг ҳақиқатга тўғри келмаслиги аниқланган бўлса ҳам, кутубхоначилар узоқ йиллар давомида айнан ана шу сонларни хотирасида сақлаб юрган (Ричардсон, 2002). Сўровларнинг самарасини инобатга олган ҳолда, уларни ўтказишнинг бир неча усуллари яратилган. Йигирма биринчи асрдаги энг мақбул усул, табиийки, онлайн сўров шакли ҳисобланади. Қуйида эса кутубхоналар томонидан ўтказилувчи сўровлар турлари кўрсатиб ўтилган.

### Кутубхона ичида ўтказилувчи сўровлар

Сўровнинг бу туридан асосан кутубхоналарда кенг фойдаланиб, унинг асосий афзаллиги камхаржлик ва кутубхона ходимлари томонидан ўтказилишида намоён бўлади. Жумладан, Жанубий Калифорния университетининг Ливи кутубхонасида ўтказилган сўров учун кетган харажат атиги 250 долларни ташкил этган (Энг ва Гарднер, 2005). АҚШдаги 214 та коллеж кутубхоналарида ўтказилган тадқиқотга кўра, «коллежлардаги энг кенг тарқалган баҳолаш услубларидан бири — бу кутубхона ичида ўтказилувчи сўровдир» (Адамс ва Бек, 1995). Сўров кутубхонанинг ўзида ўтказилгани боис унга жавоб бериш кўрсаткичлари ҳам анча юқори.

### Телефон воситасида ўтказилувчи сўровлар

Кизиги шундаки, мазкур усулнинг афзалликлари билан камчиликлари бири-бирига жуда яқин. Яъни, телефон орқали фойдаланувчи билан бевосита мулоқот ўрнатилиши ҳар бир сўровнинг сифатини белгиловчи омиллардан саналади. Лекин айнан шу омил кескин таъқидга ҳам сабаб бўлади, негаки сўров ўтказувчилар иштирокчиларни безовта қилгандек туюлади. Бу эса, иштирокчиларнинг савол беришдан ўзини олиб қочишига ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган жавобларни беришида намоён бўлади. Натижада мазкур шакл тури саволлар кўламининг биров чекланган бўлишига олиб келади. Ўз табиатига кўра, телефон орқали ўтказилувчи сўровлар қисқа савол-жавоб кўринишида кечади ва жавоб берувчидан ўз жавобларини асослаб беришни илтимос қилиш учун деярли имконияти бўлмайди. Телефон орқали ўтказилувчи сўровлар ўтмишда анча кенг тарқалган бўлса-да, телемаркетинг ва кирувчи қўнғироқларни блокировка қилиш имконияти қонун билан белгилаб қўйилгач уларнинг оммавийлиги анча пасайди.

### Почта орқали юборилувчи сўровномалар

Сўров ўтказишнинг мазкур усули иштирокчини безовта қилмайдиган усул ҳисобланади. Сўровномани тўлдириш ва кўрсатилган манзилга жўнатиш тўлалигича респондентнинг ихтиёрида. Мазкур усулнинг энг катта камчилиги — бу жавобларнинг паст даражада бўлиши ва секин қайтиб келиши. Бундан ташқари, сўровномаларни чоп этиш, уларни конвертларга жойлаш ва почта хизматлари маълум миқдордаги маблағни талаб қилади.

### Электрон почта/онлайн сўровлар

Онлайн сўров кейинги пайтда энг мақбул сўров турига айланиб бормоқда. Бу, айниқса, илмий ва корпоратив кутубхоналар учун хос. Виртуал маълумот бериш жараёнидан сўнг фойдаланувчи компьютерининг экранида пайдо бўлувчи саволларга аксарият фойдаланувчилар бажонидил жавоб беради. Биров кенг кўламли онлайн сўровлар махсус компаниялар томонидан ёки махсус дастурий маҳсулотлар, жумладан Zoomerang ва Survey Monkey ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

АҚШдаги Луизиана-Лафайет кутубхонаси ходимларининг фойдаланувчиларга нисбатан муносабатини ўрганиш мақсадида сўров ўтказиш соҳасида профессионал саналанган *Perennial Survey* компанияси фақатгина онлайн шаклда фойдаланиш учун мўлжалланган 31 та саволдан иборат рўйхат тузган. Саволлар университет веб-сайтида 11 кун давомида «осилиб» турган. Бир IP дан битта жавоб юбориш имконияти мавжуд бўлган. Олинган натижалар *SAS System* компаниясининг дастурий маҳсулотидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинган (Гётинг, 2004: 12–17). *Survey Monkey* онлайн сўров ўтказиш учун мўлжалланган, бутун дунёда машҳур бўлган обуна асосида фойдаланиш мумкин бўлган дастурдир. Ундан АҚШдаги кўплаб коллеж ва университетлар кутубхоналари, жумладан, Мэригроу коллеж кутубхонаси, Мичиган университети кутубхонаси, Техас давлат юридик кутубхонаси, Техас ва Калифорния давлат кутубхоналари бошқарувчилари турли сўровларни ўтказишда кенг фойдаланади. Махсулаштирилган онлайн сўровларни ўтказиш учун мўлжалланган дастурий маҳсулотлар ҳам бор бўлиб, улар орасида *Remark Web Survey* диққатга сазовордир. У ҳаттоки HTML технологиясидан фойдаланиш малакасига эга бўлмаган фойдаланувчиларга ҳам турли мақсадларга йўналтирилган сўровларни ўтказиш имконини беради. Энг муҳими, сўров натижалари қисқа вақт ичида тупланadi, бирлаштирилади, таҳлил қилинади ва фойдаланиш учун тайёр бўлади (Эверхарт, 1998).

## Интервьюлар

Сўровлар кўпинча баҳолашнинг бошқа бир усули билан, яъни савол-жавоб орқали ҳам амалга оширилади. Интервьюлардан сўров саволларини тузиш ёки сўров қўламини кенгайтириш мақсадида фойдаланилади. Улар фойдаланувчининг шахсий тажрибаси ва ўрганилаётган мавзуга ёндашишини аниқлашда фойдали восита ҳисобланиб, ахборотни тўлақонли баҳолашда муҳим ўрин эгаллаши мумкин. Интервьюлар юзма-юз, телефон ёки электрон почта орқали амалга оширилиши мумкин. Сўров усулларининг кўпчилигида бўлгани каби интервью давомида берилувчи саволлар фойдаланувчиларнинг ўрганилаётган мавзуга муносабати ва шахсий тажрибасини юзага чиқаришга хизмат қилиши керак. Интервью доирасидаги баҳолаш жараёнининг чегараларини белгилаб берувчи интервью олди қўлланмасини яратиш ҳам муҳим аҳамият касб этиб, у савол-жавобнинг изчиллиги, респондентларнинг ҳолисона танланиши ҳамда саволлар ва жавобларни таҳлил қилишдаги бета-рафликни таъминлашга хизмат қилади.

## Кузатувлар

Кузатув бу — бўлиб ўтган воқеани қайд этишнинг бир қарашда осон усули ҳисобланади. Кутубхоначи берилган саволга тўғри жавоб бера олдими? Фойдаланувчи маълумотхонага ёрдам учун мурожаат қилдими? Маълумот манбаларидан фойдаланиш қулай ва осонми? Кутубхоначи билан фойдаланувчи ўртасида «жонли» бўлиб ўтаётган мулоқот олдиндан белгилаб олинган саволлар асосида баҳоланади. Мазкур услуб кутубхоначининг хатти-ҳаракатларига баҳо бериш талаб этилганда қўлланиши лозим бўлган энг мақбул

усулдир. Кузатув мақсади нима бўлишидан қатъи назар, кузатувнинг уч тури мавжуд: тўғридан-тўғри кузатув, яширинча кузатув ва ўз-ўзини кузатиш.

### Тўғридан-тўғри кузатув

Тўғридан-тўғри кузатув интуицияга асосланган усул бўлиб, унда фаолият ёки кўрсатилаётган хизмат кузатилади ва қайд этиб борилади. Маълумот бериш хизматларини баҳолаш жараёнида амалга оширилувчи кузатув олдиндан аниқ белгилаб олинган саволлар асосида амалга оширилиши керак бўлади. Кузатув даври аниқ белгиланиши керак. Ниҳоят, кузатув натижа-сида олинган маълумотларни таҳлил қилиш режаси ҳам тузилиши лозим бўлиб, шундагина кузатув мезонларига тўлиқ жавоб олишнинг имконияти яратилади.

Пенсильвания давлат университети кутубхоналари 2001 йилда ишга туширилган САТ деб номланувчи онлайн каталогдан фойдаланиш қўламини билиш учун тўғридан-тўғри кузатишга асосланган тадқиқотни амалга оширди (Новотни, 2004). Саволлар ва берилиши мумкин бўлган жавоблар олдиндан тайёрлаб қўйилди. Кузатувнинг қўламини кенгайтириш учун фойдаланувчилар нафақат кузатилган, балки улардан ахборот қидириш жараёнида «гапириб фикр юритиш» ҳам талаб этилган.

Албатта, мазкур услубнинг фойдали жиҳатлари кўп. У нисбатан содда ва уни амалга ошириш давомида олинувчи жавоблар ҳам анча самимийлиги билан диққатга сазовор. Услубнинг салбий жиҳати шундаки, ундан фойдаланиш чоғида фойдаланувчи ўзини худди мажбурлаб қабул қилаётгандек ҳис қилиши мумкин. Ходимлар ва фойдаланувчилар уларнинг орқасидан кимдир кузатаётганини доимий тарзда ҳис қилиб туради. Бундан ташқари, кузатувни амалга ошираётган одам ноҳолисликка йўл қўйиш хавфи ҳам анча юқори. Кузатув натижалари қониқарсиз сифатга эга бўлган саволлар ва таҳлил режаси оқибатида бузилиши мумкин.

### Яширинча кузатув

Яширинча кузатув тўғридан-тўғри кузатувнинг бироз ўзгарган шаклидир. Бу усул анча кенг қўлланилиб, фойдаланувчилар у билан мактаб ёшиданоқ таниш бўлади, яъни кутубхонага келган ўқувчи кутубхоначи билан кечади-ган суҳбатни кузатиши ва қайд қилиб бориши талаб этилади. Кузатувнинг бу турида ҳам саволлар ва таҳлил режаси олдиндан белгилаб олинади, ammo кутубхона ходимлари кузатув остида эканини пайқамайди. Яширин кузатувни ўтказишдан қўзланган мақсад — кутубхоначиларнинг табиий шароитдаги хатти-ҳаракатлари, фойдаланувчилар билан мулоқот қилишини баҳолашдан иборатдир.

Масалан, 1998–1999 йилларда Аризона университети кутубхоналари маълумот бериш хизматидаги энг муҳим жиҳатлар — бу бемалол мурожаат қила олиш ҳамда ишончлилиқ дея таърифлаган. Бундай натижа уч босқичли ёндашув асосида — сўров саволномаси, кузатув ва фокус гуруҳларининг жавобларидан келиб чиққан ҳолда олинган. Лойиҳа мувофиқлаштирувчининг фикрича, «энг муҳим ахборотнинг аксарият қисми яширинча кузатув

давомида олинган» (Норлин, 2004: 553). Кузатувни режалаштиришда ишлатилган саволлар қуйидаги жадвалда келтириб ўтилган.

Гарчи баҳолашнинг мазкур услуби энг юқори даражадаги ҳаққонийликка даъвогарлик қилса-да, ундан фойдаланиш этика талабларини инobatга олган ҳолда, амалга оширилиши керак. Кузатув остида эканлигини ҳис қилган ҳар қандай ходим ўзини ноқулай сезиши турган гап. Натижада фойдаланувчилар томонидан берилган саволлар олдиндан тайёрлаб қўйилганини билган ходимлар уларга жавоб топиш учун кетган вақти ва саъй-ҳаракатлари учун ачиниби, кузатув муаллифларига нисбатан норозилик билдириши ҳам мумкин. Шу боис низоли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида йирик кутубхоналар яширинча кузатув давомида кузатув остида бўлган кутубхоначиларнинг шахсини яширин сақлашни афзал кўришади.

#### 19–2 РАҚАМЛИ ЖАДВАЛ. ЯШИРИН КУЗАТУВ ВАРАҒИ

##### ЯШИРИН КУЗАТУВ ВАРАҒИ (САВОЛЛАР)

1. Маълумотхонани 2–5 дақиқа давомида сездирмасдан кузатинг. Маълумотхона ходимлари нима билан банд? Ҳаммасини ёзиб олинг. Улар ёрдам беришга тайёрми?  

Ҳа	Йуқ						
		1	2	3	4	5	
2. Фойдаланувчи хизмат кўрсатилишини ўртача қанча вақт давомида кутишига тўғри келмоқда?
3. Қайси кутубхоначига мурожаат қилмоқчисиз? Нега?
4. Кутубхоначига қандай савол билан мурожаат қилмоқчисиз? (Асосий ғояни ёзиб олинг).
5. Сиз саволни берган пайтингизда кутубхоначи нима деб жавоб берди?
6. Сиз муаммони тушунтирганингизда кутубхоначининг муносабати қандай бўлди?
7. Кутубхоначи қайси манбаларга мурожаат қилишни маслаҳат берди?
8. Манбаларнинг фойдаси бўлдими?  

Ҳа	Йуқ						
		1	2	3	4	5	
9. Манбалардан саволингизга бевосита жавоб топдингизми?  

Ҳа	Йуқ						
		1	2	3	4	5	
10. Сиз мазкур кутубхоначига яна мурожаат қилган булармидингиз? Нега?
11. Сиз манба билан ишлаётган пайтингизда кутубхоначи сизга ёрдам кераклиги билан қизиқдими?

Маълумотхона ишининг иккита кучли жиҳати ва уни такомиллаштириш борасидаги икки ғояни айтиб ўтинг.

Манба: Elaina Norlin. 2000. «Reference Evaluation: A Three-Step Approach — Surveys, Unobtrusive Observations, and Focus Groups». *College and Research Libraries* 61 no. 6: 546–553

Онлайн маълумот бериш жараёнида қўлланувчи яширин кузатув усуллари нисбатан осонроқ бўлиб, бунда баҳо берувчи кутубхоначи билан юзма-юз алоқага киришмайди. Жумладан, 2001 йилда Тадқиқот кутубхоналари уюшмаси таркибига кирувчи ва электрон почта орқали маълумот бериш хизматларини кўрсатувчи 111 та сайтга махсус баҳолаш учун саволлар юборилган. Натижада, электрон почта орқали кўрсатилувчи маълумот хизматларининг ўз вақтида ҳавола этилиши, жавоб кўлами каби жиҳатларга баҳо бериш имконияти пайдо бўлди (Стейси-Бейтс, 2003: 59–70). Кенг кўламли тадқиқот ўтказиш зарурияти пайдо бўлганда, яширин онлайн кузатув мавжуд усулларнинг энг мақбули ҳисобланади.

## Ўзини-ўзи кузатиш

Кундаликлар, қайд китоблари, анкеталар ва кутубхоначининг ўзи томонидан тўлдирилиши лозим бўлган дафтар ва журналлар ўзини-ўзи кузатиш усулига мисол бўла олади. Кузатувнинг бу турида энг кўп қўлланилувчи услуб — бу жавоб Берилган саволлар тури ва сонини ёзиб боришдан иборат. Барча кутубхоналарда бу маълумотлар қайд этиб борилиши шарт. Қуйидаги жадвал ўзини-ўзи кузатиш жараёнида ишлатилиши мумкин бўлган қайдлар китобининг энг содда кўринишини ўзида акс эттирган.

19-3 РАҚАМЛИ ЖАДВАЛ. МАЪЛУМОТ БЕРИШ ХИЗМАТЛАРИ ҚАЙД ВАРАҒИ			
Кун	Телефон орқали	Юзма-юз	Компьютер орқали
Душанба			
Сешанба			
Чоршанба			
Пайшанба			
Жума			
Шанба			
Якшанба			
Шарҳ			

Ўзини-ўзи кузатишнинг биров жадалроқ шаклида нафақат саволлар тури ва сони, балки уларга қайтарилган жавоб ҳам қайд этиб борилади. Кузатувнинг бу тури бир баҳолаш билан боғлиқ бир қатор ҳолатларда фойда бериши мумкин. Жумладан, кузатувнинг бу тури бир форматнинг иккинчи форматдан устунлиги, бир манбанинг иккинчи манбага нисбатан самаралироқ экани, бир кутубхоначи томонидан қўлланилувчи қидириш стратегиясининг иккинчи кутубхона ходимидан устун эканини баҳолаш имконини беради.

Кўпчилик кутубхоначилар ўз қайд дафтарларини юритишни ҳам одат қилган. Бу каби дафтарларнинг фойдаси анча катта бўлиб, улар кутубхоначининг кундалик тажрибасини қоғозга туширган ҳолда, унинг фаолиятига тегишли ўзгартириш киритиб бориш ва йил давомида фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжидан юз берувчи ўзгаришларни қайд этиб бориш имконини беради. Жумладан, тажрибали кутубхоначилар қиш пайтида шамоллаш билан боғлиқ саволлар кўпайишини олдиндан билади ва шунга яраша керакли ахборот манбаларини тайёрлаб қўяди.

## Фокус гуруҳлари

Фокус гуруҳлари бирон-бир масала юзасидан муайян бир гуруҳнинг фикрини билиш учун шарт-шароит яратиш ва махсус саволлар тузишни назарда тутлади. Бунда гуруҳнинг тадқиқ қилинаётган масала борасидаги тажрибаси ва тасаввурлари ўрганилади. Юзма-юз кечувчи савол-жавоблардан фарқли равишда фокус гуруҳларида жавоблар гуруҳ аъзолари томонидан берилмаётган жавоблар таъсирида шаклланади.

Фокус гуруҳлари қайси шароитда энг фойдали усулга айланади? Одатда мазкур усулдан қуйидаги ҳолатларда фойдаланилади:

- Муайян масала юзасидан берилган жавобларни чуқурроқ ўрганиш учун. (Масалан, «Майкрософт» компанияси бозорга ўзининг янги маҳсулотларидан бирини чиқарганидан сўнг ўтказилган сўров фойдаланувчилар ундан фойдаланиш учун қўшимча техник маълумотларга эҳтиёж сезаётгани маълум бўлади. Шунда компания фокус гуруҳи орасида қўшимча сўров ўтказиб, фойдаланувчиларга айнан қайси турдаги қўшимча маълумот керак эканини аниқлашга муваффақ бўлган).
- Логистик ёки бошқа сабаблар туфайли индивидуал сўровларни ўтказишнинг имкони бўлмаганда.
- Чегараланган вақт давомида кенг қўламли статистика маълумотлари керак бўлганида.
- Гуруҳ доирасида шаклланган фикр бир одам томонидан айтиб ўтилган фикрдан кўра афзал.
- Мавжуд маълумотлар гуруҳ фикрини ўрганишни талаб қилганда.
- Қилиниши керак бўлган ўзгаришлар ноаниқ бўлиб, мавзунини гуруҳ доирасида муҳокама қилиш керак бўлганида.

Умуман олганда, мазкур усулдан фойдаланишнинг асосий мақсади гуруҳ фикрини билиш бўлгани боис, ундан мавзунини чуқурроқ тадқиқ қилиш ёки аниқлаштириш керак бўлганда фойдаланилади. Жумладан, АҚШдаги Нью-Джерси Технология институтининг ҳар йили фокус гуруҳлари ёрдамида маълумот бериш хизматларининг турли жиҳатларини ўрганиб боради. Фокус гуруҳларига бериладиган саволлар намунаси 19—5 рақамли жадвалда келтирилган.

Шу ўринда айтиш жоизки, фокус гуруҳларини тузиш бироз мушкул вазифа ҳисобланади. Шунингдек, бу усулдан фойдаланганда саволларни ишлаб чиқиш ва жавоблар таҳлили ҳам анчагина мушкул масала бўлиши мумкин. Масалан, «техностресс» тушунчасини ўрганишга бағишланган фокус гуруҳи аъзоларига берилган саволлардан бири шундай мазмунда бўлган: «Агар сиз бугун иш жойингизда ўтириб, иш столингизни бўяшингиз керак бўлганида, қайси рангдан фойдаланган бўлар эдингиз?» (Роуз, Грей ва Стоклоза, 1998: 311).

Мазкур усулнинг самарасини таъминлашда, шунингдек, гуруҳ бошқарувчисининг аҳамияти ҳам катта бўлиб, унинг мунозарани ташкиллаштириш ва жавобларни қайд этиб боришдаги тажрибаси сўровнинг муваффақиятини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Фокус гуруҳини ташкил қилиш кенг миқёсли тайёргарлик ишларини амалга ошириш кераклигини назарда тутлади. Бундан ташқари, гуруҳ аъзоларининг ҳар бири ўрганилаётган мавзу доирасида муайян билим ва тажрибага эга бўлиши талаб этилади.



**19-5 РАҚАМЛИ ЖАДВАЛ.**  
**ФОКУС ГУРУҲИ ДОИРАСИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНИШИ МУМ-**  
**КИН БЎЛГАН САВОЛЛАР НАМУНАЛАРИ**

**Нью-Джерси Технология институти 2005 йилдаги фокус гуруҳи саволлари**  
**2005 йил 3 февраль**

Агар бошқа нарса белгиланмаган бўлса, барча саволлар барча фокус гуруҳлари эътиборига ҳавола этилади (ўқитувчилар, Битирувчи курслар талабалари, бошланғич курслар талабалари, архитектура йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар).

**Веб-сайт**

1. Кутубхона веб-сайтидан кўп фойдаланасизми?
2. Кутубхона веб-сайтидаги маълумотларни топишда қандай муаммоларга дуч келасиз?
3. Веб-сайтда охириги марта бўлганингизда қайси бўлимга кирдингиз?
4. Сайтнинг ишини такомиллаштириш бўйича қандай таклифларингиз бор?
5. Интернетда илмий мақола излаганингизда кўпроқ қайси манбага мурожаат қиласиз?
6. Ўз ихтисосингиз бўйича сўнги янгиликларни топиш учун қайси манбаларга мурожаат қиласиз?
7. Тулиқ матнли манбаларни топишда қийинчиликка дуч келасизми?
8. Илмий лойиҳа доирасидаги изла нишларингизни нимадан бошлайсиз?
9. Қуйидаги амалиётларни амалга оширишда қийинчиликларга дуч келганмисиз: онлайн китобларни янгилаш, онлайн шаклдаги китобни «ушлаб туриш», кутубхонадаги аккаунтларни текшириш, илмий журналларни топиш?
10. Кутубхона веб-сайтидан Rutgersда фойдаланганмисиз? Яна қайси кутубхоналарнинг веб-сайтларидан фойдаланасиз?
11. Сайтда ва масофада туриб маълумот базаларидан фойдаланиш бобида тажрибага эгамисиз?
12. Кутубхона веб-сайтидан фойдаланганингизда ўзингизга керак маълумотни топганингизга ишончингиз комил бўладими (архитектура йўналишидаги талабалардан ташқари)?
13. Модератор сичқончани сайтнинг муайян қисмига олиб бориб «Мана бундан нима учун фойдаланасиз?» деб сўрайди.
14. Image маълумот базасидан қанчалик кўп фойдаланасиз? У сизнинг эҳтиёжингизни қондирадими?

*Манба: Ричад Свини, университет кутубхоначиси, Нью-Джерси Технология институти, 2006. Фойдаланиш учун рухсат бор.*

Гарчи, фокус гуруҳи усули бирмунча мураккаб бўлса-да, унинг юқори даражадаги самараси тўғрисида кўп лаб кутубхоналар ундан фойдаланишни маълум қилишмоқда. Жумладан, Техас университети илмий кутубхонаси ундан ўз фаолиятидаги устувор йўналишларни белгилашда фойдаланса, «Майкро-софт» компаниясининг корпоратив кутубхонаси ундан мавжуд изланишларнинг янги жиҳатларини кашф қилишда фойдаланади.

Фокус гуруҳлари усулининг оммавийлиги ва фойдаланиш қўламининг кенглиги сабаб унинг идеал кўриниши ўзида қуйидаги омилларни бирлаштиришга хизмат қилади:

- Холис ва юқори даражадаги тайёргарликка эга бўлган модераторлар.
- Ҳар бир группа қатнашчиларининг сони 6–12 тадан ошмаслиги.
- 45–90 дақиқа давом этувчи сессиялар.
- 6–10 та савол.
- Бирламчи тадқиқот учун камида учта гуруҳ тузилиши керак бўлиб, гуруҳлар сони қанча кўп бўлса, олинган натижа ҳам шунчалик самарали бўлади.

Фокус гуруҳларидан муваффақиятли фойдаланиш борасида АҚШдаги Клемсон кутубхонасининг тажрибаси диққатга сазовор. Жумладан, кутубхона мунтазам равишда фокус гуруҳлари «саммит»ларини ташкиллаштириб,

улар кутубхонанинг «стратегик ва бизнес режаларини шакллантириш учун асос» бўлиб хизмат қилган. Техас университети ҳам мазкур «саммит»лар усулидан ўз стратегик режаларини ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланган. Браун университети кутубхонаси эса, фокус гуруҳлари ёрдамида тадқиқот ўтказиш учун «бир неча минг доллар» эвазига профессионал фирмани ёллаган ва олинган натижалар «харажат қилишга арзигулик» эканини аниқлаган, негаки «ана ўша натижалар асосида кутубхона университет раҳбариятини кутубхонанинг ишини такомиллаштиришга қаратилган янги лойиҳаларни молиялаштиришга кўндиролган» (Шоаф, 2003: 124–132).

## Мавзу бўйича амалий тадқиқотлар

Баҳолашнинг мазкур тури худди лупага ўхшаб, кутубхона фаолиятининг маълум бир қисмини олади-да, уни чуқур ўрганиш билан шуғулланади. Мазкур усул шонли тарихга эга бўлиб, ундан илк бор АҚШда 1870 йилларда юридик мактабларда билим олиш тизими сифатида фойдаланилган. Бир пайтлар билим олиш тизими бўлган мазкур усул ҳозирги кунга келиб бир қатор ижтимоий фанлардаги баҳолашнинг ган олинган усулига айланган.

Юқорида айтиб ўтилган бошқа усуллардан фарқли равишда, мазкур усулдан фойдаланиш учун муайян воситалар бўлиши шарт эмас. Сўровлар саволлардан, Фокус гуруҳлари модератор ва суҳбатни бошқарувчилардан фойдаланадиган бир пайтда, мавзу бўйича амалий тадқиқотлар бу усулларнинг ҳар қайсиниси ёки барчасидан фойдаланиши мумкин. Бунда энг муҳими — тадқиқ қилинувчи саволни аниқ белгилаб олиш. «Лупа» ўзига керакли масалани аниқлаб олгач, у барча бурчаклардан ва барча мавжуд воситалар ёрдамида ўрганилади. Мазкур усул чуқур ва кенг миқёсли баҳолашни ташкил этиш учун керак бўладиган ажойиб асбоб ҳисобланади.

Новербал алоқа фойдаланувчининг маълумот хизматлари сифати тўғрисидаги тасаввурига таъсир ўтказа оладими? Рақамли технологиялар ёрдамида ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш тизимининг самараси қандай? Маълумотхонага талабаларни ишга олиш нақадар мақсадга мувофиқ? Мазкур масалаларни ўрганишга бағишланган амалий тадқиқотлар давомида сўровлар, интервьюлар, тўғридан-тўғри кузатув ва кундаликлардан фойдаланилган. Шундай экан, уларни мавзу бўйича амалий тадқиқотлар деб аташ мумкинми? Агар бир мавзунини ўрганиш учун бир неча восита ишлатилган бўлса, уни бемалол мавзу бўйича амалий тадқиқот деб аташ мумкин.

Мазкур усул чуқур ва кенг миқёсли баҳо беришга алоҳида эътибор қаратгани боис, унинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- Баҳолаш воситаларининг турфа хиллиги;
- Баҳолашни тушунишдаги кенгроқ миқёс;
- Ишончлилигининг юқори даражаси;
- Жавоблар қайтарилиши имкониятининг нисбатан пастлиги.

Мавзу бўйича амалий тадқиқот натижасида олинувчи натижаларнинг кўриниши и бошқа усулларга қараганда унчалик «кўзга ташланадиган» эмас.

Турли сонлар ва фоизлардан фарқли равишда мазкур усул турли баҳолаш натижаларини бирлаштиришга асосланиб, шу орқали маълумот хизматининг иши имкон қадар холисона баҳоланади.

Мавзу бўйича амалий тадқиқотларнинг самараси қуйидаги ҳол атларда айниқса юқори бўлади:

- Биргина сўров усули етарли бўлмаган да;
- Янги хизмат ёки янги коллекция амалиётга татбиқ этилганда;
- Ходимларни турли баҳолаш ва таҳлил натижаларидан фойдаланиш учун вақт ва малакага эга бўлганида;
- Икки натижа орасида фарқланиш бўлганда ҳар бир усулга олдиндан баҳо берилганда.

## Баҳолаш натижаларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилиш

Илк босқичда баҳолаш маълумотхона бошқарувчисига «ўзлигини билиш» имконини беради. Ана ўша билим асосида бошқарувчи устувор йўналишларни белгилаб олиши, ортиқча деталларни олиб ташлаши, керакли маблағларни тақсимлаши, янги ташаббусларни қабул қилиши, ўз ғояларини асослай олиши учун керакли малакани шакллантиради. Юқорида айтилган барча баҳолаш техникалари ана ўша «ўзлигини билиш» жараёнини ниҳоясига етказишда муҳим аҳамият касб этади. Баҳолаш жараёнини ниҳоясига етказиш учун катта миқдорда вақт, уриниш, маблағ ва саъй-ҳаракатлар сарфланиши инобатга олинса, етарли билим ва малакани шакллантирган бошқарувчи уларни амалда қўлай билиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. «Майкрософт» компаниясининг кутубхонаси ҳар йили фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ўрганишга бағишланган сўровларни ташкиллаштириб, улар «барча саволлар амалиётга татбиқ қилиш мумкин бўлган натижаларга олиб келиши шарт» шиори остида ўтказилади (Плоскер, 2004: 50).

Бундан ташқари, Куинсборо жамоат кутубхонасидаги «Янги америкаликлар» дастури доирасида кутубхоначи Вай Цзе Чан томонидан ўтказилган тадқиқот натижасида кутубхонанинг коллекциясини ривожлантириш ва лойиҳаларини молиялаштириш учун керакли маблағлар ажратилган. Бундан ташқари, АҚШ шаҳарларидаги кутубхоналардан бирида «Бенгал тилини ўрганиш маркази» очилган бўлиб, у яқинда мамлакатга кўчиб келган бангладешликлар учун мўлжалланган ва кутубхона фойдаланувчилари орасида ўтказилган сўров ва тақдимот тадбирларининг натижаси бўлган.

Аризона университети кутубхоналарида маълумот бериш хизматларининг сифатини аниқлаш мақсадида ўтказилган уч босқичли сўровдан сўнг кутубхоначилар ёрдамга муҳтож фойдаланувчиларнинг ёнига бориб уларга ёрдам бериши, ходимлар ўз исми ёзилган кўкрак нишонини тақиб юриши, талабалар орасида кутубхонадаги янги технологиялардан фойдаланиш бўйича машғулотлар ўтказилиши йўлга қўйилди. Сўровлар мувофиқлаштирувчиси тадқиқотлар натижаларини «жудаям фойдали» деб баҳолаган (Норлин, 2000: 546–553).

## Сонини аниқлаш

Агар гап катта миқдордаги маблағларни жалб қилиш устида кетаётган бўлса, тўпланган маълумотларнинг статистик таҳлили маблағ берувчиларда яхши таассурот уйғотишнинг энг самарали усули ҳисобланади. Шу билан бирга

статистик таҳлил ўзи билан математикани ҳам олиб келиб, статистика ишидан хабари бўлмаган кутубхоначи бу ишни ўз зиммасига олиш ўрнига статистика маълумотларининг таҳлили билан шуғулланувчи профессионалга муурожаат қилиши ёки махсус дастурий маҳсулотлар, жумладан LibQUAL+ дан фойдаланишни маслаҳат берилади. LibQUAL+ ҳақидаги барча керакли маълумотни [www.libqual.org](http://www.libqual.org) манзилдан топиш мумкин. Ўз сўровларини ўтказишда мазкур дастурий маҳсулотдан фойдаланган кутубхоналарнинг сўров натижалари ҳақидаги маълумотлар «Кутубхоналарнинг LibQUAL+ натижасидан олган натижалари» (*Libraries Act on Their LibQUAL+ Findings*) асарида келтириб ўтилган (Хис, Кириллидоу, Аскю, 2005).

## Стратегия тузиш

Баҳолашдаги аниқлик баҳолаш техникасининг даражаси ва турини тўғри танлашни тақозо этади. Бунда респондентлар диққатига ҳавола этилиши мумкин бўлган саволларнинг намуналари қуйидагича:

- *Сиз маълумот бериш соҳасида янги ташаббусни илгари сурмоқчимисиз?* Масалан, сиз куну тун давомида кўрсатиладиган виртуал маълумот бериш ёки ёки «жонли» онлайн маълумот бериш хизматини яратмоқчимисиз? Сўров услублари субъектив афзалликлар ҳақидаги кенг қўламли ахборот керак бўлганда, айниқса самарали бўлади.
- *Сиз бор-йўғи фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари ҳақида тасаввур ҳосил қилмоқчимисиз?* Масалан, фойдаланувчилар ўз саволларига ҳар доим қониқарли жавоб олганми? Маълумот базаларидан наф борми? Маълумотхонанинг иш соатлари қониқарлими? Бу каби гадқиқотларни ўтказишда фикр-мулоҳаза қутилари ва кузатув методларидан фойдаланиш, айниқса юқори самара берган.
- *Сиз маблағларни йўналтиришнинг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқмоқчимисиз?* Масалан, умумий турдаги маълумотларни бериш билан боғлиқ саволларга жавоб бериш учун ёрдамчиларнинг ўзи кифоя қилладими? Босма манбаларни харид қилиш учун мўлжалланган маблағлар электрон манбаларни сотиб олишга йўналтирилиши керакми? Маҳаллий тарих ёки кичик бизнес каби соҳаларга махсус молиявий маблағ йўналтириш керакми? Таҳлил билан боғлиқ тадқиқотларни амалга ошириш учун шахсий фикрлар етарли эмас. Бунда фокус гуруҳларида ишлаб чиқилувчи хулосалар анча самаралироқ.
- *Янги маблағларни жалб қилмоқчимисиз?* Масалан, компьютер технологияларига бағишланган библиографик кўрсатма маълумот бериш жараёнининг қимматини оширадими? Хизматлар сифатини яхшилашга қаратилган тадқиқотларда шахсий фикрга асосланган натижалар энг мақбул ҳисобланади. Бунда мавзу бўйича амалий тадқиқот энг яхши усул бўлиб, у ҳам субъектив фикрлар, ҳам объектив сонларни ўзида уйғунлаштиради.

## Тасаввур қилиш

Маълумотхона бошқарувчиси қуйидаги вазиятлар билан тўқнаш келиши мумкин:

- Кутубхона жойлашган коллеж раҳбари ўқитувчилар ўзига керакли манбаларни бошқа кутубхоналардан излашига тўғри келмоқда, деган асоссиз айбловни илгари сурди. Кутубхона маълумот бўлими ходимларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қондираётганини қандай исботлайсиз?
- Профессионал манбаларда айтилишича, кун-тун давомида хизмат кўрсатувчи маълумотхона — кутубхоначилик ишининг келажаги. Сиз хизмат қилаётган кутубхонада ана шундай хизматни киритиш лозимлигини аниқлаш учун қайси усулдан фойдаланган маъқул?
- Сизни ҳозиргина маълумотхона раҳбари этиб тайинлашди. Сизнинг фикрингизча, умумий энциклопедияларнинг ҳар йили янгиланадиган онлайн кўринишини харид қилиш, ўша энциклопедияларнинг босма шаклдаги янгиланишларини харид қилгандан бирмунча арзонроқ. Ўз фикрингизни асослаш учун қайси маълумотлар ёки баҳолаш техникасидан фойдаланган бўлар эдингиз?
- Сиз ўртача ҳажмдаги жамоат кутубхонасида маълумотхона бошқарувчиси сиз, Кутубхона раҳбари кейинги йилнинг бюджети қисқаргани, шу боис буюртма берилган манбаларни 10 фоизга камайтириш кераклигини айтди. Сиз қайси манбалардан воз кечган бўлардингиз ва бу қарорингизни қандай асослайсиз?

## Давомли баҳолаш: энг муҳим жиҳат

Гарчи кўп вақт олса-да, давомли баҳолаш тадбирлари маълумот бериш соҳасининг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Айни пайтда мазкур соҳада рўй бераётган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, ҳар бир кутубхона давомли баҳолаш тадбирларини амалиётга киритиши талаб этилади.

Кутубхоналар ҳақида фикр юритиб «Келажак кутубхоналари» (*Future Libraries*) асари муаллифлари «ўзингнинг ким эканингни бировлар томонидан тавсифлашга йўл қўйиб бериш, йўқлик қаъри томон қўйилган илк қадамдир» дейди (Кроуфорд ва Горман, 1995: 182).

Мазкур бобда айтиб ўтилган баҳолаш воситалари, оддий қилиб айтганда, воситалар, холос. Шунинг билан чиқармаслик керакки, баҳо бериш — чуқур ўйланган жараён ва замонавий кутубхоначиликда уларнинг аҳамиятини тушириб бўлмайди. Баҳолаш натижалари қарор қабул қилувчиларнинг фикрига таъсир ўтказиб, кутубхоналарнинг ҳозирги куни ва келажакдаги ривожланиш йўллари белгилашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

## Recommendations for Further Reading

Cobus, Laura, Valeda Frances Dent, and Anita Ondrusek. 2005. «How Twenty-Eight Users Helped Redesign an Academic Library Web Site: A Usability Study». *Reference & User Services Quarterly* 44, no. 3 (Spring): 232–246. The authors provide compelling evidence that usability testing, with even a small sampling population, was not only instructive, but provided sufficient insight to effect concrete changes. A comprehensive list of similar studies, distinguished by their small sampling populations, can be found at [www.jkup.net/terms-studies.html](http://www.jkup.net/terms-studies.html).

- Diamond, Tom, and Mark Sanders, eds. 2006. *Reference Assessment and Evaluation*. Binghamton, NY: The Haworth Press. University and college libraries are the target audiences for this collection of ideas, methods, and case studies for evaluating digital reference, staff training, desk staffing and other reference activities.
- Dudden, Rosalind Farnam. 2007. *Using Benchmarking, Needs Assessment, Performance Improvements, Outcome Measures, and Library Standards: A How-To-Do-It Manual for Librarians*. New York: Neal-Schuman. The examples provided in this book are presented with the clear aim of allowing replicability in both small and large libraries. Dudden's work is focused on those institutions that acknowledge the importance of constant evaluations and assessment of reference services in theory, but end up giving it low priority in terms of actual practice.
- Fink, Arlene. 2009. *How to Conduct Surveys: A Step-by-Step Guide*. 4th ed. Thousand Oaks, CA: SAGE Publications, Inc. This is not a manual for reference libraries per se; however, it contains a pragmatic and comprehensive guide to all kinds of surveys with examples of real surveys that have been used in a variety of institutions that can be adapted to reference services as well.
- Heath, Fred M., Martha Kyrrilidou, and Consuella A. Askew, eds. 2005. *Libraries Act on Their LWQUAL+ Findings: From Data to Action*. Binghamton, NY: The Haworth Press. This title is invaluable for reference departments interested in using LibQUAL+ to conduct surveys. The experiences of more than two dozen college, university, health sciences, and consortial libraries are presented, so that the survey tool has an immediacy not found in the many structural descriptions of LibQUAL+.
- Holt, Glen, and Donald Elliot. 2003. «Measuring Outcomes: Applying Cost-Benefit Analysis to Middle-sized and Smaller Public Libraries». *Library Trends* 51, no. 3 (Winter): 424–440. This article is unique in that it addresses a relatively neglected area of assessment study, namely, the smaller-sized public library. The authors describe their efforts to tailor an existing cost-benefit analysis methodology they had earlier devised for the assessment of five large public library systems.
- Howley, Sue, and Andrew Stevens. 2003. *WILIP: Summary Report and Next Steps*. London: The Council for Museums, Archives and Libraries. The assessment of reference services can be tightly focused on a single initiative or across a broad spectrum of services. This primary document provides an absorbing account of assessment on a national scale. The Wider Information and Library Issues Project (WILIP), sponsored by a nondepartmental body of the U.K. government in 2002, essentially mapped all the different types of information resource centers in the nation, conducted in-depth interviews, and provided over 200 suggestions aimed at ensuring the maximum fit between information users and providers.
- Hubbertz, Andrew. 2005. «The Design and Interpretation of Unobtrusive Evaluations». *Reference & User Services Quarterly* 44, no. 4 (Summer): 327–335. The author supports this assessment tool by presenting it as a standardized test method. Such a method, he argues, is potentially valuable for establishing relative rankings across libraries. The (mis)use of this tool to assess overall service quality is deemed improper.
- Maness, Jack, and Sarah Naper. 2007. «Assessing Inappropriate Behavior: Learning from the AskColorado Experience». In *Virtual Reference Service: From Competencies to Assessment*, edited by David Lankes, Scott Nicholson, Marie L. Radford,

- Lynn Westbrook, Joanne Silverstein, and Philip Nast. New York: Neal-Schuman. The chapter specifically studies «trends in inappropriate behavior» during virtual reference transactions and traces these trends across markets. The somewhat novel goal of the chapter is to assess bad practices, rather than best practices, with an eye to improving the virtual reference experience for both users and staff.
- Matthews, Joseph R. 2007. *The Evaluation and Measurement of Library Services*. Santa Barbara, CA: Libraries Unlimited. Matthews tailors the book around the single question of what differences libraries make in the lives of their patrons and whether these are quantifiable through various measuring techniques. The book is a general exposition on evaluating library services as a whole; however, a great part of the material is devoted specifically to reference services. He also argues that traditional measurements such as number of reference transactions are less effective unless teamed up with customer-centric metrics such as whether the reference patron was satisfied by the transaction.
- Novotny, Eric. 2002. *Reference Service Statistics and Assessment*. Washington, DC: Association of Research Libraries. Published as part of the SPEC Kit series (#268), the survey of seventy-seven member libraries provides a highly useful compilation on the various methods used by research libraries of all sizes. An interesting general observation by Novotny states that the high level of activity in reference departments, juxtaposed against data that show a decrease in the number of transactions, appears to be fostering a growing opinion that data collection techniques should be revamped.
- Novotny, Eric, ed. 2007. *Assessing Reference and User Services in a Digital Age*. Binghamton, NY: The Haworth Press. Both best practices and case studies are explored by various authorities, in this compilation of e-reference evaluation in academic and public libraries. Topics include the effective evaluation of chat reference, online instruction, electronic resources, budgets and consortial undertakings, and the VET or Virtual Evaluation Toolkit.
- Roman, Jana, and Carol Turner. 2002. *Chat Reference*. Washington, DC: Association of Research Libraries. This book has a worthwhile section on evaluating chat reference. Evaluation forms for virtual reference at the University of Guelph, surveys of Ask-A-Librarian at the University of Illinois at Urbana-Champaign, Live Assistance at the Louisiana State University, LibChat at Syracuse University, and online reference at York University (defunct when checked on 2/18/2006) are all covered in separate chapters of the section.

## Bibliography of Works Cited in This Chapter


---

- ACRL. 1997. «Sources of Information on Performance and Outcome Assessment». Available: [www.ala.org/ala/mgrps/divs/acrl/publications/whitepapers/source-information.cfm](http://www.ala.org/ala/mgrps/divs/acrl/publications/whitepapers/source-information.cfm) (accessed May 3, 2009).
- Adams, Mignon, and Jeffrey Beck, compilers. 1995. *User Surveys in College Libraries*. (CLIP Note #23). Chicago, IL: ACRL.
- American Library Association. 2010. *Quotable Facts about America's Libraries*. Available: <http://www.ala.org/ala/aboutala/offices/ola/quotable-facts/quotable-facts.cfm> (accessed February 3, 2011).

- American Library Association. 2011. *Funding News at Your Library*. Available: [www.ala.org/ala/issuesadvocacy/libfunding/public/index.cfm](http://www.ala.org/ala/issuesadvocacy/libfunding/public/index.cfm) (accessed February 3, 2011). Blog. Available: <http://libraryassessment.info>.
- Crawford, Walt, and Michael Gorman. 1995. *Future Libraries: Dreams, Madness, and Reality*. Chicago, IL: American Library Association.
- DIG\_REF. Available: [www.webjunction.org/listservs/articles/content/438707](http://www.webjunction.org/listservs/articles/content/438707).
- Eng, Susanna, and Susan Gardner. 2005. «Conducting Surveys on a Shoestring Budget». *American Libraries* 36, no. 2 (February): 38–39.
- Everhart, Nancy. 1998. *Evaluating the School Library Media Center: Analysis Techniques and Research Practices*. Englewood, CO: Libraries Unlimited.
- Goetting, Denise. 2004. «Attitudes and Job Satisfaction in Louisiana Library Workplaces». *Louisiana Libraries* 67, no. 1 (Summer): 12–17.
- Government Performance Results Act of 1993*. Available: [www.whitehouse.gov/omb/mgmt-gpra/gplaw2m.html](http://www.whitehouse.gov/omb/mgmt-gpra/gplaw2m.html) (accessed April 29, 2009).
- Griffiths, Jose-Marie and Donald W. King. 2008. «Interconnections: The IMLS National Study on the Use of Libraries, Museums and the Internet». Available: <http://interconnectionsreport.org/> (accessed April 28, 2009).
- Heath, Fred M., Martha Kyriillidou, and Consuella A. Askew, eds. 2005. *Libraries Act on Their LibQUAL+ Findings: From Data to Action*. Binghamton, NY: The Haworth Press.
- Herman, Douglas. 1994. «But Does It Work? Evaluating the Brandeis Reference Model». *RSR: Reference Services Review* 22, no. 4 (Winter): 17–28.
- Hernon, Peter, and Robert E. Dugan. 2001. *An Action Plan for Outcomes Assessment in Your Library*. Chicago, IL: American Library Association.
- Hernon, P., and C. R. McClure. 1986. «Unobtrusive Reference Testing: The 55 Percent Rule». *Library Journal* 111, no. 7 (April 15): 37–41.
- Hisle, Lee W. 2005. «Reference Questions in the Library of the Future». *Chronicle of Higher Education* (September 30): B6-B8.
- Ho, Jeannette, and Gwyneth H. Crowley. 2003. «User Perception of the 'Reliability' of Library Services at Texas A&M University: A Focus Group Study». *Journal of Academic Librarianship* 29, no. 2 (March): 82–87.
- LIBREF\_L. Available: [www.library.kent.edu/page/10391](http://www.library.kent.edu/page/10391).
- Liu, Jia. 2007. *The Evaluation of Worldwide Digital Reference Services in Libraries*. Cambridge, UK: Chandos Publishing (Oxford) Ltd.
- Lubans, John, Jr. 2001. «'Where Are the Snows of Yesteryear?' Reflections on a Suggestion 'Box' That Worked». *Library Administration and Management* 15, no. 4: 240–245.
- Mosely, Pixey Anne. 2007. «Assessing User Interactions at the Desk Nearest the Front Door». *Reference & User Services Quarterly* 47, no. 2 (Winter): 159–167.
- Norlin, Elaina. 2000. «Reference Evaluation: A Three-step Approach—Surveys, Unobtrusive Observations, and Focus Groups». *College & Research Libraries* 61, no. 6 (November): 546–553.
- Novotny, Eric. 2004. «I Don't Think I Click: A Protocol Analysis Study of Use of a Library Online Catalog in the Internet Age». *College & Research Libraries* 65, no. 6 (November): 523–537.
- Oder, Norman. 2008. «Budget Report 2008: Treading Carefully». *Library Journal* 133, no. 1 (January 1): 49–51.



- Plosker, G. 2004. «Learning from Best Practices». *Online* 28, no. 3: 50–52.  
*PUBLIB*. Available: <http://lists.webjunction.org/publib/>.
- Read, Eleanor J. 2007. «Data Services in Academic Libraries Assessing Needs and Promoting Services». *Reference & User Services Quarterly* 46, no. 3 (Spring): 61–76.
- Richardson, John V. 2002. «Reference Is Better Than We Thought». *Library Journal* 127, no. 7 (April 15): 41–42.
- Rose, Pamela. Sharon A. Gray, and Kristin Stoklosa. 1998. «A Focus Group Approach to Assessing Techno-stress at the Reference Desk». *Reference & User Services Quarterly* 37, no. 4 (Summer): 311–317.
- Shoaf, Eric C. 2003. «Using a Professional Moderator in Library Focus Group Research». *College & Research Libraries* 64, no. 2 (March): 124–132.
- Stacy-Bates, Kristine. 2003. «E-mail Reference Responses from Academic ARL Libraries: An Unobtrusive Study». *Reference & User Services Quarterly* 43, no. 1: 59–70.
- Staff. 2004. «Better Service Through Data Numbers—Wai Sze (Lacey) Chan». *Library Journal* 129, no. 5 (March 15): 34.
- Survey Monkey*. Available: [www.surveymonkey.com](http://www.surveymonkey.com). A detailed key on how to use the tool can be found at: [www.library.kent.edu/files/Library\\_Live\\_II\\_Survey\\_Monkey.pdf](http://www.library.kent.edu/files/Library_Live_II_Survey_Monkey.pdf).
- Ward, David. 1999. *Getting the Most Out of Web-Based Surveys*. (LITA Guide #6). Chicago: American Library Association.
- Whitlach, Jo Bell. 2000. *Evaluating Reference Services: A Practical Guide*. Chicago, IL, and London: American Library Association.



# 20

## Иккинчи авлод маълумот хизматлари

---

### Тушунчаларнинг ўзгариши вақтнинг ўзгариши демакдир

---

Йигирма йил аввал биз янги даврга қадам қўйдик. Гарчи, янги замон тушунчаларининг ёзилиши талаффузи ўтган замондаги сўзлар билан бир хил бўлса-да, уларнинг маъноси тамомила бошқача тус олди. Хусусан, «сичқон» сўзи энди биз билган кемирувчи ёки фарзандларимиз севиб томоша қилувчи «Сичқонча Микки» мультфильмининг қаҳрамонигина эмас, балки уйимизда турган компьютарнинг ажралмас бир қисмига айланди, деса к муболаға бўлмайди. Apple (олма) ва Blackberry (пармачак) энди нафақат меваларни, балки компьютер технологиялари соҳасида етакчилик қилувчи компанияларнинг номларини ҳам ифодалайди. Биз учун ҳозир «твиттерлаш» қушлар ини билан эмас (twitter — «қушлар сайраши»), балки кўпроқ ижтимоий мулоқот билан боғланувчи замонга қадам қўйишдир. Қисқаси, биз иккинчи авлод маълумот бериш оламига кириб келмоқдамиз.

Бу оламдаги ўзгаришлар шу даражада жадал ривожланмоқдаки, уларни англаб етиш, тушуниш, оқибатларини тасаввур қилиш турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Лекин ҳали-ҳануз фойдаланувчининг эҳтиёжини қондириш маълумот бериш хизматининг асосий мақсади бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, интернет тармоғининг ривожини натижасида пайдо бўлган оммавий иштирок ва тармоқдаги ижтимоийлашув кундалик ҳолатга айлангани боис маълумот бериш соҳасига муайян ўзгаришларни олиб кирди.

Маълумот бериш оламида ахборот бу — фактларнинг билувчилар томонидан уларни билиш илинжида бўлганларга бир томонлама етказиб беришинигина англатмайди. Ахборот — бу кўп йўналишда амалга оширилувчи интерактив мулоқотдир. Ҳозирги фойдаланувчилар ахборот уларнинг эҳтиёжига қараб қайта ишланган бўлишини истайди ва шу орқали улар эҳтиёжларининг ўзига хослиги тан олинади ва қондирилади. Мазкур ахборот етказиш тизими фойдаланувчи қаерда бўлишидан қатъи назар у билан боғланади. Ҳозирги ўзгаришлар оддий ўзгариш эмас. Гарчи Месопотамиянинг лой пештахталари, Александриянинг қоғоз ўрамлари, инкларнинг кипалари ва ҳаттоки, чоп этиш машинаси ихтиро этилган пайтда ҳам ахборотни етказиш усулларида ўзгаришлар юз берган бўлса-да, ҳозирги ўзгаришлар фақатгина янги технология яратилгани билангина изоҳланмайди. Қадим замонларданоқ ахборот етказиш тизими ягона бир қоидага асосланган: яъни, ахборот бир жойда тўпланиб, одамлар ундан ана шу жойда фойдаланиши мумкин бўлган.

Лекин иккинчи авлод маълумот бериш дунёсида эса, асосий эътибор ижтимоий тармоқларга қаратилиб, ахборот «қайта ишланиб» сайқалланиб бормоқда. Мазкур бобда дунё кутубхоначилари томонидан маълумот бериш ишида қўлланилаётган воситалар муҳокама қилинган. Бу воситалар 2-авлод маълумот бериш дунёсидаги энг эътиборга молик жиҳатлар бўлиб, улар: *ҳамкорлик, ижтимоий тармоқлар, мослаштириш, силлиқлик*.

## Иккинчи авлод маълумот бериш дунёси нима?

2008 йилнинг охирларида Library Journal нашри 3-авлод маълумот бериш дунёсининг кириб келиши ва унинг ривожланиш йўналишлари қандай бўлиши мумкинлигига бағишланган туркум мақолаларни чоп қилган эди. Сараланган кутубхоначи ва ноширларнинг фикрича, келажакдаги маълумот бериш тизими ҳамкорлик, спонтанлик, буюртмачининг талабларига мослаштириш ва мультимедиа ёрдамида форматлаш каби таркибий қисмлардан ташкил топади. Бунда 2-авлод маълумот бериш дунёси 3-авлод маълумот бериш дунёсидан нимаси билан фарқ қилиши номаълум эди. Ундан ҳам қизиги, мутахассислар ҳали-ҳануз 2-авлод маълумот бериш дунёсига аниқ таъриф беришга қийналар ва бу борадаги баҳс-мунозаралар ҳали ҳам тугамаган эди. Уолт Кроуфорд исмли мутахассиснинг (2006:31) таъриф беришича, «2-авлод кутубхонаси» нима экани борасида 62 та фикр, 7 та таъриф мавжуд бўлиб, уларнинг бари уйғунлаштирилганда 2-авлод «бир қатор янги ва унчалик янги бўлмаган дастурий маҳсулот услубларини қамраб оладиган тушунча», деган хулоса келиб чиққан.

Ланк, Сильверстейн ва Николсон (2006: 9) 2-авлод интернет тармоғини «тамойиллар тўплами» дея тавсифлаган. Шу боис 2-авлод маълумот бериш дунёсини ҳам турли амалиётчилар томонидан турлича ёндашилган ва баҳо берилган концепциялар тўплами дейиш мумкин.

Янги технологиялар бошни айлантирадиган даражада тез ривожланаётган бир шароитда ўзгаришлардан биров узоқлашиб, бу жараён аслида қандай кечаётганини кўриш учун вақт ва имкон йўқ ва яқин келажакда бўлиши ҳам даргумон. Лекин 2-авлод маълумот бериш дунёсининг нима эканини тушуниб олмасдан туриб, ўша имкониятни кидириш бефойда, негаки дунёда ҳар куни технологияларнинг янги турлари, жумладан, вики технологиясига асосланган эркин энциклопедиялар, блоглар, турли виджетлар, подкастлар, оқимли видео, «Facebook», «Flickr», «LibraryThing», «MySpace», «Second Life» каби ўта оммавий сайтлар ана шулар жумласидандир.

Интернет имкониятлари ва фойдаланувчиларнинг қизиқувчанлиги ва янги технологиялардан хабардорлиги соат сайин кенгайиб бораётган бир пайтда 2-авлод маълумот бериш дунёси маълумот бериш соҳасига қайси жиҳатлари билан маъқул келишини кўриш мумкин. Шундай бўлса-да, унинг аниқ таърифи ҳали-ҳануз ноаниқлигича қолмоқда.

Қуйидаги бўлимларда 2-авлод маълумот бериш дунёсида учрайдиган тўртта энг муҳим белги келтириб ўтилган:

1. *Ҳамкорлик* — ахборот маконини жамоавий саъй-ҳаракатлар воситасида тўлдириш. Бунинг учун вики платформаси (эркин энциклопедиялар), блоглар, микроблоглар, подкаст ва бошқа бир қатор виртуал асбоблар иш-

латилади. MediaWiki, Bloglines, Twitter, Delicious, LibraryThing, GoodReads, Bookcrossing, Shelfari каби сайтлар 2-авлод маълумот бериш дунёсининг айнан мана шу жиҳатини акс эттиради.

2. *Ижтимоий тармоқлар* — кенгайиб бораётган онлайн ҳамжамиятлар билан боғлиқ бўлиб, улар ҳам маълумот бериш соҳасининг ўзига хос аудиторияси ҳисобланади, негаки улар «одамлар тўпланадиган жой» ҳисобланади. MySpace ва Facebook ижтимоий тармоқларнинг энг диққатга сазовор намуналари ҳисобланади.
3. *Мослаштириш* — ижтимоий тармоқларга алоқадор йўналиш бўлиб, виджетлар, RSS хабарлар, GoogleMaps, Facebook плагинлари, Meebo IM каби сайтлар ва Ning ва Wordpress каби сайт яратувчи сайтлар ҳам 2-авлод маълумот бериш дунёсининг муҳим қисмларидан ҳисобланади.
4. *Силлиқлик* — глобал, транспарент платформалар бўлиб, улар турли виртуал маконлар ва дастурий маҳсулотлар ўртасидаги муносабатларнинг силлиқ кечишини таъминлайди.

Воситаларнинг ўзи юқоридаги тўртта категорияни ҳам қамраб олиши мумкин бўлиб, жумладан Meebo IM платформаси асосида маълумот хизматларини кўрсатиш ҳам силлиқлик, ҳам одатдаги маълумот бериш жараёнининг 2-авлод имкониятлари билан уйғунлашувини таъминлайди; Meebo Me виджетлари томонидан ҳавола этилувчи мослашиш имконияти фойдаланувчилар бир зумда хабар алмашиши мумкин бўлган сайтларда ҳам амалга таъбиқ этилиши мумкин. Калгари университети (Канада) кутубхонаси 2007 йил охирида Meebo IM платформаси орқали маълумот хизматларини кўрсатишни йўлга қўйиб, ўз кутубхона каталогига Meebo ME виджетларини қўшиб қўйди. Натижада, каталогдан фойдаланаётган ўқитувчи ва талабалар кутубхоначи билан бошқа сайтлар орқали эмас, балки тўғридан-тўғри чат орқали мулоқот қилиш имконига эга бўлди. АҚШнинг Шарқий Кентуки университети Meebo Me виджетини ўзининг Find Article сайтига қўшиб қўйиши натижасида, сайт орқали маълумот бериш ҳажми икки баробарга ортган (Жудд, 2007). Second Life сайтида бошланган маълумот бериш ташаббуси ҳамкорлик, мослаштириш ва силлиқликнинг ўзига хос уйғун кўриниши бўлди.

## Ахборот маконини жамоавий саъй-ҳаракатлар воситасида тўлдириш

### Маълумот берувчи викилар (эркин энциклопедиялар)

Тасаввур қилинг, сиз китоб ўқиб ўтирибсиз ва ёдингизда сақлаб қолмоқчи бўлган гапларнинг тагига қизил қалам билан белгилаб чиқяпсиз, китобнинг чеккаларига эса, уни ўқиш давомида хаёлингизда туғилган ғояларни ёзиб боряпсиз. Яна тасаввур қилингки, сизнинг белгиларингиз ва сизга ёққан гаплар китоб билан араллашиб, умуман янги, яъни сизнинг билим ва ғояларингизни ўзида жамлаган китобни юзага келтирди. Босма манбалар дунёсида бу каби воқеа фантастика деб қараладиган бўлса, онлайн маконда бу «вики» кўринишида амалга оширилиши мумкин. Вики — бу содда интерактив сайт бўлиб, фойдаланувчи томонидан носинхрон тарзда тўғрила-

ниши, таҳрир қилиниши ёки кенгайтирилиши мумкин. Вики платформасининг соддалиги боис, фойдаланувчи веб-технологиясини эгаллаши шарт эмас. MediaWiki, Traction, TeamPage, PmWiki каби сайтлар керакли дастурий маҳсулотларни ҳавола қилади. Вики жойлаштирилувчи макон эса seedwiki, Google Sites, Pbwiki каби сайтлар томонидан ҳавола этилади ва фойдаланувчи асосий эътиборини ўзи жойлаштирмоқчи бўлган материалга қаратиши мумкин. Вики платформаси 1994 йилда яратилган бўлиб, ўша пайтдан буён унинг кўлами шу қадар кенгайдики, айтиш пайтда у деярли хоҳлаган кўринишга эга бўлиб, ҳар қандай тизимга «боғлаб» қўйилиши мумкин.

Вики тизими маълумот бериш ишини такомиллаштиришга қандай ҳисса қўшиши мумкин? Гарчи «викивики» — бу Гавай ороллари халқлари тилида «супертез» деган маънони англатса-да, лекин вики платформасининг асосий хусусияти — бу тезлик эмас, балки жамоавийлик ва интерактивликдир. Мазкур платформанинг дунё миқёсида оммалашиб бориши шундан далолатки, аксарият кутубхоналар викидаги интерактивликдан ўз мақсадларида муваффақиятли тарзда фойдаланиб келмоқда.

### Тайёр фактли маълумотлар

Мунтазам тарзда янгилаб бориш вики технологиясининг асосий хусусияти экани ҳисобга олинса, тайёр фактли маълумотлар соҳаси у гуллаб-яшнаши мумкин бўлган асосий соҳалардан бири ҳисобланади. Айтиш пайтда энг оммавий ва энг машҳур тайёр фактли вики маҳсулоти — бу «Википедия» сайтидир. Бешинчи бобда айтиб ўтилганидек, «Википедия»нинг асосий афзаллиги ва асосий камчилиги ҳам бир жиҳат, яъни мазмунни эркин тарзда ўзгартириш мумкинлигидан иборат. Бир ойда 800 миллион одам кирадиган мазкур сайт дунёдаги энг оммабоп сайтлар ўнлигидан жой олиб (Алекса, 2011), у ғайритабиий тарзда оммабопликка эришган вики маҳсулотининг энг ёрқин мисolidир. Буюк Британиядаги h2g2 сайти ҳам вики платформаси асосида яратилган ўзига хос эркин энциклопедия бўлиб, у «хаёт, қои нот ва ҳамма нарса» ҳақида маълумот берувчи манба сифатида ўзини илгари суради. Кўплаб илмий муассасалар вики технологиясига асосланган кичик ҳажмдаги тайёр фактли манбаларни яратиб, улар ҳам анчайин оммабоп бўлиши мумкинлиги амалда ўз исботини топмоқда. Жумладан, Andover Answers сайти АҚШнинг Массачусетс штатидаги Андовер шаҳар кутубхонаси томонидан яратилган бўлиб, у шаҳар тарихи, ундаги диққатга сазовор жойлар, унинг иқтисодий, маданий ҳаётига бағишланган эркин сайтдир ([www.mhl.org/answers](http://www.mhl.org/answers)). АҚШнинг Калифорния штатидаги Бурбанк шаҳри жамоат кутубхонаси ҳам маҳаллий аҳоли учун мўлжалланган вики платформасига асосланган сайт яратган бўлиб, у <http://burbank.wikidot.com> манзилида жойлашган. Шу ўринда айтиш керакки сайт эркин таҳрир учун ёпиқ бўлиб, барча ўзгаришлар электрон почта орқали юборилиши керак.

### Мавзу бўйича маълумотномалар

АҚШнинг Нью-Жерси штатидаги Камден каунти кутубхонаси ўзининг веб-сайтида элликдан ортиқ турли маълумотнома ва ахборот топиш бўйича қўлланмаларни жойлаштирган. Нью-Йорк жамоат кутубхонаси сайтида эса, ил-

мий тадқиқот ўтказиш мавзусига бағишланган 100 дан зиёд қўлланмани топиш мумкин. Кутубхоналар бу каби маълумотномаларни ўз фойдаланувчиларига ёрдам сифатида яратади ва сайтларига жойлаштиради. Юқори сифатли маълумот бериш хизматига эга бўлган кутубхоналар мазкур қўлланмаларни доимий тарзда янгилаб боришни канда қилмайди. Яқиндан бошлаб бу каби маълумотномаларни вики технологияси асосида янгилаб бориш имконияти пайдо бўлди. Жумладан, Огайо университети кутубхонасининг ходими Чад Бёнинггер Biz Wiki сайтини яратиб, кутубхона маълумотномаларида кўрсатиб ўтилган бизнес манбаларнинг рўйхатини янгилаш ишига бутун университетни жалб қилган. Сайт манзили [www2.library.ohiou.edu/subjects/bizwiki/index.php/Main\\_Page](http://www2.library.ohiou.edu/subjects/bizwiki/index.php/Main_Page).

АҚШнинг Мичиган штатидаги Гранд Рапидс жамоат кутубхонаси ўз сайтида мавзулар маълумотномалари коллекциясини жойлаштирган бўлиб, у фақатгина кутубхона тизимига аъзо бўлган кутубхоначилар томонидан янгиланиб бориши мумкин. Сайт манзили [www.grpl.org/wiki/index.php](http://www.grpl.org/wiki/index.php).

### Учрашув баёнотлари

Кутубхоначилар вики форматидан учрашувлар, конференциялар, йиғилиш баёнотларини юритиш учун ҳам фойдаланмоқда. Жумладан, Америка кутубхоналар уюшмасининг йиллик конференцияларининг баённомалари вики платформасида <http://presentations.ala.org> манзилида жойлашиб, унга конференциянинг ҳар бир иштирокчиси ўз хабарларини жойлаштириши мумкин. Орегон давлат кутубхонаси эса, Confluence дастурий маҳсулотидан фойдаланиб, у орқали кутубхоначиларга ички маълумотлар етказиб турилади. Кутубхоначилар «маълумотхона бошқарувчилари», «мавзуни тадқиқ қилиш бўйича йўриқномалар», «рақамли хизматлар» каби масалаларга алоқадор маълумотларни махсус бўлимлар орқали олиши ва мазкур йўналишларда муҳокама қилинган (ходимлар томонидан қолдирилган) хабарлар орқали билиб олиши мумкин (<http://wiki.library.oregonstate.edu/confluence>). Олбани қаунти жамоат кутубхонаси ходимлари эса, ўз кутубхонасининг кундалик фаолиятини <http://albystaff.pbwiki.com> манзилида қайд этиб боради.

### Маълумот бериш бўйича қўлланмалар

Викилар қўлланмалар яратиш жараёнини бирмунча осонлаштириши мумкин. Компьютердан фойдаланиш, библиографиялар орқали керакли манбани излаш, ахборот саводхонлиги бўйича йўриқномаларни яратиш ниятида бўлган кутубхоначилар интернет тармоғида мана шу мавзуларга бағишлаб вики платформасида яратилган сайтлардан фойдаланиши мумкин. Яъни кутубхоначи сайтдаги маълумотларни ўз эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда янгилаб, фойдаланувчилар эътиборига ҳавола этиши мумкин. Кутубхоначи Чарльз Алланнинг таъкидлашича, «муайян мавзудаги қўлланмани яратиш учун кўпчилик кутубхоначиларнинг билим ва малакасини акс эттирувчи вики платформасида яратилган сайтлар фойдаланувчиларнинг эҳтиёжини тўла қондириш, уларнинг малакасини оширишга ҳисса қўшади» (2007: 242).

Бунга Library Technology Training Wiki сайти мисол бўлиб, унда онлайн сўров ўтказиш ва вики платформасига асосланган сайтларни яратиш бўйича

қўлланмалар берилган. Сайт манзили <http://trainingwiki.pbworks.com>. Вики платформасига асосланган тиббиёт йўналиши бўйича маълумот бериш хизматлари, китобхонга маслаҳат бериш ва ахборот саводхонлиги йўналишларидаги онлайн қўлланмалардан «Wiki Online Learning Opportunities» сайтида <http://statelibrary.ncdcr.gov> манзилида бепул фойдаланиш мумкин.

### Лойиҳани бошқариш

Викилар муайян лойиҳалар доирасидаги билимни бошқариш учун фойдали восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. АҚШнинг Шимолий Каролина штатидаги Дунхам каунти кутубхонаси ўз маълумот бўлимидаги компьютер хизматларининг сифатини яхшилаш мақсадида кенг қўламли Стратегик вики режанинг бир қисмига айланиб, унинг доирасида кутубхона тизимини ўзгартириш жараёнига кутубхона ходимлари, васийлар, шаҳар маъмурияти ва кенг жамоатчилик жалб этилган. Айна пайтда ишламаётган сайтнинг кўринишини <http://dclstrategicplan.pbworks.com> манзили орқали аниқлаш мумкин бўлиб, у маълумот бериш ишини такомиллаштиришда вики технологиясидан муваффақиятли фойдаланиш мумкинлигини исботловчи тарихий бир ҳужжатга айланган. Миннесота университети кутубхонаси Libraries Staff Wiki сайтини яратган бўлиб, у кутубхона веб-сайтини бошқариш учун кутубхонанинг барча ходимларини жалб этишни назарда тутди. Сайт манзили <https://wiki.lib.umn.edu>.

### Маълумот бериш блоглари, микроблог ва подкастлар

1990 йилларда мутахассислар томонидан муомалага киририлган «веблог» атамаси «веб-сайтда қайдлар қолдириш», «веб-сайтга кириш» деган маънони англатган. Орадан ўн йил ўтиб, бу турдаги онлайн фаолият қўлами мисли кўрилмаган даражада кенгайди, атама эса қисқариб, «веблог» эмас «блог» деб юритила бошланди. Блогларнинг жалад суръатда оммалашishi ва блог ҳажмларининг турфа хиллиги бир қатор янги тушунча ва атамаларнинг пайдо бўлишига олиб келди, масалан, «блоггер» (блог қолдирувчи), «блоглаш» ёки «блоггинг» (блог қолдириш жараёнини англатувчи феъл), «микроблог» (қисқа блог), «блогосфера» (блоглар олами, макони), «блогрол» (бошқа блогларга ҳаволалар), «блог қидирувчи воситалар», «влоглар» (видеоблоглар), «кюлоглар» (савол-жавоб блоглари), «MP3 блоглар» (музыка жойлаштирилувчи блоглар), подкастлар (аудио блоглар) шулар жумласида дидир. 2008 йил маълумотларига кўра, интернет тармоғига дунё бўйлаб бир кунда 81 тилда 1 миллион блог хабарлари жойлаштирилган (Techpogati, 2008 й июнь ойи). 2010 йилга келиб эса, корпоратив блоггерларнинг хабарлари билан ойига 300 минг нафар фойдаланувчи танишиш имконига эга бўлган.

Блоглар — фойдаланувчилар томонидан сайтда жойлаштирилувчи хабар ва қайдлар бўлиб, одатда, уларнинг энг янгилари юқори қисмда жойлашади. Бу хатти-ҳаракат турини тамомила янги, деб бўлмади, албатта. Босма нашрлар дунёсида ҳам «блог»нинг ўзига хос кўриниши мавжуд бўлиб, даврий нашрларда чоп этилувчи махсус колонкалар, блог тушунчаси асосида ташкиллаштирилади, яъни улардаги маълумот мунтазам равишда янгиланади.



Figure 20-1. Screen Shot of Reference Blog at the Yale Law Library

Yale Law School  
LILLIAN GOLDMAN LAW LIBRARY  
in memory of Sol Goldman

LIBRARY HOME ABOUT THE LIBRARY RESEARCH NEWS & BLOGS

Home » News & Blogs » Yale Law Library Reference Blog

## Yale Law Library - Reference Blog

### Database Trial

Posted Thursday, March 16, 2006 10:00 AM by [author]

[Justis](#)

via http://yale.edu

We are conducting a trial of an additional portion of the Justis database. In this case, their version of CELEX, the documents of the European Union. To give it a try, simply go to Justis (you can click on the link above) and, once you are in the database, click on the EU and then search. Please let us know what you think. The trial continues until early April!

---

### Durham Statement on Open Access to Legal Scholarship

Posted Thursday, March 19, 2004 1:14 PM by [author]

New developments in legal publishing result in librarians encouraging electronic publication of law journals

[About](#) | [Statement](#) | [Signatories](#)

### About

On 7 November 2008, the directors of the law libraries at the University of Chicago, Columbia

**Tags:** [Open scholarship](#) [Archives](#) [Bill of Rights](#) [Case](#) [Law](#) [Constitution](#)

Source: Screen shot reproduced with permission from Yale Law School.

Figure 20-2. Reader's Advisory Blog at the Bensenville (IL) Community Public Library



# Bensenville Community Public Library

[Catalog](#) [Events](#) [About Us](#) [Readers](#) [Research](#) [Español](#) [Contact Us](#)

## Author Blogs

Looking for the blog of your favorite author? Browse our extensive listing of author blogs. Click on the name of one of the authors below to visit their blog.

Karl Arthur  
Nina Bangs  
Dave Barry  
Jaid Black  
Rebecca Brandewyna  
Poppy Z. Brista  
Jaci Burton  
Mag Cabot  
Rachel Cairne  
Dakota Cassidy  
P. C. Cast  
Diane Chamberlain  
Douglas Clegg  
Nancy J. Cohen  
Brenda Coulter  
Megan Crane  
Cindy Cruciger  
Jennifer Cruise  
MaryJanice Davidson  
Sylvia Day  
Lori Devoti  
Emma Gads

Tess Gerritsen  
Karin Gillispie  
Laurell K. Hamilton  
Kate Hardy  
Michele Hauf  
Candace Havens  
Gregg Hurwitz  
Monica Jackson  
Karen Kelley  
Karen Kendall  
Julie Kenner  
Alison Kent  
Angela Knight  
Deldra Knight  
J.A. Konrath  
Jayne Ann Krentz  
Holly Lisle  
Marjorie M. Liu  
Cait London  
Julia London  
Janice Lynn  
Katie MacAlister

Marianne Mancusi  
Liz Maverick  
Cheyanne McCray  
Jill Monroe  
Lucy Monroe  
Carla Nappes  
Jennifer O'Connell  
Scott Oden  
Kathleen O'Reilly  
Erica Orloff  
Jane Porter  
Kate Rothwell  
Stephanie Rowe  
Michelle Rowen  
Lillian Saintcrow  
Jill Shalvis  
Gene Showalter  
Jamie Sobrato  
Tina St. John  
Mary Stelia  
Jordan Summers  
Shanna Swendson

Source: Printed with permission from the Bensenville Community Public Library district.

ниб боради. Унда блогларнинг фарқи нимада, деган савол туғилиши табиий. Биринчидан, блоглар, қотиб қолган колонкалар эмас, балки том маънодаги сайт бўлиб, фойдаланувчи улар орасида гиперҳаволалар ёрдамида «кўчиб» юриш мумкин. Бу эса, блог сайтларига бошқа блоглар билан ҳаволалар орқали боғланиш, онлайн баҳс-мунозара ва шарҳларни қабул қилиш, аввалги блогларни архивлаш имконини беради. Мавзу, жанр, маълумотлар тузилиши, медиа тури, сайтнинг яратилиш «тили» ва бошқа омиллар блоглаш дунёсининг ўзига хослигини таъкидлашда ўзига хос аҳамият касб этади. Гиперҳаволалар, жавоб ва очиқ мунозара форумлари блогнинг ўзига хослигини таъкидлайди. Буюк Британиянинг Эссекс университети томонидан тайёрланган илмий тадқиқотда блоглаш «жамият билимининг тармоқда тўпланиши» дея таърифланиб, у «ўзини-ўзи ташкиллаштирувчи ҳамжамиятларни яратиши» таъкидланади (Брейди, 2005). Маълумот берувчи блоглар дунёсида бу каби «ўзини-ўзи ташкиллаштирувчи ҳамжамиятлар» сероб.

Маълумот берувчи блоглар университет хабарномаси сифатида

Йель юридик мактабининг Лилиан Голдман кутубхонаси «Маълумот бериш блоги»ни яратган бўлиб, унда дунё ва мамлакат миқёсида юридик фан ҳоҳишида рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан тортиб, кутубхонага қандай янги

Figure 20-3. Blog as In-house Communication at Barnard (INY) College Library

**Figure 20-3. Blog as In-house Communication at Barnard (INY) College Library**

**Labels:** [fax machine](#)

// posted by Jenna @ 1:06 PM 0 comments

**Monday, March 16, 2009**  
**REFERENCE SYMPOSIUM: FRIDAY MARCH 13, 2009**

The 7th Annual Reference Symposium, "The Making of a Reference Librarian" was held on Friday March 13. Thanks to colleagues who helped the reference librarians by taking additional reference hours. Many of the papers and presentations are available on the symposium's website with more to come this week:

Source: Used by permission of Barnard College Library.

Figure 20-4. Blogs as News Bulletins at the University of Montana

**GOVERNMENT NEWS FOR MONTANA**

RECENTLY PUBLISHED GOVERNMENT INFORMATION  
 SPONSORED BY THE MANSFIELD LIBRARY AT THE UNIVERSITY OF MONTANA  
 WITH SUPPORT FROM MONTANA GOVERNMENT INFORMATION PROFESSIONALS

WEDNESDAY, MARCH 25, 2009

Montana Bill on Stimulus Funds

From the *Missoulian*: "Capping more than a week of marathon committee sessions and one-on-one negotiations among its members, a key legislative panel Tuesday approved the bill outlining how to spend Montana's \$1.7-billion share of federal economic stimulus money."

The House Appropriations Committee passed House Bill 645, Implement receipt of and appropriate federal stimulus and recovery funds, yesterday. You can find the latest text of the bill on the Montana Legislature website. The bill now heads to the floor of the Montana House.

Source: Dannison, M. (25 March 2009). "Legislature 2009: Key panel approves stimulus measure." *Missoulian*. A3.

Labels: budget, legislature, Montana, recession

POSTED BY J. BURROUGHS AT 12:58 PM 0 COMMENTS

Contact a Government Information Librarian for Assistance

Jennie Burroughs, University of Montana  
 jennie.burroughs@umontana.edu

Carol Jestrab, MSU-Northern  
 jestrab@msun.edu

James Kammerer, Montana State Library  
 jkammerer@mt.gov

Montana State Website  
 USA.gov  
 GPO Access  
 THOMAS  
 About the FDLP

Montana Bill on Stimulus Funds  
 GAO Report on the Labor Department  
 Street View

Source: Government News for Montana, sponsored by the Meureen and Mike Mansfield Library of the University of Montana.  
<http://mt-govinfo.blogspot.com>.

манбалар келганию, библиографик қўлланмаларгача бўлган маълумотлар жойлаштирилади. Блогда бир қатор гиперҳаволалар мавжуд бўлиб, улар муайян мавзу ҳақида маълумот беради ва фойдаланувчи ўзида қизиқиш уйғотувчи ахборотдан блог орқали бемалол фойдаланиши мумкин.

### Китобхонга маслаҳат берувчи блоглар

АҚШнинг Иллинойс штатидаги Бенсенвиль шаҳри жамоат кутубхонаси веб-сайти ўзида барча ёшдаги китобхонлар учун маслаҳат берувчи блогларни жамлаган бўлиб, кутубхона ходимлари ҳам ўз тақризларини «52 Books, 52 Weeks Program» номли блогда жойлаштириб боради (<http://52books.org>). Шунингдек, муаллифларга бағишланган блоглар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаволалари кутубхона сайтида кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, сайтда «Book Trailer» деб номланган бўлим ҳам бўлиб, унда китоблар ҳақидаги видеотақриزلар тўплаб борилади. Фойдаланувчи ўзига маъқул келган китобни сайт орқали «банд» қилиб қўйиши ҳам мумкин.

### Маълумот берувчи блоглар университет доирасидаги мулоқот воситаси сифатида

Ички блоглар катта ва доимо иш билан қўмилган маълумотхона ходимлари орасидаги мулоқот тизимини такомиллаштиришнинг қулай усули ҳисобланади. Жумладан, бунда муайян хабар ёки янгиликдан бир вақтнинг ўзида барча ходимларни хабардор қилиш имконияти пайдо бўлади. Фанк исмли тадқиқот-

Figure 20-5. Blog as Personal Statement

**Yale University Library**

EXPERIENCE IDEAS LIBRARIES & COLLECTIONS ABOUT THE LIBRARY LIBRARY SERVICES

Departments & Staff / Working at the Library / Giving to the Library / Access & Use / Complaints in the Library / Ask a Librarian

## University Librarian's Blog

February 9, 2009

### Celebrating the Power of Ideas

The first weeks of 2009 mark some extraordinary anniversaries, each one with a heightened resonance in the context of the seismic changes that are going on in the economic and political life of the nation. Martin Luther King, Jr. would have been eighty years old, Abraham Lincoln was born two hundred years ago, and we are also celebrating the bicentenary of Lincoln's exact contemporary Charles Darwin. The Library will celebrate Black History month, and so honor Dr. King, with a [series of lectures](#) coming up. Abraham Lincoln's anniversary will be celebrated across the campus in many different forums, classes, and symposia. Charles Darwin, meanwhile, that reclusive and reflective scientist and man of letters, never visited North America, but the impact of his work on this country's political, philosophical and theological discourse, let alone our science, continues to animate controversy and passions that Darwin himself might never have imagined.

Though he did not visit, Darwin corresponded at length with scientists in North America, including Yale's James Dwight Dana, Silliman Professor of Natural History and Geology. Darwin's and Dana's association as explorers, scholars, and pioneering scientists fostered a rich and rewarding correspondence between 1849 and 1863 and the display of Darwin's letters to his friend and mentor (which are part of the collection of Manuscripts and Archives) in Sterling Memorial Library is one of a group of exhibits in different parts of the Library system, celebrating the Darwin bicentenary. Kline Science Library has mounted two displays, and there are others at the Medical, Music, and Divinity Libraries. They provide between them some fascinating insights, based on Yale collections, into Darwin's own life, times, and thought, and into the reception of his theory of evolution in the one hundred and fifty years since he published *On the Origin of Species*. They also give food for thought about the way ideas are transmitted, and the power of one man and his book to transform the world's view of itself.

Posted by Alice AT 1:48 PM | Comments (0)


Source: Screen shot reproduced with permission from Yale Law School

чининг фикрича (2009), «блоглар 2-авлод вебмаконининг энг муҳим элементларидан бири бўлиб, нафақат ўзида жойлаштирилаётган маълумотлар, балки ўзаро муносабатларнинг кенг қўламли тармоғини шакллантира олиши билан ҳам эътиборга моликдир». Барнард коллеж кутубхонаси блоги, Хеннепин каунти кутубхонаси ходимлари блоги, Вашингтон ва Ли университети кутубхонасидаги «Science Updates» блоги ва бошқалар кутубхоначилар ўртасидаги алоқани таъминлашда ўзига хос аҳамият касб этаётган манбалардир. Блогларда қўтариловчи масалаларнинг чек-чегараси йўқлиги ҳам уларнинг ўзига хос хусусиятидир. Жумладан, блоглар орасида принтер билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишдан тортиб, кутубхона коллекциясидаги тарихий манбаларни рақамлаштиришгача бўлган мавзулар учрайди. Ички блогнинг нақадар самара бериши қўп жиҳатдан муассаса томонидан қўйилувчи талаблар ва ходимларнинг блогни юритиш борасидаги лаёқатига боғлиқ.

### Маълумот берувчи блоглар хабарномалар сифатида

Хабарларни мунтазам янгилаб боришга катта эътибор қаратувчи газеталар блогларнинг гуллаб-яшнаши учун энг қулай шарт-шароитга эга макон, десак хато қилмаган бўламиз. Аслида, ҳозирги кунда 95 фоиз газеталар ўз репортёрларининг блогларини яратган (The Bivings Report, 2007). Айни пайтда «Huffinton Post» каби йирик ва ўта оммабоп янгилик блоглари одатдаги газеталар бажарадиган вазифаларни ҳам ўз зиммасига олгани боис газеталарнинг сайти билан блоглар ўртасидаги чегара борган сари қисқариб бор-

Figure 20-6. Twitter Account at the Library of Congress




**twitter** Login Join Twitter!

Hey there! **librarycongress** is using Twitter.

Twitter is a free service that lets you keep in touch with people through the exchange of quick, frequent answers to one simple question: What are you doing? Join today to start receiving **librarycongress's** updates.

**Join today!**

Already using Twitter from your phone? Click here.

 **librarycongress**

**C-SPAN** posted a series of vignettes with our curator about Lincoln-exhibit objects -- the next best thing to being there! <http://is.gd/oXGc>

**Name** Library of Congress (librarycongress)  
**Location** Washington, DC  
**Web** <http://www.loc.gov>...  
**Bio** We are the largest library in the world, with millions of books, recordings, photographs, maps and manuscripts in our collections.

0 following 4,446 followers 201 updates

Updates

моқда. Кутубхоначилар, айниқса махсус қизиқиш уйғотувчи коллекциялар билан ишловчилар, мазкур тенденциядан фойдаланиб, айти пайтда жамиятнинг муайян гуруҳи учун мулжалланган янгиликлар блогларини яратиб, уларда кутубхонадаги мавжуд асарлар ва янги манбалар ҳақидаги маълумотларни жойлаштириб боришни одат қилмоқда. Жумладан, АҚШдаги Монтана-Миссула университети кутубхонасининг ходимлари янги қабул қилинган ҳукумат ҳужжатлари ҳақидаги янгиликлар жойлаштирилаётган махсус блог яратиб, уни кутубхона фойдаланувчиларининг эътиборига ҳавола қилган (<http://mt-govinfo.blogspot.com>).

Маълумот берувчи блоглар шахсий баёноتلар манбаи сифатида

2006 йилда АҚШнинг «Тайм» журнали «Сиз» тушунчасини «Йилнинг энг машҳур шахси» деб эълон қилган, бунга блоглар ва фойдаланувчилар томонидан яратилган сайтларнинг мисли кўрилмаган даражада оммалашуви сабаб бўлган. Блогларни юритиш шу даража осон бўлиб кетдики, илгари бутун бир техник бўлим қиладиган ишни айти пайтда интернетга уланган компютери бўлган ҳар бир фойдаланувчи бажара олади. Шахсий блоглар блоглашнинг энг кенг тарқалган кўриниши бўлиши билан бир қаторда, вақт ўтиши билан йўқ бўлиб кетиш хавфи ҳам, айнан шахсий блоглар соҳасида, айниқса юқори. 2006 йилда ўтказилган тадқиқот натижасида интернет тармоғида ортиқ ишлатилмаётган 200 миллионга блог борлиги аниқланган (Фанк, 2009). Гарчи шахсий блогларнинг «ўлим кўрсаткичлари» ан-

Figure 20-7. Podcasts at the Sheridan Libraries, Johns Hopkins University

JOHNS HOPKINS UNIVERSITY THE SHERIDAN LIBRARIES

HOME LIBRARY SERVICES ONLINE RESOURCES CATALOGS RESEARCH HELP COLLECTIONS

ASK A LIBRARIAN HOW DO I... FORMS MY ACCOUNT ABOUT US INFO FOR GIVING SEARCH NEWS & EVENTS LIBRARY BLOG

Home > Podcasts > Sheridan Libraries Podcasts

Sheridan Libraries Podcasts

Listen to our podcasts to learn about library collections, services and programs, and get tips for making the most of your library.

**#4: How to Make Maps**

Length: 23:06  
File size: 21 MB

"About 80% of the data [collected] in the world is related to some place on the earth's surface," says Jim Gillespie, head of the Government Publications/Maps/Law Library (GPML). Jim talks with Andrea Bartelstein about ArcGIS, mapping software that enables users to analyze geospatial data and create their own custom designed maps. "Maps are not about answering your questions, but [...] giving you all the details for you to ask more questions of the map. What's kind of neat is you get to choose what maps interest you."

Click on the podcast link to listen on your computer, or right-click to download the file.

Automatically download new podcast from this site to your mp3 player or other portable device by subscribing to the RSS feed. [What is RSS?](#) [RSS](#)

Click on the orange RSS icon and copy the URL or shortcut into your feed reader.

**FOCUS**

2009 Howard Student Video Contest

Prizes include \$200 for best library-related video.  
Deadline: March 25, 2009.

Source: Used with permission of the Johns Hopkins University Sheridan Libraries.

ча юқори бўлса-да, кутубхоначилар блоглашнинг айнан мана шу турини афзал билмоқда. Жумладан, Мичиган университети кутубхонаси раҳбари Пол Корант ўзининг «Au Courant» деб номланган блогини юришиб, унда кутубхоначилар ишининг турли жиҳатларини ёритиб боради (<http://paulcourant.net>). Йель университети кутубхонаси веб-сайтида жойлаштирилган «University Librarians' Blog» блоги кутубхонани тарғиб қилувчи ўзига хос восита бўлиб, ундаги ҳар бир блог кутубхонанинг муайян хусусияти ёки у томонидан кўрсатилувчи муайян хизмат тури ҳақида маълумот беради.

## Микроблоглар

Микроблоглар ўз номи билан микроблог бўлиб, улардаги хабар ва янгиликлар қисқа кўринишда бўлади. Жумладан, «Твиттер» микроблогларнинг энг оммабоп и бўлиб, 2009 йилда ундан ҳар куни 55 миллион одам фойдаланган (Галанте, 2009). Твиттердаги мағли хабар учун ўрнатилган чегара 140 та белгини ташкил этади. Фактларни тасвирлаш тобора мушкуллашиб бораётган бир пайтда 140 та белгили хабар билан чегараланиш ҳеч кимга ёқмайди, дегувчиларнинг ноҳақлигини вақтнинг ўзи кўрсатиб турибди. Твитлаш ян-

гиликларни тез ва самарали етказишнинг жуда оммабоп турига айланиб бормоқда. Жумладан, унинг имкониятларидан АҚШ кутубхоналари ҳам кенг фойдаланмоқда. Конгресс кутубхонасидан тортиб илмий, жамоат ва кичик шаҳарлардаги кутубхоналаргача твитлардан турли мақсадларда фойдаланмоқда. Жумладан, Аризона штатидаги Касагранде жамоат кутубхонаси твитлардан ўз дастуридаги янгиликлар ҳақида хабар бериш учун, Дюк университетининг Перкинс кутубхонаси маълумот олиш учун берилган саволларнинг жавобларини, библиографик янгиланишлар ва ҳаттоки, кутубхона биносидаги ҳарорат ҳақидаги маълумотларни юборади. Шунингдек, Мэриленд штатидаги AskUsNow! куну тун маълумот бериш хизмати савол-жавоб сессияларини твитлар орқали амалга оширишни йўлга қўйган, Небраска штати Кутубхона комиссияси эса, тайёр фактли маълумотларни ўз твиттери орқали етказди. Комиссия сайтида келтириб ўтилган савол-жавоблар намуналари микроблоглаш маълумот бериш ишида нақадар фойдали бўлиши мумкинлигини намоиш этади ([http://twitter.com/NLC\\_Reference](http://twitter.com/NLC_Reference)).

Савол: Мен Небраскада фаолият юритувчи компания кимга тегишли эканини билиш учун қайси манбага мурожаат қилишим керак?

Жавоб: <http://tinyurl.com/384na4>.

Савол: Штат қонунларининг онлайн кўринишини қаердан топишим мумкин?

Жавоб: <http://tinyurl.com/b4px4w>.

Figure 20-8. Folksonomy of the University of British Columbia Graphics in Flickr



### UBC Library Graphics' photostream

Sets Tags Archives Favorites Profile

Jump to:

GO

sarp sailing advisor architecture architecture archives asian **asia nlibrary** assistance astronomy auditorium  
**barber** bike biker biking black **books** business **campus** center centre chapman  
 christmas chung **class** classroom clock cold collection college commerce commons  
 computer david dehydrated desk dehydrated diem dodecan **entrance** exhibit exterior fog foggy german  
 glasssculpture **group** hall help holidays homework human ice **ikblc** info information  
 irving koemer lab lam learn **learning** learningcentre lecture librarian **library**  
 lounge main museum newspaper nice ornery park parliamentary program rare reading reference  
 research resources ridlington room sauder scene school shelves snow **student**  
**students** studies **study** studying teach **teacher** teaching theatre tower tree  
 trees **ubc** **ubclibrary** university universityofbritishcolumbia  
**vancouver** victoria volume wagon wheels white **winter** woodward xmas

Source: Meredith, M. 2009. UBC Library Graphics' Photostream—Tags ([www.flickr.com/photosubclibrary/tags/](http://www.flickr.com/photosubclibrary/tags/)).

Figure 20-9. Cloud Tag for the Witkin (CA) State Law Library





Figure 20-10. A Drill-down of Single Tag for the Witkin (CA) State Law Library



## Подкастлар

Худди блоглар каби подкастлар ҳам интернет орқали маълумот ва янгиликларни етказиб бериш учун хизмат қилади. Уларнинг асосий хусусияти шундаки — улар аудиофайл кўринишига эга. Кутубхоначилар подкастлардан кутубхона коллекцияси билан таништириш, кутубхонадаги машғулотларга келиш имкониятига эга бўлмаган фойдаланувчиларга маълумот бериш хизмати ҳақида ахборот бериш, библиографик кўрсатмаларни хавола этиш мақсадида фойдаланмоқда. Виржиния университетининг Клод Мур тиббиёт кутубхонаси саломатлик соҳасидаги лекцияларни подкаст кўринишида ўз веб-сайтига жойлаштиради. Мазкур подкастлар ҳақидаги автоматик хабарномаларни олишни истаганлар махсус хизматга обуна бўлиши мумкин. Ёки бўлмаса [www.hsk.virginia.edu/historical/lectures.cfm](http://www.hsk.virginia.edu/historical/lectures.cfm) манзили орқали хоҳлаган подкастини тинглаши мумкин. Джонс Хопкинс университетининг Шеридан кутубхонаси подкастлар воситасида ўз фойдаланувчиларига кутубхона



коллекцияси ҳақида маълумот беради. Бундан ташқари, кутубхона сайтида JHsearch, Ask a Librarian каби сайтлардан фойдаланиш, библиографик маълумотлардан фойдаланиш ва бошқа қатор мавзуларга бағишланган подкастлар ҳам жойлаштирилган.

## Маълумот берувчи фолксномиялар

Ҳамкорлик орқали ахборот маконини тўлдиришни яна бир кўриниши ижтимоий йўналишдаги ахборот сайтларидир. Ахборотни классификациялаштириш мавзу бўйича каталоглаштириш билангина чегараланмасдан, фойдаланувчиларнинг керакли сўзни ишлатишига қараб ҳам таснифланиши мумкин. «Фолксномия» тушунчаси айнан шуни, яъни маълумотлар кўпчилик фойдаланувчиларнинг муайян сўزلардан фойдаланишига қараб каталоглаштирилишини англатади. Бунда фойдаланувчилар томонидан энг кўп ишлатилган сўзларнинг ҳарфлари каттароқ ва кам ишлатилган сўзларнинг ҳарфлари кичикроқ кўринишга эга бўлади. Сўзлар гиперҳаволаларга эга бўлиб, улар орқали фойдаланувчи ўзига керакли мавзу бўйича маълумотлар тўпланган саҳифаларга ўтиб олиши мумкин.

Flickr онлайн шаклда фотосуратларни бошқариш ва бўлишиш имконини берувчи энг оммабоп сайтлардан бири бўлиб, ундан фойдаланиш бепул. Саитдан кўпчилик кутубхоналарнинг суратларини топиш мумкин. Жумладан, Канададаги Британия Колумбияси университетининг суратлари «Flickr»га жойлаштирилган бўлиб, суратлар сайтда мавзу бўйича ажратилган ёрлиқ

Figure 20-11. Facebook Account of Duke University Law Library

**Figure 20-11. Facebook Account of Duke University Law Library**

The screenshot shows the Facebook profile for the Duke University Law Library. At the top, there is a navigation bar with a 'Sign Up' button and the text 'Duke University Law Library is on Facebook'. Below this, the profile picture and cover photo are visible. The profile picture is the Duke University Law Library logo, and the cover photo is a black and white image of the library building. The main content area shows several posts:

- Post 1:** 'Erase Your Online Footprint' by Duke University Law Library. The text reads: 'Most legal job-seekers already know how to carefully craft resumes and cover letters, and that they must dress-- and behave-- professionally at interviews and call-backs...'. It is dated March 10 at 11:43am.
- Post 2:** 'Prepare for Summer jobs with a Research Refresher' by Duke University Law Library. The text reads: 'Each year, law firms report some dissatisfaction with the research skills of incoming associates and new associates...'. It is dated March 6 at 10:32am.
- Post 3:** 'Library Hours for Spring Break' by Duke University Law Library. The text reads: 'The Goodson Law Library will operate under reduced service hours from Friday, April 1 until Sunday 3/15, in observance of the Law School's Spring Break. Fri 3/6: Library closes at 5 p.m. Sat 3/7-Sun 3/8: CLOSED. Mon 3/9-Fri 3/13: 9:00 a.m.-5:00 p.m. Sat 3/14: CLOSED. Sun 3/15: Regular hours resume. Over the...'. It is dated March 3 at 8:34pm.

At the bottom of the screenshot, there is a source note: 'Source: Facebook page for Goodson Law Library, created by Jennifer L. Behrens, Reference Librarian, Behrens@law.duke.edu.'

лар (tag) «булути» (cloud) кўринишида ҳавола этилади. Яъни «ётоқхона» деган ёрли қии босган фойдаланувчига университет ётоқхонаси биносининг суратлари ҳавола этилади ва ҳоказо.

Delicious — бу анча оммабоп сайт бўлиб, у фойдаланувчиларга ўзлари ёқтирган сайтларни алоҳида белгилаш ва сақлаб қўйиш ҳамда келажакда бошқалар билан ўртоқлашиш имконини берадиган ижтимоий хизматдир. Мазкур сайтнинг диққатга сазовор жиҳати шундаки, фойдаланувчи ўзи сақлаб қўйган сайтлар билан дунёнинг хоҳлаган бурчагидан гуриб танишиши мумкин, негаки сақланган сайтлар рўйхати унинг компьютерида эмас, балки марказлаштирилган манбада сақланади.

## Ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш


### Facebook ва MySpace

Медиа сайт бўлган «Flickr»га ўхшаб, «Facebook», «MySpace», «Bebo, Friendster», «StudiVZ», «Hi5» ва «Orkut» ижтимоий сайтлар бўлиб, улар фойдаланувчилар ўртасидаги мулоқот ва маълумотларнинг очиқ алмашинуви учун шароит яратади. Фойдаланувчиларга «улар қаерда бўлишидан қатъи назар» ўз вақтида хизмат кўрсатишни асосий мақсад қилиб қўйган кутубхоначилар мазкур сайтларнинг оммабоплигидан келиб чиққан ҳолда уларни ҳам ўз фаолиятида ҳар томонлама самарали ишлатишга ҳаракат қилмоқда. 2011 йил январь ҳолатига кўра, «Facebook»нинг фойдаланувчилари сони 600 миллиондан ошиб кетган эди. Мана шу миллионлаб фойдаланувчилар орасида қизиқиш бўйича бирлашган гуруҳлар пайдо бўлиши табиий. Ҳар бир гуруҳ ўз «профили»га эга бўлиб, унда гуруҳ ёки муассаса ҳақидаги маълумотлар, мунозалар рўйхатлари ва хабарлар кўрсатилган «девор» мавжуд бўлиб, у орқали маълумотларни таққослаш ва интерактив мунозараларда иштирок этиш мумкин.

Мазкур сайтлар кутубхоначиларга маълумот бериш учун яна бир «макон»ни тақдим этиб, жумладан китобни муҳокама қилувчи гуруҳлар, маълумот базаларини етказиб берувчи компаниялар билан музокара ўтказиш бўйича маслаҳат берувчи профессионал гуруҳлар, конференциялар баённомалари, кутубхоначилик борасидаги энг илгор тажрибалар ҳақидаги маълумотлар фойдаланувчилар эътиборига ҳавола этилади. Айни пайтда АҚШдаги деярли барча йирик кутубхоналар «Facebook» ва «MySpace» сайтларида ўз саҳифаларига эга. Бундан ташқари, мазкур сайтларда кутубхоначилар гуруҳлари, жумладан «Librarians and Facebook», «Library Applications in Facebook», «Libraries Without Walls» кабиларнинг саҳифаларини ҳам топиш мумкин.

Ижтимоий тармоқларнинг аҳамияти шундаки, аввал фойдаланувчиларга ёрдам бериш мақсадида кутубхоначи талабалар марказлари ва ётоқхоналари ёнида «изғиб» юрган бўлса (мазкур масала 18-бобда муҳокама қилинган), энди 2-авлод маълумот хизматлари даврида кутубхоначилар келажак фойдаланувчиларини онлайн маконда, яъни «Facebook» ва «MySpace» каби ижтимоий тармоқларда «тутиб», уларга керакли маълумотларни ҳавола этиш билан шуғулланади.

Figure 20-12. Widgets Offered by the University of Texas Libraries



Source: Used by permission of the University of Texas at Austin.

## Мослаштириш

### Маълумот бериш ишида фойдаланилувчи виджетлар

«Гаджетлар», «сниппетлар», «модулар», «плагинлар» ва ҳоказо мосламалар виджет технологиясини таърифлаш учун ишлатиладиган айрим тушунчаларни англатади. Виджетлар — бу митти кўринишдаги дастурлаш кодлари бўлиб, улар йири кроқ кўринишдаги веб-саҳифага бириктирилиши орқали саҳифанинг имкониятлари кенгайиб, уни фойдаланувчининг хожиш-истагига мослаштириш имконияти пайдо бўлади. Кутубхоначилар ўз фаолиятига виджетларни кенг татбиқ қилиб, уларни фойдаланувчиларга ҳам таклиф қилмоқдаки, шу орқали кутубхона хизматларидан инновацион усулда фойдаланиш имкониятлари кенгаймоқда.

Кутубхоначилар ҳам орқали маълумот беришда турли виджетларни айниқса кенг татбиқ этмоқда. Жумладан, «MeeboMe», «Qwidget», «WIMZI», «Plugoo» ҳамда «Digsby» каби ҳам учун мўлжалланган виджетлар замонавий маълумот бериш ишининг ажралмас бир қисмига айланиб улгурди. Пенシルвания давлат университети кутубхонаси ўз веб-сайтнинг турли саҳифаларига ҳам виджетларини жойлаштириб, сайт фойдаланувчиси улардан бемалол фойдаланиш имкониятига эга.

Техас университети кутубхонаси эса, ўз сайтида виджетлар тўпламини жойлаштирган бўлиб, улар қидириш, ахборотни тартиблаштириш, ҳамкорлик ўрнатиш каби вазифаларни бажариш учун мўлжалланган.

- Қидириш виджетлари Google саҳифасига «Асбоблар панели» тугмасини қўшиш имконини бериб, у орқали саҳифага кутубхона каталогини чиқариш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, веб-браузер учун қўшимча ҳам яратилган бўлиб, у фойдаланувчиларга Техас университети нинг ра-

Figure 20-13. RSS Subject Feeds Offered by the MIT (MA) Libraries

MIT libraries

**Recent Additions to the Collections**

Want to know what new items have just arrived in the MIT Libraries?  
Link to these lists or subscribe to our RSS feeds!

**Art, Architecture + Urban Studies**

- Architecture
- Art
- Urban Studies + Planning

**Humanities**

- American Literature
- British + Anglophone Literature
- Education
- Film
- Gender + Genre Theory
- Graphic Novels + Manga
- History + Culture of Science
- History + Culture of Medicine
- Humanities Browser
- Library + Information Science
- Linguistics
- Literature in French
- Literature in German
- Literature in Spanish
- Music (all libraries)

**Management**

- Finance
- Management
- Marketing
- Work + Employment

**Science**

- Astronomy
- Biology
- Bioinformatics
- Chemistry
- Earth and Planetary Sciences
- Energy
- Environment
- Undergrad Librarians
- Maps, Mapping + GIS
- Mathematics
- Medicine
- Drugs (R&D (delivery, design, development, action...))
- Neurosciences

Source: Web page from MIT Libraries; used by permission.

қамли омборини текшириш имкониятини ҳавола этади. Университет, шунингдек, «Айфон» телефонлари учун мўлжалланган виджетни ҳам яратган бўлиб, у «World Cat» сайти орқали яқин-атрофдаги кутубхонада мавжуд бўлган манбалар билан танишиш имконини беради.

- *Ахборотни тартиблаштирувчи* виджетлар «Facebook» учун мўлжалланган «World Cat» каталогидан топилган маълумотларни тартибга солиш, «Flickr» сайтига жойлаштирилган фотосуратларни тартиблаштириш учун мўлжалланган. Бундан ташқари, «Zotero» деб номланган виджет фойдаланувчиларга ўз излашлари давомида мурожаат қилган манбаларни туплаш, бошқариш ва улардан кўчирмалар келтириш имкониятини беради.
- *Ҳамкорлик ўрнатувчи* виджетлар веб-саҳифалардаги маълумотларни «кесиб олиб» бошқалар билан блоглар, электрон почта ва бошқа воситалар орқали ўртоқлашиш имконини беради. РWiki виджети ёрдамида эса, фойдаланувчилар ўзларининг бепул, парол билан ҳимояланган вики сайтини яратиш имкониятига эга.

## Маълумот бериш учун ишлатилувчи RSS хабарлари

2005 йилда Firefox ва Internet Explorer браузерларини яратган компаниялар бирлашиб, оқ тўлқинли чизиқларга эга бўлган тўқ сарик логотипни стандартлаштириш борасида ҳамкорликни йўлга қўйди. Шу орқали машҳур RSS (Really Simple Syndication) мослаштириш воситасининг дунёни эгаллаш жараёни бошланди. Мазкур воситанинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у автоматик равишда хоҳлаган миқдордаги веб-сайтдаги янги маълумотларни «кўра олади» ва уни бир интерфэйсга чиқариб беради. Мазкур платформа яратилган 1999 йилдан буён RSS хабарларини «ўқий» оладиган дастурий маҳсулотлар

қўлами кенгайиб, айти пайтда бу турдаги хабарларни веб-сайт, уй компютерида ёки мобил алоқа воситалари орқали ўқиш мумкин. Гарчи замонавий интернет браузерларида RSS хабарларини автоматик тарзда ўқий олиш имконияти назарда тутилган бўлса-да, фойдаланувчи хабарларни фақатгина ўз компютерида ўқиши мумкин. Бошқа тарафдан эса, тармоқда жойлашган RSS агрегаторлардан, жумладан, Google Reader ([www.google.com/reader](http://www.google.com/reader)) ва Bloglines ([www.bloglines.com](http://www.bloglines.com)) фойдаланиш бепул бўлиб, улардаги хабарларни интернет тармоғига уланган ҳар қандай компютер орқали ўқиш мумкин. Бу 2-авлод технологиясининг оммабоплигидаги энг муҳим омиллардан бири саналади.

Кутубхоначилар эса RSS хабарлардан фойдаланувчиларни янги китоблар, мақолалар, кутубхона янгиликлари, воқеалар, блоглардаги янгиликлар ҳаттоки янги журналларнинг мундарижаларидан хабардор қилиш учун фойдаланиши мумкин. Аслида, ҳозиргача кутубхона фойдаланувчиларини янгиликлардан хабардор қилишнинг энг қулай йўли — бу электрон почта. Шундай экан, RSS хабарларнинг оммалашиб кетишига нима сабаб бўлмоқда? Жавоб эса, электрон почта билан RSS технологиясининг ишлаш тартибидаги фарқлинишлар билан изоҳланиши мумкин. Электрон почтадан фарқли равишда RSS хабарларини мослаштириш бирмунча осон. Хусусан, хабарлар автоматик тарзда ўчириб ташланади ва «ўқилган» деб белгиланади, RSS хабарларига обуна аноним тарзда бўлиши мумкин, янгилинишлар электрон почтадан фарқли ўларок бошқа маълумотлардан алоҳида тарзда сақланади. Мутахассисларнинг фикрича RSS платформи яқин келажакда оммалашиб ва кенгайишда давом этади.

## Аралашмалар (Mashups)

Аралашмалар — бу ижодий ташаббус натижаси, яъни муайян хизмат учун яратилган график интерфейсининг ишлаш тартиби ва мазмуни бир неча

Figure 20-14. Catalog Search Result Page at the University of Huddersfield (UK)

User rating: [Be the first to rate this item](#) with no comments (add your rating or your comments)

[Add to my list](#) [Request item](#)

[Print Copy/Holding information](#)

Location	Collection	Class (Dewey)
Library and Computing Centre	Loan Collection Floor 5 - 2 wk loan	025 524 ATT

new item: 6


Virtual shelf browser

Social SOFTWARE LIBRARIES

Get great information

Source: Screen shot of University of Huddersfield Library catalog; used by permission.

Figure 20-15. Mashup of SELCO Library Consortium Site



вебманбадан олиними, яъни «аралашма» бўлишидир. Хўш, нега кутубхоначилар нарсаларни аралаштиришни хўш кўриши керак?

Биринчидан, аралашмалар юқори сифатли маълумот бериш хизматларининг анъаналарини давом эттирган ҳолда, хизматларни фойдаланувчиларнинг хоҳиш-истакларини инobatга олган ҳолда ташкиллаштириш ва ривожлантириш имконини беради. Хусусан, агар фойдаланувчи китобларнинг профессионал тарзда ёзилган тақризларини Amazon.com каби ягона сайтдан топиши мумкин бўлса, ўша манба маҳсулотни баҳолаш учун ишлатилиши эҳтимоли анча юқори. Масалан, Хеннепин каунти кутубхонаси ўзининг ички кутубхона тизимини фойдаланувчиларнинг китоб тақризлари маълумот базаси билан аралаштириб юбориши натижа сида, фойдаланувчилар тамомила янги маҳсулотдан баҳра олиб, у каталог ҳамда замондошлар томонидан ёзилган китобларнинг таққослама тақризларини бирлаштирган. Буюк Британиянинг Хаддерсфилд университетининг ички кутубхона тизими Amazon ва бошқа ташқи сайтлар билан аралаштирилган бўлиб, каталогда маълумот излаш манбанинг жойлашуви ва кутубхонада мавжудлиги билан бир қаторда фойдаланувчига керакли бўлган бошқа бир қатор маълумотларни ҳам чиқариб беради. Фойдаланувчи китобни баҳолаши ва шарҳлаши билан бир қаторда бошқаларнинг китоб ҳақидаги фикрлари билан танишиши китобнинг муқовасини кўриши, сайтни Delicious каби сайтга сақлаб қўйиши, RSS хабарларга обуна бўлиши, ўхшаш манбалар билан танишиши мумкин.

Иккинчидан, аралашмалар турли манбаларнинг бирлашуви ва улар ўртасидаги ҳамкорликнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, Рочестер университетида курс раҳбарияти кутубхона маълумотхонаси манбалари билан умумий курс тизимининг бирлашувидан катта наф кўрди. Жумладан, курс ўқитувчилари ўз дарсларини шакллантира бошлаши билан кутубхонага махсус хабар жўнатилиб, курс давомида ўрганилувчи манбалар

кутубхонада мавжуд манбалар билан таққосланади. Университет проректори Сюзан Гиббонснинг айтишича, «аралашмалар кутубхона билан университет ўртасидаги интеграциялашув жараёнини такомиллаштиради ва биздаги манбалар оморда сақланувчи маҳсулот эмас, балки университетнинг кундалик фаолиятида ишлатилувчи муҳим ахборот манбаи сифатида талқин этилади» (Стори, 2008: 9).

АҚШнинг Миннесота штатидаги SELCO кутубхоналар бирлашмаси ўз веб-сайтини Google Maps ва mapbuilder.net сайтлари билан уйғунлаштирди. Бунинг натижасида кутубхона фойдаланувчилари ўз кутубхонасини муайян минтақадан бўлган парламент аъзоси билан боғлаш имкониятига эга бўлди. Парламент аъзоларининг рўйхати суратлар ва қонун чиқарувчи органнинг веб-сайти билан ҳам боғланган. Устига-устак сайт нафақат фойдаланувчини депутат билан, балки депутатларни ҳам ўзаро боғлаш учун қулай воситага айланди.

Ниҳоят, 2-авлод воситаларининг кўпчилиги каби айрим аралашмалар муайян техник билим ва малакани талаб қилиб, мавжуд дастурий маҳсулотлар ва сайтлардан фойдаланган ҳолда яратилиши мумкин. Хулоса қилиб айтганда, аралашмалар фойдаланиш учун технологик жиҳатдан осон инновацион воситалар бўлиб, улар асосида янги ва ўзига хос маҳсулот яратиш учун унчалик катта саъй-ҳаракат талаб этилмайди.

## Силлиқлик

Инсоният 2-авлод маълумот бериш дунёсидаги муайян технологик силлиқлик даражасига қадам қўймоқда. «Сифатли ахборотдан ҳар жойда, ҳар вақтда ва ҳар ким фойдалана олиши учун шароит яратиш» ғояси (Робинсон, 2008: 4) медиани форматлаш ва интерактивликнинг янги шакллари билан синаб кўришга бўлган интилишни қўллаб-қувватлаб, турли ахборот ва онлайн маконлар ўртасидаги чегараларнинг қисқаришига олиб келмоқда. Бир сўз билан айтган ахборот макони раванлашиб бормоқда.

## Виртуал оламда маълумот бериш хизмати

Реалистик уч ўлчамли моделлаш воситаларига асосланиб ва инсон яшаб ўтувчи жисмоний ҳаёт унинг тасаввур оламининг даҳоси учун етарли эмаслигидан келиб чиққан ҳолда, 2003 йили онлайн виртуал дунё яратилди. «Иккинчи ҳаёт» (Second Life — SL) номини олган бу оламнинг «аҳолиси»га одамлар/аватарлар билан тўлиб-тошган рақамли дунё, гуллаб-яшнаётган олам ва онлайн туйғуларни ҳавола этишда уч ўлчамли технологиянинг кўзни қамаштирувчи чиройидан фойдаланилди. Бу олам иштирокчилари — ягона шахс ёки муайян бир муассаса бўлсин — ер сотиб олиши, кутубхоналар қуриши, кутубхоналарда маълумот бўлимларини очиши, турли баҳс-мунозаралар ўтказиши мумкин бўлиб, буларнинг барчаси виртуал олам доирасида кечса-да, лекин барибир реал ҳаётдаги муҳитни ажойиб бир тарзда акс эттиради. Бу оламга кириш ва ўз аватарини яратиш бепул бўлиб, [www.secondlife.com](http://www.secondlife.com) манзилида амалга оширилиши мумкин.

SLда юзлаб университетлар, коллеж ва жамоат кутубхоналари ташкил этилган бўлиб, у ердаги диққатга сазовор ташаббуслардан бири *InforIsland Archipelago*, у ерда фойдаланувчи кутубхоначи билан реал вақт давомида мулоқот қилиш имкониятига эга. Аммо АҚШнинг Сан Хосе давлат университети талабаларининг фикрича SLда ҳаракатланишни ўрганиш анчагина малакани талаб қилиб, сайтнинг ўзи ҳам қали анча хом ва ундан юқори даражадаги маълумот хизматларини кутишнинг имкони йўқ. Жеффри Янг исмли мутахассиснинг фикрича, «уч ўлчамли онлайн муҳит — бу таърифлаганда зўр, амалда эса ҳеч қачон кўнгилдагидек ишламайдиган технологиялардан бири бўлса ажаб эмас» (2010). Лекин виртуал дунёнинг кутубхоначилар учун бўлган аҳамияти унинг ҳозирги кундаги ахволи эмас, балки келажакдаги истиқболлари билан белгиланади. Хёрст Вал (2007: 53) исмли мутахассис таъкидлаганидек: «SL нинг бир қисми бўлиш орқали кутубхоначилар ўзларини эртага пайдо бўлувчи технологиялар учун тайёрлаб борапти». Ҳақиқатан ҳам Дюк университетидаги Open Cobalt ташаббуси, Кейс Вестерн Резерв университетидаги SL нинг алоҳида кўриниши ва Open Simulator сайтининг яратилиши маълумот бериш хизматининг виртуал оламда ҳам келажаги порлоқ эканидан далолат бермоқда.

## Мобил маълумот бериш иши

Гарчи виртуал маълумот бериш хизматлари мазкур китобнинг олдинги бобларида ҳам муҳокама қилинган бўлса-да, бу масаланинг мазкур бобда ҳам кўриб чиқилишига сабаб унинг 2-авлод маълумот бериш дунёсидаги алоҳида ўрнини таъкидлаб ўтишдан иборатдир. Бундан ташқари, айни пайтда маълумот бериш хизматлари секин-аста онлайн, электрон почта, чат ва бир зумда хабар алмашиш ҳажмларидан мобил мосламаларга, жумладан айпод,

Figure 20-16. PDA Zone at the University of Alberta, Edmonton, Canada

**PDA zone**

This site provides access to resources and library services that are available for users of handheld devices known as **Personal Digital Assistants (PDAs)**.

**PDA Library Resources and Services**

- [Wireless PDA Support](#)
- [MDC Mobile - MDCConsults information service for PDAs](#)
- [PDA Bibliographies](#)
- [PDFs](#)
- [PDA Maker](#)
- [Access Mobility](#)

**PDA Guides**

- [Health Sciences Resources](#)
- [PDAs in Education](#)
- [Resources in French](#)
- [E-Book / E-Journal Sites for PDAs](#)
- [Downloading Library Resource Guides To Your PDA](#)

UNIVERSITY OF ALBERTA [Learning Services](#) | [Privacy Policy](#) | [Site Map](#) | [Site Search](#) | [RSS](#)

Source: Reprinted with permission from the University of Alberta Libraries.



Figure 20-17. Mobile Library at the Boston University Medical Center

**Boston University Medical Center Mobile Library**

Medline: [PubMed \[Handheld\]](#)

---

Subject Guides  
[A-C](#) | [D-H](#) | [I-O](#) | [P-Z](#) |

---

[Library Directory](#)

---

Search

Use operators: AND, OR, NOT  
Truncate with an asterisk \*

---

**M-Th: 7:30AM-12AM**  
**Fri: 7:30AM-10PM**  
**Sat: 10AM-10PM**  
**Sun: 10AM-12AM**  
**\*\*Holiday hours may differ\*\***

---

**72 E. Concord St., 12th Floor**  
**Boston, MA 02118**  
**(617) 638-4232**

MP3 плеер, PDA, BlackBerry, ноутбук, iPhone ва iPadларга кўчмоқда. Шахсий рақамли мосламаларнинг афзаллиги улардан фойдаланиш осон, нархи ҳам арзон бўлиб, улардан деярли барча ёшдаги ўқувчилар фойдаланиши мумкин. Google сайтининг раҳбарларидан бири Эрик Шмидтнинг фикрича, «мобил воситалар дунёси яқин йиллар ичида энг тез ўсаётган соҳалигича қолади. «Бунга сабаб, одамлар мобил телефонларни шахсий ҳаётининг бир қисми сифатида кўришидадир» (Клеберн, 2007). Дунёда мобил алоқа хизматларидан фойдаланиш учун 5 миллиард донга обуна мавжуд бўлса, кейинги пайтда мобил телефоннинг фақат мулоқот воситаси сифатидаги аҳамияти жадал равишда ўзгариб бормоқда. 2007 йилда Гарвард тиббиёт мактаби томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, 52 фоиз талабалар PDAларга эга бўлиб, уларнинг 26 фоизи аввало ахборот олиш учун фойдаланилган (Липпинкот, 2008).

Кутубхоналар ва, айниқса, илмий муассасалар мобил жиҳозлар учун мўлжалланган маълумот хизматларини кўрсатиш борасида иш олиб бормоқда. Жанубий Дакота университети ўз фойдаланувчиларига PDAларга юклаш учун мўлжалланган маълумотномаларни таклиф қилмоқда. Канаданинг Эдмонтон шаҳридаги Альберта университети махсус PDA зонасига эга бўлиб, унда техник ёрдам, маълумотномалар библиографияси ва Access Medicine каби маълумот базаларидан юклаб олиш мумкин бўлган матнлар ҳавола этилади. Кутубхоналар мобил жиҳозлар орқали фойдаланиш мумкин бўлган веб-сайтлар ва Жамоат учун мўлжалланган онлайн каталогларни (OPAC) яратмоқда. Виржиния университети, Ричмонд университети, Болл давлат университети, Грейнджер

муҳандислик кутубхонаси, Уэйн давлат университети, Шимолий Каролина давлат университети ҳамда Бостон университети тиббий маркази «мобил кутубхоналар»ни яратган. Бостон университетининг Тиббиёт маркази талаба ва ходимлари мобил кутубхона интерфейси орқали, жумладан, Medline маълумот базасидан фойдаланиши, электрон китобларни текшириши, кутубхона ходимлари ва хизматлари ҳақидаги маълумотлар билан танишиши мумкин.


Кутубхоналар СМС ва матнли хабарлар воситасида турли хабар ва янгиликларни етказиш амалиётига татбиқ этган бўлса, кўпчилик кутубхоналар, жумладан Лос-Анжелесдаги Калифорния университети, Нью-Йорк университети, Йель илмий кутубхонаси ҳамда Ворчестер жамоат кутубхонаси матн орқали маълумот бериш хизматларини ҳавола қилмоқда. Огайо университети кутубхонаси эса, скайп дастури орқали овозли ва видеоқўнғироқлар ёки матн орқали маълумот беришни йўлга қўйган. Нью-Йорк университети кутубхоначилари 2008 йилда СМС орқали амалга оширилган 300дан зиёд маълумот бериш сессиясини таҳлил қилиб, қизиқ хулосаларга келган. Жумладан, оддий СМС орқали берилган савол охир-оқибат жиддий, кенг қўламли ва чуқур тадқиқотнинг бошланиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. СМСнинг моҳияти мулоқот қисқа савол-жавоб кўринишда бўлиши лозимлигини тақозо этса-да, аслида маълумот бериш жараёни кўплаб хабарлар алмашинуви кўринишида кечган. 2005 йилда очилган Калифорния Мерсед университети нафақат СМС орқали маълумот хизматларини кўрсатиш билан бир қаторда кутубхоначилар жойига «иписиз боғланиб» қолмаслиги учун маълумотхонада мобил телефонларни ҳам сақлайди. Кўпчилик кутубхоналар маълумот бериш хизматларини чат дастурларида, жумладан МеевоМе дастури орқали (Джордж Мейсон университети кутубхонаси ва Дариен жамоат кутубхонаси), Plugoо дастури орқали (Бригем Янг университети кутубхонаси ва Висконсин университети юридик кутубхонаси), library3r дастури орқали (Бейлор университети ва Рочестер жамоат кутубхонаси), Chatango дастури орқали (Орегон давлат университети кутубхонаси, Калгари университети) ҳавола этади.

2009 йилдаги Иккинчи халқаро мобил жиҳозлардаги кутубхоналар конференциясининг ташкилотчиларидан бири бўлган Канададаги Атабаска университети кутубхонаси «Рақамли ўқиш хонаси»ни яратган бўлиб, у ердан талабалар ўтилган курслар матнлари ва бошқа фойдали маълумотлар билан танишиш мумкин. Лондоннинг Рёхамптон университети 2008 йилда ўз ходимлари учун мўлжалланган «Яшил хона» яратган бўлиб, у ерда ходимлар мобил жиҳозлар билан боғлиқ экспериментларни ўтказиши ва бу борада тўпланган тажрибалари билан ўртоқлашиши мумкин. Икки юз мингдан зиёд талабаси бўлган Буюк Британиядаги Очиқ университет масофадан туриб таълим олиш муассасаси бўлиб, мобил технологиялар соҳасидаги Digital ташаббусини ҳаётга татбиқ этиб келмоқда.

## Хулоса. Иккинчи авлод билим дарахти

2009 йил 22 февраль ойда «Нью-Йорк Таймс» газетасида бир саҳифали реклама эълони чоп этилиб, унда iPhone 3G мобил телефони ва унинг 20 дан ортиқ сурати ва турли виджетлар акс эттирилган эди. Улар орасида, жумладан «Sha-

Figure 20-18. Screen Shot of Librarian 2.0 Position Announcement



**Kingston Frontenac Public Library**  
**Career Opportunities**  
<http://www.kfpf.ca/>

**LIBRARIAN Permanent Full-Time**

KFPL is a progressive, innovative, multi-branch library system with a mission to provide exceptional customer service within the context of a warm and welcoming environment. To this end, we are seeking a dynamic, creative individual to develop and promote the library as a continuous learning organization.

**We are looking for a Librarian 2.0 in preparation for the 2.0 World**

**Are you an information specialist with a combined reference and technological orientation who will:**

- Lead our virtual reference team, implementing transformative technology such as IM, podcasting, and streaming audio/video as well as participate in our traditional reference services
- Recommend and implement new and developing technologies such as wikis, blogs, etc.
- Contribute to the development of the library's website
- Contribute to our virtual services offerings, such as web 2.0, federated searching, open URL resolver, etc.
- Provide training and support for other librarians in new technologies
- Manage our electronic resources and online databases, explore and recommend new online resources, and negotiate contracts with consortia and vendors
- Collaborate with other librarians to provide community development and outreach, particularly in regard to our virtual services.

Source: Used by permission.

зам» (қўшиқни ижро этаётган артист исми, қўшиқ олинган альбом ва уни қўчириб олиш учун ҳаволани кўрсатувчи дастур) ёки RunKeeper (телефон эгаси қанча юргани, югургани, йўналishi, босиб ўтилган йўл узунлигини кўрсатувчи дастур) кабилар кўрсатиб ўтилган эди. Рекламада бу каби митти дастурлар сони бир неча ўн мингдан ортиши таъкидланган. Бу реклама телефон фақат алоқа воситаси деганларнинг нақадар замондан ортда қолганини кўрсатади.

АҚШ Президенти Барак Обаманинг Facebook сайтидаги дўстлари сони 1,5 миллион нафарни, «Твиттер» даги мужлислари 165 мингтани ташкил этади, унинг Youtube сайтидаги каналида 1800 та видеолавҳа, Flickr сайтида 50 мингдан зиёд сурати ва президентни қўллаб-қувватловчи одамларни бирлаштиришни мақсад қилган [www.mybarackobama.com](http://www.mybarackobama.com) манзилида жойлашган махсус сайт ҳам мавжуд (Стайнс, 2009). АҚШ Президентининг замонавий технологиялар ёрдамида «оддий одамлар»дан маблаг жалб қилиш ва халқнинг қўллаб-қувватлашига эришиш бобидаги муваффақияти, кўп жиҳатдан, 2-авлод онлайн технологияларидан фойдаланиш стратегиясининг тўғри тузилгани билан боғлиқ.

2008 йил декабр ойида Librarians and Educators Online сайти вакили Линда Браун Бостон жамоат кутубхонасида 2-авлодга бағишланган «Истеъмолчилар билан уларнинг даргоҳида учрашиш» мавзусига бағишланган семинарни ўтказди. Мазкур тадбир «кутубхоналарнинг веб-сайтлари фойдаланувчиларга ортик қизиқ эмас» деган мавзу атрофида курилиб, Рочестер университети ходими Сюзан Гиббонсинг фикрича «кутубхоналар веб-сайтларининг пассив ва интерактив кўриниши ўртасидаги фарқ кенгайиб бориши билан кўпчилик кутубхоналар биз ҳали тасаввуримизга ҳам сиғдира олмайдиган

технологиялар ва хизматларни амалиётга татбиқ қилиш гўғрисидаги фикрларни илгари сурмоқда» (Стори, 2008: 11).

Телефонлардан кундалик равишда фойдаланишдан тортиб, президентлик сайловолди компаниясини ташкиллаштиришгача 2-авлод вебтехнологиялари ҳаётимизга жадал кириб келмоқда. Кутубхоначилик иши доирасида ҳам оддий профессионал семинарлардан тортиб, кутубхоначилик касбига қўйилувчи талаблар ҳам 2-авлод технологияси асосида шаклланмоқда.

Устига-устак жамиятимизнинг турли қатламлари ҳам «янги ялтироқ ўйинчоқлар»дан бироз «боши айланаётган» бўлса, ажаб эмас. Мазкур янги технологияларнинг аксарияти бирмунча вақт ялтираб туриб, кейин эскилик қаърига чўкиши ҳам ҳеч гап эмас. Шу ўринда кутубхоналарнинг иши ҳам ўзгармаслиги ва улар ўз фаолиятини ҳар доимгидек давом эттириши эҳтимоли ҳам йўқ эмас, негаки ҳозирги кунда ҳам айрим кутубхоналар қоғозли каталоглардан воз кечганича йўқ.

Лекин фан ва технологиянинг жадал ривожидан ҳам кўз юмишнинг сира иложи йўқ. Иккинчи авлод технологияси учун эшик очган инсоният, энди ундан воз кеча олмаслиги турган гап. Замонавий технологиялар берувчи имкониятлардан фойдалана билиш – бу кутубхоначилар олдига қўйилувчи асосий талаблардан бири. Бу орқали кутубхоначилар ўзининг асосий вазифаси, яъни фойдаланувчиларга юқори сифатли маълумот хизматларини кўрсатишда давом этади.

## Recommendations for Further Reading

---

- Bradley, Phil. 2011. *How to Use Web 2.0 in Your Library Revised Edition*. London: Facet Publishing. A practical, how-to book on using Web 2.0 tools in libraries, the author also provides helpful illustrations and step-by-step instructions on setting up various initiatives. A companion Web site with author podcasts enhances the text version.
- Farkas, Meredith (creator). 2005-ongoing. *Library Success: A Best Practices Wiki*. Available: [www.libsuccess.org/](http://www.libsuccess.org/). Launched in 2005, following the Chicago ALA meeting, the wiki was designed to provide a general and freely accessible repository for innovative ideas coming out of libraries. Farkas reports approximately 8,000 visitors a month, and deservedly so as the wiki provides a wide-ranging list of real-life examples that are illuminative. The sections on «Implementing Tech in the Library» and «Information Sharing and Education» are relevant for this topic.
- Farkas, Meredith. 2007. *Social Software in Libraries: Building Collaboration, Communication, and Community Online*. Medford, NJ: Information Today. A comprehensive overview and explanation of 2.0 tools, heavily supplemented with examples of usage by different kinds of libraries. The book is strongly supported by a companion Web site accessible at: <http://sociallibraries.com>. The site includes Five Weeks to a Social Library, a dynamic initiative that was initially taught to forty students online; it provides freely accessible course content to learn about 2.0 tools and their use in libraries. The tools covered are blogs, RSS, wikis, Second Life, social networking, flickr, social bookmarking, and selling social software at your library to get past staff resistance to 2.0 changes.

- Godwin, Peter, and Jo Parker, eds. 2008. *Information Literacy Meets Library 2.0*. London: Facet Publishing. Twelve experts discuss the use of 2.0 tools by library patrons and students and then go on to suggest ways in which libraries can integrate usage patterns with technology.
- Kroski, Eiyssa. 2008. *Web 2.0 for Librarians and Information Professionals*. New York: Neal-Schuman. A comprehensive survey of 2.0 technology is provided along with real-life examples of its use in various types of libraries.
- Sanchez, Joe. 2009. «Implementing Second Life: Ideas, Challenges, and Innovations». *ALA Library Technology Reports* 45, no. 2. (February/March). The author, a doctoral candidate at the University of Texas at Austin, provides a broad context for Second Life by giving a detailed history of the evolution of text-based games to 3-D social virtual worlds. The pedagogical applications of digital storytelling, role-playing, community engagement, and working with teen populations are suggested. Guest author Jane Stimpson provides real-life examples of public libraries that have appeared into Second Life and discusses the large numbers that have dissipated into «ghost sims».
- Steiner, Sarah K., and M. Leslie Madden, eds. 2008. *The Desk and Beyond: Next Generation Reference Service*. Chicago: ACRL/ALA. Thirteen chapters by different experts on various 2.0 technological tools and newly defined reference services, with a focus on moving «beyond the walls of the library».
- Technorati. Accessible: [www.technorati.com](http://www.technorati.com). *Time* magazine had the comment that if Google was the Web's reference library, Technorati was becoming its coffeehouse. It is the preeminent blog search engine and provides substantive information about the blogosphere.
- Wood, M. Sandra, ed. 2007. *Medical Librarian 2.0: Use of Web 2.0 Technologies in Reference Services*. Binghamton, NY: The Haworth Press. Edited by a medical reference librarian of many years' experience and authored by both bloggers and well-known health science specialists, the book provides an interesting focus on the impact of 2.0 technology on medical librarianship.


## Bibliography of Works Cited in This Chapter

---

- Alexa. «Global Top Sites». Available: [www.alexa.com](http://www.alexa.com) (accessed January 27, 2011).
- Allan, Charles. 2007. «Using a Wiki to Manage a Library Instruction Program: Sharing Knowledge to Better Serve Patrons». *College & Research Libraries News* 68, no. 4 (April).
- Bebo. Available: [www.bebo.com](http://www.bebo.com).
- The Bivings Report. 2007. Available: [www.bivingsreport.com/2007/american-newspapers-and-the-internet-threat-or-opportunity/](http://www.bivingsreport.com/2007/american-newspapers-and-the-internet-threat-or-opportunity/) (accessed January 20, 2009).
- Bloglines. Available: [www.bloglines.com](http://www.bloglines.com).
- Bookcrossing. Available: [www.bookcrossing.com](http://www.bookcrossing.com).
- Brady, Mark. 2005. «Blogging: Personal Participation in Public Knowledge Building on the Web» *Chimera Working Paper*. Available: [www.essex.ac.uk/chimera/content/pubs/wps/CWP-2005-02-blogging-in-the-Knowledge-Society-MB.pdf](http://www.essex.ac.uk/chimera/content/pubs/wps/CWP-2005-02-blogging-in-the-Knowledge-Society-MB.pdf) (accessed February 15, 2009).

- Braun, Linda. 2007. *Listen Up! Podcasting for Schools and Libraries*. Medford, NJ: Information Today.
- Carson, Bryan. 2008. «How-To Laws for Using Photos You Take at Your Library». *MLS: Marketing Library Service* 22, no. 5 (September-October). Available: [www.infoday.com/mls/sep08/Carson.shtml](http://www.infoday.com/mls/sep08/Carson.shtml) (accessed May 5, 2009).
- Chatango. Available: [www.chatango.com](http://www.chatango.com).
- Claburn, Thomas. 2007. «CEO Eric Schmidt Presents Google's Friendly Face at Web 2.0 Expo». *Information Week* (April 17). Available: <http://tinyurl.com/djmkkh> (accessed May 4, 2009).
- Crawford, Walt. 2006. «Library 2.0 and 'Library 2.0'». *Cites & Insights* 6, no. 2 (Midwinter): 1-32.
- Crawford, Walt. 2009. «Shiny Toys or Useful Tools?» *Cites & Insights* 9, no. 3 (February).
- Delicious. Available: <http://delicious.com>.
- Digsby. Available: [www.digsby.com](http://www.digsby.com).
- Facebook. Available: <http://www.facebook.com>.
- Farkas, Meredith. 2007. *Social Software in Libraries: Building Collaboration, Communication, and Community Online*. Medford, NJ: Information Today, Inc. Companion Web site: <http://www.sociallibraries.com>.
- Friendster. Available: [www.friendster.com](http://www.friendster.com).
- Front Page. Available: <http://c2.com/cgi/wiki>.
- Funk, Tom. 2009. *Web 2.0 and Beyond*. Westport, CT: Praeger Publishers.
- Galante, Joseph. 2009. «Twitter Gets New Round of Venture Capital Funding». *Bloomberg* (February 13). Available: [www.bloomberg.com](http://www.bloomberg.com).
- Gerardin, Julie, Michelle Yamamoto, and Kelly Gordon. 2008. «Fresh Perspectives on Reference Work in Second Life». *Reference & User Services Quarterly* 47, no. 4 (Summer): 324-327.
- Goodreads. Available: [www.goodreads.com](http://www.goodreads.com).
- Google Sites (known as JotSpot prior to 2009). Available: [www.jot.com](http://www.jot.com).
- Herman, Douglas. 1994. «But Does It Work? Evaluating the Brandeis Reference Model». *RSR: Reference Services Review* 22, no. 4 (Winter): 17-28.
- h2g2. Available: <http://www.bbc.co.uk/h2g2/>.
- hi5. Available: [www.hi5.com](http://www.hi5.com).
- The Huffington Post*. Available: [www.huffingtonpost.com](http://www.huffingtonpost.com).
- Hurst-Wahl, Jill. 2007. «Librarians and Second Life». *Information Outlook* 11, no. 6 (June): 50.
- Judd, Cindy. Available (blog entry): <http://library20.ning.com/forum/topics/515108:Topic:21235?page=3&commentId=515108%3AComment%3A30549&x=1#515108Comment30549> (accessed February 12, 2009).
- Kille, Angela. 2005. «Wikis in the Workplace: How Wikis Can Help Manage Knowledge in Library Reference Services». Available: [http://libres.curtin.edu.au/libres6nl/Kille\\_essayopinion.htm](http://libres.curtin.edu.au/libres6nl/Kille_essayopinion.htm) (accessed February 14, 2009).
- Lankes, David R., Joanne Silverstein, and Scott Nicholson. 2006. «Participatory Networks: The Library as Conversation». Available: <http://iis.syr.edu/projects/PNOpen/ParticipatoryNetworks.pdf> (accessed May 4, 2009).
- Lippincott, Joan K. 2008. «Mobile Technologies, Mobile Users: Implications for Academic Libraries». *ARL* 261 (December): 1-4.

- MediaWiki. Available: [www.mediawiki.org](http://www.mediawiki.org).
- Meebo. Available: [www.meebo.com](http://www.meebo.com).
- MySpace. Available: [www.myspace.com](http://www.myspace.com).
- Ning. Available: [www.ning.com](http://www.ning.com).
- Orkut. Available: [www.orkut.com](http://www.orkut.com).
- PBwiki. Available: <http://pbwiki.com>.
- Plosker, G. 2004. «Learning from Best Practices». *Online* 28, no. 3: 50–52.
- Plugoo. Accessible: [www.plugoo.com](http://www.plugoo.com).
- PmWiki. Available: [www.pmwiki.org](http://www.pmwiki.org).
- Qwidget. Available: [www.qwidget.com](http://www.qwidget.com).
- Robinson, Kathryn. 2008. «Multimedia». Comment in «Future-Present: What's Possible Now and Coming Soon in Reference». *Library Journal* no. 19 (November 15): 4–5.
- Seeker, Jane. 2008. *Libraries and Facebook (Case Study 5)*. London: University of London. Available: [http://clt.lse.ac.uk/Projects/Case\\_Study\\_Five\\_report.pdf](http://clt.lse.ac.uk/Projects/Case_Study_Five_report.pdf).
- SecondLife. Available: <http://secondlife.com>.
- seedwiki. Available: [www.seedwiki.com](http://www.seedwiki.com).
- Shapiro, Samantha. 2009. «Revolution, Facebook-Style». *The New York Times* (January 25): MM34, NY edition.
- Shelfari. Available: [www.shelfari.com](http://www.shelfari.com).
- Smith, Justin. 2009. *The Facebook Marketing Bible: 40+ Ways to Market Your Brand, Company, Product, or Service Inside Facebook*. 2nd ed. PDF version available: [www.insidefacebook.com/category/opensocial/](http://www.insidefacebook.com/category/opensocial/).
- Steins, Chris. 2009. «Obama, Web 2.0 and Planning». *Planetizen* (1/19). Available: [www.planetizen.com/node/37013](http://www.planetizen.com/node/37013) (accessed February 22, 2009).
- Storey, Tom. 2008. «Mixing It Up: Libraries Mash Up Content, Services, and Ideas». *Next Space* no. 9 (June): 6–11.
- StudiVZ. Available: [www.studivz.net](http://www.studivz.net).
- TeamPage. Available: [www.tractionsoftware.com](http://www.tractionsoftware.com).
- Technorati. 2008. *State of the Blogosphere*. Available: <http://technorati.com/blogging/state-of-the-blogosphere/> (accessed February 15, 2009).
- Twitter. Available: [www.twitter.com](http://www.twitter.com).
- YouTube. Available: [www.youtube.com](http://www.youtube.com).
- Young, Jeffrey. 2010. «After Frustrations in Second Life, Colleges Look to New Virtual Worlds». *The Chronicle of Higher Education* (January). Available: <http://chronicle.com> (accessed February 2, 2011).
- WIMZI. Available: <http://wimzi.aim.com>.
- Zotero. Available: [www.zotero.org](http://www.zotero.org).





# 21

## Маълумот бериш хизматининг келажаги

---

Йигирма биринчи асрда кутубхоналар шу қадар жадаллик билан ривожланиб бормоқдаки, бир асрдан кўпроқ вақт илгари Сэмюэль Грин кутубхоналарда маълумот бериш бўлимини очиш таклифи билан чиққан даврда бу ўзгаришларни тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Ўзгаришларнинг суръати жамиятнинг кўплаб соҳаларида — иқтисодиётдан тортиб технологиялар соҳасида намоён бўлмоқда. Кутубхоналар ҳам, табиийки, бу жараёндан четда қолаётгани йўқ, албатта. Янги технологиялар ҳаётимизга кириб келиб, кутубхоналар улардан фойдаланишда илғорлик кўрсатмоқда. Фойдаланувчилар ижтимоий дастурий маҳсулотлардан фойдалана бошлаши билан улардан ортда қолмаслик учун кутубхоналар ҳам замонавий технологияларни ўз фаолиятига татбиқ этмоқда. Айтиш мумкин кутубхоналар Facebook ва MySpace каби ижтимоий тармоқларда ўз сайтларига, ўз блоглари ва вики сайтларига, RSS хабарномаларига эга.

Шу билан бирга ўзгаришларни қабул қилаётган кутубхоналар аввал эришилган натижалардан воз кечаётгани йўқ. Дарвиннинг назариясида бўлгани каби, одам организмида эволюциянинг таъсирига тушмайдиган генетик элементлар борки, одам танасидаги ҳамма нарса ўзгарса ҳам улар миллионлаб йиллар давомида ўзгаришсиз қолаверади. Кутубхоналарда ҳам ана шундай ўзгармас генетик элементлар мавжудки, улар вақт таъсирига тушмасдан асрлар давомида ўзгармай келмоқда.

Охирги ўн йил ичида кутубхоначилик соҳасидаги ўзгаришларнинг суръати айниқса жадаллашди. Маълумот бериш хизматлари ва манбалари фойдаланувчиларнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида ўзгармоқда, такомиллашмоқда. Мазкур бобда биз юқори сифатли маълумот бериш хизматининг асосий тамойиллари ўзгаришсиз қолганини ёдда тутган ҳолда, кутубхоначилик соҳасида юз бераётган ўзгаришлар кўламини тасаввур қилишга, таъбир жоиз бўлса, унинг замонавий ўзгаришлар таъсири остига тушган қисмлари «харитаси»ни яратишга уриниб кўрамиз.

Маълумот бериш соҳасини таърифлаб, мутахассислардан бири бу жараённи «маълумотни излаётган одам билан изланаётган маълумот ўртасида алоқа ўрнатишга ёрдам бериш», деган эди (Саммерхил, 1993: 74). Гарчи бу таъриф ахборот хизматларининг табиати ва моҳиятини тўғри ақс эттирса-да, маълумот хизматлари охирги йилларда тубдан ўзгарди. Компьютер технологиясининг ривожини, Интернет тармогининг тараққиёти, Википедия каби эркин сайтларнинг ҳаётимизга кириб келиши, ижтимоий тармоқларнинг оммалашуви, кутубхоначилик ишидаги тамойил ва устуворликларнинг алмашинувиغا олиб келди. Энг муҳими, бу каби жараёнлар бир жойда қотиб қолмасдан, техноло-

гия соҳасида ўсиш давом этмоқда. Pew Internet ва American Life компаниялари томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, 2009 йилда АҚШда ижтимоий тармоқларда ўз саҳифасига эга бўлган катта ёшдаги одамларнинг сони 2005 йилга нисбатан тўрт баробар кўп бўлган. Шунинг билан кутубхоначилар ўз фойдаланувчиларининг қайси технологиялардан кўпроқ фойдаланаётганига алоҳида эътибор бериши ва уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини янада самаралироқ таъминлаш мақсадида кутубхонада ҳам худди ана ўша технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Google каби қидирув сайтлари ва «Cha Cha» ([www.chacha.com](http://www.chacha.com)) каби савол-жавоб тизимларидан фойдаланишнинг нисбатан осонлиги фойдаланувчиларнинг кўзини биров шамғалат қилиб, уларга ҳамма маълумот ҳам бир хил эмаслиги ва қидирув сайтлари билан савол-жавоб тизимларидан олинувчи ахборот ҳар доим ҳам тўғри бўлавермаслигини тушунтириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Бу ҳар бир кутубхоначи учун ўзига хос синов бўлиб, улар жамиятдаги ахборот саводхонлигининг юқори даражасини таъминлаш жараёнида фаол иштирок этиши ва фойдаланувчиларга топилган ахборотни тўғри баҳолаш ва ундан тўғри фойдаланиш учун ёрдам бериши лозимлигини тақозо этмоқда. Технологиялар ривожини ва ахборотни топиш усуллари-нинг соддалашуви кутубхоначиларни ўз роли ва аҳамиятини қайта баҳолашга мажбур қилмоқда. Кутубхоначилар бир ҳақиқатни тушуниб етмоқда: юқорида айтиб ўтилган онлайн порталларидан маълумот топиш жараёни тобора соддалашиб борётган бир пайтда кутубхоначилар ҳам ўз ихтиёридаги манбалар ва хизматлардан фойдаланишни имкон қадар соддалаштириши керак.

Келажакдаги маълумот бериш хизматлари қандай бўлиши мумкинлиги кўплаб мутахассислар томонидан таърифлаб ўтилган. Хусусан, Дэвид Тикосон исмли мутахассис кутубхоначилик ишининг ўзгаришсиз қоладиган ҳамда вақт таъсирида йўқлик қаърига чўкадиган жиҳатларини тасвирлаб ўтади. Унинг фикрича, кутубхонанинг асосий хизмат турлари, яъни 1876 йилда Сэмюэль Грин томонидан белгилаб берилган хизматлар (ўргатиш, саволларга жавоб бериш, кутубхонага маслаҳат бериш ва маълумот манбаларини тарғиб қилиш) ҳамда кутубхоначилар томонидан кўрсатилувчи шахсий хизматлар ўзгаришсиз қолади. Шунинг билан бирга, технологиялар ривожини натижасида кутубхоначилик соҳасига янги ва такомиллашган воситалар кириб келади, ўрганиш ва ўргатишга бўлган талаб ошади, тайёр фактологик маълумотга бўлган талаб камаяди, кутубхоначиларнинг янги ахборотни яратиш ва уни сақлаш борасидаги аҳамияти пасаяди (Тикосон, 2003).

Джозеф Джейннинг фикрига кўра, кутубхоначилар ўз малакаси энг юқори бўлган йўналишларда ишлашда давом этиши керак. Бу йўналишлар қуйидагилардан иборат:

*Ахборот манбаларини баҳолаш ва уларнинг сифатини аниқлаш, маълумотни излаш борасидаги мураккаб техника ва воситалар, фойдаланувчилар ва фойдаланувчилар ҳамжамиятларининг табиатини тушуниш, уларнинг эҳтиёжи ва вазиятини инобатга олиш, фойдаланувчилар учун ахборот манбаларини тўплаш ва тартибга солиш, уларга ўз-ўзига ёрдам бериш усуллари ахборотини баҳолаш ва ундан фойдаланишни ўргатишга кўмаклашиш.*

Джейнсининг айтишича, келажакда қуйидаги соҳаларга ҳам эътибор қаратилади:

*Муайян саволларга жавоблардан кўра фойдаланувчига батафсил ва кенг кўламли ахборот топишда кўмаклашиш.*

Шунингдек, бу борада Стивен Абрам ҳам фикр билдириб, жумладан шундай дейди:

*2008 йилда кутубхоначилик ишидаги амалий ўзгаришларни кўриб, энди кутубхоначиларнинг иш жойи орқадаги хонсада эмас, балки кутубхона марказидаги маълумотхонада кечаётганини кузатяпмиз. Биз технологияларга асосланган стратегиядан секин-аста фойдаланувчилари мизнинг эҳтиёжлари устун қўйилувчи стратегия томон қадам қўймоқдамиз. Технологияни фойдаланувчининг хатти-ҳаракатларига мослаштириш муваффақиятни таъминлаш учун етарли эмас. Биз фойдаланувчилари миз ҳаётида, ишида, тадқиқотида кутубхонанинг тўртган аҳамиятини чуқур тушуниб етмоғимиз даркор (Абрам, 2008: [www.in-fotoday.com/searcher/sep08Abram.shtml](http://www.in-fotoday.com/searcher/sep08Abram.shtml)).*

## Иш юритишнинг янги усуллари — иккинчи авлод маълумот бериш технологиялари

Интернет ҳаётимизнинг ажралмас бир қисмига айланиб бориши жараёнида кутубхоналар у билан рақобатлашишда давом этмоқда. Хусусан, улар ўз фаолиятида электрон почта, чат, бир зумда хабар алмашиш дастурлари ва СМС орқали маълумот бериш каби хизматларини йўлга қўйди.

Бунда айтиш жоизки, электрон почта орқали маълумот бериш ўзгаришларнинг энг содда шакли бўлди. Электрон почта воситасида кутубхоналар фойдаланувчилар билан кутубхона биносидан ташқарида мулоқот қилиш имкониятини қўлга киритди. Қандай маълумот кераклигини аниқлаш мақсадидаги савол-жавобни электрон почта орқали ўтказиш мушкул бўлгани боис, кутубхоначилар фойдаланувчига махсус саволнома юбориш орқали унга айнан қандай маълумот кераклигини аниқлаштириш усулини амалиётга татбиқ этди. Гарчи, бу усул нотекис бўлса-да (айрим электрон хатларга жавоб тезда келса, бошқаларни кунлаб кутишга тўғри келади), бу усул анча қоникарли ҳисобланади, негаки, кутубхоначи савол устида яна озроқ фикр юритиши ва фойдаланувчига малакали жавоб бериш имкониятига эга бўлади.

Чат орқали маълумот бериш тижорат корхоналарининг таъсири остида амалиётга татбиқ этила бошланди. Жумладан, L.L.Bean компанияси ўз сайтида Live Help бўлимини очиб, у ерда фойдаланувчилар компания мутахассисидан ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олиши мумкин эди. Мазкур дастурий таъминот кутубхоналар томонидан ҳам қабул қилиниб, биров такомиллаштирилган. Чат орқали маълумот беришнинг афзаллиги шундаки, мулоқот реал вақт давомида кечиб, кутубхоначи фойдаланувчига қандай маълумот кераклигини унинг ўзидан билиб олиши ва керакли маълумот

мотни қисқа вақт ичида топиб бериши мумкин. Бундан ташқари, чат орқали маълумот бериш хизматлари кутубхона гуруҳлари томонидан ҳам ҳавола этилиш натижасида бу билан боғлиқ харажатлар миқдорини камайтириш ва хизмат кўрсатиш вақтини бирмунча кўпайтириш имконини беради. Айрим кутубхона гуруҳлари чат орқали куну-тун маълумот бериш хизматини йўлга қўйган. Мазкур соҳадаги илк лойиҳалардан бири АҚШ Конгресси кутубхонаси томонидан амалга оширилган. Хизмат «Ҳамкорлик асосидаги рақамли маълумот хизматлари» (Collaboartive Digital Reference Service — CDRS) деб номланиб, унда ишлатилган дастурий таъминот маҳсулоти — QuestionPoint кейинчалик Онлайн компьютер кутубхона маркази томонидан ҳам ишлатилган. Кўпчилик кутубхоналар ўз фаолиятида «QuestionPoint»дан фойдаланаётган бўлса, бошқалари Меебо ёки бошқа бепул дастурларни танлаган.

Бир зумда хабар алмашиш ва СМС технологияси илмий кутубхоналар томонидан кенг қўлланилади. Негаки, айнан мана шу технологиялар уларнинг мижозлари томонидан кенг фойдаланилади. Мазкур усуллар орқали маълумот бериш жараёни бир зумда, интерактив равишда ва ҳар қайси жойдан туриб амалга оширилиши мумкин. Бир зумда хабар алмашиш технологиясига асосланган муваффақиятли лойиҳа Канзас давлат кутубхонаси томонидан амалга оширилган бўлиб, унинг тақдими 2008 йилда ўтказилган «Маълумот бериш ренессанси» конференцияси давомида ўтказилган. Лойиҳа доирасида Меебо дастуридан фойдаланилган бўлиб, кейинчалик кутубхона бир вақтнинг ўзида бир неча оператор томонидан ишлатилиши мумкин бўлган ва кенгрок имкониятларни намоиш этган Library311 дастурига ўтган (Тесс-Уйат ва бошқалар, 2008).

Мазкур янги хизматларнинг бари ривожланиб, кутубхоначилар ҳам улардан фойдаланиш борасидаги малакаларини ошириб бормоқда. Мулоқотнинг янги усуллари ҳавола этувчи мазкур дастур ва хизматларнинг ўз аудиторияси бўлиб, уларнинг ўсиши давом этмоқда. Уларнинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги кўп жиҳатдан маркетинг ва маркетингнинг нақадар давомли эканига чамбарчас боғлиқ. Нима бўлганда ҳам, мазкур дастурлар кутубхона фойдаланувчиларининг мобил ва турфа хил ҳамжамиятларини яратишдаги муҳим омил ҳисобланади.

## Янги материал ва форматларни ҳавола қилиш

Гарчи, босма материаллар маълумот бериш соҳасининг ажралмас қисми бўлиб қолса-да, босма манбаларнинг рақамлаштирилган кўринишлари ва рақамли ҳажмдаги янги материаллар манбалар бозорини энди-энди тўлдириб келмоқда. Секин-аста фақатгина босма кўринишда бўлган манбалар сони камайиб, рақамли материаллар борган сари кўпаймоқда. Гарчи бу кутубхона фойдаланувчиси учун ажойиб билимлар дунёсининг эшигини очса-да, унда ҳаракат қилиш унчалик ҳам осон иш эмас. Аслини олганда эса, фойдаланувчилар Google ёки Yahoo каби сайтларга мурожаат қилиб, бу ердаги маълумотларни ҳам худди кутубхона тизимидаги маълумотлардек сифатли ва ишончли деб ўйлайди. Албатта, кутубхоналар ўқувчиларга ўзларининг онлайн библиографик ва тўлиқ матнли маълумот базаларини тарғиб қилиш учун анча

урин ади. Бунинг учун улар сайтларга янги-янги дастурий маҳсулотларни жойлаштирмоқда. Улар орасида жумладан, библиографик кўчирма орқали тўлиқматнли мақоланинг ҳаволасини чиқариб берувчи дастур мавжуд. Бундан ташқари, муайян мавзуга алоқадор маълумотларни бир неча маълумот базаларидан излайдиган дастур ҳам фойдаланувчиларнинг оғирини енгил қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

Онлайн маълумот базаларидан кутубхонадан ташқарида фойдаланиш борасидаги имкониятлар ҳам кенгайиб бормоқда. Жумладан, аynи пайтда фойдаланувчилар маълумот базаларидан ўз уyiда, ишхонасида ёки хоҳлаган бошқа жойда турган ҳолда фойдаланиши мумкин. Бу орқали кутубхонага бориш имкони бўл маган фойдаланувчи унинг хизматларидан бемалол фойдаланиши учун имконият яратади. Кутубхона веб-сайти эса, нафақат мавжуд маълумот базалари, балки кутубхона томонидан тўпланган бошқа маълумотлар, жумладан, илмий ишни амалга ошириш бўйича маълумотнома ва йўриқномалар ёки ишончли веб-сайтлар рўйхатларини ҳам фойдаланувчилар эътиборига ҳавола этади. Юқори сифатли кутубхона веб-сайти фойдаланувчиларга кўплаб қизиқарли маълумотларни ҳавола этиши мумкин.

## Янги хизмат турларини кўрсатиш

Интернет кутубхона фойдаланувчилари ҳаётига кенг кириб бориши билан ўқувчи билан кутубхона ходими ўртасидаги юзма-юз мулоқот ҳажми ҳам кескин камайди. Кофман ва Аррет (2004) томонидан ўтказилган тадқиқот натижасидан маълум бўлдики, 1997–2003 йиллар оралиғида илмий кутубхоналарда маълумот бериш хизматларининг ҳажми 40 фоизга камайган. Жамоат кутубхоналаридан фойдаланиш кўрсаткичлари бирмунча барқарор даражада сақланиб қолган. Шу билан бирга, кутубхоналарга тайёр фактологик маълумотларни излаб мурожаат қилувчи фойдаланувчилар сони камайиб, кенг қўламли изланишни талаб қилувчи саволлар сони ортган. Фойдаланувчилар ўзлари излаган маълумот интернетда мавжуд бўлмаса, кутубхона ходимига мурожаат қилади. Юзма-юз мулоқот орқали маълумот бериш ҳажмининг камайиб кетиши натижасида юз берган кўрсаткичлар пасайишини тўхтайтиш мақсадида кутубхоначилар маълумот беришнинг янги моделларини амалиётга татбиқ қилиб, улар фойдаланувчиларнинг янги гуруҳларини қамраб олишга қаратилган (21–1 рақамли жадвалга қаранг). Кўпчилик кутубхона раҳбарлари маълумотхонада ўтирувчи кутубхоначилардан воз кечиб, телефон, электрон почта, чат ва бир зумда хабар алмашиш дастурлари орқали хизмат кўрсатувчи кутубхоначиларни ишга ола бошлади. Бошқа кутубхоналарда эса маълумот бўлимлари, шунингдек, нусха олиш ва компьютерсаводхонлиги бўйича хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган бўлди.

Кутубхоналар, шунингдек, маълумотхонага мурожаат қилишдан хижолат бўладиган фойдаланувчиларга кутубхоначиларнинг ўзлари мурожаат қилиш тартибини йўлга қўйди. Жамоат кутубхоналари бу усулдан доим фойдаланган, лекин энди бу усулнинг янги кўринишлари илмий кутубхоналар томонидан ҳам яратилиб, амалиётга татбиқ қилинмоқда. Жумладан, Нью-Йорк давлат университети илмий муассасалар билан ҳамкорликда бино ичкари-

сида интернетга уланган махсус компьютерли хоналарни очиб, улар орқали мутахассисларга кутубхона манбаларидан фойдаланиш имкони берилган. Шу орқали кутубхона ўз фойдаланувчиларига сифатли маълумотларни ҳавола этиш баробарида, ўз ишини уларнинг хоҳиши ва истакларини ҳам инобатга олган ҳолда ташкиллаштириш имконига эга.

21–1 РАҚАМЛИ ЖАДВАЛ. МАЪЛУМОТ БЕРИШ ХИЗМАТИ МОДЕЛЛАРИ			
Тур	Таъриф	Ижобий жиҳатлари	Салбий жиҳатлари
Одатдаги маълумотхона	Кутубхоначи фойдаланувчига маълумотхонада хизмат кўрсатади	Ходимлар учун қулай — хизмат бир жойда кўрсатилади	Фақат маълумотхонага келган фойдаланувчиларга хизмат кўрсатилади
Маслаҳат модели	Мушкул саволлар маслаҳат хизмати-га юборилади	Мушкул саволларга жавоб бериш учун кутубхоначилардан фойдаланилади	Хизмат кўрсатиладиган фойдаланувчилар сони чекланган
Кўп даражали маълумот бериш хизмати	Хизматлар уч даражада — маълумотхона, умумий маълумотхона ва маслаҳат хизматлари даражасида кўрсатилади	Фойдаланувчилар мушкул саволларга жавоб олиш учун кутубхоначиларга мурожаат қилади	Ходимлар саволларни тўғри тақсимлаш учун махсус тайёргарликдан ўтиши талаб этилади. Хизмат кўрсатиладиган фойдаланувчилар сони чекланган
Аралаш ходимлар томонидан хизмат кўрсатиш	Профессионал кутубхоначи мутахассис бўлмаган ходим билан биргаликда ишлайди	Мушкул саволларга кутубхоначи жавоб қайтаради	Мутахассис бўлмаган ходим ўзи жавоб топа олмаган саволларни кутубхоначига юборади
Интеграциялаштирилган хизмат кўрсатиш бўлими	Маълумот бериш ва манба тарқатиш бўлимларининг қўшиб юборилиши	Фойдаланувчилар бир жойга мурожаат қилади	Ходимларни қайта тайёрлаш талаб этилади
Кутубхоначининг фойдаланувчи ёнига бориб ёрдам бериши	Кутубхоначи маълумотхона бўлаб айланиб юради	Маълумотхонага мурожаат қилишдан хижолат бўлаётган фойдаланувчиларга ёрдам кўрсатилади	Қўшимча ходимни ишга олиш талаб қилиниши мумкин
Виртуал маълумот бериш	Кутубхоначилар саволларга электрон почта ёки чат орқали жавоб беради	Кутубхонага келиш учун имконияти бўлмаган фойдаланувчиларга ёрдам кўрсатилади	Технологиялар тезлиги паст бўлиб, саволни аниқлаштириш учун ўтказиладиган савол-жавобни ўтказиш мушкул
Кутубхона хизматларини ташқарида тарғиб қилиш модели	Кутубхоначилар турли ташкилот ва муассасаларга ўз хизматларини тақлиф қилади	Янги фойдаланувчилар гуруҳларини қамраб олиш имконияти пайдо бўлади	Қўшимча ходимларни ишга олиш талаб этилади

Маълумот бўлими-сиз ишлаш модели	Фойдаланувчилар кутубхоначининг қабулига ёзилиши ёки у билан телефон, электрон почта ёхуд чат орқали мулоқот қилиши мумкин	Кутубхоначи ва фойдаланувчилар иш тартибининг бироз эркинроқ бўлиши	Маълумот хонага мурожаат қилишни ният қилган фойдаланувчиларни адаштириб қўйиши мумкин
----------------------------------	--	---	--

## Кутубхона ходимининг вазифаси нималардан иборат? Малакани ошириш зарурияти

Йигирма биринчи аср кутубхона ходимига керак бўладиган малакалар қуйидагилардан иборат:

- Маълумот бериш хизматларини 2-авлод маълумот технологияларига асосланган ҳолда ҳавола эта олиш;
- Электрон манбаларни саралай олиш;
- Маълумотни онлайн шаклда қидира олиш;
- Билим беришга интилиш;
- Китобхонага маслаҳат бера олиш малакалари;
- Кутубхонани интернет тармоғи орқали самарали тарғиб қила олиш;
- Дастурни маркетинг қилиш муҳимлигини англай олиш;
- Манбаларни баҳолай олиш қобилияти;
- Шахсий муносабатларни ўрната олиш қобилияти;
- Ўзгаришларга мослаша олиш қобилияти;
- Иш фаолияти давомида янги билим олишга интилиш.

Албатта, кутубхоначилар фойдаланувчиларнинг саволларига жавоб беришда давом этиб, саволлар энди фактологик эмас, балки кенг қўламли изланиш орқали топиладиган жавобда бўлади. Гарчи, кутубхоначилар бу ерга келишни давом этса-да, саволларнинг кўпчилиги юзма-юз эмас, балки онлайн мулоқот давомида берилди. Бунда кутубхоначиларнинг роли кўпроқ маслаҳат бериш билан чекланиб, улар фойдаланувчиларга мушкул саволларга жавоб топишда ёрдамлашиши ва уларга қўшимча қўмак керак бўлганда, ёрдамга шай бўлиб туриши талаб этилади. Уитлач исми мутахассиснинг фикрича, «саволларга жавоб бериш излаш стратегиясини шакллантириш, керакли маълумотни аниқлаш, уни топиш, баҳолаш ва муваффақиятли тарзда етказиш билан боғлиқ бўлган ахборот саводхонлигининг турли жиҳатларига эътибор қаратишдан иборат бўлади», деган фикрни илгари суради (Уитлач, 2003: 30).

Кутубхона ходимлари 2-авлод маълумот бериш технологиялари қандай ишлашни яхши тушуниб олиши ва бу соҳада рўй бераётган ўзгариш ва инновациялар билан тенгма-тенг қадам ташлашни уддалаши лозим. Кутубхоначилар Facebook ва MySpace каби ижтимоий тармоқлардан, блоглардан, викилардан фойдаланиш, ёрлиқлаш, RSS хабарларини тарқатиш, подкастлар яратиш ва ҳоказо технологиялардан фойдаланишнинг истиқболлари ва салоҳиятини баҳолай олиши лозим. Мазкур ижтимоий тармоқ технологиялари кутубхоначиларга фойдаланувчилар билан «ҳар қаерда» боғланиш имконини беради.

Кутубхоначилар коллекцияни ривожлантиришни давом этади. Босма манбалар сони камайиши билан кутубхоначилар ўз диққатини электрон манбаларни саралаш ва баҳолаш ишгига қаратади. Ҳар бир янги манба кутубхонанинг электрон коллекциясига қўшилиши керак бўлади. Янги манбалар ҳақидаги маълумотлар фойдаланувчилар орасида тарқатилиш билан бирга, кенг аудитория ичида маркетинг қилиниши талаб этилади. Саралаш билан бир қаторда, кутубхоначиларнинг маълумотларни онлайн тарзда излаш борасидаги малакасини ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кутубхоначиларнинг хабари бор, яхши режалаштирилган излаш жараёни кутилгандан ҳам яхши натижа бериши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ахборот саводхонлигини оширишда кутубхоначилар ва фойдаланувчилар иштироки муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён ҳам юзма-юз, ҳам гуруҳлар кўринишида амалга оширилиши мумкин. Фойдаланувчилар электрон манбалар, онлайн каталоглардан ва мавжуд бошқа маълумот базаларидан фойдаланишни ўрганиши керак. Кутубхона манбаларининг, айниқса онлайн маълумот базаларининг, анча йин мушкул тузилишга эгалиги фойдаланувчиларга ёрдам беришга алоҳида аҳамият қаратишни тақозо этмоқда. Ахборот саводхонлиги бўйича йўл-йўриқ кўрсатиш маълумотхонада юзма-юз, электрон почта орқали, чат орқали ёки синф доирасида амалга оширилиши мумкин.

Кутубхоначилар китобхонга маслаҳат бериш малакасини ҳам ривожлантириши талаб этилиб, фойдаланувчиларга уларнинг эҳтиёжига асосланган хизматларни кўрсатиши мақсадга мувофиқ бўлади. Айни пайтда китобхонга маслаҳат бериш хизматлари бадиий адабиёт билан бир қаторда, бадиий бўлмаган адабиёт турларини ҳам қамраб олади. Ниҳоят, кутубхоначилар веб-саҳифаларни яратиш ва уларнинг ишини такомиллаштиришни давом этиб, бу орқали фойдаланувчига ҳавола этилаётган маълумотларни тартибга солиш, уларни фойдаланувчига тушуниш осон бўлган кўринишда ҳавола этиш учун имкон яратилади.

Кутубхоначилар маркетинг қоидаларини ўрганишига тўғри келади. «Маркетинг соҳасидаги малакаларини ошириш учун кутубхоначилар ўз фойдаланувчиларининг ахборотга бўлган эҳтиёжини тизимли тарзда ўрганиш ва баҳолаб бориши талаб этилади» (Уитлач, 2003: 9).

Манбаларни баҳолаш кутубхоначилар томонидан мунтазам равишда бажариладиган ишга айланади.

Қарорлар, сўровлар натижалари, саволномалар ва фокус гуруҳларининг фикри асосида қабул қилинадиган бўлади. Дастур ва лойиҳалар ҳам сифат, ҳам ҳажмий маълумотларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Яқинда омма эътиборига ҳавола этилган мақолаларнинг бирида Виланова университетини ва Фалвей кутубхонасини томонидан амалга оширилган баҳолашнинг турли усулларини ўрганиш борасидаги тадқиқот натижалари ҳақида сўз боради. Жумладан, кутубхона ўз хизматларининг сифатини аниқлаш учун бир неча усулларни қўллаган. Натижада, кутубхонадаги бўлимлар бирлаштирилиб, барча хизматлар бир жойда кўрсатиладиган бўлиб, кутубхонада, шунингдек, йирик принт маркази ва кўп мақсадли компьютер лабораторияси ташкил қилинди (Штайн ва бошқалар, 2008). Баҳолаш турли кўринишларда амалга оширилиши мумкин, лекин маълумот бериш хизматларини мунтазам равишда баҳолаб бориш давр талабига айланиб бормоқда.



Фойдаланувчи билан мулоқотга кириша олиш қобилияти ҳам ҳозирги жадал ўзгариб бораётган шароитда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзгаришларни қабул қилишга тайёрлик ва умр давомида билим олишга бўлган иштиёқ кутубхоначиларни бошқа касб эгаларидан ажратиб турувчи хусусиятлардир. Кутубхона ва кутубхоначилар ўз фойдаланувчиларининг эҳтиёжини инobatта олиши ва кутубхона фаолиятига таъсир ўтказиши мумкин бўлган ўзгаришларга ҳушёр бўлиб туриши керак. Маълумот бериш соҳаси ўзгаргани сайин кутубхоначиларнинг роли ҳам ўзгаришни давом этади. Улар энди аввалгига қараганда кўп қиррали ва фаслроқ бўлади. Улар яхшироқ тизимларни яратиш ва ўз фойдаланувчиларининг эҳтиёжларини таъминлаш йўлида фаолият олиб боради.

## Келажакни режалаштириш

Теренс К. Хьюв яқинда чоп этилган мақоласида кутубхоналарда рўй бераётган ўзгаришларни кузатиб боришга ёрдам берадиган бир қатор саволларни илгари сурди. Бу саволлар келажакни режалаштириш учун ўзига хос асос бўлиб хизмат қилиши мумкин:

- *Кутубхона ўз фойдаланувчиларининг манфаатларини нақадар тўлиқ инobatта олмоқда?* Хьюв фойдаланувчилар томонидан ишлатилаётган технологиялардан хабардор бўлиб боришни таклиф қилади.
- *Янги технологияни шу заҳотиёқ татбиқ қилиш керакми ёки уни аввал синовдан ўтказиш мақсадга мувофиқми?* Хьювнинг айтишича, айрим технологияларни шу заҳотиёқ татбиқ қилиш мумкин. Бошқаларини эса шилимасдан, барча ижобий ва салбий жиҳатларни ўлчагандан сўнг татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ.
- *Янги технологиялар кутубхонанинг мавжуд хизматларига қандай таъсир ўтказади?* Хьювнинг фикрича, янги технологиялар кутубхонанинг бошқа хизматларидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришга хизмат қилиши мумкин.
- *Янги технология мавжуд технологиялар билан қандай боғланади?* Хьювнинг айтишича, фойдаланувчилар кўпинча турли технологиялар орасида «кўчиб» юради. Шу боис улар бир-бири билан қандай боғланишини билиш муҳим.
- *Кутубхоначилар янги технологиялар ҳақидаги маълумотларни қандай олади ва улардан фойдаланиш учун қандай тайёргарлик кўради?* Кутубхоначилар ён-атрофда рўй бераётган воқеаларни кузатиб бориши ва янги технологиялардан фойдаланишга ҳаракат қилиш и керак.

## Маълумот бериш хизматлари келажакда қандай кўринишга эга бўлади?

Кутубхонанинг қайси турда бўлишидан қатъий назар маълумот бериш хизматлари муайян жойга боғлиқ бўлмаган ҳолда, уларнинг асосий мақсади фойдаланувчига хизмат кўрсатишдан иборат бўлади. Кутубхонада, албатта, битта қабулхона бўлиб, у турли вазифаларни бажариш билан шуғуллана-

ди, жумладан фойдаланувчиларга электрон манбаларни аниқлаш, фойдаланиш ва баҳолашда ёрдам кўрсатади. Фойдаланувчилар кутубхоначиларнинг қабулига ёзилиши ёки телефон, электрон почта, чат, СМС ёки бошқа усул орқали саволга жавоб олиши мумкин бўлади. Бу орқали кутубхоначилар ҳам бошқа лойиҳаларни бажариш учун вақт ва имкониятга эга бўлади. Келажакда кутубхонадаги маълумот бериш ишларининг аксарияти виртуал равишда амалга оширилади.

Кутубхоначилар ўз вақтини манбалардан қандай фойдаланиш борасида йўлланмалар беришга сарфлайди. Улар, шунингдек, кутубхона веб-сайтидан фойдаланиш учун қўлланмалар ва кўп утровчи саволларга жавобларни тайёрлаш билан ҳам шуғулланади.

Улар шунингдек, интернет тармоғига фойдаланувчилар учун керак бўлган манбаларни жойлаштириш устида ҳам ишлайди. Бундан ташқари, улар кутубхона сайтини бошқариб, унга маълумотларни жойлаштириш ва керак-сизларини олиб ташлаш билан шуғулланади. Кутубхона ходимлари ўз хизматларини турли ташкилот ва муассасаларда тарғиб қилиш билан шуғулланади. Бунда, улар ҳам жисмоний, ҳам виртуал усул ва воситалардан фойдаланиши мумкин. Шу билан бирга кутубхоначилар ўз лойиҳаларини баҳолаб, уларнинг қай бири энг самарали эканини аниқлаш орқали мавжуд маблағлар тўғри тақсимланишини таъминлайди.

## Маълумот бериш ишининг келажаги борми?

Кутубхоначилик касбининг нақадар муҳимлиги борасидаги баҳс-мунозаралар Искандария кутубхонасининг ёндирилган вақтдан буён давом этиб келмоқда, десак адашмаган бўламиз. Гарчи, кутубхоналар ҳам ўзгаришлар таъсири остида бўлса-да, уларнинг йўқ бўлиб кетишидан чўчишимиз керак эмас. Таққослайдиган бўлсак, маълумот бериш хизмати кутубхоначилик ишидаги ишбатан ёш соҳа ҳисобланади. Шу билан бирга, кутубхоначилик иши ривожлангани сайин, маълумот бериш соҳаси ҳам йўқ бўлиб кетмаслигига бўлган ишонч орғиб бормоқда. Шу ўринда ўқувчида маълумот бериш ишининг келажагига қандай ёндашмоқ керак, деган савол туғилиши табиий. Бу борада Жеймс Реттинг «кутубхоналар ўз фойдаланувчиларининг қадриятлари, яъни тезкорлик, интерактивлик, персоналлаштириш ва мобилликни биринчи ўринга қўйган ҳолда хизмат кўрсатиши керак», деган гояни илгари суради.

Тезкорликка келадиган бўлсак, чат орқали маълумот бериш ва бир зумда хабар алмашиш ҳам фойдаланувчининг эҳтиёжини ҳисобга олиш, ҳам куну тун хизмат кўрсатишга бўлган интилишдир. Интерактивлик ҳам чат ва бир зумда хабар алмашиш технологиялари асосида таъминланмоқда. Персоналлаштириш кутубхона веб-сайтини фойдаланувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига мослаштириш орқали таъминланмоқда. Мобиллик эса кутубхона веб-сайтидан ҳар қерда ва ҳар доим фойдаланиш имкониятини ярагиш орқали таъминланмоқда. Реттинг, шунингдек, кутубхоначиларни фойдаланувчиларга яхшироқ хизмат кўрсатиш учун «фойдаланувчилар ҳамжамиятини ўрганувчи антропологлар» бўлишга ҳам даъват этади (Реттинг, 2003: 20).

Маркетинг кутубхона келажагининг яна бир муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Негаки, ҳар қандай тижорат ва нотижорат ташкилотлар каби, кутубхоначилар фойдаланувчиларни ўз маҳсулотлари ва хизматларидан хабардор қилиб бориши керак. Албатта, маркетинг серхаражат бўлиши шарт эмас. Муҳими, у самарали бўлиши лозим. Кутубхоначилар кўпинча фойдаланувчиларнинг диққатидан четда қолган матери ал ва хизматларни таклиф қиладики, уларни тарғиб қилиш зарурияти доимо мавжуд. Манба ва хизматларнинг кўпчилиги онлайн кўринишда бўлгани боис, кутубхоналар уларни тарғиб қилиш учун турфа хил медиавоси талари, жумладан, рисоалар, эълонлар, хабарномалар, кутубхона веб-сайти, газеталар, радио ва телевидение, турли веб-сайтлар, Facebook каби ижтимоий тармоқлардан фойдаланишига тўғри келади.

Шу ўринда маълумот бериш ишининг кела жаги ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг юқори технологияларга асосланишини таъкидлаш жоиз. Кутубхоналар фойдаланувчиларга самарали хизмат кўрсатиш мақсадида ўз технологияларини янгилашни давом этади. Шу билан бирга, улар ўз хизматларини ҳар бир фойдаланувчининг талабига мослаштиришга ҳаракат қилиб, у юзма-юз, телефон, электрон почта ёки чат орқали мурожаат қиладими, унинг эҳтиёжларини таъминлаш кутубхона жамоаси учун биринчи галдаги вазифа саналади. Мавжуд ахборот хизматларининг бирмунча мураккаб тузилиши фойдаланувчиларга юқори даражада хизмат кўрсатиш орқали осонлаштирилиши лозим (Фёргусон, 2000: 303). Маълумот бериш хизмати интеграциялашган ва бир текис бўлиб, у фойдаланувчи кутубхона оламига қаердан ва қачон кириб келишидан қатъи назар, унга юқори даражада хизмат кўрсатиш ва унинг эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган бўлади. Таъкидлаш жоизки, кутубхоначилик касбининг энг муҳим хусусиятларидан бири одамлар билан ишлаш бўлиб, унинг асосий мақсади интернет тармоғи билан рақобат қилиш эмас, балки барча имкониятларини фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини таъминлашга йўналтиришдан иборат бўлади.

## Recommendations for Further Reading

- Auster, Ethel, and Donna C. Chan. 2004. «Reference Librarians and Keeping Up-to-Date; A Question of Priorities». *Reference & User Services Quarterly* 44, no. 1 (Fall): 59–68. A study of the competencies required for reference librarians in a changing environment and how librarians were using professional development to upgrade their skills.
- Bradford, Jane T, Barbara Costello, and Robert Lenholt. 2005. «Reference Service in the Digital Age: An Analysis of Sources Used to Answer Reference Questions». *The Journal of Academic Librarianship* 31, no. 3 (May): 263–272. A study of whether librarians used print or online sources to answer questions. Print sources were only used 9.38 percent of the time.
- Cardina, Christen, and Donald Wicks. 2004. «The Changing Roles of Academic Reference Librarians Over a Ten-Year Period». *Reference & User Services Quarterly* 44, no. 2 (Winter): 133–142. This survey documents the changes in the jobs of academic librarians over a ten-year period.


- Radford, Marie L. 2008. «A Personal Choice, Reference Service Excellence». *Reference & User Services Quarterly* 48, no. 1: 108–135. Discusses the need for going the extra mile and providing excellent reference service.
- Smith, Michael M., and Barbara A. Pietraszewski. 2004. «Enabling the Roving Reference Librarian: Wireless Access with Tablet PCs». *Reference Services Review* 32, no. 3: 249–255. Description of a roving reference strategy at Texas A&M University Libraries where the librarians roved the student study areas using tablet PCs to access electronic resources.
- Wolfe, Judith A., Ted Naylor, and Jeanette Drueke. 2010. «The Role of the Academic Reference Librarian in the Learning Commons». *Reference & User Services Quarterly* 50, no. 2 (Winter): 108–113. Reference librarians use their skills in a variety of reference service models which range from the traditional to the tiered to the information commons to the learning commons. Libraries might use one form of any model, a hybrid model, or a model in the process of transformation. Some libraries are adopting the learning commons model with good results.

## Bibliography of Works Cited in This Chapter

---

- Abram, Stephen. 2008. «Evolution to Revolution to Chaos? Reference in Transition». *Searcher* 16, no. 8: 42–48.
- Coffman, Steve, and Linda Arret. 2004. «To Chat or Not to Chat—Taking Another Look at Virtual Reference, Part I». *Searcher* (July–August): 38–46.
- Ferguson, Chris. 2000. «Shaking the Conceptual Foundations/ Too, Integrating Research and Technology Support for the Next Generation of Information Service». *College and Research Libraries* (July): 300–311.
- Flanagan, Pat, and Lisa R. Horowitz. 2000. «Exploring New Service Models: Can Consolidating Public Service Points Improve Response to Customer Needs?» *Journal of Academic Librarianship* 26, no. 5 (September): 329–338.
- Frank, Donald G., Katharine L. Calhoun, W. Bruce Henson, M. Leslie Madden, and Gregory K. Raschke. 1999. «The Changing Nature of Reference and Information Service: Predictions and Realities». *Reference and User Services Quarterly* 39, no. 2 (Winter): 151–157.
- Huwe, Terence K. 2009. «Reference Diagnostics for a Virtual World». *Computers in Libraries* 29, no.1: 27–29.
- Jackson, Rebecca. 2002. «Revolution or Evolution: Reference Planning in ARL Libraries». *Reference Services Review* 30, no. 3: 212–228.
- Janes, Joseph. 2003. «What Is Reference For?» *Reference Services Review* 31, no. 1: 22–25.
- Pew Internet and American Life Survey. 2009. «Adults and Social Network Websites». Pew. (January 14).
- Rettig, James. 2003. «Technology, Cluelessness, Anthropology and the Memex: The Future of Academic Reference Service». *Reference Service Review* 31, no. 1:17–21.
- Stein, Merrill, et al. 2008. «Using Continuous Quality Improvement Methods to Evaluate Library Service Points». *Reference & User Services Quarterly* 48, no. 1: 78–85.
- Summerhill, K. S. 1993. «The High Cost of Reference: The Need to Reassess Services and Service Delivery». *Reference Librarian* no. 43: 71–85.

- Tenopir, Carol, and Lisa A. Ennis. 2001. «Reference Services in the New Millennium». *Online* (July-August): 41-45.
- Theiss-White, Danielle, Laura Bonella, Jason Coleman, and Erin Fitch. 2008 «'r u there? I need help:' Virtual Reference at Kansas State University». Presented at the Reference Renaissance Conference, August 4 and 5. Denver, Colorado.
- Tyckoson, David A. 1999. «What's Right with Reference?» *American Libraries* (May), 57-63.
- . 2003. «On the Desirableness of Personal Relations between Librarians and Readers: The Past and Future of Reference Service». *Reference Services Review* 31, 1: 12-16.
- Wagner, A. Ben, and Cynthia Tysick. 2007. «Onsite Reference and Instruction Services; Setting Up Shop Where Our Patrons Live». *Reference & User Services Quarterly* 46, no. 4: 60-65.
- Whitlatch, Jo Bell. 2003. «Reference Futures: Outsourcing, the Web or Knowledge Counseling». *Reference Services Review* 31, no. 1: 26-30.
- Wilson, Myoung C. 2000. «Evolution or Entropy? Changing Reference /User Culture and the Future of Reference». *Reference & User Services Quarterly* 28 (Summer): 387-390.



# APPENDIX

## RUSA Outstanding Reference Sources 2006–2011

---

The Reference and User Services Association (RUSA) of the American Library Association uses twenty-two criteria to select the best reference publications that can be recommended for small and medium-sized libraries. A committee made up of reference librarians from different kinds of libraries is responsible for final selections, a practice that has continued since 1958. Previous selections can be accessed through the RUSA site at [www.ala.org](http://www.ala.org).

The list provides a handy focus on the extraordinary variety of reference resources available to users—and the breadth of familiarity required of reference librarians. «Best of...» lists are expedient ways to keep abreast of titles that will be popularly requested.

### 2011

---

- *The Oxford Companion to the Book*. Michael E Suarez, S.J. and H.R. Woudhuysen, eds. 2 vols. Oxford, 2010. (9780198606536).
- *Encyclopedia of Identity*. Ronald L. Jackson II, ed. 2 vols. Sage, 2010. (9781412951531).
- *Encyclopedia of Geography*. Barney Warf, ed. 6 vols. Sage, 2010. (9781412956970).
- *The Oxford Encyclopedia of Ancient Greece and Rome*. Michael Gagarin, ed. 7 vols. Oxford, 2010. (9780195170726).
- *The Encyclopedia of Religion in America*. Charles H. Lippy and Peter W. Williams, eds. 4 vols. CQ Press, 2010. (9780872895805).
- *Off Broadway Musicals, 1910-2007: Casts, Credits, Songs, Critical Reception and Performance Data of More Than 1,800 Shows*. Dan Dietz, ed. 1 vol. McFarland, 2010. (9780786433995).
- *Encyclopedia of World Dress and Fashion*. Joanne B. Eicher, ed. 10 vols. Oxford, 2010. (9780195377330).
- Berg Fashion Library, <http://www.bergfashionlibrary.com/>. Oxford, 2010.
- *Chronology of the Evolution-Creationism Controversy*. Randy Moore, ed., et al. 1 vol. Greenwood, 2009. (9780313362873).
- *The Oxford International Encyclopedia of Peace*. Nigel Young, ed. 4 vols. Oxford, 2010. (9780195334685).
- *21st Century Economics: A Reference Handbook*. Rhona C. Free, ed. 2 vols. Sage, 2010. (9781412961424).
- *Encyclopedia of Political Theory*. Mark Bevir, ed. 3 vols. Sage, 2010. (9781412958653).

- *Encyclopedia of Group Processes & Intergroup Relations*. John M. Levine and Michael A. Hogg, eds. 2 vols. Sage, 2010. (9781412942089).

## 2010

---

- *Archaeology in America: An Encyclopedia*. Francis P. McManamon, ed. 4 vols. Greenwood, 2009. (9780313331847).
- *Encyclopedia of African American History: 1896 to the Present*. Paul Finkelman, ed. 5 vols. Oxford, 2009. (9780195167791).
- *Encyclopedia of Modern China*. David Pong, ed. 4 vols. Charles Scribner's Sons, 2009. (9780684315661).
- *The Encyclopedia of the Spanish-American and Philippine-American Wars*. Spencer Tucker, ed. 3 vols. ABC-CLIO, 2009. (9781851099511).
- *Encyclopedia of Environmental Ethics and Philosophy*. J. Baird Callicott and Robert Frodeman, eds. 2 vols. Gale Cengage, 2009. (9780028661370).
- *Encyclopedia of Human Rights*. David Forsythe, ed. 5 vols. Oxford, 2009. (9780195334029).
- Social Explorer, <http://www.socialexplorer.com/pub/home/home.aspx>. Social Explorer, 2009.
- *Broadway Plays and Musicals: Descriptions and Essential Facts*. Thomas S. Hischak, ed. 1 vol. McFarland, 2009. (9780786434481).
- *American Countercultures*. Gina Misiroglu, ed. 3 vol. Sharp, 2009. (9780765680600).
- *Encyclopedia of Gender and Society*. Jodi O'Brien, ed. 2 vols. Sage, 2009. (9781412909167).
- *Encyclopedia of Marine Science*. C. Reid Nichols and Robert G. Williams, eds. 1 vol. Facts on File, 2009. (9780816050222).

## 2009

---

- *Books and Beyond: The Greenwood Encyclopedia of New American Reading*. Kenneth Womack, ed. 4 vols. Greenwood, 2008. (9780313337383).
- *Encyclopedia of Taoism*. Fabrizio Pregadio, ed. 2 v. Routledge, 2008. (9780700712007).
- *Encyclopedia of the First Amendment*. John R. Vile, David L. Hudson Jr., and David Schultz, eds. 2 vols. CQ Press, 2009. (9780872893115).
- *Greenwood Encyclopedia of Folktales and Fairy Tales*. Donald Haase, ed. 3 vols. Greenwood, 2008. (9780313334412).
- *Encyclopedia of Education haw*. Charles J. Russo, ed. 2 v. Sage, 2008. (9781412940795).
- *Climate Change: In Context*. Brenda Wilmoth Lerner and K. Lee Lerner, eds. 2 vols. Gale Cengage, 2008. (9781414436142).
- *Gale Encyclopedia of Diets: A Guide to Health and Nutrition*. Jacqueline L. Longe, ed. Gale Cengage, 2008. (9781414429915).
- *New Encyclopedia of Orchids: 1500 Species in Cultivation*. Isobyl la Croix. Timber Press, 2008. (9780881928761).



- *Encyclopedia of the Arab-Israeli Conflict: A Political, Social and Military History*. Spencer C. Tucker, ed. 4 vols. ABC-CLIO, 2008. (9781851098415).
- *African American National Biography*. Henry Louis Gates Jr. and Evelyn Brooks-Higginbotham, eds. 8 vols. Oxford University Press, 2008. (9780195160192).
- *Oxford Encyclopedia of Women in World History*. Bonnie G. Smith, ed. 4 vols. Oxford University Press, 2008. (9780195148909).

## 2008

---

- *APA Dictionary of Psychology*. Gary R. VandenBos, ed. American Psychological Association, 2007. (1591473802).
- *Encyclopaedia Judaica*. Staff, Macmillan Reference U.S.A., ed. 22 vols. Rev. ed. Gale, 2006. (0028659287).
- *Blackwell Encyclopedia of Sociology*. George Ritzer, ed. 11 vols. Blackwell, 2007. (1405124334).
- *Encyclopedia of Body Adornment*. Margo Demello. Greenwood, 2007. (313336954).
- *Encyclopedia of Race & Racism*. John Hartwell Moore, ed. 4 vols. Gale, 2008. (9780028660202).
- *The Oxford Encyclopedia of Maritime History*. John B. Hattendorf, ed. 4 vols. Oxford, 2007. (9780195130751).
- *Schirmer Encyclopedia of Film*. Barry Keith Grant, ed. 4 vols. Gale, 2006. (0028657912).
- *Encyclopedia of Asian Theatre*. Samuel L. Leiter, ed. 2 vols. Greenwood, 2007. (03133529x).
- *Brave New Words: The Oxford Dictionary of Science Fiction*. Jeff Prucher, ed. Oxford, 2007. (0195305671).
- *Postwar America: An Encyclopedia of Social, Political, Cultural and Economic History*. James Ciment. 4 vols. ME Sharpe, 2007. (079568067x).
- *Oxford Companion to World Exploration*. David Buisseret, ed. 2 vols.

## 2007

---

- *Colonial America: An Encyclopedia of Social, Political, Cultural, and Economic History*. James Ciment, ed. M. E. Sharpe, 2005. (0765680653).
- *Crusades: An Encyclopedia*. Alan V. Murray, ed. 4 vols. ABC-CLIO, 2006. (1576078620).
- *Encyclopedia of Szoearing: The Social History of Oaths, Profanity, Foul Language, and Ethnic Slurs in the English-Speaking World*. Geoffery Hughes. M. E. Sharpe, 2006. (0765612311).
- *Encyclopedia of the American Revolutionary War: A Political, Social, and Military History*. Gregory Fremont-Barnes and Richard Ryerson, eds. ABC-CLIO, 2006. (1851094083).
- *Encyclopedia of the Developing World*. Thomas M. Leonard, ed. 3 vols. Routledge, 2005. (1579583881).
- *Encyclopedia of US Labor and Working Class History*. Eric Arnesen, ed. 3 vols. Routledge, 2006. (0415968267).

- *Encyclopedia of Western Colonialism Since 1450*. Thomas Benjamin, ed. 3 vols. MacMillan, 2007. (0028658434).
- *Encyclopedia of Women and Religion in North America*. Rosemary Skinner Keller, ed. 3 vols. Indiana, 2006.
- *Historical Statistics of the United States: Earliest Times to the Present*. Susan B. Carter, Scott Sigmund Gartner, Michael R. Haines, et al., eds. 5 vols. Cambridge, 2006. (0521817919).
- *Insects: Their Natural History and Diversity*. Stephen A. Marshall. Firefly, 2006. (1552979008).
- *Oxford Encyclopedia of British Literature*. David Scott Kastan, ed. 5 vols. Oxford, 2006. (0195169212).
- *Oxford Encyclopedia of Children's Literature*. Jack Zipes, ed. 4 vols. Oxford, 2006. (01951146561).
- *Qu'ran: An Encyclopedia*. Oliver Leaman, ed. Routledge, 2005. (0415326397).
- *Right, Wrong, and Risky: A Dictionary of Today's American English Usage*. Norton, 2005. (0393061191).

## 2006

---

- *Americans at War: Society, Culture, and the Homefront*. John P. Resch, ed. 4 vols. Macmillan, 2005. (002865806x).
- *American Heritage Science Dictionary*. Houghton, 2005. (0618455043).
- *Black Women in America*, 2nd ed. Darlene Clark Hines, ed. Oxford University Press, 2005. (0195156773).
- *Encyclopedia of Cryptozoology: A Global Guide to Hidden Animals and Their Pursues* Michael Newton. McFarland, 2005. (0786420367).
- *Encyclopedia of the Documentary Film*. Routledge, 2005. (1579584454).
- *Encyclopedia of Multiethnic American Literature*. Emmanuel S. Nelson. Greenwood, 2005. (031333059X).
- *Encyclopedia of Psychoactive Plants: Ethnopharmacology and its Applications*. Christian Ratsch. Park Street Press, 2005. (0892819782).
- *Encyclopedia of Religion and Nature*. Bron Taylor, ed. 2 vols. Continuum International Publishing, 2005. (1843711389).
- *Encyclopedia of Twentieth Century Photography*. Routledge, 2005. (1579583938).
- *Encyclopedia of World War I: A Political, Social and Military History*. Spencer C. Tucker, ed. 5 vols. ABC Clio, 2005. (1851094202).
- *Immigration and Asylum from 1900 to Present*. Matthew J. Gibnery and Randall Hansen, eds. ABC Clio, 2005. (15706077969).
- *Oxford Encyclopedia of Latinos and Latinas in the United States*. Suzanne Oboler and Deena J. Gonzalez, eds. Oxford University Press, 2005. (0195156005).

Source: Outstanding Reference Sources is an award of the Reference and User Services Association (RUSA), a division of the American Library Association (ALA). This list is used with the permission of RUSA/ALA; [www.ala.org/rusa](http://www.ala.org/rusa).

## Муаллифлар ҳақида

**Кей Энн Кассел** Карнеги Меллон университетида бакалавр даражасини ва Рутгерс университетида кутубхоначилик йўналиши бўйича магистрлик даражасини олган. Номзодлик унвонини Халқаро битирувчилар университетида ёқлаган. У бир қатор илмий ва жамоат кутубхоналарида маълумот берувчи кутубхоначи ва кутубхона директори лавозимларида меҳнат қилган. Кассел хоним Америка кутубхоналар уюшмасининг (ALA) Маълумот етказиш ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш уюшмасини (RUSA) собиқ президенти. У айти пайтда ҳам мазкур тузилмаларнинг турли қўмиталари ишида фаол қатнашиб келади. У «Collection Building» журнали муҳаррири ҳамда коллекцияни ривожлантириш ва маълумот бериш хизматида бағишланган қатор мақола ва китоблар муаллифи. У Нью-Йорк жамоат кутубхонаси Филиал кутубхоналар бошқармасининг Коллекциялар ва хизматлар бўлими директори ёрдамчиси бўлган. У ерда Кассел хоним коллекцияни ривожлантириш ва турли ёшдаги фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш масалалари учун масъул бўлган. Айти пайтда у Нью-Джерси давлат университети Рутгерс ахборот ва кутубхоначилик тадқиқотлари маркази, Алоқа технологиялари мактабидаги дастур директори сифатида фаолият юритмоқда.

**Ума Хайрмат** Массачусетс штати Эймс эркин кутубхонаси директори ёрдамчиси. Хайрмат хоним, шунингдек, Тайер жамоат кутубхонаси директори ёрдамчиси сифатида ҳам меҳнат қилган. Ўз фаолияти давомида, шунингдек, Нью-Джерсидаги Вест Орандж жамоат кутубхонаси маълумот бўлими бошлиғи ва Нью-Йорк жамоат кутубхонасида беш йил давомида кутубхона назоратчиси лавозимида ишлаган. Хайрмат хоним Нью-Йоркдаги Прэтт институтида кутубхоначилик йўналиши магистри даражаси ва Питтсбург университетида сиёсатшунослик фанлари номзод унвонини олган.

10380 e

**Кей Эни Кассел ва Ума Хайрмат**

**XXI АСРДА МАЪЛУМОТ ВА АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ**

Мухаррир: У. Раджабова

Босишга 12.12.2014 рухсат этилди.  
Бичими: 60×90 1/16. Босма табағи: 29  
Адади 800.

«BAKTRIA PRESS» МЧЖ Нашриёт уйи  
Лицензия АИ № 203 28.08.2011 й., АИ № 229 16.11.2012 й.  
100000, Ташкент, Буюк Ипак Йули мавзеси, 15-25  
Тел.: +998 (71) 233-23-84

Mega Basim босмаҳонасида чоп этилди:  
Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey.  
[www.mega.com.tr](http://www.mega.com.tr)

ISBN 978-9943-4413-8-5